

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ГЕОГРАФИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
КАФЕДРАСИ**

“ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР”

мавзусидаги Илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 25 октябрь 2018 йил

ТОШКЕНТ - 2018

“География ва география таълимидаги муаммолар”. Конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2018. – 286 бет.

Республикада иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлаётгани каби таълим тизимида, хусусан олий таълим соҳасида ҳам туб ислохатлар амалга оширилмоқда. Олий таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришга оид қонун ости меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Ушбу илмий-амалий конференция материалларида замонавий географиянинг назарий масалалари, табиий, ижтимоий-иқтисодий география ва демография, картография, гидрология, топонимика, геоэкология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, география таълимида қўлланиладиган замонавий педагогик технологияларга оид мақолалар ўрин эгаллаган.

Конференция материалларидан география, геология, геоэкология, демография, гидрология, картография, метеорология, иқтисод, биология мутахассислари, тадқиқотчи, докторант, магистр ва талабалар ҳамда таълим соҳасининг ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

Доц. Н.Р.Алимкулов

Таҳрир хайъати:

Проф. П.Баратов
Проф. Ф.Ҳ.Ҳикматов
Доц. А.Низомов
Доц. А.Н.Ходжиматов
Доц. И.Х.Абдуллаев
Доц. Н.И.Сафарова
Доц. З.А.Аманбаева
Доц. У.Х.Сафаров

Тўпланда берилган мақолаларнинг илмийлиги, мазмуни ва келтирилган статистик маълумотларга муаллифлар масъул.

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети,
2018 йил 25 октябрь**

СЎЗ БОШИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида навбатдаги ташкил этилаётган “География таълими ва унинг муаммолари” мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий конференциянинг долзарб масалалар ечимига қаратилганлиги унинг номидан ҳам кўриниб турибди. Чунки, ҳозирги замон таракқиётининг йўналиши глобаллашув жараёнининг туб моҳияти ҳамда Ер шари аҳолисининг тинч-тотув яшашлари, дўстона муносабатларининг замини ҳам аксарият ҳолларда аҳолининг айниқса ёшларнинг географик билимларига боғлиқлиги сир эмас.

Мамлакат ёки ҳудудларда ишлаб чиқариш кучлари ва аҳоли жойлашувининг оқилона ташкил этилиши, мавжуд экологик муаммоларнинг ечими, табиий шароит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёш авлодни баркамол, ўз Ватанига содиқ-ватанпарвар тарзда тарбиялашда ҳам географик билимлар жуда зарур эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.

“География таълими ва унинг муаммолари” мавзусидаги ушбу анжуманнинг асосий мақсади ҳам мамлакатимиз ҳудудларидаги тегишли муаммоларни муҳокамага ташлаш ҳамда унинг илмий асосланган ечимларини ахтаришга қаратилган. Шунингдек, анжуманда мамлакатимизнинг етук географ олимлари билан бирга ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрлар ва иқтидорли талабалар ҳам ўз тадқиқот ишлари билан ўртоқлашишадилар. Бу ўз ўрнида илм соҳасидаги устоз-шогирд аъналарининг янада кенг қамров олишига имконият яратади. Анжуандан кўзланган асл мақсад ҳам шудир. Бу ишда барчангизга омад тилаб қоламиз. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига хуш келибсиз!

Ш.С.Шарипов
Низомий номидаги ТДПУ ректори

ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА И ОПЫТ ОТРАЖЕНИЯ ИХ В УЧЕБНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ ВУЗОВ

**Хикматов Ф.Х., Артикова Ф.Я., Аденбаев Б.Е.,
Юнусов Г.Х., Хужамова М.Т.***

Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека

Известно, что климат исключительно важен для поддержания жизни на Земле и его изменения оказывают непосредственное и глубокое воздействие на жизнедеятельность людей, продовольственную безопасность и, в конечном итоге, на устойчивое развитие общества. Степень и продолжительность потепления в конце XX века и в первом десятилетии XXI века была большей, чем за весь период инструментальных наблюдений (Чуб В.Е. и др., 2005, 2007). Это указывает на важность систематического изучения климата Земли, особенно, как его изменчивости по годам, так и изменения за многолетний период.

Исходя из вышеизложенного, в рамках проекта «Управление климатическими рисками» ПРООН, в НУУз, на кафедре Гидрологии суши, разработана программа специального курса (СК) «Изменение климата и управление климатическими рисками в Узбекистане»

Основной **целью** СК является ознакомление студентов высших учебных заведений РУз с вопросами изменения климата (ИК), его последствиями, климатическими рисками и проблемами их управления.

Весь материал специального курса разделен на 12 лекционных, 6 семинарских занятий. Каждое лекционное и семинарское занятие рассчитано на 2 часа. В программе также предусмотрено проведение ознакомительной практики в объеме 6 часов. Таким образом, общий объем усвоения материалов специального курса составляет 42 часа.

Ниже будет представлена структура каждого вида занятий.

I. Содержание лекционных занятий специального курса.

1-лекция. Введение в специальный курс (СК). Цель и задачи СК. Связь СК с климатологией, метеорологией и другими естественными и гуманитарными дисциплинами. Основные источники информации. Климат, жизнь и деятельность человека. Климат как природный ресурс. Краткие сведения об ИК. Природные катастрофы, связанные с ИК. О важности изучения и прогноза ИК. О международных действиях по ИК. Учреждение Межправительственной группы экспертов по ИК (МГЭИК). Рамочная Конвенция ООН об ИК. Конференции Сторон (КС). Киотский протокол и др. Национальные действия по ИК. Деятельность Узгидромета при МЧС РУз по ИК. Подготовка Национальных сообщений по ИК.

2-лекция. Общие сведения о климате. Основные определения и понятия. Геосферы. Атмосфера, погода, климат. Климатическая система. Глобальный и локальный климат. Мезоклимат и микроклимат. Климатообразующие факторы и процессы. Естественные климатообразующие факторы: астрономические, внешние геофизические, внутренние геофизические. Радиационные, географические и циркуляционные факторы. Центры действия атмосферы, климатологические фронты. Климатические пояса. Климатообразующие процессы. Теория климата - как основа предвидения его изменения. Математические модели климатической системы. 1-модель климата М.И.Будыко. Уравнение теплового баланса Земли. Учет парникового эффекта атмосферы. Эмпирическая формула

* **Хикматов Фазлиддин Хикматович** – зав. кафедрой Гидрологии суши НУУз им. Мирзо Улугбека, д.г.н., профессор;

Артикова Фарида Якубовна, Аденбаев Бахтияр Ембергенович, Юнусов Голиб Ходжаевич – доценты кафедры Гидрологии суши НУУз им. Мирзо Улугбека;

Хужамова Мухаббат Тогай кизи – магистрант кафедры

М.И.Будыко. Энергобалансовая модель климата М.И.Будыко. Сложные энергобалансовые модели. Глобальные циркуляционные модели.

3-лекция. Парниковый эффект и климат. Механизм парникового эффекта: приток солнечной энергии, инфракрасное излучение. Парниковые газы: водяной пар, диоксид углерода, озон, метан, закись азота, галоидуглероды и другие. Хлорфторуглероды, гидрофторуглероды, перфторуглероды. Усиленный парниковый эффект. Парниковые газы и аэрозоли. Парниковые газы естественного происхождения. Парниковые газы антропогенного происхождения. Источники парниковых газов. Стоки парниковых газов. Аэрозоли и их источники. Изменение уровня парниковых газов и климат будущего. Выбросы парниковых газов в будущем. Сценарии будущих выбросов. Сюжетные линии. Будущие концентрации парниковых газов и аэрозолей. Сценарии, подразумевающие «меры вмешательства». Стабилизация или сокращение выбросов. Региональные и сезонные прогнозы температуры. О задерживающем эффекте океанов.

4-лекция. Изменение климата и определяющие его факторы. Исторические сведения об ИК. Естественное ИК Земли. Временные шкалы изменения составляющих климатической системы. Важность знаний о естественном ИК в прошлом. Систематические данные о глобальной температуре. Исследования более ранних климатических условий. Воссоздание климатических условий в прошлом. Определяющие факторы изменения климата. Факторы изменения глобального климата: астрономические, географические, антропогенные. Теории, объясняющие причины климатических изменений: изменения солнечной активности и светимости Солнца; изменения параметров орбиты Земли или скорости ее вращения; усиление или ослабление вулканической активности; изменение газового состава атмосферы и другие.

5-лекция. Сценарии изменения климата. Сценарии (модели) ИК в глобальном масштабе. Климатические сценарии и их определения. Методы составления климатических сценариев: искусственные, аналоговые; модели общей циркуляции атмосферы и океана. Совмещенные климатические модели «атмосфера–океан». Сценарии МГЭИК. Модели изменения глобального климата, основанные на общей циркуляции атмосферы: CGCM1-TR, CSIRO-TR, ECHAM4, HadCM3, CCSR-NIES, GFDL-TR. Интерпретация климатических сценариев для территории Узбекистана. Особенности региональных климатических сценариев. Сценарии ИК Узбекистана, разработанные в НИГМИ. Составной аналоговый сценарий и его варианты. Аналоги процесса потепления. Меры потепления. Уменьшение неопределенности региональных климатических сценариев путем осреднения выходных результатов ряда глобальных моделей хорошо описывающих региональный климат. Интерпретация сценариев изменения глобального климата для условий Узбекистана и сопредельных территорий.

6-лекция. Последствия изменения климата. Последствия ИК в глобальном масштабе. Прогнозы изменения глобальной температуры к 2100 году. Результаты потепления: таяние полярных льдов; повышение уровня мирового океана. Региональные и сезонные прогнозы. Прогнозы атмосферных осадков. Частота и интенсивность экстремальных погодных явлений. Об ИК в XXI веке. Наиболее неблагоприятные последствия изменения глобального климата в будущем. Потенциальные выгоды ИК. Последствия ИК в Узбекистане и сопредельных территориях. Изменения температуры по агроклиматическим округам и районам. Изменения даты переходов температуры воздуха через 5, 10, 15 °С весной и осенью. Оценка изменения термических ресурсов горной зоны Узбекистана. Оценка возможных изменений водного режима рек бассейна Аральского моря.

7-лекция. Международные ответные действия по ИК. Начало международных ответных действий. Стокгольмская декларация (1972 г.) и I Всемирная конференция по климату (1979). Межправительственные конференции в конце 1980-х и в начале 1990-х годов. Учреждение в 1988 году Межправительственной группы экспертов по изменению климата (МГЭИК). Задачи МГЭИК. Конференции Сторон. Рамочная Конвенция ООН об изменении климата. Первый оценочный доклад МГЭИК об изменении климата. Призыв

Генеральной Ассамблеи ООН всем правительствам мира (декабрь, 1989 г.). Формирование Межправительственного переговорного комитета по Рамочной Конвенции об ИК (декабрь 1990 г.). Переговоры по Конвенции: точки зрения и взгляды различных стран. Принятие Рамочной Конвенции ООН об изменении климата (Рио-де-Жанейро, 9 мая 1992 г.). Стороны Конвенции: Стороны Приложения I; Стороны Приложения II; Страны с переходной экономикой; Стороны, не включенные в Приложение I. Конференция Сторон. Статус Конференции Сторон (КС). Вспомогательные органы КС: вспомогательные органы для консультирования по научным и техническим аспектам (SBSTA) и по осуществлению (SBI). Функция первого вспомогательного органа, функция второго вспомогательного органа. Другие уполномоченные органы РКИК. Киотский протокол и Марракешские соглашения. О необходимости Киотского протокола. Первая Конференция Сторон (1995 г.) в рамках «Берлинского мандата» - важный шаг к Киотскому протоколу. Третья Конференция Сторон (декабрь 1997 года, Японии) - принятие Киотского протокола. Киотский протокол – законодательный документ по ограничению выбросов. Критерии эффективности Киотского протокола и Марракешские соглашения. Механизмы ограничения выбросов: механизм чистого развития (МЧР); проекты совместного осуществления (ПСО); торговля квотами на выбросы. Киотский протокол.

8-лекция. Вопросы адаптации к воздействиям изменения климата. Определения МГЭИК по вопросам адаптации. Адаптация. Адаптационная политика. Адаптивная способность. Воздействия изменения климата, Чувствительность. Уязвимость. Адаптация к воздействиям, вызванным изменением климата. Признаки изменения климата: потепление, смещения времен года, возрастание частоты экстремальных явлений и др. О необходимости приспособления – адаптации к изменению климата. Роль обмена национальной информацией в адаптационной политике. Национальные сообщения о выбросах и их сущность. О дополнительных информациях развитых стран и стран с переходной экономикой. Этапы рассмотрения Национальных сообщений Сторон: первый, второй, третий. О порядке представления Национальных кадастров выбросов и абсорбции парниковых газов. Стратегии и меры развитых стран в области борьбы с глобальным потеплением климата.

9-лекция. Климатические риски и другие опасные климатозависимые природные явления, виды их проявления. Климатические риски, введение в проблему. Определение климатического риска. Факторы, увеличивающие климатический риск. Математическое выражение риска. Увеличение повторяемости опасных климатозависимых явлений в современный период и в будущем в соответствии со сценариями ожидаемых климатических изменений. Виды проявления климатических рисков и других климатозависимых опасных природных явлений. Засухи и их основные понятия. Метеорологическая засуха. Гидрологическая засуха, обусловленная дефицитом водных ресурсов. Сельскохозяйственная засуха и виды её проявления. Риски, связанные с ИК в Узбекистане. Риски, обусловленные дефицитом водных ресурсов. Опасные природные явления, вызываемые изменением климата: засуха, наводнения, оползни, грязевые потоки, сели, лавины, сильные штормовые ветры и экстремальные перепады температуры.

10-лекция. Общие и региональные подходы к УКР. Общие подходы к управлению климатическими рисками. Система раннего предупреждения засух. Адаптационные меры и действия. Информированность населения. Центральная-Азиатская программа по управлению климатическими рисками. О роли водного фактора в регионе. Многогранная Центральная-Азиатская программа ПРООН по управлению климатическими рисками (ЦА-УКР). Механизмы осуществления ЦА-УКР. Климатические риски в Узбекистане. Об усилении климатических рисков, таких как недостаток воды, экстремальные погодные условия, засуха, селевые паводки и др. Подходы к УКР в Узбекистане.

11-лекция. Засуха и другие опасные климатозависимые природные явления в Узбекистане, проблемы их раннего предупреждения. Засуха в Узбекистане. Особенности проявления засухи в Узбекистане. Метеорологическая засуха. Проблемы их раннего

предупреждения. Научно обоснованные подходы к смягчению последствий засухи. Гидрологическая засуха в Узбекистане. Особенности проявления гидрологической засухи в Узбекистане. Влияние гидрологической засухи на водные ресурсы рек бассейна Аральского моря. Вопросы раннего предупреждения гидрологической засухи. Долгосрочные гидрологические прогнозы, как научно обоснованный подход к смягчению последствий гидрологической засухи. Сельскохозяйственная засуха в Узбекистане. Признаки проявления сельскохозяйственной засухи на территории Узбекистана. Отрицательные воздействия сельскохозяйственной засухи на экономику страны. О возможности раннего предупреждения сельскохозяйственной засухи и смягчения ее последствия.

12-лекция. Правовое обеспечение управления климатическими рисками. Правовые определения терминов «риск» и «климатические риски». Три уровня правовых отношений в управлении климатическими рисками. Международные правовые акты по управлению климатическими рисками. Рамочная конвенция ООН об изменении климата (РКИК). Киотский протокол. Конвенция ООН «По борьбе с опустыниванием...» и др. Региональные правовые документы, направленные на управление климатическими рисками. Соглашение глав государств СНГ «О взаимодействии в области гидрометеорологии». Концепция гидрометеорологической безопасности государств – участников СНГ. Соглашение «О сотрудничестве в области экологического мониторинга» и другие. Национальные правовые документы управления климатическими рисками. Законодательные акты РУз, призванные обеспечить управление климатическими рисками. Эффективность законов и подзаконных актов РУз и их взаимосвязь с международными и региональными актами по вопросам ИК и управления климатическими рисками. Механизмы исполнения законодательных актов и их финансирование. Вопросы законодательного урегулирования органов управления.

II. Содержание семинарских занятий специального курса

Для семинарских занятий рекомендуются следующие темы: 1. Погода, климат, климатообразующие факторы и процессы, изменение климата и их последствия; 2. Международные ответные действия на изменение климата, проблемы адаптации к воздействиям изменения климата; 3. Климатические риски в РУз, климатозависимые опасные явления и их повторяемость на современном периоде и в будущем; 4. Общие и региональные подходы управления климатическими рисками; 5. Засуха и другие опасные климатозависимые природные явления в Узбекистане, проблемы их раннего предупреждения; 6. Вопросы правового обеспечения в отношении ИК и УКР.

Перечисленные выше темы могут быть изменены исходя из интересов и пожеланий слушателей в рамках обсуждаемой проблемы.

III. Организация и проведение ознакомительной практики.

Рекомендуется проведение ознакомительной практики в 2 вариантах:

1-вариант. На базе Центра Гидрометеорологической службы – Узгидромета при МЧС Республики Узбекистан;

2-вариант. Учебно-полевая практика с выездом в район Чарвакского водохранилища. В данном районе действуют гидрометеорологическая станция 1-го разряда Ходжикент, гидрологические станции и посты на реках Чаткал, Пскем, Угам, Чирчик и другие.

В заключение отметим, что разработанный специальный курс включен в рабочий-учебный план 4 курса бакалавриатуры направления 5140700 – Гидрометеорология, как курс по выбору и прошёл апробацию на кафедре Гидрологии суши НУУз имени Мирзо Улугбека.

Литература:

1. Агальцева Н.А., Рахматова Н.И. Засуха в Узбекистане: проблемы, раннее предупреждение и смягчение последствий // Экологический вестник. – Ташкент, 2012. - №9. – С. 23-27.
2. Будыко М.И. Антропогенные изменения климата. –Л.: Гидрометеоздат, 1987. – 405 с.
3. Воловик Е. Центральнo-Азиатская программа по управлению климатическими рисками: цели и задачи // Экологический вестник. – Ташкент, 2012. - №9. – С. 13-16.
4. Меркушкин А.С. Введение в проблему управления климатическими рисками в Узбекистане // ЭВ Узбекистана. – Ташкент, 2012. - №9. – С. 17-19.
5. Ососкова Т.А., Хикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Изменение климата. Специальный курс по вопросам ИК для студентов высших учебных заведений Республики Узбекистан. - Ташкент: НИГМИ, 2005.- 40 С.

6. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. -Ташкент: «VORIS-NASHRIYOT», 2007. – 132 с.

7. Чуб В.Е. Вопросы управления климатическими рисками в Узбекистане // Экологический вестник. – Ташкент, 2012. - №9. – С. 2-5.

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯСИНИНГ БАЪЗИ БИР МУАММОЛАРИ

Баратов П., Алимқулов Н.Р.

Низомий номидаги ТДПУ

Табиат инсоннинг ҳаёт кечириш ҳамда унинг моддий – маънавий эҳтиёжларини қондирувчи бирламчи манбадир. Чунки, инсон бутун меҳнат фаолияти давомида табиатда яшаб ўзи учун зарур бўлган барча нарсаларни озиқ–овқат, кийим–бош, қурилиш анжомлари, энергетика ва минерал ресурслар ҳамда бошқаларни меҳнати натижасида табиатдан олади. Лекин инсонлар табиат бойликларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида унинг таъсирига учрамаган табиий ландшафтлар қолмади. Натижада ҳаво ва сув ифлосланмоқда, тупроқ эрозияси тезлашмоқда, қайта шўрланиш содир бўлмоқда, ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турлари йўқолиб, камайиб кетмоқда, инсон саломатлигига таъсири сезиларли даражада ортмоқда. Буни Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистонда табиий ва айниқса, антропоген омиллар таъсирида иқлим ўзгариши, сув муаммолари, Орол денгизи муаммоси, қайта чўлланиш, қайта шўрланиш, агроэрозия, дефляция, сурилмалар, кўчкилар содир бўлмоқда. Ана шу бўлаётган салбий ўзгаришларни худудий жиҳатидан ўрганиш ҳамда башоратлаш Ўзбекистоннинг географ олимлари хусусан табиий географлари олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳозирги замон географияси ўша содир бўлаётган жараёнларни нима сабабдан қандай омиллар таъсирида айнан ўша ерда содир бўлаётганлигига эътиборни кенгроқ қаратишлари лозим.

Ўрта Осиё худуди хусусан, Ўзбекистондаги энг муҳим долзарб муаммо – бу сув муаммосидир. Чунки, барча хўжалик тармоқларини ташкил этишнинг асоси сув ресурслари ҳисобланади ва у инсоннинг барча хўжалик, ижтимоий – маданий ва турмуш фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ундан фойдаланишни баҳолаш ҳозирги кундаги муҳим муаммолари қаторида туради.

Ўрта Осиёда сув ресурслари чекланган бўлиб, Орол ҳавзасига кирувчи дарёларнинг кўп йиллик ўртача сув ресурси (миқдори) 126,9 км³ ни ташкил этади. Аммо, мавжуд асосий сув ресурслари (дарёлар) республикалар бўйича нотекис тақсимланган бўлиб, В.Е.Чуб маълумотларига кўра, 9,791 км³ Ўзбекистон худудида вужудга келган ҳолда 53,5 км³ Тожикистон, 50,8 км³ Қирғизистон, 2,61км³ Туркменистон, 10,49 км³ Қозоғистон худудида вужудга келади. Асосий сув истеъмолчи Ўзбекистон ҳисобланиб, унинг худудига йилига 95,642 км³ сув кириб келади. Шундан 52,291 км³ Амударё ҳавзасига, 43,351км³ Сирдарё ҳавзасига тўғри келади. Ўзбекистоннинг ўз худудида вужудга келадиган сув миқдори чекланган бўлиб, юқорида қайд қилинганидек 9,791 км³ ташкил этади. Ўзбекистон худудида вужудга келган сув ресурслари дарё ҳавзалари ва вилоятлар бўйича (жадвал маълумотига кўра) бир хил жойлашган эмас.

Ўзбекистоннинг ўз худудида вужудга келган сув ресурслари (А.Е.Чуб маълумотларига кўра)

№	Дарё ҳавзалари	Вилоятлар	Йилига км³
1	Чирчиқ	Тошкент	2,528
2	Оҳонгарон	Тошкент	1,214
3	Сурхондарё	Сурхондарё	3,033
4	Қашқадарё	Қашқадарё	1,336
5	Зарафшон	Самарқанд	0,345
6	Фарғона водийси	Фарғона, Андижон ва Наманган	1,193
7	Туркистон ва Нурота тоғларининг шимолий ёнбағирларидан оқувчи дарё ва сойлар	Жиззах, Навоий	0,142
	Жами:		9,791

1. Чирчиқ дарёсининг йиллик сув ресурси 7,478 км³ бўлиб уни 3,528 км³ Ўзбекистон худудида, 2,824 км³ Қирғизистон худудида, 1,126 км³ Қозоғистон худудида вужудга келади.

2. Зарафшон дарёсининг йиллик сув ресурси 5,139 км³ бўлиб, унинг 0,254 км³ Ўзбекистон худудида вужудга келади, қолгани Тожикистон худудига тўғри келади.

Жадвал маълумотларига кўра, Ўзбекистон худудида вужудга келган сув билан таъминланишда Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари қулай имкониятларга эга. Бошқа вилоятларни сувга бўлган талаби асосан Қирғизистон ва Тожикистондан бошланувчи Амударё ва Сирдарё ҳавзаси ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон худудига оқиб келаётган сувнинг (95,642 км³) 57,781 км³ истеъмол қилиниб, қолган 47,562 км³ қисми республика худудидан ташқарига оқиб чиқиб кетади. Ўзбекистон истеъмол қиладиган сувнинг (57,78 км³) 100 % бўлса, шундан 92,0 % қишлоқ хўжалигига, саноатга 6 %, маиший–коммунал хўжаликларига 0,5 % эҳтиёжларига ишлатилмоқда, 1,5 % буғланиб кетмоқда. Шундан кўришиб турибдики, асосий сув истеъмолчи соҳа бу қишлоқ хўжалиги, хусусан суғорма деҳқончилик саналади. Шуни қайд қилиш керакки, ҳозир республикамизда кўпчилик ҳолларда ерларни суғориш коидаларига ва нормасига риоя қилмаслик, суғориш ва зовур дренаж шахобчаларининг насозлиги оқибатида қайта шўрланиш, агроэрозия, ботқоқлашиш ҳодисаси содир бўлиб, суғориладиган ерлар яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда. Бундай ҳолатга чек қўйиш учун биринчидан, экин майдонларини суғориш нормасига риоя қилиш ва суғоришнинг оптимал усуллари (ёғдириб суғориш, тупроқ остидан суғориш, томчилаб суғориш, шланг ва тарновлар ёрдамида суғориш ва ҳақозо) фойдаланиш; иккинчидан мавжуд суғориш тизимларини қайта таъмирлаш, яъни каналлар ёнлари ва остини битонлаш, полиэтилен плёнкалар қоплаш, шланг ва тарновлар қуриш орқали сувнинг буғланишини камайтириш суғориш тармоқларини фойдали иш коэффициенти (ФИК)ни ошириш; учинчидан суғориладиган ҳудудлардаги зовур-дренаж тизимларини қайта таъмирлаб тўлиқ ишлашини таъминлашга эришиш; тўртинчидан маълум ҳудудни ўзлаштиришда унинг табиий шароитини албатта ҳисобга олиб, экинларнинг маълум турини экишга эришиш; бешинчидан, бирор ҳудудни қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларини ўзлаштиришда олимлар тавсияларини ҳисобга олишни алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбекистонда экин майдонларини суғоришга дарёдан олинаётган сувнинг бир қисми буғланишга сарфланса, бир қисми ерга шимилиб сизот (грунт) сувларини ҳосил қиладди. Суғорилаётган майдон нишаб бўлса, ўша сизот сувлари секин ҳаракат қилиб, дарё ўзанига яна қайтиб келади. Суғориладиган майдон текис бўлса ўша сизот сувлари тунланаверади, оқибатда у кўтарилиб, ерлар шўрлашиб, захкаш ерга айланади. Ўша тунланган сизот сувлари зовур-дренаж орқали четга чиқариш орқали грунт сув сатҳини пасайтириш ҳисобига минераллашган шўр сув ҳосил бўлади уни қайтарма сув деб аталади. Қайтарма сувлар икки турга ўзанли ва ички тармоқли бўлади. Агар суғориладиган майдонлар ерга шимилган грунт сувлари ер ости бўйлаб табиий ҳолда сизот (оқиб) дарёга қайтиб тушса, уни ўзанли қайтарма сувлар дейилади. Бунга Фарғона, Сурхондарё ва Зарафшон водийларидаги сизот, Сирдарё, Зарафшон, Сурхондарё дарёларига тушаётган қайтарма сувлар мисол бўлади. Аксинча, суғориладиган минтақаларнинг ерга шимилган грунт сувларини зовур-дренаж тармоқларини казиб четга ёки дарёга чиқариб ташланса уни ички тармоқли қайтарма сувлар деб айтилади.

Қайтарма сувларни мақсадли ҳавзаси бўйича ўртача 13,0-13,5 км³, бу суғоришга сарфланган сувнинг 32,5 % демакдир. Бу кўрсаткич Амударё ҳавзаси бўйича 13,5-14,0 км³ бўлиб, суғоришга олинган сувлар 27 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича суғоришга олинган сувнинг таминан 25-26 % (15-16 км³) ўша қайтарма сувлар ҳиссасига тўғри келади. Қайтарма сувларнинг суғориладиган минтақадан ташқаридаги табиий чуқурликларга оқизиб юбориш орқали бир қанча антропоген қўллар вужудга келган. Баъзи ҳудудларида суғориладиган минтақадаги грунт (сизот) сувлари ер юзасининг нишаб бўлганлиги туфайли дарё тамон силжиб, унга қўшилиб (Амударё, Сирдарё, Зарафшон) сувларни ифлослаб истеъмол қилишга яроқсиз ҳолатга келтирмоқда. Шунингдек, саноат корхоналаридан ва маиший-коммунал хўжалиқдан чиқаётган оқава сувлар кўп ҳолларда

тозаланмасдан табиий манбаларга ташлаш оқибатида баъзи дарё сувлари ифлосланиб тўғридан-тўғри истеъмолга яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда сув ресурсларининг танқислиги сезилмоқда, бунга асосий сабаб суғоришга олинган сувнинг 25-26 км³ (тахминан 40%) ирригация тизимларининг мукамал эмаслиги, суғориш қоидасига риоя қилмаслиги оқибатида, ичимлик сувининг 5-10% и қувурларнинг носозлиги, 15-20 % и эски ускуналардан фойдаланиш сабабли исроф бўлмоқда.

Ўзбекистонда сув бойликларини танқислигига яна бир сабаб аҳолининг тез суръатларда ўсиши, саноат тармоқларининг ривожланиши туфайли сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, сув тақсимот ва сув тежаш жараёнларини бошқаришнинг самарали механизмларининг йўқлигидир. Ўзбекистонда бугунги кунда сув бойликларидан тежамкорлик билан фойдаланиб, уни покиза сақлаш долзарб муаммолардан хисобланади. Бу муаммони ҳал қилиш қуйидаги чора-тадбирларни зудлик билан амалга оширишни тақазо қилади ва бу жуда зарур.

- Барча саноат корхоналарида илғор технологияларни қўллаб тоза сувдан фойдаланишнинг берк (айланма) сув таъминотига ўтиш;

- Бир-бирига яқин корхоналар сувдан кооперативлашган ҳолда фойдаланишга эришиш;

- Саноат корхоналарида совутиш ишларини сув ёрдамида эмас, ҳаво ёрдамида амалга ошириш;

- Корхоналарда эҳтиёжи учун олинаётган чучук тоза сув учун эмас, балки чиқариб ташлаётган ифлос оқава сувнинг миқдорига қараб ҳақ тўлашни жорий этиш;

- Сув ресурсларини иқтисод қилишда шаҳар, қишлоқларда водопаровод тармоқларининг очиқ қолишига ва носозлигига чек қўйиш зарур. Агар водопаровод очиқ қолса 10 секундда 1 литр, 2 соатда 1 м³, бир суткада 48 м³, бир ойда 14400 м³, бир йилда 4187000 м³ сув бекорга сарфланади.

- Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувнинг исроф бўлишига чек қўйиш, суғориш тармоқларини қайта қуриб сувнинг шимилиб кетишини камайтириш, суғоришнинг янги усулларини қўллашни амалга ошириш;

- Зовур-дренаж сувларининг табиий манбаларга тушишига чек қўйиш, масалан, Амударё ва Сирдарё дарёларининг ўнг ва чап қирғоқлари бўйлаб, йирик зовурлар қуриб Орол денгизи томон оқизишга эришиш;

- Дарё ўзанларидан кум, шағал олишни тартибга солиш, дарё қайирларида “дала ҳовли” учун ер майдонларнинг ажратилишини табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари розилиги билан амалга ошириш;

- Сув истеъмол қилишнинг илмий асосланган нормативини ишлаб чиқиш ҳамда сув сифатини мунтазам назорат қилиш;

- Ўзбекистонда сойлар табиий шароитини, сув режимини ўрганиб, тартибга солиш учун улар водийларида кичик сув омборлари ва ҳовузлар қуриш йўли билан баҳорги тошқин-сел сувларини тартибга солиб, улардан самарали фойдаланишга эришиш.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда сув билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо-бу музликлар муаммосидир. Ўрта Осиё тоғларида 8000 та ҳозирги замон музликлари жойлашган бўлиб, уларда 2244 км³ сув захираси мавжуд, Орол денгизи ҳавзасида жойлашган дарёларнинг ўртача кўп йиллик сув миқдоридан 17 марта кўп. Бинобарин, музликлар дарёларни, хусусан Амударё ва Сирдарё дарёларининг ҳавзаси сув йиғилишида жуда муҳим аҳамиятга эга. Музликлар дарёларни сув билан таъминлаб турувчи табиий лобаратория вазифасини ўтаб, уни қуйидаги маълумотлар орқали исботлаш мумкин. Географ В.Л.Шульцнинг маълумотида кўра, Ўрта Осиё дарёлари музларнинг эришидан олинадиган сув миқдори (уларнинг юқори қисмида) ўртача йиллик оқимининг 20-25 % ини ташкил этади, бу Амударёнинг йиллик сув сарфига тенг. Лекин, шуни афсус билан қайд қилиш керакки, сўнгги йилларда атмосферанинг ифлосланиши, ҳар-хил чанг аралаш тузлар, чанг, кул музликларнинг юзасига тушиб унинг эришини маълум даражада тезлаштирмоқда, агар уни олдини олиш чоралари

кўрилмаса келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу туфайли тузларнинг эриш жараёни мувозанатини ўз ҳолича (табiiй ҳолича) сақлаб қолиш атмосферани тоза сақлаш, Орол денгизи муаммосини ҳал қилиш билан узвий боғлиқ.

Музликлар антропоген омиллар таъсирида эриши тезлашиб бораверса, охири провардида уларнинг майдони қисқариб, ундан сувнинг асосий қисмини олувчи Амударё, Сирдарё, Зарафшон каби дарёлар режими ўзгариб кам сувли, ёзда суви камайиб қолувчи дарёлар қаторига кириб қолиши мумкин.

Ўзбекистонда сув билан боғлиқ бўлган яна бир муаммолардан бири худудига тушаётган атмосфера ёғинларидан фойдаланиш муаммоси. Бу муаммо янгилик эмас, чунки чўлларда аждодларимиз қадимдан қишки, баҳорги ёғин сувларини сардоба, чир қудуқларда тўплаб, ундан ёз бўйи фойдаланганлар. Ҳозирги кунларда чўллар юзасига тушаётган чучук ёғин сувлари буғланиб, ерга сизиб, ер ости шўр сувларига айланиб кетмоқда. Тақирлар юзасига тушадиган ёғин сувларидан чорва моллари ичишини ҳисобга олмаганда ҳозирда улардан кам фойдаланилмоқда. Уларда тўпланган ёғин сувлари 1,5 - 2 ой туриб ёзнинг жазирама иссиғида буғланиб, шимилиб кетмоқда. Географ олим В.Н.Кунинанинг маълумотига кўра, Ўрта Осиё чўлларидаги 1км² майдонга эга бўлган тақирда йилига 15 минг метр³ ёғин сувини тўплаш, бинобарин Қизилқумнинг ўзидаги тақир ва тақирли ерларда йилига 35км³ чучук ёғин сувини тўплаш мумкин. Бу сув миқдори Сирдарёнинг йиллик сув миқдорига тенг. Ўрта Осиё чўлларида ўрта ҳисобда йилига 100 мм ёғин тушса, худудда йилига 200-210 км³ сув тўпланади. Бу Амударё йиллик сув миқдоридан тахминан 3 марта кўп. Фақат Ўзбекистон ва Туркменистондаги чўлларда йилига 67 км³ ёғин суви тўпланиши мумкин.

Чўлларда, хусусан Қизилқумда тақирлар худуд бўйича нотекис жойлашган бўлиб, зарур бўлган жойларда (аҳоли пунктларида, чорвачилик ерларида ва ҳ.к.) кам, бўлганлари ҳали кичик. Бу табиат йўл қўйган “хатосини” тузатишга қаратилган илмий текширишлар оқибатида “сунъий тақирлар” бунёд этиш ғоялари вужудга келди. Бунинг учун чўлларда рельефи пастқам худудларнинг табiiй шароитини пухта ўрганиб, уларни асфальтлаш, битонлаш, ёки арзон полиетилен қоплаш тавсия этилади. Чўлларда бундай усуллар билан ёғин сувларини тўплашга эришиш эртанги куннинг муҳим вазифалари ҳисобланади ва у билан географлар, геологлар, гидрологлар, иқлимшунослар, геоботаниклар биргаликда илмий изланишлар олиб боришлари лозим.

Адабиётлар

1. Кунин В.Н. Местное вода пустыня их использование. Москва, 1959 й.
2. Шульц В., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. “Ўқитувчи” Т.: 1969 й.
3. Баратов П. Ўрта Осиё дарёларининг ҳўжалик аҳамияти. “Ўзбекистон” Т.: 1981 й.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ

Қаюмов А.А.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

География фанининг бугунги кундаги ҳолати кўпинча қарама-қарши фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Бир томондан география, айниқса иқтисодий географиянинг ижтимоий мақоми унинг мавжуд салоҳиятига тўғри келмайди. Иккинчи томондан жамиятда юз бераётган турли хил табiiй офатлар, экологик инқирозлар, индустриализация ва урбанизация жараёнларининг ниҳоятда илдамлашиб кетиши оқибатида ўнлаб мегаполисларнинг, шу жумладан ҳозирги вақтда амалда бошқариб бўлмайдиган ҳолатга тушган ҳамда Бангладеш, Нигерия, Мексика, Ҳиндистон, Бразилия каби мамлакатларда вужудга келган мегаполислар Мумбай, Калькота, Жакарта, Лагос, Мехико, Рио-де-Жанейро ва бошқаларнинг шаклланиши дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик, геосиёсий вазиятларни тобора мураккаблашиб, чуқурлашиб бораётган ҳолатга олиб келиши географиянинг, шу жумладан жамиятнинг худудий ташкил этилишини тадқиқ қилувчи

иктисодий ва ижтимоий географиянинг вазифаларини кўпайиб, чигаллашиб кетганлигидан далолат бермоқда.

Биз қандай босқичда туризмизки, бунда ҳам янги вазифалар табиатни ҳам тўлалигича тушуниб етмадик, улар билан алоқадор холда фаннинг ташкил этилиши ўзгартирилмаган, эришган ютуқларимизнинг назарий тушунчаларимиз тўпланган аниқ натижаларимизни таҳлил қилишга улгурмаяпти. Фандаги дифференциация жараёнлари ханузгача унда юз бераётган интеграция жараёнларидан устунлик қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, дифференциация барча фанларда миқдор ўзгаришларини келтириб чиқарувчи жараён, интеграция эса сифат ўзгаришлари билан боғланган бўлиб, у фанга алоқадор ҳар қандай элемент ичида ўзгаришларни, фан тараққиётида янги тенденцияларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси даставвал замонавий фан-техника тараққиёти билан алоқадор тарзда амалга ошади.

Шу вақтнинг ўзида географияда муаммоли ёндашув кучайиб бормоқда, яъни бирор-бир воқеа ёки ҳодисани тадқиқ этишда география билан ёнма-ён бошқа ижтимоий-иктисодий фанлар ҳам иштирок этмоқда. Яъни индустриализация ёки урбанизация жараёнларини тадқиқ этишда география билан бир вақтда иктисодий фанлар, фалсафа, социология, психология, экология каби, фанлар узвий тарзда иштирок этмоқда. Лекин бари-бир география, даставвал иктисодий ва ижтимоий география жамиятнинг ҳудудий ташкил этилишини ўрганувчи фан сифатида мазкур тадқиқотда асосий ролни ўйнамоқда.

Интеграция жараёни фанга янгича, нисбатан кенг қарашни, бунда фан камровидан фалсафий камровга ўтиши, янги парадигмаларни ахтариб топиш талаб қилади.

Кўп йиллар мобайнида фанда дифференциация жараёни ҳукумронлик қилган, географияда у жуда кўп фанларни (иқлимшунослик, геоморфология, гидрология ва б.) мана шундай дифференциацияни иктисодий география ичида ҳам амалга ошган унда ҳам қатор янги фанлар – аҳоли географияси, саноат географияси, транспорт география ва бошқа фанлар вужудга келди.

Дифференциация жараёни география фанлари тизимининг икки табиий география ва иктисодий география ўртасидаги фарқларни кучайишига олиб келган. Улар фақат айрим пайтларда ғояларининг умумийлиги ёки бир-бирига яқинлиги эмас, балки факультет ёки институт (университет) доирасидаги умумий тадбирлар туфайли бирлашар эдилар.

Маълумки, “географик муҳит” тушунчаси география фанининг асосий объекти бўлган табиий-ижтимоий комплекс ҳисобланади.

Шу ўринда қатор олимларнинг сўзларини келтириш ўринлидир. Йирик географ-файласуф Н.К.Мукитанов “Географик фанларни тизимлаштириш икки асосдан, субъектив – объектив муносабатларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиши лозим” деб такидлаб ўтган¹. Академик Б.М.Кедров географияни оралиқ фанлар қаторига киритган. “Оралиқ” фанлар доирасида табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро ўзвий алоқадорлик мавжуд бўлиб, биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам бир фаннинг турли томонлари сифатида фаолият кўрсатади².

Болтиқ бўйилик олим Э.Мересте шундай ёзади: География табиий фан ҳам, ижтимоий фан ҳам эмас. У икки фанлар қобиғи чегарасида жойлашган бўлиб, табиий-ижтимоий фандир³.

Шундай қилиб география ичида интеграция давом этган бундай ҳолатни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳаётий талаб зарур бўлган назарий умумлаштиришларни ортда қолдирмоқда.

Иктисодий география ижтимоий фан, лекин у географик фанлар комплексининг ажралмас бир бўлагидир. Иктисодий география ишлаб чиқаришни ҳудуд бўйича жойлаштиришда, иктисодий районлаштириш назарияси асосида, ҳудудий ижтимоий-иктисодий тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатиши ҳамда ушбу

¹Мукитанов Н.К. Методологические проблемы теоретизации географического знания: Автореферат докт. дис. М., 1980. 27ст.

²Кедров Б.М. Источники и формы взаимосвязи наук.-Вопросы философии, 1973, №10, 50-53 ст

³Теоретическая и математическая география. Таллин. 1978, 67ст

тизимларни бошқариш жараёнларини тадқиқ этишда фаол иштирок этади. Ундан ташқари иқтисодий географларнинг тадқиқот натижалари бошқа фанлар, шу жумладан минтакавий иқтисод фани ўз тадқиқотларида фойдаланади.

Маълумки, ҳар қандай фан ўзига тегишли асосий тушунчага махсус ёндашуви орқали шаклланади, ривожланади. Иқтисодий географияда даставвал фан номи тадқиқот объектнинг кенгайтирилиши ҳисобига ўзгарди. Энди мазкур фан “иқтисодий ва ижтимоий география”, “ижтимоий ва иқтисодий география” ва бошқа синоним ҳисобланган номлар билан юритилади.

Шу ерда ҳар қандай фанга хос объекти, предмети ва тадқиқот мазмунини бир-биридан фарқ қилишини айтиб ўтиш зарур. Объект доимо предметга нисбатан кенгроқдир. Тадқиқот мазмуни фан предмети томонидан белгилангандан кенгроқ бўлиши мумкин, ҳамда “объект” тушунчаси доирасида келтирилган таърифдан фарқ қилиши мумкин.

Кейинги йилларда иқтисодий географияда “жамиятнинг ҳудудий ташкил этилиши” тушунчасидан борган сари кенг фойдаланилмоқда. Агар биз иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти сифатида ушбу тушунчани қабул қилсак, унда унинг предмети бўлиб жамиятнинг ҳудудий ривожланиши белгилаб берадиган ҳудудий боғлиқлик ва ўзаро алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиш қонунлари ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳудудий боғлиқлик яна ўзаро алоқадорлик иқтисодий ва ижтимоий география объекти ва предметининг асосий элементлари ҳисобланади. Улар “ҳудудий ташкил этилиши”, “ҳудудий тизим”, “ҳудудий таркиб” каби тушунчалар билан ўзвий алоқадордир. Бу ерда “ҳудудий ташкил этилиши” тушунчаси “ҳудудий тизим” ва “ҳудудий таркиб” тушунчаларидан кенгроқ ҳисобланади. “Ҳудудий тизим” эса ўз навбатида “ҳудудий таркиб”дан кенгроқдир. Мазкур тушунчаларнинг шаклланишида энг муҳим жиҳат тизим ҳосил қилувчи алоқанинг ривожланишидир. “Таркиб” тушунчаси алоқалар мавжудлигидан далолат беради. Лекин ушбу алоқалар ўзига тегишли элементлар ўртасида мавжуд бўлади. “Тизим” тушунчасида диққат-эътибор жами ички ва ташқи алоқалар бўйича тўпланади. Айнан тизимли тасаввурлар Н.Н.Колосовский томонидан яратилган ишлаб чиқариш ҳудудий комплекслар (ИЧХК) концепцияси асосини ташкил этади. ИЧХК русча ПТК (производственно-территориальный комплекс) концепцияси Н.Н.Колосовский томонидан мамлакат ҳудудини иқтисодий районлаштириш мақсадида ўрганишнинг асосий методи сифатида таклиф қилинган эди. Шу ерда ПТК иқтисодий райондан мазмуни бўйича кенгроқ, ҳажми бўйича торроқ эканлигини тўғри таъкидлаб ўтган О.И.Шоблий ғоясини таъкидлаб ўтиш зарур⁴. ПТКнинг иқтисодий самараси районнинг табиий ва иқтисодий шароитларига мос ҳолда танлангани ва жойлаштирилгани билан боғлиқ⁵. ПТКҳақидаги таълимот ҳамда унинг қатор категориялари ҳозирги тизимли ёндашув умумметодологик ғоялари ва тушунчаларига жуда яқин, - деб таъкидлаган А.А.Минц⁶. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва ижтимоий география тўғрисида қўйидагиларни айтиш мумкин:

- иқтисодий география - ижтимоий-иқтисодий географиянинг йўналиши бўлиб, у одамлар ва ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллариининг ҳудудий жараёнларини ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ижтимоий меҳнат унумдорлиги нуқтаи назардан тадқиқ этади. Иқтисодий география тадқиқот объектлари бўлиб халқ хўжалигининг ҳудудий таркиби ҳамда унинг энг муҳим элементлари –иқтисодий район, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси, саноат тугуни, ривожланиш қутби ва бошқа ишлаб чиқариш шакллари ҳамда аҳоли жойлашуви шакллари ҳисобланади.

- ижтимоийгеография - иқтисодийва ижтимоий географиянинг йўналиши бўлиб, у одамлар ва ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этилиши шакллариининг ҳудудий жараёнларини энг аввало инсон, унинг меҳнат, турмуши, дам олиши, шахсни ривожланиши ва ҳаётни такрор барпо қилишни нуқтаи назардан тадқиқ этади.

⁴Шоблий О.И. Межотраслевые территориальные системы. Ль вов, 1976.200 ст

⁵Колосовский Н.Н.Основы экономического районирования. М., 1958, 138 ст

⁶Минц А.А. Теоретические вопросы физической и экономической географии. М., 1972, 103,104 ст

Халқ хўжалигининг энг муҳим элементи – иқтисодий район – бу мамлакат халқ хўжалигининг ҳудудий бир-бутун қисми. У ихтисослашув, комплекслиги ва уни бошқариш мумкинлиги билан ажралиб туради. Унинг асоси бўлиб ҳудудий ишлаб чиқариш комплекси хизмат қилади⁷.

Иқтисодий районлаштириш энг аввал ишлаб чиқаришни табиий шароит ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистонни иқтисодий районлаштиришда иккита ёндашувдан фойдаланилади. Биринчи ёндашувда иқтисодий район билан республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлаги бир деб қабул қилишади.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари республика иқтисодиётини 6 та минтақага тақсимлаб ўрганишни таклиф этишади. Ушбу ёндашувга биноан республикада қўйидаги минтақалар ажратилган:

I. Тошкент, унинг таркибида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мавжуд;

II. Фарғона, таркибида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари жойлашган;

III. Мирзачўл, таркиби Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан иборат;

IV. Зарафшон, таркибида Бухоро, Навоий ва Сакмарқанд вилоятлари мавжуд;

V. Жанубий – Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан ташкил топган;

VI. Қуйи Амударё, таркиби Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятдан иборат.

Тошкент ва Фарғона минтақалари сув ва ер ресурслари билан нисбатан яхши таъминланган. Қуйи Амударё ва Зарафшон минтақалари қониқарли, Мирзачўл ва Жанубий минтақалар қониқарлидан сал яхшироқ тарзда таъминланган. Барча минтақалар миқдоран меҳнат ресурсларига бой. Лекин уларнинг сифати турлича. Тошкент, Фарғона ва Зарафшон минтақаларида сифат яхши.

Ўзбекистон минтақалари минерал ресурслар билан бирмунча яхши таъминланган. Ёқилғи ресурсларидан қўнғир қўмир Тошкент минтақасида яхши захирага эга, лекин қўмир сифати паст, у кўпроқ энергетик аҳамиятга эга. Тошқўмир оз миқдорда Жанубий минтақада мавжуд, у маҳаллий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда нефть оз миқдорда Жанубий (Қашқадарё вилояти), Фарғона ва Зарафшон минтақаларида қазиб олинади. Табиий газнинг йирик конлар Жанубий (Қашқадарё вилояти) ва Қуйи Амударё (Қорақалпоғистон Республикаси) минтақаларида топилган.

Республикада қора металлларнинг рудалари деярли мавжуд эмас. Қора металлургия иккиламчи хом ашёда ишлайди. Шу билан бир вақтда рангли металлларнинг турли хил рудалари кўп. Мис, қўрғошин, рух Тошкент, Жанубий, Зарафшон минтақаларида, олтин Зарафшон, Тошкент ва Фарғона минтақаларида топилган. Мамлакатда ош, калий ва фосфор тузларига ҳамда турли хил қурилиш материаллари (мармар, гранит ва б.)га бой. Буларнинг барчаси мамлакатда турли ихтисосга эга минтақаларнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминламоқда.

Бу ва бошқа жиҳатлар республикада иқтисодий районларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминламоқда. Чунки ҳар бир минтақа унинг ўзига хос ихтисослашувига, комплекс ривожланиш йўналишига, бошқарувнинг айрим элементларига эга бўлдики, биз бундай ҳудудни иқтисодий район деб аташга ҳақли бўлдик.

⁷Аллаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. М.: Мысль, 1983. 33-34 ст

ЛАНДШАФТ СФЕРАСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СТРУКТУРАСИ

Абдулқосимов А.А., Ярашев Қ.С.*

Самарқанд давлат университети

Географик қобикнинг структураси шунчалик мураккабки, унинг яруслик тузилишида барча геосфералар қаторида ландшафт сфераси ҳам иштирок этади. Географик қобик таркибида ландшафт сферасининг мавжудлиги тўғрисида фикр биринчи бўлиб Ф.Н.Мильков томонидан айtilган ва географик адабиётларга киритилган. Ернинг ландшафт сфераси географик қобикнинг нафас олувчи ўпкаси бўлиб, у атмосфера, литосфера ва гидросфераларнинг бир-бири билан бевосита туташган зонада вужудга келган. Ландшафт сфераси бутун Ер юзаси - материклар ва океанларни қоплаб олган, мураккаб структурага эга бўлган ландшафт комплекслари мажмуасидан ташкил топган. Бу сферада атмосфера, литосфера ва гидросфераларнинг бевосита туташishi ва уларнинг бир-бирига фаол таъсир этиши натижасида ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиладиган ва Ернинг бошқа қобикларига ўхшаш бўлмаган геотизимлар ҳосил бўлган.

Ландшафт сфераси географик қобикнинг асосий ҳаёт тугуни бўлиб, унда сайёрамизнинг 99% тирик организмлари яшайди. Чунки бу сферада органик ҳаётнинг ривожланиши учун барча қулай шароит мавжуд. Шу боисдан Ф.Н.Мильков Ернинг ландшафт сферасини географик қобикнинг биологик фокуси деб таърифлаган. Ландшафт сферасига ер пўстининг нураш зонаси, ички сувлар, тупроқ-ўсимлик қоплами, хайвонот дунё, тропосферанинг ерга яқин қатлами киради. Ландшафт сферасида энергия ва моддаларни трансформациялаштирувчи асосий механизмлар ҳам мавжуд. Унда эриш, чириш, тикланиш, оксидланиш, биологик синтез, тупроқ ҳосил бўлиш жараёни, тоғ жинсларининг емирилиши, юмшоқ жинсларнинг кўчиши ва ётқизилиши, атмосфера ёғинларининг тушиши, транспирация, турли хил рельеф шакллари ҳосил бўлиши узлуксиз давом этади.

Биобарин, ландшафт сферасини сайёравий бир бутун ва мураккаб геокомплекс сифатида ажратиш, уни географик қобикқа қарши қўйиш эмас, балки, географик қобикнинг моҳиятини ва унинг структурасини янада мукамалроқ, очиқ беришдан иборатдир. Ландшафт сфераси географик қобикнинг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг туб моҳиятини англаш ва батафсил ўрганиш географик қобикнинг структурасини ва динамикасини асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ернинг ландшафт сфераси ниҳоятда мураккаб табиий географик комплекс бўлиб, у бошқа геосфералардан ўзига хос бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Булар қуйидагилардан иборат: 1) ландшафт сферасининг горизонтал структураси жуда мураккаб ва ранг-баранг. Унинг ҳудудий табақаланиши ва структурасининг мураккаблиги кўп сонли геокомплекслар ва геотизимлардан ташкил топганлигидадир; 2) ландшафт сферасини ташкил этувчи ҳудудий ва аквал комплекслардаги организмларнинг деярли ҳаммаси ландшафт-зоналик қонуниятига бўйсунган ҳолда табақаланган. Шу билан бирга географик компонентлар ва табиий географик жараёнлар зоналдир; 3) сайёрамизда мавжуд бўлган ўсимлик олами ва тирик организмларнинг деярли ҳаммаси ландшафт сферасида мужассамлашган. 4) ландшафт сферасининг қалинлиги икки ўлчовда - биринчидан кутблардан экваторга қараб ва иккинчидан кичик морфологик бирликлардан йирик регионал бирликларга қараб орта боради; 5) Ернинг ландшафт сфераси мустақил табиий чегарага ва ўзига хос қалинликка эга бўлган сайёравий комплекс бўлиб, у янги шаклланган фан - ландшафтшуносликнинг асосий объекти ва предмети бўлиб хизмат қилади.

Ернинг ландшафт сфераси географик қобикқа ўхшаш ўзининг қалинлигига ва вертикал чегараларига эга. Аммо, ландшафт сферасининг қалинлиги географик қобикнинг қалинлигига нисбатан жуда кам бўлиб, у ўнлаб метрлар билан ўлчанади. Ландшафт

* **Абдулқосимов Али** – Самарқанд давлат университети Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси профессори, г.ф.д.;

Ярашев Қувондиқ Сафарович - Самарқанд давлат университети Гидрометеорология кафедраси доценти в.б., PhD.

сферасининг қалинлиги кутблардан – Арктика ва Антарктикадан экваторга қараб орта боради. Арктика саҳроларида ва тундра зонасида унинг қалинлиги 5-10 м дан юқори кўтарилмайди, тропик ва экваториал минтақаларда эса 150-200 м гача етади (Мильков, 1970). Бу борада ландшафт сфераси билан географик қобик ўртасида умумий ўхшашлик бор. Географик қобикда ҳам қалинлик кутблардан экватор томон оша боради.

Дунё океанида ландшафт сферасининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган икки яруслик вужудга келади. Бунинг сабаби катта қалинликдаги океан сувида Ернинг асосий қобиклари атмосфера, гидросфера ва литосфералар интеграллашган ҳолда бевосита туташган, бир-бирига таъсирчан ва ўзаро алоқадорликда бўла олмаслигидадир. Улардан фақатгина иккитаси, атмосфера билан гидросфера ва гидросфера билан литосфера бир-бири билан тўғридан-тўғри туташган бўлиши мумкин. Атмосфера литосферадан бир неча километр қалинликдаги сув қатлами билан ажралиб туради. Бинобарин, геосфераларнинг бевосита туташishi океанларнинг фақат юзаси билан тагида содир бўлади. Атмосфера билан гидросфера ўзаро туташган жойда биринчи ярус - океан ёки сув юзаси ландшафт сфераси, гидросфера билан литосфера туташган жойда иккинчи ярус - океан таги ландшафт сфераси вужудга келади.

Океанларда ландшафт сферасининг биринчи, сув юзаси ярусининг қалинлиги 150-200 м чуқурликкача боради. Фотосинтез учун зарур бўлган Қуёш нури ва унинг турли спектрларининг таъсирий доираси ҳам шу қалинлик билан ўлчанади. Бу чуқурликдан пастга тушган сари ўсимлик организмлари йўқолади. Шунинг учун ҳам фотосинтезнинг қуйи нуқтасини океанлардаги сув юзаси ландшафт сферасининг қуйи чегараси деб қабул қилинган. Бу ярус биомассаларга жуда бой, лекин уларнинг биологик унумдорлиги Дунё океанининг табиий шароитига, зоналлигига мослашган ҳолда тақсимланган.

Қуйи океан таги ландшафт яруси иккита геосферанинг - гидросфера билан литосферанинг ўзаро тўғридан-тўғри туташган зонасида, микроорганизмларнинг ривожланиши учун қулай шароит мавжуд бўлган жойда вужудга келган бўлиб, у Дунё океанининг органик ҳаёт кенг тарқалган иккинчи горизонтдир. Бу ярусда асосан микроорганизмлар ҳукмронлик қилади. Масалан, Л.А.Зенкевичнинг (1951) маълумотига кўра Тинч океаннинг тропик зонасидан олинган 1 см³ сувда океан юзасидан 100 м чуқурликкача бўлган қатламда 160 та, 400 ва 800 м чуқурликларда 16-17 та, 1200 м чуқурликда 0-2 та, 1500 м чуқурликдаги балчик, грунтда 160 млн. та бактерия бор. Демак, ландшафт сферасининг қуйи ярусидаги ҳаёт жараёнида бактериялар муҳим роль ўйнайди. Дунё океанининг материк саёзлигида -шельфда ландшафт сферасининг юқори ва қуйи яруслари бир-бири билан бирлашиб битта океан ландшафт сферасини ташкил этади.

Ландшафт сфераси географик қобикка нисбатан ниҳоятда мураккаб тузилган табиий ҳосилдир. Унинг структураси бир-биридан яққол фарқ қиладиган муҳитларнинг бевосита туташishi ва ўзаро алоқадорлиги туфайли вужудга келган ландшафт сферасининг вариантларидан, регионал, зонал ва парагенетик геотизимлардан ташкил топган. Ернинг ландшафт сфераси бир-биридан фарқ қиладиган тўртта муҳитнинг - литосфера, атмосфера ва икки хил ҳолатда (сув ва муз) мавжуд бўлган гидросфераларнинг бевосита туташishi, ўзаро алоқадорлиги ҳамда модда ва энергия алмашинувининг ҳосиласидир. Унинг шаклланишида бир-биридан фарқ қилувчи барча муҳитлар интеграллашган ҳолда иштирок этмай, улар бир неча кўринишларда ўзаро бевосита алоқадорликда бўлиб, хилма-хил ландшафт комплексларини ҳосил қилади (расм).



Ер ландшафт сферасининг схематик структураси

Ландшафт сферасининг шаклланишида бир-биридан фарқ қилувчи муҳитлар ўзаро беш кўринишда алоқада бўлиб, унинг беш хил ландшафт вариантлари вужудга келтиради. Жумладан, литосфера билан атмосфера туташган жойда ер усти ландшафт варианты, литосфера + гидросфера суяқ ҳолатда + атмосфера туташган жойда ер-сув ландшафт варианты, гидросфера суяқ ҳолатда + атмосфера туташган жойда сув юзаси ландшафт варианты, гидросфера муз ҳолатда + атмосфера туташган жойда муз ландшафт варианты ва литосфера + гидросфера суяқ ҳолатда туташган жойда сув ости ландшафт варианты ҳосил бўлади.

Ландшафт сферасининг вариантлари бир-биридан ўзларининг муҳим хусусиятлари, структурасини ташкил этувчи ҳудудий ва аквал геокомплекслари билан тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар, айниқса ҳар қайси вариантда ландшафт синфларини ажратишда яққол намоён бўлади. Ана шундай структуравий тузилишдаги фарқларни ландшафт сферасининг ер усти ва сув ости вариантлари мисолида кўриш мумкин.

Ландшафт сферасининг ер усти варианты материклар юзасида шаклланган. Унинг структурасини вужудга келишида кўплаб омиллар иштирок этади, лекин энг асосийлари курукликда иқлим ва орография, океанда эса иқлим ва чуқурликдир. Ер усти ландшафт сферасининг структурасига орографик омилнинг таъсири натижасида текислик, тоғолди текислиги, тоғ оралиғи ботиқлари, баланд тоғ текислиги ва тоғ ландшафтлари синфлари ҳосил бўлган.

Ландшафт сферасининг сув ости варианты Дунё океанининг 200 м дан чуқур бўлган қисмини ўз ичига олади. Бу вариант атмосферанинг, ёруғликнинг ва яшил моддаларнинг йўқлиги, босимнинг эса ниҳоятда катталиги билан характерланади. Органик ҳаёт фақат зоопланктон, зообентос, нектон ва бактериялардан иборат. Сув ости ландшафт сфераси варианты чуқурлиги 2400 м гача бўлган батияль ландшафт синфидан, чуқурлиги 2400-2500 м дан 6000 м гача бўлган абиссаль ландшафт синфидан ва чуқурлиги 6000-6500 м дан зиёд бўлган ультраабиссаль ландшафт синфидан таркиб топган.

Адабиётлар

1. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. – М.: Высшая школа, 1979. -222 с.
2. Григорьев А.А. Закономерности строения и развития географической среды. – М.: Мысль, 1966. – 382 с.
3. Исаченко А.Г. Ландшафтоведения и физико-географическое районирование. – М.: Высшая школа, 1991. – 366 с.
4. Мильков Ф.Н. Ландшафтная сфера Земли. – М.: Мысль, 1970. - 207 с.
5. Мильков Ф.Н. Физическая география: Учение о ландшафте и географическая зональность. - Воронеж: Изд. ВГУ, 1986. – 328 с.
6. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. - Новосибирск: Наука, 1978. – 319 с.
7. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. -Т.: Университет, 1999. -120 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТОҒ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

Алибеков Л.А., Алибекова С.Л.*

Самарқанд давлат университети

Туризм дунёдаги кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улгурди ва жуда тез ривожланмоқда, лекин улар нотекис тақсимланган. Халқаро туризм ривожланиш суратига иқтисодий, сиёсий ва табиий омиллар таъсир қилади. Аммо дунёдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорсизлика қарамасдан, туризмни ривожланишини чекловчи омилларга нисбатан ниҳоят даражада ажойиб барқарорликни намойиш қилиб, умумий ўсиш йўналиши жадал суратда бормоқда. Туризм соҳаси фаолиятига, тобора фаол қувиб ўзиб ўтиш даражасида шайланган янги мамлакатлар ва регионлар жалб қилинмоқда. Шундай қилиб, туризм–дунё иқтисодиётининг динамик соҳаларидан бирига айланиб қолди. Бутунжаҳон туристик ташкилотнинг маълумоти бўйича, фақат туризм дунё иқтисодиётининг амалдаги ягона соҳаси бўлиб, табиий ва тарихий меросларни ҳақиқий сақлашдан ҳақиқий манфаатдор бўлган ва бозор иқтисодиёти шароитида табиий ва маданий объектлардан самарали фойдаланишни ва ривожлантиришни рағбатлантиришни ташкил этишга қодир бўлган ягона ташкилотдир. Туризм бу шундай соҳаки, унинг қуроли–табиатни ўзгартиришдан эмас, балки уни гўзалликда, ноёбликда сақлашдан ва идрок этишдан, тўлиқ қабул қилишдан иборат. Туризм бу ландшафтни бир бутунликда сақлашдан манфаатдор соҳадир. Чунки, бугунги антропоген омилнинг кучли таъсири шароитида ландшафтларнинг бир бутунлиги, яхлитлигини туризм сақлаши мумкин.

Шундай қилиб, туризм дунёдаги кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улгурди. Ҳозирги вақтда дунёнинг 140 дан ортиқ мамлакатлари халқаро туризм марказига айланган. Халқаро туризм халқлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик шаклларида бири бўлиб, хўжалик фаолиятининг муҳим жабҳасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, чет эл туристик фирмалари экзотик табиий географик объектларни жуда юқори баҳолайдилар ва қадрлайдилар, уларни кенг реклама қилдилар ҳамда улардан максимал даражада фойдаланадилар. Кейинги вақтда туризмга **тоғли районлардаги** ўзгаришларнинг “катализатори” сифатида қаралмоқда.

2002 йилни БМТ “Тоғ ва экологик туризм йили” деб эълон қилган эди. Ҳозирги вақтда ривожланаётган кўпгина мамлакатларни барқарор ривожлантириш концепсиясида тоғ туризмнинг ўрни алоҳида. Халқаро мутахассислар тоғ туризмни тоғли минтақаларнинг ривожланишида асосий восита ролини ўйнашини тан олмақдалар.

Жаҳон туристик оқимининг ривожланган мамлакатлардан, ривожланаётган мамлакатлар томон ўсиши ва бу келгусида туризмнинг янги-янги турларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

2005 йилда тоғ туризми индустрияси билан дунё бўйича 338 млн. одам шуғулланган ва йиллик даромад АҚШ доллари ҳисобида 7,2 трлн.ни ташкил этган.

Ҳозирги вақтда 48% дан кўп европаликлар дам олишни тоғли жойларда ўтказишни маъқул кўрадилар. Ҳар хил таасурот қолдирувчи хилма-хил табиий географик объектларни кесиб ўтувчи маршрутлар туристлар орасида катта қизиқиш билан фойдаланадилар.

Масалан, Японияда “тез юрар поездлар тизими” мамлакатнинг асосий шаҳар марказларини баланд тоғлар билан боғлайди. Швейцарияда ҳам тролейбуслар шаҳар марказларини тоғ музликлари билан боғлайди. Шундай мисоллар шимолий Америкада ҳам мавжуд. АҚШнинг Глейшер (Монтана, АҚШ) ва Айсфилдз-Парквей миллий боғига тезюрар поездлар, Канаданинг Банф ва Джайспер миллий боғлари орқали ўтказилган. Осиёда Покистон ва Хитойни боғловчи “Стратегик ҳарбий мақсадлар учун қурилган”, ҚораҚорум шоссеси ҳам маълум даражада халқаро туризмни ривожлантиришга имкон берди.

*Алибеков Лапас Алибекович – СамДУ “География” кафедраси профессори, г.ф.д.;

Алибекова Саодат Лапасовна – СамДУ “Иқтисод назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.

Тоғ туризми фаолиятнинг кенг қамровли турларини ўз ичига олади. Кўпгина тоғли районларда туристик мавсум қисқа бўлса ҳам бу иқтисоднинг хилма-хил соҳаси, тоғда яшовчи халққа ва атроф-муҳитга таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Альп тоғларида қишки туризм, жуда ҳам сердаромад ва қулайдир. Қишда туристлар ёзга нисбатан 2 баробар кўп бўлишади.

Тоғ рельефи текисликка нисбатан нафақат “Ландшафт эстетик” жиҳатдан қулайликларга эга, бундан ташқари тоғ соф мусаффо ҳавоси ультрабинафша нурларнинг кўплиги, турли хил спорт турларини ташкил қилиш имкониятлари билан ажралиб туради. Шўнинг учун ҳам Европада Альп, Осиёда Ҳимолай, Африкада Атлас, Америкада Кордилера халқаро тоғ туризми районлари бўлиб қолди. Айниқса, Аляска, Канада тоғларида, Гренландия бўйлаб туристик маршрутлар жуда ҳам машҳур бўлиб, ҳар йили 1,5 млн. дан ортиқ туристлар қатнашадилар. Россияда Олтой, Тебер, Урал ва Бошқир тоғларида эса кўп кунлик отда ошиб ўтиш туристик маршрутлари ривожланган.

Юртимиз сўлим тоғлари масканларида ҳам отда юриш туризмни ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар бор. Бундан ташқари шимолий Туркистон тоғларининг ёнбағрида кўпгина мамлакатлардаги каби ёрларга экскурсия уюштиришни ташкил этиш катта фойда келтиради.

Кейинги вақтларда Европа мамлакатларида тоғ-ёр туризми анча ривожланган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида туристик экскурсиялар уюштириш учун жиҳозланган ёрлар сони 1250 дан ошиб кетади: АҚШда-169, Францияда-110, Японияда-94, Испанияда-68, Хитойда-62, Австралияда-58, Германияда-53, Россияда-8, Ўзбекистонда эса дунёга машҳур ёрлар бўлишига қарамасдан, бирорта ёр туристик экскурсия ташкил этиш учун ҳали жиҳозланган эмас(!).

Келажакда Ўзбекистон тоғларининг туристик ва рекреацион объектлари халқаро аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Айниқса Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарларнинг мафтункор ландшафтларига эга бўлган тоғларга яқин жойлашганлиги жуда кўп чет эл туристларини жалб қилади.

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон тоғли районларининг рекреацион ресурсларидан фойдаланиш ва туризмни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бу қулай иқлим шароити, тоғ ва баланд тоғ зоналарини қоплаган тоғ арча ўрмонлари, субальп ва альп ўтлоқлари, қуруқ иқлим ва соф ҳаво, озон, ҳавони ҳар хил касалликлардан тозаловчи фитонцид энгил учувчи бирикмалар, узоқ давом этувчи қулай ҳарорат шароити ва қуёшли кунларнинг кўплиги, организм учун оптимал нисбий намлик ва бошқа иқлим омиллари кўрсаткичлари бўйича Ўрта денгиз рекреацион имкониятларидан кам эмас ва бу ерда иқлим билан даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун мақбул имкониятлар бисёр.

Айниқса республикамиз тоғли ва тоғолди районлари бебаҳо ва ҳозирга қадар кам ўрганилган ҳар хил касалликларни даволовчи шифобахш минерал сув манбалари, иқлим хусусияти ва спорт-соғломлаштириш жойларига эга. Ўзбекистон тоғли районларида 60 дан ортиқ минерал сувлар манбалари (булоқлари) топилган. Фарғона ва Сурхандарё водийларида кенг тарқалган олтингугурт сувлар ўзининг даволаш хусусиятлари бўйича Кавказдаги машҳур олтингугурт сувларидан (Сочи, Мацета ва бошқалардан) кам эмас.

Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рекреацион муассасалар нотекис тарқалган бўлиб, асосан Фарғона, Зарафшон, Туркистон ва бошқа тоғ тизмаларининг тоғ олди зоналарида жойлашган.

Афсуски, Ўзбекистоннинг тоғли зоналарида бой туристик рекреацион ресурслар амалда ўзлаштирилган эмас. Бунга асосий сабаб туристик базалар ва меҳмонхоналарнинг камлиги ҳамда транспорт инфраструктурасининг яхши ривожланмаганлигидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тоғли қисмида Халқаро туризмни самарали ривожлантиришда ва ҳозирча мавжуд бўлган имкониятлардан (яъни техник базалардан-меҳмонхона, кемпинг, ресторан ва бошқалардан самарали фойдаланиш учун) яъни мамлакатимизнинг табиий, таърихий ва маданий меросидан самарали фойдаланиш

учун биринчи бор рекреацион ресурслардан фойдаланишда “текислик-тоғ” туристик маршрут тизимини тавсия қиламиз. Сир эмас ҳозирда Ўзбекистоннинг тоғли районларида Халқаро туристлар учун меҳмонхоналар қуриш анча мураккаб. Юқорида айтганимиздек, тоғ олди текислик районларида қадимги шаҳарларда (Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Тошкент ва бошқалар) туристларнинг яшаш учун меҳмонхоналар ва ҳақозолар етарли. Айрим жойларда тоғ олди жойлашган шаҳарлардан тоғли зонага боровчи йўллар ҳам бор. Бунда туристик маршрутлар текисликдан (тарихий ёдгорликлар, воҳалар, сунъий гидротехник иншоотлар ва бошқалар билан танишиб) - тоққа (экзотик ландшафтларга) йўналтирилган бўлади.

Шундай қилиб, республикада туризмнинг ижобий ривожланишидаги йўналишига қарамасдан, унинг улкан туристик потенциалига ҳозирча талаб ва имконият кам. Ўзбекистонда туризмнинг ҳали кўпгина муаммолари мавжуд. Бу муаммоларнинг каттагина қисми комплекс характерга эга бўлиб, уларни ҳал қилиш кўп сонли туристик бозорларнинг қатнашишига, давлат структурасига, жамоат ташкилотларига, илмий уюшмаларга боғлиқ. Ҳозирда, Ўзбекистон халқаро туризм рақобатчилик курашида туризмдан оладиган даромаддан ютқизмоқда.

Яна муҳим муаммолардан бири, туризм соҳасида хизмат қилишда дунё стандартларига мос келадиган, чет тилларини яхши биладиган, профессионал ва психологик мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш керак. Туризм соҳасининг моҳиятини тушуниш ва уни оммалаштириш учун “Туризм-ўз мамлакатингни яхши билиб ол” деган республика ёки регионал миқёсда илмий, амалий конференция ўтказиш зарур.

Биз Ўзбекистонда халқаро тоғ туризмнинг ўчоғи бўлиши мумкин бўлган қуйидаги “текислик-тоғ” маршрутларни таклиф этамиз:

I. Ўзбекистонда халқаро тоғ туризмни ривожлантиришнинг биринчи маркази Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган Зомин сув дарёси ҳавзасидир.

Кейинги вақтларда бу регион ўзининг табиатининг ноёб ва экзотик хусусиятлари ҳамда бутун дунёга машҳур тарихий ёдгорликларга бой шаҳарларнинг яқинлиги туфайли чет элларда жуда катта қизиқиш чақирмоқда. Айниқса, бу ҳудудга боришнинг осонлиги - Тошкент-Самарқанд электрлашган темир йўл ёқасида жойлашган Даштобод шаҳрининг яқинлиги (Зомин туман марказига 22 км) билан ҳам қулайдир.

Бу ҳудуд туристлар жалб қиладиган экзотик географик (ландшафт) объектларидан бири- 1978 йилда шу ерда ташкил этилган Зомин миллий боғидир. Зомин миллий боғига



1-расм. Арид минтақаларида кам учрайдиган карст жараёнлари

келган туристларни бу ерда табиатнинг ажойиб ноёб ходисалари: тоғ рельефи, мағрур турган тоғ чўққилари, шарашара, ғорлар (20 ортик ғор бор), реликт ўсимликлар, арчазорлар ноёб ҳайвон турлари, нураш натижасида ҳосил бўлган одамсимон шакллар, дунёда кам учрайдиган арид (қурғочил) минтақаларга ҳос бўлмаган супер экзотик карст жараёнлари "эгат", "жуякли", "чуқурча", "ўйик" шудгарсимон, чуқурсимон карст шакллари (расмга қаранг), ўзгармаган гўзал, мафтункор табиатни кўриш имконияти туристларни ўзига "тортиб" "лол" қолдирадилар (1-расм).

Бу маршрутда қуйидагиларча тузилади: Даштобод (поездда келади Зоминга 22 км) – Зомин миллий боғи – Ғўралаш арчазорлари – “Қирқиз” ва Карстдалалари – Бахмал (новқа карст булоғи-ҳавза, Авлиё булоғи, Илон ўтди ғори –Пешғор ғори –Зомин бу айланма (кольцевой) маршрут асфальт йўл билан таъминланган (2-расм).

II. Самарқанд – Омонқўтон ғори маршрути.

Ўзига хос туристик объектларга бой бўлган халқаро туристик объектлардан бири Зарафшон тоғларидир. Бу ерда 30 дан ортиқ ғорлар ва минглаб карст воронкалари бўлиб, туризмнинг айрим соҳаларини ривожлантиришга имкон беради Зарафшон тоғлари энгил эрувчи, карст ҳосил қилувчи девон геологик даврининг оҳактошларидан тузилган. Шунинг учун бу тоғлар қадимги карст ғорларининг кўплиги билан фарқ қилади.



2-расм. “Қирқ киз” ноёб геологик шакллари

Айниқса, бу ерда Самарқанд шаҳридан 40 км жанубда бутун дунёга машҳур Омонқўтон ғори жойлашган. Омонқўтон ғори 1220 м баландликда Самарқанд-Китоб йўлининг ёқасида жойлашган. Бу ғор 1947 йили СамДУ доценти Д.Н.Лев томонидан очилиб, устья даврида қадимги одамлари яшагани аниқланган. Чет эл туристлари учун энг яхши маршрут Самарқанд- Омонқўтон ғори (3-расм). Чет элликлар ғордан ташқари Омонқўтон дарёси атрофида бир ярим аср аввал инсон кўли билан тоғ ёнбағридаги яратилган аралаш ўрмонларни кўрадилар.

III. Самарқанд – Камангарон маршрути.

Яна бир бор маршрут чет эл туристлари учун энг ноёб супер экзотик ландшафт-Самарқанд шаҳридан 50 км жанубда Зарафшон тизмасининг сув



3-расм. Омонқўтон ғори.

айирғичида 2200-2300 м баландликда жойлашган Қирқтоғ платосидир. Бу даҳшатли ой “ландшафти” манзарасига эга бўлиб, плато девон даврининг оҳактошларидан тузилган, бу эса Ўрта Осиё шароитида карст жараёнларинг кенг, интенсив ва классик ривожланишига мисол бўла олади (4-расм).



4-расм. Қирқтоғ платосидаги карст воронкалари тизими

Бу ерда 3000 дан ортиқ карст воронкалари, -64-бўшлиқ (полость), шу билан бирга 5-та горизонтал ғор, 56 та қудуқ ва шахталар борлиги аниқланган. Энг чуқур шахтанинг чуқурлиги 1080 м етиб, унинг сув йиғувчи катта қўли бор. Қайсики бу карст қўли Ургут ва Қашқадарёнинг Китоб районини сув билан таъминлайди. Бу карст шахтаси МДХ худудидаги ва Осиё қитъасидаги энг чуқур табиий ғор ҳисобланиб, дунёнинг энг чуқур ғорлари ўртасида 3-ўринни эгаллайди (5-расм).


Бу дахшатли манзарани кўриш учун чет элликлар Самарқанд-Камонгорон (Ургут райони) қишлоғи маршрутидир (Камонгорон қишлоғига автобус катнайдиган йўл бор). Камонгорон қишлоғидан от билан ёки вертолётда бориш мумкин. Бу маршрут чет элликлар учун қимматга тушмайди.

Непал тоғли мамлакатларида туристлар гуруҳи (15 кишигача) туристик маршрутларга чиқмасдан 2 ой олдин тўланиши шарт. Тўлов суммаси гуруҳ учун Эверест жанубий маршрути 70 минг АҚШ доллари, бошқа йўналишлари 50 минг АҚШ долларини ташкил этади. Алоҳида туристлар учун эса 8000 метрдан ортиғига 10 минг доллар. Бу ўз навбатида мамлакат миллий иктисодиётига катта ҳисса кўшади.

IV. Бухоро – Сармишсой маршрути.

Зарафшон водийсида "Текислик-тоғ" туристик тизимига яна бир маршрут –Бухоро-Сармишсой маршрутидир. Бухоро шаҳрида меҳмонхонларда жойлашган туристлар автобусда Бухородан Ғарбий Нурота тоғларининг жанубий ён бағрида жойлашган Саримшсой водийсидаги тоғ қояларига туширилган қадимги ноёб расмларни кўрадилар.

Бу маршрут Зарафшон водисининг Бухоро вилоятида мутлақо янги туристик объект бўлиб, Саримшсой қояларидаги расмлар (петроглифлар) хизмат қилиши мумкин. Бу туристик объект, Нурота тоғларининг ғарбий чекка қисмининг жанубий ёнбағрида, буюк



5-расм. Киевская карст шахтаси

мерос сакланиб қолган Саримшисой массивида жойлашган. Саримшисой ноёб ёдгорлик ҳисобланиб катта қизиқишга эга бўлган ва бутун дунё муттахассисларнинг диққат-эътиборида туради. Бу қоя санъатининг улкан ёдгорлиги бўлиб, қадимги ўсимликлар ва ҳайвонлар уюшмасининг (тўдасининг) эволюцияси ҳақида аниқ тасавур беради. Саримшисойнинг тоғ манзараси ўзининг буюклиги (улуғлиги) тарихий ва табиий ўзига хослигининг такрорланмас гармониялиги билан одамни ҳайратда қолдиради. Бу ерда неолит давридан бошлаб, ҳозирги замонгача яратилган петроглифлар бир неча мингдан ортиқ саналади. Саримшисой комплекси тош асри, бронза даври ва дастлабки темир даврига мансуб бўлган 200 дан ортиқ қадимги ёдгорликлардан тузилган кремнийли куролларни ишлаб чиқиш бўйича устахоналар, шахталар, қишлоқлар (овулар), қўрғонлар ва петроглифлардан иборат (6-расм).



6-расм. Саримшисой қояларидаги расмлар (петроглифлар)

"Текислик-тоғ" тизими бўйича яхши ўйлаб ва илмий асослаб ташкил этилган туристик маршрутларни Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида ҳам амалга ошириш мумкин. Чунки бу регионларда ҳам рекреацион имконият катта.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тоғлари шароитига ўхшаш шароитда жойлашган АҚШнинг қояли тоғларидаги Санте-фе ва Ҳиндистоннинг Лорджини баланд тоғли курортлари ҳам бутун дунёга машҳур. Лекин, иқлим шароити, жойнинг рельефи, ноёб комплекс табиий шароити бўйича Зоминсув дарёси хавзасидаги Супа платоси, дунёдаги мавжуд кўпгина тоғ-спорт марказларидан юқори туради.

Мустақил Ўзбекистон бой туристик рекреациявий потенциалга эга. Унинг ҳудудида ноёб табиий ва рекреациявий ресурслар, миллий ва дунё аҳамиятига молик маданий тарихий–мерослар тўпланган ва муҳим иқтисодий, илмий, спорт ва маданий тадбирлар ўтади. Аммо туристик-рекреациявий потенциалнинг ижобий йўналишига қарамасдан, мамлакатимизда мавжуд туристик имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмапти. Шу имкониятлар тўлиқ ишга солинса, Ўзбекистон ҳар йили 10-15 миллион чет эллик ва маҳаллий туристларни қабул қилиши мумкин эди. Ўзбекистоннинг туристик-рекреациявий фаолиятини ислоҳ қилиш босқичида турибди. Мамлакатимизда туризмнинг кўплаб турларини ривожлантириш мумкин. Бунинг учун албатта, дунё туристик ҳолатидан мунтазам хабардор бўлиб туриш керак.

Келажакда Ўзбекистонда яна қўшимча туристлар "Оқимини" вужудга келтириш имкониятларидан бири - "Конгресс" туризмни йўлга қўйиш: қадимий тарихий шаҳарлар – Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда халқаро конгресс ва конференциялар ташкил қилиш. Конгресс ва конференциялар дастурига текислик–тоғ тизими бўйича Самарқанд-Зарафшон тоғлари тизмасига, машҳур Омонқўтон ғорига, Бухорда эса, машҳур юқорида айтган Саримшисой тоғ массивига экскурсиялар уюштириш керак. Жаҳон тажрибасида бунга мисоллар бисёр. Масалан, биргина Женевада ҳар йилига 200 дан зиёд конференциялар ўтказилади. Сўнг кўл атрофидаги тоғларга маршрутлар ташкил қилинади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг тоғли минтақаларини, шу жумладан рекреациявий имкониятларини ишга солишни ва Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш билан бир вақтда, бу йўналишни илмий асосда жадаллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Л.Алибекова- «Эколого-географические проблемы Центральной Азии». Изд. СамГУ, Самарканд. 2010. г.
2. Alibekova S. L. Criteria and parameters of labor efficiency. Social Educational Projects of Improving Knowledge in Economics. Journal Association 1901 “SEPIKE” 31.03.2016. France.
3. Алибекова С.Л. Перспективы развития экотуризма в Узбекистане. «Ўзбекистоннинг тоғли районларида Халқаро экотуризмни ривожлантириш муаммолари» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Бухоро 2015.
4. Алибекова С.Л., Рекреационный потенциал и перспективы развития туризма в бассейне реки Зааминсу. «Современная социально-экономическая география: достижения, проблемы и перспективы» материалы республиканской научно-практической конференции. Ташкент, 2015.
5. Алибекова С.Л. «Ўзбекистонда тоғ туризмни ривожлантириш муаммолари». Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 11-12 май 2017 йил, Тошкент.
6. Алибекова С.Л. Рекреационный потенциал и перспективы развития туризма в горных регионах Узбекистана. Восточно-европейский журнал (East European Scientific journal). 3(19). 2017. Польша.
7. Баратов П.Б. Ўзбекистон табиий географияси. Т.: Ўқитувчи, 1996
8. Гвоздецкий Н.А. – Плато Кыртау –классический пример карстового района. «Узбекский геологический журнал», №5, 1960
9. Гвоздецкий Н.А. Карст. Изд. «Мысль», Москва 1981.
10. Климчук А.Б., Стоглыну А.Б., Ломаев А.А., -Карстолого-спелеологические исследования плато Кыртау (Зеравшанский хребет). Изв. ВТО, Т.111. вып. 1979.
11. Марковский А.П., -Западная часть Туркестанского хребет. В сб. «Геология Узбекский ССР том 11» М-Л. 1937.

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИКА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МУАММОЛАРИ**

Абдуллаев И.Х., Сайфуллаева Ш.*

Низомий номидаги ТДПУ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлиги туфайли бугунги кунда ҳаётнинг барча жабхаларида туб ислохотлар ўтказилмоқда.

Таълим соҳасидаги ислохотлар 1997-йил «Таълим тўғрисидаги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур” нинг мантикий давоми сифатида 2004-2009 йилларда таълимни ривожлантиришнинг умуммиллий давлат дастурида кўрсатиб ўтилган асосий вазифаларни бажариш орқали амалга оширилмоқда. 1993 йилда қабул қилинган «Мактаб география таълимини илмий услубий жихатдан қайта қуриш концепциясида, яратилган “География” фанидан янги ўқув дастури 2004 – 2005 ўқув йилидан бошлаб модернизация ишлари бошланиб, 2010 ва 2017 йилларда география фанларидан ўқув дастурлари қайтадан ишлаб чиқилди. Тажриба сифатида бошланган ишлар географияни ўқитиш методикасини мазмунан янгилашга сабаб бўлди.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳияти таълим мазмунини ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган. Замонавий таълим олдида турган энг муҳим вазифа ўқувчи шахсининг илм олишга бўлган эҳтиёжни қодиришга қаратилган. Бугунги кунда таълим тизимида замонавий педагогик технологиялар кенг ўрин олмоқда. Педагогика технологияси деб – одатда мақсади таълим жараёнининг самаралигини оширишда таълимда кўзланган натижаларга эришишга бўлган педагогик йўналишга айтилади. Замонавий география фани давр талабларига биноан ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифалари асносида ривожланиб бормоқда. Мактаб географиясида умумий табиий ва иқтисодий – ижтимоий масалаларга кенг этибор берилган бўлиб, география фанининг ўрганиш доираси анча ўзгартирилган ва унда географиянинг амалий масалаларига катта

*Абдуллаев И.Х. - Низомий номидаги ТДПУ доценти, г.ф.н.;

Сайфуллаева Ш.Р. - Низомий номидаги ТДПУ магистранти

аҳамият берилган. Географик масалалар ва муаммоларнинг ўрганилиши ва ечимига қаратилган 10 синфнинг “География” фанида замонавий фан-техника йутуқлари, экологик муаммоларнинг географик жиҳатлари, уларни ўқувчиларга етказиб беришда замонавий педагогик технологиялар кенг жорий этилиши давр талабидир. Кадрлар таййорлаш миллий дастурини амалга оширишда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларига еришиш учун таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш, янги шакл ва усулларни замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш орқали амалга ошириш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

География дарсларида ўқувчиларда илмий дунёкарашини Ватан ва табиатга меҳр – муҳаббат ҳисларини шаклланишида, ахлокий ва эстетик тарбияни амалга оширишда таълимнинг бошқа метод ва усуллари билан бир қаторда, таълимнинг техник воситалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Таълимнинг техник воситалари ўқувчиларнинг дарсга қизиқишларини ва уни пухта ўзлаштиришни таъминлайди, мустақил ишлаш малака ва иқтидорларини оширишда, тафаккури ва ижодий қобилиятларини такомиллаштиришда бевосита ёрдам беради.

География фанларида замонавий педагогик технологиялар асосида қуйидагича дарс турларида фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Конференция дарси
2. Мусобақа дарси
3. Учрашув дарси
4. Матбуот конференцияси дарси
5. Семинар дарси
6. Эстафета дарси
7. Синов дарси
8. Кимошди савдоси дарси
9. Заковат дарси
10. Ҳаёлий саёҳат дарси
11. Саҳналаштирилган дарс
12. Ижодий дарс ... ва.х.

Юқоридаги ноананавий дарс турларининг мақсади ўқувчиларнинг мустақил билим олиш механизмига асослантилган.

Замонавий педагогик технологиялар қуйидаги интерфаол усуллар ёрдамида олиб борилади:

1. Кичик гуруҳларда ишлаш усули
2. Аклий ҳужум усули
3. Тўғри топ усули
4. «Ким кўп билади» усули
5. «Нимага ва нима учун» усули
6. «Беш дақиқа» усули
7. «Ҳаёлий саёҳат» усули
8. «Учинчиси ортиқча» усули
9. «Почта» усули
10. “Бир саволга учта жавоб усули.

Мана шундай замонавий педагогик технологиялар асосида дарсни ўтишда турли хил кўргазмалар тарқатмалардан фойдаланиб қолмай, балки ҳар бир мавзу учун слайдлар, анимациялар, расмлар, диаграммалар, видеороликлар, мультимедиа маълумотлари асосида дарсларни олиб бориш таълим самарадорлигини оширишда хизмат қилади. Замонавий технологияларни бугунги кунда мактаб таълимига жорий этишда қатор муаммолар мавжуд. Улардан энг асосийсилари бизнингча қуйидагилардан иборат:

1. Вақт етишмаслиги. Педагогик технологияларни жорий этишда маълум даражада вақт талаб қилинади, айримларини ўтказиш учун эса (масалан, конференция) имконият деярли йўқ.

2. Технологияларни жорий этишда синфларда ўқувчиларни кўплиги. Кўп холларда гуруҳларда ишлаш технологияси жорий этиш имконияти (синфда жой этишмаслиги) йўқ.

3. Педагогик технологияларни ўтказиш учун педагогнинг маҳорати этишмаслиги. Кўп холларда оддий “Кластер” усулини ҳам қўллашни методикасини ўқитувчилар билмаслиги.

4. Таълим воситаларининг этишмаслиги (компьютер, географик асбоблар, карта ва атласлар).

5. Таълим технологияларини қўллаш методикасини география фанлари учун ишланмалари озлиги.

Юқоридаги масалар албатта мактаб таълимида замонавий технологияларни қўллаш мумкин эмас деган хулосага олиб келмаслиги керак. Юқори малакага эга бўлган географ педагогларда бундай ишланмалар ва методик кўрсатмалар мавжуд. Фақат уларни кенг географик оммага жорий этиш йўллари топиш, қўллаш методикасини ишлаб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз. Бу борада олиб борилаётган ишларда, Низомий номидаги ТДПУ географ-педагоглари ишлари биринчи қаторда ва намунали бўлиши керак.

Адабиётлар.

1. Абдуллаев И.Х., Сейтджелилова Э.С. Амалий география фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. ТДРУ нашриёти, 2016, 37 б
2. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. Амалий география., КХК учун ўқув қўлланма. Т. ТДРУ нашриёти, 2015, 114 б

XIZMAT KO'RSATISH TARMOQLARI VA ULARNI JAHON IQTISODIYOTIDAGI O'RNI*

Safarova N., Altibaeva M.

Nizomiy nomidagi TDPU, GulDU

Jahon iqtisodiyoti shakllanishi va rivojlanishi ishlab chiqarish tarmoqlari rivoji bilan bog'liq. Ma'lumki, jahon iqtisodiyoti uchun XVIII asrgacha bo'lgan davrda qishloq xo'jaligi yetakchi tarmoq bo'lib hisoblangan. SHu bilan birga insonlar uchun zaruriy shaxsiy hamda mehnat faoliyati uchun zarur bo'lgan turli mahsulotlar ishlab chiqaruvchi xunarmandchilik sohalari ham rivojlangan edi.

Angliyada yuz bergan sanoat inqilobi zamonaviy jahon iqtisodiyotida muhim o'rin tutadigan tarmoqning rivojlanishi uchun zamin yaratdi. To'qimachilik mahsulotlariga bo'lgan katta talab paxta tolasini yigirish va undan mato to'qishga asoslangan ilk mashinalarni ixtiro qilinishiga sababchi bo'ldi. Keyinchalik qog'oz, qand lavlagi asosida shakar olish tarmoqlari uchun mashinalar ishlab chiqarila boshlandi. 1774-1775 yillarda J.Uatt tomonidan bug' mashinalarining ixtiro qilinishi turli mahsulotlar ishlab chiqaruvchi yirik sanoat korxonalarining – zavod va fabrikalarning ishga tushirilishiga yordam berdi. Asta-sekinlik bilan industrlashuv jarayoni dunyoning barcha hududlariga yoyila boshladi.

1960 yillarga kelib fan texnika inqilobining yuz berishi bilan ishlab chiqarish tarmoqlarida mexanizatsiyalashuv va avtomatlashtirish jarayonlari boshlanib ketdi. Bu holat o'z navbatida nomoddiy ishlab chiqarish tarmoqlarining rivojlanishiga sababchi bo'ldi. Natijada jahon iqtisodiyotida xizmat ko'rsatish tarmoqlari ahamiyati orta boshladi. Talab xususiyatidan kelib chiqqan holda nomoddiy ishlab chiqarishning yangidan yangi sohalari paydo bo'la boshladi. Jahon aholining ishlab chiqarish tarmoqlarida bandlik ko'rsatkichlarida sekin-astalik bilan moddiy tarmoqlarda bandlikdan ko'ra nomoddiy soha salmog'i orta bordi. Mazkur holatlr natijasida postindustrial davr shakllana boshladi.

Mehnat xususiyati ishlab chiqarishni tashkil qilish sharoitlari orqali bir-biridan farqlanuvchi moddiy va nomoddiy ishlab chiqarish tarmoqlari orasidagi farqlarni yuzaga keltiruvchi asosiy mezonlar birikmasi quyidagilardan iborat:

***Safarova N**- Nizomiy nomidagi TDPU, “Geografiya va uni o'qitish metodikasi” kafedrası dotsenti, g.f.n.;
Altibaeva M-GulDU “Ekologiya va geografiya” kafedrası o'qituvchisi.

- ✓ ishlab chiqarishni tashkil etish darajasi;
- ✓ mehnatning asosiy mahsulot turi;
- ✓ ishlab chiqaruvchi va iste'molchi o'rtasidagi munosabatlar xususiyati.

-jadval

Ishlab chiqarish tarmoqlari orasidagi asosiy tafovvutlar

№	Farqi	Ishlab chiqarish sohasi	Nomoddiy ishlab chiqarish sohasi
1	Ishlab chiqarish maqsadi	Iqtisodiy ahamiyatga ega ishlab chiqarish	SHaxsiy talablarning qondirilishi
2	Ishlab chiqarish turi	Ko'p sonli konveyr	SHaxsiy
3	Mahsulot turi	Moddiy (buyumlar)	Moddiy va nomoddiy
4	Ishlab chiqarish xususiyati	Ishlab chiqaruvchi	Xizmat ko'rsatuvchi

Xizmat ko'rsatish tarmoqlari zamonaviy jahon iqtisodiyotida muhim ahamiyatga ega. Hozirgi kunda jahon mehnat resurslarining katta qismi bandligi hamda davlatlar yalpi milliy mahsulotining salmoqli qismi aynan shu sohada yaratiladi. So'nggi yillarda jahon va alohida davlatlar iqtisodiyotida xizmat ko'rsatish sohaslarining ulushi ortib bormoqdadir. Nomoddiy soha tarkibida intellektual xizmatlarning rivojlanishi bilan postindustrial davr rivojlanib bormoqda. Xizmat ko'rsatish tarmoqlari rivojlanishiga tabiiy, mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti, hududning o'zlashtirilganlik darajasi, milliy, diniy kabi omillar ta'sir ko'rsatadi.

Barchamizga ma'lumki, xizmat ko'rsatish tarmoqlari aholiga xizmatlar taklif etish va ishlab chiqarish maqsadida shakllantirilgan faoliyat turlari hamda xo'jalik tarmoqlarning jamlanmasidan tashkil topadi. Xizmat ko'rsatish tarmoqlari aholi takror barpo bo'lish jarayoni bilan uzviy bog'liq bo'lib, mintaqalar bo'ylab ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish va rivojlantirishda ijobiy ahamiyatga ega. Xizmat ko'rsatish sohalari rivojlanishining o'ziga xos jihatlari quyidagilar:

- Bu sohalarning turli davlatlar iqtisodiyotidagi ulushining oshib borishi.
- Yildan-yilga tarmoq xizmatlariga bo'lgan talabning ortib borayotganligi.
- Xizmat turlari orasida ta'limiy, tibbiy, turistik, savdo, moliyaviy xizmatlarning xalqaro maqomga ega bo'lib borayotganligi.
- Xalqaro savdo xajmining kengayishi.

Yuqorida sanab o'tilgan holatlar jahon davlatlarida xizmat ko'rsatish tarmoqlari rivojlanish darajasiga ko'ra ikki xil guruhning shakllanishiga sababchi bo'lmoqda. Iqtisodi rivojlangan davlatlarda aholining, ayniqsa ular orasida ayollarning asosiy qismi ishlab chiqarishda bandligi, turli xizmatlar qabul qilish uchun moliyaviy imkoniyatlarning yetarliligi sababli nomoddiy soha yuqori darajada rivojlangan. Rivojlanayotgan davlatlarda esa bunga nisbatan teskari ko'rinish shakllangan. Hozirgi kunda xizmat ko'rsatish tarmoqlari YaMMning asosiy qismini yaratayotgan davlatlarning asosiy qismi ham iqtisodi rivojlangan davlatlardan tashkil topgani hammaga ma'lum (masalan: Monako – 95,1%, Lyuksemburg – 86%).

Jahon iqtisodiyoti doimiy ravishda rivojlanib borayotgan milliy iqtisodiyotlar majmuasi ekanligini ta'kidlagan holda, uning tarmoqlari tarkibida xizmat ko'rsatish sohalari hozirgi davrdagi so'nggi davr – postindustrial davrning asosiy ko'rsatkichi sifatida yildan yilga katta salmoqqa ega bo'lib bormoqda. Bu bilan birga ushbu tarmoqning tarkibida yangi sohalarning yuzaga kelishi va takomillashib borishi kelajakda ham davom etadi.

I-шўба. ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН **ФЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ГЕНЕЗИСА ПОЧВЕННОГО ПОКРОВА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А.*

Изучение особенностей образования почвенного покрова в зоне Тянь-Шанского орогена, является одним из основных направлений в междисциплинарной разработке вопросов палеогеографии Узбекистана, хроностратиграфии геологической истории формирования земной поверхности в периоды антропогена. Комплексное изучение почвенного покрова позволяют установить генетические связи эволюционного развития природных процессов в периоды становления человека как антропологического типа в стратиграфической и хронологической последовательности.

В системе эволюционного развития физико-географических процессов и явлений, свойственных раннему антропогену, почвенный покров рассматривается как уникальный природный компонент, без которого невозможно существование всего органического мира. Почва рассматривается как важнейшее и незаменимое условие жизни всех растений, животных микроорганизмов, обитающих на суше Земного шара. Именно этот, очень тонкий слой земной поверхности, сформировавшийся в определенные периоды геологического развития планеты, является главным источником и основой производства почти всех продуктов питания и сырья и в настоящее время. Почва - главное достояние и источник богатства человечества. В комплексных междисциплинарных исследованиях, разнообразие почвенного покрова рассматривается как составная основа развития растительности и животных на протяжении длительного периода геологического формирования планеты.

Стратифицированные отложения палеопочвенных горизонтов представляют собой незаменимый источник информации по изучению истории климатических и физико-географических преобразований природы в зоне сочленения Туранской платформы и орогена Тянь-Шаня, на фоне которых происходило формирований человека как антропологического типа [Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А. 2006].

Основной целью изучения генезиса почв в регионе исследований является также определение генетических связей между природными феноменами и наиболее полной аргументацией хроностратиграфических выводов. Результаты исследований в данном направлении показали, что метод комплексной междисциплинарной разработки проблемы взаимосвязи «человек – окружающая среда» и генезисом почвенного покрова, условиями развития природы, формирования человека как антропологического типа, региональными и локальными особенностями культур каменного века в четвертичном периоде оказался достаточно прогрессивным.

Поэтому вполне закономерным было определение комплексного изучение наиболее актуальной проблематики эволюционного развития природной среды, на фоне которой происходило становление человека как антропологического типа. Междисциплинарный подход в разработке важнейшего аспекта в истории развития почвенного покрова на территории Узбекистана, имеет непосредственное отношение к особенностям взаимодействия первобытного общества и окружающей среды и их дальнейшего развития.

Данное направление составляет также наиболее актуальную экологическую проблему регионального им глобального плана. Это объясняется не только всегда существовавшими тесными связями человека и общества с окружающей природой и очевидным всеобщим интересом к этой проблеме, но также и постоянными открытиями новых, неизвестных ранее источников [Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. 2013].

*Абдуназаров У.К. –к.г.н., доцент факультета географии и природных ресурсов НУУз.;

Крахмаль К.А. – к.и.н., научный сотрудник факультета геология и геоинформационных систем НУУз.

В этом плане необходимо отметить, что история формирования почвенного покрова, как одного из основных компонентов природной среды неразрывно связана с общими геолого-историческими процессами формирования земной поверхности [Абдуназаров У.К., Тойчиев Х.А., Стельмах А.Г. 2012]. В связи с этим генетические особенности формирования почвенного покрова рассматриваются на фоне геологической истории развития региона тектоники, геоморфологии, гидрографии, физической географии и биогеографии, а также ряда других научных направлений посвященных изучению территорий Узбекистана и прилегающих к нему регионов. Особое внимание уделено ведущим наукам о земной поверхности, которые изучают контакты литосферы с атмосферой и гидросферой на фоне возрастающего значения биосферы. В последнее время на территории Узбекистана, в результате проведения историко-геологического анализа освещены основные вопросы эволюционной геологии. Рассмотрены важнейшие разделы теории, включающие представления о геологическом времени и строении Земли. [Далимов Т.Н., Троицкий В.И. 2005].

Исторические этапы развития природы запечатлены в горизонтах ископаемых почв, сформировавшихся в лессовых отложениях четвертичного периода. На основе синтеза современных знаний разработаны основные проблемы глобальной и региональной хроностратиграфической шкалы четвертичного периода на территории Узбекистана [Тойчиев Х.А. 1996]. Исследования посвящены главным аспектам темы «Комплексная оценка положения нижней границы эоплейстоцена Узбекистана и определение временного объема четвертичного периода» [Тойчиев Х.А., Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А., Стельмах А.Г. 2006].

Почвенный покров как самый поверхностный слой суши земного шара, возник в результате эволюционного изменения горных пород под воздействием растительности, животных и микроорганизмов, солнечного тепла и атмосферных осадков. Поэтому, в процессе комплексного историко-геологического изучения региона, почвенные отложения рассматриваются как совершенно особое природное образование, обладающее только ей присущими строением, составом и свойствами.

Важнейшим свойством почвы является ее плодородие, т. е. способность обеспечивать рост и развитие растений. Это свойство почвы представляет исключительную ценность для жизни человека и всех живущих на суше организмов на протяжении всей геологической истории и является важным критерием в определении и обосновании хроностратиграфических рубежей в эволюционном развитии природы [Степанов И.Н., Абдуназаров У.К. 1977].

Открыты уникальные археологические находки, включая останки архантропов обитавших на территории Средней Азии в эпоху эоплейстоцена и последующие периоды, изучена их древнейшая на азиатском континенте материальная культура, запечатленная в палеопочвенных горизонтах. На основе археологических открытий определяется путь эволюционного развития гоминид, рассматриваются экологические условия, которые основаны на результатах изучения генезиса ископаемых почвенных горизонтов. Определяется хроностратиграфическая последовательность развития палеоэкологических условий, на фоне которых происходило формирование и дальнейшее взаимодействие общества и природной среды [Крахмаль К.А. 2014].

Также необходимо отметить, что, при всей важности изучения хронологических этапов и стратиграфической последовательности развития антропологических, археологических, историко-геологических и физико-географических аспектов проблем происхождения человека - ее «ключом», является именно проблема взаимоотношения человека и окружающей его среды в периоды раннего антропогенеза. Эта проблема необычайно актуальна для нашего времени и для всего будущего человечества, не смотря на то, что ее исторические корни, без которых нельзя понять настоящее и предсказать будущее, уходят в далекое геологическое прошлое, которое, в результате многолетних исследований все более и более отодвигается вглубь геологического летосчисления.

Взаимодействие человека и природы, т. е. содержание тех связей, которые соединяют человечество с окружающей его природной средой, представляет собой не только одну из самых актуальных, но и самых сложных проблем современности. Система связей в данном случае является чрезвычайно разносторонней и требует синтеза данных различных наук. Поэтому вполне закономерно разработка комплексного междисциплинарного исследования, посвященного вопросам возникновения и развития системы – человек –природная среда в периоды раннего антропогена. Оно включает представителей различных направлений как почвоведение, археология, антропология, палеобиология, палеогеография, геология, геофизика, гидрология и ряд других наук о Земле.

Почва относится к легко разрушаемому и практически невозполнимому виду природных ресурсов. А между тем почва представляет собой бесценное народное богатство, и мы обязаны всемерно беречь ее. Именно поэтому в Основах земельного законодательства Узбекистана, провозглашено: «Научно обоснованное, рациональное использование всех земель, охрана их и всемерное повышение плодородия почв является общенародной задачей».

Почва является незаменимой экологической основой, важнейшим компонентом всех наземных биоценозов и биосферы Земли в целом. С почвенным покровом Земли проходят многочисленные экологические связи всех живущих на земле и в земле организмов, в том числе и человека с литосферой, гидросферой и атмосферой. В связи с этим на территории Узбекистана проводится изучение развития и закономерностей распространения почв, разрабатываются генетические классификации, методы изучения и картографирования. Сформулированные закономерности географического распространения почв и вносят существенный вклад в теорию и практику охраны и повышения плодородия почвенного покрова.

Литература:

1. Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А. Палеогеографическое значение изучения погребенных почв лессовых толщ Приташкентского района. Международная научно-практическая конференция «География в современном мире. Теория и практика». Ташкент, 2006.
2. Абдуназаров У.К., Тойчиев Х.А., Стельмах А.Г. Палеопочвенные горизонты лессовых отложений четвертичного периода. Ташкент, 20012. 100 с.
3. Далимов Т.Н., Троицкий В.И. Эволюционная геология (история геологической эволюции Земли). Ташкент. «Университет», 2005. 584 с.
4. Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. Хроностратиграфическая детализация и некоторые принципы физико-географического районирования в зоне Тянь-Шаньского орогена и Туранской платформы. Известия Географического общества Узбекистана. Вып. 46. Ташкент, 2015. С. 29-31.
5. Крахмаль К.А. Новые результаты хроностратиграфических исследований раннего антропогена на территории Узбекистана. Археология Узбекистана. № 1 (8) – 2014. С. 3-6.
6. Степанов И.Н., Абдуназаров У.К. Погребенные почвы в лессах Средней Азии и их палеогеографическое значение. М., 1977. 120 с.
7. Тойчиев Х.А. Палеомагнитная стратиграфия континентальных отложений Узбекистана. Автореф. Докт. Геолого-минералогических наук. Ташкент, 1996. 51 с.
8. Тойчиев Х.А., Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А., Стельмах А.Г. Новая хроностратиграфическая схема антропогена Узбекистана. Ангрэн – истикболли шаҳар. Ангрэн, 2006.
9. Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназаров У.К. Открытие захоронения южного мамонта на территории Узбекистана. Основные проблемы магматической геологии Западного Тянь-Шаня. Ташкент, 2013. С. 124-126.

SAKRAL LANDSHAFT - GEOGRAFIK TADQIQOT PREDMETI

Abdullayev S.I., Muqumova H. I., Nazarov M. G.*

Qarshi davlat universiteti

Jahonning deyarli barcha xalqlarida qadim zamonlardan buyon muqaddas va mu'tabar qadamjolar maqomiga ega bo'lgan obyektlar mavjud. Tabiat bilan hamjihatlikda yashagan inson

*Abdullayev Suyun Ismatovich – Qarshi DU geografiya kafedrasining dotsenti, g.f.n.;

Muqimova Husnora Irgashevna – Qarshi DU geografiya kafedrasining o'qituvchisi.;

Nazarov Maqsud Geldiyevich - Qarshi DU geografiya kafedrasining o'qituvchisi.

tabiat hodisalarini ilohiylashtirgan va unga sig'ina boshlagan, turli marosimlarni o'tkazgan, shu tufayli sayyoramizda muqaddas joylar yuzaga kelgan. Ular – barcha zamonlar va kulturelarning buyuk avliyolari va ularning safdoshlari dafn qilingan joylar, yo'qolgan dinlarning muqaddas joylari, ko'p yillik ziyoratgohlar va zohidlik obyektlari, shuningdek kuch joylari deb atalmish joylarda tabiatning ko'rinmas kuchlari tufayli biror-bir hodisa sodir bo'lgan, dindorlar muqaddas deb hisoblaydigan va sig'inadigan joylar. Muqaddas joylar turli dinlarga e'tiqod qiluvchi hamma xalqlarda, ko'pgina shahar va mamlakatlarda bor. Ularga nafaqat me'moriy obyektlar (qabristonlar, ibodat joylari, ehromlar), balki tog'lar, daraxtzorlar, g'orlar, buloqlar, ko'llar, daryolar, hatto ayrim daraxtlar va toshlar ham mansub. Musulmon diniga mansub bo'lgan xalqlarda payg'ambar, shayx, eshon, avliyolar nomi bilan bog'liq hisoblangan va ziyoratgohga aylanib ketgan shahar, maqbara, chashma, tepalik, g'or va boshqalar muqaddas joylar hisoblanadi (O'zME, 2003). Shu asosda muqaddas joylar inson tomonidan yaratilgan va tabiiy muqaddas joylarga ajratiladi.

Muqaddas joylar fanda *sakral joylar* (Sacred Site) va *sakral makonlar* (sacred space), ular tarqalgan yoki band qilgan joylar *sakral landshaftlar* deb nom olgan. Sakral joylar sakral landshaftning strukturaviy elementi hamda turli davrlar va dinlarning kult inshootlari bo'lgan joylari bo'lib, o'ziga xos ko'rinishni shakllantiradi. Muqaddas joylar sakral landshaft hududini qisman yoki butunlay band etishi mumkin. Ayrim hollarda sakral landshaft sakral joyga o'xshash yoki sakral joylar bunday landshaftning semantik markazlari bo'lib xizmat qilishi mumkin. Sakral joy hududiy kompleks bo'lmashligi mumkin va u nuqtasimon obyekt – sakral funksiyaga ega bo'lgan tosh, daraxt, buloq va boshqa obyektlar bo'lishi mumkin. Tog'ni, vodiyni, daraxtzorni, orollarni, ko'llarni va boshqa shunga o'xshash obyektlarni qamrab olgan sakral joylar sakral landshaftlarga aynan o'xshash bo'ladi.

Hududiy etnik madaniyat ta'siri ostida sakral landshaftlarning hosil bo'lishi ierotopiyada (muqaddas joyda) - sakral makonda kechadi. Sakral makon tor (diniy) va keng (asl sakral) mazmunda qaraladi. Diniy makon etnik - madaniy regionni va kult landshaftlarini shakllantiradigan ritual obyektlardan iborat. Etnos va sakral o'zaro ta'sirda bo'ladigan joy etnik–madaniy landshaftning shakllanishi uchun dastlabki asos bo'ladi. Keng mazmunda sakral makon sakral joylardan (landshaftlardan) iborat. Sakral makon ham antropogen, ham tabiiy obyektlarni o'z ichiga oladi. Turli muqaddas va tabarruk joylar, ibodatxonalar va boshqa diniy dargohlar, nekropollar va boshqa tafal landshaftlar, diniy marosimlar o'tkaziladigan joylar esa sakral landshaftlardir. Ular muayyan diniy kulturelarni o'tkazish, diniy amallarning rivojlanishi, ibodat marosimlarini bajarish tufayli shakllangan va shu maqsadlar uchun muljallangan. Sakral landshaft sayyoramizdagi kishilar yashaydigan har bir hudud madaniy, tarixiy landshaftning bir qismidir (Volovik, 2013).

Madaniy landshaftning semantik maydonining asosiy nuqtalari bo'lgan sakral joylar odatda kult amallarining va diniy faollikning markazlaridan iborat bo'ladi va ular butun landshaft rivojlanishini va uning morfologik xususiyatlarini belgilaydi. Shuningdek, sakral landshaftni etnosning diniy faoliyati va madaniy merosi (sakral yodgorliklar, majmualar va ansambillar) bilan bog'liq bo'lgan etnik-madaniy landshaftning bir qismi sifatida qarash lozim. An'anaviy sakral landshaftlar jumlasiga kult obyektlari va ritual joylar (asl sakral landshaftlar) va dafn qilish joylari (tafal landshaftlar) kiritiladi.

Sakral landshaftlarga madaniy qadriyati muqaddaslik mazmunining va kult (lot. cultus qadrlash, e'zozlash) maqsadining mavjudligi bilan belgilanadigan barcha hududiy komplekslar kiritiladi. Madaniy landshaftning semantik maydonining asosiy nuqtalari bo'lgan sakral joylar odatda kult amallarining va diniy faollikning markazlaridan iborat bo'ladi va ular butun landshaft rivojlanishining morfologik xususiyatlarini belgilaydi.

Sakral landshaftlar diniy funksiyani bajaradigan tabiiy-antropogen geosistemalar bo'lib, ular birinchi navbatda insoniyatning diniy ehtiyojlari bilan bog'liq bo'lgan, shuningdek aholining muayyan toifasiga mansub kishilarning bunday joylar bilan munosabatda bo'lishga intilishiga sabab bo'ladigan ziyorat qilinadigan obyektlardir. Ko'p asrlar davomida hududning diniy (muqaddas yoki sakral) funksiyalarini saqlanib qolganligi sakral landshaftlarning muhim belgisidir. Sakral landshaft bir paytda butun va tuzilmalashgan, tabiiy va madaniy komponentlarga ega, semantik va simvolik jihatdan o'zlashtirilgan. Hududiy hosilalarning bunday tofasi insoniyat

rivojlanishining har bir bosqichda mavjud bo'lgan muqaddas joylar tushunchasiga to'g'ri keladi va barcha hozirgi dinlarning muxlislari uchun mavjud bo'ladi. Sakral landshaftlarda odamlar va ilohiy kuch o'rtasida ruhiy dialog va aloqa ta'minlanadi. Aynan shunday joylar-sakral geografiya nazarida bo'ladi.

UNESCO madaniy merosi ro'yxatida madaniy qadriyati muqaddaslik ma'nosi yoki madaniy maqsadning mavjudligi bilan belgilanadigan hududiy komplekslar sakral landshaftlarga mansub deb belgilangan. Sakral landshaftlarni o'rganish uchun landshaftshunoslik (sakral landsaftlarning noyob xossalari), tarixiy– landshaft (turli qatlamlardagi sakral makon), etnik-ekologik (sakrallashuv jarayonlari), psixologik (sakral va profan landshaftlarning obrazi), etnologik (sakral landshaftlarning energiya–axborot tuzilmalari) yondoshuvlaridan foydalanish mumkin (Volovik, 2013).

Landshaftshunoslik yondashuvida sakral landshaftlarning katta qismi tabiiy va sotsial-iqtisodiy geosistemalar birgalikda mavjud bo'lgan tabiiy-antropogen landshaftlar geosistemalardir. Bu toifadagi sakral landshaft tushunchasi nafaqat monand funksiyani bajaradigan landshaft komplekslarini, balki seliteb, qishloq xo'jaligi va suv landshaftlariga mansub bo'lgan xo'jalik va ma'muriy funksiyalarni bajaradigan hududlarni ham o'z ichiga oladi.

Sakral landshaftlar diniy funksiyani bajaradigan geosistemalar bo'lib, ular birinchi navbatda insoniyatning diniy ehtiyojlari bilan bog'liq bo'lgan, shuningdek aholining muayyan toifasiga mansub kishilarning bunday joylar bilan munosabatda bo'lish uchun intilishishiga sabab bo'ladigan ziyorat qilinadigan obyektlardir. Ko'p asrlar davomida hudud diniy (muqaddas yoki sakral) funksiyalarini saqlab qolganligi sakral landshaftlarning muhim belgisidir. Sakral landshaft bir paytda butun va tuzilmalashgan, tabiiy va madaniy komponentlarga ega, semantik va simvolik jihatdan o'zlashtirilgan. Sakral landshaft - tabiat va madaniyatning birgalikdagi fenomeni, kishilar ziyorat qiladigan tabarruk va muqaddas hududlarning birikmasidir. Yer yuzasining quruqlikdagi ayrim qismlari mahalliy kishilar ongida muqaddaslik sajiyasiga ega bo'lgan shunday joylardir.

Sakral landshaft sayyoramizning aholi istiqomat qiladigan har qanday hududining madaniy, tarixiy landshaftning bir qismidir. Sakral landshaft – landshaftning antropologik tarkibiy qismi, kishilarning uning bunyod qilishdagi intellektual va diniy faoliyatining muhim natijasi. Sakral landshaft – yanada yirikroq sotsial-madaniy hosilaning – madaniy landsahftning qismi (Окладникова, 2011).

Sakral landshaft landshaft qiyofasini yaratuvchi insonning ruhiy-intellektual faoliyati natijasini ifodalaydigan, uning antropologik qismidan iborat. Shu bois u tabiiy va madaniy elementlarga ega bo'lgan sakral landshaftning makoniy uyushuvining bir butunligi va strukturaviyligi to'g'risida, shuningdek uning utilitar, semantik va simvolik o'zlashtirilganligi to'g'risida so'z yuritish mumkin. Sakral landshaft “semiotik til bilan ifodalangan uyushgan bir butun, noverbal matnning” elementi sifatida qaralishi mumkin. Sakral landshaft intellektual ta'sir natijasi, geografik muhitni inson tomonidan boshqarilishining natijasi sifatida landshaft tizimini asrashga, tarixiy istiqbolda uning mavjud bo'lish rejimini ta'minlashga, undagi sotsial-madaniy fenomen sifatida mavjud bo'lgan funksiyasini amalga oshirishga imkon beradi, Bu etnik integratsiya, madaniy qadriyatlarni va me'yorlarni avloddan avlodga, tabiat va jamiyatdagi kuchlar balansini virtual (mifologiya va legendalarda) ko'makni yetkazish bo'lishi mumkin.. Sakral landshaft o'z funksiyalarini madaniyatning turli (etnik, xo'jalik madaniy, til, konfesional va b.) komplekslari orqali amalga oshiradi. Sakral landshaft landshaftning tizimli modelida tabiiy va madaniy kichik tizimlarni bir butun landshaft makoniga birlashtiruvchi element sifatida namoyon etadi.

Sakral landshaft geografik makonning virtual qismi bo'ladi. UNESCO tomonidan tarixiylik tamoyili asosida ishlab chiqilgan tipologiyada hunarmandchilik, sakral, qo'riqlanadigan, memorial, relik va qazilma landshaftlarga ajratiladi. UNESCO hujjatlariga binoan qazilma landshaftlar odatda arxeologik yoki paleontologik merosning yodgorliklari (qadimiy shaharlarning qoldiqlari, qo'rg'onlar komplekslari, qadimiy vohalar yoki landshaft qiyofasini shakllantirgan madaniy umummiylikning geografik areali o'rniga kelgan, ammo batamom yo'qolgan yoki madaniy an'analarni olib yurish funksiasini yo'qotgan vohalar)dan iborat. Odatda arxeologlar va

paleontologlar tomonidan tadqiq qilinadigan qazilma landshaftlar mohiyatiga ko'ra relik landshaftlardir (Conserving cultural..., 2006).

Umumjahon merosi konsepsiyasi uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan holda "sakral landshaft" mantiqan "madaniy landshaftlar" tushunchasi bilan bog'liq. Tabiiy muhitning o'zgarishi tarixiy va qadimiy, shu jumladan ko'pchiligi arxeologiya yodgorliklarini tashkil etadigan sakral landshaftlarni o'zgartiradi. Umumjahon merosi yodgorliklariga qadimiy tarixning mazmuniga ko'ra xilma-xil monumentlari mansub va ular hozirgi sakral landshaftlarni shakllantiradi. Bu monumentlar va monumental komplekslar sakral landshaft uchun sistema hosil qiluvchi bo'ladi. Qoya toshlardagi ibodatxonalar (rasm chizilgan qoyalarni tog' ibodatxonalari deb atash mumkin) sakral landshaftlarning yadrosi yoki markerlari (qoya san'atining yodgorliklari, qadimiy ibodatxonalar, ayrim manzillar, plitali mogilniklar, yodgorlik toshlari va b.) bo'lib xizmat qiladi.

Shunday qilib, landshaft tizimida sakral landshaft bir paytning o'zida geografik makonning, tabiiy komplekslarning va madaniy landshaftning, sotsial-madaniy komplekslarning bir qismidir.

Adabiyotlar:

1. Abdullayev S.I., Muqumova H.I., Nazarov M.G. Sakral landshaftlar madaniy landshaftlar tizimida // Geografiya va geografiya ta'limidagi muammolar. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. T.: 2018
2. Воловик В.Н. Категории сакрального ландшафта. Географический вестник. // Вып. № 4 (27), 2013.
3. Лавренова, О. А. Модель в взаимодействия географического, культурного и сакрального ландшафтов. – <https://cyberleninka.ru/n/model-vzaimodeystviya-geograficheskogo-i-sakralnogo-landshaftov>.
4. Окладникова Е.А. Сакральный ландшафт: теория и эмпирические исследования. 2014. стр. 210. – WWW.kniga.Com/books/preview_txt.abr.Sku.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 - жилд. Т., 2003.
6. Conserving cultural and biological diversity: The Role of sakred Natural Sites and Cultural Landscapes. Proceedinds of the Tokio Sympozium 30 May – 2 June 2005. UNESCO-MAB publishing, Paris 2006. – 341 p.

MADANIY LANDSHAFT KONSEPSIYASI

Abdullayev S. I., Murtazayev B.Ch.*

Qarshi davlat universiteti

Geografiyaning rivojlanishida landshaft konsepsiyasi eng muhim nazariy qoidalardan biri hisoblanadi. Geografiyaning asosiy tushunchalaridan biri sifatida negizida Yer yuzasida kechadigan barcha tabiiy hodisalarning o'zaro ta'sir va o'zaro bog'liqlik g'oyasi turadigan landshaft o'zining hududiy o'zgarishlarida va tarixiy rivojlanishida geosistema sifatida namoyon bo'ladi. Landshaft bir butunlik, barqarorlik, o'z-o'zini boshqariish va boshqa belgilar bilan ifodalanadigan asosiy geosistema tushunchasiga to'g'ri keladi.

Landshaft nafaqat ilmiy tadqiqot obyekt, balki inson faoliyatining obyekt hamdir. Zero, landshaftlar – tabiiy resurslarga ega bo'lgan va resurslar qayta tiklanadigan hamda genofond saqlanadigan tabiiy sistema, insonning hayoti va faoliyati kechadigan muhit, tabiiy laboratoriya va estetik idrok qilish manbaidir. Xo'jalik tarmoqlari uchun landshaft qayta tiklanadigan resurslarni ishlab chiqarish manbai, qishloq va o'rmon xo'jaligi uchun biomassa qayta tiklanishining tabiiy mexanizmidir.

Quyi paleolitdan boshlab landshaftning ayrim komponentlariga: dastlab yirik umurtqalilar faunasiga va o'simlikga, so'ngra tuproq, suv, litosferaga faol ta'sir ko'rsatila boshlangan. Inson tomonidan tubdan o'zgartirilgan landshaftlar hosil bo'ldi. Hozirgi paytda geografik zonalar, landshatlarning turli xillari inson faoliyati jabhasiga jalb qilingan, hatto qo'riqxonalar ham inson faoliyati tufayli mavjud. Sayyoramizning deyarli barcha hududlarida tarqalgan hozirgi landshaftlar inson faoliyati tufayli turli darajada o'zgartirilgan va antropogen landshaftlar deb nom olgan. Landshaftda nafaqat hozirgi paytda ko'rsatilayotgan to'g'ri va aks ta'sirlargina emas, balki o'tmishda unga ko'rsatilgan ta'sirlar ham muhrlangan. Shu sababli hozirgi landshaftlar antropogen landshaftlarning ozmi – ko'pmi o'zgartirilgan tabiiy landshaftlar bilan bo'lgan hududiy birikmasidan iborat. Hozirgi paytda landshaftlarning katta qismi inson ta'sirida rivojlanmoqda.

* **Abdullayev Suyun Ismatovich** – Qarshi DU geografiya kafedrasining dotsenti, g.f.n.

Murtazayev Bahrom Choriyevich – Qarshi DU geografiya kafedrasining katta o'qituvchisi

Mc-Kloskey J.Mikael (1989) tomonidan topografik kartalar asosida olingan ma'lumotlarga ko'ra, jahondagi inson faoliyati tufayli juda kam o'zgartirilgan landshaftlarning maydoni 48 mln. km² ni tashkil etadi.

Kishilik jamiyati faoliyati bevosita ta'sir ko'rsatishi natijasida predmet va hodisalarning nisbati shunday o'zgartirilganki, u tabiiy holatiga nisbatan yangi, sifat jihatdan o'zgacha xususiyatlarga ega bo'ladi, biroq u tabiiylikka ega bo'lib qoladi va tabiat qonunlari asosida rivojlanadi. Insonning tabiatga ta'siri kuchayib, intensivlashib boradi. Agar ilgari tabiiy muhitga kiritiladigan o'zgarishlar bir necha avlod hayoti davomida namoyon bo'lmagan bo'lsa, endilikda bir avlod bu o'zgarishni o'zida his etadi. Bu o'zgarishlar barcha paytlarda inson uchun ham, tabiatning o'zi uchun ham ijobiy sajiyada bo'lmaydi. Chunki insonning tabiiy muhitga ta'siri tufayli uzoq vaqt davomida geografik qobiqda muhim strukturaviy-dinamik o'zgarishlar sodir bo'lgan. Bu o'zgarishlar, bir tomondan, tabiiy geosistemalarning tabiiy tadrjiy rivojlanishida, boshqa tomondan, kishilik jamiyatining ishlab chiqarish kuchlari va ishlab chiqarish munosabatlari qonuniy rivojlanishining sharoitlarida kechgan. Buning natijasida tabiiy va inson tomonidan yaratilgan elementlar birgalikda mavjud va o'zaro ta'sirda bo'ladi. Madaniy-o'zgartituvchi faoliyatga duchor bo'lmagan, sun'iy inshootlar bo'lmagan yoki muayyan sabablarga ko'ra inson tegmagan landshaftlarni *tabiiy landshaftlar* deb atash mumkin. Inson faoliyati tufayli vujudga kelgan landshaftlar dastlab *madaniy landshaftlar*, biroz keyinroq esa antropogen *landshaftlar* deb atala boshladi; ayrim manbalarda "o'zgartirilgan landshaft", "texnogen landshaft", "antropogen geosistema", "bunyodkorlik geosistemalari" kabi terminlar ham qo'llaniladi.

Madaniy landshaft – tabiat va insonning tadrjiy o'zaro ta'siri, uning sotsial-madaniy va xo'jalik faoliyati natijasida shakllangan, tabiiy va madaniy komponentlarning o'ziga xos barqaror komponentlaridan tashkil topgan hamda barqaror o'zaro aloqa va o'zaro taqozada bo'ladigan tabiiy-madaniy hududiy kompleksdir (Kuleshova M.Ye.). Nemis olimi O.Shlyutter geografiyaning bosh vazifasi landshaftning "yovvoyi" holatidan madaniy holatiga qadar o'zgarishlarini tadqiq qilishdan iborat deb hisoblagan. U inson faoliyati tufayli sodir bo'lgan katta o'zgarishlarga qadar mavjud bo'lgan landshaftni *Urlandschaft*, inson tomonidan madaniy maqsadda yaratilgan landshaftni esa *madaniy landshaft* deb ataydi.

"Madaniy landshaft" konsepsiyasining asoschisi bo'lgan K.Zauerning fikricha, inson tomonidan o'zlashtirilgan hudud insonga nisbatan ibtidoiy tabiiy landshaftni, tabiiy obyektlar majmuasi tabiiy landshaftni hosil qiladi; landshaftning batamom shakllanishida esa tabiiy hududning xususiyatlari va tabiiy landshaftda insonning faoliyati tufayli yaratilgan madaniy landshaft ishtirok etadi. Bu sistemada madaniyat faol agent, tabiiy muhit vosita, madaniy muhit natija bo'ladi. Inson o'zining tabiiy muhiti doirasida tabiiy muhitni madaniy landshaftga aylantiradi. Landshaftning batamom shakllanishida tabiiy hududning xususiyatlari va tabiiy landshaftda insonning faoliyati tufayli yaratilgan madaniy landshaft ishtirok etadi. Uning fikricha, o'xshash tabiiy asosda turli etnik guruhlar o'zini har xil tutadi, tabiatga ta'sir ko'rsatishda har xil texnologiyani qo'llaydilar, har xil yerlarni tanlaydilar. Bu esa yagona tabiiy asosda turli madaniy landshaftlarning shakllanishiga olib keladi (Джеймс, Мартин, 1988).

Tabiiy va sotsial-iqtisodiy geosistemalar birgalikda mavjud bo'lgan madaniy landshaftlar – inson tomonidan maqsadli ravishda ilmiy asosda yaratilgan, strukturaviy aloqalar doimiy ravishda inson tomonidan melioratsiya, kultivatsiya, kimyolastirish va boshqa tadbirlar orqali boshqarilib turiladigan, optimal tuzilmaga va funksional xossalarga ega bo'lgan, xo'jalik faoliyat uchun eng yaroqli bo'lgan antropogen landshaftlardir (ekinzorlar, bog'lar va plantatsiyalar, madaniy ekilgan yaylovlar va b.). Shunday qilib, madaniy landshaftlar sifati yaxshilangan, unumdorligi oshirilgan, insonning mehnat qilishi, dam olishi, estetik zavqlanish uchun qulay o'zgartirilgan landshaftlardir. Shu nuqtai nazardan qaralganda madaniy landshaftlar deb inson faoliyati natijasida landsahft ilgaridagiga nisbatan yangi xossalarga bo'lgan hudud tushuniladi.

Hozirgi paytda madaniy landshaftlar to'grisidagi tasavvurlar ham o'zgarimoqda va ular umumgeografik tushuncha, umumilmiy kategoriya sifatida qaralmoqda. Barcha tabiiy va antropogen komponentlarni o'z ichiga oladigan madaniy landshaft insonning o'zini muayyan amaliy ehtiyojlarini qondirish uchun ongli, maqsadli faoliyati natijasida shakllanadi va madaniy

meros obyektlarining o'ziga xos toifasini hosil qiladi. Madaniy landshaftning bunday tushunchasi uch xil ta'rifga ega:

- madaniy landshaft inson tomonidan aniq bir dastur asosida o'zgartirilgan va yuqori darajadagi estetik va funksional sifatlarga ega bo'lgan "yaxshi" antropogen landshaft;
- madaniy landshaft – uzoq tarixiy davr davomida kishilarning muayyan guruhi yashagan joy;

- ko'pgina hollarda madaniy landshaftlar tabiiy muhitning sajiyasi va imkoniyatlari bilan bog'liq bo'lgan yerdan barqaror foydalanishning o'ziga xos texnologiyalarini aks ettiradi. Madaniy landshaftlarni saqlash yerdan foydalanishning hozirgi metodlarining rivojlanishiga, shuningdek landshaftning tabiiy afzalliklarini (qiymatini) saqlash yoki kuchaytirishga imkon berishi mumkin. Yerdan foydalanishning hozirgi an'anaviy metodlari sayyoramizning ko'pgina rayonlarida bioxilma-xillikni asrashga imkon beradi.

Bizning geografik adabiyotlarda anchadan buyon madaniy landshaft o'zgartirilgan landshaft, antropogen landshaftlarning asosiy sinfi sifatida qaraladi. Bunday konsepsiyada madaniy landshaft antropogen landshaftdan farq qilmaydi. Antropogen landshaft inson faoliyati natijasida yoki tabiiy landshaftning bilmasdan o'zgartirilishi natijasida vujudga kelgan geografik landshaft bo'lib, tabiiy landshaftning butunlay aksidir. Ta'kidlash lozimki, antropogen landshaftlar tabiiy sifatlardan tashqari yangi ijtimoiy sifatlarga ega bo'ladi. Aynan takrorlanmaydigan rivojlanishning mavjudligi tufayli tabiiy qonuniyatlarga bo'ysunadigan komplekslarga antropogen landshaftlarni hosil qiladi (Abdullayev va b., 2017).

Ko'pgina tadqiqotchilar madaniy landshaft inson va tabiatning hamkorligi natijasida shakllanadi deb hisoblagan holda antropogen va madaniy landshaftni ajratadilar. Madaniy landshaftlarda tabiiy va madaniy komponentlar tutashib ketgan va ularni ajratish hamma vaqt ham maqsadga muvofiq emas. Bu ikki asosning landshaftdagi nisbati uning xususiyatlarini belgilaydi, biroq bu hodisa negizida ulardan qaysi birining turishi doimo ham aniq emas. Chunki shunday tizimlar mavjudki, ular inson faoliyati ta'sirida vujudga keladi, so'ngra ularning rivojlanishi tabiiy yo'l bilan boradi; boshqa tizimlar esa insoning aniq bir ehtiyojlarini qondirish uchun shakllanadi, davriy ta'sirda bo'ladi.

Ayrim hollarda madaniy landshaft tabiat asosidagi madaniyat elementlari sifatida qaraladi. Bunday konsepsiyada madaniy landshaft tabiiy asosini saqlab qoladi va meros qilib oladi. Madaniy elementlar tabiiy asosni to'ldirib turadi va tabiiy elementlarning qonuniyatlariga bo'ysunadi. An'anaviy qishloq landshafti aynan shunday xususiyatga ega.

Yevropaning ko'pgina mamlakatlarida, AQShda, keyingi yillarda Rossiya geografiyasida madaniy landshaft tabiiy-madaniy meros sifatida tadqiq qilinmoqda.. Madaniy landshaftning bu konsepsiyasiga ko'ra madaniy landshaft kontekstual, landshaftda uzilib qolgan joylar bo'lmaydi. Bu konsepsiya xalqaro miqyosda ham tan olingan. Tabiiy va madaniy meroslarni asrab qolishda landshaftlar, birinchi navbatda madaniy landshaftlar bilan ish olib borishni taqoz etadi (Kaluskov, Kracovckaya, 2000; Vedenin, Kuleshova, 2001; Icachenko, 2003; Kaganckiy, 2009 va b.).

Madaniy landshaftning meros obyekti sifatidagi maqomi YUNECKOning xujjatlarida 1992-yilda qayd qilingan (Fowler, 2003). Predmetlar yoki axborotlar ko'rinishida saqlanadigan madaniy meros madaniy landshaftning muhim qismidir. U asosiy omil sifatida muayyan joydagi aholining turmush tarzini belgilaydi, o'ziga xos me'morchilik, arxeologiya, etnologiya, toponomika, folklor va umuman, madaniy turmushning barcha jihatlarini shakllanishining sharoiti bo'ladi; bunday holda madaniy landshaftning o'zi meros obyekti bo'lib qoladi. Meros obyekti sifatida landshaft universallik (umumiylig), bir butunlik va autentik (asllik) xossalari ega bo'lishi kerak. Universal xossaga ega bo'lgan madaniy landshaft geografik (mahalliy ekologik sharoitlarga moslashuv), tarixiy (tabiatdan foydalanish sajiyasining tarixiy o'zgarishlari) va madaniy (insonning tabiatga ma'naviy munosabatining namoyon bo'lishi) kontekstda bo'ladi. Bir butunlik, ya'ni uning moddiy obyektlari, mental xossalari va tabiatdan foydalanish an'alarining tugallanganligi, birligi, uyg'unligi va saqlanganligi madaniy landshaftning ikkinchi muhim xossasidir. Madaniy landshaftning autentikligi deb uning bir butunlik xossalari bilan bog'langan haqiqiyliги, ishonchliligi tushuniladi.

Adabiyotlar

1. Абдуллаев С.И., Муртазаев Б.Ч., Назаров М.Г. Антропоген ва маданий ландшафтлар-нинг нисбати // География XXI асрда: муаммолар, ривожланиш истикболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарканд -2017.
2. Джеймс П., Мартин Дж. Все возможные миры. История географических идей. М.: Прогресс, 1988. - 672 с.
3. Исаченко А.Г. О двух трактовках понятия “культурный ландшафт” // Известия РГО. – 2003. – 135. № 1. С. 5-16.
4. Каганский В.П. Культурный ландшафт: основные концепции в российской географии // Обсерватория культуры. – 2009. - № 1. С.62-70.
5. Калусков В.Н., Красовская Т.М. Представления о культурном ландшафте: от профессионального до мировоззренческого // Вестник Моск. ун-та – Серия 5. География. – 2000. - № 4. С. 3-6.
6. Культурный ландшафт как объект наследия. Под ред. Ю.А.Веденина, М.Е.Кулишевой. М.: Институт Наследия,СПб, Дмитрий Буланин. 2004.– 62 с.
7. Fowler P. J. World Heritage Cultural Landscapes 1992-2002 // World Heritage Papers 6. UNESCO World Heritage Center, 2003. – 140 p.
8. Mc-Closkey J.Michael. A Reconnaissance-level inventory of the amount of wilderness remaining in the world. Spalding Heather. AMBIO. – 1989,18. N 4.

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ТОҒЛАРИ ГЕОЭКОЛОГИЯСИГА ДОИР

Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х.*

ТДПУ, Ғузур тумани 68-сонли ДИУМИ

Ўзбекистон тоғли ҳудудларида аҳоли сонининг ортиб бориши, шу муносабат билан аҳоли манзилларининг кенгайиши, янгиларини таркиб топиши, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожлантирилиши, янги қазилма бойликларининг топилиши ва улар асосида саноат корхоналарининг ишга туширилиши, мураккаб гидротехник иншоотлар, темир ва автомобиль йўлларининг бунёд этилиши, рекреация зоналарининг барпо этилиши ва бошқа кўплаб объектларининг қурилиши мазкур минтақада катта ҳажмда иқтисодий ва ижтимоий юксалишни вужудга келтирган. Табiiй ресурслардан фойдаланиш тезкорлик билан олиб борилиши оқибатида тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг экологик мувозанати бир мунча ўзгариб бир қатор геоэкологик муаммолар вужудга келди. Бундай муаммолар сирасига тоғ яйловлари деградацияси, музлик ва доимий қорларнинг шиддат билан эриши, тоғ ёнбағирларидаги ерларнинг ярқоқсиз ҳолатга келиши, ўрмонларнинг қисқариши, хавфли табiiй географик жараёнлар сони ва таъсирининг кучайиши кабиларни киритиш мумкин.

Жанубий Ўзбекистоннинг тахминан 57,8 %ини тоғ ва тоғолди минтақаси ташкил этади (Республикада 21,3%). Бироқ, вилоятлар доирасида тоғли ҳудудлар салмоғи турлича бўлиб, Сурхондарё вилоятининг 70% (Джумаев Т., 1989), Қашқадарё вилоятининг 45,2% (Абдуллаев С.И., Усмонов И., 1981) ҳудуди тоғ ва тоғ олди минтақасига мансуб (Қурбонов П.А., 2012). Ушбу ҳудудларнинг жуда катта (80%и) қисми Ҳисор тизмаси (Қоратепа тизмасининг жануби ва Боботоғ тизмасининг ғарбий қисми қолган 20%дан ортиғини ташкил этган ҳолда) ҳиссасига тўғри келади.

Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисми шу йўналишда Хонтакти, Чаққар, Жоникмар, Бешнов, Қорасирт, Бобосурхоқ, Богазар, Бойсун, Кўҳитанг, Сурхонтоғ, Қорачағат, Дехқонобод каби ўнлаб тизмаларга бўлиниб кетган. Ушбу тизмаларнинг ғарбий ёнбағридан Қашқадарё ва унинг ирмоқлари (Яккабоғдарё, Танхоздарё, Жиннидарё, Лангар, Оқсув, Ғузурдарё – Катта ва Кичик Ўрадарё), шарқий ёнбағридан Сурхондарёнинг ўнг ирмоқлари (Тўполон, Қоратоғ, Сангардак, Хўжаипок дарёлари) ва Шеробод дарёлари бошланиб, улар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг катта майдонларини (Қашқадарёнинг асосий чап ирмоқлари Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг 20%и) сув билан таъминлаб беради. Ушбу дарёларининг ўнлаб йирик ирмоқлари ва уларга

*Алимқулов Нусратулла Раҳмонқулович – Низомий номидаги ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, г.ф.н., доцент.;

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 68-сонли давлат умумтаълим ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернати география фани ўқитувчиси.

кўшиладиган юзлаб сойлар тоғларнинг ёнбағрини кучли парчалаган, тор ва чуқур водийларни ҳосил қилган.

Тоғларнинг ўртача баландлиги 3600 метргача боради. Айрим чўккилари 4400-4600 метр баландликкача етиб, уларнинг юқори қисмида совуқ криоген зона шаклланган. Ҳисор тизмаси меридионал йўналишда жойлашган бўлиб, ғарбий ёнбағрида 600-800 мм гача ёгин ёғади. Тоғларнинг баландлиги ва ҳароратнинг пастлиги сабаб Қашқадарё ва Сурхондарёнинг юқори қисмида 200 дан ортиқ тоғ музликлари шаклланган.

Жанубий Ўзбекистонда яшаётган 5,5 млн. кишидан ортиқ аҳолининг тахминан 37%и (Қашқадарё вилояти аҳолисининг 40%и, Сурхондарё вилояти аҳолисининг 34%и) Жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғ олди ҳудудларига тўғри келади (Аллаёров Р.Х., ва б., 2018).

Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида сони ортиб бораётган аҳоли томонидан ёқилғи, қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш мақсадида тоғ ёнбағрларидаги дарахт ва буталарнинг кўплаб кесиб юборилиши, чорва молларининг туёқ сони кўпайиб бораётганлиги туфайли яйловлардан оқилона фойдаланиш тамойиллари бузилиши оқибатда зарар келтирувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг тезкорлик билан вужудга келиши кузатилмоқда. Айниқса, ёгин-сочин баҳорда жала тарзида тушадиган, турли қалинликдаги лёсс, лёссимон жинслардан ташкил топган тоғ ёнбағирларда сел, сурилма, емирилиш, жарланиш, карст, суффозия, ўпирилиш ва бошқа ҳодисалар тез-тез вужудга келмоқда. Бу эса тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги табиий жараён ва ҳодисалар табиий географик ва геоэкологик жиҳатда мажмуали ўрганиш зарурлигини тақозо этади.

Тоғ геотизимлари билан текислик геотизимларининг ҳолатида, уларнинг динамикасида фарқли хусусиятлар мавжуд. Тоғларда текисликларга нисбат ёгиннинг кўплиги, ҳаво ҳароратининг пастлиги, шу муносабат билан ўсимликлар кўп тарқалган. Шунинг учун ҳам тоғ геотизимлари текислик-чўл геотизимларига нисбатан барқарор.

Баландлик мажмуалари ичида тоғ-ўрмон ландшафт мажмуалари тез тикланувчан ҳисобланади. Ҳисорнинг Қамаш, Дехқонобод ва Шеробод туманлари доирасидаги паст тоғлар ва адирлар – геоботаник адир минтақаси бўлиб, денгиз сатҳидан 600-1200 м баландликларда жойлашган. Тоғ-ўрмон ландшафт мажмуаларига қараганда иқлимнинг анча қурғоқчил бўлиши, дарахт ва буталарнинг ўсувчанлиги секин бўлиши туфайли кўчки ва сел оқими бу ҳудудларда тез-тез кузатилмоқда. Жумладан, Чакчар тизмасининг ғарбий қисмидаги Ғузор адирларида чорва молларининг кўп боқилиши туфайли ўсимликлар вегетация даврини тўлиқ ўткази олмайди. Шунинг учун, оч тусли бўз тупроқлар тарқалган адирларнинг қуйи қисмида, вақтли, ўзанли оқимлар ҳосил бўлиб, жарларни вужудга келтириши мумкин. Оқибатда, Ғузор воҳасига туташ бўлган Ғузор дарёсининг ўрта оқимида яшовчи аҳоли кўплаб моддий зарар кўриши мумкин. Паст тоғ ва адирлар кенг майдонларни эгаллаган Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Ғузор, Шеробод, Олтинсой, Бойсун, Сариосиё каби туманларнинг аҳолиси вақти-вақти билан бўлиб турадиган табиий офатлардан жабрланиб туриши кўпчиликка аён.

Айни вақтда, Ўзбекистоннинг Ҳисор тоғлари доирасида Ҳисор (76800 га), Китоб геологик (5600 га), Сурхон (Кўҳитанг бўлими, 24014 га) қўриқхоналари ва Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Бойсун, Узун, Боботоғ каби ўнга яқин давлат ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаб ўтиш зарурки, бундан юз-бир юз эллик йиллар муқаддам арча, хусусан, Зарафшон ёки қора арча денгиз сатҳидан 900-2500 м оралликдаги баландлик поғонасидаги аксари майдонларни эгаллаган. Ҳозирда уларнинг тахминан 20%гина қолган. Эндиликда сурилма, кўчки, айниқса, сел оқимлари тез-тез бўлиб турадиган тоғ ландшафт баландлик минтақасининг пастки яруси ва адир мажмуаларида Зарафшон арчаси, бодомча, зирк, учқат, писта ва азалдан бу ернинг қурғоқчил шароитига мослашган бута ва дарахтлар майдонини кенгайтириш зиёнли тоғ жараёнларга тўсиқ бўлиши тайин.

Тоғ ҳудудларининг чўлланишини ўрганиш ва баҳолаш ҳамда унга қарши курашишнинг қуйидаги асосларини В.М.Чупахин (1990) таклиф қилган: мунтазам кузатишларни ташкил қилиш ва ривожлантириш асосида табиий жараёнларнинг ўз-ўзини бошқариш қонунларини тадқиқ қилиш; баландлик ландшафт комплексларини турли хил

техноген таъсирларга барқарорлигини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини башорат қилиш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг биологик асосларини тадқиқ этиш; йирик масштабда лойиҳалар амалга ошириладиган ҳудудларда минтақавий ва таҳлилий ландшафт-экологик башоратларни амалга ошириш; рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш (Ваҳобов Ҳ. ва б., 2006).

Юзага келган геоэкологик муаммолардан ҳимояланиш, тоғ геотизимлари барқарорлигини ошириш учун қуйидаги изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- лёссли жинслар кенг тарқалган (Қашқадарёнинг чап ирмоқлари ўрта оқими ва Сурхондарёнинг ўнг ирмоқларининг қуйилиш қисми) ҳудудларда жарланиш, суффозия ва шамол эрозиясига қарши кураш ишларини олиб бориш;

- тоғ яйловларида чорва молларини алмашлаб боқиш;

- лалмикор деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда ерларни кўндаланг ҳайдаш;

- тоғ ўрмонлари майдони ва хилма-хиллигини (пистазор, бодомзор, арчазор, ёнғоқзор, жийдазор ва ҳ.к.) ошириш;

- тоғлик аҳоли турмуш даражасини ҳар жиҳатдан яхшилаб бориш (бунда ҳудуднинг агроиклимий, табиий-рекреация ва экотуристлик имкониятларидан кенг фойдаланиш).

Адабиётлар:

1. Ваҳобов Ҳ., Алимқулов Н., Рисбаева Н. Арид ҳудудлар ландшафт-экологик шароитининг шаклланиши //Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006 йил. – Б. 48-51.

2. Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Умирзоқова З.Ш., Хўжанова И.М. Жануби-ғарбий Ҳисор тоғларининг геоэкологик муаммолари //География ва география таълимидаги муаммолар. Республика конференция материаллари. – Т., ТДПУ, 2018. Б. 41-44.

3. Курбонов П.А. Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёни ривожланишининг омиллари ва иқтисодий географик асослари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақ. эт дисс. авт. реф. – Тошкент, 2012. – 23 б.

ДУНЁ ОКЕАНИ РЕСУРСЛАРИДАН НООҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОСИ

Алимқулов Н.Р., Рисқибоева М.О., Ходжаматова Н.А.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Инсон табиатда пайдо бўлди, дастлаб унга мослашди, асосий яшаш воситаларини ундан олди, ҳозирги интеллектуал даражага етгач эса табиатга ўз таъсирини ўтказиб, ўзгартиришга эришди, яъни “Инсон-табиат” муносабатида инсон фаолликни ўз кўлига олди. Бу эса инсоният учун кўплаб муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Шундай муаммолардан бири – бу табиий ресурслардан нооқилонга фойдаланиш масаласидир.

Табиий ресурс бу – инсон ҳаёти ва фаолияти давомида бевосита фойдаланиладиган барча табиат неъматларидир. Табиий ресурслар ўз навбатида миқдорига, захиравийлик ҳолатига кўра тугайдиган ва тугамайдиган турларга бўлинади. Тугамайдиган табиий ресурсларга қуёш нури, шамол, денгиз ва океанлар, ернинг ички энергияси (геотермал) кабилар киритилади.

Тугайдиган табиий ресурслар эса тупроқ, минераллар, ўсимлик, ҳайвонот, рекреацион ресурслар каби бир қатор ресурслар бўлиб, улар захиравийлик ҳолати, фойдаланиш кўламига кўра инсониятнинг асосий муаммосига айланиб бормоқда. Шундай муаммолардан бири бу дунё океани ресурсларидан нотўғри фойдаланишдир.

Дунё океани жамият ҳаёти учун битмас-туганмас хазина. Бу хазинанинг дастлабки тури океан ва денгиз сувларининг ўзи бўлиб, океан ва денгиз сувлари ерда ҳаётнинг мавжудлигини таъминлаб берувчи дастлабки омил бўлиши билан бирга ер юзасида инсоният истеъмолдаги тузнинг 1/3 қисмини ҳам беради.

*Алимқулов Нусратилло Раҳмонқулович - ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедра мудири, г.ф.н., доцент.;

Рисқибоева Муаззам Обид қизи – ТДПУнинг География ўқитиш методикаси 3-курс талабаси.;

Ходжаматова Нодира Абдисалом қизи – ТДПУнинг География ўқитиш методикаси 3-курс талабаси.

Дунё океани бойликларининг яна бир тури океан остидаги минерал ресурслардир. Қуруқликда учрайдиган деярли барча турдаги минерал ресурслар денгиз ва океан саёзликлари (шельф) да ҳам мавжуд. Масалан, Форс, Мексика қўлтиқлари, Шимолий, Каспий, Баренц каби денгизлар саёзликларидан нефть ва газ хом-ашё ресурслари катта миқдорда қазиб олинмоқда. Дунё океанидан олинадиган ёқилғи хом-ашёсининг умумий қийматининг 90 фоизи нефть ва газга тўғри келади. Бундан ташқари нефть ва газдан ташқари Буюк Британия, Канада, Япония, Хитой давлатлари океanning шельф қисмларидан кўмир, Индонезия, Таиланд давлатлари қирғоқ саёзликларидан қалай, олмос (Намибия) қахрабо (Россия) олтин, темир-марганец (АҚШ) минерал ресурслари қазиб олинади. Бу ўз навбатида жамият тараққиётини таъминлаш, инсоният эҳтиёжини қондириш билан бирга океан сувларини яроқсиз ҳолатга келишига, кучли даражада ифлосланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда ер шаридаги шельф зоналаридаги нефть ва газга бой майдон 13 млн.км² га тенг бўлиб, дунё океани шельф зоналари умумий майдонининг 1/2 қисмини, океандаги нефтнинг геологик захиралари 280 млрд. т, газ 140 трлн.м³ ни ташкил этади. Ҳозирда Ўрта, Шимолий, Болтик, Қора, Азов, Кариб, Япон, Ява денгизлари, Бискай, Форс, Мексика қўлтиқларида нефть ташувчи кемалар (танкерлар) ҳалокати ва қазиб олишдаги хатоликлар сабабли ҳам энг кўп ифлосланмоқда. Космик кузатишлар ҳозирги вақтда дунё океани юзасининг 1/3 қисми нефть маҳсулотлари пардаси билан қопланганлигини кўрсатмоқда. Яқин чорак аср мобайнида океан сувларининг ифлосланиши 1,5-3 мартага кўпайиши кутилмоқда. Дунё океани сувларига йилига тахминан 10 млн. т. нефть маҳсулотлари кўшилмоқда. Унинг 44 %га яқини дарёлар орқали океанга тушаётган бўлса, қолган қисми денгизлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Денгиз остидан нефть қазиб олиш оқибатида йилига 100-200 минг т. нефть қудуқлардан чиқиб океан сувини ифлослантормоқда. Океан суви юзасининг нефть пардаси билан қопланиши унда яшовчи тирик организмлар учун жуда хавфли, яъни океан суви юзасини парда қоплаб, океан ва атмосфера ўртасида иссиқлик, газ аламашинуви жараёни бузилади ва кўёш нурларини қабул қилишига тўсқинлик қилади, сувнинг буғланиши ва кислород билан тўйиниш имкониятини пасайтиради. Оқибатда табиатда сувнинг айланма ҳаракати океан юзасининг радиактив хусусиятлари ўзгариб, сувдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг нафас олиши, ҳаётини қийинлаштиради ва океандаги биологик ресурсларнинг қирилиб кетишига биринчи омил сифатида сабаб бўлади. Дунё океани сувлари турли хил организмларнинг яшаши ва ривожланиши учун бенуқсон қулайликка эга бўлган муҳит бўлиб, олимларнинг фикрига кўра ҳаёт аввало океанда пайдо бўлган, кейинчалик чучук сувларга ва қуруқликлар юзасига тарқалган.

Маълумотларга кўра, дунё океанида тирик организмларнинг ранг-баранг турлари яхши ривожланган бўлиб, улар океан юзасидан тортиб энг тагигача кенг тарқалган. Океанда ўсимликларнинг 15 мингдан ортиқ тури, ҳайвонларнинг 150 мингга яқин тури яшайди. Флора таркибининг 5000 тури диатом ўсимликлардан, 2500 тури қизил ўсимликлардан, 1000 тури кўнғир ўсимликлардан ва 500 тури юқори ўсимликлардан ташкил топган. Фауна комплексининг 80 минг тури моллюскалардан, 20 минг турдан ортиқроғи қисқичбақасимонлардан, 15 минг тури энг оддий жониворлардан (радиоляриялар, фораминиферлар, инфузориялар), 9 минг тури ковакиччилардан, 7 тури турли хил чувалчанглардан, 16 минг тури балиқлардан ва бошқалардан иборат. Дунё океанидаги ўсимликлар асосан бир хужайрали сув ўтларидан ташкил топган. Улар океан фитомассасининг 80 % ини ташкил этади. Океан ва денгизлардан овладиган маҳсулотларнинг 90 % ини балиқлар ташкил этса, 5 % турли хил моллюскалардан, 3 % қисқичбақалардан ҳамда 1,5 % и эса турли ўсимликлардан иборат.

Океан биологик ресурсларининг кескин камайиб кетиши ва тикланмасдан қолиш хавфи туғилиши нафақат океан сувининг нефть пардаси билан қопланиши балки, океандаги табиий ресурсларнинг жадал суръатларда ўзлаштирилиши ва қудратли техникалардан фойдаланиш ҳам сабаб бўлмоқда. Энг кўп овладиган балиқлар оиласига трескалар, сельдлар, анчоуслар, скумбриялар, тунецлар, калмарлар киради. Булардан ташқари криллар, омарлар, лангусталар,

кискичбакалар кўплпб тугилади. Сувўтларини йиғишда Япония биринчи ўринда бўлиб, дунёда ҳар йили 1,3 млн т атрофида сувўтлар йиғилса, шундан 700 минг тоннаси Япония ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирда аксарият олимлар энг қимматли денгиз ҳайвонлари ва ўсимликларини қайтадан кўпайтириш йўлларини изламоқда. Бироқ инсоннинг дунё океанига кўрсатаётган салбий таъсири натижасида океан ва денгизларда яшайдиган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тобора муҳофазага муҳтож бўлиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жойизки, бежизга рус геология фанининг отаси академик А.Р.Карпенский, “Сув энг қимматбаҳо бойлик бўлиб усиз яшаш мумкин эмас” деб ёзмаган.

Зеро, инсон табиатнинг бир бўлаги сифатида яралдими, шундай яшаши лозим. Акс ҳолда кун келиб табиатнинг берган жавоби инсоният келажагини бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Ҳар бир жамиятнинг аъзоси қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар сувнинг, дунё океанининг ер юзасида тутган беқиёс ўрнини унутмаслиги ва уни муҳофаза қилиш учун курашиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баратов П. “Ер билими ва ўлкашунослик” – Т.: ўқитувчи 1990.
2. ЎзМЭ. Биринчи жилд. – Т.: 2000.
3. Шокальский Й.М “Океанография” 1959.

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒЛАРИДАГИ ЛАНДШАФТ ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ АСРАШНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х.*
ТДПУ, Ғузур тумани 68-сонли ДИУМИ

Маълумки, тоғлар чучук сувни ҳосил қилувчи манба, минерал ва ўрмон ресурсларига бой, биологик ва ландшафт хилма-хиллиги турлича бўлган морфоструктура рельеф шакли ва ўзига хос табиий хусусиятларга эга геотизимдир. Яна шунингдек, тоғлар инсонларга ажойиб эстетик ҳисларни берувчи, ўзига жалб этувчи туристик-рекреацион ресурс, миллий ўзликни англатувчи фахр ва ғурур туйғуларини ҳис қилишга кўмак берувчи табиий географик объект ҳамдир.

Ўзбекистон тоғлари дарёларни тўйинтирувчи асосий манбалари – 480 дан ортик катта-кичик музликларни ва доимий қорликларни, мамлакатимиз учун жуда муҳим бўлган тоғ ўрмонлари ва бир қанча турдаги минерал хом ашё бойликларини ўзида жамлаган.

Тоғ геотизимлари текислик-чўл геотизимларидан ўзининг литологик, метеорологик, гидрологик хусусиятлари ва органик дунёсининг хилма-хиллиги билан фарқланади.

Тоғ геотизимларига антропоген таъсирнинг ортиб бориши тоғларда биологик хилма-хилликнинг сезиларли камайиши ва ландшафтларнинг ўзгариши кузатилмоқда. Аҳоли манзилларининг кенгайиши, қазилма бойликларининг топилиши ва улар асосида саноат корхоналарининг ишга туширилиши, гидротехник иншоотлар, автомобиль ва темир йўлларининг барпо этилиши, рекреация ва туристик объектлар қурилиши, чорва молларининг бетартиб боқилиши кабилар ландшафтнинг компонентлари ҳисобланган ўсимлик ва ҳайвонот олами вакилларига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Ландшафт компонентларининг турли туманлиги жамият тараққиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлиб, хилма-хиллик жамият ривожини учун яхши шароитларни вужудга келтиради.

Ландшафтларнинг хилма-хиллиги дейилганда, геотизимларнинг макон ва замонда хилма-хиллиги, географик жараёнлар давом этаётган, табиий имкониятларини юқори ҳолатда сақлаб қолган табиат компонентлари ва улар ҳам бошқа турли хил кўламдаги мажмуалардан иборатлиги тушунилади.

*Алимқулов Нусратулла Раҳмонқулович – Низомий номидаги ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, г.ф.н., доцент.;

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 68-сонли давлат умумтаълим ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернати география фани ўқитувчиси.

Ландшафт компонентлари орасида ўсимлик ва ҳайвонот олами алоҳида аҳамиятга эга. Гарчанд кўплаб олимлар ўсимлик ва ҳайвонот компонентини асосий эмас, балки иккиламчи омил сифатида қарашсада, уларнинг хилма-хиллиги ландшафтлардаги барқарорликда муҳим ўрин тутди.

Ландшафтларнинг ўсимликлари унда рўй берадиган кимёвий, физикавий ва биологик жараёнларнинг асоси ҳисобланган бирламчи органик модданинг шакллантирувчиси бўлса, ҳайвон компоненти ундаги ўсимлик ҳосил қилган бирламчи органик моддани ўзгартирувчи ҳамда ландшафтнинг морфологик қисмлариаро ва ландшафтлараро модда ва энергия ташувчидир (Зокиров Ш.,1999). Шунингдек, ўсимликлар ландшафтнинг ташқи қиёфасини акс эттиради (масалан, игна баргли ўрмонлар, тўқай ландшафти ва ҳ.к.) ҳамда тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этади, рельеф ва иқлим хусусиятлари шаклланишида, ҳайвонот олами турлари ва уларнинг географик тарқалишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса, ҳайвонлар эса тупроқ ҳосил бўлиши ва умумдорлиги шаклланишида, ўсимлик уруғларини тарқалиши каби жараёнларда иштироки билан аҳамиятлидир. Шу боис бу икки компонент ландшафтнинг бошқа компонентлари сингари ўзаро бир-бири билан ва бошқа табиат компонентлари билан доимий алоқада бўлади.

Сўнгги ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби тоғли ҳудудларда ҳам табиатга таъсир кучайди. Ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари сони камайди ҳамда яшаш ареалларининг қисқариши, инсонлар томонидан аёвсиз фойдаланилиши натижасида айрим турлар батамом йўқ бўлиб кетди.

Ўсимлик қоплами ландшафт компонентларининг динамикасида тоғ шароитида тўхтатиб қолувчи, ривожлантирувчи таъсир хусусиятларига эга. Ёнбағир ўрмон билан зич қопланган бўлса, унинг остида ўт-бута ҳамда ярим буталар барқ уриб ривожланса, геодинамик жараёнлар ҳаракати деярли юз бермайди. Дарахтлар ва буталарнинг ниҳоятда сийрак бўлишлиги комплексларнинг кучли ҳаракатчанлигига имкон яратади (Аманбаева З., Каракулов Н., 2017).

Ўсимликларнинг сон ва тур жиҳатдан кенг тарқалиши тоғ геотизимларида геозкологик муаммолар (масалан, чўлланиш) вужудга келишига тўсқинлик қилади. Ҳайвонлар эса айнан ўсимликларни географик ареалларининг кенгайишига хизмат қилади. 1997 йил БМТ нинг чўлланишга бағишланган конференциясида “Чўлланиш ер юзасидаги биологик потенциалнинг кучли камайиши ёки йўқотилиши бўлиб, охир оқибатда чўл табиатига ўхшаш шароитнинг ҳосил бўлишидир”. (Рахматуллаев А., Адилова О., 2014).

Тоғлар томон антропоген таъсирнинг кучайиши оқибатида вужудга келаётган муаммоларнинг олдини олишда ландшафтларнинг бой ва хилма-хил бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бунда тоғ ўрмонлари майдонини кенгайтириш асосий амалий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Зокиров Ш. Кичик ҳудудлар табиий географияси. – Т.: Университет, 1999. – 120 б.
2. Аманбаева З.А., Каракулов Н.М. Тоғ ва тоғолди ландшафтларининг экологик мувозанати // ЎзГЖА. 50-жилд – Тошкент, 2017. – Б.58-60.
3. Рахматуллаев А., Адилова О. Тоғларда чўллашиш жараёнини таянч – тажриба участкалар ёрдамида ўрганиш методикаси // ЎзГЖА., 43-жилд Тошкент, 2014. – Б. 3-5.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АГРОЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аллаберганов Ю.О., Дўсанова Ш.Б.
Урганч давлат университети**

Қурғоқчил иқлим шароитида суғориш ер ресурслари маҳсулдорлигини ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим зарурий усули ва деҳқончиликни бошқаришнинг албатта бажарилиши лозим бўлган шартидир.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби Хоразм вилоятида ҳам қуруқ иқлим шароит туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида суғорма деҳқончилик иқтисодий нуқтаи назаридан энг самарали тармоқ ҳисобланади.

Суғориладиган ерларда ландшафтлар динамикаси ўзига хос бўлиб, уларнинг компонентлари муайян изчилликда: даставвал биотик компонентлар (хайвонот ва наботот дунёси), сўнгра эса нобиотик компонентлар (тупроқ, гидрологик режим, иқлим, рельеф) ўзгаради. Шундай қилиб, суғориладиган ерларда инсон ўзининг хўжалик фаолияти жараёнида геологик асосдан ташқари ландшафтнинг барча компонентларини ўзгартиради (1).

Хўжалик тадбирлари сифатидаги суғориш табиий муҳитга антропоген юкнинг ортиқча бўлишига олиб келади. Суғориладиган ерларда, таъкидлаб ўтилганидек ландшафтнинг деярли барча компонентлари ва пировардида, ландшафтнинг (табиий комплекснинг) ўзи ҳам тубдан ўзгаради ҳамда компонентлар орасидаги нисбатан мувозанатлашган ўзаро боғланишлар бузилади, антропоген ландшафтларнинг муайян типидан иборат бўлган табиий-хўжалик комплекслари – агроирригацион ландшафтлар вужудга келади (2).

Ландшафт-экологик шароитларнинг хусусиятларини эътиборга олмаслик натижасида катта майдонларни ўзлаштирилиши, суғориладиган ерлар майдонининг кенгайтирилиши агроландшафтлар тузилмасининг соддалашуви, бир хиллиги юзага келади. Агроландшафтлар тузилмасининг соддалаштирилиши натижасида эса деградация - тупроқ ҳосилдорлигининг пасайиши, эрозиянинг кучайиши, қайта шўрланиш ва ботқоқлашув (зах босиши), ер усти ва ер ости сувлари сифатининг ёмонлашуви, ерларнинг ифлосланиши, шунингдек суғориш (ирригация) эрозияси, дегумификация (чириндисизлашув), чўкиш ва зичлашув (петрификация) ва бошқа жараёнлар анча катта майдонларда содир бўла бошлади.

Хоразм вилоятида ерларни ювиш вақтида сарфланадиган сув меъёри 4000 м³ га, вегетация даврида эса суғориладиган майдонларни суғоришда 9400 м³ сув талаб этади. Айрим йилларда воҳада суғоришга сарфланган сув миқдори хар бир гектар ерга меъёридан кўп сув берилиши натижасида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилган, ботқоқ, шўрхок ерлар майдони ортган ва экологик ҳолатни юзага келишига сабабчи бўлмоқда.

Ҳудуднинг экологик вазияти биринчидан, юза сувларининг таъминоти ва минерализация даражасига алоҳида таъсир кўрсатади. Жумладан, Амударё сувининг камайиши натижасида ҳудудда 2010 ва 2017 йилларда икки маротаба қурғоқчил экологик хавфли вазият юзага келган. Вилоятда юза сувларининг минерализация даражаси Амударё суви туз режимига боғлиқ бўлиб тузлар миқдори 2017 йилда 0,9-1,2 г/л.ни ташкил қилган. Лекин, дарё суви миқдори камайган қурғоқчил йилларда ва мавсумий кам сувли даврда тузлар миқдори 2,5 – 4,5 г/л.га етган.

Хоразм вилоятида агроирригацион ландшафтлар майдонининг кенгайишига мос ҳолда мелиоратив ҳолатини яхшилашни талаб қиладиган ерлар майдони ҳам кенгайиб бормоқда.

Агроирригацион ландшафтларнинг деградациясида суғориш эрозиясининг таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Амударё вилоятнинг ичимлик ва қишлоқ хўжалик экинларини суғориш манбаи ҳисобланади, ундан ўнлаб сув тармоқлари, жумладан: “Полвон”, “Ғозовот”, “Шовот”, “Р-8”, “Қуловот” ва “Қиличбой-Арно” каби умумий узунлиги 1000 км га яқин бўлган каналлар орқали сув олиниб воҳага об-ҳаёт тарқатилади.

Вилоятда кейинги йилларда экологик хавфсизликни таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Вилоят Экология ва табиатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан берилган маълумотлар шуни кўрсатадики, суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси: -кам шўрланган ерлар 145749 га, ўртача шўрланган ерлар 78768 га ва юқори шўрланган ерлар 39041 га ташкил қилган. Ерларни юқори даражада шўрланишига биринчидан Амударёнинг юқори қисмида ташланаётган фойдаланишдан чиққан кучли даражада шўрланган оқова-зах сувлар сабабчи бўлса, иккинчидан Орол денгизининг қуриган

қисмидан ҳар йили атмосферага ҳавосига кўтарилаётган 75 млн тонна туз-чангидир. Воҳа ерларининг ҳар бир гектарига йил бўйи 520 кг гача туз келиб тушади(4).

Вилоятда ўтказилган мелиоратив тадбирлар натижасида ер ости сувларининг сатҳи 32 см пасайишига эришилиб, кучли даражадаги шўрланган ерлар майдони 4697 гектарга камайтирилган.

Суғориш эрозияси агроирригация ландшафтларида сувнинг – физикавий ва агрономик – кимёвий хоссаларнинг ўзгаришига аниқроғи, ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу жараёнлар туфайли тупроқлардаги чиқинди, азот ва бошқа озиклантирувчи моддаларнинг миқдори ҳам камайиб боради. Тупроқдаги органик моддаларнинг камайиши эса минерал ўғитлардан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда кимёвий воситалардан – минерал ўғитлар ва пестицид, гербицид, дефолиантлар ва бошқалардан фойдаланиш эса тупроқлар, сувлар ва бутун атроф-муҳитни ифлосланишига, натижада қишлоқлардаги ҳаёт муҳитининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Суғориладиган ерларда тупроқлар тузилмасининг бузилиши, чиринди миқдорининг камайиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши яқин ўтмишда минерал ўғитлардан ва бошқа захарли кимёвий моддалардан ортиқча фойдаланилганлиги билан боғлиқ.

Суғориладиган ерлар маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлаётган жараёнларнинг тобора ривожланиб бориши, бундай ерлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланишни илмий асосда оқилона ташкил этиш ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш учун ҳам ҳам экологик, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган тадбирлар мажмуасини белгилашни тақозо этади. Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда ландшафтларнинг табиий хусусиятларини ва уларнинг антропоген омиллар таъсири остида ўзгариш шароитларини ўрганиш асосида геоэкологик башоратларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай башоратлар салбий жараёнларни олдини олиш учун тадбирлар белгилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Азимбаев С. Амударё воҳаси тупроқларнинг экологик ҳолати ва муҳофазаси. Хива. 2001.
2. Жабборов Х. Хоразм вилояти сувларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усуллари. Урганч. 2010 й.
3. Эгамбердиев Р., Қаландаров Б. Хоразм воҳасидаги суғорма деҳқончилик ва унинг экологик муаммолари. Урганч. 2012.

УЧТА ТИЗМА БИРЛАШГАН ТУГУН

Баратов П., Матназаров А.*

Ўрта Осиёда энг ката тоғлардан бири бўлган Олой 70⁰, 40¹ меридианда Туркистон, Зарафшон тоғлари билан тутшиб кўксу (Матчоҳ) тоғ тугинини ҳосил қилади. Биз Туркистон ва Зарафшон тизмаларининг Кўксу тугунидан 70⁰, 30¹ меридиангача бўлган) шарқий қисми ҳамда Зарафшон музлиги ва унинг тармоқлари тарқалган ҳудудлар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Олой тизмаси Кўксу тоғ тугуни яқинида шимоли-ғарбга бурилиб шимолий Оқтерак тови номи билан Туркистон тизмасига (Скалтый қояли – 5621 м яқинида) туташади. Жануби-ғарбга бурилиб Жануби Оқтерак номи билан (Игла 5301 м чўққиси яқинида) Зарафшон тоғига бирлашади.

Туркистон тизмасининг шарқий қисми баланд (4500-5000 м дан ошувчи чўққилар мавжуд) бўлиб, занубга қараб бир-бирига параллел ҳолда жойлашган бир қанча тоғлар мавжуд улар, бир-биридан чуқур музлар билан қопланган водийлар орқали ажралиб туради. Бу тоғларнинг энг муҳимлари Мингтака, Архор, Қоратура. Обрыв ва бошқалар.

Кўксу тоғ тугуни яқинида Туркистон тоғининг 5000 м дан баландда бўлган қуйидаги чўққилари жойлашган: Скалстый – 5621 м, Кашмашбоши – 5286 м, Шуровекий – 5600 м, Мингтака – 5482 м, Федченко – 5464 м, Туркистон – 5409 м, Қорасу – 5309 м, Матчоҳ, Кичик Матчоҳ ва бошқалар.

*Баратов П. – ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори.;

Матназаров А. – ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси таянч докторанти.

Туркистон тизмасининг жанубий ёнбаъри юқорида қайд қилган тоғлар ва чуқур водийлар билан бўлақларга бўлинган бўлиб, улар орасида Зарафшон музлигининг ўнг ирмоқлари жойлашган. Уларнинг умумий майдони М.А.Носиров маълумотига кўра 201,1 км² бўлган 119 та музликлар мавжуд. Уларнинг энг муҳимлари (ғарбдан-шарққа қараб) Трог, Водиф, Бечасия, Преображенский, Форакно, Толестой, Скачков, Миранан ва бошқалар.

Олой тизмасининг жануби-ғарбий давоми ҳисобланган. Жанубий Оқтерак массиви яқинидаги Игла (5301 м) чўққисидан жануби-ғарб, сўнгра ғарб тамонга қараб Зарафшон тизмаси бошланади.

Зарафшон тизмаси шарқда Матчоҳ ўрта қисмида Фан, ғарбий қисмида Чақоликалон тоғлари деб юритилади. Биз Матчоҳ тоғининг Игла чўққисидан бошланиб Парак музлигигача бўлган қисми ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бу қисмда Матчоҳ тоғи асосан охақтош, сланец, кумтошлардан ташкил топган бўлиб, алп типли рельеф билан тавсифланади. Унинг шимолий ёнбағрида бир неча меридианал йўналишга эга бўлан кичик тоғлар бўлиб, баландлиги 3500-4000 м атрофида. Асосий тизма ҳисобланган Матчоҳнинг қирралари орасида бўлиб, айрим чўққилари, хусусан Охун – 5228 м, Белая – 5000 м, Толова – 5084 м, Снемная – 4999 м. Бу чўққилар ҳамда шамолга йўналган юқорида қайд этилган тоғлар ва чўққилар орасидаги пасткам ерларда ва водийларда Зарафшон музлигининг умумий майдони 132,3 км² бўлган 123 та чап ирмоқлари жойлашган. Уларнинг энг муҳимлари (ғарбдан шарққа тамон) Парак ячих, Парон, Назар-Ойлик, Охун ва бошқалар.

Шундай қилиб, асосий музликлар Туркистон ва Зарафшон тизмаларининг шарқий қисмида Кўксу (Матчоҳ) тоғ тугини атрофида жойлашган. Ушбу тоғларнинг ғарбий қисмида музликлар деярлик йўқ. Бунга асосий сабаб Туркистон ва Зарафшон тизмалари нам олиб келувчи ғарбий ҳаво массасига параллел жойлашганлиги туфайли ёғин кам тушишлидир. Аксинча Туркистон ва Зарафшон тизмалари шарқда баландлашиб Кўксу тоғ тугини бирлашиб меридиан йўналиши бўйлаб ғарбий нам ҳаво массасига рўборо бўлганлиги туфайли ёғин кўп тушади. Оқибат натижада доимий қор ва музликлар ҳосил бўлишига шароит яратади. Кўксу тоғ тугини ва унинг атрофида умумий майдони 403 км² бўлган 242 та ката ва кичик музликлар мавжуд. Уларнинг энг каттаси Зарафшон музлиги бўлиб, узунлиги 24,2 км, майдони 130,9 км² қалинлиги 200 м атрофида.

Зарафшон музлиги Матчоҳ дарёсини тўйинтириб турувчи табиий сув омбори ҳисобланади. Чунки Зарафшон музлиги ва унинг ирмоқлари билан ҳисоблаганда 26 км³ чучук сув захираси авжуд, фақат Зарафшон музлигини ўзида 8,83 км³ атрофида сув сақланади. Шу сабабли Зарафшон музлигидан (3772,5 м) бошланувчи Матчоҳ дарёси серсув бўлиб йиллик сувнинг 79 % ни ёзда оқизади. Буни асосий сабаби Матчоҳ дарёсининг сув йиғадиган ҳавзасининг ўртача баландлиги 3700-4000 м бўлиб ёғин иқдори ортиб, доимий қор ва музликлар билан қопланган. Бу эса оқим миқдорини катта бўлишига олиб келади. Маълумотларга кўра Матчоҳ дарё ҳавзасининг баланд қисмида ҳар кв. км майдонда секундига 49,2 литр оқим вужудга келиб бу 1550 мм қалинликдаги ёғинга тенг. Шу сабабли Зарафшон дарё ҳавзасида вужудга келадиган йиллик оқимнинг 50 % и Матчоҳ дарёси зиммасига тўғри келади.

Матчоҳ дарёси музликдан бошланиш қисмида йилига ўрта ҳисобда 14,4 м³/сек сув оқизади. Бу 0,454 млн м³ ёки 1510 мм ёғинга тенг. Вахоланки Зарафшон музлигининг охириги қисмига йилига ўртача 990 мм ёғин тушади. Бинобарн, Зарафшон музлигининг қиримиға нисбатан сарфи кўп. бўлиб 65,5 лн м³ ташкил этади. Буни асосий сабаби атмосферанинг ифлосланиши натижасида муз усти холатини ўзгариши оқибатида музнинг эришини тезлаштиради.

Адабиётлар:

1. Шульц В.Я., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. –Т.: 1969 й.
2. Носиров М.А. Некоторые черты оледеная бассейна р Зарафшон Узб. географ. Об-ва. –Т.: 1970 й.
3. Носиров М.А. Ледника бассейна р Зарафшон В. сб: Современное оледенение в бассейна р Зарафшон. –Т.: Фан 1972 й.
4. Баратов П. Природные ресурсы Зарафшонский долина и их использование. –Т.: Фан, 1977 й.
5. Современное оледенение в бассейна р Зарафшон. –Т.: Фан, 1973 й.

ГИДРОГЕОЭКОЛОГИЯ АРАЛЬСКОГО МОРЯ

Джаксымуратов К. Базарбаев М.*

НГПИ им.Ажинияза

Существующие физико-географические условия Приаралья (высыхание Аральского моря, засоление и заболачивание земель, периодические поливы, эоловые процессы и т.д.), тем самым существенным образом оказывают влияние на гидрогеоэкологическую обстановку региона. Аральское море и его природные особенности всегда представляли большой интерес для науки, а деградация моря представляет собой уникальный пример последствий антропогенного воздействия на крупнейший водоем. К сожалению, в последние годы регулярные наблюдения на море резко сократились или даже прекратились. Это было вызвано, в частности, катастрофическим по масштабу смещением береговой линии, в результате чего ранее находившиеся у моря гидрометеорологические станции оказались на суше, а многие районы Арала стали труднодоступными в транспортном отношении. В настоящее время, если не считать космического мониторинга, основным, если не единственным, источником информации о море являются экспедиционные работы. В последние годы размах таких работ на Арале был невелик и в значительной мере определялся программой совместных исследований под руководством доктора географических наук П.О. Завьялова, регулярно проводившихся Институтом океанологии им. П.П. Ширшова РАН.

Уже в начале 1960-х гг. появились первые признаки деградации Аральского моря, связанные с изменением его уровня. Этот процесс продолжается и в настоящее время. Вследствие резкого уменьшения притока речной воды, вызванного главным образом ее отбором на нужды ирригации в бассейнах рек Амударьи и Сырдарьи, уровень моря к настоящему времени снизился почти на 27 м.

В результате этого Аральское море перестало существовать как единое целое, разделившись на несколько отдельных водоемов, связанных периодически высыхающими протоками. Суммарная площадь свободной поверхности моря уменьшилась примерно в 7–8 раз, его объем – в 12–13 раз, а соленость вод моря возросла многократно. Согласно наиболее недавним на момент подготовки этой книги измерениям солености в западном бассейне моря, на сентябрь 2010 г. она составляла 117 г/кг (на поверхности), что означает увеличение в 12 раз по сравнению с состоянием до 1960 г.



*Джаксымуратов К. - Преподаватель кафедры «Методика преподавания географии» НГПИ им.Ажинияза.;
Базарбаев М. - студент 2 курса НГПИ им.Ажинияза.

Что касается восточного бассейна, то измеренная там в июне 2016 г. Соленость составляла 211 г/кг, что в 21 раз выше значений условно-естественного периода. Произошла существенная перестройка режима моря и химического состава воды. В результате в отдельных частях Арала полностью изменился характер биологических сообществ. Всего в 2002–2018 гг. было проведено много экспедиций, в результате которых был собран обширный фактический материал по гидрологии, гидрофизике, гидрохимии, гидробиологии, метеорологии исследуемого объекта и его региона.

Экологическое состояние Аральского региона обусловлено деятельностью человека и вызвано реализацией в 50-80-е годы программы значительного увеличения в республиках Средней Азии и Казахстане производства хлопка и риса. С расширением площади орошаемых земель и неограниченного использования водных ресурсов рек Амударьи и Сырдарьи, сток в Аральское море практически прекратился.



Несмотря на огромные потери в видовом разнообразии, современную экосистему Арала нельзя назвать умирающей. В пелагиали живут и активно функционируют специфические, но вполне жизнеспособные биологические сообщества, приспособленные к сверхвысокой солености [Мирабдуллаев, 2004; Завьялов и др., 2006; Arashkevich et al., 2008]. Одним из таких видов является пелагический жаброногий рачок *Artemia parthenogenetica*, типичный обитатель гипергалинных водоемов.



Для восстановления естественных природных условия бассейна Приаралья, в современной экологической ситуации, нужен новый подход и конкретные решения, диктуемые чрезвычайной сложностью и трудностью проблемы. Для сохранения оставшейся

части моря и охраны геологической среды, в первую очередь, важное место должно отводиться внедрению водосберегающей эффективной системы орошения и использованию подземных вод, особенно приканальных линз грунтовых вод. Осушенное дно моря превратилось в источник соли и пыли. Высыхание Аральского моря сопровождается комплексом негативных процессов: изменение морской экосистемы, усиление континентальности климата, опустынивание и деградация естественных ландшафтов и сельскохозяйственных угодий, истощение и загрязнение природных вод. В настоящее время в регионе Аральского моря возникла настоятельная необходимость перехода от экстенсивных к интенсивным методам и технологиям использования ресурсов подземных вод. Такого рода переход предполагает обеспечить:

1. Упорядочение существующей системы использования подземных вод в соответствии с ныне действующими нормативными актами.

2. Защиту подземных вод от загрязнения на технологическом уровне и от сферы коммунально-бытового обеспечения населенных мест.

3. Интегрированное управление водным и ионно-солевым стоком в Приаралье.

Для комплексной оценки и прогноза гидрогеоэкологической ситуации территории необходимо создать региональную, постоянно действующую модель геологической среды (полигон), которая могла бы быть основой информационной системы экологического мониторинга Приаралья.



В настоящее время разрабатывается необходимый перечень карт, входящих в состав модели геологической среды, методика их составления, а также используются разномасштабные космические съемки. Подобного рода комплексные работы по картированию территории позволяют оценить состояние, масштабы и темпы изменений природной среды региона и научно обосновать рекомендации по созданию и размещению инженерно-хозяйственных объектов и сети комплексного экологического мониторинга. Использование полученных данных прежде всего позволит оценить площади, пригодные для использования в сельском хозяйстве и предоставит возможность дать заключения по борьбе с нежелательными экзогенно-геологическими процессами (засоление почв, эрозийная деятельность воды, ветра, заболачивания и т.д.), а также наметить перспективы использования подземных вод в водохозяйственных, теплоэнергетических и бальнеологических целях.

В научно-методическом и в практическом плане разрабатываются конкретные рекомендации по комплексному использованию водных ресурсов и охране геологической среды Южного Приаралья и в целом для региона Приаралья.

Использованная литература:

1. Большое Аральское море в начале XXI века: физика, биология, химия / П.О. Завьялов, Е.Г. Арашкевич, И. Басти-да и др.; Институт океанологии им. П.П. Ширшова РАН. – М.:
2. Гидрогеологические условия формирования линз пресных грунтовых вод в Приаралье. Сб. научных трудов кафедры ГиИГ, КазНТУ, 7 с»./ К.М. Джаксымуратов /
3. «Гидрогеологические условия magazинирования и опреснения линз грунтовых вод в Южном

ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИГА ТАБИЙ РЕКРЕАЦИОН РЕСУРСЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Жумаев Х.Х.*

Қарши давлат университети

Айни пайтда сайёҳларни республикамизга жалб қилишда, энг аввало, ички имкониятимизга ҳолисона баҳо бериш ҳамда мавжуд салоҳият айнан қандай омилларга боғлиқ эканини ҳар томонлама ўрганиш зарур. Ҳеч шубҳасиз, юртимизда сайёҳлар эътиборига ҳавола этадиган, ҳали тўла-тўқис ўрганилмаган жуда катта захиралар мавжуд. Улардан бугунги тезкор тараққиёт даврида фойдаланмаслик ёки ушбу қувватларни ишга солмасликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ўзбекистон – Ер юзидаги жаннатмакон юрт деймиз, аммо изоҳлашни ўрнига қўйишда, таърифни асослашда катта меҳнат ва илмий-ижодий изланишни талаб қилинишини унутиб қўямиз. Яхши хабаримиз бор, ҳар бир ҳудуднинг бу борадаги карталари ишлаб чиқилиб, йўналишлар белгилаб олинган. Лекин бераётган таклифимизга ҳақиқий кизиқиш уйғотиш, ишонтириш, талабни орттириш шунчаки оддий иш эмас. Демак, ҳали кўп тер тўқишга, жиддий мулоҳаза юритиб, амалий жиҳатдан асослашга тўғри келади.

Табиий-иқлимий туристик ресурслар. Табиий-иқлимий туристик ресурсларни асосий аҳамияти шундан иборатки, инсонларнинг жисмоний ва руҳий қобилятларини тиклашда фойдаланиш воситалари бўлиб хизмат қилади. Туристлар асосий эҳтиёжларини табиатдан кондирадilar. Туристлик фаолиятни ташкиллаштиришда ландшафтлар, иқлим, сув объектлари, денгизлар, минерал сув ва даволовчи ботқоқлар асосий ресурс вазифасини бажаради. Бу ресурслар ўзи ёки инсон томонидан қайта тикланиши мумкин. Бу ресурсларни географик, биологик, геологик ва бошқа жиҳатларга кўра баҳолаш мумкин. Дам олишни ташкил этиш учун табиий туристик ресурсларни таҳлил этишни талаб қилади. Табиий ресурслар сифатида алоҳида табиат компонентлари ёки бир бутун табиат компелксларини олиш мумкин. Барча табиий ресурсларни рекреация ёки туристик потенциал нуқтаи назардан қараш лозим. Аммо табиий ресурслардан фойдаланиш даражаси минтака ихтисослашувига кўра ҳар хил бўлиши мумкин.

Табиий туристик ресурсларнинг таснифи мавжуд бўлиб, у иккиёқлама хусусиятга эга, бир томондан табиий келиб чиқиши билан боғлиқ, иккинчи томондан туризм учун иқтисодий аҳамияти томонидан ақс этишидир. Табиий ресурслар қўйидагича гуруҳланади: **1. Келиб чиқишига кўра:** табиий - (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар); биологик - тирик табиат (тупроқ ресурслари, флора, фауна); ахборот берувчи - табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёратли каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. **2. Рекреация сифатида фойдаланиш турига кўра:** минерал сувлар, ботқоқлар, тузлар, ўрмонлар. **3. Ресурсларнинг тугаши даражасига кўра:** тугайдиган табиий ресурслар, улар ўз навбатида янгиланиб турадиган(чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган(минераллар) турларга бўлинади Тугамайдиган табиий ресурслар, уларга: куёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари, сувлар киради. **4. Ўзи қайта тикланиши ва ўсиши имкониятига кўра** қайта тикланадиган ресурслар, бунга ўрмонларни мисол келтириш мумкин, ўртача 50 йилда қайта тикланади, қайта тикланмайдиган ресурслар.

Туристлик ресурслар орасида асосий ўринни *табиий рекреация* ресурслари эгаллайди, улар мамлакат аҳолисини, ҳамда туристларни дам олиши ва даволаниши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ноёб табиат ёдгорликлари асосий туристик объектлар ҳисобланади. Ноёб табиат ёдгорликлари, бу - муҳофаза қилинадиган объект турларидан ҳисобланади.

*Жумаев Хайрулла Ҳайитович- ҚаршиДУ География кафедраси ўқитувчиси.

Айрим ҳолларда табиий объектларни муҳофаза қилиш учун катта майдонларни ишғол қилинадиган кўриқхоналар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Шунинг учун кичикроқ майдонлардаги табиий объектлар “табиат ёдгорликлари” деб эълон қилинади ва муҳофаза остига олинади. “Табиат ёдгорликлари” терминини дастлаб А.Гумболт таклиф қилган. Ўтган асримизнинг бошларидаёқ Европада табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш бошланган эди.

Табиат ёдгорликлари табиатнинг ўзгариши ва унда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида маълум даражада аниқ гувоҳлик беради. Табиат ёдгорликлари илмий-тарихий ва маданий-эстетик аҳамиятга эга.

Умумий характериға кўра, табиат ёдгорликлари *геологик-геоморфологик, ботаник, палеонтологик, астрономик ва ландшафт ёдгорликларига* бўлинади.

Геологик-геоморфологик ёдгорликларға нодир геологик тоғ жинслари, карст воронкалари, рельеф шакллари, ғорлар, иссиқ сувли минерал булоқлар киради. Мамлакатимиздаги Зарафшон тизмасидаги карстлар, Килси (Қирқтоғда), Қорлуғ (Кўхитанг тоғида), Ҳазратидовут (Зирабулоқ тоғида), Амир Темур, Хўкиз-Камар, Кўл, Кийик-Камар, Каптархона ғорлари, “Диназавр”, Жодугар”, “Дўстлар” ва бошқа табиат ёдгорликлари бўлиб, сайёҳатчиларни ўзига жалб қилади. Ўзбекистонда Устюрт платоси, Қизилқум, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Мирзачўл, Тошкент-Оҳангарон, Фарғона артезиан ҳавзалари мавжуд. Кўрсатилган майдонлар бўйлаб 50 дан ортиқ минерал сув манбалари ишга туширилган. Жумладан, Чимён, Полвонтош, Жанубий Оламушук, Чортоқ, Тошкент минерал сувлари, Чинобод, Нагорний-Каттакўрғон, Ситораи-Моҳиҳоса, Пичот, Жайронтепа, Кўкайти каби манзилларда артезиан туркумидаги ер ости сувлари юқори босим остида бўлганлиги учун қазилган бурғу кукуқлар ёрдамида ўз босими билан юзага чиқади. Қашқадарё вилоятидаги Шимолий Майманоқ минераллашган булоғи, Деҳқонобод туманидаги Хўжаипок водород-сульфидли минерал булоқларидир. Уларнинг таркибида корбонат кислота, водород сульфид, йод, бром, водород-олтингургурт ионлари каби кимёвий элементлар мавжуд. Шу боисдан катта табиий аҳамият касб этади. Бу ҳолат эса ушбу нукталар сари туристик оқимнинг кучайишиға сабабчи бўлмоқда.

Ботаник ёдгорликларға юз йиллик дарахтлар, йўқолиб кетаётган реликт ўсимликлар киради. Бу ёдгорликларға Сурхондарё вилоятидаги, Ургут шаҳридаги юқори Чор Чинор (1020 йиллик), Каттакўрғон тумани Қорадарё қишлоғидаги чинор (565 йиллик), Нуробод тумани Тим ва Жомбой тумани Холвойи қишлоғидаги минг йиллик арчаларни, Китоб туманидаги минг йиллик чинорларни киритиш мумкин.

Палеонтологик ёдгорликларға тошға айланган организм ва қирилиб кетган ҳайвонларнинг излар қолган жойлар киради. Динозавр изи Ҳисор тизма тоғлари бўйлаб яхши сақланганлигини кўраимиз. Кўхитанг тоғининг ғарбий ён бағрида 2500 дан ортиқ излар топилган бўлиб, буларни олимлар йўқ бўлиб кетган улкан калтакесаклар-динозаврлар изи эканлигини аниқлашди. Диназавр сўқмоқларининг умумий узунлиги 10 км.ға этади. Майдоннинг ўртасида излар зич жойлашган бўлиб, уларнинг жами сони 1365 тадир. Сарикия деб аталадиган жойда динозаврлар 22 қатор ҳосил қилиб юрган бўлиб, бу ерда 360 та из топилди. Юқори юра даври қатламларида бунчалик кўп излар ер шарида биринчи марта кузатилган бўлиб, бунга ўхшаган бошқа жой учрамайди. Профессор М.А.Хошимов эътироф этган излар каби, динозавр қолдирган ноёб “эсдалиқлар” Яккабоғдарёнинг Қаълаисой ирмоғининг чап саҳили бўйлаб, Сувсизтоғда, Халқажар дарёсининг Гумтак ирмоғи бўйларида сақланиб қолгандир. Ундан ташқари “Китоб геологик кўриқхонаси”да қирилиб кетган ҳайвонларнинг излари яхши сақланиб қолган. Бундай жойларға кўпроқ туристик маршрутлар ташкил қилиб, сайёҳатчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориш керак ва рекреация ресурслари сифатида максимал фойдаланиш зарур.

Ландшафт ёдгорликларига ажойиб қоялар, шаршаралар, даралар, ажойиб булоқлар, хушманзара жойлар киради. Бунга Илонўтди дараси, Кўксув дарёсидаги шаршара, Нурота ва Ургутдаги булоқлар, Катта ва Кичик Чимён сойлиги, Оқтош сойлиги, Қизилсув дарёси дараси, Қалаи Шерон дараси, Сувтушар шаршараси, Ажойиб ва гўзал манзарали табиат

ёдгорликлари бўлган шаршаралар (Кўкбулоқ, Қизилтом, Бошдарё, Хўкизбурун, Терес, Мудин, Сувтушар, Зармас) кишига завқ бағишлайди. Табиати нақадар чиройли бўлга худудларда катта-кичик булоқлар таркиб топган бўлиб, буларга Ғилон, Сарчашма, Сиёб, Хазрати -Бешир, Сайроб каби булоқлари, Оксув, Қорасув, Ғилондарё, Наушур, Тамшуш ва бошқа сойлар, водийлари бўйлаб кўп кунлик сайёҳатлар уюштириш имкониятлари бор.

Шундай экан, туризмни ривожлантиришда табиий рекреацион ресурсларни географик жиҳатдан илмий ўрганиш келажакда катта аҳамият касб этади. Бунинг учун туристик объект ва рекреация, табиий зоналар ва ландшафтлар ҳолатидан самарали фойдаланишда уларнинг экологик хусусиятларига эътиборни қаратиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Усмонов М.Р. Туризм географияси. Самарқанд: СамДУ, 2016 йил.
2. Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. –Т.: Фан ва технология, 2014. 27-29 б.
3. Усмонова Р. Рекреацион география. Қашқадарё кузгуси ОАВ, Қарши: 2015. 66-65 б.
4. Тоғаймуродов Э. Кишлоқ худудларида эко-агротуризмнинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Молия ва банк иши, 3-сон, 2016. 28-37 б.

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ-ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭКОТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Иброимов Ш.И., Бўрибеков М.Ф., Аллаёров Р.Х. *

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўзларидаги мавжуд табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида туризмга катта эътибор қаратмоқдалар. Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинган кўплаб фармон ва қарорлар ушбу соҳани ривожланиши муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Жумладан, 2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармоннинг имзоланиши бу соҳадаги янги қадамлардан бири бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатида ҳам “...мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин” лигини алоҳида қайд этиб, “...биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур” эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Шу боисдан Ўзбекистоннинг турли минтақаларида туризмнинг қатор турларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлари олиб бориш ва илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё мамлакатларида экотуристтик объект ҳамда ресурс сифатида гўзал дарё водийлари, даралар, хурвикор тоғлар, кўл соҳиллари, шаршаралар, чўллардаги қум барханлари хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг шарқий ва жанубий қисмларини баланд тоғлар ва тоғ оралик ботиқлари эгаллаган бўлиб, улар мамлакат майдонининг 21,3 % ини ташкил этади. Ушбу тоғлардан Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги ўнлаб дарё ва юзлаб сойлар бошланади. Дарё ва сойларнинг аксарияти юқори оқимида чуқур ва тор водийлардан оқиб ўрта оқимида бироз

* **Иброимов Шерзод Иброим ўғли** – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Бўрибеков Мансур Фармонович – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 68-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернати география фани ўқитувчиси.

кенгаяди. Айрим жойларда баланд шаршаралар, баъзи жойларда эса тор даралар ҳосил қилади. Тоғлар ва улардан бошланган дарёлар водийси мавсумлараро ҳам турли қиёфага қиради. Жумладан, тоғ водийлари баҳорда эфемер ва эфемероидлар билан қопланиб ўзгача қиёфага қирса, ёзда ўзининг салқин ва баҳаволиги билан сайёҳлар эътиборини тортади. Кузда дов-дарахтлар барг ташлаб, мевали дарахтлар ҳосил беради. Қиш фаслида эса тоғлардаги қор ва музликлар майдони кенгайиб хурвиқорлик касб этади.

И.П.Герасимов (1937) Ўрта Осиё тоғли ўлкасини 4 қисмга – баланд тоғ, ўрта тоғ, паст тоғ ва дарё водийларига ажратади. Баланд тоғ минтақаси мутлоқ баландлиги 2000 м дан юқори бўлган тоғ дарёларининг катта қияликдаги сувайирғич қисми ва унга туташ платоларидан иборат (Аманбаева З.А., 2015).

И.А.Хасанов ва П.Н.Ғуломовлар (2006) Ўзбекистон тоғли қисми рельефининг асосий хусусияти сифатида тоғ тизмаларининг тоғ оралиқ ботиқлари билан ғарбга очиқ ва шу томонга баландлиги пасайиб борадиган тоғ олди текисликларининг ёнма-ён жойлашганлигини эътироф этишиб, тоғли ҳудудлар орографик тузилишини 2 га: 1) тоғ системалари ва 2) тоғ оралиғи ва тоғ олди ботиқларига ажратишади.

Ўзбекистон тоғ олди ва тоғлари таснифида гипсометрик поғонаси юқоридан пастга томон гляциал-нивал, тоғ-тундра, тоғ-ўрмон, тоғ-ўтлоқ, тоғ-ўрмон-дашт, дашт, чала чўл ландшафт турлари ажратилади (Хасанов И.А. ва б., 2010). Ушбу ландшафтлар Ўзбекистоннинг турли тоғларида турлича баландликда мавжуд. Масалан, гляциал-нивал ландшафтлар Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмаларида 3200 метрдан баландда жойлашган бўлса, Ҳисор тизмасида ушбу ландшафт тури 3500 метрдан баландда вужудга келган.

Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристтик салоҳиятлари анча кенг бўлиб, бундай салоҳиятни қуйидаги экотуристтик ресурслар белгилаб беради:

- **иклимий ресурслар.** Тоғлар табиати инсонларга доим хуш ёкиб келган. Улар мусаффолиги билан даволанишда ҳам ёрдам беради. Тоғлар ёзда об-ҳавонинг салқинлиги, куз ва баҳорда ўзига хос мўътадиллиги билан характерланади;

- **геоморфологик ресурслар.** Ўзбекистон тоғлари геоморфологик экотуристтик ресурсларга – даралар (танги), ғорлар, қоялар, карлингларга анча бойлиги билан тавсифланади. Улар ўзларининг нафақат гўзал табиати билан, балки тарих сир-асрорларини ўз бағрида сақлаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Тоғли ҳудудларда мафтункор табиат мўжизалари шаклланган бўлиб, табиат ҳосил қилган ана шундай мўжизаларга рельеф шакллари билан бири – тангилар яққол мисол бўлади. **Танги** деб, дарёларнинг тоғли ҳудуддан оқиб ўтувчи қисмида, қаттиқ туб жинсларни дарё ювиши натижасида ҳосил бўладиган тор ва чуқур, тик ён бағирли водийга айтилади. Унинг ён деворлари узоқ муддатгача тик ҳолатда бўлади. Водий энига секин ўсади ва одатда, чуқурлиги энидан ортиб боради. Тангилар баъзан ер юзаси ёрилганда тектоник йўл билан ҳам вужудга келади;

- **органик ресурслар.** Ўзбекистон тоғ водийлари органик ресурсларнинг (айниқса ўсимликларнинг) мавсумий алмашилиши билан хусусиятлидир. Масалан, баҳорда тоғ, тоғолди, водий ёнбағирлари эфемерлар билан ёппасига қопланиб ўзгача тароват касб этса, кузда тоғ-водий қиёфаси дов-дарахтларнинг барг ташлаши билан ўзгаради. Яна шунингдек, баҳорда қушлар, турли сут эмизувчилар ҳаракати фаоллашса, қишда тоғларнинг 2200 метрдан баланд қисмларида ёввойи табиатнинг эталонлари – қор барси, силовсин, кабиларни учратиш мумкин;

- **гидрологик ресурслар.** Дарёлар, сойлар, шаршаралар (Сангардак, Хўкизбурун), тоғ кўллари, юзлаб булоқлар (уларнинг аксарияти шифобахшлиги билан ҳам аҳамиятли), музликлар (Ботирбой, Северцов ва б.) тоғ-водий ландшафти билан уйғунлашиб гўзал манзара ҳосил қилган.

Юқорида кўрсатилган экотуристтик ресурслар тоғ ландшафтларининг экотуристтик салоҳиятини нақадар юқори эканлигини белгилайди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини ўсишида муҳим роль ўйнайди.

А.Низомов ва бошқалар “Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари” (2014) номли монографиясида тоғ ва баланд тоғ минтақаси бўйлаб 30 та йўналишдаги

асосий масканларни кўрсатишган. Ўзбекистондаги кўплаб тоғ дарёлари водийларида ана шундай экотуристлик йўналишларни ажратса бўлади. Бундайлар қаторига: Кўксув, Писком, Угом, Оксув, Тўполон, Сангзор, Катта Ўрадарё, Шоҳимардон, Сўх, Ғовасой водийларини кўшиш ўринлидир.

Геомажмуаларнинг экотуристлик имкониятларини белгилаб берувчи омилларнинг экотуристлик имкониятларини юзага келтирадиган мавқеига қараб, уларни иккига – кучли ва кучсиз гуруҳларга бўлиш мумкин. Кучли омилларга рельеф, иқлим, ер усти ва ер ости сувлари кириб, улар экотуристлик имкониятларнинг юзага келишида етакчи ҳисобланади. Кучсиз омилларга тупроқ ва ўсимлик қопламани ҳамда ҳайвонот дунёсини киритиш мумкин (Шамуратова Н.Т., 2011).

Ўзбекистон тоғ водийларида кучли омилларнинг етакчилиги ва кучсиз омилларнинг ҳам текисликка нисбатан устуворлиги экотуризмни ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади. Тоғ водийлари ландшафтларидан экотуристлик ресурс сифатида фойдаланиб, ушбу ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш орқали минтақалар иқтисодиётини ҳамда тоғлик халқлар яшаш шароитининг яхшиланишига эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
2. Аллаёров Р.Х., Бўрибеков М.Ф., Хидиров М.Ш., Раҳмонқулов А.Н. Ўзбекистон тоғ-водий ландшафтларининг экотуристлик имкониятлари // География ва география таълимидаги муаммолар. Республика конференция материаллари. – Жиззах: ЖДПИ, 2018. Б. 75-77.
3. Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Бўрибеков М.Ф. Тангилар экотуристлик объект ва ресурс сифатида // Олий таълим тизимида табиий фанлар: илмий тадқиқот, ўқитиш ва малака ошириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. Фарғона, 2018. Б. 162-164.
4. Аманбаева З.А. Тоғли ҳудудлар-геоэкологик тадқиқотлар марказида // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДПУ, 2015. Б. 34-35.
5. Низомов А., Аманбаева З., Сафарова Н. Ўзбекистоннинг экотуристлик ресурслари ва йўналишлари. – Т.: Фан ва технология, 2014. 104 б.
6. Қаракўлов Н.М., Аллаёров Р.Х. Ўзбекистоннинг тау геожўйелериндеги экотуристлик мумкинликтери // Геосистемный подход к изучению природной среды Республики Казахстан. Матерялы Международную научно-практическую конференции. Том II. Астана, 13-14 апреля 2018. с. 250-252.
7. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н. Ўзбекистон табиий географияси. – Т., 2006.
8. Хасанов И.А., Ғуломов П.Н., Қаюмов А.А. Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм). – Т., 2010.
9. Шамуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақ. эт. дисс. авт. –Т.,2011. 27 б.

ТАБИАТ ВА УНИНГ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Рафиқова Н.А.

ЎЗР ФА Сейсмология институти

Эндиликда, ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири – табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини оптималлаштиришни ҳал қилиш эканлиги барча мутахассислар томонидан эътироф қилинмоқда. Чунки, ҳозирги илмий-техник тараққиёт шароитида инсоннинг атроф-муҳит билан бўлган муносабати борган сари чуқурлашиб бормоқда, бу жараён, айниқса, улар ўртасида модда ва энергия алмашувининг муттасил ошиб бориши йўналишида содир бўлаётганлигида яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳодиса, хусусан табиий энергетик мувозанатнинг инсон хўжалик фаолияти натижасида ўзгариши, хўжалик муомаласига табиий ресурсларнинг кўплаб киритилиши, саноат ҳамда маиший-

коммунал чиқиндилар ҳажмининг тобора кўплаб яна табиатга қайтарилиши жараёнларида янада жиддийлашмоқда.

Табиат бойликларидан тезкорлик билан фойдаланиш жараёнида табиий ресурсларнинг қайта тикланиш қобилиятлари ва унга чиқариб ташланаётган чиқиндилардан тозаланиш хусусиятлари сусайиб боради, атроф-муҳитда тирик организмлар, шу жумладан инсон учун зарарли бўлган захарли моддаларнинг тўпланиб бориши кузатилади. Шу билан маҳаллий миқёсда экологик вазиятнинг жиддийлашуви, жойларда танг ва ҳалокатли тус олишини кузатиш мумкин.

Ҳозирги илмий-техник тараққиёт жараёнида табиат билан жамият орасидаги мураккаб жами муаммолар ҳозиргача назарий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаганлигини эътироф этиш керак. Биринчи қарашда бундай хулоса асоссиздек туюлади, чунки кўплаб табиий фанлар кўп вақтдан бери атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланиб келади. Масалан, жамият хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири ўрганилиб келинмоқда. Шунга қарамасдан, кўпгина номақбул табиий жараёнларнинг таъсири ва унинг сабаблари, антропоген характердаги физик ва кимёвий омилларнинг экотизимларга салбий таъсирларининг моҳиятлари ҳали ҳам чуқур ўрганиб чиқилмаган (Герасимов, 1985).

Ҳақиқатан ҳам йирик гидротехник, тоғ саноати, қурилиш ва бошқа лойиҳали ишланмалар, қурғоқчил ерларнинг катта массивларда ўзлаштирилиши, кишлок хўжалигини кимёлаштириш, баъзи экинларнинг яккахокимлиги, нохуш табиий ҳодисалар билан курашиш учун кенг миқёсдаги мелиоратив тадбирларнинг йўқлиги жамият учун тасодифий жараёнларни келтириб чиқаради. Бу ҳол кўпинча қисқа муддатларда мавжуд ресурслардан максимал миқдорда фойдаланиш билан боғлиқ. Шундай қилиб, табиий ресурслардан экстенсив фойдаланишни интенсификациялаш ва бунда узоқ муддатли техник-иктисодий самарани ҳисобга олмаслик, кўпинча табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабатларини мураккаблаштиради, бунинг иктисодий оқибатлари жуда катта миқдорий рақамлар билан баҳоланади.

Бундай хатоликлар кўпинча табиий муҳитнинг антропоген таъсирга нисбатан «акс таъсир»ини аниқ прогноз қилишнинг қийинлиги, инсоннинг табиат ресурсларидан фойдаланишдаги фаолиятини йўл қўйилган даражасини илмий жиҳатдан асосланган баҳолаш услублари ва усулларининг йўқлиги, табиатни муҳофаза қилиш вазифалари билан унинг ресурсларидан тезкорлик билан фойдаланиш орасида келиб чиқадиган номутаносибликнинг илмий моҳиятлари ҳақида тушунчаларнинг чегараланганлиги билан боғлиқ. Шундай қилиб, бугун шу нарса аён бўлиб турибдики, атроф-муҳитнинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги илмий билимлар, унинг ташкил этилганлигининг шакллари ва даражалари, унинг таркибий механизмлари, инсон омили таъсири натижасида вужудга келган жараёнларнинг физик моҳиятлари ва уларнинг ўзгариш динамикаси тўғрисида чуқур ишланмалар етишмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлиги бўйича кўпгина тадбирларнинг етишмаслиги, шунингдек фундаментал экологик илмий тадқиқотларнинг жуда ҳам зарурлиги эндиликда равшан бўлиб турибди (Герасимов, 1985).

Одам табиатнинг бир қисми. Унинг табиат билан муносабати воситасида инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабати жуда ҳам яхши ифодаланади. Инсоннинг табиат билан ўзаро муносабатини ўзига хослиги унинг турмуш даражасидаги маданий тавсифлари, шунингдек маданиятининг моҳияти инсон ва табиат бирлигида ифодаланади. Инсон билан табиат муносабати маданият орқали бу – соф академик масала эмас, ҳозирги маънавий ҳаётимизда ва курашимизда энг долзарб масала, чунки агарда маданият стихияли ривожланса ўзидан сўнг чўл қолдиради, бу бизнинг кунларимизда ўтмишни эслаш эмас, балки бугун ва келажакка нисбатан фаол огоҳлантиришдир (Давидова, 1986). Шунинг учун инсоннинг хўжалик фаолияти жамиятда табиат қонунлари билан қанчалик мос келса, бу фаолият жамият учун ҳам муваффақиятли ҳисобланади. Ва, аксинча, табиат қонунлари билан қанчалик кам мос келса, турли хил номақбул табиий жараёнларнинг ривожланиши сабабли жамият учун муваффақиятсизликлар пайдо бўлади, чунки бу ҳодиса ресурсларнинг сифати

ва ҳолатига таъсир этади.

А.М.Ковалев (1975) нинг тасдиқлашича, узвий табиат (жамиятни ҳам қўшиб ҳисобласа) бир бутун тизимдан иборат, бунда айрим ҳодисалар бир-бири билан биологик (органик) боғлиқ ва бир бутунликни ташкил қилади. Табиат бир бутунликдан иборат, у ўз таркибига ҳисобсиз аниқ шакллари қўшади, улар бир-бири билан ўзаро муносабатда мавжуд бўлади. Табиатнинг туб қонунларидан бири мавжуд моддий тизим ва уни ўраб турган ташқи шароитнинг бирлик қонуни ҳисобланади. Жамиятга нисбатан қўллаганда – бу унинг географик муҳит билан бирлигидир. Одатда табиатда хоҳлаган ҳодиса ўзгариши жараёнида у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳодисаларнинг ҳам худди шундай тартибда ўзгаришини талаб қилади. Бунда улар орасида ўзаро муносабат кучли ифодаланса, у ҳолда бир маҳаллий майдонда қўшни бўлган ҳудудлардаги ҳодисаларга ҳам таъсир этади. Шундай қилиб, бир майдондаги ўзгариш қўшни ҳудудлардаги ҳодисаларга ҳам таъсир этиши кузатилади, буни мутахассислар ландшафтогенез жараёнининг фаоллиги билан боғлайдилар. Шунинг учун олимлар ва мутахассислар янги ҳодисаларга нисбатан кўз-қулоқ бўлиб туришлари мақсадга мувофиқ, чунки улар табиий муҳит ва қўшни комплексларни вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш жараёнларида кучли ўзгартиришлари мумкин (геопаралар, парагенетик тизимлар).

Табиий муҳитни тезкорлик билан ўзгартиришнинг шартларидан бири ландшафт (геотизим)лар хилма-хиллиги қонунидир. Жамият тараққиёти билан табиат хилма-хиллиги ўртасида маълум боғлиқлик мавжудлиги кўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилади. Аниқланишича, агарда ҳудуднинг табиий шароит ва ресурслари хилма-хил бўлса, жамият ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Ва аксинча, ҳудуднинг табиий шароит ва ресурслари бир хил бўлса, унда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, табиий шароит ва табиий бойликлар етарли даражада хилма-хил бўлса жамиятнинг тараққиёти учун қулай имкониятлар мавжудлиги сабабли ўсиш жиддий бўлади. Бу контекстда моддий тизимлар ва уни ўраб турган муҳит қонуни ва ландшафтлар хилма-хиллиги қонуни бир вақтнинг ўзида таъсир этганлиги сабабли самара катта бўлади. Ландшафт таркиби мураккаб бўлган ҳудудларда, табиий географик шароитлар жуда ҳам хилма-хиллиги туфайли муҳит интенсив равишда ўзгариши шу билан тушунтирилади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда ўзаро ҳаракатда бўлган жараёнларнинг албатта, мос келиш қонунига мувофиқ катта ҳудудларда табиий (экологик) шароитларнинг ўзгариши кузатилади.

Умуман олганда, ўтган асрнинг 60-йилларига қадар жамият билан табиат орасидаги ўзаро муносабат стихияли ҳолда рўй бериб келган дейиш мумкин, чунки ўша вақтларда табиатдан фойдаланиш эҳтиёжга яраша бўлган. Ундан кейинги йилларда табиатдан фойдаланишда стихияли йўналишнинг сақланиши катта ҳажмда хавф туғдириши мумкин бўлган. Чунки инсоннинг табиий муҳитга йирик қўламли таъсири туфайли табиат билан жамият муносабатларида нафақат ижобий силжишлар, шунингдек инсон учун салбий оқибатлар ҳам келиб чиқади, биосферанинг ўзгариши, экологик мувозанат, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий бойликларнинг қашшоқланиши содир бўлиши кучая боради.

Ишлаб чиқариш одатда алоҳида лаҳза бўлиб, табиатдан фойдаланиш ёки табиат билан жамият орасидаги муносабатда ядро вазифасини ўтайди, бу айниқса, инсон ўз эҳтиёжларини бойликлар ҳисобига қондириш жараёнида яхши кузатилади (Урсул, 1986). Маълумки, табиатдан экстенсив фойдаланишда, жойларда экологик мувозанат кўпинча табиий йўл билан қайта тикланган, табиатнинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти ҳам юқори бўлган, биоресурсларнинг қайта тикланиши ҳам юз берган, чунки географик муҳитга бўлган ишлаб чиқариш юкларини катта бўлмаган. Табиатдан фойдаланиш даражаси жуда ҳам ортган ўтган асрнинг 70-80-йилларида муҳитнинг ўз-ўзини тозалаш ва бошқариш хусусиятлари сусая борди. Бу вазиятда табиат ўзининг ресурсларини ва экологик мувозанатини тиклаш қобилиятларини йўқотди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ресурслардан тезкорлик билан фойдаланиш жараёнида табиат ўзининг зарурий хусусиятларини йўқотади, бу борада табиат билан жамият орасидаги муносабатлар чуқурлаша боради. Бу вазиятда

табиатнинг акс таъсири микёс жиҳатдан кучаяди, салбий оқибатлар юзага кела бошлайди. Бу экологик танглик ва ҳалокат сифатида кузатилади, уларнинг улкан иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари барчага аён.

ҒЎБДИН ТОҒИДА ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ МОНИТОРИНГ МАЙДОНЧАЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ

**Рахматуллаев А., Адилова О., Баратов Х.А.*
Самарқанд давлат университети**

Табиатга антропоген юкнинг ошиб бориши туфайли чўлланиш жараёни нафақат чўл яйловларида, балки тоғ яйловларида ҳам жадал ривожланмоқда. Лекин, бу табиий жараёни микдорий кўрсаткичлар асосида исботлаб берадиган экспериментал тадқиқотлар деярлик йўқ. Чўлланиш бўйича ёзилаётган илмий мақолаларда асосан, ўсимликларнинг камайиши, дарахт ва буталарнинг қирқиб юборилиши, сукцессия жараёни тўғрисида умумий маълумотлар берилмоқда.

Тоғ ландшафтларида чўлланиш фақат ўсимликлар қопламидаги ўзгариш эмас, балки тупроқлар ювилиши, ёнбағирларнинг ялонгачланиб қолиши, булоқ ва сой сувларининг камайиши ва бошқа табиатнинг қашшоқланиши кўринишида намоён бўлмоқда. Ана шу ўзгаришлар тажриба майдонларида ўрганилиб аниқ микдорий маълумотлар олинса, чўлланишнинг динамикаси бўйича башаротлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Бу эса чўлланишга қарши тадбирлар ишлаб чиқишда илмий асос бўлди.

Тоғли ландшафтларда чўлланишни тажриба майдончаси ёрдамида ўрганиш мақсадида Ғўбдин тоғининг шарқий чекка қисмида Эшмонтўп қишлоғи атрофларида 2011-2012 йилларда учта мониторинг майдончалар ташкил қилинди (Рахматуллаев А. Адилова О., 2015). Уларнинг биринчиси қишлоқдан шимоли-шарқ томонда 800 метр масофада қир ёнбағрининг ғарбий экспозиясида жойлашган. Мониторинг майдончаси 10 м х 6 м=60 м² бўлиб сим тўсиқлар билан ўралган. Майдонча жойлашган жой 5-10 см қалинликдаги тошлоқ типик бўз тупроқлар билан қопланган, унинг тагида нураш қатлами ва кристаллашган сланец тошлари мавжуд. Ўсимлик қоплами кўнғирбош-қарабош аралаш эфемерлардан таркиб топган бўлиб улар орасида кўп йилликлардан кўзикулоқ кўп учрайди. Бу ўсимлик аччиқ бўлганлиги учун уни кўк ҳолида кўй, эчки, қорамоллар емайди. Лекин, у бутунлай қовжираб қуригач аччиқлиги йўқолади ва уни уй ҳайвонлари ейди. Мониторинг майдонча атрофида сариқ тикан, авпалак, москвак (тиканли астрагал) учрайди. Мониторинг майдонча жойлашган жой атрофларида йил давомида чорва моллар боқилади. Уларнинг юришидан зич йўлакчалар ҳосил бўлган.

Ғўбдин тоғининг энг шарқий қисмининг денгиз сатҳидан баландлиги 720-800 метрни ташкил қилади. Қишлоқлар атрофларида ушбу баландликларда тоғда ўсадиган дарахт ва буталарнинг бирон тури учрамайди. Қўрғоқчиликка чидамли дарахт ва буталарнинг шу табиий шароитда ўсиши ёки ўсмаслигини синаб кўриш мақсадида биринчи мониторинг майдонча ичига 2011 йилда арча (*Juniperus Seravshanica*), қайроғоч (*Ulmus Pumila*) ва бодомча (*Amygdalus spinosissima*) экилди. Буларни экиш учун юпқа тупроқ-грунт тагидаги кристалл тошлар 12-15 см чуқурликда қовланди. Бу уч турдаги дарахт ва буталар яхши ривожланди ва етти йил давомида бўйи экилган вақтига нисбатан 2-3 марта ўсди (жадвал).

*Рахматуллаев Арзимурад –СамДУ Гидрометеорология кафедраси профессори, г.ф.д.;
Адилова Озода – ЖДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.;
Баратов Хабиб Абдиназарович – СамДУ Гидрометеорология кафедраси ўқитувчиси.

**Ўбдин тоғининг шарқий қисмида Эшмонтўп кишлоғида мониторинг
майдончага экилган дарахт ва буталарнинг ривожланиш кўрсаткичлари, см да**

Дарахт ва бута турлари	Йил							
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	Ўсиш кўрсаткичи
Арча Juniperus Seravshanica	50,8	75,3	93,0	94,1	95,7	97,0	99,0	48,2 см
Қайроғоч Ulmas Pumila	51,6	77,3	92,0	1,08	1,31	1,52	1,70	1,19 см
Бодомча Amygdalus spinosissima	90,1	1,05	1,30	1,48	1,62	1,85	2,10	1,20 см

Жадвал маълумотларидан бодомча ва қайроғочнинг анча тез ўсганлиги кўриниб турибди. Етти йил давомида бодомча 2,5; қайроғоч эса, қарийб 3,5 баробар ўсган. Бодомча Ўзбекистоннинг ўртача баландлик ва паст тоғларида кенг тарқалган бутасимон ўсимликлардан бўлиб тошлар ёриқларидан унинг томирлари ўзига керакли намликни олади. Бодомча, айниқса тошлар ер юзига чиқиб ётган ва тош ёриқлари кўп ҳудудларда кенг тарқалган. Меваси аччиқ бўлиб, ундан бодом ёғи олинади. Бодомнинг мағзида амигдалини моддаси бўлиб, тиббиётда фойдаланилади (Ҳайдаров, Хожиматов, 1992)

Қайроғоч (гужум) тош аралаш солов тупроқли муҳитни хуш кўради. Шу сабабли у Ўзбекистон шароитида катта йўл четларига ихота дарахтлари сифатида кўп экилади. Самарқанд вилоятининг Самарқанд-Тошкент катта автомобиль йўлининг четларига ихота сифатида экилган дарахтларнинг асосий қисми қайроғочлардан иборат. Ушбу дарахт қурғоқчиликка ҳамда иссиқ ва совуқ ҳароратларга ўта чидамлилигидан мониторинг майдончада яхши ривожланмоқда. Унинг бўйи 7 йил давомида 51,6 см дан 1 метр 70 см гача ўсди.

Арча бодомча ва қайроғочларга нисбатан биров мўтадилроқ муҳитни хуш кўради. Арча секин ўсувчи ва кўп йил умр кўрувчи дарахт тури бўлиб, турли субстратли шароитда ўсишга мослашган. Тош ёриқлари кўп бўлган қояларда ҳам ривожланади. Унинг шохчалари қалин бўлганлиги учун кучли шамол арчани синдириши, ёки унга шикаст етказиши мумкин. Шу сабабли ҳам арча шамолдан пана бўлган жойларда яхши ривожланади. Биз ташкил қилган мониторинг майдончада арчанинг ривожланиши етти йил мобайнида 50,8 см дан 99,0 см ни ташкил қилган. Унинг шохлаши, шохлар қалинлиги, шохчаларнинг ён томонларга ривожланиши яхши ҳолатда.

Ушбу биринчи мониторинг майдончада дарахт ва буталардан ташқари кичик бута ва майса ўтларнинг проектив қоплами, ўсимликларнинг турлар бўйича миқдори, турларнинг ривожланиш ҳолати, фитомасса ва бошқа кўрсаткичлар ўлчаб ёзиб борилди.

Иккинчи ва учинчи мониторинг майдонча Эшмонтўп кишлоғидан 1300 ва 1800 метр узоқликда қирларнинг жанубий ёнбағирларида ташкил қилинган. Уларнинг катталиги 2,0 м х 2,5 м=5 м² дан бўлиб сим тўсиқлар билан ўралган. Бу иккита мониторинг майдончаларни ташкил қилишдан мақсад ёпиқ яйлов (мониторинг майдонча) ва очик яйловларда вақт давомида ўсимликлар ривожланишини таққослашдан иборат.

Етти йил давомида очик яйловларга нисбатан ёпиқ яйловда (мониторинг майдончаларда) ўсимлик қопламида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги кузатилди. Биринчи мониторинг майдонча атрофларида 2011 йил 18-июнда ўсимликлар проектив қопламида 15-20 % ни, иккинчисидан 20 %, учинчисидан 15-25 % ни ташкил қилган. 2015 йилда, яъни беш йилдан кейинги ўлчашда (15 июнда) очик яйловда ўзгариш деярлик бўлмаган: биринчи майдонча атрофларида 20-25 % ни, иккинчи майдончада 25 % ва учинчи майдончада 18-20 % ташкил қилди. Ёпиқ яйловда биринчи майдонча ичида сезиларли ўзгаришлар бўлиб, проектив қоплам 85 % га етди. Иккинчи майдонча ичида 50-60 %, учинчи майдончада 40-50

% ни ташкил қилди. Учинчи майдончада ўсимлик қопламида сийракликнинг катталигига сабаб мониторинг майдончанинг қир тепасида каварик юзада ўрнатилганлиги ҳисобланади. Доимо шамол эсиб турадиган каварик ёнбағирларда ёмғир ва қор сувлари тез буғланиб, ер юзаси тез қуриydi. Иккинчи мониторинг майдончада ўсимликлар қопламининг зичроқлиги майдончанинг ёнбағирда бироз ботиқ ер юзига жойлашганлиги ҳисобланади.

Мониторинг майдончаларда очиқ яйловларга нисбатан ўсимликларнинг турлар бўйича ўзгариши деярлик сезилмади. Лекин, ёпиқ яйловларда очиқ яйловларга нисбатан ўсимликлар яхши ривожланганлиги аниқ билинади. Масалан, кўзиқулоқ, кўнғирбош, қорабош, қаррак ва бошқа ўсимликларнинг бўйи икки баробар ортиқ ўсганлиги, кўп йиллик ўсимликлар сершоҳлиги ва сербарглиги билан аниқ ажралиб туради.

Иккинчи ва учинчи майдончаларда фитомасса очиқ яйловларга нисбатан икки, икки ярим баробар, биринчи майдончада эса уч баробар ошганлиги кузатилди. Биринчи мониторинг майдончада экилган арча қайроғоч ва бодомчаларнинг яхши ривожланиши, Ғўбдин тоғи ва тоғ олди текисликлари инсон таъсири кам бўлган пайтларда, ушбу экилган ва бошқа қурғоқчиликка чидамли дарахт ва буталар билан қопланганлигини билдирувчи ашёвий далил ҳисобланади. Мониторинг майдончаларда кузатиш ва ўлчаш ишлари келажакда давом эттирилади ва чўлланиш жараёни бўйича миқдорий маълумотлар тўпланиб карталар тузилади.

Адабиётлар:

1. Ҳайдаров Қ. Ҳожиматов Қ. Ўзбекистон ўсимликлари. -Т.: 1992. 241 б.
2. Кудряшев С. Растительность района гор Хобдун-тау и Карача-тау //Труды Среднеазиатского госуниверситета. Серия VIII-в. Ботаника. Вып 13. –Т.: 1930, -С. 1-51.
3. Рахматуллаев А., Адилова О. Табиий географик илмий тадқиқотларни жадаллаштиришда дала-тажриба участкаларининг роли. Ўзбекистон География жамаияти ахборотномаси. 45-жилд. –Т.: 2015. 13-17 б.

QASHQADARYO VOHASINING MUHOFAZAGA OLINGAN BALIQ TURLARI

Raxmatullayev A.Y., Ismoilova G. N., Karakulov N.M.

Qarshi davlat universiteti, Toshkent davlat pedagogika universiteti

Baliqlarni o'rganuvchi fan – ixtiologiyaningning asosiy zamonaviy muammolari baliqlarning individual va tarixiy taraqqiyoti, hatti-harakati, migratsiyasi asosida dengizlarda baliqchilikni rivojlantirish, yo'li to'silib, suv oqimi o'zgartirilayotgan sharoitda ovlanadigan baliqlar zahirasini tiklash, hovuzlarda baliq boqishning samaradorligini oshirish bilan bog'liq. Ovlanadigan baliqlar zahiralarini qayta tiklash, baliq resurslaridan oqilona foydalanish, suv havzalari ixtiofaunasini qayta qurish va kompleks meliorativ tadbirlarni amalga oshirishning intensiv texnologiyasini ishlab chiqish orqali suv havzalari ekosistemasini mahsuldorligini oshirish Ixtiologiyaning eng muhim masalalaridan hisoblanadi.

Bizga ma'lumki, keyingi vaqtlarda respublikamizda foydali baliqlar juda kamayib ketganligi sababli baliqlarni tabiiy sharoitda saqlash va ularning sonini ko'paytirish maqsadida davlatimiz tomonidan bir qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Baliqlarning ko'payish joylarini himoya qilish, suv havzalarini ortiqcha chiqindi va suv o'simliklaridan tozalab turish, daryo, ko'l va hovuzlarni sanoat korxonalaridan chiqqan zaharli oqava suvlardan muhofaza qilish, qimmatbaho baliqlarni iqlimlashtirish, turlari va sonlari kamayib ketayotgan hamda O'zbekiston "Qizil kitobi"ga kiritilgan baliq turlarini himoya qilish shular jumlasidandir.

Xususan Qashqadaryo vohasida bu borada katta ishlar qilinmoqda. Ilmiy manba ma'lumotlariga tayanib olib borgan izlanishlarimizga ko'ra, hozirgi kunda Qashqadaryo hududiga mansub suv havzalarida (ko'llar, suv omborlari, daryolar) uchraydigan baliqlarning 5 turi O'zbekiston "Qizil kitob"i ro'yxatiga kiritilgan (jadval).

**QASHQADARYO SUV HAVZALARIDA “QIZIL KITOB” RO‘YXATIGA
KIRITILGAN BALIQ TURLARI**

Baliq nomi	Lotincha nomi	Turkumi	Tarqalgan joyi	Noyoblik darajasi
Orol mo'ylabdori (So'zan baliq)	Barbus brachycephalus	Karpsimonlar	Qashqadaryo, Amudaryo va Orol dengizida yashaydi	Qizil kitobga kiritilgan
Turkiston mo'ylabdori (shimbaliq)	Barbus capito	Karpsimonlar	Qashqadaryo, Amudaryo, Sirdaryo va Zarafshon suv havzalarida uchraydi	Qizil kitobga kiritilgan
Parrak (nashtar qanot)	Capoetoprama kuschakiwischii	Ilonboshsimonlar	Uzoq Sharqda Ussuriya va Qashqadaryoda hamda Hanqa ko'lida tarqalgan	Qizil kitobga kiritilgan
Cho'rtansimon oqqayroq	Aspioluclusasocinus	Slasimonlar	Orol dengizi va Qashqadaryoning quyi qismida yashaydi.	Qizil kitobga kiritilgan
Orol tikanagi	Sabanejewia aurata	Karpsimonlar	Qashqadaryo, Amudaryo va Sirdaryo havzalarida yashaydi	Qizil kitobga kiritilgan

Orol mo'ylovdori - so'zan (Barbus brachycephalus) va Turkiston mo'ylovdori - shimbaliq (Barbus capito). Markaziy Osiyoning eng qimmatli balig'i Barbus avlodiga mansub mo'ylovdorlardir. Bu avlodning ko'pchilik turlari issiq mamlakatlar Osiyo va Afrikaning tropik suv havzalarida yashaydi. Ularning ko'pchiligi (barbuslar) akvariumchilar orasida mashxur va sevimlidir. Bizning suvlarimizda mo'ylovdorlarning ikki turi - orol va turkiston mo'ylovdori yashaydi. Ularning ikkalasi ham Markaziy Osiyo endemiklari hisoblanadi va faqat bizning regionimizdagina uchraydi. Mo'ylovdorlarning go'shti mazali va yumshoq, ayniqsa dudlangan ko'rinishda juda shirin bo'ladi. Turkiston so'zanining uzunligi 70 sm gacha, og'irligi esa 20 kg ga yetishi mumkin (odatda 2 kg atrofida). Orol so'zani esa yirikroq bo'ladi - uzunligi 1 m, og'irligi 22 kg, mo'ylovdorlar ichida eng yirigi hisoblanadi. Mo'ylovdorlar tanasi uzun, suyri shaklda, boshi tumshuq ko'rinishida cho'zilgan. Og'zi pastda joylashgan burchaklarida mo'ylovchalari, yana ikkita mo'ylovchasi tumshug'ining uchida bo'ladi. Og'zi barcha karp baliqlariniki singari tishsiz bo'ladi, ammo halqumining yo'rida halqum tishlar joylashgan. Orol va turkiston mo'ylovdorlari tashqi tomondan bir qarashda o'xshash, ammo turkiston so'zani suyriroq bo'ladi. Tumshig'ining uchidan yelka suzgichigacha bo'lgan masofa bu asosdan dum suzgichigacha bo'lgan masofadan qisqaroq. Orol so'zanida esa bu aksincha, kattaroq bo'ladi. Orol so'zanining suzgichlari nisbatan uzunroq, tumshug'i o'tkir, tangachalari maydaroqdir. Orol so'zanining yelka suzgichi 7 ta nurdan iborat, turkiston so'zanida esa 8 ta. So'zanlarning yashash tarzi o'xshash bo'ladi. Ular tubda yashaydigan jonzotlar, asosan baqachanoqlar, hasharotlarning lichinkalari bilan oziqlanishadi, ammo shuningdek suv o'simliklari va mayda baliqlarni ham yeyishadi.

Orol soʻzani oʻtkinchi baliq hisoblanadi, yaʼni oldinlari orol dengizida yashab, aprel-iyun oylari Amudaryo va Qashqadaryoga oʻtadi. Tashlagan ikrasi suv tubiga tushadi, urugʻlangandan soʻng shishadi va suv yuziga suzib chiqib, oqimda oqib ketadi. Orol soʻzani 5-6 yoshdan koʻpaya boshlaydi, mahsuldorligi 200-500 ming ikragacha yetadi. Ikrasi yirik, diametri 5-6 mm gacha yetadi. Hozirgi kunda Orol dengizi shoʻrlanishi oshib ketishi hamda Amudaryo, Sirdaryo va Qashqadaryoda toʻgʻonlar qurilishi sababli bu baliqlarning koʻpayish sharoitlari murakkablashgan. Natijada bu tur Oʻzbekiston hududida Sirdaryo basseynida umuman uchramayapti. Amudaryo va Qashqadaryoda oʻta kam uchraydi. Koʻrinishdan moʻylovdorlar shu kunlarda Orol dengizi atrofi koʻllari va Tuyamoʻyin suv omborlarida yashayapti. Turkiston Moʻylovdori Markaziy Osiyo uchun Kaspiy moʻylovdori-CHANARNING endemik turi hisoblanadi. Turkiston moʻylovdori daryolar, kanallar, koʻllar, suv omborlarida yashaydi; urugʻ sochishi esa daryo oʻzanlari va kanallarda aprel-iyun oylarida, toshloq, qum-tuproqlarda kechadi. 3-5 yoshlarida jinsiy voyaga yetadi. Keyingi yillarda bu turning ham soni keskin kamayib ketgan.

Parrak-nashtar qanot (Capoetoprana kuschkiwitschi) Bu baliq Markaziy Osiyodagi endemik oilaning yagona vakilidir. Xarakterli belgisi juda uzun va tikanlari bor yelka qanotlaridir. Tana uzunligi 20 sm dan ortiq boʻlmaydi, ogʻirligi esa 150 gr ga yetadi. U Markaziy Osiyoning loyqa daryolarining tipik baliqʻidir. Xozirgi vaqtlarda asosan Qashqadaryoda hamda Amudaryoning quyi va oʻrta oqimlarida uchraydi. Sirdaryo va Zarafshon daryolarining basseynlarida deyarli uchramaydi. U loyqa oqar suvlarni sevadi, jinsiy balogʻatga 3 yoshida tana uzunligi 10-12 sm boʻlganda yetadi. Apreldan iyunga qadar urugʻlaydi. Ikrasini oʻsimliklar ustiga qoʻyadi. Mahsuldorligi 2-30 ming ikraga yetadi. Asosan suv tubi balchigʻi va suv oʻtlari bilan oziqlanadi.

Choʻrtansimon oqqayroq - (kalbaliq, choʻrtanmarka), (Aspioluclusasocinus). Bu baliq faqat Markaziy Osiyoda yashaydi. Boshi yassilashgan. Koʻzlari kichik. Tangachalari mayda. Tanasi uzun - 60 sm ga yetadi, ogʻirligi esa 3 kg ga yetishi mumkin. U loyqa suvli va tezoqar daryo va kanal suvlarida yashaydi. Jinsiy balogʻatga 6 yoshida tana uzunligi 45-50 sm boʻlganida yetadi. Urugʻlanishi yanvar-mart oylarida. Ikrasini toshloq yerlarga yoki suv tubidagi qumloq yerlarga tez oqim suvda qoʻyadi. Boshqa karosimon baliqlardan (sazan, lesh, amur, plotva va boshqa) farqli ravishda oqqayroq yirtqich hisoblanadi va mayda baliqlar bilan oziqlanadi.

Orol tikanagi (Salanejewia aurata). Amudaryo, Sirdaryo, Qashqadaryo, Zarafshon daryolarining yuqori oqimidan quyi oqimigacha boʻlgan havzalarda uchraydi.

Yuqoridagi maʼlumotlardan biz, ushbu turlarning yoʻqolib borish sabablarini kuzatish ishlari orqali quyidagilarni aniqladik:

1. Qashqadaryo vohasida qishloq xoʻjalik mahsulotlarini koʻp yetishtirilayotganligi sababli, yuqoridagi baliqlarning yashash suv havzalari qisqarib borishi.
2. Hozirda mavjud tabiiy suv havzalarining talabga javob bermas darajada ifloslanishi.
3. Tabiiy ozuqaning kamayib borayotganligi.
4. Iqlim oʻzgarishi tufayli, baliqlarda urchish davrining buzilishi.
5. Mazkur sohada malakali kadrlarning kamligi.
6. Brokonerlar tomonidan tabiiy suv havzalarida elektr yordamida baliq ovlash avj olganligi.
7. Baliq yetishtirishning ilmiy asoslangan usullari va intensiv texnologiyalarini joriy etishdagi kamchiliklar.
8. Ilgʻor xorijiy tajribalarni sohada qoʻllamaslik muammosi.

Xulosa qilib aytganda, baliqlarning yashash joylarini muhofaza qilish boʻyicha maxsus qonunchilik asosida chora-tadbirlar koʻrilmasa, ularning tabiatda yoʻq boʻlib ketish xavfini bartaraf qilib boʻlmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Мирабдуллаев И.М., Мирзаев У.Т., Кузметов А.Р., Кимсанов З.О. Ўзбекистон ва қўшни хуудлар балиқлар аниқлагичи Тошкент “Сано- стандарт” .2011.
2. Омонов А., Мирзаев У. Ўзбекистон балиқлари. Тошкент, «Фан» 1992.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и II жилд хайвонот олами. Тошкент, 2006. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси “Чинор ЭНК”, 2 – қисм. Балиқлар 95-114 бетлар.

КОЛЛЕМБОЛАЛАРНИНГ ТУПРОҚНИНГ ҲАРОРАТИ ВА НАМЛИГИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

Рахимов М.Ш., Халилов Ш.Х.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Барча коллемболаларнинг ўлчамлари ўртача 1 мм бўлиб, энг кичиклари 0,2-0,7 мм гача, энг катталари эса 5-9 мм гача узунликда бўлади. Уларнинг танаси уч бўғимга бўлинганлиги билан типик хашаротларга яқин туради. Улар тупроқ гумус миқдорини оширишда жуда катта аҳамият касб этади. Ундан ташқари коллемболалар бошқа микроорганизмлар сингари антропоген ҳудудларда экологик бузилишни аниқлашда индикаторлик вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам уларни ўрганиш муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [6].

Коллемболаларнинг тери тузилиши тупроқнинг намлиги ва ҳавонинг намлигига ўта сезгир бўлади. Буларнинг тери тузилиши уларнинг ҳар хил тупроқ қатламларида тарқалишида муҳим ўрин эгаллайди. Коллемболалар орасида аниқ ксерофил турлари ажралмайди, лекин қуруқ биотопларда учрайдиган ҳамда қурғоқчиликка мослашган турлари кўпчиликни ташкил этади [3,4].

Қурғоқчилик вақтларида коллемболаларнинг кўпчилик турлари овқатланишдан тўхтайдди. Овқатланишдан тўхтаганда яъни уларнинг ичаги овқатсиз бўлганида танасида сув буғланиши камаяди, ёки умуман тўхтайдди [1].

Коллемболаларнинг тупроқ қатламлари бўйича харакати ҳам биринчи ўринда тупроқнинг намлигига қараб аниқланади. Майда бўғим-оёқлиларнинг тупроқдан тирик ажратиби олиш бўйича умумий қабул қилинган “Берлезе –Тюльгрэн аппарати” нинг ишлаш механизми ҳам шунга қараб тузилган, яъни варонкадаги тупроқ намуналарининг электро ёриткичлари ёрдамида юқориги қисмлари қуритилганда тупроқ таркибидаги майда бўғимоёқлилар, яъни тупроқнинг намли жойига қараб харакатланади ва натижада фиксацияловчи суюқлик солинган идишга тушади [5].

Тўшалмада яшайдиган коллемболалар намлик кўпайиб кетса, масалан ёмғирдан сўнг ўсимлик пояларига чиқиб олишади, ҳамда уларнинг фаоллиги кундуз кунига нисбатан кечкурун кучли бўлади. Ҳарорат +20 °C га кўтарилганда *Tomocerus vulgaris* тури ўсимлилик шоҳчаларидан қайта ўсимлик тўшалмасига миграция қилади [4].

Коллемболаларнинг яшаш муҳитининг намлиги уларнинг пўст ташлаши ва тухум қўйишига ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Агар тупроқнинг намлиги етарли бўлса, оёқдумлиларнинг пўст ташлаши ва тухум қўйиши фаол кечади.

Ҳароратга бўлган муносабати.

Коллемболаларнинг ривожланишига ташқи муҳит ҳароратининг аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Буларнинг ривожланишига ҳароратнинг таъсири ҳар хил турларида турлича бўлади. Кўпчилик турларида 0 °C атрофида бўлса, бир хил иссиқсевар турларида масалан, *Orchesella cincta* нинг тухум қўйиш даврида ҳарорат +8,6°C бўлса, *Tomocerus minor* –6,9 °C да тухум қўяди.

Ҳароратнинг кўтарилиш оёқдумлиларнинг пўст ташлаши ва ўсишини тезлаштиради, бу эса уларнинг генерациясини кўпайишига сабаб булади. Масалан, *Onychiurus* авлодига мансуб турлар ҳарорат +7 дан 27°C да 3 та генерацияда, *Pseudosinella virei* эса 9 та генерацияда кўпаяди. Бунинг билан биргаликда уларнинг ўлим даражаси ҳам ортиб боради. Кўпчилик турларининг ривожланиши ва кўпайиши маълум бир ҳароратгача давом этади. Шу ҳароратга етгач ривожланиши секинлашади ёки умуман тўхтайдди. Масалан, *Folsomia candida* тури +24°C гача кўпайиши ва ривожланиши давом этади. Шу ҳароратга етгач ривожланишдан тўхтайдди [5]. Умуман олганда коллемболалар совуққа чидамли ва совуқликни севувчи бўғимоёқлилар ҳисобланади. Масалан, *Orsella villosa* –15,9°C да ҳам фаол ҳаёт кечириши мумкин [6].

Адабиётлар рўйхати:

1. Артемьева Т.И. Комплексы почвенных животных и вопросы рекультивации техногенных территорий.- М.: Наука, 1989. -111 с.

2. Бабенко А.Б. Особенности формирования группировок коллембол в ходе первичного почвообразования в техногенных условиях // Фауна и экология ногохвосток. -М.: Наука, 1984. 159-565 с.
3. Гиляров М.С. Коллемболы, их место в системе, особенности и значение // Фауна и экология ногохвосток. - М.: Наука, 1984. 3-11 с.
4. Криволицкий Д. А., Покаржевский А. Д., Сизова М. Г. Почвенная фауна в кадастре животного мира. Ростов-на-Дону: изд-во Ростовского университета, 1985. -96 с.
5. Стриганова Б.Р. Питание почвенных сапрофагов. -М.: Наука, 1980. -243 с.
6. Чернова Н.М., Стриганова Б.Р. Определитель коллембол фауны. -М.: Наука, 1988. - 213 с.

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИГА ТУТАШ АГРОИРРИГАЦИОН ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ТУПРОҚЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИ

Сабилова Н.Т.*

Самарқанд давлат университети

Инсониятнинг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги билан боғлиқ бўлган кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шулардан тупроқлар деградацияси, чўлланиш каби долзарб масалалар ечимини топиб бўлмас даражада, шиддат билан ўсиб бормоқда. Айниқса, XX асрнинг 60 йилларидан кейин кўпгина кўриқ ва бўз, хатто шўрланган, мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит майдонларнинг ўзлаштирилиши тупроқлар деградацияси (тупроқларда сифат ёмонлашуви ва унумдорлигининг пасайиши) каби муаммоларни келтириб чиқарди (Каримов И.А., 1997). Бугунги кунда тупроқлар деградациясини ўрганиш ва шу билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ландшафтнинг муҳим компонентларидан бири бўлган тупроқ, ўз қонуниятига кўра шаклланади ва ривожланади. Бироқ, бу компонент яқка ҳолда, яъни бошқа компонентларнинг таъсирисиз ҳамда уларга таъсир этмасдан ривожланмайди (Султонов Ю., 1974). Чунки, тупроқ - атмосфера, гидросфера, литосферанинг ўзаро бирлашган ва бир-бирига таъсир ўтказувчан чегараларида вужудга келган табиий ҳосила ҳисобланади.

Ушбу мақолада, Айдар-Арнасой кўллар тизимига туташ агроирригацион ландшафтларнинг тупроқлари деградациясига таъсир этувчи омиллар ва агроирригацион ландшафтларни ирригацион кўл билан ўзаро алоқадорлиги таҳлил қилинади.

Маълумки, кўриқ ерларни ўзлаштириш орқали, суғориладиган ерлар энг кучли ўзгартирилган, антропоген ландшафтлар гуруҳига мансуб бўлган агроирригацион ландшафтлар Айдар-Арнасой кўллар тизимига туташ бўлган Мирзачўлнинг катта қисмини эгаллайди ва 231,1 минг гектар (Жиззах вилоятининг Арнасой, Дўстлик, Зафаробод, Мирзачўл, Зарбдор, Пахтакор, Шароф Рашидов туманлари) суғориладиган ерларни ўз ичига олади. Бу агроландшафтлар мамлакатимизда пахта, ғалла, мева, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотларини етказиб беришда етакчи ўринларда туради.

Ушбу агроирригацион ландшафтларда ёз жазирама иссиқ ва қуруқ, ўртача ҳаво ҳарорати июлда $+28^{\circ}$ $+30^{\circ}$ даражани ташкил этса, айрим кунлари ёзда ҳаво ҳарорати $+43^{\circ}$ $+45^{\circ}$ гача кўтарилади, атмосфера ёғин миқдори эса, 252-363 мм ни ташкил қилади (Рафиқов А.А., 1979). Бундай ноқулай иқлим шароит дала экинларини кўп суғоришни талаб қилади. Меъёрдан ортиқ суғориш ва мелиоратив ишларнинг етарлича амалга оширмаслик эса, суғориладиган ерларда кучли тупроқ деградацияси жараёнларини келтириб чиқаради. Агроирригацион ландшафтлардаги тупроқларнинг сифат ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига таъсир этувчи энг катта омиллардан бири, бу тупроқларда туз йиғилиши ҳамда шўрланиш жараёнларидир. Чунки, тупроқ шўрланиши муаммоси бугунгача тадқиқот объекти ва тадқиқотчиларнинг олдида турган, ечими тўлиқ ечилмаган, ҳалигача кам ўрганилган энг йирик масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Шуни айтиш жоизки, агроирригацион ландшафтлар Сирдарёнинг кўҳна қайирида, лёссимон қум ва қумлоқ тупроқларида шунингдек, жанубда, тоғлардан оқиб тушувчи

*Сабилова Нилуфар Таировна – Самарқанд давлат университети, Табиий география кафедрасининг таянч докторанти.

мавсумий оқар сувларнинг пролювиал-аллювиал ётқизикларидан таркиб топган. Қадимда бир неча бор денгиз босишидан бу ерларда карбонатли, гипсли ва гилли шўр жинсли қатламлар ҳосил бўлган. Айниқса, кум-гил, карбонатли сульфат фармациясига оид ётқизиклар, Мирзачўл воҳа атрофидаги тоғлардан ювилиб худудда аккумуляция бўлиб борган (Рафиқов А.А., 1979). Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, кўлга туташ агроирригацион ландшафтлар тупроғи табиатан шўрланувчан. Лекин, ушбу геокомплексларда суғориш тизимининг бузилиши оқибатида, сув-туз балансининг номутаносиблигидан ҳозирги кунда суғориладиган ерларда иккиламчи шўрланиш жараёни кучайган унга қарши чора-тадбирларнинг қанчалик кўп қўлланилишига қарамасидан у жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Иккиламчи шўрланиш жараёни, тупроқнинг куйи қатламидаги она жинс таркибида бўлган тузлар ҳамда ирригацион қатламларга аккумуляция бўлаётган қўшимча тузлар, намиқтириб суғориш туфайли минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиб бориши ва уларни буғланиши оқибатида юз беради (Абдулқосимов А., 1998). Бугунги кунгача кўлга туташ бўлган суғориладиган ерлар турлича, кучсиз, ўртача, кучли даражада иккиламчи шўрланишга учраган. Худудлар кесимида умумий шўрланиш ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, куйдагича кўрсаткичларни кўришимиз мумкин. Умумий ҳолатда, Арнасой туманининг 95 %, Мирзачўл туманининг 94%, Дўстлик туманининг 91%, Зарбдор туманининг 86%, Зафаробод туманининг 91%, Шароф Рашидов туманининг 81%, Пахтакор туманининг 83% майдонлари турли даражада шўрланган. Шўрланиш даражасининг худудлар кўламидаги тафовути унча катта эмас, лекин жуда юқори даражадаги шўрланиш кўлга яқинлашган сари агроирригацион ландшафтларда ошиб боради. Бунинг асосий сабаби, қия, берк ўзансимон ботиқлар воҳанинг марказий қисмида жойлашган ва улар кўлга томон йўналган. Бундай шароит тузларни қиялик ва Айдар-Арнасой кўллари тизими томон аккумуляция бўлишига кенг имкон яратади ҳамда кўл сувининг минерализациясини ошиб боришига ҳам таъсир кўрсатади.

Бундай шўрланиш жараёнлари тупроқларнинг унумдорлигига жуда катта зиён келтиради, шу билан бирга суғориладиган ерлар майдонининг қисқаришига олиб келади. Жумладан, кучсиз шўрланган тупроқлар 10-20 % гача, кучли шўрланган тупроқлар эса 50 % гача ҳосилдорликни камайтиради (Алибеков Л.А., Нишонов С.А., 1993).

Тупроқларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида қўлланилаётган турли хил зарарли кимёвий моддалар ва воситалар ҳам тупроқларни сифат кўрсаткичига ва унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айтадиган бўлсак, дастлаб (1960-1985 й), мамлакатимизда янги ўзлаштирилган ерларда кимёвий бирикмалар, минерал ўғитлар, гербицид, пестицидларнинг қўлланилиши энг юқори меъёрдан ортиқ бўлган. Жумладан, ҳар бир гектарига ўртача 284,4 кг (пахтага 438 кг) ўғит, 19,5 кг (баъзан пахтага 50 кг) килограммгача захарли моддалар ишлатилган (Қодиров Э.В., ва б.). Тупроқларга меъёридан ортиқ кимёвий бирикмаларни қўлланилиши, улардаги унумдорлик хусусиятининг ва табиий ҳолатини йўқолишига сабаб бўлади. Тўғри, айтишимиз мумкин, тупроқ қайта тикланадиган табиий ресурс, лекин унинг биргина 18 см қалинликдаги унумдорлик қатламининг табиий ҳолда қайтадан тикланиши учун 2000 йилдан 7000 йилгача вақт керак бўлар экан (Буригин А.В., Марцинковская М.И., 1980). Ундан ташқари, меъёридан ортиқ қўлланилган кимёвий бирикмалар нафақат агроирригацион ландшафтларнинг тупроқ қопламини, қолаверса, очиқ сув хавзалари, дарёлар, каналларни, кўллар, ер ости ва ҳаттоки ичимлик сувларини ҳам ифлослантириш даражасигача олиб келади (Аббасов С.Б., Сабирова Н.Т., 2017; Сабирова Н.Т., 2018).

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, агроирригацион ландшафтлар кўллар тизими билан парогенетик алоқадорликда ривожланиб бормоқда. Чунки, Айдар-Арнасой кўллар тизими ирригацион кўллар гуруҳига киради. Суғориладиган ерларнинг тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида барпо қилинган зовур-дренаж тармоқлари суви тўғридан-тўғри кўлга келиб қуйилади. Агроирригацион ландшафтларнинг кўлга таъсири бўлганидек, кўлнинг ҳам суғориладиган ерларга таъсири юқори ҳамда бундай алоқадорлик тупроқлар деградацияси муаммоларининг кескин оширади. Умуман, бугунги кунда, кўлга туташ агроирригацион

ландшафтларнинг тупроқлар деградацияси муаммоларини олдини олиш учун, энг аввало суғориш тизимини тўғри йўлга қўйиш ҳамда шу масалалар юзасидан илмий-амалий тадқиқотларни ва оптимал йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
2. Абдулқосимов А. Ўрта Осиё ландшафтларининг экологик муаммолари. //Ўзбекистоннинг экологик муаммолари ва табиатни муҳофаза қилиш. Самарқанд, 1998. –Б. 3-7.
3. Аббасов С.Б., Сабинова Н.Т. Айдар-Арнасой кўллар тизими агроирригацион ландшафтларининг геоэкологик ҳолати ва уларни оптималлаштириш масалалари (Жиззах вилояти мисолида). //СамДУ Илмий Ахборотнома. Самарқанд, 2017 йил 5- сон, -Б. 167-171.
4. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Табиатни муҳофоза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш. Т.: Ўқитувчи, 1993. -273 б.
5. Буригин А.В. Марцинковская М.И. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш. Т.: Ўқитувчи, 1980. -192 б.
6. Рафиқов А.А. Природно-мелиоративная оценка земель Голодной степи. -Т.: Фан, 1979. - 160 с.
7. Сабинова Н.Т. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг агроирригацион ландшафтлар билан алоқадорлиги таҳлили. География ва география таълимидаги муаммолар. //Республика илмий - амалий конференция материаллари. Жиззах, 2018. -Б. 23-25.
8. Султонов Ю. Ландшафтлар географияси. -Т.: Ўқитувчи, 1974. -111 б.
9. Қодиров Э.В., ва бошқалар. Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геоэкологик асослари. -Т.: Ўзбекистон, 1999, -158 б.

ПРИРОДНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПЛАТО УСТЮРТ

М.Ж. Толепбергенов

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

В географическом распространении пустынных ландшафтов имеется общая планетарная закономерности. Её большая часть покрыта растительностью, переходной от подзоны северных (полынно-солянковых) пустынь к подзоне южных (эфемерово-полынных) пустынь. В физико-географическом отношении, плато Устюрт относится к самостоятельную округу Устюртской провинции северной подзоны пустынь.

По общему устройству поверхности Устюрт представляет собой равнину. Но эта равнина в значительной степени расчленена воздействием целого ряда агентов и вследствие этого не является идеальной равниной, какой её считали ранее, а обнаруживает значительной колебания высот и разнообразие форм рельефа. В связи с этим на плато Устюрт выделяются чинки, плато, бессточные впадины, пески, такыры и др. Некоторых исследователи эти различные комплексов считают типами ландшафта.

Плато Устюрт представляет собой огромный массив природных пастбищ, и ближайшие перспективы его хозяйственного использования связываются с организацией в нем отгонного животноводства.

Чинк – это огромная, морфологически изрезанная, засушливая каменистая пустыня. Обрывистые склоны чинка сложены пластами известняков, резко выделяются среди окружающей территории, расположены в меридиальном направлении. На вершинах начинаются обрывы, затем следует холмы, понижающиеся вплоть до уровня Аральского моря.

На чинках Устюрта рельеф местности препятствует земледелию, так как крутые и обрывистые склоны непригодны для посевов. Пастбищное значение чинков также ничтожно. Растительность здесь, в общем, очень разрежена, а узкие тропы и отвесные обрывы непроходимы для стад. Поэтому сельскохозяйственная перспективность чинков проблематична.

На территории Каракалпакской части Устюрта площади песков не велики, нарушает однообразие равнин. Сюда следует ряд песчаных массивов на дне или на бортах обширных солончаковых впадины. Барсакельмес, Ассакеаудан, Каратюлей и Ильтедже, из них крупных систем этого типа являются лежащие по окраинам солончаксаз Агыина и Барсакельмеса.

Песчаных массивов и а территории не значительно, это объясняется многими причинами. Одной из них является, относительно богат пресные или слабосолонцеватым водам, что отмечают многими исследователей. Вода накапливается здесь как в виде отдельных линз, так и в виде более или менее обширных по площади горизонтов. Поэтому в большинстве из них встречается значительное число неглубоких колодцев. Обилие здесь травянистых кормов и особенно кустарниковых, имеют большую ценность для зимнего содержания скота. Рельеф здесь удобен, для защиты скота от зимних ветров и поэтому пески являются ценными пастбищами. Они излюбленным местом зимовок и пригодные для использования в течение всего года как, весенне-летние и осенне-зимние пастбища.

Характерной чертой рельефа и ландшафтов пустыни Устюрта представляют её огромные замкнутые бессточные впадин. Растительный покров пестр и очень разрежен, представлены главным образом различными кустарниками и полукустарниками. В распределении растительности по обрывам впадин наблюдается теснейшая связь с расположением выхода определенных пород. И метея флора известняков, флора глин, флора песчаников и других пород, обнажающихся в бортах впадин. Значение бессточных впадин для животноводство покане очень велико.

Замкнутые впадины по внешнему облику довольно отчетливо разделяются на два типа: слабо врезанные впадины со сравнительно плоскими бортами, постепенно переходящими в окружающую равнину, и глубоко вырезанные впадины, ограниченные крутыми, почти вертикальными обрывами. Они отличаются друг от друга, характер их связи с окружающим плато и строение их внутренних частей.

Таким образом, плато Устюрт представляет собой огромный массив пастбищ, особенно песчаные массивы, наиболее перспективные для различных сельскохозяйственных мероприятий. Большая часть песчаных массивов представляет собой ценные пастбищные и отчасти сенокосные угодья. Пастбища довольно разнообразны по сезонности использования и пригодны для использования в течение всего года. Огромные площади Устюрта еще практически не освоены, следует сказать, что ландшафтные наблюдения приобретают большой интерес для комплексного хозяйственного и физико-географического изучения этого округа. Промышленной значение замкнутых впадин очень велико, особенно в химической промышленности. В настоящее время на впадинах Барсакельмесе добывают десятков тонн соли за год.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Тўраев Қ.Т., Эрданов. М.Н., Пардаев Ч.Э.*
Термиз давлат университети**

2018 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида мамлакатнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, ушбу соҳани тубдан ривожлантириш ва миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш, туризмнинг халқаро стандартларга мувофиқ инфратузилмасини шакллантириш, минтакаларда янги туризм йўналишлари ташкил этиш, туристик объектларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари

*Тўраев Қувончбек Тохирович – Термиз давлат университети География кафедраси ўқитувчиси.
Эрданов Мухаммади Нуралиевич – ТерДУ География кафедраси мудири, г.ф.н.
Пардаев Чоршанби Эшмурод ўғли – ТерДУ География таълим йўналиши 3-курс талабаси.

ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантириш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Сурхондарё вилоятининг ўз ўрни ва истиқболли ресурслари мавжуд. Сурхондарё вилояти ҳам тарихий қадамжоларга, ҳам хушманзара табиат масканларга жуда бой юртдир.

Ҳозирда Сурхондарё вилоятида 20 дан ортиқ тарихий-маданий мерос объектлари халқаро ва ички туристларга хизмат қилмоқда. Айти пайтда Термиз – Денов, Термиз – Бойсун ва Термиз – Музрабод маршрутлари бўйича янги йўналишлар йўлга қўйилган [3,б.128]. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш учун 374 тарихий, маданий, санъат, меъморий обидалар, ноёб археологик қазилмалар мавжуд [1]. Мавжуд туристик маршрутлар асосан, тарихий-диний туризм жиҳатларини қамраб олади. Бирок, вилоят табиатининг хушманзара, ноёб, ўзига хос бетакрор объектлари, шифобахш сув ресурслари бу ерда экотуризмни ривожлантиришнинг барча имконият ва шароитлари етарли эканлигини кўрсатади.

Сурхондарё худудини шимолдан жуда катта антиклинорий ҳисобланмиш Ҳисор тизмаси, шарқдан Боботоғ, ғарбдан Бойсун ва Кўҳитанг тоғ тизмалари ўраб туради. Вилоят рельефида тоғ (65 %), текислик (35 %) ва ботиқлар алоҳида аҳамиятга эга. Унинг худуди шимолдан жанубга қараб пасайиб ва кенгайиб боради. Тоғлардан оқиб тушадиган дарё ва сойлар катта-кичик водийларни, кўл ва шаршараларни ҳосил қилган. Дарё хавзаларида сув омборлари бунёд этилган. Тоғлардаги хушманзара ва ажиб ландшафтлар ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё қилади. Булоқ ва шаршара сувлари инсон организми учун даво сифатида тавсия этилади.

Умуман вилоятнинг кўпгина туманларида экотуризмни ривожлантириш мумкин. Бунинг учун, ҳар бир туманлар кесимида экотуристлик объектларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, истиқболли жиҳатларини аниқлаш ва тарғиб этиш муҳим амаҳамиятга эга (жадвал).

Сурхондарё вилоятидаги экотуризм объектлари

№	Туманлар	Экологик тур				
		Минерал-шифобахш булоқ сувлари ва шаршаралар	Форлар (спелеотуризм)	Ланшафтлар	Кўриқхона ва нодир табиий ёдгорликлар	Соҳил (сув омборларда)
1	Бойсун	Хўжа майхон ота, Омонхона, Ғалчалик булоқ, Учкўз булоқ, Анор булоқ, Итбулоқ, Қанишбулоқ, Оқбой булоқ, Тошбулоқ, Ўмиз булоқ, Ойнабулоқ	Қоронғу юлдуз (ер ости ғори), Тешиктош	Бойсун тоғларининг пистазорлари	Сайроб чинорлари, Бўр давридаги динозаврлар излари	
2	Денов	Шеракмозор булоқ, Ҳавзимайдон булоқ			Дендрарий	
3	Жаркўрғон					Оқтепа сув омбори
4	Музработ		Қора камар			
5	Олтинсой	Хужайпок ота суви, Кўтир булоқ	Хожаи пок		Лайлак хона	Дегриз сув

					қоялардаги расмлар	омбори
6	Сариосиё	Сангардак			Юра давридаги динозаврлар излари	Тўпаланг сув омбори
7	Термиз	Жайронхона, Семашко		Каттақум чўли	Пайғамбар ороли	Учқизил сув омбори
8	Узун	Биясиғмас булок (шўр), Жийда булок (шўр), Откамар булок, Ойбулок, Шўрбулок (шўр), Сариқамиш булок, Толли-чашма булок		Боботоғ пистазорлар		
9	Шеробод	Ўринбўлок, Таҳирчоқ булок (шўр), Сассикбулок, Халижа булок, Қозон булок, Аламли булок, Шўрбулок	Хўжаикон туз ғори		Сурхон давлат қўриқхонаси и, Зараутсой қоятош расмлар	
10	Қумқўрғон	Толдибулок		Тоғ ва тоғ олди адирлари		Жанубий Сурхон сув омбори

Вилоят шифобахш булок ва сувларга бой. Жумладан, “Омонхона”, “Хўжаипок”, “Ўринбулок”, “Қўтирбулок”, “Хўжамойхонаота” каби шифобахш сувлар республикамизда маълум ва машҳур ҳисобланади.

Қоронғу юлдуз Бойсун тоғларида бу ғорни немис журналисти Марк Синнотт ва тадқиқотчи Лариса Позднякова дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири деб ҳисоблайди. Улар Қоронғи юлдуз (Dark Star) ғорига тушишган, унинг чуқурлиги 2650 метрлигини аниқлаганлар.

Қора камар – қарийб икки минг йиллик тарихга эга ажойиб ғор мажмуаси бўлиб, Ўзбекистон ва Туркменистон чегарасида Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани кенг тепалигида тошли қояларда ўйилган. Қора камар мажмуаси тузилиши шарқдаги бошқа сунъий ғорлар ичида ягона ҳисобланади. У тўлиқ равишда ғорли шаҳар бўлиб, учта катта зал ва кўплаб майда хоналардан таркиб топган. Унинг очиқ ўйиқ томони жарликка осилиб туради. Қурувчиларнинг мажмуани табиат билан ҳамоханг тарзда қурилишига эътиборларини қаратишлари мақтовга лойиқ.

Вилоятда қўриқхона ва нодир табиий ёдгорликлар асосан Шеробод туманида Сурхон давлат қўриқхонаси ва Зараутсой қоятош расмлари бўлиб, бўр (Бойсун) ва юра даври (Сариосиё) даги динозавр изларини учратиш мумкин.

Вилоятда экотуризмнинг яна бошқа турларини ҳам ривожлантириш мумкин. Жумладан вилоятнинг тоғолди, тоғларида треккинг туризмини, Ҳисор тизмаларида альпинизмни, тоғлардан оқиб тушувчи шарқироқ дарёлар (Тўполонг, Мачай дарёлари)да рафтинг туризмини ривожлантириш имкониятлари катта.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.: Давлат илмий нашриёти -2006.
2. Ҳошимов М. Спелеотуризм. Самарқанд: Зарафшон, -2009.
3. David Fennell. Ecotourism (third edition). New York, 2008.

ЛАНДШАФТ РЕКРЕАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА

Усманова Р., Собирова Г.*

Қарши давлат университети

Мамлакатларда рекреацион географиянинг фаолияти ва салоҳияти ҳудуднинг табиий шароити, ландшафтлари, ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги, айниқса, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, саноат ва транспорт тармоқларининг техник таъминланганлиги, тарихий архитектура ёдгорликлари, илм-фан, санъат, маданият ва бошқаларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Бугунги кунда дунё давлатларининг кўпчилигида рекреацион фаолият мамлакат иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб улгургани бежиз эмас. Бундай мамлакатларда иқтисодий фаол аҳолининг 10-15% и рекреацион фаолият билан банд. Рекреация лотинча сўздан олинган бўлиб – recreatik яъни “тиклаш” деган маънони англатади. Инсон саломатлигини тиклашга хизмат қиладиган барча табиий (тоғлар, дарё водийлари, сув ҳавзалари, ўрмонлар, табиат ёдгорликлари ва б.) ва ижтимоий (санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, хиёбонлар ва б.) объектлар рекреация объектлари саналади. Бугунги кунда бундай масканларни ўрганиш ландшафт рекреация тизимларига асосланган ҳолда олиб борилади. Ландшафт рекреация тизими–ижтимоий ва табиий мажмуалардан иборат бўлганлиги туфайли бу борадаги тадқиқотлар геосистемаларнинг дам олиш нуқтаи назаридан ўзига хос структурларини аниқлашда амалий аҳамиятга эгадир.

Рекреацион география асослари ўқув қўлланмасининг муаллифлари Ҳ.Ваҳобов ва Ў.Якубовлар (2008) рекреацион географик тадқиқотларда бир қанча усулларни таҳлил қилиб берганлар. Масалан, тарихий қиёслаш усулида табиат ва жамиятда содир бўлаётган табиий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, иқтисодий математик усулда ҳудуддаги ўрганилаётган соҳанинг кўрсаткичларини ривожланиши ва пасайишига таъсир кўрсатувчи барча объектив ва субъектив омилларни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Статистик усул ҳозирги даврда кенг қўлланиладиган усуллардан бўлиб, уни ҳамма соҳада жумладан, иқтисодий, социологик, психологик ва бошқа тадқиқотларда қўлланилганда катта самара беради. Масалан, рекреацион географияда эса аҳолининг руҳий ҳолати ва дам олиши, саломатлигини тиклаш жараёнларида турли-туман омиллар таъсирида шаклланишини ўрганиш учун имкон бериши каби қимматли фикрлар баён этилган.

Рекреацион географияда ҳудуд табиий шароитига боғлиқ ҳолда танланиб, бир-бирлари билан боғлиқ бўлган илмий ёндашувлар, тамойиллар ва усуллардан фойдаланилади. Бу борада асосий илмий ёндашув тизимли таҳлил бўлиши мумкин. Масалан, Қашқадарё ҳавзаси бир бутун геотизим сифатида қаралиб, унда алоҳида лекин бир-бирлари билан узвий табиий боғлиқ бўлган тоғ, тоғ олди ва текислик геотизимлари ажратилади. Тизимли ёндашувнинг тадқиқ этилиши мазкур дарё ҳавзасида модда ва энергиянинг ўзаро алмашуви ва айланма ҳаракати негизида амалга оширилади.

Тадқиқот негизида мажмуали ландшафт таҳлили, табиат компонентларини микдорий таҳлил қилиш (иқлимий, гидрологик, картографик, аэрокосмик, ландшафт индикацияси, геоботаник, геоэкологик, тиббий-географик ва бошқ.) илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилади.

Мажмуали ландшафт таҳлилидан ҳудуднинг ландшафт тузилмасини аниқлашда уларни бир-бирига боғлиқлиги алоқадорлиги ва ландшафт хилма-хиллигини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу усул рекреация тизимлари ва ресурсларини аниқлашга, улардан амалий жиҳатдан фойдаланишга имкон беради. Микдорий усулда рекреациянинг асосий шароитлари бўлмиш ҳаво, сув, ўсимлик ва бошқаларни кишиларнинг дам олиши ва соғлигини тиклаши учун зарур бўлган мезонларини аниқлашда, рекреация имкониятларини қулайлигини асослашда фойдаланилади.

*Усманова Рохатжон –ҚаршиДУ “География” кафедраси доценти, г.ф.н.;
Собирова Гўзал – ҚаршиДУ “География” кафедраси 4-босқич талабаси.

Рекреация ресурсларини таҳлил қилиш асосида картографик усул устуворлик қилади. Карта микдорий ва сифат кўрсаткичларини тўлиқ жамлама ва махсус тасвирлаш билан воқеликни мақсадга аниқ йўналтириб, ҳақиқий мавжуд аҳволни билишга ёки уни ўрганишга катта имконият яратади. Рекреация нуқтаи назаридан унинг тизимларини имконияти ва шароитларини ўрганиш, баҳолаш, башоратлаш, сиғимини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш, янги сайёҳлик йўналишларини аниқлаш ва бошқа объектларни жойлаштиришда картография ҳамда аэрокосмик усуллар катта амалий аҳамиятга молик. Тадқиқот иши давомида тадқиқотчи учун карталардаги маълумотлардан фойдаланишда қулайлик яратади ёки тадқиқот иши натижасида тузилиши лозим бўлган картанинг мукамаллигини таъминлаш учун тадқиқотчига намуна вазифасини ўтайди [1].

Худуднинг табиий хусусиятларига қараб дам олишнинг ҳар хил турларини ташкил қилиш мумкин. Гап шундаки айрим худудларда табиий шароитнинг оддийлиги ва катта майдонларда унинг бир хил тузилишга эгаллиги эътиборга олинса бундай худудларнинг рекреацион самарадорлиги ҳам камлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам гоҳо бир неча табиат комплексларини бир гуруҳга бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳол текисликларда қисман тоғ этакларида кузатилади. Рекреация тизимлари структураси худуднинг хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқлиги сабабли уларнинг табиатда эгаллаган маконлари турлича бўлгани аниқланган. Бу ҳол тоғ этаклари ва ёнбағирлари ҳамда водийлари бўйлаб мураккаблашиб боради. Умуман олганда тадқиқотларнинг натижаларига кўра текисликдан баланд тоғларнинг сувайирғич қисмларга томон рекреация тизимлари мураккаблашиб бориш аниқланган. Бу жиҳатдан қараганда ландшафт рекреация тизимларнинг (ЛРТ) худудий структуралари оддийликдан мураккабликка қараб ўзгариб боради. Шуни ҳисобга олиб рекреация нуқтаи назаридан табиат комплексларини маълум бир контурга (геосистемаларга) бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам бу соҳада олиб бориладиган тадқиқот давомида Қашқадарё вилоятида ажратилган табиат комплекслари улардан дам олиш мақсадида, структураларнинг динамиклиги, барқарорлиги, ресурсларининг бойлик даражалари ҳамда экологик вазиятлар характериға кўра маълум бир худудий геосистемаларга бирлаштирилиши лозим.

Бу соҳада олиб борилган тадқиқотларга кўра геосистемаларни бирлаштирилиши натижасида ландшафт рекреация тизимлар ҳосил бўлади [2,3]. Бундай ЛРТ ларни акс эттирувчи карта синтетик карталар гуруҳига мансуб бўлиб уларни тузиш жараёнида махсус илмий ёндошувларни, тамойилларни ва усулларни қўллашни тақозо қилади.

Рекреация тизими асосини табиий комплекслар ташкил қилади. Улар турлича катталиқда бўлиб унинг таркибидаги рекреацион тизимлар унча катта майдонни эгалламайди. Кўпинча улар ландшафтнинг морфоструктураси бўйича қуйи бирликларига мос келади (фация, урочище). Рекреация тизимларининг комплекс ҳолда, яъни уларнинг бир неча турларини биргалиқда кўрсатиш мақсадида маконда ландшафт комплексларининг бир-бирига яқин бўлган хусусиятларни назарга туган ҳолда улар кўпинча бирлаштирилади. Албатта бу жараёнда ландшафт комплексларининг структурали динамик ҳолатлари, ўзгариш йўналишлари, экологик мувозанат ҳолатлари ва бошқа тафсилотлар ҳисобга олган ҳолда аэрокосмик суратлардан фойдаланилади.

Аэрокосмик усул энг самарали ва рекреация тизимларини тадқиқ қилишда қўл келади. Мазкур усул аввало худуд тўғрисида жуда мазмунли ва бой ахборотга эга бўлиб, рекреация тизимлари баҳолашда ва карта тузишда кенг фойдаланилади. Тўғри, ушбу усул асосида аввало ландшафт картасининг ўзи тузилади. Кейин рекреацион объектларни таклашда, рекреация инфраструктураларини бунёд этишда зарур бўлади. Коинотдан олинган суратлар табиий муҳитнинг барча хусусиятлари ва компонентлари тўғрисида ахборотлар бериш, хусусан рельеф шароитлари, ўсимлик қопламанинг хусусиятлари, сув, тупроқ, инсон меҳнат фаолияти натижасида вужудга келган объектлар, фавқулодда табиий ҳодисалар (сурилма, сел, эрозия ва б.) ҳақида тўлиқ ва атрофлича маълумотларга эга бўлинади. Улардан фойдаланиш ЛРТ карталарининг сермазмунлиги, ҳаққонийлиги, илмий мазмунга эгаллиги, энг сўнгги маълумотларни акс эттиришда асқотади.

Аэрокосмик усул ЛРТ карталарини тайёрлашда, рекреация тизимларидан самарали фойдаланиш, рекреация объектларини хавфсиз жойларда вужудга келтириш, табиий факулдда ходисаларни олдиндан аниқлашга хизмат қилади. Бу соҳадаги аэрокосмик тадқиқот усуллари икки йўналишда олиб борилади яъни: 1) тўғридан-тўғри дала шароитида (рекреация объектларида); 2) камерал шароитида хонада аэрокосмик суратларни дешифровка қилиш асосида олиб борилади.

Дала шароитида олиб борилдиган дешифровка ишларида аввало тоғ ён бағирларида хавфли ходисалар-сурилма, жар эрозияси, тоғ кулаши, қор кўчкиси, сел ва бошқаларнинг вужудга келиши ва ривожланишини, олдиндан уларнинг таркиб топаётганлиги ҳақида маълумот берадиган белгиларга асосланган ҳолда уларнинг маълум муддатдан сўнг хавфли ходисага айланиши асослаб берилади. Текисликларда ҳаракатланувчи кум рельеф шакллари, ўсимликларнинг деградациялашуви олдиндан башоратланади. Сув ва ҳаво ҳавзаларининг ифлосланиши, тупроқларда турли кимёвий моддаларнинг мавжудлиги уларда таркиб топаётган бирламчи белгиларга қараб, кейин юз бериши мумкин бўлган нохуш ходисаларининг ривожланишини асослайди. Шундай қилиб ЛРТ картасини яратиш жараёнида юқорида баён қилинган усулларидан уйғун ҳолатда фойдаланилгандагина карталарнинг мазмуний ва илмий аҳамияти замон талабига мос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ваҳобов Ҳ., Якубов Ў. Рекреацион география асослари. –Т.: Фан, 2008.
2. Котляров.Е.А. География отдыха и туризма. –М, 1978. 228 с.
3. Веденин Ю.А. Динамика территориальных рекреационных систем. –М.: Наука 1982. 190 с.

QASHQADARYO VILOYATI BALANDLIK MINTAQALARINING REKREATSIYA IMKONIYATLARI XUSUSIDA

Usmanova R. Qilichova Sh.*

Qarshi davlat universiteti

Mamlakatimiz tog'li hududlar jumlasiga kirib, tog'lar O'zbekistonning 31,3 foiz maydonini egallashi va bu yerda mamlakat aholisining 10 foizdan ko'prog'i yashashi hech kimga sir emas. Umumdavlat ahamiyatiga ega bo'lgan, katta milliy boyligimiz bu tog'lar juda katta ahamiyatga ega bo'lgan tabiiy ekologik, ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy tizimda mujassamlashgan. O'zbekistonda tog'li hududlarda o'ziga xos bo'lgan rekreatsiya va turizmning tarmoqlarini rivojlantirishga ustuvor ahamiyat berish lozim.

Qashqadaryo havzasining yer yuzasi turli geologik davrlarda murakkab geologik va geomorfologik jarayonlar natijasida shakllangan, relyefi esa g'arbidan sharqqa tomon ko'tarilib boradi. Hisor tog'larida balandlik 4000 m dan ziyod bo'lib, unda mamlakatning eng baland nuqtasi Hazrati Sulton cho'qqisi (uning mutlaq balandligi 4643 m) joylashgan.

Yer yuzasining hozirgi qiyofasi geologik taraqqiyot bosqichlari bilan chambarchas bog'liq. Hisor tizmasining janubi-g'arbiy qismi relyefini ma'lum geomorfologik rayonlar asosida tavsiflaymiz.

1. *Baland tog'lar* Hisor tizmasining markaziy qismini egallaydi (2800-4000 m va undan yuqori). Tizmaning janubiy yonbag'irlari kuchli parchalangan. Uning Hazrati Sulton (4000 m), Yakkabog' (3700-3800 m) va boshqa tarmoqlari shimoli – sharqqa tomon yo'nalgan. Qashqadaryo viloyat hududining eng baland nuqtasi G'ova cho'qqisi (4145 m) Hazrati Sulton tog'ida joylashgan. Bu tog' sharqda Sumsar- Shertog' tog'i (2500- 2800 m) bilan tutashadi. Hazrati Sulton tog'i alp tipli relyef shakllari bilan ajralib turadi. Bu tog' Hisor tizmasining eng shimoliy va yirik tarmog'i bo'lib, Oqsuv va To'palang daryoning suvayrig'ichi hisoblanadi. Uning yonbag'irlari juda qiya bo'lib, doimiy qor va muzliklar bilan qoplangan. Hududda kuchli parchalangan relyef shakllari (karlar, sirklar, qadimgi muz vodiylari) mavjud va ular qirrali qoyalar, cho'qqilar bilan ajralib turadi. Nisbiy balandligi 1200-1500 m ga yetadi. Osmontarosh tog'larining janubidagi davomi

***Usmanova Rohatjon** –QarshiDU Geografiya kafedrasi dotsenti, g.f.n.;
Qilichova Shahnoza – Koson tumani 32-maktab o'qituvchisi.

Beshnov hisoblanadi. Tog'lar etaklarida marjon poliylari va dengiz kirpilarining qoldiqlari ko'plab uchraydigan ohaktosh qatlamlari mavjud.

Baland tog' relyefiga xos, o'tkir qirrali qoyalarga Chaqchar tog'ining eng baland Xuroson cho'qqisi 3744 m ga ko'tarilgan. Eshakmaydon tog' massivi 2800 -2900 metr balandlikda bir qadar taroshlangan silliq qoyali tog' hisoblanadi. Eshakmaydon shimolda Maydanak va Toytalash tog'lari (2800 m.) bilan tutashgan. Guldara, Langardaryo va Katta O'radaryo suvayirg'ichi bo'lmish Xontaxti (2938 m) va Kurek (2800 -2900 m.), Yakkabog' tog'larining g'arbdagi eng chekka baland tarmoqlari hisoblanadi. Bu tog'lar al'p orogenezida burmalangan.

Hisor tizmasi g'arb va janubi-g'arbgacha tomon bir qancha tarmoqqa bo'linib, tobora pasayib boradi va asta-sekin tekisliklarga qo'shilib ketadi. Tog' oldilarida Miroqi, Yakkabog' va G'uzor adirlari katta maydonni egallab yotadi, ular daryolar tog'larni yemirib olib tushgan jinslardan tarkib topgan. Adirlar yer yuzasi notekis, past-baland tekisliklardan iborat. Adirlarda va past tog'larda karst relyefi shakllari-g'orlar, voronkasimon chuqurliklar, ungurlar mavjud.

2. *O'rtacha balandlikdagi tog'lar* 1500-2800 metr balandlikda joylashgan. Yonbag'irlarning o'rtacha qiyaligi 15-28⁰, ba'zan 30-40⁰ va undan ko'p. Shunga qaramasdan bu mintaqa tog'lari ancha parchalangan relyefga ega. Daryo vodiylari kengaygan joylarda chuqur botiqlar kuzatiladi (Dehqonobod). Shuningdek chuqur o'yilgan eroziya vodiylari ko'p uchraydi.

3. *Past tog'lar mintaqasi* O'rtacha balandlikdagi tog'lardan quyida tor zonani egallab, o'rtacha balandligi 800-900 metrdan 1500 metrgacha boradi. Past tog'lar daryo vodiylari unchalik chuqur emas, ammo kengligi bilan farq qiladi. Mezozoy va kaynazoyning cho'kindi va tog'larning yemirilishidan hosil bo'lgan jinslardan tashkil topgan.

Relyefi kuchli o'ydin-chuqurlashgan, tartibsiz tarmoqlangan tor o'zanlar va tog' tizmalarini ajratib turuvchi soy vodiylaridan iborat murakkab shaklga ega. Past tog'larda nisbatan kam parchalangan qiyalama kichik tog'lar va tepaliklar bilan murakkablashgan tizmalar ham uchraydi, yonbag'irlarning qiyaligi 20-30⁰, ba'zi joylarda toshloq past tog'lar uchraydi.

4. *Tog'oldi to'lqinsimon prolyuvial tekisliklar* Hisor tizmasi, Chaqilqalon, Qoratepa va Zarafshon tog'larining etaklarini o'z ichiga oladi. Relyefi tepaliklardan, past-balandliklardan va kuchsiz tik o'pirilmalardan iborat. Ular keng soyliklar bilan ajralib turadi. Nisbiy balandligi 10-35 metr, ba'zan 50 metrgacha yetadi.

Yuqorida Qashqadaryo viloyatini yer usti tuzilishini tavsiflaganimizdek uning bu xususiyatlarini rekreatsiya jihatidan quyidagicha foydalanish imkoniyatlari borligini aniqladik. Qashqadaryo viloyati relyefi turlicha tuzilishga ega. Tog'li qismining xushmanzaraligi rekreatsiya turlarini rivojlanishiga ancha qulay. Doimiy qor va muzliklar, trog va daryo, soy vodiylari, tabiat yodgorliklari, karst shakllari, g'orlar, daralar ajoyib ekskursiya obyektlari bo'la oladi.

Tog'larning rekreatsiya resurslarini avvalo dam olish yoki sport turi boyicha baholash maqsadga muvofiq, bunda tog'larning mavjud tabiiy imkoniyatlaridan kelib chiqish lozim. Chunonchi, tizma tog'larning yo'nalishlari (4000-5000 m) – alpinizm, tog'larning baland qismlari (3000-4000 m) – alpinizm-tog' sport sayyohligi, o'rtacha balandlikdagi tog'larning eng baland qismlari (2500-3300 m) – tog' sport sayyohligi yo'nalishi boyicha qulay (yoki eng qulay). P.S.Suprunenko (1990) tog'lar dam olish va sport uchun eng qulay, hatto komfortli sharoitlar yaratadi, deb ta'kidlaydi. U tog' resurslarini rekreatsiya jihatdan tasniflashga harakat qilgan. Haqiqatdan ham tog'larning rekreatsiya resurslari salohiyati yuqori. Xususan Hisor tizma tog'larining janubi-g'arbiy qismlari ham rekreatsiya resurslariga boy bo'lib, ularda hali ishga solinmagan imkoniyatlar juda katta. H.Vahobov va O'.Yakubovlar (2008) rekreatsion manzilgohlar tog'oraliq botiqlarida joylashuvi maqsadga muvofiqligini va bunday manzilgohlarni ko'paytirish hamda ular salohiyatini oshirish imkoniyatlari mavjudligini ta'kidlagan.

Shu o'rinda murakkab geologik hodisalarni boshidan kechirgan Beshnov massivi, Zarafshon va Hisor tog'lariga qadimgi eralarga sayohat sifatida sayyohlik yo'nalishlari uyushtirish mumkin. Ayniqsa, rekreatsiya maqsadlarida Shertog' va Sumsar tog'laridan foydalanish imkoniyatlari katta. Qazilma tosh qotgan o'simliklarning qoldiqlari Qiziltosh va Tutak ota qishloqlari orasidagi so'qmoqda topilgan. Bu hududga sayohat uyushtirish "Dinozavrlar so'qmog'i" va "Yura davrining o'simliklari" ning qoldiqlari bilan tanishish imkonini beradi. Ajoyib va go'zal manzarali tabiat

yodgorligi bo'lgan sharsharalar (Ko'kbuloq, Qiziltom, Boshdaryo, Xo'kizburun, Teres, Mudin, Suvtushar) kishiga zavq bag'ishlaydi. Binobarin, viloyat relyefi va geologik tuzilishining betakror xususiyatlari jihatidan katta rekreatsiya imkoniyatlariga boy.

Sumsar, Chaqilkalon va Qoratepa tog'lari, Oqsuv daryosi vodiysi, Qorasirt, Sovuqbuloq, Chaqchar tizmalari relyefi kuchli parchalanganligi (900-1100 m), yonbag'irlarning nihoyatda qiyaligi (25°) bilan ajralib turadi. Tik yonbag'irlar kristallashgan tog' jinslarining "Yalang'och" holda ko'rinishi bilan tavsiflanadi. Yonbag'irlarda gravitasiya jarayonlari, karst hodisalari rivojlangan, turli tabiat yodgorliklari tarkib topgan. Relyefning o'ziga xos morfografik xususiyatlari hududning betakror manzaralarini vujudga keltirgan. Baland yonbag'irlarda tevarak-atrofnii ko'rish masofasi 10-12 km. O'rtacha balandlikdagi tog' vodiylari va yonbag'irlarida ohaktosh jinslari tarqalgan joylarda karst relyef shakllari hukmron. G'orlarning keng tarqalganligi dam oluvchilarni qiziqtiradi.

Qashqadaryoning yuqori oqimi (xususan Varganza, Shatri) Jinnidaryoning yuqori oqimi (Vatkana, Obikanda), Oqsuv daryosining o'rta oqimi (Palmon, Miroqi) Tanxozdaryoning o'rta oqimi (Beshkapa, Samoq, Tatar, Kaltaqo'l) va boshqa soy hamda daryo vodiylari betakror so'lim maskanlarki, ularda dam olish va davolanish o'ziga xos xususiyatlarga ega.

Katta O'radaryo va Kichik O'radaryoning yuqori havzalari kuestali relyefga egaligi, relyefning xilma-xil bo'lishini ta'minlagan, binobarin bunday joylardan sayyohlikda foydalanish samarasi katta bo'ladi. Kitob geologik qo'riqxonasida paleozoy erasining deyarli barcha davrlariga mansub umurtqasiz hayvonot qoldiqlari g'oyatda yaxshi saqlangan bo'lib, u ajoyib sayyohlik maskanidir.

Hisor tog'larining baland tog' mintaqasida chang'i uchish, sayyohlik, sport va sog'lomlashtirish oromgohlari, dam oluvchilar uchun ekskursiyalar uyishtirish imkoniyatlari mavjud. O'rtacha baland va past tog'lar relyefining xushmanzaraligi hamda boshqa tabiiy xususiyatlari rekreatsiyani rivojlantirishda qo'l keladi. Tog'lardagi Amir Temur, Xo'kiz-Kamar, Ko'l, Kiyik-Kamar, Kaptarxona g'orlari sayyohatchilarni qiziqtiruvchi tabiat yodgorliklaridandir. Taxtaqoracha dovonidan shimoli-g'arbda joylashgan, shamolning faoliyati natijasida hosil bo'lgan "Dinozavr", "Jodugar", "Do'stlar" va boshqa tabiat yodgorliklari bo'lib, sayyohatchilarni o'ziga jalb qiladi. Tog'larning toza havo va suvlari insonni ruhan tetik va jismoniy sog'lom bo'lishiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Sut, qatiq, qimiz, meva-chevalari, dorivor o'simliklarining sog'lomlashtirishda ahamiyati katta.

Adabiyotlar

1. Супруненко Ю.П. Рекреационное освоение Высокогорья Большого Кавказа: районирование и рекреационные карты. В кн. «Географические аспекты исследование рекреационных систем». –М.: 1979 с. 165-170.
2. Вахобов Х., Якубов Ў. Рекреацион география асослари. –Т.: Фан, 2008.

ВОҲА ВА ЧЎЛ ПАРАГЕНЕТИК ГЕОТИЗИМЛАР СИФАТИДА

Ходжиматов А.Н., Усмонхўжаева М.А*

Тошкент давлат педагогика университети

Ҳозирги экологик вазият танг бўлган бир даврда воҳа ва чўл ўртасидаги ўзаро алоқадорликни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тўғри таҳлил қила билиш республикамизда табиатни муҳофаза қилиш билан бирга унинг келажакдаги ҳолатини ҳам тўғри прогнозлаштиришга ёрдам беради.


Воҳа ва чўл термогидродинамик ва гидравлик жиҳатдан ўзаро алоқадорликда ривожланувчи геотизимлардир. Воҳа ва чўл геотизимлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик энг аввало уларнинг литологик-геоморфологик шароитларининг бир-бирларига яқинлигидадир. Улар асосан аллювиал дельта, дарёларнинг пролювиал-аллювиал террасаларида, пролювиал шлейф ва конус ёйилмаларида мужассамлашган табиий ҳудудий мажмуалардир. Бу

* **Ходжиматов Алишер Нигматович** – ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси в.б. проф, г.ф.н.;
Усмонхўжаева Мафтуна Акмал қизи – ТДПУ География ўқитиш методикаси 3-курс талабаси.

геотизимларнинг маълум қисмини ёки тўлиғича обикор дехқончиликда фойдаланилиши улар ўртасидаги алоқадорликни маълум қонуниятлар асосида давом этишига олиб келади.

Геотизимлар ўртасидаги иссиқлик, намлик, турли тузлар ва бошқа моддалар билан бўладиган ўзаро алмашинув, аввало ер усти оқар сувлари, сизот сувлари ҳамда шамол ёрдамида амалга ошади (2-чизма). Бу алоқадорликда воҳа табиатига атрофдаги чўлнинг ва воҳанинг атрофидаги чўл табиатига бўладиган икки тарафлама таъсирини тўғри аниқлаш лозим.

Воҳа геотизимларининг атрофидаги чўл табиатига таъсири. Воҳалардаги экин майдонлари, суғориш (ирригация) шахобчаларидан грунтга сизиб ўтган сувлар воҳа атрофидаги чўлда сизот сувларининг сатҳи ва минераллашув даражасининг ўзгаришига бевосита таъсир этади. Ўша ҳудудларда намлик миқдори ортади. Воҳанинг таъсир доирасининг катта-кичик бўлиши жойнинг литологик-геоморфологик тузилиши билан боғлиқдир.



2-чизма. Воҳа ва чўл геотизимларининг ўзаро алоқа ва ўзаро таъсири.

1-шамол йўналиши; 2-ер усти сувларининг ер остига шимилиши; 3-ер усти ва грунт сувлари оқимининг йўналиши; 4-грунт сувларининг кўтарилиши; 5-тупроқ юзасидаги буғланиш; 6-суффозия, эрозия ва сув тошқинлари; 7-кўл-ботқоқ мажмуалари ва шўрхоклар; 8-ўсимликлар турлари.

Грунтнинг сув ўтказувчанлиги нисбатан яхши бўлган пролювиал текисликларда сизот сувларининг ётиқ ҳаракати анча масофага етиб боради. XX асрнинг 60-йиллари бошларида Мирзачўлнинг жанубида (Тожикистон ҳудудида) 15 минг гектарга яқин ерларнинг суғорила бошланишидан сўнг маълум бир вақт ўтиши билан чўлнинг шимолидаги эски ва янги ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлаша бошлади. Бунга сабаб пролювиал ерларнинг юқори қисмидаги суғорилган майдонлардан сизиб ўтган сувларнинг унинг чекка қисмларига оқиб келишидир. Натижада сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, шўрланиш даражаси бир неча марта ортди ва катта майдондаги ўзлаштирилган ва кўрик ерларни шўр босди.

Ясси дельта ва террасалардаги воҳаларнинг сизот сувларининг таъсир доираси жойлардаги ётқиқларнинг механик таркибини оғирлигидан унчалик узоқ масофага етиб боролмайди (ўртача 30 км атрофида). Чунки ушбу ҳудудларда сизот сувларнинг ётиқ ҳаракатидан кўра тик ҳаракати кучлироқдир.

Қуйи Амударё ва Зарафшон воҳаларининг чекка қисмларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, улардан чиқувчи сизот сувлари таъсирида атрофда ўзига хос табиий-антропоген мажмуали минтақалар вужудга келади. Сизот сувларнинг ер юзасига жуда яқин жойлашган (0-1, баъзан 2-3м) **I минтақада** зах сувлари тўпланишидан **субаквал** (кўл) ҳамда **супераквал** (кўл-ботқоқ) геотизимлар ривожланади. (масалан, Бухоро воҳасининг жанубида воҳа билан Аму-Бухоро канали оралиғидаги пастқамликларда ва х.к.).

Воҳадан узоқлашган сари сизот сувларининг сатҳи пасайиб, таъсири камаяди. Мазкур **II минтақа** ярим гидроморф шўрланган мажмуалар билан характерланади. **III минтақада** сизот сувларнинг сатҳи анча чуқур бўлиб (3-5 ва 5-7м), ярим гидроморф, элювиал мажмуалар билан алмашиб келади.

Воҳалар арид минтақаларда қатор ташлама – антропоген кўлларнинг вужудга келишида асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумоти бўйича республикамизда захқаш-зовур сувлар миқдори 23-25 млрд м³ га (2013) етгани ҳолда, шунинг 8-10 млрд м³ дан ортиғи асосан воҳалар атрофидаги пастқамликларга (шўр кўлларга) оқизилади. Фақатгина, Бухоро ва Қорақўл воҳаларида вилоят гидрогеологик – мелиорация экспедицияси ҳисоботида кўрсатилишича 2012 йилда суғориш учун 4,0 млн м³ миқдорда сув олинган бўлса, 1,8 млн м³ ҳажмидаги сувларни зовурлар орқали воҳалардан ташқарига чиқарилган. Воҳаларга олинган сув таркибида деярли 4000 минг т ҳар хил тузлар мавжуд бўлган бўлса, зах сувлари билан бирга таркибида 6707 минг т тузлар чиқарилган.

Амударё ва Сирдарёга кўплаб захқаш-зовур сувлар (15млрд м³-2013 й.) ташланишидан дарёлар сувининг шўрланиш даражаси ҳам ортади (ҳар литр сувда 0,5-2 г дан кишда 3,0 г гача). Натижада сизот сувларининг ҳам шўрланиш даражаси ортган (ҳар литрда 2,2-16,0 г), тупроқлар шўрланмоқда, тўқай ўсимликларининг муттасил ўсиши ёмонлашмоқда.

Чўлларнинг воҳалар табиатига таъсири. Мунтазам инсон назоратида бўлган воҳалар доимо атрофидаги чўл таъсирида бўлади. Воҳаларда суғориш тугалланиши билан сизот сувларнинг сатҳи аста-секин пасая бошлайди. Ниҳоят, кишки шўр ювиш бошланиши олдидан энг паст даражага тушади. Шундан сўнг атроф чўлдан шўрланиш даражаси нисбатан анча юқори бўлган (ҳар литр сувда 10,0 г дан ортиқ) сизот сувлари воҳаларга томон сизиб кела бошлайди. Айниқса, воҳа атроф-чўлдан пастқамроқ жойда бўлса, сизот сувларининг келиши тезлашиб, тупроқда туз тўпланиши ҳам жадаллашади.

Чўлдан эсувчи шамоллар ҳам одатда турли чанг, туз ва кум заррачаларини воҳаларга келтиради. Ёзда бир неча кун жанубдан эсувчи „афғон“ шамоли ҳам Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларига анча миқдорда чанг ва кум заррачаларини келтиради. Айрим воҳаларда суғориладиган ерларнинг кум босиши авж олмоқда. 1992 йилда Хоразм воҳасининг 200 гектардан ортиқ суғориладиган ерини кум босганлиги сабабли қишлоқ хўжалигида фойдаланилмади.

Кейинги вақтларда Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши, сувдан бўшаган ҳудудлардаги тузларни шамол учириб кетишидан Р.Разаков маълумотига кўра, Орол бўйи минтақасида ҳар гектар ерга 800-1000 кг, Нукус шаҳри кенгликларида 100-700 кг туз ётқизилмоқда. Бу ўз ўрнида суғриладиган ерларнинг мелиоратив шароитларини ёмонлашувига, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликнинг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлмоқда. Республикамиз табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маълумоти бўйича бу кўрсаткич пахтада 5-15%, шодада эса 3-10% ни ташкил этмоқда. Умуман воҳа ва чўл ўртасидаги ўзаро алоқадорлик анча мураккаб, кўп омилли бўлиб, воҳаларнинг катта-кичиклиги, шакли кабиларга боғлиқ бўлгани ҳолда, яна қатор табиий - антропоген жараён ва ҳодисаларни ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Бу алоқадорликни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тегишли тадбирларни қўллаш ҳар иккала геотизимлар маҳсулдорлигини орттиради ва натижада улардаги экологик шароитни оптималлаштиришга ёрдам беради (Ходжиматов 1994, 110-112 б.).

ЭКОТУРИЗМНИНГ МАЗМУН–МОҲИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Холмуродов Ш.А., Турсунбоева Н.Ё*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Табиат кучоғига уюштирилган сайёҳат кўпинча экотуризм деб тушунилади. Экотуризм табиат туризмнинг асосий қисми ҳисобланади.

“Экотуризм” атамаси кўпинча табиат туризми, барқарор туризм кабилар билан алмаштирилади. Дарвоқе, бир қанча элементлари туризмнинг бу хилма – хил турлари билан бир хил бўлсада, ушбу атамалар синонимлар эмас, уларни ўзаро алмаштириб бўлмайди. Экотуризм бу табиат туризмнинг турларидан бири бўлиб, табиат турларининг бошқа бўлақларини ҳам ўзида намоён этиши мумкин. Экотуризмни аниқлашда қуйидаги таъриф кўпроқ ишлатилади.

“Экотуризм – бу табиат туризми ҳисобланиб, табиий муҳитни билиш ва тушунишни ўз ичига олади. У менежмент сифатида шаклланади, қайсики бу фаолият экологик, ижтимоий (социал) ва маданий жиҳатдан барқарор бўлса”, бундай аниқланиш “табиий муҳит” маданий компонентларини ҳам ўз ичига олишини таъкидлайди. “Экологик муҳит” эса маҳаллий аҳоли учун маълум даромад ва фойдаланиладиган табиий ресурсларни узоқ муддат муҳофазасини қамраган бўлади. Янада равшанроқ баён этилса, экотуризм ҳам, туризмнинг бошқа барча турларига ўхшаб экологик барқарор бўлиши, сайёҳ – туристларга қулайликлар туғдириши ва маҳаллий аҳолига даромад келтириши, шунингдек табиий ва маданий муҳитга “мос” келиши лозим. “Мос” келишлик, қайсики инсон фаолияти турлари, миқёси ва усуллари ландшафт (экологизим) лар ва маҳаллий аҳоли кайфияти қизиқишларидир, характери ҳамда ўлчамларига тўғри келишлигидир. Чунки ҳар қандай сайёҳлик ёки экотуризм маълум ҳудудда амалга оширилади.

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш муаммосини ҳал этиш натижасида қисқача “экотуризм”, кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Лекин кўп изланувчилар фикрича “экотуризм” сўзининг чегараси тушуниб бўлмас даражада бўлган. Чунки маркетинглар бу сўзни дастлабки ишлатган вақтда табиатга интилган ва уни муҳофаза этмоқчи бўлган сайёҳларга таклиф этишганда унинг маъносини таҳлил этишмаган ва ҳаттоки бундай туроператорларнинг табиатни муҳофаза этишни тушунмай бу сўзга табиатга сайёҳат нуқтаи назаридан қарашган. Шу сабабли туризм назариячилари бу сўзга анча вақтгача кинояли қарашган. Экотуризмни биринчи бўлиб ўрганган В.В.Хребовченко фикрича “экотуризм” сўзининг тушунчаси “экологик туризм” сўзининг қисқартирилгани, лекин уни ишлатилиши экология фани нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас, деб ёзганди.

*Холмуродов Шакарбек Абдуғаниевич – ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.;

Турсунбоева Нигора Ёқубжон қизи – ТДПУнинг География ўқитиш методикаси 2-курс талабаси.

Экотуризмнинг илк ва анча тўғри тушунчасини Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Е.В.Клименколар 1997 йилда беришган: “Экотуризм асосида табиатни муҳофаза этиш ташвишлари ётади” бундай сайёҳатда олдинги кам сонли сайёҳатчилар гуруҳини табиатга чиқиб, табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича ҳар турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қилган ишларни тушунилади. Бу тушунча халқаро экотуризм жамиятнинг тушунчасига ҳам тўғри келиб унда ёзилишича экотуризм – “табиат минтақаларига масъул сайёҳат бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи муҳофаза этилади”.

Экотуризм тушунчасини аниқлашда хориж адабиётларида турли ёндашувлар учрайди. Қозоғистонлик М.Мусатаевнинг фикрича, унинг моҳияти қуйидагилар ҳисобланади:

- табиатнинг ёввойи жойларига сайёҳат;
- табиатга таъсирнинг жуда пастлиги;
- табиий ҳудудлар ва табиат муҳофазаси фаолиятини қўллаб–қувватлаш;
- экологик таълим – тарбияга эга бўлиш;
- маҳаллий аҳолини ана шу фаолиятлардан даромад қилишда қатнашишлари,

қайсики табиий муҳитни сақлашда туртки ҳисобланади.

Россиялик олимлар И.Зорин ва В. Квартальный экотуризмга икки хил таъриф берадилар. Экотуризм – сайёҳларнинг яшаш муҳити сифатида ва барча туризм компонентлари экологик технологияларни қўллаган ҳолда “Ёввойи” табиатда бевосита озми – кўпми фойдаланишга қаратилган туризмдир.

Экотуризм – табиатда барча экологик муносабатларни мужассамлаштириб уюштирилган сайёҳат, янги ландшафтлар билан танишувдаги хушқайфият, ўсимлик ва ҳайвонлар намуналарини уларнинг мумкин қадар муҳофазасига мос тарзда ўрганишдир. Муаллифларнинг фикрича экотуризмнинг асосий ресурслари муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар–қўриқхоналар, миллий ва табиат боғлари, ноёб ва типик ландшафтлар ҳисобланади.

Экотуризмнинг бошқа туризм турларидан ўзига хос хусусиятлари қирғиз эксперти А.Тохтогулова томонидан аниқ ва равшан тарзда ажратилган:

1. Экотуризм яхши сақланган табиий ҳудудларга сайёҳат ва ташриф бўлиб, булар миллий ва табиат боғлари, резерватлар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқа турларини ўз ичига олади.

2. Экотуризм нисбатан қонун – қоидаларга бўйсунуш ва уларга кескин риоя қилиш, сақланиши лозимлиги мавжуд тушуниладиган тармоқ.

3. Экотуризм табиий муҳитга салбий таъсирлар нисбатан кучсизлиги билан фарқланувчи бўлганлигидан, баъзан уни “юмшоқ туризм” ҳам деб аталади. Шу боис ҳам у муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда амалда табиий ресурслардан фойдаланишнинг ягона туридир.

4. Экотуризмда маҳаллий жамоа нафақат хизмат кўрсатувчи сифатида фаолият кўрсатади., балки муҳофаза этиладиган ҳудудда яшашни давом эттиради, қайсики табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос тартибига риоя қилган ҳолда хўжаликнинг анъанавий турлари билан шуғулланади. Демак, экотуризм – бу туризм, унда сайёҳатчилар учун дам олиш, хурсандчилик ва экологик тарбия мужассамлашган. Шунинг учун туризмнинг ушбу тури алоҳида ёндашув ва режалаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда экологик туризмга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу дунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури, унга кўра инсон ўз соғлиғини тиклабгина қолмай, балки бир қанча эстетик ҳиссиётларни олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, бу спорт тури ҳам ҳисобланиб, туризмнинг энг ривожланган соҳасига айланмоқда. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан сайёҳлик йўналишда оқилона фойдаланишдан иборат.

Экологик туризм деб тан олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- кўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши;
- сайёҳларга хизмат кўрсатадиган транспорт экологик жихатдан тоза бўлиши;

- овқат фойдали экологик тоза ва таркибида маҳалий маҳсулотлар бўлиши;
- малакали гидлар;
- сайёҳларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) таърифича – “Экологик туризм – табиий ҳудудларга маъсулият билан сайёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳалий халқнинг турмуш даражасини яхшилайти”.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида- экотуризм деганда нафақат маърифий – маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига сайёҳат, балки ижтимоий – иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир – бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Ҳозирги пайтдаги экосайёҳлар гуруҳининг таркиби қуйидагича: авваломбор, бу 35 – 40 ёшли кишилар, яъни бу ёшдаги одамлар ёввойи табиатда сайёҳат қилиш учун соғлигини ва молиявий томондан ўзини таъминлай оладилар. Табиат ҳаммани ўз бағрига жалб этади, сайёҳлардан 60 % и оилалилар, чунки уларни табиатнинг аҳволи ва оиланинг келажаги барабар қизиқтиради.

Экспертларнинг таҳлилича экосайёҳларнинг кўпчилиги бадавлат одамлар ёки даромадлари ўртача даромаддан ортиқ. Туризмнинг экотурлари қиммат турмаҳсулотга киради. Дунёда инсон оёғи тегмаган ва табиат ўз аслини сақлаб қолган жойлар кам қолган, бундай жойларга сайёҳат қилиш чегараланган ва у ерларга сайёҳат қилиш жуда қиммат туради.

Экотуризм катта харажатлар ва вақт билан таснифланади, сайёҳат вақти бир ҳафта билан чегараланмайди. Кўпинча у 8 – 12 кун давом этади ва бир неча бор такрорланади. Бундай сайёҳатларнинг сабаби сайёҳатчи ўзини доимий қулайликлардан узокрода, табиатнинг қўйнида хис қилишни хоҳлайди. Шундай қилиб экотуризмнинг бозори кенг, унинг асосий сегментлари қуйидагилардан иборат:

- фаол сайёҳлар, уларнинг 2/3 қисми дам олишнинг фаол турлари билан боғлиқ, шу жумладан табиат қўйнида;

- ёввойи табиатни ёқтирганлар уни асл ҳолатда сақлаб қолишга уринадилар. Табиатшунослик туризмнинг бир қисми бўлиб, бу тоифа умумий экосайёҳларнинг сонидан 20% ини ташкил этади;

- автосайёҳлар транспорт воситаси билан сайёҳат қилишни ёқтирганлар, кўпинча бу саҳролараро сайёҳат, саффарии, тоғли ёки тошли жойларда;

- саргузаштли туризм, улар ҳам табиий туризмнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Чунки сайёҳат давомида инсон табиат билан бирга бўлиб унинг ёввойи ва оғир ноқулай шароитларига дуч келади.

Экспертларнинг таъкидлашишича, ҳозирги кунда туризм индустриясида экотуризм тармоғига кирувчи табиий ва саргузашт туризм тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Масалан, Канада давлатида ёввойи табиатга сайёҳат туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25 % ини ташкил этади. Канада ҳукумати, фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 млрд АҚШ доллариди фойда олади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн доллар) 5 баробар кўпдир. Шундай қилиб, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга катта хисса қўшади, ҳамда уларни тўла – тўқис ўтказишга сезиларли молиявий кўмак беради.

Ўзбекистонда экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда салоҳияти бўйича жаҳон экотуризм саноатида юқори ўринларни эгалласади, лекин амалда Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла – тўқис фойдаланиш учун чора – тадбирлар етарли даражада амалга оширилган эмас.

MIRZACHO'LNING YER RESURLARIDAN OQILONA FOYDALANISH MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

Xoldorova G.M., Haydarova S.A., To'lisheva M.

Jizzax davlat pedagogika instituti

Ma'lumki, qishloq xo'jaligini yuritish tabiiy sharoit va tabiiy resurslarga, aniqrog'i tabiiy landshaftlarga asoslanadi. Tabiiy landshaftlarda qishloq xo'jaligi uchun eng muhimi bu – tuproqdir. Hozirgi bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakatimizda yer resurslaridan, jumladan, sug'oriladigan va lalmi yerlardan oqilona va samarali foydalanish hamda ularni muhofaza qilish shu kunning eng dolzarb masalasidir. Bugungi kunda, qishloq xo'jaligidagi islohatlarni chuqurlashtirishga qaratilgan O'zbekiston Respublikasining Yer kodeksi, "Fermer xo'jaligi to'g'risida", "Dehqon xo'jaligi to'g'risida", "Davlat yer kadastrisi to'g'risida"gi qonunlariga zamon talablaridan kelib chiqib, ularga ayrim o'zgartish va qo'shimchalar kiritilishi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining asosini tashkil etib, yer resurslaridan yanada oqilona va samarali foydalanishning huquqiy poydevori yaratilmoqda. Bunday tadbirlar ayniqsa, Mirzacho'l hududi uchun juda ahamiyatlidir, zero cho'lning o'zlashtirilishi va tabiiy landshaftlarning butunlay o'zgartirilishi, Mirzacho'lni tabiiy kompleks sifatida yangi qiyofaga kiritgan. Ayni vaqtda Mirzacho'l respublikada qishloq xo'jaligi mahsulotlarini etishtirib beruvchi asosiy mintaqalardan biridir.

Mirzacho'l mintaqasi respublikamizning ikki: Jizzax hamda Sirdaryo viloyatlarini o'z ichiga oladi. Umumiy maydoni 25,4 ming km² ga teng bo'lib, respublika jami yer maydonining 5,7% ni tashkil etadi. Ushbu mintaqa mamlakatimizning markaziy qismida joylashgan bo'lib, g'arbdan Samarqand, Navoiy viloyatlari janubdan Tojikiston Respublikasi, sharqdan Toshkent viloyati, shimoldan Qozog'iston Respublikasi bilan chegaradosh. Mintaqa rivojlangan Toshkent va Tojikiston Respublikalari bilan uzoq yillik qo'shniligi uning geosiyosiy ahamiyatiga ega ekanligi, bularning barchasi bu hududning iqtisodiy geografik o'rnini qulay ekanligidan dalolat beradi. Mirzacho'l mintaqasi geografik jihatdan cho'lda joylashganligi uning uchun noqulay sharoitni hozirlaydi. Mirzacho'l mintaqasi keng tekislikdan iborat bo'lib, yer yuzasi shimoli-g'arbdan janubi-sharq tomon asta-sekin, to'liqsimon bo'lib ko'tarila boradi. Janubiy chekkalari keskin ko'tarilgan. Tabiiy sharoitining bunday xilma-xilligi bu yerda turli xil xo'jalik tarmoqlarini rivojlantirishga sharoit yaratadi. Jizzax viloyatining Baxmal, G'allaorol tumanlarida Turkiston, Morguzar, Go'bdin, Qo'yto'sh, Qaroqchi tog'lari joylashgan, viloyatining aksariyat hududi tekislik mintaqasiga to'g'ri keladi. Mirzacho'l tekislik qismining okean sathidan o'rtacha balandligi 250-300 m, tekislikning shimoliy chekkasi okean sathidan 230 m baland bo'lsa, markaziy qismining balandligi 400-450 m atrofida. Sirdaryo sohillarining okean sathidan balandligi 240-250m ga teng. Turkiston tog' tizmasining eng baland joylari okean sathidan 4000 m balandda joylashgan. Morguzar tog'lari bilan Turkiston tizmasi oralig'idagi tektonik botiqda Sangzor vodiysi joylashgan. Vodiyning yuqori-sharqiy qismi tor va yonbag'irlari qiya bo'lib, g'arbg'a tomon pasayib va kengayib boradi va tekislikka aylanadi. Bu tekislik okean sathidan taxminan 700-800 m balandda joylashgan. Jizzax viloyatidan farqli o'laroq Sirdaryoning ancha qismi tekisliklardan iborat va bu yerda sug'orma dehqonchilik uchun qulay sharoit yaratadi.

Sug'orib dehqonchilik qilinadigan hudud yerlari hozirgi kunda qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirishda asosiy manba bo'lib qolmoqda. Ammo, aholi sonining tez o'sishi tufayli tekislik, tog' va tog'oldi hududlaridagi yerlardan yanada ko'proq foydalanishning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Shuning uchun ham bugungi kunda tuproqlarning unumdorligini oshirish, qishloq xo'jaligidagi asosiy ekinlar paxta, donli ekinlar va poliz ekinlarining mo'ljaldagi hosilini saqlab qolish, uni ilmiy asosda boshqarish va muhofaza qilish yo'llarini ishlab chiqish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mirzacho'l mintaqasi umumiy yer maydoni 2545448 gektar bo'lib, respublika umumiy yer maydonining 5,7 foizini, sug'oriladigan yer maydoni 591902 gektar bo'lib, respublika sug'oriladigan yer maydonining 13,7 foizini tashkil etadi. Jizzax viloyatida ekin ekiladigan yerlar bir muncha ko'proq – 484280 gektarni tashkil etib, shundan sug'oriladigan yer maydoni 263127 gektarni tashkil etsa, Sirdaryo viloyatida ekin yerlar – 256223 gektarni tashkil etib barchasi

sug'oriladigan yerlar hisoblanadi. Mirzacho'l mintaqasidagi yer maydoni 740503 gektar bo'lib, respublika ekin yerlarining 18,2 foizini, sug'oriladigan ekin maydoni esa 519350 gektarni tashkil etib, respublika sug'oriladigan ekin maydonining 15,6 foizini tashkil etadi (Jadval).

Jadval

Mirzacho'l mintaqasi jami qishloq xo'jaligi yer maydoni va undan foydalanishning viloyatlar bo'yicha tuzilishi (gektar)

1	Respublika viloyatlarning nomi	Umumiy yer maydoni		Ekin yerlar		Ko'p yillik daraxtzorlar		Bo'z yerlar	Pichan zorlar va yaylovlar	Tomorqa yerlar va bog'dorchilik sabzavot uyushma yerlari		Meliorativ qurilish holatidagi yerlar	O'rmonzorlar	Butazorlar	Boshqa yerlar
		jami	sug'oriladigan	jami	sug'oriladigan	jami	sug'oriladigan			jami	jami				
1	Jizzax	2117830	299854	484280	263127	14173	13226	8443	758119	31513	17963	6911	164160		651262
2	Sirdaryo	427618	292048	256223	256223	6122	6122	11135	23259	19060	15161	5082	3399	8	103332
	Jami	2545448	591902	740503	519350	20295	19348	19578	781378	50573	33124	11993	167559	8	754594

Manba: O'zbekiston Respublikasi yer resurslari holati to'g'risida milliy hisobot ma'lumotlari.

Mirzacho'l mintaqasidagi eng muhim muammo tuproqlarning sho'rlanishi hisoblanadi. Sho'rlanish natijasida tuproqlarning unumdorligi pasayib, dehqonchilikda ko'plab muammolarni keltirib chiqarmoqda. Shu sababli O'zbekistonda tabiatni muhovaza qilishdagi g'oyat muhim vazifa yerning meliorativ holatini yaxshilashdan, tuproqning ifloslanishini kamaytirish bo'yicha choratadbirlarni amalga oshirishdan iborat. Mirzacho'lda bo'z tuproqlarning ikki kichik turi, ya'ni tipik va och bo'z tuproqlar tarqalgan. Mazkur turdagi tuproqlar o'rtasidagi chegara taxminan 450 m mutlaq balandlikka mos keladi. Tipik bo'z tuproqlar yoyilmalarninig boshlanish qismi, tog'oldi shleyflarining yuqori qismlarida keng tarqalgan. Ushbu tuproqlar sho'rlanmagan, lekin qiyalik kattaroq bo'lgan joylarda eroziyaga uchragan. Yuqori qismi (0-3 sm) da 3-4 %, quyi qismi (0-10 sm) da 1,5-2,5 % gumus mavjud.

Mirzacho'lning asosiy qismi sug'orma bo'z-o'tloq tuproqlari bilan band bo'lib, namlikning bug'lanishi natijasida qatlamlarda turli miqdorda tuzlar to'plangan. Sug'oriladigan tuproqlarda tuz ko'proq eng yuqori qaglamda yig'iladi (1-2 %, ba'zan undan ko'proq), quyi tomom kamayib boradi. Sirdaryoning quyi terrasalarida o'tloq-tuproqlar tarqalgan va ular ham turli darajada sho'rlangan. Mirzacho'lda juda zich holda kollektor-zovur tarmoqlari va tik zovurlar mavjudligi tufayli tuproqlarning haddan tashqari sho'rlanishining oldi olingan. O'zansimon pastqamliklarda (Yettisoy, Sardoba) sho'rxoklar hukmron.


Mirzacho’da yer yuzasining tuzilishi, tog’ jinslari, havo harorati va yog’inlar miqdoriga bog’liq holda tuproqlar shimoldan janubga, ya’ni tekislikdan tog’ga tomon o’zgaradi.

Mirzacho’lning shimoli-g’arbidagi Qizilqumda qum tepalari, ular orasida tekis gilli taqirlar katta maydonni egallaydi. Qizilqumda qumli cho’l tuproqlari uchraydi. Yer osti suvlari yer yuzasiga yaqin joylarda sho’rxoklar uchraydi. Sho’ro’zak va Sardoba botiqlarining tuproqlarini sho’r bosgan. Bu joylarda yer osti suvlarining sathini pasaytirish maqsadida zovurlar qazilgan.

Ba’zi joylarda yil davomida har bir gektar yuzadan 2-3 kub metr yer osti suvi bug’lanadi va tuproqda 3 tonnadan 5 tonnagacha tuz to’planadi.

Mirzacho’l o’lkasining sharqiy qismida – Sirdaryo qayirlarida o’tloq va botqoq-o’tloq tuproqlar tarkib topgan. Daryo qayirlari va qayir ustidagi zinapoyasimon joylarda allyuvial-o’tloq tuproqlar rivojlangan. Bu tuproqlarda chirindi ko’p emas, ularni bir oz sho’r bosgan.

Mirzacho’l tekisligining janubi-sharqiy qismida och tusli bo’z tuproqlar tarqalgan. Dehqonchilik qilinadigan joylardagi tuproqlar sug’orish va ishlov berish natijasida madaniy tuproqlarga aylangan. Tarkibida mineral tuzlar bo’lgan bo’z tuproqlar sug’orilganda unumdorligi bilan ajralib turadi. Inson Mirzacho’lni o’zlashtirish bilan uning tuproq qoplami, o’simlik va hayvonot dunyosiga tobora ko’proq ta’sir ko’rsatmoqda.



1- rasm. Mirzacho’l mintaqasi tuproqlarining sho’rlanish darajalari (% hisobida.)

Sug’oriladigan tuproqli hududlar ko’pincha tabiiy va sun’iy suv o’tkazuvchanlikka ega emas, shuning uchun tuproqlar sho’rlanishga uchraydi. Hozirgi vaqtda sug’orildigan tuproqlar orasida kuchsiz sho’rlangan va yuvilgan yerlar katta maydonlarni (46,8 %) tashkil etadi.

So’nggi o’n yillikda sho’rxoklar, meiorativ holda qiyin bo’lgan bu yerlarni o’zlashtirish munosabati bilan o’rtacha va kuchsiz sho’rlangan maydonlar ko’payadi. Ularning keyingi meiorativ holatini yaxshilash maqsadida aniq kuchlarni jalb etish kerak. Meliorativ tadbirlar ichida tuproq sho’rini yuvish muhim tadbirlardan hisoblanadi. Biroq viloyatimizda bu muhim meliorativ tadbirni o’tkazishga yetarlicha ahamiyat berilmaydi, texnik nosoz, ish samarasi past kollektor-zovur tarmoqlari yordamida sho’r yuvish me’yorlariga amal qilinmagani holda o’tkaziladi, bu ishlar o’z navbatida salbiy oqibatlarga olib keladi. Tuproq sho’rini yuvish tadbirini o’tkazishdan oldin esa barcha mavjud zovur tarmoqlarini ishchi holatiga keltirish (tozalash), tuproqning sho’rlangailik darajasi, sho’rlanish tipi (ximizmi), mexanik tarkibi, suv o’tkazuvchanlik xossalarini hisobga olgan holda sho’r yuvish me’yorlarini belgilash muhim ahamiyat kasb etadi. Bu tadbirni o’tkazish (sho’r yuvish) uning birinchi etapida tuproqni sizot suvlarigacha bo’lgan qatlamlaridagi zararli tuzlardan

mumkin qadar tozalanganda, ikki-uchinchi etapida esa sho'r yuvish va zovurlar yordamida sizot suvlari mineralizatsiyasi maqbul ko'rsatkich – litrda 2 grammgacha kamaytirilgan holatlarda sifatli o'tkazilgan hisoblanadi. Shu bilan bir qatorda tumanlardagi sug'oriladigan tuproqlar kuchi sho'rlangan tuproqlarga 39,9 % dan 42,6 % gacha maydonlar to'g'ri keladi. Alohida ta'kidlash joizki, keyingi o'n yillikda sho'rxaklar maydoni juda tez qisqaradi. Tuproqlar unumdorligining pasayishida suv eroziyasi ham ko'proq ta'sir ko'rsatadi. Tuproq yuvilganda mayda zarrachalari bilan organik moddalar olib chiqilib ketiladi, chirindi qatlam qisqaradi, chirindi miqdori kamayadi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 55-moddasida “Yer, jumladan tuproq, boshqa tabiiy boyliklar singari umummilliy boylik hisoblanadi, undan oqilona foydalanish zarur va u davlat muhofazasida turadi” deb qayd etilgan.

Hozirgi kunda mintaqada bajarilishi lozim bo'lgan eng ustivor vazifalarga quyidagilar kiradi:

- sug'orish tizimlari va inshootlarini qayta rekonstruktsiya qilish;
- o'zlashtirilgan yerlardan samarali foydalanish, tabiiy va iqtisodiy geografik omillarni hisobga olgan holda qishloq xo'jalik ekinlarini landshaft tiplariga moslashtirib joylashtirish;
- buzilgan antropogen landshaftlarni rekultivatsiya qilish va ularning geoeologik muvozanatini tiklash;
- landshaftlarini kompleks o'rganish va shu asosda ulardan samarali foydalanish va muhofaza qilishning geografik asoslarini ishlab chiqish.

Yer sharining deyarli barcha mamlakatlarida, jumladan respublikamizda ham tan olingan va amalga oshirilayotgan barqaror rivojlanish kontseptsiyasi tabiat, iqtisodiyot va ijtimoiy sohalarning teng huquqliligiga asoslanadi. Barcha hududlarda tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ularni yaxshilash, muhofaza qilish, mavjud ekologik muammolarning echimini topish, barqaror rivojlanishning asosi hisoblanadi. Shu munosabat bilan tabiatdan foydalanish va uni muhofaza qilishni strategik rejalashtirish barqaror rivojlanishning muhim vositasi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алибеков Л.А., Нишоннов С.А. «Природные условия и ресурсы Джиззакской области». -Т.: Узбекистан, 1978.
2. Alibekov. L.A., S.A.Nishonov. Tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan rasional foydalanish. –Т.: O'qituvchi, 1983.
3. Shodimetov Yu. Ijtimoiy ekologiyaga kirish. -Т.: O'qituvchi, 1994.

ОҲАНГАРОН АНТРОПОТЕХНОТИЗИМИДА ТЕХНОГЕН ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шаджалилов Ш.Ш., Абдуллаев И.Х.*

Оҳангарон антропо­тех­но­ти­зи­ми ху­ду­ди­да тех­но­ген ландшафтларнинг барча турлари шаклланган. Техноген ландшафтларнинг шаклланиши ва ривожланиши инсоннинг техноген фаолияти турларига боғлиқ. Инсоннинг хўжалик фаолиятининг турли йўналишларида маълум бир турдаги техноген ландшафтлар шаклланади ва ривожланади.

Оҳангарон антропо­тех­но­ти­зи­ми­да тех­но­ген ландшафтларнинг қуйидаги турлари тарқалган: карьерлар; карьер-таш­ла­ма­лар; қайта ишлаш корхоналари таш­ла­ма­лари (хвостохранилиша ва терриконлар), чўкиш зоналари, ўпирилишлар, гидроташ­ла­ма­лар; сув ҳавзалари, селитеб ландшафтлар ва ҳ.к.

Карьер ландшафтлари мазкур ху­ду­д­да­ги энг кенг тарқалган техноген ландшафтлар турига киради. Мазкур ландшафтлар кўмир ва рудали карьерларга бўлинади. Шунингдек, ландшафтлар ўз навбатида водий, ёнбағир ва сув айирғич турларига бўлинади. Ушбу ху­ду­д­да Ангрэн, Жигаристон, Қўрғошинкон, Қалмоққир, Далнее, Саричека, Шеробод карьерлари мавжуд.

*Шаджалилов Ш.Ш. – ТДШИ, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.;

Абдуллаев И.Х. - ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, г.ф.н.

Ангрен кўмири карьери 1948 йилдан бошлаб ишга тушган, қуввати йилига 4,5 млн. тонна. Карьерда кўмирни транспортсиз ташиш тизимлари ишлаб чиқилди. Карьернинг чуқурлиги 1962-1967 йилларда 140-165 метрни ташкил этган вақтда қазилган ишлари Оҳангарон дарёси ўтказилган канал атрофига яқин жойларда олиб борилган. Унда карьер деворининг умумий қиялиги 18° бўлган. 1978 йил гидрогеологик ва муҳандис-геологик тадқиқот ишлари тугалланиб, карьер реконструкция қилингандан сўнг унинг қуввати йилига 10-15 млн. тонна етказишга мўлжалланган (Ахметшина, Мирасланов, Вахобов, 1978). 1980 йилдан кейин карьернинг чуқурлиги 300 м ташкил этди, карьерни умумий қиялиги $16-18^{\circ}$. Ҳозирги вақтда карьерни реконструкция қилиб унинг қувватини йилига 10 млн. тоннага етмоқда. Кўмир қатлами устидаги олиб ташланадиган жинслар 56 млн м^3 ташкил қилиб, карьернинг ўлчамлари қуйидагича ифодаланади: юзасининг узунлиги 5 км, кенглиги 3 км, супачалар сони 25. Карьер зиналарининг ўртача баландлиги 12 м, ички ташламаларнинг қалинлиги 120 м, карьер майдони 15 км^2 , лойиҳада белгиланган чуқурлиги 520 м, ҳисоб-китобларга кўра карьер деворининг қиялиги эксплуатация даврида $14-16^{\circ}$ етиши мумкин.

Карьер водий типига кириб, Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Ангрен карьери техноген ландшафтларнинг карьер-ташлама турига кирилади. Мазкур ландшафт тури икки қисмдан иборат: карьер ва ички ташламалар. Карьер учта урочисчедан иборат: ишчи деворлар, ноишчи (стационар) деворлар, карьер туби. Ишчи деворларда жойлашган ландшафтлар тури деярли ўсимлик қопламисиз. Шунинг учун уларни яланғоч техноген ландшафтлар дейилади. Ички ташламаларнинг катта қисми ўсимлик билан қопланган ва пичанзорларга айланган. Уларни ўтлоқ ташлама ландшафтлари деб аталади.

Олмалик шаҳри атрофида қуйидаги карьерлар мавжуд: Қўрғошинкон, Қалмоққир, Саричека, Олтинтопкан, Сардоб ва бошқалар.

Қалмоққир карьери Олмалик, Қалмоққир ва Нокпай сойлари сув айирғичида жойлашган. 1954 йилдан ишга туширилган, 1961 йилдан маълумотлари бўйича коннинг қазиб чиқариш чуқурлиги 450 м, узунлиги 2400 м ва кенглиги 1400 м, умумий қиялиги $38-40^{\circ}$, супачалари қиялиги $50-60^{\circ}$. Тасдиқланган лойиҳа бўйича карьернинг чуқурлиги 720 м, майдони 8 км^2 ташкил этиши режалаштирилган.

Қўрғошинкон карьери 1971 йилдан ишга туширилган чуқурлиги 340 м, узунлиги 1250 м, кенглиги 1120 м, супачалар баландлиги 20-30 м ташкил қилади. Умумий қиялиги $40-45^{\circ}$, 1983 йилдан кон ишлари тўхтатилган.

Саричека карьери Олмалик мис кони районининг жануби-шарқий қисмида, Совуқбулоқ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган, 1971 йилдан ишлайди. Лойиҳада унинг максимал чуқурлиги 510 м (тоғлик қисмида -300 м, карьерларда -210 м), супачалар баландлиги -30 м ташкил этади.

Рудали карьерларда унинг девор ва косаси урочисчелари ажратилади. Фациялар эса литологик-тектоник тамойил асосида ажратилади. Масалан, ёриқсиз, кучсиз, ўрта ва кучли ёрилган тоғ жинслари тектоник ёриқлар ва майдаланган зоналар улар қаторига кирилади.

Қурилиш хомашёси карьерлари. Мазкур ландшафтларнинг асосий хусусияти уларнинг ёппасига тарқалгани, тезда қайта тикланиши ва майдонининг жуда кичиклигидир.

Морфологик белгисига кўра уларни 3 қисмга ажратиш мумкин: йирик карьерлар майдони $0,5-1 \text{ км}^2$, майда $-0,1 \text{ км}^2$. Уларга Жигаристон карьери, оҳактош қазиб олувчи карьер, гранит ва бошқалар кирилади. Баъзиларини ҳисобга олмаганда улар асосан, ёнбағирларда жойлашган. Мазкур ландшафтларнинг ўзига хослиги шундаки, табиий ўсимлик билан тезда қопланади ва тикланади. Улар дарё водийларида, сойларда кенг тарқалган. Қурилиш материаллари қазиб чиқаришда ташлама ландшафтлар шаклланмайди.

Ташлама ландшафтлар. Мазкур ландшафтлар тоғ-кон саноати ҳудудларидаги техноген ландшафтларнинг деярли 60 фоиз майдонини ташкил қилади. Табиий-

географик шароитига кўра улар водий-текислик, водий, ёнбағир ташлама ландшафтларига бўлинади.

Водий-текислик ташлама ландшафтлари асосан дарёларнинг ўзанлари ва террасаларида кўпроқ тарқалган. Мазкур турга Ангрен кўмири конининг ташламалари ва Олмалиқ қайта ишлаш ва бойитиш корхоналарининг ташламалари (хвостохранилищелар) киради. Улар асосан Оҳангарон дарёсининг ўзани ва террасалари доирасида жойлашган. Ташламаларнинг баландлиги 25-30 м, айрим ташламаларнинг майдони 0,5-1,0 дан 5-10 км²га. Ангрен-Олмалиқ районидаги ташламаларнинг умумий майдони 20-30 км². Ангрен кўмири кони ташламалари асосан гил-қумтошлардан иборат. Шунинг учун, кўп ҳолларда улар табиий равишда тикланади. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташламалари ўсимликлар учун зарарли ҳисоблангани учун, улар ўсимлик билан қопланмаган. Уларни қайта тиклаш учун фитомелиорация ишларини амалга ошириш зарур. Ташламалар платосимон шаклга эга.

Ёнбағир ташлама ландшафтлари тоғ ёнбағирлари, даралар ва сувсиз сойларнинг водийларида жойлашган. Уларнинг асосий хусусияти баландлигининг жуда юқорилигидир. Майдонларнинг камлиги туфайли ташлама ландшафтларининг баландлиги 200-250 м, айрим жойларда эса 600 м (Олтинтопкан) га етади.

Ташлама ландшафтларининг шаклланишини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

а) ташлама ландшафтларнинг шакли ва хоссаларининг шаклланиш босқичи. Ташламалар ҳосил бўлгандан бир йил ўтгандан сўнг улар зичлашади ва хоссалари ўзгаради;

б) узоқ вақт мобайнида нураш ва техноген ётқизикларнинг ҳосил бўлиш босқичи;

в) табиий тикланиш босқичи уч қисмдан иборат: 1) пионер ўсимликларнинг ривожланиш даври; 2) зонал ўсимликларнинг шаклланиш даври; 3) рекультивация босқичи ва рекультивация ландшафтларининг ҳосил бўлиши.

Гидроген чизиксимон ва селитеб ландшафтлар. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнида ер усти ва ости сувланишининг йўналиши ва сатҳи ўзгаради. Натижада сув омборлар гидроташламалар, сув ҳавзалари ҳосил бўлади. Қазиб олинган карьерлар ўрнида, бурғилаш қудуқлари атрофида сув ҳавзалари шаклланади. Тоғ кон саноати ҳудудларини селлардан ва тошқинлардан муҳофаза қилиш ва оқимни меъёрга солиш мақсадида сув омборлари қурилади. Ангрен саноат райони ҳудудида Наугарзон, Оҳангарон, Жигаристон сув омборлари барпо этилган.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг турли босқичларида турли хил селитеб ландшафтлар шаклланади. Ангрен-Олмалиқ саноат ҳудудида Янгиобод, Дукант, Кучбулоқ, Ангрен, Олмалиқ, Нуробод аҳоли манзилгоҳлари шаклланган ва ҳозирга даврда ҳам ривожланиб бормоқда. Улар ҳам ўз навбатида Оҳангарон антропогенотизими ландшафтларини шаклланишида алоҳида таъсир кўрсатади ва селитеб майдонларни ташкил қилади.

Адабиётлар:

1. Вахобов Х., Шожалилов Ш. Особенности распространения и развития карьерных ландшафтов. Ўзбекистон география жамияти Ахбороти 19-жилд, Тошкент, 1998. 46-48 Б
2. Вахобов Х., Шожалилов Ш. Прогноз устойчивости склонов и формирование оползневых ландшафтов. «Табиий ландшафтларнинг экологик муаммолари». Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Қарши, 1999. 15-16 Б
3. Вахобов Х., Шаджалилов Ш., Абдуллаев И. Основные критерии физико-географических условий рекультивации нарушенных ландшафтов. Международная научная конференция теоретической прикладной проблемы геоэкологии. Минск, 2001. 95-97 С.

QASHQADARYO VOHASIDA HAVO HARORATINING O'ZGARISHI

Yunusov G'.X., Jumayev I.S., Alimardonov L.G'.

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti

Insoniyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida global muammolardan biri iqlim o'zgarishi hisoblanadi. Iqlim o'zgarishining ko'lamini baholash, uning mumkin bo'lgan salbiy va ijobiy jihatlarini tadqiq etish hozirgi kunda iqlimshunos olimlarning diqqat markazida turibdi. Havo haroratining yillik qiymatlari, yillararo o'zgarishi hamda ularning hududlar bo'yicha taqsimotini baholash muhim ahamiyatga ega. Mazkur nuqtai nazardan kelib chiqib, havo haroratining Qashqadaryo vohasi bo'yicha o'zgarish qonuniyatlarini o'rganish talab etiladi. Yuqorida qayd etilgan holatlar tadqiqot ishining dolzarbligini belgilaydi.

Ushbu ishda havo haroratining o'zgarishini Qashqadaryo vohasi misolida ko'rib chiqildi.

Ma'lumki havo harorati o'zgarishida shu joyning geografik o'rni, havo sirkulyatsiyasining xususiyatlari va relyefi muhim ahamiyat kasb etadi. Qashqadaryo vohasining yozi issiq, quruq va davomli, qishi nisbatan iliq. Hudud shimol va sharq tomondan tog'lar bilan o'ralgan. Bu esa Arktika va Sibirdan keladigan sovuq havo massalarining yo'lini to'sadi. Aksincha g'arbiy qismi ochiq bo'lib, mo'tadil dengiz va subtropik havo massalarining to'siqsiz kirib kelishiga imkon beradi. O'rtacha havo haroratlarning yuqori qiymatlari hududning g'arbiy qismidagi tekisliklarga to'g'ri keladi. Sharqqa tomon balandlikning orta borishi bilan havo haroratining pasayishi kuzatiladi.

Maqsadga erishish uchun, havzadagi mavjud meteostansiyalarda o'lchangan o'rtacha havo haroratlari to'g'risidagi ma'lumotlar to'plandi. To'plangan ma'lumotlarni tahlil qilishda ular uchta davrga bo'lib o'rganildi; 1) bazaviy iqlimiy davr (1961-1990 yy.); 2) joriy iqlimiy davr (1991-2015 yy.); 3) butun hisob davri (1961-2015 yy.).

Natijalar 1-jadvalda keltirilgan. Jadvaldan ko'rinib turibdiki eng yuqori harorat havzaning g'arbiy qismidagi G'uzor (16,9 ° C) va Muborak (16,5° C) stansiyalarida kuzatilgan. Eng past harorat esa havzaning tog'li qismidagi va Mingchuqur (8,0° C), Oqrabot (11,7° C) stansiyalarida qayd etilgan.

1-jadval

Havo haroratlarning davrlar bo'yicha o'zgarishi

Meteorologik stansiyalar	Mutlaq balandligi, m	I	II	III	$\Delta t = II - I$	$\Delta t = III - I$
		t, ° C	t, ° C	t, ° C	t, ° C	t, ° C
Muborak	285	16,2	16,8	16,5	0,6	0,3
Qarshi	378	15,8	16,7	16,2	0,9	0,4
Chimqo'rg'on	465	15,4	15,8	15,6	0,4	0,2
G'uzor	524	16,7	17,2	16,9	0,5	0,2
Shaxrisabz	633	15,4	16,1	15,8	0,7	0,4
Dehqonobod	874	14,8	15,6	15,1	0,8	0,3
Oqrabot	1599	11,4	12,0	11,7	0,6	0,3
Mingchuqur	2100	7,8	8,1	8,0	0,3	0,2
Ko'l	2005		7,1			

Jadval ma'lumotlarining tahlili shuni ko'rsatdiki, barcha stansiyalarda havo haroratlari II joriy iqlimiy davrda I bazaviy iqlimiy davrga nisbatan muayyan qiymatlarga ortganligini ko'rsatmoqda. Havo haroratining eng katta ortishi Dehqonobod (0,8 ° C) va Qarshi (0,9 ° C) meteostansiyalariga to'g'ri kelgan bo'lsa, uning kichik qiymatlari Mingchuqur (0,3 ° C) hamda Chimqo'rg'on (0,4 ° C) stansiyalarida kuzatilgan.

Havzadagi 9 ta meteostansiyalarda havo haroratining fasllar bo'yicha o'zgarishi tahlil qilindi. Bu yerda ham yuqoridagi kabi 3 ta hisob davrlari uchun o'rganildi. Natijalar 2-jadvalda keltirilgan.


Jadvalga e'tibor qaratadigan bo'lsak II joriy iqlimiy davrda I bazaviy iqlimiy davrga nisbatan har bir faslda haroratning muayyan qiymatlarda ortib borganligini ko'rish mumkin. Jadvaldan ko'rinib turibdiki barcha meteostansiyalarda II joriy iqlimiy davrda I bazaviy iqlimiy haroratning ancha ortganligini guvohi bo'lishimiz mumkin. Bu holat ayniqsa tekislik stansiyalarida ko'zga yaqqol tashlanadi.

2-jadval

Havo haroratining fasllar bo'yicha o'zgarishi

Meteorologik stansiyalar	Bahor			Yoz			Kuz			Qish			Yillik		
	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Muborak	16,8	17,4	17,1	30,2	30	30,1	15,1	15,9	15,5	2,8	3,7	3,3	16,2	16,8	16,5
Qarshi	16,6	17,3	16,9	28,6	29,1	28,8	15	16	15,5	3,1	4,3	3,6	15,8	16,7	16,2
Chimqo'rg'on	16	16,4	16,2	27,9	27,7	27,8	14,7	15,3	15	3,1	4	3,5	15,4	15,8	15,6
G'uzor	16,9	17,4	17,1	28,8	29	28,9	16,4	17	16,7	4,6	5,4	5	16,7	17,2	16,9
Shaxrisabz	15,7	16,2	16	27,5	27,9	27,7	15	15,7	15,3	3,6	4,6	4,1	15,4	16,1	15,8
Dehqonobod	14,5	15,1	14,8	26,6	27,1	26,9	14,5	15,7	15,1	3,5	4,4	3,9	14,8	15,6	15,1
Oqrabot	10,3	11	10,6	23,1	23,3	23,2	11,9	12,7	12,3	0,5	1	0,8	11,4	12	11,7
Mingchuqur	6,6	7	6,8	18,7	18,7	18,7	8,3	8,9	8,6	-2,3	-2,1	-2,2	7,8	8,1	8
Ko'l		6,8			17,4			7,9			-3,4			7,1	

Havzaning tekislik, tog'oldi va tog'li hududlarida joylashgan stansiyalarda kuzatilgan atmosfera yog'inlarining yillararo o'zgarishini tahlil qilamiz (1-rasm).



1-rasm. O'rtacha havo haroratining yillararo o'zgarish grafigi

Oqrabot meteostansiyasida o'lgangan havo haroratining o'zgarishini o'rganish maqsadida, ularning trendlari aniqlandi. Hisob davrining boshida 11°C ni tashkil etgan bo'lsa, hisob davrining

oxirida 12 °Cga teng bo'lgan. Havo harorati butun hisob davrida (55 yil) 1 °C ga ortganligidan yoki boshqacha qilib aytganda, har yili 0,02 °Cga ortib borganligini ko'rsatmoqda.

Dehqonobod va Qarshi stansiyalarida ham trend chizig'i ancha ortganligini, ko'rishimiz mumkin. Dehqonobodda 1,3 °C ga Qarshida 1,4 °C ga ortganligi grafikdan ko'rib turibmiz. Har uchala stansiyada ham yillik o'rtacha haroratning eng past qiymatlari 1972 yilda kuzatilgan bo'lib Oqrabotda 9,5°C, Dehqonobodda 11,3 °C, Qarshida 13,2 °C ga teng bo'lgan. Oqrabot stansiyasida yillik o'rtacha haroratning eng yuqori qiymatlari 2000 yilda (13,2°C) kuzatilgan bo'lsa, Dehqonobodda 2001 yilda (16,7 °C), Qarshida 2004 yil (17,5°C)da qayd etilgan.

Xulosa qilib aytganda havo harorati rejimi bo'yicha viloyat hududi kontinental iqlim turiga ega bo'lib, joriy iqlimiy davrda butun viloyat hududi bo'ylab o'tgan davrlarga nisbatan havo harorati ko'rsatkichlarining umumiy ortish tamoyili aniqlandi. 2004 yildan keyingi davrda viloyatning barcha stansiyalarda o'rtacha yillik havo haroratining kamayish tamoyili kuzatilmoqda.

Adabiyotlar:

1. Hasanov I.A., G'ulomov P.N., Qayumov A.A. O'zbekiston tabiiy geografiyasi (II-qism). –T.: O'qituvchi, 2007.-161.b.
2. Чуб В.Е. Изменение климата и оценка природно-ресурсного потенциала Узбекистана. –Т.: НИГМИ, 2000.
3. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. –Т.: НИГМИ, 2007.

YASHILLIKDA TIRIKLIK AKSI

O'ngarov M., O'rinbayeva T.B., Ochilova S.*

Nizomiy nomidagi TDPU

Siz “Yashillik”da qanday mo'jizalar yashirin ekanligini bilasizmi? Yerdan hayot paydo bo'libdiki barcha tirik organizmlar bir-biri bilan uzviy bog'liq yashamoqda. Yashillik bu o'simliklar demakdir. O'simliklarni tabiat inom etgan ajoyib tuhfa, mo'jiza desak yanglishmagan bo'lamiz. Sababi o'simliklarning barcha hayvonat, mikroorganizmlar va inson hayotidagi tutgan muhim o'rnidadir.

Bularga:

1. Quyosh nuri ta'sirida o'simliklarning yashil barglarida karbonat angdrid hamda suv ishtirokida murakkab organik brikma hosil bo'lish jarayoni, ya'ni fotosintezdir. O'simliklarning fotosintez jarayoni Yer yuzida quyosh energiyasini kimyoviy bog'lar energiyasiga aylantirishning birdan-bir vastasidir. O'simliklarning kosmik ahamiyati ham shundadir. Ushbu jarayon tufayli yashil o'simliklar 145 milliard tonnaga yaqin kislorod ajratadi. Bu kislorod barcha tirik organizmlarning hayotini, tirikligini ta'minlaydi.

2. Daraxtlarning barglari havodagi changni 42-75 % gacha tutib qoladi. Terak, olma, yong'oq daraxtlari chang tutqich daraxtlar hisoblanadi. Bir gektar maydondagi yosh teraklar yoz davomida 340 kg ga yaqin changni, bir gektar maydondagi qarag'ay o'rmonlari esa yil davomida havodagi 3-4 tonnaga yaqin changni tutib qoladi. Havo tarkibida chang va turli kasalliklarni keltirib chiqaruvchi mikroorganizmlar mavjud bo'lib, ularning zararli ta'siri natijasida odamlarda, hayvonlarda turli kasalliklarni keltirib chiqaradi. Bu esa o'z o'zidan umirning qisqarishiga, ya'ni tiriklikka to'sqinlik qiluvchi yana bir omildir. Igna bargli o'simliklar havoga ajratib chiqaradigan fitonsidlar havodagi mikroba va bakteriyalarni nobud qiladi. O'rmondagi qarag'ay, archa, qoraqarag'ay, eman havoga fitonsidlar ajratadi. O'rmon havosidagi zararli bakteriyalar shahar havosiga nisbatan 200 marta kam bo'ladi.

3. O'simliklarning yana bir muhim xislati shundaki inson va hayvon organizmida sintezlanmaydigan, lekin juda kerakli bo'lgan vitaminlarni sintezlaydi. Bejizga N.I.Lunin “Ovqat tarkibida oqsillar, yog'lar, uglevodlar, tuzlar, suvdan tashqari alohida moddalar bo'lib, ularsiz organizm yashashi mumkin emas” demagan. Ularning 40 dan ortiq turi bo'lib turli o'simliklarda

*O'ngarov M. - Nizomiy nomidagi TDPU Biologiya o'qitish metodikasi kafedrasida o'qituvchisi

O'rinbayeva T.B. - Toshkent tumani 26-sonli maktab o'qituvchisi.;

Ochilova S. - Nizomiy nomidagi TDPU Biologiya o'qitish metodikasi 1-kurs talabasi

turli miqdorda hosil bo'ladi va organizmlarning tirikligini ta'minlash uchun muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

4. Kuchli shovqin natijasida insonlarda zo'riqish, ayrim organlarning funksiyasi buzilishi, qon bosimi ko'tarilib uyqu buzilishi kabi holatlar yuz beradi. Qolaversa, ko'zning yorug'lik sezgisi 20% ga kamayishi kuzatiladi. Xuddi shuningdek nafaqat inson balki boshqa tirik organizmlarga ham kuchli shovqin salbiy ta'sir ko'rsatadi. Yashil o'simliklar olamida shunday xususiyat borki ular shovqinni o'zida tutib qolish xususiyatiga ega. Masalan, qalin shox-shabbali daraxtlar shovqinni 12-36 % gacha kamaytiradi.

5. Yashil o'simliklarimiz ajratib chiqarayotgan kislorod havoda turli reaksiyalar natijasida ozon qatlami bo'lib, tiriklikni himoya qiladi. Quyoshdan kelayotgan turli xildagi zararli nurlardan asraydi.

6. Yashil o'simliklarimiz tabobatimiz gavharlaridir hamda ulardan tayyorlangan damlamalar inson organizmidagi turli xildagi kasalliklarni yengishda yordam beradi. Jumladan birgina begona o't hisoblangan oddiy jag'-jag'ni oladigan bo'lsak, uning yer ustki qismidan tayyorlangan dorilar qon ketishini to'xtatishda ishlatiladi. O'zi esa "C" va "K" darmondorilari, olma va limon kislotasiga juda boy. Tabiatda shunday o'simlik borki u "chayono't" nomi bilan xalq orasida mashhur. Asl nomi gazandao't hisoblanib, unga yaqinlashsangiz, tegib ketsangiz terini kuydiradi. Lekin o'zi juda foydalidir. U qo'lqop kiyib yig'ib olib so'ltiladi. Shundagina kuydirish xususiyati yo'qoladi. Uning barglaridan tayyorlangan damlamalar o'pkadan, burundan, ichakdan qon ketishini to'xtatadi. Bundan tashqari surunkali yaralar, ko'krak og'rig'i, avitaminozlar, diabet, isitma, bod kasalliklariga juda samarali ta'sir ko'rsatadi. Abu Ali ibn Sino ushbu o'simlikning urug'ini nafas qisishi kasalligini davolash uchun ishlatgan. Yashillikdan shifobaxsh sifatida nafaqat insoniyat balki hayvonat olami ham shifolanadi. Qadim zamonlardayoq Janubiy Amerika hindulari qabilasi kasal bo'lib qolgan puma (yovvoyi mushuk) lar qandaydir daraxtning po'slog'ini g'ajishini sezganlar. Hindular bu po'stloq qaynatmasi bilan bezgakdan azob chekayotgan kishilarni davolab ko'rganlar. Shu yo'sinda "Xin" daraxti kashf etildi (Janubiy Amerikani zabt etgan ispanlar bu daraxtni shunday deb atagan). Bu daraxtning po'stlog'idan olinadigan xinini butun dunyoda "bezugak"ga qarshi dori sifatida ishlatiladigan bo'ldi. Bizning davrimizda esa maral bug'u olimlarga yangi dorivor o'simlik-levzeyani topishga yordam berdi. Kuz faslida bug'ular o'z raqibi bilan olishish maqsadida levzeyani ildizini kemiradilar. Aniqlanishicha maral istemol qiladigan bu ildiz odamga ham kuch quvvat bag'ishlaydi. Bunday shifobaxsh xususiyatga ega bo'lgan, bir-biridan ajoyib o'simliklarimiz juda ko'p.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki; yashil olam shunchalik murakkabki, ularning biz bilgan va biz bilmagan qirralari juda ko'p. Quyosh ta'sirida yuzaga kelgan yashillik, o'zining murakkab va sirli fotosintez orqali barchamizni kislorod bilan ta'minlabgina qolmay, tirik organizmlarning gurkirab rivojlanishiga, xilma-xilligining ortishiga, yuksalishiga, asos bo'lgan ozon qatlamining ham bunyodkoridir. Bundan tashqari ular orasida o'zining shifobaxshligi bilan ajralib turadigan vakillari tufayli barchamizni turli xildagi kasalliklardan forig' bo'lishimizga, umrimizning bardavom bo'lishiga ham aloqadordir. Ular havoning tozaligini ham ta'minlashda ishtirok etadilar. Yashil olamimizda bundanda ajoyib mo'jizalar, sir sinoatlar juda ko'p. ularni faqat qunt bilan o'rganmog'imiz, ularga mehr qo'yib, asrab-avaylamogimiz zarur. Zero yashilliksiz hayotni tasavvur etib bo'lmaydi. Ular bizning bir bo'lagimiz. Bizning hayotimiz doimo ularda namoyon bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Mavlonov O., Umurtqasizlar zoologiyasi O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, -T.: 2006.
2. Dadayev S., Mavlonov., O. Zoologiya. Iqtisod Moliya -T.: 2006.

АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИДА СУВИ КЎПАЙИШИНING ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

Ғўдалов М.Р.*
ЖДПИ

Айдар-Арнасой кўллар тизими сувининг кўпайиши орқали рўй берадиган табиий географик жараёнларни баҳолашнинг илмий ва амалий аҳамияти бениҳоя катта ҳисобланади. Айдар-Арнасой ботиғида сув кўпайиши таъсирида табиий географик жараёнлардаги ўзгаришларнинг таҳлилини Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувнинг кўпайиш даврларини аниқлаб олишдан бошланади.

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сувнинг кўпайиши тебранма хусусиятга эга бўлиб, айрим йиллари (1969-1970, 1994, 2004) сув сатҳининг кескин равишда кўтарилишига олиб келган. Масалан, Ўрта Осиё табиий ўлкаси учун энг серсув йиллар бўлган 1969 йил февраль ойидан 1970 йилнинг март ойи оралиғида, Айдар-Арнасой кўллар тизимида 21,8 км³ сув куйилган. Бу кўрсаткични кўлнинг йиллик ўртача (5,8 км³) сув кирими билан таққослайдиган бўлсак, салкам 4 баробар юқори эканлиги кўринади. Бу ҳолат сувнинг кирим-чиқим балансини бузилишига олиб келади. Сувнинг кирим-чиқим балансининг бузилишининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирига қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамыз.

Баъзи йиллари кўл суви сатҳининг (1996, 2001, 2007) пасайганлиги ҳам кузатилган. Бу йиллари Айдар-Арнасой кўллар тизимида регрессия кучли бўлиб, кўл қирғоқ чизиғининг 5-10 метргача ортга чекиниши кузатилади. Шу ўринда айтиш мумкинки, кўллардаги сув сатҳининг ўзгариши йил давомида, яъни ойлар кесимида ҳам фарқ қилишини кўриш мумкин. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сатҳи сув кирими юқори бўлган март, апрель ойлари кўтарилса, сув кирими кам бўлган октябрь ва ноябрь ойларида кескин равишда пасайиб кетади. Кўлда регрессия кузатилган даврда, соҳилларда шўрҳоклашган ва асосан галофит гуруҳидаги ўсимликлар ўсадиган лентасимон ареаллар ландшафти вужудга келади.

Ҳозирги кунда Айдар-Арнасой кўллар тизимининг майдони 3702 км², ҳажми 44,1 км³, ғарбдан-шарқга узунлиги 350 км, шимолдан-жанубгача кенлиги 2 км дан 40 км гача бўлган морфометрик кўрсаткичларга эга. Кўл ўлчамларининг катталашиб бориши ўз навбатида ўзига хос микроклимнинг шаклланишига, янги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳосил бўлишига сабабчи бўлди. Кўл атрофларида ер ости сувлари сатҳи бир неча ўн км масофада кўтарилди ва уларга боғлиқ ҳолда гидроморф типидagi тупроқлар ҳосил бўлди.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф ҳудудлар иқлимига қанчалик таъсир кўрсатганини Арнасой кўли соҳилида ташкил қилинган Арнасой кўл станцияси ва Жиззах шаҳридаги метеорологик станция маълумотлари билан таққослаганда аниқ кўринади. Маълумотлар ҳар иккала масканлардан 1998-2018 йиллар учун олинди ва ҳаво ҳарорати, ёғинлар миқдори, нисбий намлик кўрсаткичларининг ўртача ойлик ва йиллик натижалари ҳисоблаб чиқилди.

Жиззах метеорологик ва Арнасой кўл станцияларининг 1998-2018 йиллардаги иқлим кўрсаткичларининг ўртача ҳолати

Кўрсаткичлар	Ўртача ойлик												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
	Жиззах метеорологик станцияси												
Ҳаво ҳарорати, С ⁰	-0,6	2	7,9	15	21,2	26,4	28,6	26,6	21	13,8	6,8	2	14,2

* Ғўдалов М.Р. – ЖДПИ География ўқитиш методикаси ўқитувчи.

Ёғинлар, мм	32	33	58	49	27	9	2	2	3	18	30	30	295
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	75	75	72	64	50	36	34	35	39	51	65	75	56
Арнасой кўл станцияси													
Ҳаво ҳарорати, С ⁰	-2	1,5	8	15, 1	21, 1	25, 4	26, 8	24, 4	18, 9	12, 7	5,8	0,8	13,2
Ёғинлар, мм	55	54	77	65	35	9	3	1	3	28	40	42	412
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	77	75	76	66	57	47	46	50	53	60	71	80	63

Жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах метеорологик станциясида ўртача йиллик ёғин миқдори 295 мм ни, Арнасой кўл станциясида эса 412 мм ни ташкил қилади, фарқ 117 мм дан иборат. Бу жуда катта кўрсаткич ҳисобланади, эҳтимол йигирма йиллик маълумотлар ўртача миқдорни аниқлашда камлик қилиши мумкин. Аммо, ҳар иккала кузатиш масканларида сезиларли фарқлар ҳавонинг нисбий намлигида ҳам яққол кўриниб турибди. Январь, февраль, март ойлари иккала кузатиш масканларидаги фарқлар деярлик сезилмайди. Ҳаво ҳароратининг кўтарил билан, яъни май ойидан бошлаб Жиззах шаҳрига нисбатан Арнасойда ҳавонинг нисбий намлиги 7 %, июнда 11 %, июлда 12 %, августда 15 % кўплиги кузатилади. Ҳаво ҳароратининг пасайиши билан нисбий намликдаги фарқ ҳам камайиб боради. Масалан, сентябрдаги фарқ 14 %, октябрда 9 %, ноябрда 6 %, декабрда 5 % ни ташкил қилади.

Ҳаво ҳароратидаги фарқлар киш, баҳор ва куз ойлари катта эмас. Лекин ёз ойлари фарқлар (июль ва август ойлари) 2,0⁰ С - 2,2⁰ С га етади. Ёз ойларидаги бу фарқлар Арнасой ва Шардара сув омборларининг таъсири билан боғлиқ.

Ёғин миқдорининг кўпайишига Айдар-Арнасой кўллари тизимининг ижобий таъсир кўрсатишини кўпчилик мутахассислар қувватлашади. Бунинг асосий сабабларидан бири кўллари устида бир неча юз метр қалинликда намлиги каттароқ ва ҳарорати пастроқ салқин ҳаво қатламининг шаклланиши ҳисобланади. Баҳор, қиш ва куз ойлари ғарбдан, шимоли-ғарбдан келаётган ҳаво оқимлари кўллари яқинлашган сув юзаси билан эмас, ушбу салқин ҳаво қатлами устидан сирғаниб юқорига томон ҳаракат қилади ва ҳарорати пасайиб намга тўйинади. Бу жараён ёғин ёғишни кучайтиради. Ёз ойларида ҳам салқин ҳаво қатлами сақланади, лекин ҳаво ҳарорати юқорилигидан ва намлик камлигидан ҳаво оқимлари қатлам устидан сирғаниб кўтарилса ҳам тўйиниш даражасидан узоқда бўлади, ёғин ёғмайди.

Катта майдонни эгаллаган сув ҳавзаси устидан ёз ойлари атрофдаги чўл ҳудудига нисбатан салқин ҳаво шаклланади, шу туфайли қирғоқ соҳилларида бир неча км узоқликгача кундузи бриз шамоллари эсади. Натижада, қирғоқ соҳилларида ҳаво ҳарорати кундузи 2-3⁰ С пасаяди.

Кўлларида туманли кунларнинг кўпайишига таъсир кўрсатгани ҳақида маълумотлар бор. Метеорологик станция ва Арнасой кўл станцияси ходимларининг ҳамда маҳаллий кишиларнинг маълумотлари бўйича қишда, кузда ва эрта баҳорда туманли кунлар 10-13 кундан 20-25 кунга кўпайган. Бунинг сабабларидан бири Айдар-Арнасой кўллари тизими билан боғлиқ бўлган буғланиш ва адвектив туманлар ҳисобланади. Буғланиш туманлари кўллари устидаги ҳаво совиб кетганда кўллари юзасидан кўтарилаётган сув буғларнинг ҳавода конденсацияланишидан ҳосил бўлади. Бу жараёнда сув ҳарорати унинг устини қоплаб турган ҳаво ҳароратидан юқорироқ бўлиши керак. Озгина шабада ёки кучсиз шамол кўллари устида

ҳосил бўлган туманларнинг бир қисмини қирғоққа ҳайдайди ва кўл атрофларида туманлар ҳосил бўлади.

Адвектив туманлар қишда ва кеч кузда кўллар атрофини ўраб турган қуруқлик юзасининг кучли совиб кетган пайтларида ҳосил бўлади. Шундай шароитда шамол эсан пайти кўллар юзасидаги намли ҳавони қуруқлик томон ҳайдаганда совуқ ер юзасининг устига келган нам кўл ҳавоси тезда конденсациялашиб кўллар атрофларида қалин туманларни ҳосил қилади. Бу туманлар кўпроқ Айдаркўлнинг жанубий қирғоқларида, Нурота тоғлари этакларида кўп такрорланиши кузатилади.

Айдар-Арнасой ботиғининг сувга тўлиши атроф ҳудудларда бир неча юз метр, ҳатто баъзи жойларда 10-12 км га қадар ер ости сув сатҳининг кўтарилиб кетишига сабабчи бўлди. Бу таъсир нишаблик катталигига ва қирғоқ ҳудудининг қандай жинслардан тузилишига боғлиқ ҳолда турли масофага чўзилган. Энг катта масофадаги таъсир Айдаркўлнинг шимолий ва Арнасойнинг жануби-ғарбий қирғоқларида кузатилади. Ушбу ҳудудларда қирғоқ чизиғининг кучли парчаланганлиги, сувнинг узун кўлтиқ ҳосил қилиб қирғоққа чуқур кириб борганлиги ҳамда орол ва яриморолларнинг кўплиги билан боғлиқ, улар космик суратларда яққол кўриниб турибди. Бу ҳудудда кўллар сувининг қирғоқларга кучли таъсири сув ва қуруқлик эгаллаган ҳудудлар ўртасида нисбий баландлик катта эмаслиги, нишабликнинг кичиклиги ҳамда қирғоқ зонаси юмшоқ кўл ётқизиклари ва аллювий жинслардан тузилганлиги, улар устини қалинлиги 15-30 метрли қум ётқизиклари билан қоплаганлиги билан боғлиқдир.

Кўлларда сув сатҳининг кўтарилиши баландлигига боғлиқ ҳолда қирғоқ зонасидаги ер ости сувларида нисбатан гидростатик босим ҳосил бўлади. Шунга боғлиқ ҳолда Айдаркўлнинг шимолий қирғоқларида 20-25 км масофага қадар ер ости сув сатҳи кўтарилганлигини кузатувдаги артезиан қудуқлар кўрсатмоқда. Энг катта кўтарилиш кўллар соҳилларидан бир неча юз метр, баъзан 2000 метр масофада яққол кўринади. Шу сабабли қирғоқ бўйлаб, ботқоқланган қумоқ, ботқоқланган шўрҳоқлар кенг ривожланган. Уларда ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли гидроморф ландшафтлар вужудга келган.

Айдаркўлнинг жанубий қирғоқ зонаси нисбатан қаттиқ зичлашган пролювиал ва аллювиал генезисли ётқизиклардан тузилган бўлиб, уларнинг усти қалинлиги 4-5 метргача бўлган қумлар билан қопланган. Ушбу қаттиқ негизли тоғ жинслари қирғоқларнинг кучли емирилишдан сақлайди. Иккинчи томондан Нурота тоғлари томон кўтарилиш баландлиги анча сезиларли ўзгаради. Шу сабабли ҳам Айдаркўлнинг жанубий қирғоқ соҳилларида ер ости сув сатҳининг кўтарилиши шимолий қирғоқлардагидек узоқ масофага чўзилмаган. Шу сабабли ҳам жанубий қирғоқ зонасида ер ости сувининг ландшафтларнинг шаклланишига таъсири бир неча ўн, баъзан бир неча юз метргача яхши билинади. Грунт сувлари ер юзасига жуда яқин жойлашган кўл соҳилларида ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ, ўтлоқ ва тақир тупроқли гидроморф ландшафтлар ривожланган. Уларнинг гидроморфлик хусусиятлари ўзгарувчан бўлиб, кўллар сув сатҳининг ўзгариши билан боғлиқ.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шарқ томонидаги текисликлар қадимги аллювиал жинслардан тузилган бўлиб, устки қисми қалин лёссимон жинслар билан қопланган. Бу қирғоқ зонасида сувнинг фильтрация тезлиги қумли ҳудудларга нисбатан анча кам, шу сабабли ҳам ботқоқланган тупроқлар асосан қирғоқ чизиғи яқинларидаги пасткамликларда ривожланган. Тузкон кўлининг шарқий қирғоқлари кам парчаланган. Фақат, Тузкон кўлининг шимоли-шарқий қирғоқлари кўлнинг сув сатҳига нисбатан пастлигидан сув сатҳи кўтарилганда сув бир неча км қуруқлик ичига бостириб киради, кўл сув сатҳи пасайса сув орқага чекинади ва илгари сув тагида қолган ерларда ботқоқликлар ва шўрҳоқлар ҳосил бўлади. Арнасой ва Тузкон кўлларида Мирзачўлдан ўнга яқин коллектор-зовур сувлари қуйилади. Ушбу зовурлар кесиби ўтган пасткамликларда ҳам ботқоқланган тупроқлар ривожланган. Умуман бошқа қирғоқ зоналаридаги ландшафтларга ўхшаш бу ерда ҳам кўл яқинида ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли гидроморф ландшафтлар кенг тарқалган. Кўлдан узоқлашган сари бу ландшафтлар ўтлоқ, чимли-ўтлоқ ва ўтлоқ-бўз тупроқли ярим гидроморф ландшафтлар билан алмашинади.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ҳосил бўлиши янги органик дунёнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлди. Айдаркўл шўрхокида илгари доминантлик қилган сарсазанзор, қорабароқзор ва қизилшўрзорлар сув тагида қолиб, уларнинг ўрнига сув ҳавзаси, яъни аквал ландшафт шаклланди. Сув ҳавзаси атрофларини эса тўқайлар эгаллади. Ғ. Қодиров (2005, 2006) тадқиқотларида Айдаркўл сув ҳавзасидан атрофларни ўраб турган чўл кум ландшафти томон ўсимликларнинг тарқалиши кўл таъсирига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши кузатилади. Бу ўзгариш Айдаркўлнинг шимолий қирғоқларида куйидаги кўринишга эга: кўл юзаси ва қисман сув босган қирғоқда кўга аралаш қамишзор (*Phragmites australis*, *Typha latifolia*); шўрланган сув соҳилида шўр ажриқли-қамишзорлар (*Phragmites australis*, *Aeluropus litoralis*); ботқоқ-ўтлоқ тупроқли шўрхоқда шўрланган янтоқли-шўрали-камфоросмазорлар (*Camphorosma monspeliacum*, *Alhagi pseudalhagi*, *Salsola scletantha*); кум дўнгликлари яқинида шўрланган кумоқ тупроқларда шўралиянтоқли-камфоросма аралаш шувокзорлар (*Camphorosma monspeliacum*, *Artemisia diffusa*, *Salsola leptoclada*); кум дўнгликларда эфемерли-оққурайли-шўрали, айрим жойларда янтоқ аралаш оқшувокзорлар (*Artemisia diffusa*, *Anisantha tectorum*, *Poa bulbosa*, *Psaralea drupacea*, *Climacoptera lanata*, *Alhagi pseudalhagi*) тарқалган.

Кўришиб турибдики, кўл қирғоқидан узоқлашган сари ер ости суви сатҳининг ўзгариши билан гидроф ландшафтлар секин-аста ярим гидроморф ландшафтлар билан алмашинади. Ботқоқ-ўтлоқ ҳамда кум дўнгликлари ўртасидаги шўрланган кумоқ тупроқлар устида камфоросма ёки қораматов ўсимлиги кўп учрашлиги, унинг тўйимли ем-хашак эканлигини инобатга олиб уни Айдаркўл соҳилидаги янги шўрланган ерларга экиб фитомелиорант сифатида фойдаланишни тақозо этади.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. -Т.: Фан ва технология, 2014, 71-75 б.
2. Ғўдалов М.Р. Айдар-Арнасой кўллар ҳавзасидаги микро иқлим ўзгаришлари. XXI аср – интеллектуал авлод асри. Термиз, -2013.
3. Қодиров Ғ. Жануби-ғарбий Айдаркўл соҳилидаги ўсимликлар қопламанинг трансформацияси. Узбекистан биология журнали.-2006, №4. 24-30 б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛАНДШАФТ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ЛАНДШАФТЛАРНИ КАРТАЛАШТИРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Ҳамидов А.А.

Фарғона давлат университети

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ландшафтшуносликка бўлган қизиқиш, ландшафтларни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши 1960-1970 йилларга тўғри келади. 1960 йилларнинг ўрталаридан бошлаб кишилиқ жамиятининг атроф-муҳитга бўлган таъсирини ортиб кетганлиги (айниқса, Фарғона водийсида) табиат бойликларидан фойдаланишдаги хўжасизлик, катта майдонларнинг ўзлаштирилиши (Қорақалпоқ, Ёзёвон чўллари, адирли зоналар) унумли ерлардан, сувдан оқилона фойдаланмаслик, сув ҳавзалари, тупроқ, ҳавонинг жадал суръатлар билан ифлосланиши орқали тезда сезила бошлади ва ўзининг салбий оқибатлари билан эътиборни жалб қила бошлади. Энди у ёки бу ҳайвон ёки ўсимлик турини сақлаб қолишгина эмас, балки инсоннинг ўзи яшаб турган муҳити ҳисобланган ландшафтларни бир бутун ҳолида муҳофаза қилиш, тиклаш ва яхшилаш муаммоси долзарб бўлиб қолди. Ана шундай мураккаб ҳамда кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган муаммони ҳал этишнинг илмий асосларини яратишда ландшафтшуносликнинг аҳамияти катта эканлиги маълум бўлиб қолган эди. Натижада ландшафтшунослар олдида фақат ландшафтларни аниқлаш эмас, балки картага тушириш ва уларни таърифлаб бериш ҳамда хўжаликнинг турли тармоқларини ривожлантириш нуқтаи назардан баҳолаш, ландшафтларни кейинги ривожланиши инсоннинг хўжаликдаги фаолияти таъсирида қайси

йўналишда боришини ва ўзгаришини олдидан айтиб бериш зарурияти туғилди (Зокиров Ш., 1999).

Худди шу йиллардан бошлаб, агарда В.М.Четиркин (1924), Р.И.Аболин (1929), Л.С.Берг (1952) каби олимларнинг, ландшафтлар ҳақидаги таълимотларини ҳисобга олмасак, Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари узил-кесил бошлаб юборилди. Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчиларнинг қилган илмий тадқиқот ишлари кейинги ландшафт тадқиқотлари учун замин вазифасини бажарди.

1950 йилларнинг охирида Тошкент давлат университети табиий география кафедраси олимлари Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай томонидан Ўзбекистон ҳудудини қишлоқ хўжалиги мақсадларида табиий географик районлаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларининг бошлаб юборилиши ҳам Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг таракқиёт тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Натижада тарихда биринчи мартаба Ўзбекистоннинг ландшафт картаси яратилди ва 1964 йилда нашрдан чиқди. Худди шу йили ушбу олимларнинг «Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш» деган монографияси ҳам босилиб чиқиб, унда ландшафтларнинг қисқача тавсифлари берилган (Когай Н.А., 1971).

Ўзбекистонлик географлар орасида ландшафтшунослик масалаларига бўлган қизиқиш 1960-1970 йилларда янада авж олди. Бу вақтда бир қатор ёш тадқиқотчилар Москва, Санкт-Петербург, Киев, Воронеж, Львов, Қозон каби шаҳарларга бориб аспирантурада таҳсил олдилар ва илмий ишларини ҳимоя қилдилар. Шулардан бевосита Фарғона водийси ландшафтларини тадқиқ қилиш билан шуғулланиб, ҳудудни текислик қисми уни ўраб турган адирлар билан (А.А.Абдулқосимов, 1964) водийнинг жанубий тоғлик қисми, (Ю.Султонов, 1965) ландшафтлари ўрганилиб, табиий географик нуқтаи назардан ландшафт-типология, ландшафт-генетик бирликлар асосида районлаштирилди. Уларнинг илмий йўналишлари, Ўзбекистон ландшафтшунослигига қўшган ҳиссалари ҳақида Ю.Султоновнинг (1974) китобидан, Н.А.Когайнинг «Ўрта Осиё Турон қисмининг табиий географик районлаштирилиши» (1969) китобидан умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ушбу тадқиқотчиларнинг ҳудудий ландшафтшунослик йўналишида иш олиб борганликларини Ўзбекистондаги география ҳамда экология тарихи билан шуғулланган Р.У.Раҳимбеков (1995) ҳам таъкидлаб ўтган.

В.М.Четиркин ўзининг «Ўрта Осиё. Комплекс географик тавсиф ва районлаштириш масалалари» (1960) монографик асарида 60-йилларгача Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ландшафтлар ҳақидаги илмий қарашларнинг вужудга келиши ва бу қарашларнинг шаклланишида ўша даврдаги ўзига хос зоналик, универсал минтақалар тўғрисидаги ҳукмрон ғояларнинг аниқ, ҳақиқий қарашларга тўсқинликларини чуқур таҳлил қилган.

Ўтган асрнинг 50-70 йилларида илгари сурилган ландшафт ҳақидаги вужудга келган илмий қарашлар Л.Н.Бабушкин (1954), Н.А.Когай (1964), А.А.Абдулқосимов (1983), Ю.Султонов (1974) ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ривожлантирилди ва ўзининг янги илмий жиҳатдан асосланишини топди.

Ландшафтларни карталаштиришнинг такомиллашувини бошламаси XX асрнинг 30-йилларига бориб тақалади. Жумладан 30-йилларга келиб, Б.Б.Полинов, И.В.Ларин, А.Д.Гожев ва бошқаларнинг алоҳида ҳудудларда олиб борган ландшафт изланишлари натижасида бир қатор аниқ ландшафт карталари тузилди. Р.И.Аболин томонидан 1929 йилда тузилган Қозоғистоннинг жанубий қисмига тегишли ўрта масштабдаги тупроқ-геоботаник карта (бу картада Фарғона водийси ҳам бор) ҳам ўзининг мазмуни ва сифати жиҳатидан ҳозирги замон ландшафт карталаридан қолишмайди. Энг асосийси А.А.Борзов, Г.Ф.Морозов, Л.С.Берг, Р.И.Аболин, Б.Б.Полинов, Р.Г.Раменский ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижасида ландшафт ҳақидаги таълимот шакллана бошлади. Йирик ва ўрта масштабли ландшафт карталарини яратиш жараёнида каттами-кичикми табиий географик комплекслар мавжуд эканлиги ва уларни ҳосил қилувчи компонентлари ҳақиқатдан ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро алоқадор эканлиги маълум бўлди. Ўрта Осиё регионида олиб

борилган табиатни ўрганиш бўйича тадқиқотлар мавзули карталарни яратиш билан бирга олиб борилди.

XX аср бошидан карташунослик тадқиқот ишлари ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг, жумладан Фарғона водийсининг ички қисмларини XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда ҳали комплекс табиий географик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаганлиги, табиат компонентлари ҳақида уларни табиий географик қонуниятлар асосида бир бугунликни ташкил қилиши ҳамда улар доимо ўзаро алоқада эканлиги тўғрисидаги типологик қарашларнинг шаклланмаганлиги учун ландшафтларни мукамал ҳолатда карталаштиришнинг илмий жиҳатдан иложи бўлмади. Бу объектив ва субъектив сабаблар асосида 1963 йилда Ўзбекистон ФА томонидан нашр қилинган «Ўзбекистон атласи» да ҳам ландшафтлар картаси берилмаган.

Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай ва бошқа кўплаб ландшафтшунос олимларнинг тинимсиз меҳнатлари натижасида 1964 йилда водийнинг 1:1 000 000 масштабдаги ландшафт картаси нашр этилди. 1982 йилда ҳам Ўзбекистон ФА томонидан босмадан чиқарилган «Ўзбекистон атласи»да 1:2 500 000 масштабдаги ландшафтлар картаси берилди. 1999 йилга келиб А.А.Рафиқов муҳаррирлигида Ўзбекистоннинг 1:500 000 масштабдаги Табиатни муҳофаза қилиш, экологик карталари ишланди. Бу картада ландшафтлар асос сифатида берилди. Кейинги тадқиқотлар Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси ҳудудининг ландшафтларини илмий жиҳатдан янада асосланиши, ландшафт карталарининг такомиллашувига олиб келди. Чунончи, А.А.Рафиқов, В.Попов, Ш.Зокировларнинг тадқиқотлари ва илмий маслаҳатлари асосида 1999 йилда «Ўзбекистон атласи» нашрдан чиқарилиб, унда Ўзбекистон ҳудуди ландшафтлари 1:6 000 000 масштабда берилган.

Такомиллашган ландшафт карталари маълумки, кўплаб хўжалик масалаларни ҳал қилишда аҳамиятга эга. Бу ҳақида Ш.С.Зокиров 1998 йилда нашрдан чиқарилган «Антропоген ва амалий ландшафтшунослик» ўқув қўлланмасида шундай ёзади: «Табиий муҳитни баҳолаш ишларида ландшафт карталарига асосланишнинг афзал томонлари мавжудлигини картограф олимлар (К.А.Салишев) ҳам таъкидлайди. Чунки қишлоқ хўжалиги иктисодиётнинг бошқа тармоқларига қараганда кўпроқ ва бевосита жойнинг табиий шароитига боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги қайси йўналишда ривожланиши мумкинлигини белгилаб берувчи экинлар ва уларнинг турларини аниқлаб олишда албатта жойнинг табиий географик шароити энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади». Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари каби Фарғона водийси ҳудудини қишлоқ хўжалик нуқтаи назардан табиий географик районлаштириш (Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.Абдулқосимов, Ю.Султонов ва бошқ.) водий ландшафтларини туб моҳиятини англашга олиб келди (Зокиров Ш., 1999).

XXI аср бошига келиб, Ўзбекистон ҳудуди, жумладан Фарғона водийси ландшафтлари ҳам антропоген хўжалик фаолияти натижасида жуда катта ўзгаришларга учради ва учрамоқда. Эндиликда ҳудуднинг 60 % майдони у ёки бу даражада ўзгаришга учраб, бирламчи табиий ҳолатини йўқотган.

Чуқур таҳлиллар натижаси ўлароқ Фарғона водий ҳудудини яруслилик хусусиятини кўрсатувчи картасини ишлаб чиқилди. (Ҳамидов А.А., 2003). Бу картанинг асосини текисликларнинг чўл ландшафтларидан бошлаб баланд тоғ ландшафтларигача бўлган ландшафт турлари ташкил этади. Картада жами 26 та ландшафт тури ажратилган бўлиб, улар бевосита ёки билвосита антропоген таъсир доирасига тортилгандир.

Адабиётлар:

1. Абдулкасимов А.А. Ландшафтно-типологические картирование и физико-географическое районирование Ферганской котловины. // Автореф. дисс. канд. геогр. наук. - Воронеж: 1964.-27.с.
2. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. // -Тошкент.: Университе, 1999:-31-45 -б.
3. Когай Н.А. Туранская физико-географическая провинция. //Автореф. дисс. на соис. учён. степен. док. геогр. наук. Ташкент. 1971.-64.с.
4. Султанов Ю. Природные условия и физико-географическое районирование южного горного обрамления Ферганы //Авторефер дисс. канд. геогр. наук. Киев, 1965-21с.
5. Ҳамидов А.А. ва бошқ. Фарғона водийси ландшафтларини литоген асосини ўрганишнинг асосий илмий натижалари. Ош.: Сб. науч. Тр. КУУ. 2003.-С. 215-218.


II-шўъба. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ ВА РЕГИОНЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Абдуллаев А.Г. Абдуллаева М.Г., Жабборов Б.Б., Матчанов Н.Ў.
Урганч давлат университети**

Саноат ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг энг муҳим тармоғи – хўжаликни техник ва технологик қуроллантирувчи ҳамда аҳолини асосий истеъмол маҳсулотлари билан таъминловчи соҳасидир. Унинг ривожланиши даражаси ва таркиби, соҳадаги инновациялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожланиш баробарида жамият тараққиётини таъминлайди.

Республикада ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси сўнгги 10-12 йил ичида анча фаоллашди. Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили 7-8 фоиз, айрим йилларида эса 10-11 фоиздан ортиб бормоқда (1-расм). Саноат ишлаб чиқаришини ривожланиши баробарида республика саноат ва экспорт салоҳияти мос равишда сўнгги ўн йилликда 3 - 4,4 мартага ортди.



1-расм. Республика саноати динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида).

Манба: ЎЗР давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Кейинги 3-4 йил оралиғида республика саноати ривожланиши суръатидаги ҳолатлар бевосита ишлаб чиқариш кучлари билан бир қаторда тараққиётнинг учинчи босқичида жорий этилган амалиётлар билан боғлиқ. Йирик ишлаб чиқариш билан кичик бизнес секторида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши, иқтисодиётнинг ушбу соҳасида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Республика иқтисодиётидаги ушбу ўзгаришлар минтақавий кесимида ҳам ўз аксини топган. Мустақиллик йилларида республиканинг Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий вилоятлари каби чекка ҳудудларининг улуши анча ортди (1-жадвал). Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлди. Хусусан, минтақанинг иқтисодиётида асосан енгил саноатнинг дастлабки цикл корхоналарининг асосий ўрин тутиши, марказий ва шарқий районларда йирик ишлаб чиқариш қувватларини барпо этилиши яъни (Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, «Шўртангазкимё» мажмуаси, Асака автомобил заводи) каби ва бошқа қатор тармоқларни ривожлантиришга эътибор берилиши натижасида нисбатан ривожланиш суръатининг юқори ҳолда бўлиши маълум ўрин тутади.

Аммо, юқорида таъкидлаганидек ишлаб чиқаришнинг минтақавий кесимида айрим салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, бозор муносабатлари шароитида 90-

йилларнинг охирларидан, мамлакатнинг шимоли-ғарбий минтақаси Қуйи Амударёда саноат ишлаб чиқариши ЯҲМ ва унинг таркибий қисмларининг аҳоли жон бошига мужассамлашув даражаси салбий тарафга ўзгарди. Минтақа мамлакатнинг марказий районларидан табиий тўсиқ Қизилқум орқали 300-500 км масофа ажралганлиги ҳамда бошқа юқоридаги каби қатор омиллар ўз таъсирини ўтказди. Қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, минтақада саноат ишлаб чиқариши аҳоли жон бошига мужассамлашуви сўнги 3-4 йилда ижобий томонга ўзгариб 2015 йилда 2010-йиллар бошига қараганда 2 баробарга ортди.

1- жадвал

Республика иқтисодий ишлаб чиқаришининг аҳоли жон бошига мужассамлашувининг кўрсаткичлари (республика = 1,00)

№	Маъмурий ҳудудлар	2000 йил			2010 йил			2015 йил.		
		Саноат	Қишлоқ хўжалиги	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	ЯҲМ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0,44	0,67	0,67	0,22	0,47	0,50	0,43	0,51	0,46
2	Андижон	1,10	1,17	0,93	1,65	1,33	0,98	1,08	1,17	0,68
3	Бухоро	1,10	1,38	1,29	0,66	1,33	0,97	0,92	1,57	0,96
4	Жиззах	0,23	1,25	0,75	0,20	0,78	0,40	0,37	1,23	0,56
5	Қашқадарё	3,38	1,09	1,31	1,86	1,21	1,22	0,93	0,88	0,79
6	Навоий	0,42	0,84	0,66	1,95	0,63	0,94	3,24	1,68	1,78
7	Наманган	0,83	1,06	0,83	0,28	0,98	0,61	0,36	0,91	0,51
8	Самарқанд	1,38	1,42	1,04	0,54	1,87	1,00	0,55	1,04	0,58
9	Сирдарё	0,37	1,10	0,73	0,34	0,52	0,32	1,15	1,57	0,73
10	Сурхондарё	1,63	1,27	1,06	0,25	1,15	0,61	0,26	1,15	0,55
11	Тошкент	1,13	0,94	1,04	2,39	1,63	1,70	1,66	1,43	1,09
12	Фарғона	0,61	1,61	1,06	1,45	1,17	1,31	0,66	0,75	0,59
13	Хоразм	0,89	0,92	0,82	0,23	0,94	0,52	0,48	1,08	0,60
14	Тошкент ш.	1,92	-	1,86	1,86	-	1,98	2,56	-	2,04

Жадвал: ЎЗР статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ҳудудий жиҳатлар, айниқса, табиий географик ўрин ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ўз таъсирини ўтказди. Қуйи Амударё минтақаси республиканинг шарқий ривожланган ҳудудлари билан замонавий транспорт тизими темир йўл орқали ўтган асрнинг ўрталаридагина боғланди. Бунгача минтақада ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши даражаси анча ортда бўлган. Масалан, ўтган аср 90-йиллари ўрталарида Хоразм макроиқтисодий кўрсаткичлари бўйича 6 ўрин, Қорақалпоғистон 7-ўринда бўлса, 2015 йилда улар мос равишда 11–12 ўринларни эгаллашди (1-жадвал). Бу эса минтақада қатор тармоқ ва ҳудудий дастурларни амалга оширишни талаб этади.

Хўжалик тизимида кескин ўзгаришлар яшаш орқали ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, жаҳон тажрибасидан маълумки, унчалик самара бермайди. Шу боис, ривожланиш стратегияларини минтақа ички кучларига таянган ҳолда мавжуд ресурсларни ишга солиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Республикада иқтисодий тармоқларида банд бўлганларнинг 12,8 фоизи саноатда, 27,7 фоизи эса қишлоқ хўжалигида меҳнат фаолиятини олиб бормоқда (2-жадвал). Саноат соҳасида банд аҳолининг улуши пастлигича қолмоқда ва у камайиш тенденциясига эга. Бу эса келажакда иқтисодийнинг реал секторида, энг аввало, саноатда барқарор иш ўринларини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд меҳнат ресурсларининг сони ва салмоғи

Тармоқлар	Йиллар						2015-1995 йй. нис. Ўсиш, % ҳисобида
	1995		2010		2015		
	минг киши ҳис.	% ҳисобида	минг киши ҳис.	% ҳисобида	минг киши ҳис.	% ҳисобида	
Жами	8449	100,0	11628	100,0	13058,3	100,0	154,5
Қишлоқ хўжалиги	3458	40,9	1540	26,9	3610,9	27,7	104,4
Саноат	1087	12,9	31277	13,2	1668,0	12,8	153,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Республика аҳолисининг катта қисми 49,2 фоизи қишлоқ ҳудудларида яшаб, меҳнат қилади. Жами аҳолининг 57,8 фоизи меҳнат ресурслари ҳисобланади. Саноатда банд бўлганларнинг 10,1 фоизи озиқ-овқат саноатида, 27,7 фоизи эса қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатмоқдалар. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида қишлоқ жойларида саноат тармоқлари жойлаштирилмоқда.

Шу мақсадда узоққа мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни босқичма-босқич амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу сиёсатнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятлилигини кўйидагилар исботламоқда: давтавал аҳоли жуда зич жойлашган Андижон вилоятининг Асака шаҳрида, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида автомобилсозлик заводларининг қурилиши, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятлари қишлоқ жойларида нефть, газ, тўқимачилик саноатининг йирик қўшма корхоналарининг ишга туширилиши натижасида қишлоқларда яшаётган меҳнат ресурсларининг сезиларли қисми иш билан таъминланди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, ривожланишнинг дастлабки босқичларида хилма-хил истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатнинг тез ривожланишини, экспорт салоҳиятини оширишда сармоя йиғилиши ва уни ривожланишнинг кейинги босқичларида саноатнинг нисбатан мураккаб тармоқларига йўналтириш имконини беради. Ҳозирда мустақил Ўзбекистон айнан ана шу йўлдан бормоқда. Хўжалик тармоқларини ҳудудий ўзаро алоқадор мажмуасини яратиш, уни илмий асосланган ҳолда ривожлантириш эса ҳозирги эркин бозор муносабатларининг асосий хусусиятларидан бирига айланмоқда.

Адабиётлар:

1. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 80.
2. Солиев А.С. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт – Тошкент: Камалак, 2013. – 184 б.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Тошкент: Университет, 2014. – Б. 404.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА КЎМИР САНОАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Абдуназаров Х. М. Чориев А.Қ. Эшбоев Н. Ч.*

Термиз давлат университети

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, вилоят ва минтақаларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришда уларнинг мавжуд маҳаллий табиий, иқтисодий-ижтимоий ресурс имкониятларидан самарали фойдаланилган ҳолда минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш долзарб вазифа сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бу борада ёқилғи-энергетика саноати маҳсулотларига бўлган иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжларнинг кундан-кунга ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, мазкур тармоқда тубдан қайта модернизация қилиш ҳамда диверсификациясини ошириш ҳисобига ёқилғи турларини қазиб чиқариш ва электр-энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сурхондарё вилояти ёқилғи саноати таркибида кўмир саноатининг аҳамиятини сўнгги йилларда ошиб бормоқда.

Вилоятда кўмир саноатининг шаклланиши ва ривожланиши ХХасрнинг 30-40 йилларига тўғри келади.

Вилоятда кўмир конлари разведка қидирув ишлари 1934-йилдан бошлаб олиб борилган. Вилоятдаги дастлабки кўмир конлари 1941-йилда геолог А. Репман томонидан аниқланган. Кейин эса Бойсун тоғларида Тўда кўмир кони аниқланиб ишга туширилди.

Шарғун кўмири юқори калорияли, аммо қатламлари юпқа, ўртача қалинлиги 2,5 метр бўлиб, айрим жойларида 12 метрга етади. Кўмир қатламлари баланд ва қия ёнбағирларда жойлашганлиги учун уларни қазиб чиқариши мураккаб жараён ҳисобланади. Бойсун конининг кўмир қатламларининг қалинлиги ва қазиб чиқариш шароитлари Шарғун кони сингари мураккабдир.

Шарғун кўмир конининг қурилиши 1943-йилда бошланган. Сариосиё темир йўл бекатидан “Тоқчиён” (ҳозирги Шарғун шахри) 12 километрлик темир йўл қуриб битказилди, ва кўмир ташиш учун 18 километр узунликдаги осма-юк канат йўли ҳамда 20 километр масофага автомобиль йўли қуриб ишга туширилди. 1958-йилда “Шарғункўмир” шахта бошқармаси ташкил этилиб, йилига қуввати 400 минг тоннага мўлжалланган кўмир кони ишга туширилди. Вилоят кўмир саноатида кўмир қазиб олиш ҳажми ўсиб борди. 1965-йилда Шарғун кўмир кони базасида брикет фабрикаси қуриб ишга туширилди. 1980-йилда Шарғун кўмир конидан энг юқори миқдорда, яъни 220 минг тонна кўмир қазиб олинган.

Ўтган асрнинг 90-йилларида вилоят кўмир саноатида кўмир қазиб олиш ҳажмининг анча пасайиши кузатилган, бунинг асосий сабаби қазиб олиш асбоб ускуналарининг маънавий ва жисмоний эскириши билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида Шарғун кўмир кони негизида Шарғун акциядорлик жамияти ташкил этилди.

Сўнгги йилларда вилоятда кўмир қазиб олиш ҳажми ўсиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан корхонада 2012-йилда 19,8 минг, 2013-йилда 20,1 минг, 2014-йилда 107,2 минг, 2015-йилда 127,0 минг тонна тошкўмир қазиб олинган бўлса, 2016 йилда 26781,0 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 17-ноябрдаги 2015-йилга мўлжалланган инвестициявий дастури тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 6-июндаги қарори 2013-2018 йиллар даврида “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти тасарруфидаги кўмир саноати корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда уни мувозанатли ривожлантириш мақсадида “Шарғункўмир” акциядорлик жамиятини

*Абдуназаров Хусан Менглиевич – ТерДУ География кафедраси доценти.

Чориев Абдуқайим Қодирович – ТерДУ География кафедраси катта ўқитувчиси.

Эшбоев Номоз Чори ўғли – ТерДУ География таълим йўналиши 3-курс талабаси.

модернизация қилиш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 105,5 млн АҚШ доллари бўлиб, уни 2017-йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Хитойнинг “China Railway Tunnel Group (GROUP) компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида кондаги эски 10 шахтанинг ёпилиб қолган 1500 метр масофадаги қисми тозаланиб, яна кўшимча кўмир қатламигача бўлган 2227 метр тунел қисмини қазиб ишлари бажарилди. Шунингдек кон тўла хориждан келтирилган замонавий кўмир қазиб олиш ускуналари билан жиҳозланиб, унинг йиллик кўмир қазиб олиш қуввати 900 минг тоннага етказилади. Кондан кўмир қазиб олиш 2020-йилнинг 1-чорагида ишга туширилиши режалаштирилган. Янги коннинг ишга туширилиши билан 450-500 дан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Сурхондарё вилояти кўмир саноатининг иккинчи муҳим қисми бўлган Бойсун туманидаги Тўда кўмир конини қайта ўзлаштириш бўйича бир қанча инвестициявий ишлар бажарилмоқда. Жумладан мазкур туманда жойлашган “Марказий” ва “Шарқий” худудларида тошкўмир қазиб олиш мақсадида қиймати 50 млн АҚШ доллари бўлган лойиҳа ишлари бажарилмоқда. Натижада ушбу конлар 2020-йилда фойдаланишга топширилиб ундан 450 минг тонна кўмир қазиб олиш мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда вилоятда кўмир саноатини ривожлантиришда биринчи навбатда кўмирни қазиб олиш ва уни чуқур технологик усулда қайта ишлашни йўлга қўйиш, хусусан тармоқда ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш, орқали вилоятнинг ўзида кўмир саноати билан боғлиқ “Тоғ-кон саноати → қайта ишлаш саноати → хизмат кўрсатиш ва истеъмол қилувчи соҳалар” ўртасида бир бутун яхлит тизими яратилади. Бу эса Сурхондарё вилоятининг иқтисодий салоҳиятининг юксалишига атроф-муҳитнинг мусаффолигига ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигининг яхшиланиб боришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон, 2016.
2. Г. Асанов., М. Набихонов., И. Сафаров. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси. Т.: “Ўқитувчи” 1994-йил
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Т.: Университет 2014-йил

PARKENT TUMANIDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Abdusalikov Q.A., Ergashev A.R., Qo'ziyev F.F., Risqiboyeva M. O*
TDPU talabalari

Bugungi kunda O'zbekistonning go'zal tabiati, sharq arxitekturasining noyob tarixiy yodgorliklari ko'plab sayyohlarni o'ziga jalb etmoqda. O'zbekturizm ma'lumotiga ko'ra 2013-yilda 1 mln. 977 ming sayyoh O'zbekistonga kelgan. Hozirgi kunda O'zbekistonda 865 ta sayyohlik firmalari faoliyat yuritmoqda. Sayyohlikdan tushayotgan daromad esa YaIM (Yalpi Ichki Mahsulot)ning 2 % ini tashkil etmoqda.

O'zbekistonni turistik salohiyatining asosiy qismini 4 000 dan ortiq katta kichik tarixiy yodgorliklar belgilab beradi. Mamlakatimizdagi 11 ta shahar dunyo miqyosidagi turistik shaharlar sifatida tan olingan. Ma'lumot sifatida ta'kidlash joizki, respublikamiz sayyohlar ko'radigan joylar soni hamda ularga bo'lgan talab bo'yicha jahonning birinchi o'ntalik davlatlari qatoriga kiradi. Bugungi kunda ularning atigi 150 tasiga sayyohlarni qabul qilish imkoniyatiga ega.

Ma'lumki, O'zbekiston ulkan rekreatsion resurslarga ham egadir. O'zbekistonning rekreatsion salohiyatining o'ziga xos jihati shundaki, mamlakatda tabiatdagi relyef shakllarining barcha ko'rinishlari mavjud. Farg'ona vodiysi, Parkent, Bo'stonliq, Zomin, Urgut, Kitob, Boysun kabi hududlarda tog', sport, ekoturizmni rivojlantirish uchun yetarli shart-sharoitlar bor. Respublikamizdagi 300 dan ortiq aholini sog'ligini tiklash xususiyatiga ega shifobaxsh mineral yer osti suvlarining 121 tasidan foydalanilmoqda.

*Abdusalikov Q.A., Ergashev A.R., Qo'ziyev F.F., Risqiboyeva M. O. – Низомий номидаги ТДПУнинг География ўқитиш методикаси 3-курс талабалари.

O'zbekistonning ulkan turistik hamda rekreatsion salohiyatga ega bo'lgan hududlaridan biri Parkent tumanidir. Ushbu tuman Toshkent shahridan 48 km sharqda, G'arbiy Tyanshaning Chotqol tog' tizmalari g'arbiy etaklarida joylashgan. Parkent tumani tabiiy sharoitlarining rang-barangligi, ajoyib tog' tabiati, musaffo havosi, shifobaxsh ma'danli buloqlari, muqaddas qadamjolari alohida ajralib turadi. Ushbu tabiat yodgorliklari rekreatsiya uchun ekskursiya-sayohat ob'ektlariga aylantirilmog'i maqsadga muvofiq.

Parkent tumani turizmni rivojlantirish maqsadida O'zbekiston hukumati tomonidan 2017-yilda Parkent tumani sayyohlikni rivojlantirish dasturi" qabul qilindi. Dasturga 40 dan ortiq infratuzilmaviy, marketing va tashkiliy loyihalar kiritilgan. Ular orasida sayyohlik infratuzilmalarini rivojlantirish, tuman sayyohlik xizmat diversifikatsiya qilish, yangi mehmonxona, umumiy ovqatlanish shaxobcha qurish va mavjudlarini rekonstruksiya qilish, sayyohlik sohasida mutaxassis kadrlarni tayyorlash va malakasini oshirish kabilar o'rin olgan.

Parkent tumani o'ziga xosligi agroiklimiy imkoniyatlari bilan ajralib turishi barchaga ma'lum. Tumanda turizmning rivojlanish imkoniyatlarini belgilab beruvchi asosiy omillar sifatida quyidagilarni ko'rsatish o'rinlidir.

- ✓ tabiiy geografik xususiyatlari (geografik o'rni, tabiiy sharoiti, reliefi, iqlimi, suvlari) xususiyati;
- ✓ agroturizm xususiyati;
- ✓ gastroturizm xususiyati;
- ✓ qadimiy qadamjolar;
- ✓ avloddan – avlodga o'tib kelayotgan qadryatlar va a'nanalar;

Hozirgi kunda sayyohlarning katta qismi So'qoq va Kumushkon tarixiy obidalarini va ziyoratgohlarini ko'rish uchun tashrif buyurmoqdalar. Tumanning boshqa hududlarida ham sayyohlarni o'ziga jalb qila oladigan ziyorotgohlar, tabiat yodgorliklari mavjud. Bunday hududlarga, shifobaxsh tabiat maskanlari, dam olish zonalari, shifobaxsh ma'danli buloqlar, g'orlar va shu kabilar. Jumladan, "Issiq buloq shifo madad", "Kumushkon sport" sog'lomlashtirish, "Sumcha dam olish uyi", "So'qoq dam olish uyi", "Koinot-fazo" bolalar va oilaviy dam olish markazlari faoliyat ko'rsatmoqdalar. Kumushkondagi "Xazrati Ali buva", Zarkent va Nevich qishloqlaridagi ziyorotgohlar, So'qoq, Shampin, Hisarak va Changi, Sumcha, Bo'ston qishloqlaridagi ajoyib tabiat maskanlari, ya'ni ko'p yillik daraxtlar va chinorlar, sharsharalarni misol tariqasida keltirishimiz mumkin.

Hozirda tumanning tabiat va tarixiy-madaniy ob'ektlar bo'ylab yangi sayyohlik marshrutlarini ishlab chiqilishi kutilmoqda. Qishloq turizmi ob'ektlari va hunarmandchilik ustaxonalaridan iborat butun bir sayyohlik majmuasi ishga tushirilishi rejalashtirilgan. Tuman sayyohlik yo'nalishlaridan kitob rasadxonasi o'rin olishi kutilmoqda. Bundan tashqari, Chotqol qo'riqxonasida turistik yo'nalishlarni shakllantirish imkoniyatlari ham o'rganib chiqilmoqda. Parkent tumanining sayyohlik salohiyatini xorijiy bozorlarda targ'ib qilish maqsadida tuman sayyohlik brendi ishlab chiqildi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, shuni aytishimiz mumkinki, tumanda turizmning bir qancha turlarini, jumladan ekoturizm, gastro turizm, ziyorat turizm, ekzotik turizm rivojlantirish imkoniyatlari katta. Ushbu tumanning tabiiy sharoitidan kelib chiqqan holatda intensiv uzumzorlarni yaratish hamda rivojlangan mamlakatlar singari (Frantsiya, Ispaniya, Italiya) antropogen landshaftni shakllantirish va vinochilik sohasini rivojlantirish kerak. Shuningdek, o'z-o'zidan agroturizm bo'yicha ham eng ustuvor yo'nalishlar aniqlanishi va hayotga tadbiq etilishi bozor iqtisodiyoti sharoitida muhim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun xalqaro sayyohlarning qiziqishlari va talablari darajasida qo'shimcha xizmatlar ko'rsatish tizimini yaratish zarur. Shuningdek, yangi turistik xizmatlar va mahsulotlar ishlab chiqarish bo'yicha xorij investorlar uchun loyihalar tayyorlash, jahon turizm bozorida reklama dasturlarini ishlab chiqish muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Husomiddinov S. Parkent tumani. Ilmiy – ommabop nashr. –T.: 2006.
2. Soliev A. O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi. – T.: 2014.
3. Yaqubov O'. Sh., Vahobov H. Rekreatsion geografiya asoslari. – T.: 2012.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ РЕКРЕАЦИОН РЕСУРСЛАРИ ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Алланов Қ.А., Ниёзов Х.М., Алланов Ш.Қ.

Термиз давлат университети

Минтақаларнинг туризм ва рекреацион имкониятлари, салоҳияти бевосита минтақанинг ривожланганлик даражаси, ижтимоий-иқтисодий, табиий шароити яъни, табиат комплекслари, техник инфратузилмаларининг ривожланганлиги sanoat тармоғи, хизмат кўрсатиш тизими, маданият, санъат, илм-фаннинг ривожланганлиги билан, яъни бир сўз билан айтганда, минтақанинг табиий ва иқтисодий-географик ўрни билан боғлиқ.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак эрамиздан аввалги 3-2 минг йиллар давомида кишиларнинг янги географик жойларни очиш, ўзлари учун қулай ҳудудларни эгаллаб олиш, бойлик орттириш ва бошқа мақсадларда дунёни ўргана бошлаши, янги-янги денгиз йўлларининг очилиши, минтақамиздан “Буюк ипак йўли”нинг ўтиши кабилар мамлакатлараро савдо алоқаларининг ривожланиши таъминлаш баробарида минтақалардаги шаҳарларнинг туристик ва рекреацион аҳамиятини ҳам оширди.

Ҳозирда дунё туризм индустрияси тез суръатлар билан ривожланмоқда. Агар туризмнинг оммавий ривожланиш даврининг бошланишида, яъни 1950 йилларда, дунё бўйича туристлар сони 2,5 млн кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда Жаҳон туристик ташкилотининг маълумотига кўра, дунё бўйича туристлар сони 187 млн дан ошиб кетди ва туризмдан келадиган даромад 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил қилди. Шунингдек, Жаҳон туристик ташкилоти маълумоти бўйича 2020 йилда халқаро туристлар сони 1,36 млрд, 2030 йилда эса 1,8 млрд кишини ташкил этиши кутилмоқда.

Туризм жаҳон миқёсида тез суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлиб, у жаҳон ялпи даромадининг 1/10 қисмини, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғини, ишлаб чиқаришда эса ҳар тўққизтадан бир кишини иш ўрни билан таъминламоқда. Шунингдек, сўнги йилларда дунё бўйича меҳнат ресурсларининг 10 фоизи бевосита туризм соҳаси билан шуғулланмоқда. Туризм дунёдаги кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб юлгурди.

Шундай бир пайтда Ўзбекистонда, жумладан Сурхондарё вилоятининг ҳам туризм ва рекреацион имкониятларидан максимал фойдаланиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида вилоят хўжалигининг барча тармоқларида туб ислохатлар амалга оирилди, лекин ушбу соҳани ривожлантиришга кам эътибор берилмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳудудининг 2/3 қисмини тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ишғол қилади. Тоғ рельефи текисликка нисбатан нафақат эстетик жихатдан қулайликларга эга, бундан ташқари тоғ соф-мусаффо ҳавоси, ультърабинафша нурларнинг кўплиги, турли хил тоғ спорти ўйинларини ташкил этиш имкониятлари ва бошқалар билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Европада Альп, Осиёда Химолай, Африкада Атлас, Америкада Кордильера, Россияда Олтой, Кавказ, Урал тоғларида халқаро тоғ туризми маскан сифатида машҳурдир.

Вилоятимиз ҳудудидаги Кўҳитанг, Бойсун, Хисор тоғларининг сўлим масканларида ҳам отда юриш туризмини ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар бор. Бундан ташқари, Кўҳитанг ва Бойсун тоғларидаги кўплаб ғорлар (Тешик тош ғори, Илон ғор, Хўжаикон туз ғори ва бошқалар)га туристларни жалб қилиш (маршрутлар ташкил қилиш) вилоят иқтисодиётига катта фойда келтиради.

Кўҳитанг, Бойсун ва Хисор тоғларидаги табиий шароитнинг энг муҳим ҳарактерли хусусиятлари шундаки, Ер шарининг барча ландшафт зоналари типик-субтропикдан доимий қор ва музликлар билан қопланган баландлик ландшафт зоналаригача кўриниб туради. Айниқса, бу тоғларнинг рекреацион ресурсларидан фойдаланиш ва туризмни ривожлантиришни асосий омилларидан бири қулай иқлим шароити, тоғ зоналарини

қоплаган тоғ арча ўрмонлари, субальп ва альп ўтлоқлари, қуруқ иқлим ва соф ҳаво, узоқ давом этувчи қулай ҳарорат шароити ва қуёшли кунларнинг кўплиги, организм учун қулай нисбий намлик ва бошқа иқлим омиллари кўрсаткичлари бўйича Альп, Кавказ, Кордильера каби тоғ рекреацион имкониятларидан кам эмас ва бу ерда иқлим билан даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун мақбул имкониятлар мавжуд.

Вилоятнинг тоғли ҳудудлари бебаҳо ва ҳозирга қадар кам ўрганилган ҳар хил касалликларни даволовчи шифобахш минерал сув манбалари, иқлим хусусияти ва спорт-соғломлаштириш жойларига эга. Тоғ ва тоғ олди ҳудудлари минерал сувларга жуда бой бўлиб, бу ерларда тиббиётда фойдаланадиган олтингугуртли, йодли, радонли ва кучсиз минераллашган, ишқорли, термоминерал сувларнинг катта захираси мавжуд. Бу каби шифобахш сувларга “Омонхона”, “Хўжайпоқ”, “Ўринбулоқ”, “Кўтирбулоқ”, “Хўжамайхона” каби шифобахш минераллашган сувларни кўрсатиш мумкин. “Омонхона” шифобахш суви жигар билан боғлиқ касалликларни даволашда, “Ўринбулоқ” шифобахш суви буйрак касалликларини, “Хўжайпоқ” суви тери касалликларини даволашда ҳозирги кунда туб аҳоли томонидан кенг фойдаланилмоқда. Бу каби шифобахш сувлар Кавказ ва Карпат тоғларидаги шифобахш сувлардан қолишмайди. Бу каби шифобахш сувлар нафақат вилоят аҳолисининг талабини қондиради, балки бошқа хориж мамлакатларидан ҳам кўп сонли даволанишга муҳтож одамларни қабул қилиш имкониятига эга ва шу билан Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларига нафақат туристлар оқимини кучайтириш, балки дунё даволаш марказларидан бирига айлантириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сурхондарё вилояти ҳудудининг тоғ ва тоғолди зоналарида ҳосил бўлган шифобахш сувлар дунёдаги энг сифатли ва таъсирчан ҳисобланади. Бу ҳақда шу соҳа мутахассислари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Вилоятнинг нафақат тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги сўлим масканлар ёки шифобахш минерал сувлари, балки Сурхондарёнинг тарихи ва маъданияти ҳам ниҳоятда бой ва туризм тармоғининг ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга. Ушбу ҳудуд “Буюк ипак йўлида” жойлашганлиги боис, тарихда савдо ва маъданий алоқалар маркази сифатида дунё мамлакатлари ичида шухрат қозонган.

Шеробод тумани ҳудудида жойлашган “Жарқўтон” археологик ёдгорлиги ҳудудида дунёда биринчи шаҳар маданияти шу ерда шаклланганлигини академик Аҳмадали Асқаров ўзининг кўп йиллик тадқиқот ишларига асосланган ҳолда исботлаб берган, ёки ҳозирги Термиз шаҳри Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири эканлиги аллақачон исботланган. Термиз шаҳрининг маъносини баъзи тадқиқотчилар грек тилидан кириб келган ва у “Нариги сохилдаги манзил” маъносини англатади десалар, бошқалари қадимги эрон тилидан кириб келган бўлиб “ўтиш жойи” деган маънони англатади дейишади. Бугунга қадар шаҳар қолдиқларини тадқиқ этиш давом этиб келмоқда. Эски Термиз ёдгорликларидан Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота мақбаралари ва Қирққиз ҳаробалари сақланиб қолган. Шеробод туманида эса, Имом Термизий мақбараси муҳим зиёратгоҳ саналади. Мустақиллик йиллари давомида вилоят ҳудудидаги кўплаб тарихий ва маданий ёдгорликлар қайта таъмирланди ва улар асл ҳолатига келтирилди.

Сурхондарё вилояти цивилизациялар тўқнашган минтақалардан бирида жойлашган ҳудуддир. Унинг тарихи ниҳоятда бой ва бетакрордир. Бу ҳудудда истиқомат қилувчи халқнинг асрлар давомида ижтимоий маънавий қарашлари халқ оғзаки ижоди орқали аждодлардан авлодларга етказиб келинган. Бугунги кунга келиб, ўлка тарихи, этнографияси, маъданияти ва маънавий мероси жаҳон жамоатчилигининг диққатини ўзига тортмоқда. “Бойсун баҳори” фестивалининг, “Наврўз” байрами сайлларининг ўтказилиши ҳам хорижлик сайёҳларнинг, шарқшунос, этнограф олимларнинг ўлка тарих ва маданиятига бўлган кизиқишини орттирмоқда.

Ўз урф-одатлари, маросимлари мазмунига кўра, деҳқончилик ва чорвачилик учун барака сўровчи халқ ҳеч қачон ўзганинг ерига кўз тикмаслигини, халқнинг бағрикенг, дилкаш эканлигини мамлакатимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ англаб етмоқда. Шунингдек, вилоятда ташкил қилинган бир қанча миллий маданий гуруҳлар хориж

мамлакатларида ўз миллий анаъналари, қарашларини ифода этувчи чиқишлари билан хорижликлар эътиборини тортмоқда. Умуман, рекреация ва туризмнинг ривожланишида фестиваллар, кўргазмалар, халқ байрамлари ва спортнинг аҳамияти юқоридир. Афсуски, вилоятнинг бой туристик, рекреацион ресурслари ҳали амалда яхши ўзлаштирилмаган. Бу каби мафтункор гўшаларга туристларни жалб қилиш учун энг аввало халқаро андозаларга жавоб берадиган туристик базалар барпо қилиш, тоғли ҳудудларда замоний меҳмонхоналар қуриш, транспорт инфратузилмасини яхши ривожлантириш, туризм соҳасида яхши хизмат қиладиган, дунё стандартларига мос келадиган, чет тилларини яхши биладиган, профессионал ва психолог мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш ва бошқа шу каби хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш зарур.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш ва энг аввал, ривожланган туристик индустрияни ҳамда дам олишни ташкил этиш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ечишда муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолиши мумкин ва шу билан бирга ишга яроқли аҳолининг бандлиги муаммосини ҳам ижобий ҳал қилиш мумкин. Туризм ва рекреацияни ривожлантириш мамлакатлар, миллатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига йўл очади ва турли касб эгалари учун малака ошириш имконини беради.

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аллаберганов Ҳ. А.

Низомий номидаги ТДПУ

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олиш учун бир мунча қийин ҳолатларни бошидан кечирди. Чунки, ишлаб чиқаришни бир тизимга солиб, иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан берилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиш, техника таъминоти соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга чек қўйиш муҳим масала эди. Мустақиллик йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган катта ишлардан бири мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, хусусий ва шахсий мулкка ҳаққоний муносабатни шакллантириш бўлди. Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда қишлоқ хўжалиқдаги ислохотларни аҳамияти ниҳоят даражада юксак эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларига алоҳида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд, уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қамраб олишга, қишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади”⁸-дея таъкидлаганлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда деҳқончиликни ривожлантириш, сунъий суғоришни тараққий эттириш, янги суғориш иншоотларини қуриш, суғориш шохобчаларини таъмирлаш масаласида муҳим ишлар амалга оширилди. Энг муҳими халқнинг турмушини яхшилаш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш мустақиллик йилларидаги муҳим ишлардан бирига айланди. “Бутун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимиз самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш, хуллас, ҳар қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига бориб тақалади”⁹.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг ҳар томонлама барқарор ривожланаётган муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ривожлантириш стратегияси соҳада янги иқтисодий

⁸Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. –Т., 1998, 172 бет.

⁹Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёт манбаи. –Т.: «Ўзбекистон», 1994, 3 б.

муносабатларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш каби тадбирлар орқали мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилган эди.

Қишлоқ хўжалигини ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқларини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражасини тубдан ошириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун хорижий инвестицияларни, кенг жалб этиш мақсадида 2012-2016 йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, балки иқтисодиётни бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида вужудга келаётган янги хўжалик юритиш шакллари орасида деҳқон ва фермер хўжаликлари муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда 160 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари 45 фоизга кўпайиб, уларнинг сони 75 мингтага етди.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари хўжалик юритишнинг шахсий манфатдорлик, ташаббускорлик ва мулкый жавобгарлик тамойилларига таяниб, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлик ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларига эгаллик қилишга, ўзига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишга, ерга бўлган эгаллик ҳиссига кўра, яъни мустақил хўжалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади. Республика ҳукуматининг бир қатор қарорларида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўладиган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида куйидагиларга эришилди:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши мамлакат аҳолиси, саноат тармоқлари ҳамда халқаро бозор талабларига мос равишда қайта ўзгартирилди, тубдан янги аграр муносабатлар шакллантирилди;

- қишлоқда мулкдорлар синфининг ўрта қатлами-тадбиркор ва ишбилармон фермерлар шаклланди, фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди. Улар стратегик аҳамиятга молик бўлган ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларга эга бўлди. Шу билан қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш таъминланди;

- мамлакатимизда фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар ривожини рағбатлантиришнинг молиявий иқтисодий механизмлари жорий этилди. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайиши, турмуш фаровонлигини ошишига олиб келди;

- фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини самарадорлигини ошиши, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларининг кенгайиши, истиқболда ишлаб-чиқариш кооперациясига асосланган кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берди.

Мамлакатимизда мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли 2017 йил мўл ҳосил етиштирилди, жумладан 8,377 миллион тоннадан зиёд ғалла, 2,93 миллион тоннадан ортиқ пахта ва 12,45 минг тонна пилла, 318 минг тонна шоли 23 млн тонна мева-сабзавот, 13 миллион тоннагўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилди. Мева, сабзавотчилик, боғдорчилик узумчилик ва чорвачилик шунингдек, уларнинг маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш янада ривожланмоқда. Бундай мўл ҳосил олиш, асосан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошқа дон экинларининг

районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 856 миллион долларлик 724 минг тонна хўл мева четга сотилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, юқори технологияли ускуналарни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг узвий қисми сифатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга агросаноат комплексини жадал ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратиш мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда барқарорлиги учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисдаги маърузаси “Халқ сўзи”, 2016 йил 16 январь, 11-сон.
2. 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури. 2012 йил 14 июль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кундаги нутқи. 2017 йил 9-декабрь.

ОЗИҚ ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИИНИГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Алиева Б.А.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланиб, бунда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж мамлакат аҳолиси эҳтиёжларининг бирламчи бўғини ҳисобланади. Шу боис аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, улар эҳтиёжлар ва талабларини тўлиқ кондириш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини тубдан яхшилаш масалалари ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш стратегияси диққат марказида туради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги қабул қилган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида илова қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» нинг учинчи йўналишининг учинчи бандида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш бўйича ҳозирги кунда долзарб ва бажарилиши лозим бўлган масалалар муҳим ўрин олганлиги ушбу масалаларнинг ниҳоятда долзарб эканлигини белгилаб беради.¹⁰

Шу ўринда айтиш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муайян ҳудуд қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш миқдорига, ўз навбатида ушбу соҳанинг ривожланиши ҳудуд иқлим шароитига, табиий омилларга бевосита боғлиқ бўлсада, озиқ-овқат хавфсизлиги ва уни таъминлаш масаласи диққат марказида бевосита ижтимоий-иқтисодий ҳамда миллий-сиёсий хавфсизликни таъминлаш масаласи туради. Чунончи, озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал этиш

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

натijasида мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш, уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш масалалари ҳал этилади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси кейинги йилларда кенг миқёсидаги глобал муаммолардан бирига айланиб, ушбу масалалар билан йирик халқаро ташкилотлар, мутахассис ва олимлар шуғулланишмоқда. Буларнинг энг йириги БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилотидир (FAO – Food and Agriculture Organization). Ушбу ташкилот маълумотларига кўра ҳозирги кунда жаҳонда деярли ҳар ўн кишидан биттаси тўйиб овқатланмайди, ҳар уч кишидан биттаси тўлақонли овқатланмаслик оқибатида энг асосий микроэлементлар етишмаслигидан азият чекмоқдалар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларида унинг сифати катта аҳамиятга эгадир. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда аҳоли томонидан кенг истеъмол қилинадиган носоғлом озиқ-овқат таркибидаги ҳар хил бактериялар, паразит ва зарарли кимёвий унсурлар оқибатида ҳар йили жаҳонда 0,5 млрддан ортиқ киши ҳар хил касалликларга чалиниб, шундан 0,5 млн киши вафот этади. Шундан энг кенг тарқалган касаллик ҳисобланган – диареяга 550 миллион киши чалиниб, 230 минг киши вафот этади.

Ушбу муаммолар билан шуғулланиш ўтган асрнинг ўрталаридан кейин кенг миқёсда бошланган. Инсоннинг тўйиб овқатланишга ва очликдан ҳимояланишга бўлган ҳукуки 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билл ва 1966 йилда қабул қилинган иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Инсоннинг бундай ҳуқуқлари 1989 йилда қабул қилинган болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда ва бошқа халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси фанга биринчи бор 1974 йили Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, дунёнинг кўпчилиги давлатларида озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш кишлоқ хўжалиги ва савдо тармоғидаги стратегия ва дастурларнинг татбиқига боғлиқдир. Уларни тўртта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати;
- Савдо сиёсати;
- Истеъмолчини қўллаб-қувватлаш стратегиялари;
- Озиқа моддалар таъминоти дастурлари.

Бундай дастурлар бир бирини чекламаган, макон ва замонда амалга оширилганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш сиёсати ўтган асрнинг иккинчи ярмида “Яшил инқилоб” номи билан танилган экинлар ҳосилдорлиги бирдан юксалиши жараёни шарофати билан озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди. FAO маълумотларига кўра 1960-2000 йиллар орасида буғдой ҳосилдорлиги 208 фоизга ошди ҳамда шоли, маккажўхори ва картошка ҳосилдорлиги мос равишда 109, 157 ва 78 фоизга ошди.

Яшил инқилоб 1943 йили Мексикада Рокфеллер Жамғармаси ва Мексика ҳукуматининг кишлоқ хўжалиги соҳасидаги дастури билан бошланган. Дастурда АҚШ ва Мексикалик тадқиқотчилар буғдой ва маккажўхорининг ҳосилдорлиги юқори навлари билан синов ўтказишган. Устувор ва юқори ҳосилдор буғдой навларини етиштирган Норман Борлауг энг катта ютуққа эришди. Илмий иш билан бир қаторда Мексика ҳукумати кишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириб, янги навли уруғларни тарқатди. Мамлакатда ғалла ҳосилдорлиги 15 йил давомида уч баравар ошди. 1951-1956 йилларда Мексика ғалла билан ўзини тўлиқ таъминлаб, экспорт қилишни бошлади. Борлауг ишлаб чиққан услублар Колумбия, Ҳиндистон, Покистон, Шриланка ва Филиппинда кенг татбиқ қилинди.

“Яшил инқилоб” атамаси USAID собиқ директори Уильям Гауд томонидан 1968 йили таклиф қилинган. Гауд мазкур ёндашувни агротехникавий услублар ва инфратузилмада новаторлик, янги ёндашувлар, зарур кредитлар, ва асосланган стратегиядан иборат деб тавсифлади. Асосий технологик қисмлар янги навлар уруғлари, кимёвий ўғитлар ва кишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашдан иборат эди.

“Яшил инқилоб” озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган фан ва давлат дастурлари ҳамкорлигининг муваффақиятли мисолидир. Кўп мамлакатларда ҳукумат турли навлар ва уруғлик таъминотини қўллаб-қувватлайди, суғориш тизимларини ривожлантирди ва кимёвий ўғитларни таъминотини субсидия қилади. Қишлоқ хўжалиги синов-намоиш дастурлари фермерларга янги навлар уруғлари, минерал ўғитлар, пестицидлар таъминоти билан бир қаторда ушбу инқилобнинг ижобий натижалари кенгрок татбиқ қилинишини қўллаб-қувватлади. Фан ютуқлари татбиқи, ноу-хауни такомиллаштириш ҳамда минерал ўғитларнинг самарали қўлланилиши Осиё ва Лотин Америкасидаги кўп мамлакатларга ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда долзарб масалаларни ҳал қилишга имкон берди.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича қатор ижобий ишлар бажарилди. Жумладан, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омиллари ва истикболлари бўйича иқтисодчи олимлардан Т.Ахмедов, Х.Абулқосимов, Р.Алимов, И.Искандаров, А.Ишмухамедов, А.Исаходжаев, А.Исажонов, А.Расулов, А.Ортиқов, Д.Темиров, А.Хўжабеков ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган бўлса, унинг табиий-иқлимий шароитига боғлиқ озиқ-овқат экинларини етиштиришнинг худудий жойлашуви ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигининг иқтисодий-географик жиҳатдан худудий таҳлиллари географ олимлар томонидан тадқиқ этилмаган. Шунини эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ўзларининг ривожланиш дастурлари ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бундай дастурларни ишлаб чиқишда туман табиий шароитига боғлиқ экин турларини жойлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар беришда географ олимлар зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Akademiya. 2006
3. Вечканов Г.С. Экономическая безопасность: Учебник для вузов. – СПб. Питер 2007.
5. Продовольственная безопасность в Узбекистане.UNDP. 2010

IJTIMOIIY-EKOLOGIK VAZIYATGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Amanbayeva Z.A., Qo’ldosheva G.M. *

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Insonniyatning tabiatga ta’siri xo’jalikning rivojlanishida, aholining bandligini ta’minlashda yaqqol namoyon bo’ladi va undan foydalanish hozirgacha keng ko’lamda davom etmoqda. Bugungi kunda tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, hududlar tabiatini har jihatdan keng o’rganish, tabiiy va antropogen landshaftlar holatini baholash va bashorat qilish geograf-tadqiqotchilar oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Jamiyat taraqqiyoti, uning ma’lum bir rivojlanish davrida erishilgan yutuqlari bevosita aholining ijtimoiy holati va salomatligi bilan bo’g’liqdir. Ayni vaqtda aholining har tomonlama kamol topishi, ma’naviy va jismoniy sog’ligi mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy ko’rsatkichi va muhim omili hisoblanadi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida demografik vaziyat va uning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini ko’p qirrali, dolzarb muammolaridan biridir. Chunki, bozor munosabatlarining markazida inson shaxsi, uning individual imkoniyatlari turadi. Bunday vaziyatda aholining mavjud turmush darajasini hisobga olgan holda odamlarni ijtimoiy himoyalash sohasida kuchli chora – tadbirlarni oldindan amalga oshirish kerak. Mehnat bozoridagi vaziyat barcha boshqa bozorlar kabi talab va takliflar asosida aniqlanilib, bir qator omillar bilan belgilanadi. Bu omillar shartli ravishda o’zaro bog’liq bo’lgan iqtisodiy, demografik va siyosiy omillarga bo’linadi. Har bir davlat iqtisodiy tizimining mustahkamligi,

***Amanbayeva Ziyoda Abduboisovna**-TDPU “Geografiya va uni o’qitish metodikasi” kafedrasi dotsenti, g.f.n.;
Qo’ldosheva Gulhayo Muxtor qizi- TDPU “Geografiya o’qitish metodikasi”yo’nalishi magisti.

xo'jaligining o'sishi va rivojlanish ko'lami iqtisodiy omillar rivojlanishiga olib keladi. Tabiiy omillar iqlimiy, suv, yer, biologik, mineral boyliklarni tashkil etadi. Har bir davlatning tabiiy boyliklaridan oqilona foydalanishi xo'jligi rivojlanishidan tashqari zahira boyliklari haqida ham qayg'uradilar. Ishlab chiqarish kuchlarining taraqqiyot darajasi yuqori bo'lgan sari tabiiy omillarning to'g'ridan-to'g'ri ta'siri kamayadi. Biroq ular aholining joylashuvida katta o'rin egallash davom etmoqda. Aholining o'sish sur'ati, aholi sonining ko'payishi bilan bog'liq bo'lgan omillar demografik omillar deyiladi. Ma'lum bir hududning aholisining joylashishi, bandligi haqida to'liq tasavvurga ega bo'lish uchun barcha asosiy omillarning birgalikda o'zaro bog'liq holda ko'rib chiqish lozim. Ishlab chiqarish kuchlarining taraqqiy etishi iqtisodiyot tizimining o'zgarishi, fan texnikaning rivojlanishi va aholi ehtiyojlari tizimidagi o'zgarishlar natijasida ishlab chiqaruvchi kuchlarning yirik shaharlar va ma'lum rayonlarda yig'ilish jarayoni kuchayadi. Aholining takror barpo etish jarayonidagi hududiy farqlar aholining joylashish sur'atini o'zgartiradi. Hozirda, demografik jarayonlarning ijtimoiy- iqtisodiy oqibatlari butun mamlakat hududida bir xil emas. Ayrim viloyatlarda demografik vaziyat tobora murakkablashib, bir qator ijtimoiy- iqtisodiy muammolarni keltirib chiqarayotgan bo'lsa, ayrim mintaqalarda jarayon nisbatan bir maromda ketmoqda. Umuman olganda, inson va tabiat o'rtasidagi munosabatlarda demografik jarayonlarning stixiyali kechishi natijasida hududiy ziddiyatlar paydo bo'ldi. Masalan, O'zbekiston Respublikasining hozirgi hududida 1965-yilda 3,3 mln kishi yashagan bo'lsa, hozirgi paytga kelib mamlakatimiz aholisining soni 32.5 mln kishidan oshdi. Agar o'sha paytda har 1 km² da atigi 7,4 kishi yashagan bo'lsa, hozirgi paytda qariyb 70 kishi yoki 10 baravar ko'p aholi yashamoqda. Bu holat ijobiy jihatlardan tashqari bir qator ijtimoiy-iqtisodiy, ekologik va mintaqaviy muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Aholi muammosi ko'p va keng qamrovli muammo bo'lib, tabiiy va ijtimoiy (psixologiya, anatomiya, geografiya, sotsiologiya, falsafa, tarix, jamiyatshunoslik, statistika, iqtisod, etnografiya, ekologiya, tibbiyot ...) fanlar tomonidan o'rganiladi. Hozirgi paytda O'zbekiston Davlat statistikasi qo'mitasi mamlakat aholisining soni, tabiiy o'sishi, nikoh va ajralish, aholi migratsiyasi, salomatligi ijtimoiy – iqtisodiy holatiga oid statistika ma'lumotlarni tayyorlab, muntazam chop etib bormoqda. Qolaversa, Qashqadaryo viloyatidagi demografik vaziyat ilmiy va amaliy jihatdan yetarlicha o'rganilgan, deb bo'lmaydi. Shuningdek, viloyat aholisi mehnat resurslari manbai sifatida ham chuqurroq o'rganilmog'i lozim. Qashqadaryo viloyatining ijtimoiy-iqtisodiy muammolari bu yerda yashaydigan aholining tabiiy va mexanik harakatlariga ham bog'liqdir. Viloyat iqtisodiyotini rivojlantirish strategiyalarini va dasturlarini ishlab chiqishda – viloyatda yashab turgan aholining bugungi, yaqin hamda uzoq istiqboldagi soni, tarkibi harakati bilan bog'liq aniq raqamlar va bashorat ko'rsatgichlari asos bo'lib xizmat qiladi. Shu jihatdan olib qaralganda Qashqadaryo vohasining o'tmishi, bugungi va kelajagiga aloqador demografik muammolar va ularning ijtimoiy-iqtisodiy oqibatlarini o'rganish ijtimoiy-ekologik nuqtai-nazaridan ham g'oyat dolzarb masalalardan hisoblanadi.

Qashqadaryo viloyati misolida ijtimoiy-ekologik va nozogeografik vaziyatni o'zaro aloqadorligini aniqlash, baholash iqtisodiy yuksalishni hudud ijtimoiy ekologiyasi bilan bog'liqligini geografik jihatdan o'rganish, medodik asoslarini takomillashtirish tahlil qilish va ijtimoiy ekologik muommolarini aniqlashda bir qator masalalar hal etilishi, jumladan:

- Ijtimoiy- ekologiyaning nazariy-uslubiy jihatlarini
- Ijtimoiy- ekologik muammolarining hududiy xususiyatlarini
- Ishlab chiqarish rivojlanishi bilan ijtimoiy ekologiyaning ta'sir doirasini
- Qashqadaryo viloyati aholi salomatligi bilan bog'liq ijtimoiy-ekologik muammolarni
- Viloyotda aholi salomatligini yaxshilash masalalarini o'rganilishi chora tadbirlar rejasi ishlab chiqilishini talab etmoqda.

Viloyatda ijtimoiy-iqtisodiy tizimining hududiy va tarmoq tarkibini takomillashtirishi Qashqadaryo viloyatidagi ijtimoiy-ekologik muammolarni hal etish yo'llari ilmiy tadqiqotlarda kengroq o'rganilishini va tavsiyalar ishlab chiqilishini talab etadi.

Adabiyotlar:

1. Лосев А.В., Провадкин Г.Г. «Социальная экология» -М.: Владос, 1998.
2. Rafiqov A. A., va boshqalar. Geoekologiya asoslari. – T.: TDPU, 2017.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA ERKIN IQTISODIY ZONALARINI TASHKIL QILISHNING IKKINCHI BOSQICHI

Amanov A.Q. Otajonov R.P. *
Urganch davlat universiteti.

O'zbekiston Respublikasi hududida erkin iqtisodiy zonalarining shakllanishining ikkinchi bosqichiga shartli ravishda 2016 yildan hozirgi kungacha bo'lgan, hokimiyat tepasiga mamlakatimiz prezidenti Sh.M. Mirziyoyev kelgandan keyingi davrda tashkil qilingan erkin iqtisodiy zonlarni kiritishimiz mumkin.

Sanoat sohani rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M.Mirziyoyev rahnamoligida qisqa muddatda mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalarining shakllantirishning ikkinchi bosqichini amalga oshirildi va bu davrda 20 ga yaqin turli ko'rinishdagi erkin iqtisodiy zonalar bunyod qilindi.

Shu o'rinda erkin iqtisodiy zonalarining shakllanishining birinchi bosqichi O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A Karimov davrida 2008-2013 yillar oralig'ida amalga oshirilgani, jumladan; 2008 yilda Navoiy erkin industrial zonasi, 2012 yilda Angren maxsus industrial zonasi hamda 2013 yilda Jizzax maxsus industrial zonasi va uning Sirdaryo filialining tashkil qilinganligini ko'rsatib o'tishimiz mumkin.

Navoiy viloyatida mamlakatimizda birinchi bo'lib erkin industrial-iqtisodiy zona tashkil etish, jahon bozorida raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishini ta'minlaydigan yuksak texnologiya quvvatlarining keng tarmog'ini yaratish bo'yicha yaqinda qabul qilingan qaror zamirida ham avvalo bu mintaqaning beqiyos imkoniyatlari, uning hududiy o'rni, ulkan mehnat resurslari, ishlab chiqarish va intellektual salohiyati mujassamdir. (I.A. Karimov, 2009)



1-rasm. O'zbekistonning dastlabki bosqichda tashkil qilingan erkin iqtisodiy zonalarini. Rasm mualliflar tomonidan ishlangan.

Mamlakatimizda ikkinchi bo'lib tashkil qilingan erkin iqtisodiy zona Angren maxsus industrial zonasidir.

Toshkent viloyatida "Angren" maxsus industrial zonasini tashkil etganimiz nafaqat voha rivojida, balki butun sharqiy mintaqalarimiz taraqqiyotida muhim ro'l o'ynamoqda. Bugungi kunda

***Amanov A.K.** - Urganch davlat universiteti Geodeziya, kartografiya, geografiya kafedrasida doktoranti.


Otajonov R.P. - Urganch davlat universiteti Geodeziya, kartografiya, geografiya kafedrasida geografiya yo'nalishi talabasi.

ushbu maxsus industrial zonada xorijiy hamkorlarimiz bilan birgalikda ko'pgina yirik loyihalar amalga oshirilmoqda (I.A.Karimov 2015.).

Dastlabki erkin iqtisodiy zonalar rivojlanishi keying bosqich davrda yanada kuchaydi. Navoiy erkin iqtisodiy zonasida keng ko'lamdagi ishlar amalga oshirildi; jumladan "Korean-Air" kompaniyasi hamkorligida inter modal xabning shakllanishi va rivojlanishi natijasida sharqni garbga, shimolni janubga bog'lovchi markaz paydo bo'ldi. Shuningdek Angren va Jizzax erkin iqtisodiy zonalarida ham bir qator amaliy ishlar ko'zga tashlandi.


Bu sohadagi eng yirik loyihalardan biri "Angren" erkin iqtisodiy zonasida 214 million dollar investitsiya hisobidan yiliga 100 ming kvadrat metr konveyer lentasi va 3 million 200 ming dona avtomobil shinasi ishlab chiqarish loyihasidir. Loyihaning birinchi bosqichi 2018-yil oxirida bitkazilib ishga tushiriladi (Sh.M.Mirziyoyev, 2017.).

2013 yil 18 mart sanasida Jizzax viloyatida O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A Karimov rahnamoligida "Jizzax" maxsus industrial zonasini tashkil qilindi. Mazkur maxsus industrial zona umumiy maydoni 524 gektarli ikki hududdan iborat bo'lib, 416 gektarli asosiy hududi Jizzax shahrida va 108 gektarli filiali Sirdaryo tumanida (2018 yildan Yangiyer kichik sanoat zonasi bilan alohida Sirdaryo erkin iqtisodiy zonasi) joylashgan edi.



2-rasm. 2016-2018 yillarda tashkil qilingan erkin iqtisodiy zonalar (FEIZlarsiz). Rasm mualliflar tomonidan ishlangan.

Dastlabki bosqichdan farqli ravishda bu bosqichda yuqorida ta'kidlaganimizdek, erkin iqtisodiy zonalarning soni, turi va mamlakat hududi bo'yicha joylashuvining kengayganligi ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Mamlakatimizning Qashqadaryo va Andijon viloyatlaridan tashqari barcha ma'muriy birliklarda erkin iqtisodiy zonalar tashkil qilingan, birgina Toshkent viloyatida ushbu davrda jami 4 ta: Bo'stonliq va Parkent farmasevtika erkin iqtisodiy zonalar (Bo'stonliq va Parkent FEIZlari), Chorvoq turistik erkin iqtisodiy zonasi (Chorvoq TEIZ), hamda Quyil Chirchiq baliq ishlab chiqarish erkin iqtisodiy zonasi (Quyil Chirchiq BICHEIZ), shuningdek Toshkent shahrida Toshkent sport erkin iqtisodiy zonasi (Toshkent SEIZ), hamda Yashinobod va Olmazor texnoparklarini tashkil qilinishi bunga misol qilib ko'rsatish o'rinli bo'ladi.



**3-rasm. O'zbekistonning farmasevtika erkin iqtisodiy zonalari.
Rasm mualliflar tomonidan ishlangan.**

Davlatimiz rahbarining 2016 yil 26 oktyabrdagi “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoniga muvofiq ushbu zonalar uchun yanada qulay shartsharoitlar yaratildi. “Navoiy”, “Angren”, “Jizzax”, “Urgut”, “G‘ijduvon”, “Qo‘qon” va “Hazorasp” erkin iqtisodiy zonalarida umumiy qiymati 486 million dollarga teng 62 loyiha amalga oshirilgan, 4 ming 600 dan ortiq ish o‘rni yaratilgan. Farmatsevtika sohasiga ixtisoslashgan “Nukus-farm”, “Zomin-farm”, “Kosonsoy-farm”, “Sirdaryo-farm”, “Boysun-farm”, “Bo‘stonliq-farm”, “Parkent-farm” singari 7 yangi erkin iqtisodiy zonani rivojlantirish bo‘yicha izchil ishlar olib borilmoqda.

Ushbu bosqich davomida mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalarining 7 turi (sanoat, farmasevtika, turistik, sport, baliq ishlab chiqaruvchi, agro erkin iqtisodiy zonalar va texnoparklar) bo‘yicha 19 ta ulardan 6 tasi yuqori texnologik mahsulotlar ishlab chiqaruvchi erkin iqtisodiy zonalardir.



**4-rasm. 2016-2018 yillarda tashkil qilingan erkin iqtisodiy zonalar (texnoparklarsiz).
Rasm mualliflar tomonidan ishlangan.**

Birgina 2017-yil mobaynida jami 12 ta erkin iqtisodiy zona, jumladan 4 ta sanoat, 7 ta farmasevtika, 1 ta turistik erkin iqtisodiy zonalari va 2 ta texnoparklar tashkil qilindi. 2018 yilda esa erkin iqtisodiy zonalar soni yana 5 ta Sirdaryo va Namangan erkin iqtisodiy zonasi, “Toshkent” sport erkin iqtisodiy zonasi, “Quyi Chirchiq” baliq ishlab chiqaruvchi erkin iqtisodiy zonasi va “Buxoro-Agro” erkin iqtisodiy zonalari ko’paydi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotni yanada rivojlantirish, hududlardagi iqtisodiy tafovutlarni kamaytirish, shuningdek yaqin qo’shnilarimiz ichki bozorlariga kirib borish maqsadida quyidagi erkin iqtisodiy zonalarni tashkil maqsadga muvofiqdir.

Jumladan Afg’oniston Islom Respublikasi va Tojikiston Respublikasi bozorlariga, keyinchalik Pokiston va Hindistonga kirib borish maqsadida “Termiz” erkin iqtisodiy zonasini tashkil qilish, shuningdek, Qirg’iziston Respublikasi va Xitoy Xalq Respublikalari bilan iqtisodiy munosabatlarni yanada rivojlantirish maqsadida “Qorasuv” erkin iqtisodiy zonalarni tashkil qilish, Qoraqalpog’iston Respublikasida “Xo’jayli”, hamda Qashqadaryo viloyatida “Tollimarjon” erkin iqtisodiy zonalarni shakllantirish muhim masalalardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent. “O’zbekiston” 2017.
2. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo’lida xizmat qilish-eng oliy saodatdir. Toshkent. “O’zbekiston” 2015
3. Karimov I.A. Vatanimizning bosqichma-bosqich va barqaror rivojlanishini ta’minlash- bizning oliy maqsadimiz. Toshkent. “O’zbekiston” NMIU 2009.
4. www. sputniknews-uz

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШУВИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ ЎРНИ

Ахунбобоев М.М., Хидиралиев К.Э., Жавлонов А.А.*

Гулистон давлат университети

Инсон табиатнинг бир неъмат сифатида вужудга келар экан, у доимо ўзининг чексиз эҳтиёжини қондириш мақсадида, табиатга ва унинг чекланган ресурсларига нисбатан муносабатини вақт ва макон нуктаи назаридан ўзгартириб келган. Илмий техника тараққиёти ютуқлари таъсирида шаклланиб, ривожланиб бораётган ҳар қандай ишлаб чиқариш бевосита ва билвосита табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирисиз ўзининг юксак, самарали натижасини бера олмайди. Бунинг асосида албатта, омиллардан, ресурслардан ўз ўрнида фойдаланиш талаб этилади.

Бизга маълумки ишлаб чиқариш-инсоният жамиятининг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур моддий неъматларни яратиш жараёнидир. Бу жараёнда нафақат табиий ва иқтисодий географик омиллар, балки ИТТ, бозор, экологик омиллар ҳам иштирок этади. Бу борада ҳар қандай иш билармон, албатта фойдани, қўшимча даромадни кўзлайди, давлат эса иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат ресурсларини банд қилиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудларни ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтиришга интилади. Демак, бундай вазиятда ҳар икки йўналишни мувофиқлаштирган ҳолда масалани ечиш талаб этилади.

Агар биз эътибор берсак, аҳолининг ўзига хос ривожланиш қонунлари борки, бу қонунлар ҳар бир ижтимоий-иқтисодий жамиятларда бир-биридан фарқ қилади. Барчамизга маълумки, мустақилликга эришганимиздан бошлаб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига хос аҳоли қонуни амал қила бошлади. Ушбу қонуннинг туб моҳияти шундан иборатки, у ишсизликни тугатиш, аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла банд қилиш негизида, уларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини тинмай ошириб бориш, шахсни ҳар томонлама тараққий эттириш ва аҳолининг ўзини прогрессив ҳамда ижтимоий жиҳатдан соғлом тарзда такрор барпо қилишни таъминлаб беради.

Ушбу доирада ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизида, инсон омилнинг ролини ошиши асосида, ишлаб чиқариш билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда бугунги кунда қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш лозим бўлади:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш-ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш, ишлаб чиқаришни маънавий жиҳатдан янгилаш;
- таркибий ўзгаришлар-иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш, янги ўзак тармоқларни барпо этиш, самарали ва мустақил иқтисодиётни шакллантириш;
- диверсификация-корхона ва тармоқлар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизмат турларини янгилаш, маҳсулот ва хизмат турларини кўпайтириш;
- маҳаллийлаштириш-ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий хомашё ва ресурслардан кенгрок фойдаланиш, миллий корхоналар учун бутловчи қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб бериш, импортни қисқартириш эвазига валюта ресурсларини тежаш.

Маълумки 2017 йил 22 декабрда Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси тақдим этилди. Унда давлатимизнинг ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мазмунан тўхтаб ўтилди. Унда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишларига катта эътибор берилдики, бунинг асосида бевосита ва

* Ахунбобоев Маъмур Махмудович-ГулДУ “Экология ва география” кафедраси катта ўқитувчиси;
Хидиралиев Комил Эсанович-ГулДУ “Экология ва география” кафедраси доценти, г.ф.н.;

Жавлонов Асрор Анорбой ўғли-ГулДУ 3-босқич талабаси “География ўқитиш методикаси” йўналиши.

билвосита ишлаб чиқариш кучларини ҳудудлар доирасида оқилона жойлаштириш масаласи ётади (Мирзиёев Ш., 2017).

Хулоса қилиб айтганда, республикаимизнинг барча ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш тамойили аввалгидек, «режали» талқин қилинмайди. Бугунги кунда минтақалараро тафовут сақланиб, ҳатто бироз кучайиб бориши мумкин. Шу боис давлатнинг минтақавий сиёсати бу фарқларни иложи борица қисқартиришга йўналтирилади. Бундай ҳудудий номуносивбликларнинг ўзига хос ривожланиш омили сифатида-ҳудудий рақобат маълум даражада сақланиб қолишининг сабаби шундаки, бир вақтнинг ўзида барча тармоқларни бир даражада ривожлантириш асло мумкин эмас (Солиев А., 2014).

Тармоқлар таркибида бўлганидек, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий тузилмасида ҳам ривожланиш навбатма-навбат, устуворлик тамойили ва рақобат асосида олиб борилади. Бу жараён мазкур ҳудудлардаги аҳоли, унинг асосий таркибий қисми ҳисобланган ишчи кучи салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш лозим бўлади. Бинобарин, аҳоли бевосита ижтимоий ишлаб чиқаришдек мураккаб жараённинг марказидан ўрин олади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси.-Т.: “Халқ сўзи” газетаси 23 декабр, 2017.
2. Солиев А. Ўзбекистон географияси.-Т.: Университет, 2014.-7 б.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Ахунбобов М.М., Саттаров С.


ГулДУ

Дунё аҳолиси сонининг ошиб бораётганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Олимларни башоратларига қараганда дунё аҳолиси 2050 йилга бориб 9 млрд. Кишидан ошиб кетиши кутилмоқда-ки, бу кўшимча 1 млрд. Тонна донли маҳсулот ёки 200 млн. тонна чорвочилик маҳсулотларини етказиб беришни тақаззо этади. Бу ҳол қишлоқ хўжалигини келажакда ҳам халқ хўжалигида ўз ўрнига эга бўлишидан дарак бериши билан уни ривожлантириш давр талаби бўлиб қолаверишидан дарак беради.

Қишлоқ хўжалигини мамлакатимиз халқ хўжалигидаги ўрни юқорилигини инобатга оладиган бўлсак, юртимизда уни ривожланиши нақадар аҳамиятли эканлиги яққол кўринади. Шу сабабли ҳам юрт бошимиз Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “...соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир...”¹ таъкидлаб ўтдилар (2017 йил декабр). Шу билан бирга бу анжумунда 2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинганлиги, 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилганлиги айтиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги ривожлантириш ишлари Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ўсишни куйдаги маълумотларда ҳам кўришимиз мумкиндир. 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 2902,3 млрд. сўм ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 102,3 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвочилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар -2865,9 млрд. сўмни (101,6 фоиз), ўрмон хўжалигида -3,0 млрд. сўмни (96,7фоиз), балиқ хўжалигида- 33,4 млрд. сўмни(169,6 фоиз) ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики вилоятда қишлоқ хўжалигининг нисбатан ёш бўлган янги тармоғи яъни балиқчиликка катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажмини юқори суратлар билан ўсишини Мирзаобод (106,5%), Оқолтин (103,0%) туманларида, Янгиер(107,0%) ва Ширин (105,7%) шаҳарларида кузатамиз. Лекин, Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё туманларида эса паст суратларни кузатишимиз мумкин.

Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ошиб бораётганлиги айниқса, чорвачиликда сезилмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми 101,6 % га ошган бўлса, шундан деҳқончилик 100,8 % га чорвачилик 103,7 % га ошганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда йирик шохли қара моллар ва паррандалар бош сони 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик қорамолларнинг умумий сони 417,1 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 161,3 минг бошга, қўй ва эчкилар – 319,2 минг бошга, паррандалар – 2295,1 минг бошга етказилган. Ёки 2017 йилнинг шу даврдигига нисбатан йирик шохли қорамолларбош сони – 4,5 минг бошга (1,1 %), шу жумладан сигирлар сони 31,3 минг бошга (24,1 %), қўй-эчкилар- 25,7 минг бошга (8,8 % га), паррандалар – 358,9 минг бошга (18,5 % га) кўпайганини кўришимиз мумкин бўлади. Чорвачиликнинг вилоятда ривожланишида деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлиб келмоқда. Жумладан, тирик вазнда гўштнинг умумий ҳажмда 96,8 % ни, сутнинг 93,1 % ни тухимнинг 69,5 % ни жуннинг 81,7 % ни деҳқон хўжаликлари етказиб бераётганлигин кўришимиз мумкин.

Хўжалик тоифаларининг чорва моллари ва паррандалар бош сонигаги улуши



Қишлоқ хўжалигида чорвачиликка бўлган эътиборнинг ошиб бораётгалиги билан бирга дехқончиликнинг улуши юқориликча қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири кишиларнинг озик-овқатга бўлган талабларининг қондириш дехқончилик зимасидалигидир. Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳам дехқончиликнинг улуши юқориликча яъни 55 % ни ташкил этиб турибди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки вилоятдаки дехқончилик суғориладиган ерларда амалга оширилаётгалигидир. Бундан ташқари вилоятдаги иқтисодий фаолият турлари кесимида иш билан бандларнинг асосий улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида (48%) эканлиги ҳамдир.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎРНИ

Бердиқулова М.Т. Бўриева Э.*

Қарши давлат университети

Худуд иқтисодиётини ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш-моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари инвестиция муҳити билан бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва давом эттириш маълум миқдордаги сарф-харажатлар (сармоя-инвестиция) талаб этади. Инвестициялар – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларини кенгайтириш, ривожлантириш, такомиллаштириш, янги техника ва технологиялар билан бойитиш мақсадида асосий ҳамда айланма фондларни кўпайтиришга йўналтирилган, сарфланган маблағларнинг пулдаги ифодасидир. Хорижий сармоялар ва технологиялар иқтисодиётнинг барча тармоқларида юксак ривожланиш, барқарор ўсишни таъминлаш билан бирга, янги иш ўрни, рақобатбардош маҳсулот, юқори экспорт салоҳиятини ҳам таъминлайди. Мамлакатимизда вужудга келаётган “Эркин иқтисодий зона”лар бунга яққол мисолдир. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йил 1 август ҳолатида республикада 17 та эркин иқтисодий зона ва 100 дан ортиқ кичик саноат зоналари мавжуд.

* Бердиқулова Мухайё Тоштемировна – Қарши ДУ география кафедраси ўқитувчиси;
 Бўриева Эъзоза - Қарши ДУ география ўқитиш методикаси 4 курс талабаси

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши, минтақаларда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Импортнинг ҳам асосий қисми Тошкент шаҳрига, Андижон, Тошкент ва Самарқанд вилоятларига тўғри келган. Айти пайтда экспортда Сирдарё, Жиззах ва Хоразм, импортда Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ҳиссаси ниҳоятда паст. Бинобарин, энг аввало мазкур вилоятлар инвестиция муҳитини фаоллаштириш талаб этилади. Бу борада транспорт ва бошқа инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қашқадарё вилояти мамлакатда ўзининг иқтисодиёт тармоқлари - саноат (ёқилғи-энергетика), қишлоқ хўжалиги (пахтачилик, дончилик, боғдорчилик, полиз экинлари) ривожланишида катта имкониятларга эга ҳудуддир. Вилоятнинг инвестиция имкониятлари ошиб бораётганлиги ҳудудда зарур хом-ашёларнинг мавжудлиги, қонуний манфаатдорликнинг кафолатланганлиги каби омиллар билан бевосита боғлиқдир. Вилоятда хорижий сармоялар оқимини кўпайтириш, йирик лойиҳаларни амалга ошириш ишлари амалга оширилиб, тегишли лойиҳаларнинг рўйхати шакллантирилиб, уларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” тасдиқланган. Тегишли дастурга асосан, 2018 йилда вилоятда жами 1 трлн 128 млрд. сўмлик 409 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида жойларда 5171 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. 2018 йил 1 август ҳолатида амалда 205 млрд. сўм ҳисобига 122 та лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 849 нафар янги иш ўринлари яратилган. Жумладан, Қарши туманидаги йилига 22 минг тонна пахта толасини қайта ишлашга мўлжалланган “LT Textile”, Чирокчи туманидаги йилига 1,5 млн. тонна цемент ишлаб чиқарадиган “Қарши концентмент”, Китоб туманидаги “Китобтегирмонмонтажсервис”, Қарши шаҳридаги пилла хом-ашёсига ишлов беришга ихтисослашган “Radian silk” кўшма корхоналарига Хитой, Туркия, Германия, Франция, Россия каби давлатлар сармоялари киритилган.

Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 2017 йилда 49 тани ташкил этди. Шулардан 46 таси фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳисобланади. Бу корхоналарнинг жами ташқи савдо айланмаси 2017 йилда 200529,2 минг АҚШ долларини ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 28 фоизга ортганини билдиради. Шундан экспорт жами 1749,1 минг АҚШ долларини, импорт ҳажми эса 198780,1 минг АҚШ долларини ташкил этди. Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, ташқи савдо айланмасининг асосий қисмини импорт ташкил этган. 2018 йил 1 август ҳолатида вилоятда хорижий сармоялар иштирокида 7 та янги корхона ташкил этилди. Айрим туманларда бундай корхоналар сони 2 тага ҳам етмаслиги аниқланган. Бу кўрсаткич мамлакатнинг бошқа вилоятлари билан таққосланса, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар бўйича вилоят мамлакатда охириги ўринларда туриши кузатилади.

Қашқадарё вилояти ташқи савдо айланмаси ўрганилганда, 2017 йилда жами ташқи савдо айланмаси 674 млн. АҚШ доллари бўлиб, экспорт ҳажми 302, импорт ҳажми 372 млн. АҚШ долларини ташкил қилган (1-расм). Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ мамлакатлари 190,4 млн., узоқ хорижий мамлакатлар 483,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Экспортда иштирок этган маҳсулотлар таркибида катта миқдорни пахта толаси, кейинги ўринларда эса кимё маҳсулотлари ва энергетика манбалари туради. Импорт маҳсулотлари таркибида юқори ўринни машина ва ускуналар, ундан кейин рангли ва қора металлургия, кимё ва дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари жой олади.



Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

1-расм. Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси

Вилоят иқтисодийтини юксалтириш учун аввало импорт ҳажмини камайтириш лозим, бу эса вилоятда валюта ҳажмининг тежалишига олиб келади. Туманлар кесимида ташқи савдо айланмасида энг катта улуш Ғузор туманига тўғри келса, ундан кейин Муборак тумани ва Қарши шаҳри туради. Вилоят ташқи савдо айланмасида қуйида келтирилган туманларнинг етакчи бўлиши уларда йирик корхоналар мавжудлиги ҳамда катта миқдорда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, Ғузор туманида “Шўртаннефть-газ” шўба унитар корхонаси (табiiй газ, конденсат), “Шўртангазкимё мажмуаси” (полиэтилен гранула, полиэтилен қувурлар), Муборак туманида “Муборак нефть-газ конлари бошқармаси” (табiiй газ, нефть, конденсат) каби йирик корхоналар фаолияти вилоят ташқи савдосида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда экспортга маҳсулот чиқарадиган саноат корхоналаридан фарқли равишда кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиklarининг ҳам имкониятлари ўсиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишловчи саноат корхоналарини барпо этиш маълум миқёсда хорижий сармоялар жалб қилиниши билан ҳам изоҳланади.

Хорижий инвестицияларни киритиш орқали вилоятда қуйидаги масалаларни ижобий ҳал этилишини таъминлаш мумкин:

- янги, замонавий техника ва технологияларни иқтисодиётга жалб қилиш;
- янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш ва бу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;
- туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий саноат корхоналарини барпо этиш, бунинг учун илмий салоҳият ва молиявий таъминот масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;
- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатда эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишига эришиш.

Чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табiiйки, улар айнан шу давлат иқтисодиётига сармоя киритишга кўпроқ интилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. Дарслик. –Тошкент, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ ВА НАМАНГАН АГЛОМЕРАЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИ

Жумаханов Ш.З.*

Наманган давлат университети

Йирик шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши урбанизация за аҳоли жойлашуви жараёнининг замонавий йўналишларини ифодалайди ва улар кўпроқ “нотабий” тарзда вужудга келади. Бундай мураккаб тизимларнинг вужудга келиш механизми шундан иборатки, у авваламбор, ҳудудий мужассамлашув жараёнлари натижасида агросаноат за транспорт тугунлари асосида шаклланади. Бунинг негизида ишлаб чиқариш, урбанистик за ҳудудий мужассамлашувнинг аниқ бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиши ётади. Айтилиши вақтида Наманган вилояти шаҳарлари ва Наманган агломерациясининг шаклланиши ушбу жараёнлар билан боғлиқ.

1962 йилда ҳозирги Наманган агломерацияси ҳудудида фақат битта туманга бўйсинувчи йўлдош аҳоли кўрғони мавжуд эди. 1976 йили Чортоқ, 1979 йили Тўрақўрғон каби аҳоли кўрғонларининг шаҳар мақомини олиши ва 1976 йили Янгиқўрғон, 1979 йили Тошбулоқ ва Уйчи каби аҳоли кўрғонларига шаҳарча мақомини берилиши тарқок ёйиқ шаклдаги Наманган агломерациясининг шаклланишига олиб келди.

1990 йилдан бошлаб, агломерация ядроси ҳисобланган Наманган шаҳрининг чегаралари янги пайдо бўлган массивлар ҳисобига (Ахсекент, Оромгоҳ, Нуробод, Гўзал, Ҳасанобод) ҳудудий жиҳатдан янада кенгайди. Натижада, Наманган шаҳрининг майдони 1985 йилда 38,0 кв.км.ни ташкил этган бўлса, 1996 йилга келиб у 81,5 кв.км.га етди ёки ана шу қисқа даврда Наманган шаҳри 2 марта ҳудудий жиҳатдан кенгайди. Бунга мос равишда шаҳар ҳудуди йилига 19,5 фоизга ёки 41,8 кв.км.га кўпайган.

Наманган шаҳрининг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши кейинги йилларда асосан шимолий йўналишда ривожланиб бормоқда. Сабаби агломерация ҳудудининг шимолий йўналишида ер фонди катта. Жанубий йўналишда эса Наманган агломерациясининг ядросида ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви ҳисобига ҳудудий жиҳатдан емирилиш жараёнлари кетмоқда. Қизиғи шундаки, Наманган шаҳрининг шимолий йўналишида Катта Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналларининг оқиб ўтиши, ер ости сувларининг шаҳарнинг жанубий йўналишидаги аҳоли кўрғонларининг захланишига сабабчи бўлмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ манзилгоҳларида саноат тармоқларини жойлаштириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил қилиш, қишлоқларни тоза ичимлик суви, табиий газ, транспорт ва бошқа инфратузилмалар билан таъминлашда 2018 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли фармони эълон қилиниши катта аҳамият касб этди. Қайд этиб ўтиш керакки, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир туманида 2 тадан маҳалла ва қишлоқ “Обод қишлоқ” Дастури бўйича ободонлаштирилиши назарда тутилган давлат дастури қабул қилинди. Дастурда қишлоқ жойлари аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш, уларга сифатли тиббиёт ва таълим хизматини кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш, қишлоқларда шаҳарча ҳаёт тарзини шакллантириш назарда тутилган.

“Обод қишлоқ” дастурида асосий эътибор қишлоқ жойларига қаратилди. Бу эса 1/2 қисми қишлоқларда яшовчи Ўзбекистон шароитида энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йилнинг 13 мартида “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштирига доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан мамлакатимиздаги 966 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкаси тоифасига киритилди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005

*Жумаханов Шавкатжон Зоиржонович- Наманган давлат университети География кафедраси доценти. E-mail: shavkat_72@mail.ru.

йил 14 июлдаги ПҚ-120-сонли қарори талабларига мувофиқ саноат корхоналари, курилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган камида 2000 минг аҳолиси бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини мавжуд чегаралари доирасида шаҳарчалар гуруҳига киритишга қаратилди. Шунга кўра Наманган вилоятида 109 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарчага айлантирилди (жадвал).

жадвал

Вилоят шаҳар ва шаҳарчаларининг таркибий тузилиши(2009 йил 13 март ҳолатига)

Маъмурий-ҳудудий бирликлар номи	Шаҳарлар	Шаҳарчалар	Янги шаҳарчалар
Вилоят бўйича жами	8	11	109
Наманган шаҳри	1	-	-
<i>Туманлар :</i>	-	-	-
Косонсой	1	-	10
Мингбулоқ	-	1	6
Наманган	-	1	9
Норин	1	-	8
Поп	1	5	10
Тўрақўрғон	1	1	12
Уйчи	-	2	11
Учқўрғон	1	-	4
Чортоқ	1	-	10
Чуст	1	-	11
Янгиқўрғон	-	1	19

Жадвал: Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумолари асосида тузилди

Наманган вилояти шаҳар манзилгоҳлари орасида шаҳарчалар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, Поп туманида улар 15 та, Янгиқўрғон туманида 19 та, Тўрақўрғон ва Уйчи туманларида 13 тадан. Ушбу ҳолат айнан шу ҳудудларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидан далолат беради. Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Наманган, Учқўрғон, Хаққулобод шаҳарлари Наманган саноат тугуни ва агломерациясини ҳосил қилишда муҳим аҳоли пунктлари ҳисобланади. Шаҳарлар ва транспорт тизимининг биргаликда жойлашуви минтақада агломерацияни вужудга келишининг ва ривожланишининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади.

Наманган агломерацияси минтақавий иқтисодиётида ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар:

- дарё хавзаларининг дельталарида жойлашганлиги, уларнинг суғорма деҳқончилик билан чамбарчас алоқадорлиги;
- аҳолисининг асосий қисмини кичик ва ўрта бизнес билан машғуллиги, агросаноат мажмуининг ривожланганлиги;
- меҳнат ресурслари катта қисмининг қишлоқ хўжалигида бандлиги;
- аҳоли сонининг тез ўсаётганлиги ва шаҳар аҳолиси салмоғининг юқорилиги ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, агломерация ядроси ҳисобланган Наманган шаҳри атрофдаги йўлдош аҳоли кўрғонларига кўпроқ шакллантирувчилик омилига нисбатан хизмат кўрсатувчанлик вазифасини бажаради. Бинобарин, бу жараён агломерациянинг ҳудудий жиҳатдан энига томон ривожланшига ва янада кенгайишига таъсир кўрсатади. Ҳозирги ўрганишларга асосланиб ҳамда Наманган шаҳри ва унга яқин туманлар (тахминан 50 км радиус атрофида) алоқадорлигини ҳисобга олиб агломерация таркибига Норин, Чуст, Мингбулоқ ва Поп туманларининг айрим қисмларини киритиш мумкин.

Юқоридаги илмий таҳлилларга асосланиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Наманган агломерациясининг ривожланишини тартибга солиш, ер-сув

захираларидан тўла фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни изчил ечиб бериш долзарб муаммолардан ҳисобланади;

- бугунги кундаги глобаллашув ва таракқиётнинг интенсификациядан келиб чиқиб аҳоли турар жой массивлари ва аҳолининг яшаши учун керакли шароитларни лойиҳалаштириш;

- агломерация ядроси Наманган шаҳри атрофида барпо этилаётган янги массивларни (Орзу, Ирводон, Ровустон коттежлари) ҳисобга олиб, кичик саноат зоналарини кенгайтириш мақсадга мувофиқ;

- Наманган агломерациясининг горизонталь кенгайтириш имконияти чекланганлиги ва бошқа муаммоларни ҳисобга олган ҳолда Жомашуй, Учқўрғон, Поп ва Чуст шаҳарларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 март «Обод қишлоқ дастури тўғрисида»ги ПФ-5386-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг 13 мартда “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштирига доир қўшимча чора тadbirlar тўғрисидаги” қарори
3. Лаппо Г. М. Города на пути в будущее. – М.: Мысль, 1987.- 236 с.
4. Солиев А.С. Танланган асарлар/ Избранные труды. Т.; Мумтоз сўз, 2018.- 371 б.

О‘ЗБЕКISTONDA BALIQ XO‘JALIGINING IQTISODIY AHAMIYATI

Ishmo‘minov B.B., Bo‘riyeva X.P., Toshtemirov J., Karakulov N.M.

Qarshi davlat universiteti, Toshkent davlat pedagogika universiteti

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Baliqchilik tarmog‘ini boshqarish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risi”da 2017 yil 1-maydagi PQ-2939-sonli qarorining 2-b punktida belgilab qo‘yilgan vazifalarni inobatga olgan holda baliqchilik tarmog‘ini boshqarish tizimini takomillashtirish, baliqchilik va baliq ovlash tashkilotlari faoliyatining samaradorligini oshirish, baliq mahsulotlarini qayta ishlash bo‘yicha ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish, tabiiy va sun‘iy suv havzalaridan oqilona foydalanish, shuningdek, baliq yetishtirishning ilmiy asoslangan usullari va intensiv texnologiyalarini joriy etish maqsadida: yurtimizda hovuz baliqchiliklarini tashkil etish va mavjud hovuzlarni modernizatsiya qilish hozirgi zamon talabi.

Keyingi yillarda respublikada aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash, shu jumladan, sifatli baliq mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmlarini ko‘paytirish bo‘yicha bir qancha dasturiy chora-tadbirlar qabul qilindi.

Amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida 2016 yilda qariyb 3 ming gektar yangi sun‘iy hovuzlar tashkil etildi, ularda 900 ga yaqin yangi baliqchilik xo‘jaligi tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirmoqda. Baliqchilik xo‘jaliklarini moliyaviy qo‘llab-quvvatlash maqsadida “Ipoteka-bank” aksiyadorlik tijorat ipoteka banki tomonidan 116 milliard so‘mdan ortiq kreditlar ajratildi. Aholining baliq mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyojini ta‘minlash maqsadida 2016 yilda 76 ming tonnaga yaqin baliq yetishtirildi, bu 2015 yilga qaraganda 16 ming tonna ko‘pdir.

2018 yil 1 mayda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Baliqchilik tarmog‘ini boshqarish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorini imzoladi.

Ushbu qarorga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo‘jaligi vazirligining O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi ilmiy-ishlab chiqarish markazi chorvachilik, parrandachilik va baliqchilik ilmiy-tadqiqot institutining Baliqchilikni rivojlantirish ilmiy-tajriba stantsiyasi Baliqchilik ilmiy-tadqiqot institutiga aylantiriladi va uning filiallari Aydar-Arnasoy ko‘llar tizimida va respublikaning boshqa hududlarida tashkil etiladi.

Shuningdek, ilmiy-tadqiqot va selektsiya-naslchilik ishlarini, zamonaviy ozuqalar retsepturasini ishlab chiqish va baliqchilik tarmog‘ida zamonaviy texnologiyalarni joriy etishga ko‘maklashish bo‘yicha boshqa tadbirlarni amalga oshirishni, baliqlarning kasalliklari profilaktikasi va ularni davolashni, tarmoqni rivojlantirish bo‘yicha investitsiya loyihalari shakllantirilishini moliyalashtirish uchun “O‘zbekbaliqsanoat” uyushmasining Baliqchilikni rivojlantirish jamg‘armasi tashkil etiladi.

O‘zbekistonda baliqchilikni rivojlantirish maqsadida, shuningdek ilk bor “Baliq ishlab chiqaruvchi” erkin iqtisodiy zonasi tashkil etilmoqda.

Toshkent viloyati Quyi Circhiq tumani hokimligiga sud qarori bilan berilgan mol-mulk va yer uchastkalari, shu jumladan, suv havzalari negizida “Baliq ishlab chiqaruvchi” erkin iqtisodiy zonasini tashkil etiladi.

“Baliq ishlab chiqaruvchi” EIZ-ning faoliyat ko‘rsatish muddati keyinchalik uzaytirish imkoniyati bilan 30 yilni tashkil qiladi. Faoliyat ko‘rsatish muddati mobaynida “Baliq ishlab chiqaruvchi” EIZ hududida alohida soliq, bojxona va valyuta rejimlari amal qiladi. Uning hududidagi korxonalariga kiritilgan investitsiya hajmidan kelib chiqqan holda yer solig‘i, daromad solig‘i, yuridik shaxslarning mulk solig‘i, obodonlashtirish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish solig‘i, mikrofirmalar va kichik korxonalar uchun yagona soliq to‘lovi va boshqa majburiy to‘lovlar bilan bog‘liq imtiyozlar tatbiq etiladi. Misol uchun, agar investor 300 mingdan 3 million dollargacha sarmoya kiritisa 3 yilga, 3 milliondan 5 million dollargacha sarmoya kiritisa 5 yilga, 5 milliondan 10 million dollargacha sarmoya kiritisa 7 yilga, 10 million dollardan ortiq kiritisa 10 yil muddatga imtiyozlarga ega bo‘ladi.

“Baliq ishlab chiqaruvchi” EIZning asosiy vazifalari ishlab chiqarish, sun‘iy suv havzalarini baliqlantirishni yanada rivojlantirish va baliqchilik xo‘jaliklarini ta‘minlash uchun baliqning yangi va sinalgan turlarini iqlimlashtirish orqali naslli baliq chavoqlarini yaratish hamda nasldor baliq lichinkalari yetishtiruvchi zamonaviy inkubatsion sex faoliyatini tashkil etish, baliq chavoqlarini ishlab chiqarish hajmini oshirish, mavjud baliq chavoqlarini yetishtiruvchi suv havzalarini modernizatsiya qilish va qayta ta‘mirlash etib belgilandi.

Birinchi navbatda aholi ehtiyojlarini qondirish, shuningdek, keyinchalik qo‘shni mamlakatlarga eksport qilish uchun baliqlarni qayta ishlash va baliq mahsulotlarini ishlab chiqarish (konserva, ikra, baliq uni va boshqalar) bo‘yicha zamonaviy komplekslarni tashkil etish EIZning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi.

EIZning yana bir yo‘nalishi – nasldor baliq lichinkalari yetishtiruvchi zamonaviy inkubatsion sex faoliyatini tashkil etish, baliq chavoqlarini ishlab chiqarish hajmini oshirish, mavjud baliq chavoqlarini yetishtiruvchi suv havzalarini modernizatsiya qilish va qayta ta‘mirlashdir.

Respublikamizda baliq boyliklarini ko‘paytirish maqsadida baliqlarni hovuzlarda urchitish ishlari tashkil etilgan. Lekin hovuzda har qanday baliqni urchita berish ijobiy natija beravermaydi. Hovuzda urchitilgan baliq tez o‘sadigan, yaxshi ko‘payadigan, serpusht va xo‘ra bo‘lishi kerak.

Baliqchilik xo‘jaligini tashkil qilish uchun dastavval uni qanday tipda bo‘lishi, xo‘jalik tizimini aniqlab olish talab etiladi. Shuningdek xo‘jalik tarkibi va mahsulot ishlab chiqarish quvvati nazarda tutiladi. Barcha qurilish ishlari tasdiqlangan loyihalar asosida bajariladi. Buning uchun joy tanlash muhim ahamiyatga ega. Bunday tadbirlar har bir davlatning yer qonuniyatlari asosida bajariladi. Bu borada umumiy yer maydoni har xil bo‘ladi. Jumladan, to‘la tizimli xo‘jaliklar uchun 300-1000 ga, baliqchilik pitomniklar uchun 25-50 ga va baliq boqish suv hovuzlari (ko‘llari) uchun 20 ga va undan ko‘proq bo‘lishi mumkin.

Respublikamizda baliqchilikni rivojlantirishda bir qator muammolar mavjud. Masalan malakali yosh ixtiolog, gidrobiolog, ixtiopatolog kadrlarning yetishmasligi, ilmiy izlanishlar uchun yetarli miqdorda mablag‘lar ajratilmayotganligi, uning yechimi sifatida mavjud kadrlarni moddiy va ma‘naviy jihatdan rag‘batlantirish kabi muammolar soha rivojlanishiga to‘siq bo‘lmoqda.

Shuningdek, baliq yetishtirish uchun ozuqaning sifatsizligi, narxlarning qimmatligi, tabiiy ozuqa zahiralari ko‘paytirish uchun ilmiy izlanishlar olib borgan holda yangi me‘yoriy qo‘llanmalarni ishlab chiqilishining talab etilayotgani, baliqlantirish uchun zarur bo‘lgan baliq chavoqlarining tanqisligi, baliq hamda baliq mahsulotlarini sotish uchun sertifikat olishning murakkabligi va soddalashtirilgan tartibini ishlab chiqish lozimligi, brokonerlar tomonidan tabiiy suv havzalarida elektr yordamida baliq ovlash avj olganligi sababli baliq zaxirasiga, uning nasl berishiga jiddiy ziyon yetkazilayotganligi, bu esa tabiiy suv havzalaridagi nafaqat baliq zahiralari balki boshqa gidrobiontlarga ham o‘z ta‘sirini ko‘rsatishi va suv biotsenozini og‘ir axvolga olib

kelishi mumkinligi kabi hanuzga qadar yechimini topa olmayotgan muammolar yechimini ko'tmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Xalq so'zi" gazetasi 2017-yil 3-maydagi 87 (6781)-soni.
2. G.Y. Bobonazarov., B.B.Ishmo'minov., F.B.Karimova "Baliq va baliq mahsulotlaridan orttirilishi mumkin bo'lgan ayrim kasalliklar xususida" TDPU ilmiy axborotlari jurnali 2017 № 4 /28-31 b.
3. B.B.Ishmo'minov, A Isomiddinov., G.B.Xusainova "Voha viloyatlaridagidagi baliq turlari va ularni muhoza qilish muammolari" "Biologiyaning dolzarb muammolari" Respublika miqyosidagi ilmiy - amaliy konferentsiya Farg'ona davlat universiteti 2018 /84-86 b.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА ШАҲАРЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Кадилов М.А. Ражабова Н.*

Самарқанд давлат университети

А. Солиев таъбири билан айтганда, "урбанизация" мамлакат ёки бошқа ҳудудларнинг шаҳарлашувини англатади. Бинобарин, урбанизация жараёни ўта мураккаб ижтимоий – иқтисодий категория бўлиб, у бутун дунёга хос глобал жараён ҳисобланади. Урбанизация мураккаб ҳодиса эканлиги туфайли уни фақат битта мезон кўрсаткич билан ифодалаш, ўлчаш мумкин эмас. Аммо, шундай бўлса ҳам барча учун қулай бир ўлчов керак. У ҳам бўлса мамлакат ва бошқа ҳудудлар аҳолисининг қанча қисми шаҳарларда яшашини ҳисобга олиш лозим (Солиев, 1991).

Самарқанд вилоятида 2016 йил маълумотида кўра 3583,9 минг киши, шундан 1355 минг ёки 38 % шаҳарларда яшайди. Вилоятда 1970 йилда 7 та, 1979 - йилда 15 та, 1989 йилда 21 та, 1995 йилда 21 та, 2010 йилда 49 та шаҳар аҳоли пунктлари мавжуд эди. Ҳозирги вақтга келиб, 2015 йилда 11 та шаҳар ва 82 та шаҳарчалар мавжуд. Вилоятдаги шаҳарларнинг 2 таси вилоятга ва қолган 9 таси туманларга бўйсинувчи шаҳарлар ҳисобланади. Шунингдек, вилоятда 14 та қишлоқ туманлари, 125 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 1829 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд. Ўрганиш объектимида йирик шаҳар Самарқанддан ташқари 3 та катта шаҳарлар мавжуд бўлиб, Каттакўрғон шаҳрида 84,6 минг, Ургутда 67,6 минг, Оқтошда 41,9 минг киши яшайди. Самарқанд вилоятида 1970 йилда жами 7 та шаҳар аҳоли пунктлари бўлган бўлса, булардан 4 таси аҳолиси 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари қаторига кирган.

Жадвал

Самарқанд вилояти шаҳар аҳоли пунктларининг катталиги бўйича тақсимланиши

Шаҳар аҳоли пунктлари категорияси.	Шаҳар аҳоли пунктлари сони.				
	Шаҳар аҳоли пунктлари(% ҳисобида)				
	1970	1979	1989	1995	2015
Жами вилоят бўйича.	$\frac{7}{100,0}$	$\frac{15}{100,0}$	$\frac{21}{100,0}$	$\frac{22}{100,0}$	$\frac{93}{100,0}$
10 минггача	$\frac{4}{57,1}$	$\frac{8}{53,3}$	$\frac{10}{47,6}$	$\frac{8}{39,1}$	$\frac{73}{78,5}$
10-20 минггача	$\frac{1}{14,3}$	$\frac{3}{20,0}$	$\frac{6}{28,5}$	$\frac{9}{39,1}$	$\frac{9}{9,6}$
20 – 50 минггача	$\frac{1}{14,3}$	$\frac{2}{13,3}$	$\frac{3}{14,3}$	$\frac{3}{13,2}$	$\frac{8}{8,6}$
50-100 минггача	-	$\frac{1}{6,7}$	$\frac{1}{4,8}$	$\frac{1}{4,3}$	$\frac{2}{2,2}$

* Кадилов Муродилло Асламович-СамДУ Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси мудири, г.ф.н. доцент, Турон ФА фахрий академиги.;

Ражабова Нигора-Самду География ва экология факултети 301-гуруҳ талабаси

100 минг ва ундан ортик	$\frac{1}{14,3}$	$\frac{1}{6,7}$	$\frac{1}{4,8}$	$\frac{1}{4,3}$	$\frac{1}{1,1}$
-------------------------	------------------	-----------------	-----------------	-----------------	-----------------

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қолган шаҳар аҳоли пунктлари категориясига кирувчи аҳоли пунктлари 1 тадан бўлиб, аҳолиси 50-100 минггача бўлган аҳоли пункти бўлмаган. 1979 йилга келиб, вилоятда шаҳар аҳоли пунктлари сони 15 та бўлиб, 10 минггача бўлган аҳоли пунктлари сони 4 тадан 8 тага етди. 1970-1979 йиллар мобайнида Каттакўрғон шаҳри аҳолиси кўпайиб, ўрта шаҳарлар қаторига, яъни аҳолиси 50-100 минг киши бўлган аҳоли пунктлари қаторига кирган. Самарқанд шаҳри аҳолиси эса 1970 йилга нисбатан аҳолиси 1979 йилга икки баравар ошган. Самарқанд вилояти урбанистик таркибида 1979-1989 йиллар давомида катта ўзгаришлар бўлди. Бу даврлар оралиғида шаҳар аҳоли пунктлари сони олтига кўпайди. 10 минггача, 10-20 минггача, 20-50 минггача бўлган шаҳар аҳоли пунктлари сони кўпайди. 1989-1995 йиллар давомида шаҳар аҳоли пунктлари таркибида катта ўзгаришлар бўлмади. Лекин, 2009 йилга келиб, вилоятнинг урбанистик таркибида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Кўпгина қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар аҳоли пункти мақомини олди.

2015 йилда шаҳар аҳоли пунктлари сони 93 тани ташкил этади, шулардан 73 таси аҳолиси 10 минггача, 9 таси 10-20 минггача бўлган аҳоли пунктлари ҳисобланади.

Шаҳар аҳоли пунктларининг аҳоли сонига қараб классификациялаш, унинг кўпгина хусусиятлари, яъни ўсиш даражаси, демографик ва функционал таркибининг баъзи бир жиҳатларини аниқлаб беради. Шаҳарлар катталиги, асосий муаммолар ва келажакдаги тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ. Барча йирик шаҳарларда транспорт, экология, уй – жой муаммолари, кичик шаҳарларда эса, меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш муаммоси мавжуд.

Жадвалда вилоят шаҳар аҳоли пунктларида аҳолининг тақсимланиши берилган. Бу маълумотлар шундан далolat берадики, 1970 йилда шаҳар аҳолиси 344,7 минг кишини ташкил этган, шундан 76,4% Самарқанд шаҳрида яшаган, 13,3% и эса аҳолиси 20–50 минг кишигача бўлган аҳоли пунктларига тўғри келади. 1970 – 1979 йиллар мобайнида шаҳар аҳолиси ўсиб, 1979 йилда 531,4 минг кишига етган. Бу йили аҳолининг улуши 10 минг, 10–20 минг кишигача бўлган аҳоли пунктларида бирмунча ошган, шу билан бирга Каттакўрғон шаҳри 50–100 минг кишигача бўлган шаҳарлар қаторига кирган, 1989, 1995, 2015 йиллар давомида вилоят шаҳар аҳолиси доим ошиб борган. Лекин, Самарқанд шаҳрининг вилоят шаҳар аҳолисидаги улуши камайиб, майда ва ўрта шаҳарлар улуши ошиб борган. Масалан, 1989 йилда Самарқанд шаҳри аҳолиси улуши 55,8 % бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 40,9 % ни ташкил этади.

Шаҳар аҳоли пунктларини хўжалиги таркиби, ихтисоси ва ишлаб чиқаришини жойлашувига қараб, функционал типларга бўлиш мумкин. Ўрта Осиё шаҳар аҳоли пунктлари функционал типларига доир масалалар Т.И.Раимов, О.Б.Ата-Мирзаев, Э.А.Ахмедов, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бу олимларнинг ишларидан фойдаланиб, Самарқанд вилояти шаҳар аҳоли пунктларини қуйидаги функционал типларга ажратиш мумкин:

1. Кўп функционали шаҳарлар: Регионал ва вилоят маркази – Самарқанд шаҳри.
2. Саноат ва транспорт шаҳарлари: Каттакўрғон, Жомбой, Булунгур, Оқтош, Жума.
3. Бир ихтисосли саноат шаҳарчалари: Кимёгарлар, Фарход, Хишрав, Ингичка.
4. Агросаноат шаҳар аҳоли пунктлари: Чархин, Дахбед, Митан, Лоиш, Иштихон, Нуробод, Зиёдин.

5. Саноат – рекреация маркази: Ургут шаҳри.

Юқорида кўрсатилган функционал типлар ичида Самарқанд шаҳри яққол кўзга ташланади. Чунки, шаҳар кўп тармоқли саноат маркази ҳисобланади. Бу ерда енгил, озиқ-овқат, машинасозлик, кимё ва бошқа саноат тармоқлари ривожланган. Самарқандда саноатнинг вужудга келиши ва ривожланишида авваламбор қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқдир. Умуман олганда, шаҳар вилоят ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг 66 % беради.

Самарқанд республикамиз жанубий-ғарбидаги йирик транспорт марказидир. Шу билан бирга, бу ерда фан, кадрларни тайёрлаш ва туризм яхши ривожланган. Вилоятда Самарқанд шаҳридан ташқари Каттакўрғон шаҳри ҳам кўп функцияли шаҳар ҳисобланади. Бу ерда пахтачилик учун машинасозлик, пахта заводи, ёғ-мой комбинати, гўшт комбинати, асфальт-бетон заводи ва бошқалар ишлаб турибди. Бу шаҳарнинг ривожланиши вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган туманлар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун Каттакўрғон вилоятнинг шу қисмида туманлар учун пойтахт вазифасини бажаради. Шаҳарда ўрта-маҳсул ўқув юртлари ва транспорт функцияси ривожланиб бормоқда.

Жомбой, Булунғур, Жума, Октош саноат – транспорт шаҳарлари ҳисобланади. Бу шаҳарларда бошқа вилоят шаҳарларига нисбатан саноат ривожланган. Бу шаҳарлар ичида Жомбой шаҳри ажралиб туради.

Тор ихтисосли саноат шаҳар аҳоли пунктларига Кимёгарлар, Фарход ва бошқалар киради. Кимёгарлар шаҳарчасида вилоятда қишлоқ хўжалиги ривожланганлиги сабабли, азот ва фосфат минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ривожланган. Фарход шаҳарчасида Самарқанд саноат бирлашмаси, темир-бетон заводи, асфальт-бетон заводи, керамика заводи ва бошқалар жойлашган.

Шишрав шаҳарчасида ГЭС ишлаб турибди. Бу гидроэлектро станцияси катта бўлмаса ҳам Самарқанд шаҳрини қисман электроэнергия билан таъминлаб туради. Ингичкада вольфрам ва бошқа рудалар казиб олинади ва қайта ишлов бериб, Чирчикдаги қийин эрувчи металллар комбинатига жўнатилади.

Агросаноат шаҳар аҳоли пунктлари Чархин, Митан, Лоиш, Иштихон ва Нурободда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Бу шаҳар ва шаҳарчаларнинг қишлоқ районларини бошқариши ва ривожланишида ўрни катта ҳисобланади. Ургут шаҳри саноат – рекреация марказидир.

Шундай қилиб, Самарқанд вилояти шаҳар аҳоли пунктлари, турли хилдаги функцияларни бажаради. Вилоят шаҳар ва шаҳарчаларнинг 14 таси қишлоқ районларининг маъмурий маркази ҳисобланади. Ўртача ҳар бир район марказига 25 минг аҳоли тўғри келади (2016 й).

Юқорида айтганимиздек, ҳозирги вақтда Самарқанд вилоятида 99 та шаҳар аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, шулардан 11 таси шаҳар ва қолган 88 тасини шаҳарчалар ташкил этади. Шаҳар ва шаҳарчаларнинг вилоят бўйича жойлашиши ва тақсимланиши ҳар хилдир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т. : Ўзбекистон. 2017.
2. Кадиров М.А. Самарқанд вилояти аҳоли географияси. Самарқанд 2017. – 142 б.
3. Солиев А.С. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. -Т. : Фан, 1991. – 106 с.

ДУНЁ АҲОЛИСИНING ТАБИИЙ ҲАРАКАТИ

Кадиров М.А. Содиқова П. *

Самарқанд давлат университети

Аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиши – аҳолининг табиий ҳаракат дейилади. Одамзод пайдо бўлибдики, туғилиш ва ўлим доимий табиий жараён сифатида мавжуддир. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, қадимда туғилиш ва ўлим даражаси юқори бўлган, лекин аҳоли сонининг табиий ўсиши суст кечган. Жамиятнинг тараққий этиши ва тиббий хизматларнинг ривожланиши билан дунё аҳолисининг яшаш тарзи яхшиланди, бу эса

*Кадиров Муродилло Асламович - СамДУ Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси мудири, г.ф.н. доцент, Турон ФА фахрий академиги.;

Содиқова Парвина - Самду География ва экология факултети талабаси.

ўз навбатида аҳоли табиий ўсишининг юқори даражада бўлишига ва ер шари аҳоли сонининг тез суръатларда ўсишига олиб келди.

Кишилиқ жамиятининг бутун тарихи давомида – бир авлодининг иккинчи авлод билан алмашинуви, унинг тинимсиз янгилашиб туришидан иборатдир. Бу жараён ҳар йили содир бўладиган туғилиш ва ўлим кўрсаткичларида ва улар ўртасидаги фарқда яққол намоён бўлади. Ҳар йили қандайдир сабабларга кўра вафот этган аҳоли ўрнини, янгидан дунёга келган авлод ҳисобига тўдирилиб борилиши жараёни **аҳолининг такрор барпо бўлиши** дейилади (Асанов, 1978).

Маълумки, аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиши биологик жараён ҳисобланади. Бинобарин, туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш даражаларига кўп омиллар таъсир этади. В.А. Копиловнинг ёзишича, бу омиллар қуйидагиларга бўлинади:

Ижтимоий – иқтисодий омиллар

Табиий – биологик омиллар.

Демографик омиллар

Аҳолишунос олимлар жумладан, С.А.Ковалёв, Н.Я.Ковальская, В.А.Копилов, М.Р.Бўриева, Г.Р. Асанов ва бошқалар ҳам ўз илмий ишларида юқорида қайд этилган гуруҳларга бўлиб ўрганган.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсишига биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Юқори даражада ривожланган мамлакатларда аҳолининг турмуш тарзи ҳар томонлама яхшилиги сабабли аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиши пастдир. Бу мамлакатларда яшовчи аёллар кам фарзанд кўради, ёки умуман фарзанд кўришни хохламайди. Шу билан бирга ривожланган мамлакатларда тиббий хизматнинг ҳам ривожланганлиги оилада кам фарзанд туғилишига таъсир этади, чунки бу мамлакатларда янги туғилган чақалоқлар ўлими даражаси деярли йўқ. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг маълумотлиқ ва маданий даражаси юқорилиги ҳамда аёлларнинг ижтимоий меҳнат билан бандлиги ҳам туғилиши ва табиий ўсиши паст бўлишига бевосита таъсир этади. Шу билан бирга, аҳолининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсишига табиий – биологик омиллар ҳам таъсир этади. Маълумки ривожланган хусусан, Европа ва Шимолий Америкада жойлашган мамлакатлар нисбатан совуқ иқлимли, серёмғир жойлар бўлиб, бу эса аҳолининг жинсий етуқлик вақти кечроқ бўлишига таъсир этади. Бу омил ҳам ривожланган мамлакатларда туғилиш ва табиий ўсишнинг паст бўлишига олиб келади. Шунингдек, эркаклар ва аёллар организми ташқи муҳитга мослашади, бу эса баъзи жойларда қиз болалар, баъзи жойларда ўғил болалар туғилишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун совуқ иқлимли шимолий мамлакатларда қиз болалар кўпроқ туғилади. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг туғилиши, ўлиши ва табиий ўсишига демографик омиллар ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Бу мамлакатларда аҳолининг туғилиши ва ўлим даражаси пастлиги туфайли аҳолининг қариши содир бўлмоқда. Аҳоли таркибида олтмиш ёшдан ошганлар салмоғи кўпайиб борган. Шунинг учун, қариялар салмоғи кўп бўлган жойда туғилиш ҳам албатта кам бўлади.

Ривожланган мамлакатларда ўлим даражасига асосан эркакларнинг спиртли ичимликлар ичиши, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши ва бошқа социал муаммолар сезиларли таъсир этади. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсишига ҳам биринчи навбатда ижтимоий – иқтисодий омиллар таъсир кўрсатади. Маълумки, ривожланаётган мамлакатлар жумладан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда аҳолининг турмуш тарзи паст даражада бўлганлиги сабабли туғилиш ва табиий ўсиш юқори бўлиб, ўлим даражаси нисбатан паст. Шу билан бирга бу мамлакатларда тиббий хизмат ҳам яхши ривожланмаган, маълумотлиқ ва маданий даражаси ҳам нисбатан паст ҳисобланади. Ривожланиш даражаси паст давлатларда қизларнинг эрта турмушга чиқиши ва уларнинг кўп фарзанд кўриши, шунингдек уй хўжалигида банд бўлиб натижасида жамиятда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий меҳнатда бандлик даражаси пастлиги каби омилар ўз таъсирини кўрсатади.

Бу мамлакатлар аҳолисининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсишига биологик омиллар ҳам таъсир этади. Ривожланаётган мамлакатлар асосан иссиқ иқлимли жойларда жойлашганлиги сабабли аҳоли организми ташқи муҳитга мослашиб, ёшлар тез балоғатга етишади ва ёш оила қуришади ва кўп фарзанлар туғилади.

Шу билан бирга аҳолининг табиий ўсишига мамлакатларнинг урбанизация (шаҳарлашиши) даражаси ҳам таъсир этади. Шаҳарларда яшовчи аҳоли ўртасида қишлоқ жойлар аҳолисига нисбатан табиий ўсиш даражаси пастроқ.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда туғилиш даражасини ошириш учун бошқача демографик сиёсат олиб борилади. Бу мамлакатларда хомилдор аёллар рағбатлантирилади: узоқ муддатли дам олиш ва оналик таътили берилади, болаларга нафақа ва иш жойида уларнинг маошига қўшимчалар берилади. (Копылов, 2005).

Ривожланган мамлакатлар аҳолисини табиий ўсиш жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Табиий ўсиш нисбатан юқори бўлган, табиий ўсиш 2 – 5 ‰ ни ташкил этган мамлакатлар: Австралия, АҚШ, Люксембург, Норвегия, Лихтенштейн, Франция, Буюк Британия, Швеция, Швейцария ва Нидерландия киради.

2. Табиий ўсиш паст бўлган, яъни 0,1 – 2 ‰ ни ташкил этган мамлакатлар: Канада, Бельгия, Финляндия, Андорра, Испания, Дания киради.

3. Табиий ўсиш 0 ‰ ва ундан паст бўлган мамлакатлар: Россия, Австрия, Италия, Япония, Монако, Германия.

1 – жадвал

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг табиий ўсиши (‰ ҳисобида)

№	Мамлакатлар номи	2010 йил	2014 йил
1	Австралия	5,1	4,9
2	АҚШ	5,2	4,3
3	Норвегия	3,9	4,1
4	Франция	3,4	3,0
5	Буюк Британия	2,8	2,7
6	Швеция	2,4	2,6
7	Швейцария	2,3	2,3
8	Канада	1,9	1,8
9	Испания	0,8	0,3
10	Россия	0,2	0,0
11	Австрия	-1,6	0,0
12	Италия	-1,2	-1,6
13	Япония	-1,3	-1,8
14	Германия	-2,8	-3,1

*Интернет World Population Clock маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1- жадвал шуни кўрсатадики, дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг табиий ўсиши жуда паст. Асосан Германия, Монако, Япония ва Италияда табиий ўсиш манфий бўлиб, бу мамлакатларда туғилиш миқдоридан ўлим даражаси юқорилиги сабабли, табиий ўсиш 2010 йилда Италияда -1,2 ‰, Японияда -1,3 ‰, Монакода -2,2 ‰, Германияда -2,8 ‰ га тенг бўлган. 4 йилдан сўнг, яъни 2014 йилга келиб бу кўрсаткич янада пасайган. Юқорида таъкидланганидек, аҳолининг табиий ўсиши аҳолининг туғилиши ва ўлими ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Шунинг учун дунё аҳолисининг туғилиши ва ўлим даражасини ўрганиш, таҳлил ва ташхиз этиш ва хулосалар чиқариш ижтимоий масалаларни режалаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Асанов Г.Р. Аҳоли географияси. – Т.: Ўқитувчи. 1978. - 222 б.
2. Кадилов М.А. Аҳоли географияси демография асослари билан. -Т.:Илмий техника тараққиёти. 2018.-320 б.
3. Копылов В.А. География населения. 2-е изд., переруб. и доп. – М., 2005. – 164 с.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАРЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Калонов Б.Х., Норов Ш.Ш., Облақулов Ҳ.А.

Навоий давлат педагогика институти

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва ихтисослаштириш ер, меҳнат ресурслари, асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланиш имкониятини бериш билан бир қаторда ижтимоий меҳнат самарадорлигини ва ялпи маҳсулот ҳажмининг ортишини жадаллаштиришни таъминлайди. Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштириш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётига эришиш, фермер хўжаликлари моддий техника таъминотини яхшилаш асосида ялпи маҳсулотни кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш жараёнларининг барча элементларини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини саноатлаш ҳозирги босқичда иккита асосий йўналиш-горизонтал ва вертикал йўналишда бормоқда. Биринчи йўналиш деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини маҳанизациялаш ва автоматлаштиришни, иккинчи йўналиш эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлашни кўзда тутаяди. Вилоятда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб кичик корхоналар қурилган. Бу кичик корхоналар қишлоқ жойлардаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда катта рол ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда оқилона ташкил этиш, ихтисослашувни такомиллаштириш қатор муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш имкониятларини беради. Бу биринчидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий, иқтисодий, меҳнат ресурсларидан ва хўжалик бўғинларининг ички имкониятларидан тўла фойдаланишни юзага келтиради. Иккинчидан эса қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишни ва ихтисослашувини такомиллаштириш, озиқ-овқат муаммосини ижобий ҳал этади. Шунинг учун ҳисобга олиб вилоятда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш бугунги кун тартибидаги асосий масала ҳисобланади.

Навоий вилояти иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим рол ўйнайди. Вилоят ер ресурслари билан яхши таъминланган. Ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий майдони 109485 гектар бўлиб шундан, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар 89354 гектарни ташкил этади. Вилоятда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг 8764185 гектари яйловлардан иборат. Вилоятда туманлар бўйича ер ресурслари қуйидагича тақсимланган:

Жадвал

**Навоий вилояти ер ресурслари тўғрисида маълумот
(гектар ҳисобида)**

№	Туман, шаҳар номи	Умумий майдони	Жами экин ерлар	Шундан суғориладиган ерлар	Яйловлар
1	Кармана	95254	15997	15997	44164
2	Конимех	1584926	4724	4724	1197964
3	Қизилтепа	218519	21749	21749	123751
4	Навбахор	157079	18153	17957	110080
6	Томди	3578098	243	243	3030940
7	Нурота	653042	19315	3225	483001
8	Учкудук	4501225	120	120	3701898
9	Хатирчи	141797	29180	25335	72387

10	Навоий ш	5153	4	4	0
11	Зарафшон ш	2132	0	0	0
12	Учкудук ш	210	0	0	0
	Вилоят бўйича	10937435	109485	89354	8764185

Жадвал Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Суғориладиган пахтакор районларда илмий асосланган-алмашлаб экишни жорий қилмасдан тупроқ унимдорлигини оширишга эришиб бўлмайди. Маълумки бир экинни бир далага мутассил экавериш ернинг толиқишига ҳосилдорликнинг бош омили бўлган гумус миқдорининг кескин камайиб кетишига тупроқдан ўсимлик учун зарур бўлган моддаларнинг танқислигига, қатламларнинг зичлигига, фойдали микроорганизмлар фаолиятининг хусусиятлари ёмонлаша боришига, тупроқдаги тирик жонзотларнинг қирилиб кетишига унда касалликлар (вилт, илдиз чириш, гоммос) ва ғўзанинг турли зараркунанда ҳашоратлари (ўргимчаккана, шира, кўсак қурти)нинг кўпайишига олиб келади. Тупроқ унимдорлиги пасайган сари кўп меҳнат ва маблағ сарфланишига қарамасдан ҳосилдорлик пасайиб маҳсулот таннархи эса ортиб боради. Алмашлаб экишни амалга ошириш билан бирга ҳамма агротехник ва ташкилий тадбирлар системаси ҳам тупроқ унимдорлигини тиклаш, ялпи маҳсулотни ортиб боришини таъминлашга қаратилиши шарт. Алмашлаб экиш агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг самарадорлигини оширадиган асосий восита бўлибгина қолмасдан хўжаликларга беркитилган барча ерлардан юқори даражада фойдаланилган ҳолда кам меҳнат ва маблағ сарфлаб ҳамма экинлардан мўл ҳосил олиш ва чорва маҳсулотларини кўпайтиришни ҳам таъминлайди. Кенг кўламда ўтказиладиган тажрибалар суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг бирдан-бир тўғри йўли беда-ғўза, ғалла-ғўза алмашлаб экиш системасини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Вилоятда суғориладиган ерларнинг асосий қисми Хатирчи, Кармана, Навбахор ва Қизилтепа туманларида жойлашган бўлиб, асосий пахта, ғалла шу ҳудудларда етиштирилади.

Пахтачиликда технологик интизомнинг бузилиши ҳамда агрономик тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажармаслик салбий экологик оқибатларга олиб келмоқда. Тупроққа ишлов беришни сифатсиз ўтказиш ҳаддан ташқари минерал ўғитлар солиш, зараркунандаларга қарши захарли моддаларни кўплаб қўллаш мелиорация ишларини нотўғри бажариш натижасида ер остидаги сизот сувлари ифлосланиб эрозия пайдо бўлмоқда, тупроқ унимдорлиги пасаймоқда, ерлар шўрланиб ишдан чиқмоқда. Пахтачиликда жуда кўп салбий оқибатларни сабаби пахта якка ҳокимлиги туфайли келиб чиқмоқда. Республикаимизнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса экологик вазиятни бузмоқда. Суғориладиган ерларнинг 40-45 фоизига пахта, 55-60 фоизига дон, сабзавот, полиз ва ем-хашак экинларини етиштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Вилоят қишлоқ хўжалигида асосан яйлов чорвачилиги муҳим тармоқ ҳисобланади. Ҳар йилда ўртача бу тармоқда 100-110 минг т гўшт (тирик вазнда), 315 минг т сут, 186 млн дона тухум, 3063 тонна жун, 323 минг бирлик қорақўл териси, 960 тонна пилла етиштирилади. Жун ва қорақўл терисини етиштиришда вилоят республикада олдинги ўринларда туради. Мамлакатда етиштирилган жуннинг 11,4 фоизи ва қорақўл терисининг 28,3 фоизи айнан шу вилоят зиммасига тўғри келади. Кейинги йилларда интенсив чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ердан юқори унум билан фойдаланишни таъминлашнинг муҳим воситаси илмий жиҳатдан асосланган деҳқончилик системаларининг қўлланиши билан бир қаторда экин майдонлари структураси ихтисосига мос келади қилиб тўғри белгилаш ва уни изчиллик билан мукаммаллаштириб бориш, иқтисодий жиҳатдан фойдасиз ва кам ҳосил экинларини тегишли табиий зоналарда энг катта самара берадиган юқори ҳосилли ва жуда қимматли экинлар билан алмаштириб бориш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштириш аҳолини озиқ-овқат масалаларини ижобий ҳал қилишга имконият яратади.

Адабиётлар:

1. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. -Т.: 2014. -Б. 216 -270.
2. Вилоятлар статистика бошқармаси маълумотлари. 2018.

ОСИЁ ШАҲАРЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

Кадиров М.А. Худойбердиев О.*

Самарқанд давлат университети

Маълумки, дунё аҳолиси табиий ўсиш ҳисобига кўпайиб бормокда, аммо ҳудудий тақсимланиши нотекисдир. Одамлар қадимдан яшаш шароити қулай бўлган жойларда: сув манбалари яъни сойлар, дарё ва унинг ирмоқлари, йўллар, тупроғи унумдор бўлган ҳудудларда яшаб келишган. Дастлаб аҳоли Нил дарёси дельтаси, Хуанхэ-Янцзи, Ҳинд-Ганг, Дажла-Фрот, Амударё ва Сирдарё водийлари, кейинчалик саноат ривожланиши базасида-Ғарбий Европа, сўнгра АҚШнинг шарқий қисмини ўзлаштириб, манзилгоҳлар шакллантирди. Аҳоли зичлиги ва жойлашувига фақатгина аҳолининг тарихан таркиб топиши эмас, балки ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам таъсир кўрсатган.

Дунё аҳолиси қитъалар бўйича нотекис тақсимланган бўлиб, аҳолининг асосий қисми, яъни 60% дан ортиғи Осиёда, 15% Африкада, 13% Америкада, 11% Европада ва қолган қисми Австралия ҳамда Океанияда яшайди. БМТ прогнозига кўра, 2050-йилга келиб, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи Осиёда, 25% Африкада, 8,2% Лотин Америкасида, 7,4% Европада, 4,7% Шимолий Америка ва қолган қисми Австралия ҳамда Океанияда яшаши тахмин қилинмоқда.

Дунё аҳолисининг 4,1 миллиард дан ортиқ қисми жойлашган бўлиб, ўртача зичлик 86,7 кишини ташкил этади. Осиёнинг энг катта давлати Хитойда эса 1,3 миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу қитъанинг аҳолиси энг кўп шаҳри Токио бўлиб, бу шаҳарда 35,6 миллион киши яшайди.

Осиё қитъасида 50 дан ортиқ мамлакатлар жойлашган бўлиб, биринчи шаҳарлар пайдо бўлган ва цивилизация маркази ҳисобланган. Осиёда шаҳарларнинг пайдо бўлишида албатта ижтимоий меҳнат тақсимоли таъсир этган, яъни қитъада серсув катта ва кичик дарёларнинг борлиги, бу ерда қадимдан деҳқончиликнинг вужудга келиши ва ривожланишига сабабчи бўлган. Деҳқончиликдан чорвачилик ва хунармандчиликнинг ажралиши, савдонинг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келган, аста-секин хунармандчилик ва савдо билан шуғулланадиган аҳоли пунктлари шаҳар деб атала бошланди. Осиёда қадимий шаҳарлар жуда кўп бўлиб, улар Сурия, Ливан, Ироқ, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Кавказ, Туркия ва Ўрта Осиё давлатларида жойлашган. Осиёнинг энг қадимий шаҳарларига Иерихон (Иордан дарёси соҳилининг ғарбий қисми), Дамашк (Сурия), Библ (Ливан), Байрут (Ливан), Иерусалим (Исроил), Сузи (Эрон), Сидон (Ливан), Газионтеп (Туркия), Самарқанд, Бухоро, Тошкент (Ўзбекистон) ва бошқалар киради.

Осиё шаҳарлари мамлакатлар бўйича нотекис тақсимланган. Масалан: Хитойда фақат миллионер шаҳарларнинг ўзи 116 тани ташкил этади, бу жиҳатдан у дунёда биринчи ўринни эгаллайди.

Миллионер шаҳарларнинг кўплиги билан иккинчи ўринни Ҳиндистон давлати эгаллайди ва бу ерда 54 та бундай шаҳарлар мавжуд. Ҳиндистон дунёда аҳоли сонининг кўплиги билан ҳам иккинчи ҳисобланади. Миллионер шаҳарларнинг кўплиги билан учинчи ўринни Россия (15 та), тўртинчи ўринни Индонезия (14 та) ва кейинги ўринда Япония туради

*Кадиров Муродилло Асламович - СамДУ Ижтимоий-иқтисодий география кафедраси мудири, г.ф.н. доцент, Турон ФА фахрий академиги

Худойбердиев Охун-Самду География ва экология факултети 302-гуруҳ талабаси

(12 та). Бундай шаҳарлар Корея Республикасида 10 та, Эронда 8 та, Туркияда 6 тани ташкил этади. Миллионер шаҳарлар Филиппин, Саудия Арабистони, Ироқ, Вьетнам, Сурия, Мянма, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда ҳам бор. Осиёда шаҳарлар аҳоли сони жиҳатдан биринчи ўринни Токио шаҳри (атрофи билан)-36,2 млн (2015 й.) билан эгалласа, иккинчи ўринни Ҳиндистондаги Мумбай шаҳри (атрофи билан)-22,6 млн киши, учинчи ўринда эса, Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳри (атрофи билан)-20,9 млн кишиси билан эгаллайди. Кейинги ўринларда Калькутта, Шанхай ва Жакарта туради.

Осиё мамлакатлари Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари урбанизация даражаси жиҳатидан нисбатан орқада ҳисобланади. Масалан: Бельгия, Мальта, Сан-Марино, Исландияда урбанизация даражаси 94% дан юқори бўлса, бу кўрсаткич Японияда 93%, Исроилда 92% ни ташкил этади. Осиё мамлакатлари орасида урбанизация даражаси пастлиги билан Камбоджа-20,5%, Шри-Ланка-18,3%, Непал-18,2%, Папуа-Янги Гвинея-13% билан ажралиб туради.

Шаҳар катталашган сари муаммолар ҳам кўпайиб боради. Ҳавони тоза сақлаш учун саноат корхоналарини камайтиришдан ташқари, транспорт ҳаракатини, автомашиналарнинг экологик жиҳатдан “тоза” лигини ҳам тартибга солиш лозим. Бундан ташқари, шарқ мамлакатларига хос бўлган ва охириги йилларда кўпгина Европа мамлакатларига ҳам кириб бораётган велосипедлар йўлакларини вужудга келтириш ва велосипедда юришни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РОЛИ (Ўзбекистон – Қозоғистон республикаси мисолида)

**Каракулов Н.М., Исломов И.Н., Мирзакулов Д.С.
Тошкент Давлат педагогика университети
Тошкент вилояти Юқоричирик тумани 26 мактаб**

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро ҳамкорликнинг муҳим ва асосий соҳалардан бири бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатлари билан иқтисодий-ижтимоий, илмий-техник ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш улар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш иқтисодиётни фаол ва ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёрдам берувчи воситадир.

Глобаллашув жараёни тез суръатларда ривожланаётган ҳозирги кунда ҳар қандай давлат, хоҳ кичик, хоҳ йирик бўлсин, қандай тараққиёт даражасида бўлмасин, ташқи иқтисодий алоқаларсиз кўзланган мақсадга эриша олмайди. Чунки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сони, тури ва сифати бир-биридан фарқ қиладики, бирорта давлат уларни ўз давлати ҳудудида ишлаб чиқариш, сотиш, истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятига эга эмас. Айрим ҳолларда эса баъзи тур маҳсулотларни импорт қилишга тўғри келади. Шунинг учун ташқи савдо давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, соғлом рақобатни шакллантириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш ҳамда ишсизлик муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдода иштироки жаҳон мамлакатлари билан савдо айланмасини кенгайтиришга ва тенг манфаатли ҳамкорликка асосланган. Бу бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган иқтисодий ва молиявий инқирозлар шароитида вужудга келадиган муаммоларни оқилона ва самарали ҳал этиш имконини беради. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ташқи савдо суръатлари сезиларли ўсди. Кўплаб давлатлар билан ҳамкорликда 4000 дан ортиқ қўшма корхоналар барпо этилди. Шундан Қозоғистон билан ҳамкорликда 250 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида қарор топган ва чуқур тарихий илдизларга эга ишончли ва самарали муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беради ва ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишларида бугунги кунда жадал ривожланаётгани кўришимиз мумкин.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири бўлиб, Ўзбекистон билан Ўрта Осиё давлатлари ўртасида айирбош қилинадиган маҳсулотларнинг сезиларли қисми унинг ҳиссасига тўғри келади.

Қозоғистон билан икки томонлама ҳамкорлик, шубҳасиз, минтақада барқарорликни таъминлаш ва долзарб масалаларни биргаликда ва самарали ҳал этишга хизмат қилади. 1991-йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қозоғистонга 10 маротаба ташрифи амалга оширилган ва Қозоғистон Президенти Ўзбекистонга 11 маротаба ташриф буюрган. Бу эса ўз навбатида иккала мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Президентлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва келгусидаги истиқболлари, саноат соҳасида ҳамда транспорт ва транзит ташиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш масалалари муҳокама этилган.

Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси 2016 йил якуни бўйича 24309,4 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,5 фоизни, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 8461,5 млн. АҚШ долларини (88,6 фоиз), бошқа хорижий мамлакатлар бўйича 15847,9 млн. АҚШ долларини (103,1 фоиз) ташкил қилди. Экспорт ҳажми 12178,7 млн. АҚШ долларини, импорт эса 12130,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

2016 йилда ташқи савдо айланмаси 2000 йилга нисбатан 3,9 мартага ўсди. Ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 34,8 фоизни, бошқа хорижий давлатларнинг улуши 65,2 фоизни ташкил этди.

Экспорт ҳажми 2000 йилда 3264,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2016 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 12178,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлди ва ўсиш суръати 3,7 баробарга ўсди. 2016 йилда экспорт ҳажмида МДХ давлатларининг улуши 36,3 фоизни, бошқа хорижий давлатларнинг улуши эса 63,7 фоизни ташкил этди.

2000 йилда импорт ҳажми 2947,4 млн. АҚШ долларига бўлган бўлса, 2016 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 12130,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ва 4,1 баробарга ўсди. Импорт ҳажмида МДХ давлатларининг улуши 33,4 фоизни, бошқа хорижий давлатларнинг улуши 66,6 фоизни ташкил этди.

Қозоғистон билан ўзаро товар айланмаси ҳажми 2016-йил якунлари бўйича қарийб 2 032,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 945 млн. экспортга, 1 055 миллиони импортга тўғри келди. Истиқболда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 5 млрд долларгача етказиш режаси белгиланган.

Экспорт бўйича асосий ҳамкорлар МДХ давлатлар орасида Россия ва Қозоғистон бўлса, бошқа мамлакатлар орасида Хитой, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Корея Республикаси ҳисобланади. Бунда Қозоғистон билан иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб боришини кўришимиз мумкин.

1-жадвал маълумотлари кўрсатиб турибдики, 2016 йилда экспорт ҳажми бўйича Қозоғистон топ учликка киради. Бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринни Хитой эгаллайди. Ушбу давлатга Ўзбекистон 1 999.3 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар жўнатган. Иккинчи ўринни Россия (1 794.9 млн. АҚШ долл.) ва учунчи поғонани Қозоғистон банд этган. Қўшни давлатга 945 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотлар сотилган. Жами экспортда Қозоғистоннинг улуши 7.75% ташкил этган бўлса, МДХ давлатларига тўғри келувчи экспорт ҳажмида 21.4% улуш билан банд этиб туради. Кейинги ўринларни Туркия (686.2 млн. АҚШ долл.), Афғонистон (517.3 млн. АҚШ долл.), Эрон (350.4 млн. АҚШ долл.), Корея Республикаси (201.8 млн. АҚШ долл.), Тожикистон (164.8 млн. АҚШ долл.), Қирғизистон (121.5 млн. АҚШ долл.), Франция (120.2 млн. АҚШ долл.) эгалаб турибди.

Мамлакатимиз Қозоғистон асосан рангли металллар, табиий газ, машиналар, пахта, мева-савзавотлар экспорт қилади.

Ўзбекистон Қозоғистондан асосан ғалла, қора ва рангли металллар импорт қилади.

Ўзбекистоннинг йирик экспорт бўйича ҳамкорлари.

№	Давлат номи	Ҳажми, млн.АҚШ долл.
1	Хитой	1 999,3
2	Россия	1 794,9
3	Қозоғистон	945,0
4	Туркия	686,2
5	Афғонистон	517,3
6	Эрон	350,4
7	Корея Республикаси	201,8
8	Тожикистон	164,8
9	Қирғизистон	121,5
10	Франция	120,2
	жами	12 178,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақиллик шарофати билан жаҳонда ўз ташқи иқтисодий сиёсатига, жаҳон бозорига эркин чиқиш имкониятига эга бўлган қудратли давлатга айланиб бормоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деп эълон қилиниши икки қардош халқнинг бир-бирига ҳурмат-эътиборининг яна бир ифодаси бўлди. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида кўшни Қозоғистон Республикаси билан олиб бориладиган одил ва тенг манфаатли савдо-иқтисодий ҳамда бошқа алоқаларнинг ўрни катта бўлиб, яқин келажакда Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг йирик савда ҳамкори бўлишига умид қиламиз.

КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОЦИАЛ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Комилова Н.Қ.*

Ўзбекистон Миллий университети

Касб касалликлари ва меҳнат гигиенаси масалалари инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Эраמידан аввалги 370 йилда Гиппократ қўрғошиндан сурункали захарланиш ҳақидаги илк маълумотларни қолдирган. Кейинчалик ғарб олимларидан Гален, шунингдек, ватандошларимиз Ар-Розий ва Абу Али ибн Сино асарларида ҳам айнан инсонларнинг касб-корига мос равишда юзага келувчи касалликлар тўғрисида нодир фикрлар мавжуд.

1700 йилда мазкур масалаларни биринчи марта батафсил баён қилинган ва касб касалликларини тасвирлаган олим Б.Рамадини¹ ҳисобланади. Фаолият тури билан боғлиқ касалликларга денгизчилар ўртасида кўп учрайдиган цинга², Англияда XIX асрда мўри тозаловчилар ўртасида кўп учраган ёрғоқ раки³, шахтёрлар пневмокониози, шляпа тикадаганлардаги симобдан сурункали захарланиш, пахтани қайта ишлаш устахоналаридаги ишчиларда учрайдиган биссиноз ва асбест корхоналари ишчилари ўртасидаги мезотелиома тарихий мисоллардан бўла олади.

Касб касалликлари ва меҳнат гигиенаси масалалари билан боғлиқ йирик ҳажмли тадқиқотлар 20 асрда янада авж олди. 1935 йилда У.И.Линч асбестоз ва ўпка раки тўғрисидаги илк илмий маъруза қилди. Худди шу йили АҚШда ижтимоий суғурта тўғрисида қонун чиқарилди. 1970 йилда жаҳонда (АҚШда) биринчи марта ишлаб чиқаришда ва касб

*Комилова Н.Қ. – ЎзМУнинг Иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси мудири, г.ф.д.

¹ Тиббиёт географияси атамаси ҳам даставвал мазкур олим томонидан фанга киритилган эди. 1700 йилда Б.Рамадинининг “Хунармандлар касалликлари тўғрисида” китоби чоп этилди.

² 1747 й. Ж.Линд цинга ва денгизчилар касалликларини тасвирлади.

³ 1775 й. П.Потт мўри тозаловчиларда учрайдиган ёрғоқ ракини кашф этди.

касалликларида техника хавфсизлиги тўғрисида Қонун қабул қилинди, меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари бўйича Бошқарма, Меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари Миллий институти очилди. Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Касб фаолияти билан боғлиқ бўлган энг кенг тарқалган касалликлар ва шикастланишлар қуйидагилар:

- ўпка касалликлари;
- суяк-мушак аппарати касалликлари;
- хавфли ўсмалар;
- шикастланишлар;
- юрак, қон-томир бузилишлари;
- туғиш функцияси бузилишлари;
- нейротоксик бузилишлар.

Касб касалликлари ва шикастланишлар иқтисодиётга ҳамда тиббиёт тизимига катта зарар етказди. Ҳозирги кунда меҳнат гигиенаси муаммолари халқаро аҳамиятга эга.

Касб касалликлари меҳнат гигиенасига оид халқаро жиҳатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ишлаб чиқаришда ва бошқа жабҳаларда болалар меҳнатидан фойдаланмаслик;
2. Пестицидлардан меъёрида фойдаланиш, токсинлиги, озик-овқат маҳсулотлари таркибида пестицидлар миқдорини назорат қилиш;
3. Токсинли чиқиндилар ташлаш ва чиқиндиларни камайтириш;
4. Атом энергияси, ҳарбий-саноат тизимида фалокатлар ва радиоактив чиқиндилар устидан назоратни кучайтириш;
5. Техник хавфсизлик ва кимёвий назорат меъёрларига эътибор қаратиш;
6. Ишчи-ходимларнинг психо-эмоционал касбий жиҳатларига эътибор қаратиш ва б.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хўжаликларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ тарзда ҳам касаллик тур ва гуруҳлари фарқ қилади. Жумладан, шолікорлик районларида шу касб билан боғлиқ равишда буйрак ва айириш тизимлари касалликлари, ревматизм, артрит, полиартрит ва бошқа ревматологик касалликлар кўп учрайди.

Яна шуни таъкидлаш мумкинки, касалхона ходимлари, шифокорлар орасида В, С гепатитини юктириб олиш ҳолатлари тез-тез кулоққа чалинади. Шунингдек, компьютерда ишлайдиган кишиларда тирсак нерви неврити, кўз, руҳий зўриқишлар кўп кузатилади.

Олимлар, ўқитувчи ва тарбияловчилар орасида касбий характердаги касалликлар орасида кўпинча асаб тизими, юрак, қон-томир аъзолари, кўриш билан боғлиқ муаммолар кузатилади. Жумладан, бундай соҳада фаолият юритувчи ходимлар орасидаги ўлим ҳолатлари таҳлил қилинганда, аксарият ҳолатларда инфаркт-миокард, инсульт, юрак ишемик касалликлари, гипертония сингари касалликлар туфайли ўлим кўп учраши маълум. Шунингдек, шовқин таъсирига алоқадор эшитиш бузилишлари; тери касалликлари; руҳий зўриқиш, стресслар, ишга қизиқиш йўқолиши, тез чарчаш ҳолатлари кўп кузатилади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ушбу касб эгаларининг меҳнат фаолиятлари таҳлил этилиб ҳафтасига 36 соатлик меҳнат қилишлари белгилаб берилган. Афсуски, кўпинча меҳнат гигиенасига тўғри риоя қилмаслик, ишчи-ходимларнинг ўз вақтида соғлиғи ҳақида қайғурмасликлари оқибатида касалликлар янада сурункали ҳолатга ўтади, баъзида эрта ўлимга олиб келиши мумкин. Бундай касбий ноқулайликларни олдини олиш учун меҳнат шароитларини яхшилаш, белгиланган вақт орлиғидаги меҳнатни тўғри ташкил этиш, касбий ассаббузарликларни олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мамақулов Б. Жамоат соғлиғини сақлаш. Т., “Илм-Зиё”, 2013.-342 б.
2. Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Тиббиёт географияси. -Т.: “Истиклол”, 2005. -162 с.

ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР, АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ

Макулов Ж.Т.*

Наманган давлат университети

Маълумки, фавқулодда вазият (ФВ) – бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиги ёки атроф-муҳитга зиён йетказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган ҳалокат, стихияли фалокат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир. Ривожланиш даврида инсон ўзи учун яратган қулайликлар, яъни ғилдиракнинг кашф этилиши, машиналарни яратилиши, атомнинг бўйсундирилиши, электромагнит тўлқинларни аниқланиши ва бошқалар, одамга ғам ва заҳмат келтирувчи сабаблар бўлмиш техноген тусдаги ҳалокатларни келиб чиқишига имконият яратиб беради. Шундай қилиб жамиятнинг техник прогресси учун одамзод жуда катта ҳақ тўлашга мажбур бўлмоқда. Шу аснода технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун ҳавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги, одамларнинг механик ва термик шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш фондларининг нобуд бўлишига, ФВлар ҳудудларида ишлаб чиқариш сиклининг ва одамлар ҳаётининг бузилишига олиб келадиган ҳалокатлар, ёнғинлар ва портлашлардир. Ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар етказдилар ва бундан ташқари бахциз ҳодисалар билан боғлиқдир. Бу бизни ёнғин ҳавфсизлиги чораларини меҳнат муҳофазаси тадбирлари билан боғланган ҳолда ўрганишимизни тақозо қилади.

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларига тўхталганда куйидагиларга алоҳида этибор қаратишимиз лозим:

- иншоотларни лойиҳалашда йўл қўйилган камчиликлар;
- техника ҳавфсизлигига риоя қилмаслик;
- ишлаб чиқаришда доимий назоратнинг сусайиши ва айниқса, енгил аланга олувчи, ёнғинга ҳавфли моддалардан фойдаланишда эътиборсизлик;
- ишлаб чиқариш технологиясида йўл қўйилган хатолик, жиҳозларни, машина ва механизмларни ўз вақтида таъмирламаслик;
- меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг пастлиги;
- қўшни ишлаб чиқариш корхоналарида ёки энергетика, газ тармоқларида юз берган ҳалокат;
- ҳалокатларни келтириб чиқарувчи табиий фавқулодда ҳодисалар.

Техноген фавқулодда вазиятлар натижасида инсонлар қурбон бўлиши, турли даражада шикастланиши, атроф-табиий муҳитнинг, атмосфера ҳавосининг турли заҳарли моддалар билан ифлосланиши, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами нобуд бўлиши, жуда катта моддий зарар кўришга олиб келиши каби оқибатлари кузатилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ўрта ҳисобда ҳар 4-5 минутда бир ёнғин бўлиб туради. Ёнғин туфайли ҳар куни 23 одам, шулардан 4-5 ёш болалар ҳалок бўладилар ва 27 киши жароҳатланади. Охирги 15 йил ичида мамлакатимизда ёнғинлар сони 42% ва улардан кўрилган моддий зарар 2,5 марта ортганлиги маълум. Одамлар ўлими 2,9 марта ортган. Ўрта ҳисобда ҳар куни 400 ёнғин бўлиши қайд қилинган. Кўп ҳолларда ёнғин ёш болаларнинг олов билан ўйнаши ёки катталарнинг маст ҳолатларида юз беради. Масалан, 1987 йили ёнғиндан маст ҳолда 4 минг шундан 500 ёш болалар ҳалок бўлган. Ўзбекистонда энг кўп ёнғин ҳодисалари Самарқанд, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидадир. Айниқса савдо соҳасида ёнғинлар сероб. 1986 йил Ургут тамаки фабрикаси буткул ёниб кетди. У давлатга 1 млн 876 минг сўм зарар келтирди. Сабаблари қидирилганда директор, бош инженер ёнғин ҳавфсизлигининг элементар қоидаларини ҳам билмасликлари аниқланди¹. Ёнғин санокли дақиқаларда юзлаб ва минглаб кишиларнинг меҳнатини йўқ қилиб юбориши мумкинлигини

* Макулов Ж.Т. – Наманган давлат университети География кафедраси ўқитувчиси.

¹ <http://muhaz.org/ozbekiston-respublikasi-oliy-va-orta-mahsus-talim-vazirligi.html?page=7>

ёддан чиқармаслик керак. Шунинг учун бино ва машина-ускуналар, хом ашё, тайёр маҳсулот ва бошқа моддий бойликларни ёнғиндан сақлаш барча фуқароларнинг бурчидир. Бундан ташқари Республикамиз миқёсида ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» каби тадбирлар ҳам техноген фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазият юз берганда ҳаракатланишга оид тайёргарлик даражаларини оширишда катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир ишчи ҳалокатлар юз берганда ҳаракатланиш қоидаларини мукамал ўзлаштирган бўлиши зарур. Мисол учун, электр энергиясини тармоқдан узишнинг ҳам ўзига хос талаблари, газ, буғ аппаратларини ўчиришнинг ҳам ўзига хос қонун қоидалари мавжуд бўлиб, агар технологик жараёнлар ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаса, инсон ҳаётига жуда катта хавф солиши ёки жуда катта моддий талофатлар келтириши мумкин.

Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси ходими ҳалокатлар юз берганда жамоа муҳофаза иншоотлари жойлашган ерларни, хавфсизлик жойларга чиқиш йўллари, яқка ҳимояланиш воситалари билан таъминлашни ташкил этишни ва улардан фойдаланиш тартибини билиши лозим. Технологик ускуналарни герметизациялаш ва ишлаш тизимини доимий назорат қилиш, шу билан ёнғин ва портлаш хавфларини олдини олиш зарур. Электр асбоблар ҳолатини, сиғими, қисм ва тармоқларини, босим остида ишлашини, назорат ўлчов асбобларини, ҳимоялаш ва блоклаш аппаратларининг иш фаолиятини доимий назорат қилиш ҳамда аниқлаш керак. Ҳар бир ташкилотда содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатларнинг бартараф этиш режаси ишлаб чиқилади. Ишчи ва хизматчиларни ҳалокат юзага келган вазиятларда ўзини тутиш ва ҳаракатланишга тайёрлаш тадбирлари ташкил этилади, уларни бартараф этиш куч ва воситаларининг зарурий заҳиралари кўриб чиқилади. ФВ юзага келганда огоҳлантириш тизими ва воситалари доимий шай ҳолатда сақлаш, ишчи ўринлари учун керакли шахсий ҳимояланиш воситалари сонини таъминлаш зарур.

Ҳалокатлар содир бўлганда муҳим вазифалардан бири ишлаб чиқариш корхонаси ва аҳоли яшаш пунктларига хавф ҳақидаги хабарни етказиш ҳисобланади. Шунингдек, объектнинг ҳар бир ишчи, ходими ҳалокат содир бўлганда огоҳлантириш воситаларидан фойдаланиш ва ўз вақтида тегишли ташкилотларга хабар беришни билиши керак. Ундан ташқари ҳозирги кун техника тараққиёти юксак даражада ривожланган бир паллада аҳолини манзилли огоҳлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва аҳолини техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиб ўтгандан кейин эмас балки юзага келишидан олдин огоҳлантириш зарур.

TURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIIY-IQTISODIY OMILLARI

Mahkamov E., Yo`ldasheva S.*

Farg`ona davlat universiteti

Fan va texnologiyalarning zamonaviy yutuqlari, axborotning tezkor rivojlanishi, kommunikatsiya texnologiyalari, transportning mavjudligi (ayniqsa, aviatsiya) jahon iqtisodiyotidagi globallashuv jarayonida turizmni rivojlantirishga hissa qo`shmoqdi. Bugungi kunda har bir insonning shaxsiy erkinligi va harakatchanligi, sayyohlik va dam olish uchun individual talablar va ehtiyojlarning, moddiy imkoniyatlarning mavjudligi insonni tobora ko`proq sayohat qilishiga imkon beradi. Zamonaviy televideniya bizga vaqt va makonda sayohat qilish imkonini beradi. Yaqin kelajakda real vaqtda butun dunyo bo`ylab virtual sayohat qilish ommalashib boradi. Jak Atalining fikricha, bu qulayliklar XX asrda avtomobil va televizor insoniyat hayotini o`zgartirgani kabi, uchinchi ming yillik hayotini tubdan o`zgartiradi (Atali, 1993).

1950 yilda dunyoda 25 million sayyoh ro`yxatga olingan, ularning soni 2004 yilda 760 millionga, 2012 yilda esa ularning soni 1035 milliongacha oshgan. 2020 yilga borib bu ko`rsatkich 1600 millionga yetishi tahmin qilinmoqda. Xalqaro turistik aloqalar iqtisodiy munosabatlar va

*Mahkamov Elyorbek G`ayratovich – Farg`ona davlat universiteti geografiya kafedrası o`qituvchisi.

Yo`ldasheva Sevara Iqboljon qizi - Farg`ona davlat universiteti geografiya yo`nalishi talabasi.

ijtimoiy jarayonlarning muhim qismiga aylandi. Ko'p mamlakatlarda millionlab odamlarni ish bilan ta'minlaydigan va iqtisodiyotning deyarli barcha tarmoqlariga ta'sir ko'rsatadigan barqaror turizm sanoati rivojlanib bormoqda. Turizmni rivojlantirishga ta'sir qiluvchi ijtimoiy-iqtisodiy omillar quyidagilardan iborat:

- 1) hududning iqtisodiy va geografik joylashuvi (sayyohlik bozori, tranzit imkoniyatlari bilan bog'liqligi);
- 2) hududning turistlarni jalb qilish bo'yicha iqtisodiy darajasi;
- 3) aholining ijtimoiy va kasbiy tarkibi (sayyohlarni qabul qilish va turizmni tashkil etish uchun etarlicha malakali xodimlarning mavjudligi);
- 4) sayyohlik infratuzilmasi va turar joy fondlari mavjudligi, xalqaro va ichki kommunikatsiya va avtomobil tizimining holati;
- 5) hudud uchun rekreatsion narxlar bahosi (resurslar, turar joy xizmatlari, transport, oziq-ovqat va h.k.);
- 6) aholining real pul daromadlari;
- 7) bayramlar va dam olish kunlarining davomiyligi;
- 8) rekreatsion zonalar va turistik marshrutlar bo'yicha reklama xizmati.

Turizm hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy infratuzilmasini rivojlantirishda iqtisodiyotning muhim tarmoqlari kabi (transport va aloqa, qishloq xo'jaligi, qurilish, mahsulotlarni ishlab chiqarish) muhim vazifasini bajaradi. Buning sababi shundaki, zamonaviy sayyohlik sanoatida xalqaro sayyohlar uchun quyidagi iste'mol qilinadigan ko'plab xizmatlarni taqdim etiladi (A.A.Romanov va R.G.Saakyans, 2002):

- 1) mamlakatga sayyohlarni etkazib berish va mamlakat bo'ylab sayyohlar harakati uchun transport xizmati. Bunda mahalliy va xalqaro transport vositalari, sayyohlik harakatida transport kamchiliklariga yo'l qo'ymaslik juda muhim;
- 2) sayyohlik joylari (mehmonxonalar, motellar, lagerlar va boshqalar);
- 3) sayyohlarni oziq-ovqat bilan ta'minlash (restoran, kafe, bar va boshqalar);
- 4) sayyohlik mahsulotini reklama qilish;
- 5) sayyohlik mahsulotini sotish uchun sayohat agentliklari xizmatlari (sayohat yo'nalishlarini tashkil etish, mehmonxonalarda joylarni bron qilish);
- 6) sayyohlarning madaniy ehtiyojlarini qondirish (muzeylar, ko'rgazmalar va h.k.);
- 7) sayyohlarning biznes va ilmiy manfaatlarini qondirish (ilmiy anjumanlar, turli uchrashuvlar);
- 8) umumiy va maxsus maqsadlardagi savdo korxonalarini (suvenirler, bukletlar, kartalar, sayyohlik anjomlari);
- 9) nazorat va ma'muriy organlar (hujjatlar, chegara, bojxona nazorati);
- 10) tabiatni saqlash xizmatlari, yodgorliklar, muzeylar;
- 11) turistik axborot xizmatlari;
- 12) sayyohlarni aloqa vositalari bilan ta'minlash (pochta, telegraf, telefon, faks);
- 13) ommaviy axborot vositalari (televideniya, gazeta, jurnal);
- 14) davlat sayyohlik muassasalari;
- 15) chet ellik yuridik shaxslar va davlat sayyohlik tashkilotlar;
- 16) sug'urta kompaniyalari;
- 17) o'yin-kulgi ehtiyojini qondirish (diqqatga sazovor joylar, atraksionlar, klublar va boshqalar).

Turizmni rivojlantirishning asosiy ijtimoiy-iqtisodiy omili sifatida mamlakatdagi innovatsion faoliyatdan keng foydalanish muhim ahamiyatga ega (Novikov, 2007). E-turizm (e-tourism) va e-sayohat (e-travel) kabi eng yangi texnologiyalarni joriy etish, onlayn axborot xizmatlaridan foydalanish sayyohlik xizmatlarini foydalanuvchilarga bevosita yetkazishni ta'minlaydi. Ushbu manbalardan olingan ma'lumotlar sayohatni rejalashtirish, narxlarni taqqoslash va ekskursiyalar rejasini tuzishda asos bo'lishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. Атали Ж. На пороге нового тысячелетия. -М.: Международные отношения, 1993.
2. Романов А.А., Саакянц Р.Г. География туризма: Учеб. пособ. -М.: Советский спорт, 2002. -464 с.

HUDUDNING DEMOGRAFIK SIG'IMINI ANIQLASH (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA)

Murodova D.S.*

Qarshi davlat universiteti

Aholini iqtisodiy geografik jihatdan o'rganishda uning joylashuvi asosiy hisoblanadi. Ma'lumki, aholining joylashuvi ko'pincha hududning tabiiy va iqtisodiy imkoniyatlariga to'la bog'liq.

Mamlakatda aholining ko'payishi va hududda aholi sonining ko'p to'planishiga sabab bo'ladi. Bu esa hududlar doirasida qancha aholining yashashi imkoniyatlari borligini, aniqrog'i hududning demografik sig'imini (HDS) aniqlash uchun ilmiy tadqiqotlar olib borishni zarur etadi. Mamlakatning demografik sig'imini aniqlashda birinchi navbatda yer, suv va rekreatsion zahiralari asosiy ko'rsatkich hisoblanadi.

Hududning barcha omillarini hisobga olgan holda, aholini ma'lum me'yorda joylashtirish uning **demografik sig'imi** deb ataladi (ushbu tushunchani ilk bor P.P.Semyonov - Tyanshanskiy ishlatgan). Bu sig'im yer, suv, ish o'rinlari, dam olish zonalari, ekologik holatning ijobiy tomonga o'zgarishidan va ta'minlanganidan kelib chiqib aniqlanadi va uning miqdoriy ko'rsatkichi vaqt o'tishi bilan o'zgarib turadi. Boshqacha qilib aytganda, demografik sig'im mazkur hudud hozirgi vaziyatini saqlab qolgan taqdirda qancha aholini sig'ira olishi (boqa olishi), uning bu boradagi imkoniyatini bildiradi.

Ba'zi rayonlarda demografik sig'im nihoyatda keskinlashgan bo'lib, ularda nafaqat aholining nisbiy ko'pligi, balki uning mutloq ortiqchaligi ham kuzatiladi. Albatta, shunga o'xshash hududlarda aholining nihoyatda zich joylashganligi, yer, suv va ish o'rinlari bilan yetarli darajada ta'minlanmaganligi ijtimoiy muammolarni keskinlashtiradi, turli xil salbiy oqibatlariga, hududning zo'riqishiga olib keladi.

Aholining zich joylashuvi hudud ekologik holatining antropogen omil asosida keskinlashuviga sabab bo'ladi. Bunday sharoitda sanitariya-gigiyena holati ham murakkab bo'lib, yuqumli kasalliklarning tarqalish imkoniyati esa kengdir.

Aholi joylashuvi yoki uning hududiy tarkibi shahar va qishloq joylar bo'yicha taqsimoti bilan ham tavsiflanadi. Rivojlangan mamlakatlarda aholining ko'pchiligi shaharlarda istiqomat qiladi, rivojlanayotgan mamlakatlarda, aksincha, qishloq aholisi ustun turadi. Qashqadaryo viloyatida 57% aholi qishloqlarda yashaydi. Bu esa qishloq infratuzilmasi va madaniyati, sanoati va transportini rivojlantirishni dolzarb muammo qilib qo'yadi. Shu nuqtai nazardan qishloq joylarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish davlat mintaqaviy siyosatining ustuvor yo'nalishi hisoblanadi.

Hududda qancha aholini joylashtirish zahiralari hisobiga hududning ekologik vaziyatini saqlagan holda, aholining eng asosiy hayotiy ehtiyojini qondirish iloji bo'lgan soni hududning demografik sig'imi deyiladi. Hududning demografik sig'imini aniqlash faqat tabiiy zahiralarga to'la bog'liq emas, balki hududning geografik o'rni, tabiiy zahiralarning sifati, miqdori va ulardan foydalanishning qulayligiga ham bog'liq.

Hududda ishlab chiqarish kuchlarining rivojlanishi, tabiatga va iqtisodiyotga fan-texnikaning ta'sirining samaradorligi ortib borishi bilan demografik sig'im ko'lami kengayib boradi. Masalan, Qashqadaryo viloyatida 508 ming kishilik (1959 y) aholining iqtisodiy turmushi va ijtimoiy sharoiti hozirgi 3089,4 ming (2017) aholi turmushidan bir necha barobar pastdir. Keyingi yildagi qurilishlar (irrigatsion inshootlar, yer osti boyliklarining ochilishi, ishlab chiqarish sanoat korxonalarining qurilishi) natijasida hududning demografik sig'imi kengaydi. Bu jarayon respublikamizning mustaqil bo'lishi munosabati bilan yana kengayib boradi, chunki mamlakat tabiiy zahiralari o'z xalqiga xizmat qiladi. Hudud demografik sig'imi ko'rsatkichlari shartli

* **Murodova D.S.** – Qarshi DU “Geografiya” kafedrasida o'qituvchisi.

ravishda aniqlanadi. Bu davlatning va uning regional hududlarida ishlab chiqarish kuchlari taraqqiyotini ekologik tadbirlar bilan birga olib borilishi zarur.

Aholi joylashuvining eng muhim xususiyati uning zichlik ko'rsatkichi orqali ifodalanadi.

1-jadval. Qashqadaryo viloyati qishloq tumanlari haqida ma'lumotlar (2017 y)

№	Tumanlar	Umumiy yer maydoni, km ²	Aholi, ming kishi	Aholining o'rtacha zichligi, 1km ² / kishi
1	Dehqonobod	4,00	137,7	34,4
2	Kasbi	0,65	184,8	284,3
3	Kitob	1,75	249,8	142,7
4	Koson	1,88	266,8	141,9
5	Mirishkor	3,21	112,7	35,1
6	Muborak	3,07	81,8	26,6
7	Nishon	2,11	141,1	66,8
8	Chiroqchi	2,84	379,5	133,6
9	Shahrisabz	1,66	343,9	207,1
10	Yakkabog'	1,10	247,6	225,0
11	Qamashi	2,66	254,8	95,7
12	Qarshi	0,91	231,7	254,6
13	G'uzor	2,65	192,6	72,6
	Viloyat	28600	3089,4	108,0

Jadval Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida tayyorlangan

Demografik zichlik bilan ishlab chiqarishning joylashuvi, ixtisoslashuvi va hududiy mujassamlashuvi, iqtisodiy zichlik o'rtasida ma'lum darajada aloqadorlik mavjud. Jumladan, zichlikning eng yuqori ko'rsatkichlari qayta ishlash sanoati rivojlangan hududlarda, shahar atrofida, qadimdan sug'orma dehqonchilik tarqalgan voha va vodiylarda, agrosanoat rayonlarida kuzatiladi. Tabiiyki, bunday hududlarga ishlab chiqarish rivojlanishining intensiv yo'nalishi xosdir. Ayni chog'da ekstensiv xo'jalik tizimiga ega bo'lgan chorvachilik, ayniqsa yaylov chorvachiligi, o'rmonchilik hamda tog'-kon sanoati rayonlarida aholi zichligi ancha past.

Aholining o'sib borishi respublika, regional zonalar, katta shaharlar, rivojlangan sanoat va kurort rayonlarining demografik sig'imini aniqlash asta-sekin dolzarb masalalarga aylanadi. Chunki hozirda respublikaning Toshkent va Farg'ona vodiysidagi viloyatlarida, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarining ayrim tumanlarida aholi zichligi yil sayin ortib bormoqda.

2017 yil ma'lumoti bo'yicha Qashqadaryo viloyatida 1km² ga 108,0 kishi, Andijon viloyatida 689,0 kishi, Farg'ona viloyatida 527,3 kishiga yetadi. Yaqin yillarda bu raqamlar yanada ortib boradi. Shuning uchun aholining joylashuvini ekologik jihatdan tartibga solish yuzasidan davlatning demografik va ekologik siyosatini yuritish uchun bu muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

Hududning demografik sig'imi aholining yashashi uchun eng muhim bo'lgan quyidagi tabiiy va iqtisodiy imkoniyatlarni tahlil qilish orqali aniqlanadi. Ma'muriy hududlar uchun eng qulay bo'lgan yer zahirasi, suv va boshqalari: shaharlar uchun- sanoat, uy-joy qurilishi uchun qulay bo'lgan maydonlar, shahar atrofida joylashgan va shaharni dehqonchilik va chorvachilik mahsulotlari bilan ta'minlaydigan qulay yer, yer sathi va yer ostidagi suv zahiralarini hamda ommaviy dam olish uchun qulay maydonlar va boshqalar.

Viloyat yoki shaharning demografik sig'imini aniqlash chog'ida maydonni har tomonlama baholash natijalari va tabiiy zahiralarini shu maydonning xalq xo'jalik majmuasi va aholisining yuqorida kor'satilgan zahiralariga bo'lgan umumiy me'yor ehtiyojlari bilan taqqoslash orqali aniqlanadi. Bu o'rinda shu narsaga e'tibor berish kerakki, yuqorida ko'rsatilgan HDSning qismlari aniq tekshirilishi va tahlil qilinishi kerak, faqat shundan keyingi HDS umumiy ko'rsatkichi haqida oxirgi xulosani chiqarish mumkin. Manbalarda ko'rsatilishicha o'rtacha geografik mintaqalarda

aholining yaqin kelajakdagi o'rtacha zichiligi 1kv.kmga 50 kishidan oshganda HDSni aniqlash lozim.

Bundan kelib chiqib respublikamizning hamma viloyatlarida hatto regional hududlarida HDSni aniqlash- davr taqozasidir. Qashqadaryo viloyati hududining demografik sig'imini yer zahirasi bo'yicha aniqlash hududning eng yuqori baho olgan maydon ko'rsatkichining eng kichigi 5154,9 ming, suv zahiralari bo'yicha 4591,3 ming kishi aniqlandi.

Bu ko'rsatkich bo'yicha viloyatning hozirgi yerdan va suvdan foydalanish darajasi bo'yicha demografik sig'imi 5 millionga yaqin aholini o'zida joylashtirish va boshqa imkoniyatiga ega. Yuqorida qayd qilinganidek, bu HDS shartli ravishda aniqlandi. Viloyat tabiiy zahiralari va iqtisodiy sohalaridan foydalanishda fan-texnika taraqqiyotining rivojlanishi va tadbiriq etilishi bilan bu raqam ortib boraveradi. Bundan tashqari demografik sig'imi katta bo'lgan regional zonalaridagi xom ashyolarni qayta ishlash sanoat korxonalarini HDS kichik hududlarga joylashtirish kabi tadbirlarni amalga oshirib borish orqali viloyat zonalarida aholining joylashuvini ekologik jihatdan to'g'ri amalga oshirish lozim.

Adabiyotlar:

1. Yangiboyev M. Aholi joylashuvi va rivojlanishining regional muammolari. -T.: "Fan",1995.
2. Yangiboyev M.Yer yuzasining demografik sig'imini aniqlash .Qashqadaryo viloyati misolida, ilmiy -uslubiy ko'rsatmalar.- T.:1995
3. Soliyev A.Hududiy majmualarning nazariy asoslari (O'quv qo'llanma).-T.: Universitet, 2007.

AHOLI TARAQQIYOTINING EKOLOGIK VAZIYATGA TA'SIRI

Murodova D.S, Teshayeva Z.*

Qarshi davlat universiteti

Ekologik va tabiatni muhofaza qilish yil sayin muhim muammolardan biriga aylanmoqda. Hozirgi paytda tabiat va jamiyat o'rtasidagi munosabatlarni muvozanatlashtirib borishda boshqa fanlarga nisbatan sotsial va iqtisodiy geografiya fani alohida ajralib turadi. Chunki tabiat-inson jamiyat o'rtasidagi aloqador muammolar yechimi sotsial masalalarga borib taqaladi, ya'ni insonning ta'sirida tabiat va jamiyatning o'zaro munosabatlari qulaylashtiriladi. Inson bir vaqtning o'zida tabiat va jamiyatga ta'sir etadi. Shuning uchun ham aholi tabiat va jamiyatning ajralmas bir bo'lagidir. Shunday ekan, atrof-muhitning ifloslanishi tabiiy zahiralardan ishlab chiqarishda oqilona foydalanishga, bu esa o'z navbatida, aholining ekologik savodxonligi va madaniyatiga bog'liq ravishda amalga oshiriladi.

O'zbekiston uchun mamlakat aholisining salomatligini yaxshilash, sog'lom avlodni shakllantirish va tarbiyalash, ularni farovon hayot kechirishini ta'minlash oliy maqsaddir. Mamlakatning ekologik holati ko'pincha aholining ta'sirida paydo bo'ladi. Bozor iqtisodiyotiga o'tish davrida O'zbekistonda sotsial- iqtisodiy, siyosiy va ekologik muammolar yechimi mamlakatdagi demografik jarayonlarni tahlil etish orqali hal etiladi. Keyingi 2001-2014 yillarda jahon aholisi o'rtacha yiliga 1,42 % dan o'sgan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasida 1,60 %, Qashqadaryo viloyatida esa bu raqam 2,10 % ni tashkil qildi. Shu yillarda respublika aholisi 30,5 mln ga, Qashqadaryo viloyatida esa 3,0 mln kishiga etdi.

Vohada tabiiy zahiralari va boshqa iqtisodiy imkoniyatlardan foydalanish taraqqiyoti mamlakatdagi shaharlar va ularda yashovchi aholi soni tez ko'payishiga sezilarli ta'sir ko'rsatdi. Masalan, 1959 yilda respublikadagi 103 ta shahar va qo'rg'onchalar, 1994 yilda 229 taga, ularda yashovchi aholi soni 1mln dan 8,6 mln.kishiga, 2014 yilda 119 shahar va 1063 shaharcha, ularda yashovchi aholi soni 14625 ming kishiga ortdi. Shu yillarda Qashqadaryo vohasidagi 12 ta shahar va shaharchalar 123 taga, ularda istiqomat qiluvchilar soni 67 mingdan 1250,4 ming kishiga yetdi. Yangi o'zlashtirilgan va sug'oriladigan yerlarda drenajlar loyiha bo'yicha qurilmadi. Natijada yer osti suvi ko'tarildi va tuproqning sho'rlanishi yil sayin ortib bordi. Viloyatda sug'orilib dehqonchilik qilingan yerdan 44 % i sho'rlanib, ekologik holati buzilgan. Bu jarayonning yil sayin ko'payishi oqibatida yangi o'zlashtirilgan Qarshi dashtining Mirishkor, Koson, Muborak, Nishon,

*Murodova D.S – QarshiDU Geografiyakafedrası o'qituvchisi.;

Teshayeva Z – QarshiDU Geografiya o'qitish metodikasi yo'nalishi 4-kurs talabasi.

Qarshi tumanlarida ekologik jihatlaridan buzilgan yerlar ko'paymoqda. Viloyatda birgina 2000-2014 yillarda sug'orilgan yerning 23 %i sho'rlangan, sho'rlanishga qarshi qurilgan 36 ta ichki, 32 ta xo'jaliklararo zovurlar ishdan chiqqanligi tufayli yerlar sho'rlanib ketmoqda. Yangi o'zlashtirilgan yerlarda yo'ppasiga sho'r va sho'rxok o'simlik butazorlar paydo bo'lmoqda.

O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy rivojlanishi suv bilan bog'liq. Ayniqsa suvga tanqis janub va janubi-g'arbiy viloyatlarning tog' va tog' oldi zonalarida tabiiy o'rmonzorlarning keskin kamayishi davom etmoqda. Tog' va adir bag'ri manzarasi relyefi inson faoliyati bilan o'zlashtirilmoqda. Ma'lumki, respublika o'rmon zahira maydonining 50 %dan ko'prog'i, shu jumladan Qashqadaryoda bundan ham ko'proq o'rmon maydoni tog'da joylashgan. Voha tog' oldi adirlarida yashovchi aholining suvga tanqisligi bilan bog'liq aholi soni tog' zonalarida tez ko'payishi va o'rmonlardan yo'qilg'i, qurilish va chorva yaylovlari sifatida foydalanishning ortib borishi oqibatida Dehqonobod, G'uzor, Qamashi, Kitob, Shaxrisabz va Yakkabog' tumanlaridagi archazor maydonlarning keskin kamayishiga sabab bo'lmoqda. Qarshi dashtida saksavulzorlar yangi yerlarni o'zlashtirish va yer osti mineral zahiralardan noto'g'ri foydalanilganligi sababli qisqarib bormoqda. Natijada tog'larda eroziya kuchaymoqda. Cho'llarda chang-to'zonlar atmosferani ifloslantirmoqda. Viloyatning shimoli-sharqiy va O'rta Qashqadaryo zonalarida aholi zich joylashgan.

Voha daryolari asosan Shaxrisabz, Kitob, Yakkabog' tumanlari hududlaridan oqib o'tadi. Bu tuman xo'jaliklaridan o'nlab kollektorlarning oqava suvi va sanoat korxonalaridan chiqqan ifloslangan suvlar yana daryolarga va daryolardan suv omborlari (Chimqo'rg'on va h.k.) ga quyiladi. Bu omborlardan chiqqan suvlar aholi va ekinlarni sug'orishda ishlatilib, qishloq xo'jalik mahsulotlariga ekologik jihatdan zarar yetkazmoqda.

Ifloslangan suvlar tabiatdagi barcha kasallikni tarqatuvchi zaharli manbadir. Qishloq xo'jaligida mineral o'g'itlarning ko'p ishlatilishi oqibatida suvning tarkibida xlor, sulfat, kalsiy tuzlari ko'payishi va neft mahsulotlaridagi radioaktiv moddalarning chiqindilari hayvonlar va aholi orasida har-xil kasalliklarning ko'payishiga sabab bo'lmoqda.

Qashqadaryo viloyatining Shaxrisabz-Kitob botig'i voha aholisini yer osti ichimlik suvi bilan ta'minlaydigan zonadir. Yer osti toza suvidan faqat ichish uchun foydalanishdan tashqari sanoat, qishloq xo'jaligida ham ko'p ishlatilishi natijasida Shaxrisabz-Kitob botig'ida yer osti suvining chuqurligi dastlabki 13 metrdan 27 metrgacha pasayib, suvning tarkibida tabiiy xlor ko'paya borib, suv qattiqligi yil sayin ortib borishi tufayli ichak va oshqozon kasalliklarini ko'paytirmoqda.

Nemis olimi G.Libmanning "Yer sayorasida kishilarning salomat qolishlari uchun texnikaning mo'jizalari emas, balki toza, ichish uchun yaroqli suv yetarli bo'lish kerak", degan fikri bu region uchun to'la taalluqlidir. Viloyat aholisini toza ichimlik suvi bilan ta'minlaydigan Shaxrisabz-Kitob botig'idan keragidan ortiq darajada ko'p suv so'rib olinishi natijasida yer osti suvining kamayishi, pasayishi, bu zonada tabiiy o'rmonzor, bog'zorlarning kamayib ketishiga va o'z navbatida, toza havo muammosini paydo qilmoqda.

Viloyatda 1046 qishloqdan, 12 ta shahardan atigi Qarshi va Muborak shaharlarida kanalizatsiya mavjuddir. Qolgan shahar va qishloqlarda kanalizatsiya qurilmalari qurilmagan. Ayniqsa aholi 5000 va undan ortiq qishloqlarda kommunakatsiya, sanitariya-gigiyena sharoitlari past darajada bo'lganligi, suvning tanqisligi, qishloqlarning doirasimon, to'rtburchaksimon joylanishi va kengayib borishi, zamonaviy yo'llarning yo'qligi tufayli chang -to'zonlarning ko'tarilishi oqibatida qishloqlarning ekologik holati, havoning buzilishi ortib bormoqda. Bu holat qadimdan sug'oriladigan hududlar (Shaxrisabz, Yakkabog', Qamashi, Qarshi, Kasbi, Koson, G'uzor tumanlari) da keskin ekologik vaziyatni vujudga keltirmoqda. Shuning uchun yirik aholi manzilgohlarida, shaharlarda kanalizatsiya qurilmalarini qurish, zamonaviy yo'llarni qurish, aholi manzilgohlaridan suv ariqlar oqib o'tishi axlatlar oluvchi xizmat korxonalarini tashkil etish muhim ekologik tadbirdir.

Aholining tez ko'payishi, suvning kamligi, tabiiy yaylovlarning kamayib borishi, e'tiborga olinmasdan, sun'iy yaylovlarni ko'paytirish tadbirlari tashkil etilmaganligi, ayniqsa suvga tanqis

Dehqonobod , Qamashi, Chiroqchi, Muborak, Koson, Yakkabog' tumanlarida adirlar va hududlarda tabiiy o'simliklar soni keskin kamayishi, to'g' oldi va tog' zonalarda eroziyani kuchaytirmoqda.

Hozirgi kunda Muborak GQIZ korxonasida 36,1 mlrd m³ gazni qayta ishlash natijasida xalq xo'jaligi uchun zarur bo'lgan 188,4 ming t oltingugurt olinmoqda. Sho'rtangazkimyo majmuasining ishga tushirilishi mamlakatimiz sanoatining yanada barq urib rivojlanishi uchun ulkan imkoniyat yaratdi. Korxonada yiliga 125 ming t polietilen, dunyo bozorida haridorgir bo'lgan 137 ming t suyultirilgan gaz, 130 ming t yengil kondensat 4,2 mlrd m³ gaz mahsulotlari va 4 ming t dan ko'proq oltingugurt ishlab chiqarish quvvatiga ega, 2014 yil yakuniga ko'ra Sho'rtangazkimyo majmuasida 130 ming t gaz kondensati, 1,7 ming t oltingugurt, 125 mln t polietilen granulasi, 137 ming t suyultirilgan gaz ishlab chiqarildi. Mahalliy yo'qilg'i hisobiga vohada yo'qilg'i va kimyo xom ashyolari hisobiga Qarshi hududiy ishlab chiqarish majmuasi shakllandi.

Keyingi paytda Muborak gazni qayta ishlash zavodida yuqorida qayd etilgan miqdorda oltingugurt, gaz kondensati va boshqa moddalar ajratib olinishi mobaynida katta miqdordagi zaharli gazlar atmosferaga chiqarilmoqda. Havoga tarqalgan oltingugurt aralashgan gazning ta'siri kuzatilgan ma'lumotlarga ko'ra 50-60 kilometr masofalarda sezilmoqda.

Muborak GQIZ vohaning shimoli-g'arbida joylashgan bo'lib, uning janubida aholi zich bo'lgan hududda joylashgan. Muborak zavodidan chiqqan zaharli gazlar birinchi navbatda 77,8 ming (2014) aholisi bo'lgan Muborak tumani va shahriga, 423,4 ming aholisi bo'lgan Kasbi va Koson tumanlari aholisining nafas olishiga, qishloq xo'jalik ekinlariga, chorva mollariga, iqlimi quruq, issiq bo'lgan Qarshi dashtiga o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatmoqda. Zaharli gazlarning ko'payib (to'planib) borishi tufayli ekologik holat viloyatda yomonlashmoqda.

Chiqarilgan zaharli gazlarning 72 foizi Muborak GQIZ va Sho'rtangazga to'g'ri kelmoqda. Bu zavodlar atmosferaga uglevodorod, uglerod oksidi, oltingugurt oksidi, oltingugurt vodorodi va angidridini chiqaradi. Faqatgina Muborak GQIZ va Sho'rtangaz majmuasi hududida ekologik holatni yaxshilash tadbirlarini hal qilish muhimligini ko'rsatadi.

Qashqadaryo vohasida yer va yer osti zahiralardan xalq xo'jaligida foydalanishda katta ishlar qilinishi bilan aholi tez o'sayotgan bir vaqtda ulardan noto'g'ri foydalanish oqibatida vohada ekologik vaziyat yomonlasha boshladi. Buning oldini olish uchun:

- yer, suv, yer osti tabiiy zahiralardan samarali foydalanish, ishlab chiqishga zamonaviy fan-texnika yutuqlarini tadbiq etish;
- tabiiy zahiralardan foydalanishda va ishlab chiqarish korxonalarini joylashtirishda tabiiy sharoit va ekologik ta'sirini e'tiborga olish;
- shahar va qishloqlar qurish loyihalarini chiziqli shaklda rejalashtirish;
- Muborak GQIZ va Sho'rtangazga majmualaridagi texnologiyalarda germetizatsiya sovitkichlarining yaxshi ishlashini ta'minlash, gaz tozalagich asbob-uskunalarini yangi texnologiya asosida jihozlash;
- zavod majmuasi atrofidagi aholi manzilgohlarida havoning zaharlanishi ustidan doimiy ekologik tekshirishlar olib borish;
- Muborak va Sho'rtangaz majmuasi atrofida radiusi 5 kilometr gacha bo'lgan masofada sanitariya jihatidan himoyalovchi suv halqalari va yashil zonalarni tashkil qilish va boshqalar zarur.

Adabiyotlar:

1. Yangiboyev. M Aholi joylashuvi va rivojlanishining regional muammolari. –T.: “Fan”, 1995 .
2. Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlari. Qarshi.: 2014

QASHQADARYO VILOYATI TURISTIK INDUSTRIYASINING RIVOJLANISHI (MEHMONXONA XIZMATI MISOLIDA)

Nurmatov A.O'.*

Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy universiteti

Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan yurtimizda barcha sohalar kabi, turizm sohasi ham jahon mamlakatlari qatorida yuksak raqobatbardoshligi bilan yuksalmoqda. Binobarin, 2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo`nalishi bo`yicha **Harakatlar strategiyasida** “turizm industriyasini jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda uning roli va ulushini oshirish, turistik xizmatlarni diversifikatsiya qilish va sifatini yaxshilash, turizm infratuzilmasini kengaytirish” masalalariga keng e`tibor qaratilgan. Shuningdek, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining «2018-2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo`yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to`g`risida»gi qarorining qabul qilinishi, kuni kecha 1995-yildan buyon o`tkazib kelinayotgan «Buyuk Ipak yo`lida turizm» 24-Toshkent xalqaro sayyohlik ko`rgazmasi o`tishi respublikamizda turizmni rivojlanishiga katta imkoniyatlar yaratadi.

Ushbu yarmarkaning asosiy maqsadi Ipak yo`li hududidagi davlatlarda turizm rivojlanishi uchun sharoit yaratishga, turizm sohasini jadal rivojlantirish, hududlarning iqtisodiy salohiyati va daromadlari bazasini kengaytirish, yangi ish o`rinlari yaratish, yurtimizga keladigan turistlar oqimini ko`paytirish, shuningdek, milliy turizm mahsulotlarini jahon bozorida faol va kompleks ilgari surishga qaratilgan.

Darhaqiqat, ayni vaqtda yurtimizda zamon talablari asosida 900 dan ortiq sayyohlik tashkiloti, 300 ga yaqin sayyohlik kompaniyalar va 600 dan ziyod mehmonxona, motel va kempinglar sayyohlarga xalqaro standartlar bo`yicha xizmat ko`rsatmoqda. YUNESKO xalqaro tashkiloti tomonidan jahon sayyohlik markazlari ro`yxatida turgan Qarshi va Shahrisabz shaharlari Qashqadaryo zaminida turizm industriyasi taraqqiyotida muhim strategik ahamiyat kasb etadi.

Ma`lumki, hozirgi iqtisodiy sharoitda mamlakatimizda mijozlar oqimini oshirish, xizmat ko`rsatish takliflarini doimiy kengaytirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Turistik faoliyatni tashkil etishda dastlab har qanday hudud turistik nuqtai nazaridan qanchalik qulay ekanligi aniqlanadi. Buning uchun turagentlarga xizmat ko`rsatuvchi infratuzilma majmuasi mavjud bo`lishi lozim. Turizm infratuzilmasini bunyod etish har jihatdan murakkab masala, chunki u ma`lum miqdorda sarmoya sarflashni, texnik loyiha ishlarini amalga oshirishni taqozo etadi. Tahlil etilayotgan viloyat turizmi rivojlanishida avvalo turistlar uchun, turistik xizmatlarni buyurtma qilish, tashish, joylashtirish, tibbiy ko`rik va sug`urta, ovqatlantirish, transfer, gid-tarjimon xizmatlariga katta ahamiyat qaratilmoqda. Bugungi kunda viloyatda 20 dan ortiq turistik tashkilot faoliyat yuritmoqda (2004-yil 4 ta, 2014-yil 19 ta). Mijozlarga xizmat ko`rsatish xalqaro uyushmasi o`tkazgan tadqiqotlar yangi mijozni jalb qilish harajatlari eski mijozni saqlashdan besh baravar qimmatroq ekanligini ko`rsatdi. Albatta, turizmning rivoshlanishi birinchi navbatda turizm industriyasining o`zagi bo`lgan mehmonxonalarning rivojlanishiga ijobiy ta`sir ko`rsatadi. Chunki, mehmonxona biznesi turizmning ajralmas qismi bo`lib, birinchi navbatda turistlarni qabul qiluvchi va turistlarning dastlabki ehtiyojlarini qondiruvchi, murakkab xizmatlarni amalga oshiruvchi eng muhim infratuzilmalardan biri hisoblanadi. Shu sababli, mehmonxona biznesida mijozlarning barcha ehtiyojlarini qondiruvchi va belgilangan standartlarga mos keluvchi sifatli xizmatlar ko`rsatish muhim ahamiyat kasb etadi. Mehmonxona korxonasi oldida xizmat ko`rsatish sifatini kerakli darajada saqlab turishi, kamchiliklarni o`z vaqtida bartaraf etishi, xizmat ko`rsatish sifatini oshirish strategiyasini ishlab chiqish vazifasi ham turadi.

Qashqadaryo viloyatida hozirgi vaqtda 31 ta turli xil *yulduzli mehmonxona mavjud bo`lib, shulardan; "Sarbon ltd", "Afsona-amb", "Nasaf travel", "Afrosiyob" 4**** (yulduzli) 4 ta, "Taraqqiyot", "Prestij", "Yoshlik", "Nazira", "Suvchi", "Agroavtoxizmat", "Gahon mashhur visola", "Nasaf oqshomi", "Qarshi grand tour", "Eris comfort" 3*** (yulduzli) 10 ta va "Tinchlik tuyg`usi", "Kitob sayyoh", "Koson darvozasi", "Agromash matvnesh servis", "Ark kompyuter servis", "Nurli

* **Нурматов А.А.**-ЎзМУнинг Иктисодий ва ижтимоий география кафедраси магистранти.

oltin baliq savdo", "Sharq dil xas shifo", "Aliya versal lyuks", "Dusmurodova momogul samadovna", "Shahrisabz yulduzi", "Treal-komfort", "Saidaziz tog`lari xususiy korxonasi" kabi 1* va 2** yulduzli 12 ta mehmonxona bo`lib, qolgan 6 tasi esa (yashash+nonushta) razryadli mehmonxonalar toifasiga kiradi. Mehmonxonalar hududiy tarkibi bo`yicha Qashri shahri va Qarshi tumanida- 21 ta, Shahrisabzda-4 ta, Kitob tumanida-3 ta, Dehqonobod, Koson va Muborak tumanlarida-1 tadan mavjud. Mirishkor tumanining "Achinkul" suv havzasi atrofida dam olish maskani va uning infrastrukturasini barpo etish maqsadida 12 kishiga mo`ljallangan mehmonxona va turistlar dam olish maskani qurildi. Bundan tashqari yurtboshimizning «2018-2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo`yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to`g`risida»gi qaroriga ko`ra Shahrisabz va Qarshi shaharlarida to`rt yulduzli mehmonxonalar barpo etish ko`zda tutilmoqda. Shu yilning 6-10-sentabr kunlari Shahrisabz shahrida birinchi marta bo`lib o`tgan Xalqaro maqom san`ati forumida jahonning 70 ta mamlakatidan 500 dan ortiq qatnashuvchi va mehmonlar tashrif buyurdi. Shu munosabat bilan Shahrisabz va Kitob tumanlarida sayyohlarga xizmat ko`rsatishni yanada yuksaktirish maqsadida 2 ta yangi mehmonxonalar qurib bitkazildi. Shuningdek, viloyatning boshqa tumanlarida ham sayyohlik yo`nalishlarini ko`paytirish va har bir tumanning turistik xaritasini tuzish, mehmonxona va servis xizmati imkoniyatlarini kengaytirish va ana shundagina ko`zlangan turistik samaradorlikka erishiladi.

Xulosa o`rnida aytish joizki, raqobat hukm surayotgan jahon mamlakatlari qatorida yurtimizda ham barcha sohalar rivojlanishiga katta e`tibor qaratilmoqda. Bu borada Harakatlar strategiyasining o`nga yaqin bandi turizmni rivojlantirishga bag`ishlangani so`zimizning dalili sifatida va turizm salohiyatining yanada yuksak taraqqiy etishiga asos bo`lib xizmat qilishi shubhasizdir.

Adabiyotlar:

1. O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha Harakatlar strategiyasi to`g`risida. O`zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to`plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.
2. Soliev A.S, Usmonov M. Turizm geografiyasi. Samarkand, 2005.-230 b
3. Erdavletov S.R. Geografiya turizma. Istoriya, teoriya, metody, praktika.-Almaty, 2000.-326 s

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Нугманова А.А.*

Низомий номидаги ТДПУ

Инсоният томонидан моддий ва маънавий бойлик яратишнинг асосий омили меҳнатдир. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш меҳнат бозорининг шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланган меҳнат бозорини самарали ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим. Сабаби аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳар йили юз минглаб иш ўринлари янгидан ташкил этилмоқда. Республикада меҳнат ресурслари миқдорининг мунтазам ўсиб бораётганлиги, ишчи кучи таклифи унга бўлган талабдан юқори бўлишига олиб келмоқда. Бу эса меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда айрим муаммоларни вужудга келтирмоқда. Масалан, меҳнат талаб корхоналарни камлиги, тадбиркорлар томонидан йирик корхоналарни фаолияти шаклланмаганлиги.

Муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ташкил қилинган ва улар иш қидириб юрган кишиларни иш

*Нугманова А.А.– ТДПУ География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

билан таъминлашга кўмаклашмоқда. Жумладан, 2017 йил якунларига кўра Республика бўйича меҳнат бозори ва бандлигининг тезкор ҳисоботларига кўра, бандликка кўмак марказига иш сўраб мурожаат қилганлар сони 251547 кишини ташкил қилган ва шундан 213464 киши иш билан таъминланган. Ишга жойлашганлар сони 84.9 фоизни ташкил қилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари кесимида иш сўраб мурожаат қилганлар ва ишга жойлашганлар ҳақидаги маълумотни қуйида берилган жадвалда кўришимиз мумкин. Иш сўраб мурожаат қилганларни ишга жойлаштириш бўйича маълумот

№	Ҳудудлар номи	Иш сўраб мурожаат қилди	Ишга жойлашди	Ишга жойлаштириш фоизи (муурожаатга нисбатан)
Республика Жами:		251547	213464	84.9%
1	Қорақалпоғистон Республикаси	20422	19339	94.7%
2	Андижон вилояти	29662	23163	78.1%
3	Бухоро вилояти	16023	14489	90.4%
4	Жиззах вилояти	11054	9101	82.3%
5	Қашқадарё вилояти	16623	13670	82.2%
6	Навоний вилояти	11147	7410	66.5%
7	Наманган вилояти	29422	25736	87.5%
8	Самарканд вилояти	25576	23144	90.5%
9	Сурхондарё вилояти	12457	10786	86.6%
10	Сирдарё вилояти	7639	5508	72.1%
11	Тошкент вилояти	21711	19003	87.5%
12	Фарғона вилояти	28353	24741	87.3%
13	Хоразм вилояти	15005	12466	83.1%
14	Тошкент шаҳар	6453	4908	76.1%

Лекин шунга қарамай бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш ва унинг ҳисобини юритиш борасида ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Чунки улар томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида етарлича маълумотлар базаси шакллантирилмаган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридаги танглик даражасини камайтириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун бир қанча чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бу борада ҳукуратимиз томонидан қатор қарор ва қонунлар яратилган ва унда халқ фаровонлигини ошириш, иш ўринлари яратиш ва аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш масалалар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Президенти фармони билан тасдиқланган 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишсизлик даражасини пасайтириш, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш излаётган муҳтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш устувор вазибалардан бири қилиб белгиланган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президенти 7 февраль кунги фармони билан 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси 2017 й.

XALQARO MIGRATSIYA TURLARI VA NAZARIYALARI

Oblaqulov H.A., Kalonov B.H., Latipov N.

Navoiy davlat pedagogika inistituti

Ko'chish bu turli sabab va omillarga asoslangan bo'ladi. Uning sabablari, ko'chish turlariga oid bir necha nazariyalar bor. Uni tadqiqotchilar quyidagicha guruhlashtirishadi:


- Mehnat migratsiyasi
- Ko'chish migratsiyasi
- Zanjir ko'chish
- Poshpana migratsiyasi

Mehnat migratsiyasi – boshqa davlatlarda ishlash uchun xizmat qilgan holda, uni transchegaraviy xususiyat bilan ta'riflash mumkin. Bunda yuqori malakali, o'rtacha malakali va malakasi bo'lmagan immigrantrlarni o'z ichiga oladi.

Ko'chish migratsiyasi – bunda ko'chuvchilar o'z yurtidan chiqib boshqa mamlakat hududida muqim yashashi va shu bilan bog'liq faoliyat bilan shug'ullanishini nazarda tutadi.

Zanjir ko'chish – migratsiyasida esa biror bir shaxs boshqa davlat fuqarosi bilan o'zaro kelishuvli oila qurishi bilan bog'liq jarayonlarni qamrab oladi. Zanjir deyilishiga sabab, ikki tomon roziligi bilan oila zanjiri hosil bo'ladi, bu esa turli urf-odat va qadryatlarning yaqinlashuvi demakdir.

Boshpana migratsiyasi – asosan muhojirlarga tegishli bo'lib o'z yurtidan chiqib ketgan fuqarolarga nisbatan qo'llaniladigan atama.



1-rasm. BMT ning 2016yilgi hisoboti (million kishi hisobida)

Ko'chish bilan bog'liq nazariyalarni sotsiologiya, demografiya va geografiya, iqtisodiyot fanlari o'z ko'lamidan kelib chiqib ishlab chiqadi. Shunga ko'ra, „neo-klassik“, „inson omili“, „Jahon tizimi“ kabi nazariyalar bor. Lekin shunday bo'lsada migratsion harakatlar va ular bilan bog'liq nazariyalar XXI asrda butunlay tushunarli darajaga chiqib bormoqda.

Migratsiya nazariyalarini ular aytganidek tushunish uchun insonlarni yanada kengroq va yaqinroq kuzatish kerak. Bunda ularning ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, madaniy va psixologik kategoriyalar bo'yicha kuzatish maqsadga muvoffiqdir. Bu esa migratsiya jarayonlarini muntazam yoritish va u bilan bog'liq yangi ilmiy bilimlarni yuzaga kelishiga asos bo'lib xizmat qiladi. Quyida migratsion nazariyalarni chuqurroq tahlil qilib ko'ramiz:

Neo-klassik nazariya – eng qadimiy va keng tarqalgan nazariya bo'lib, bu nazariya migratsiya jarayonining asosiy maqsadi iqtisodiy rivojlanishda mehnatning rolini ko'rsatishdan iborat. Bunda ishchi kuchi ko'p hududlarda ma'lumki mehnat haqi ham arzon bo'ladi, natijada aholi o'z iqtisodiy holatini yaxshilash uchun boshqa ko'p haq to'lanadigan hududga ko'chishini, bu orqali esa davlatga valyuta tushumlarini kelishi tushuntiriladi.

Ikki tomonlama mehnat bozori nazariyasi – bu mikro darajadagi harakatlar uchun qo'llaniladi, ya'ni bozor iqtisodiyoti va rivojlangan davlatlar tajribasida ko'rinadiki ishsizlikni oldini olish uchun aholini doimiy bandligi muhim masala hisoblanadi. Bu nazariya tarafdorlari arzon ishchi kuchi va yuqori sifatli ko'zlangan natijaga asosiy e'tiborni qaratganlar.

Migratsiya tizim nazariyasi – bunga ko'ra,, migratsiya va iqtisodiy rivojlanish yonma-yon turadi. Unga madaniy va ijtimoiy siyosat, iqtisodiy hukmronlik kabi omillar ta'sir etadi.

Institutsional nazariya – ma'lumki migratsiya jarayoni o'z-o'zidan rivojlanib qolmaydi, uning rivoji bilan birga turli tashkilotlar ayniqsa nodavlat tashkilotlar faoliyatini tezlashtiradi ya'ni immigrant viza, mehnat shartnomasini notarial tasdiqlash, sug'urta kabi jarayonlardan foydalanadi. Bularning hammasi ushbu nazariyada o'z aksini topgan. Har bir nazariya qaysidir jihatdan o'z yutug'i va kamchiliklariga ega. Eng mashhur bo'lgan neo-klassik nazariyasi ham ba'zi adabiyotlarda yetarlicha qoralanadi. Bundan ko'rinib turibdiki, ma'lum davrda bu nazariyalar insoniyat ehtiyojiga qarab o'rin almashib turgan. Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, xalqaro migratsiya konsepsiyalari aynan bir tarmoq yoki sohaga tegishli bo'lmay keng qamrovli xususiyatga ega. Bunday yondashuvlar geografiya, iqtisod, tarix, huquq, sotsiologiya, mamlakatshunoslik, madaniyat, psixologiya kabi sohalar uchun ham ahamiyatli.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Bo'riyeva. Aholi geografiyasi va demografiya asoslari. Tashkent, 2005
2. Facts and numbers. Developing centre of FAO
3. World population data sheet 2016
4. European Migration Research Centre „Migration process in XXI century”

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ КЛАСТЕР УСУЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Очилова М.Б.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиззах академик лицейи

Ўзбекистонда сўнгги 2 йил давомида энг кўп эътибор берилган соҳалардан бири сўзсиз - туризм соҳасидир. Туризмни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан бир қанча қарор ва фармонлар чиқарилганлиги, унинг ижро самарадорлиги эса кунлик ҳаётимиздаги ўзгаришларда ўз аксини топиб бораётганлиги – улкан бир механизмни яхши ишлаётганлигидан далолат бермоқда. Ташқи ва ички туризмни параллел равишда ривожланиб бориши натижасида, сайёҳлар оқими бир неча баробар ўсишига эришилди. Бу ўз навбатида, сайёҳлар орқали тушадиган даромадни ҳам ортишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда Ўзбекистонга 2 млн хорижлик сайёҳ келган ва ялпи ички маҳсулот улуши 2,3 % ни ташкил этган. Яқин йилларда хорижлик сайёҳлар оқимини 4-4,5 млн га ва ялпи ички маҳсулотдаги улушини 5 фоизга етказиш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги ҳам диққатга сазовардир.

Туризмни янада ривожлантириш мақсадида, жорий йилнинг 29-30 август кунлари Жиззах вилоятида Халқаро инвестицион форум ташкил этилди. Форум доирасида Хитой ва Туркиялик ишбилормонлари билан ҳамкорликда Бахмал ва Зомин туманларида туризм соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш истикболлари муҳокама этилди. Унга кўра, лойиҳа 3 босқичга ажратилади: 1) экотуризм; 2) агротуризм; 3) этник туризм.

Экотуризмни ривожлантириш учун эса 2 минг гектар ер майдони ажратилади. Лойиҳа доирасида ушбу ҳудудда экологик сўқмоқлар ташкил қилиш, от, эшак ва квадратциклда сайр қилиш, фуникулерлар қуриш, тоғ чанғиси мажмуаси, ресторан ҳамда ахборот маркази, музей ва маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш дўконлари барпо этиш режалаштирилган.

Агротуризмни ривожлантириш мақсадида 5 минг гектар ер ажратилади. Ушбу майдонда дам олиш уйлари, спорт мажмуалари, камёб ҳайвонот ва ўсимлик турларини сақлаш учун питомниклар қурилади. Шунингдек, молхоналар ҳамда асал етиштириш хўжаликлари ташкил этилади. Бу ерда сайёҳлар туяларда сайр қилиш, кўпкари ўйинини

томоша қилиш, мева териш, ўт ўриш каби қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиш мумкин бўлади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Қосимов бу лойиҳани Йеллоустон миллий боғи сингари ягона бўлишига ишонмоқда. “Йеллосустонга ҳар йили 20 миллион киши ташриф буюради. Бу маҳаллий аҳоли учун катта даромад бўла олади. Шу туфайли Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда шу лойиҳани ишлаб чиқишга аҳд қилдик. Бундан кўзланган мақсад иккита: мавжуд экотизимни сақлаб қолиш ҳамда аҳолига қўшимча даромад манбасини яратиш”, дейди у. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Йеллосустон дунёнинг тўнғич миллий боғи бўлса, Зомин миллий боғи эса Ўрта Осиёнинг тўнғич миллий боғи ҳисобланади. Қолаверса бу иккала миллий боғ ҳам тоғ худудида жойлашган бўлиб, бориш қулайлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, Зомин туманининг тоғли худудларида ёзнинг иссиқ кунлари йилига 50-100 минг га яқин ташриф буюрувчилар бўлади. Сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш учун янги эко маршрут йўналишлари ва қишки чанғи спорт турларини ҳам ривожлантириш керак. Худудга йил давомида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш мақсадида чанғи спорти, осма ва арқон кўприклар, фуниклер қурилиши ҳамда меҳмонхоналар каби инфратузилмани жаҳон туризм талаблари даражасига етказиш лозимдир.

Шу вақтга қадар ҳам Зомин миллий боғида табиатни асраш ва муҳофаза қилиш билан бир қаторда, халқаро тоғ туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Миллий боғ маъмурияти томонидан, боғ худудида туристларнинг ҳаракатланиши учун 6 та экологик сўқмоқ маршрутлари ишлаб чиқилган.

1-маршрут. Бу маршрутда Ўриклисойдан бошлаб Мирзоулен довонигача сайёҳат қилинади. Сайёҳат довомида фақат тоғнинг тепа қисмида пиёда юрилади. Тоғ ҳайвонларидан айиқ, ёввойи чўчка, қуён ва турли қушларни кўриш мумкин.

2-маршрут. Зомин – Бахмал автоўлидан фақат автоуловда сайёҳат қилиш мумкин. Чортанги дарасига етиб борилса, тик қояларни ва ҳар хил йирқич қушларни кўриш мумкин. Бу ерда қора лайлак, болтаютар ва бошқа турдаги йирқич қушлар кўплаб учрайди.

3-маршрут. Ўриклисойдан бошланиб Тақали чўққигача сайёҳатчилар фақат пиёда бориши режалаштирилиб, қисқа муддатга дам олиш жойларидан бир сутка дам олиши билан сайёҳат амалга оширилади.

4-маршрут. Усмонлисой қишлоғидан бошланади. Маршрут тўғри Ангренсой ва ундан кейин Айриликсойгача олиб борилади. Бу жойларда асосан ҳайвонлардан ёввойи чўчка, айиқ, бўри, тулки ва тоғ такаларини кўриш мумкин.

5-маршрут. Ўриклисойдан бошланиб Ирғайлисойгача давом этади. Бу маршрут асосан табиат манзараси билан биргаликда баланд қоялар, турли манзаралар ва айиқ, силовсин, турли қушларни учратиш мумкин. Сайёҳат фақат пиёда амалга оширилади.

6-маршрут. Еттикечув қишлоғидан бошланади ва сой бўйлаб юрилади. Михсойга борилганда у ердаги эски, бир неча асрлардан бери сақланиб келинаётган қадимий хитой кўрғонларини томошо қилиш мумкин. Ҳайвонлардан жайра, тулки, бўри ва ёввойи чўчкалар кўплаб учрайди ҳамда турли хил ғорларнинг хусусияти билан танишилади.

Зомин миллий боғи худудидаги экзотик манзараларни кўриш учун албатта, келиб-кетиш масофаларини ҳам ҳисобга олиш лозимдир. Миллий боғ билан Зомин шаҳри орасидаги масофа – 49 км. Миллий боғга энг яқин темирўл станцияси Даштобод шаҳригача бўлган масофа – 62 км. Туристик худудга хорижлик сайёҳларни келиб-кетишни йўлга қўйишда Тошкент-Самарқанд электрлаштирилган темирўлдан унумли фойдаланиш мумкин. Тошкент-Самарқанд электрлаштирилган темирўли Зомин туманининг Даштобод шаҳри орқали ўтади. Зомин-Даштобод шаҳарлари оралиғидаги масофа бор йўғи 13 км ни ташкил этади. Бу йўналишда келиб-кетиш хорижлик сайёҳлар учун тез, арзон ва қулай ҳисобланади.

Бахмал ва Зомин туманларида туризм соҳаси бўйича кластер лойиҳасини амалга ошириш учун Beijing Jiufang Grang Move Transportation Equipment Co. Ltd компанияси ҳамда

ДСКД бирлашмаси билан меморандум имзоланди. Меморандумга кўра, туризмни ривожлантириш билан бир қаторда, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида темирйўл инфратузилмасини яхшилашни режалаштирилган.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги темирйўл ва қолаверса автомобил йўлларни янада яхшиланиши ушбу шаҳарлар оралиғида жойлашган Жиззах вилоятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу ўз навбатида Жиззах вилоятининг туристик ҳудудлари бўлган Бахмал ва Зомин туманларида хорижлик сайёҳлар оқимини ортишига олиб келади.

Фойдаланган адабиётлар:

4. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси статиска маълумотлари. Тошкент 2018.
5. Ғўдалов М.Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. Тошкент. “Фан ва технология” нашриёти. 2014, 33-41 б.

QASHQADARYO VILOYATIDA CHORVACHILIK MAHSULOTLARI YETISHTIRISHNING HOZIRGI HOLATI

Rajabov F.T.*

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

Mamlakatimizda aholining chorvachilik mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini qondirish, bozorlarda go'sht, sut, tuxum, baliq va boshqa mahsulotlar ko'payishini ta'minlashga ustivor vazifalardan biri bo'lib hisoblanadi. Bu borada O'zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan chorva mollari ko'paytirishni rag'batlantirish hamda chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqarishni kengaytirishga alohida e'tibor berilayotganligini ta'kidlash joiz. Respublikada ishlab chiqarilayotgan qishloq xo'jalik mahsulotlari yalpi ulushining 42 foizidan ko'prog'i chorvachilikka to'g'ri kelmoqda.

Keyingi yillarda chorvachilikni, jumladan, naslchilik ishlarini rivojlantirish borasida bir qator qonun, farmon va qarorlar qabul qilindi. Bu borada chorvachilikning barcha tarmoqlarini yanada rivojlantirish, ozuqa bazasini mustahkamlash, servis ko'rsatish sifatini yaxshilash, chorva mollari mahsuldorligini oshirish va mahsulot ishlab chiqarish hajmlarini ko'paytirishga yo'naltirilgan kompleks dasturlar qabul qilinib, amaliyotga izchil tatbiq etilmoqda.

2016 yil 1 yanvar ma'lumotlariga ko'ra, Qashqadaryoda 1405,1 ming boshga yaqin yirik shoxli qoramol, 4268,2 ming bosh qo'y va echkilar qayd etilgan. Qashqadaryo qo'y va echkilar soni bo'yicha respublikada birinchi, yirik shoxli qoramollar soni bo'yicha Samarqand viloyatidan keyingi ikkinchi o'rinni egallaydi. Shuningdek, bu yerda otlar soni ham nisbatan ko'proq – 30 ming boshdan ortiq. Mazkur tarmoqda nodavlat xo'jaliklarning ulushi yildan-yilga ortib bormoqda. Shu o'rinda aytish mumkinki, aholining chorva mahsulotlariga bo'lgan ehtiyoji asosan dehqon (tomorqa) xo'jaliklari hisobidan qondirilmoqda.

Binobarin, chorvachilikning barcha tarmoqlarida dehqon xo'jaliklarining hissasi yuqori. Masalan, 2016 yilda Qashqadaryo viloyatidagi jami qoramollarning 90 foizi, qo'y va echkilarning 86 %, yilqilarning 74 %, parrandalarning 70 foizga yaqini aynan shu xo'jaliklar ulushiga to'g'ri kelgan. Tahlil etilayotgan yilda, viloyatda ishlab chiqarilgan go'shtning 93 foizi, sutning 97 foizi, tuxumning 65 foizi mazkur xo'jaliklarida yaratilgan.

Qoramollarning hududiy tarkibida Koson, Chiroqchi, Qarshi, Kitob tumanlari alohida ajralib turadi. Ushbu tumanlarda viloyatdagi jami qoramollar sonining 1/2 qismiga yaqini boqiladi. Qo'y va echkilar soni bo'yicha Dehqonobod, G'uzor, Chiroqchi va Muborak tumanlari yetakchilik qilib, ularning hissasiga jami qo'y va echkilarning 38 foizi to'g'ri keladi.

Parrandachilik ham chorvachilikning muhim tarmog'i bo'lib, aholini parranda go'shti va tuxumga bo'lgan ehtiyojlarini qondiradi. Parrandalar bosh soniga va tuxum yetishtirishga ko'ra Chiroqchi, Qamashi va Shahrisabz tumanlari yetakchi; ularning hissasi viloyat jami parrandalariga nisbatan 37 %. Yilqilar bo'yicha ham Chiroqchi, Qamashi hamda Yakkabog' tumanlari oldinda.

* **Rajabov Furqat Turakulovich** – TVChDPI “Tabiiy fanlar” kafedrasida katta o'qituvchisi, PhD.

Go'sht va sut mahsulotlari yetishtirishda Chiroqchi, Qamashi va Koson tumanlarining ulushi yuqori; bu tumanlar viloyatda tayyorlanayotgan jami go'sht va go'sht mahsulotlarining 31 %, sutning 33 foizini ta'minlaydi.

Viloyatda jun yetishtirish qo'y va echkichilikka bog'liq holda Dehqonobod va G'uzor tumanlarida yaxshi yo'lga qo'yilgan. Biroq, tog' va tog'oldi hududlari, ya'ni Shahrisabz, Yakkabog' va Kitob tumanlari hamda viloyat markaziga yaqin joylashgan Qarshi tumanining bu borada ulushi juda past.

2016 yilda viloyatda jami 193,4 ming dona qorako'l teri yetishtirilgan bo'lib, bu jihatdan mintaqaning cho'l tumanlari – Koson, Muborak va Mirishkor yetakchi hisoblansa, Shahrisabz va Kitob tumanlari iqlimining nisbatan salqinligi bunday mahsulotlar tayyorlashga biroz to'sqinlik qiladi.

Qashqadaryo viloyatida chorvachilik mahsulotlarini yetishtirish ko'rsatkichlari, 2016 yil

Tumanlar	Yirik shoxli qoramollar soni, bosh	Qo'y va echkilar soni, bosh	Parrandalar jami soni, bosh	Go'sht yetishtirish (tirik vaznda), tonna	Sut yetishtirish, tonna	Tuxum yetishtirish, ming dona	Jun yetishtirish, tonna	Qorako'l teri yetishtirish, dona	Pilla yetishtirish, tonna
Dehqonobod	74017	653087	121452	19736	41613	12076	1084	4781	13,5
Kasbi	107918	150001	143738	15869	86803	14510	421	11603	264,1
Kitob	112139	119586	240574	15508	89310	10877	173	-	400,2
Koson	151684	480258	356984	21776	86744	42310	853	53970	346,8
Mirishkor	71675	366987	169149	13860	47097	8534	527	19331	76,3
Muborak	102561	492896	143694	13372	45626	10066	663	24583	49,0
Nishon	107489	292379	270143	13865	37815	23265	433	12763	91,4
Chiroqchi	144065	494093	506014	33078	125909	45770	814	16316	263,2
Shahrisabz	99123	102916	501213	12959	75590	41617	121	-	511,1
Yakkabog'	82167	121312	394645	15518	73709	29714	191	2601	400,5
Qamashi	98815	212360	393689	27264	77882	47128	428	11362	190,2
Qarshi	137949	171656	365735	19624	81271	34311	356	12690	345,6
G'uzor	74813	538542	389673	20238	79471	22498	1286	21591	128,7
Qashqadaryo viloyati	1405093	4268202	4403787	248008	888269	366695	7431	193386	3080,6

Jadval Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida tuzildi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Qashqadaryo viloyatida dehqon va fermer xo'jaliklarining qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirishda o'ziga xos muhim o'rin egallaydi. Mazkur xo'jaliklar faoliyati uchun tashkiliy-huquqiy asoslarning yaratilishi natijasida viloyatda yaratilayotgan yalpi qishloq xo'jalik mahsulotlarining deyarli 100 foizga yaqini shu xo'jaliklar tomonidang ishlab chiqarilmoqda.

Yuqorida tahlil etilgan Qashqadaryo viloyati qishloq xo'jaligi tarmoqlar va hududiy tarkibi mintaqa mehnat taqsimotining qay darajada rivojlanganligi va, ayni vaqtda, bunday geografik tafovutlar mintaqa tabiiy sharoitining qishloq xo'jaligi nuqtai nazaridan turlicha ekanligidan dalolat beradi. Shu bilan birga, viloyat qishloq xo'jaligining bunday tarmoqlar tarkibi va ixtisoslashuvi uning respublikamiz agroiqtisodiyot tizimida tutgan o'rnini ham ko'rsatib turadi.

Cho'l-yaylov chorvachiligini rivojlantirish borasida Koson va Muborak tumanlari qulay sharoitlarga ega. Shu bois, mavjud yaylovlarning salohiyatini belgilash, ya'ni tabiiy yem-xashak ekinlari maydoni qancha chorva mollarini boqish quvvatiga ega ekanligini (sig'imini) aniqlash; yaylovlarni suv bilan ta'minlash tizimi, quduqlarning hozirgi holatidan kelib chiqqan holda, ularni qayta qurish va yangilarini barpo etish maqsadga muvofiq.

Tog'-yaylov chorvachiligi Kitob, Dehqonobod, Yakkabog', Shahrisabz, Chiroqchi kabi tumanlarda shakllangan. Tog'-yaylovlarni fermerlarga oqilona taqsimlash, ularni chegaralari, chorva sig'imi va mavsumini to'g'ri tashkil etish bugungi kunda dolzarbligicha qolmoqda.

АКТУАЛЬНОСТЬ И ПОДГОТОВКА СПЕЦИАЛИСТОВ ПО «ГЕОДЕМОГРАФИИ»

Саипов У.*

НУУз им. М.Улугбека

В современном мире большое значение необходимо уделять развитию науки – «геодемография». Население, рождаемость естественная убыль, снижение ожидаемой продолжительности жизни новорожденных, миграционные процессы, трудовые ресурсы все это наводит на необходимость глубокого анализа демографических процессов и создания комплекса мер по их решению. В связи с этим возрастает значимость подготовки кадров в области геодемографии, которые могли бы свободно ориентироваться на демографической картине мира и решать глобальные проблемы человечества, а также оценивать возможности их последствий.

На нашей планете актуальное значение приобретает изучение и практическое применение знаний о миграции населения, его воспроизводстве, размещении трудовых ресурсов и в соответствии с этим строительства производственных комплексов, городов, а также формирования экономических систем и кластеров.

На наш взгляд главными задачами современных специалистов в области геодемографии могут быть:

- оценка и теоретическое обоснование закономерностей в демографических процессах;

- изучение народонаселения с присущими им национальными традициями, как в области труда, так и в области культуры;

- изучение миграционных процессов в мировом масштабе;

- изучение геосистем, влияющих на человека, на его образ жизни;

Демограф XXI века - это многопрофильный специалист, который вооружён знаниями экономики, географии, социологии и математики, а также изучает экономические системы и вопросы, связанные с народонаселением, оценки их взаимосвязей и определения закономерностей развития геурбанистических центров.

Практическое значение геодемографии – это постоянное изучение населения в регионах, выявление диспропорций, вытекающие из нерационального развития

* Саипов Улугбек Муратович – преподаватель географии НОУ “Vosiq international school”, магистр 1-го курса по специальности «Геодемография» НУУз им. М.Улугбека

производства, а также изучение территориальных районов их специализации и разработка рекомендаций по их правильному применению в развитии национальной экономики.

Анализируя зарубежный опыт подготовку специалистов по «Геодемографии» на примере РФ, можно наблюдать такую картину. РФ особое внимание уделяется в подготовке специалистов в области демографии, которых готовят следующие высшие учебные заведения: Российский экономический университет имени Г.В.Плеханова, Сибирский федеральный университет, Южно-Уральский государственный университет, Российский университет дружбы народов, Тюменский государственный университет, Московская высшая школа социальных и экономических наук, Институт общественных наук Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации, а также Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики». Кроме вышесказанного, в РФ демографию изучают на факультетах социологии, юридического права, экономики и других гуманитарных отделений университетов.

Сегодня в США функционирует Американская ассоциация по вопросам населения, а во Франции-Институт демографических исследований, а в Китае-Институт экономики народонаселения.

Рассматривая все процессы происходящие в современном мире необходимо отметить об особом подходе в развитии науки-геодемографии. В нашей республике демографов готовит Ташкентский государственный экономический университет по специальности «Демография. Экономика труда», а также с 2018 года было открыто направление магистратуры по специальности «Геодемография» в Национальном университете Узбекистана имени М.Улугбека.

Использованная литература:

1. Антонов А.И. Социология рождаемости. -М., 1980.
2. Бестужев-Лада И.В. Нормативное социальное прогнозирование: возможные пути реализации целей общества. -М., 1987.

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ЎЛИМИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Тожиева З. Н., Махамадалиев Р.Й. *

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон Республикасини 2017 - 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг IV. «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» бўлимининг 4.2 бандида “оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш” масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган. Бу эса аҳоли ўртасида рўй берадиган ўлим ҳоллари, унинг таркиби, динамикаси ва ҳудудий жиҳатларини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш нақадар долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда аҳоли умумий ўлим коэффициенти бўйича МДҲга кирувчи ва бошқа аксарият мамлакатлар аҳолиси умумий ўлим коэффициентларидан кичик эканлиги билан ажралиб туради. Жумладан, 2017 йилда аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти республикада 4,8 % бўлганда, Россияда 16 %, Украинада 17 %, Белоруссияда 15 %,

*Тожиева Зулхумор Назаровна-Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети, иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси профессори вазифасини бажарувчиси, г.ф.д.;

Махамадалиев Равшан Йулдошевич- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети, иқтисодий ва ижтимоий география кафедраси доценти.

Грузияда 11%, Қозғоғистонда 10 %, Тожикистон ва Туркменистонда 8 %, Қирғизистонда 7 % га тенг бўлди.

Аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини аниқ белгиламайди, аксинча, ўлимнинг сифат кўрсаткичлари, яъни ёш бўйича ўлим коэффициентлари унинг мавқеини тўлиқ ёритади. Ўлимнинг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланган оналар ўлими камлиги бўйича Ўзбекистон нафақат қўшни, балки МДҲга кирувчи давлатлар таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Аммо бунини тўлиқ даражада ижобий, деб бўлмайди, чунки, дунё мамлакатлари билан солиштирилганда у 10-12 баробарга кўпдир. Масалан, Дания (5 %), Швеция (2 %), Швецария (7 %), Словакия (3 %), Испания, Австрия (4 %), Италия (5 %, 2005 й) каби тараққий этган давлатларда оналар ўлими жуда паст¹¹. Ўлим даражасининг юқори ёки пастлигида аҳолининг жойланиш хусусиятлари, ёш-жинсий таркиби алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда демографик ўтиш даврининг яна бир муҳим томони оилаларда тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва ундан кейин бўлиб туғиладиган болалар сонининг кескин қисқариши оқибатида гўдақлар ўлими (1991-2017 йй) 3,5 баробарга камайди ёки ҳар 1000 тирик туғилган болага нисбатан 35,5 % дан 10,5 % га тушди. Бироқ, айрим касалликлар ва сабаблар билан ўлган чақалоқлар миқдори катта ёшдаги болаларга нисбатан бирмунча юқорилиги албатта салбий ҳолат. Жумладан, ҳар 10 000 туғилган болага нисбатан бир ёшгача бўлган болалар ўлимининг энг катта кўрсаткичи нафас олиш аъзолари касалликлари ва туғилишнинг перинатал даврининг патологик ҳолатига тўғри келади.

БМТнинг Тараққиёт дастурининг инсон ривожланиши тўғрисидаги миллий маърузасида, республикада перинатал ва неонатал давридаги патологик ҳолат билан боғлиқ чақалоқлар ўлими динамикаси ортиб бораётганлиги таъкидланади. Бунга бола туғилгунча ва туғилгандан кўрсатиладиган дастлабки тиббий ёрдамнинг сифатидаги камчиликлар, нуқсонлар асосий сабаб, деб кўрсатилган. «Ўзбекистондаги чақалоқлар ўлими таркибида 38 % ҳолат неонатал даврга тўғри келади, мазкур даврдаги ўлимнинг учдан икки қисми дастлабки етти кунда юз беради»¹².

Ўлим даражасининг ҳудудий жиҳатларини махсус шкалалар ёрдамида таҳлил қилиш унинг ривожланиши ва таққосламалигини янада яққол ифодалайди. Ўрганишлар натижаси 1989 йилда бир ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициентлари республиканинг 5 та, яъни Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри «жуда юқори» гуруҳ оралиғига мос келганлигини, қолган 8 та минтақасида эса ундан кейинги ўлим даражаси «ҳаддан ташқари баланд» гуруҳига тўғри келганлигини кўрсатмоқда (1-жадвал

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятларини бир ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти бўйича гуруҳлаш

Бир ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти, (ҳар 1000 та тирик туғилган болага нисбатан, промилледа)	Ўлим даражасини баҳолаш	Ўлим даражаси бўйича ушбу гуруҳларга мансуб вилоятлар							
		1989 йил		1995 йил		1999 йил		2017 йил	
		Сони, та	Аҳолиси, фоизда	Сони, та	Аҳолиси, фоизда	Сони, та	Аҳолиси, фоизда	Сони, та	Аҳолиси, фоизда
10 гача	Паст	-	-	-	-	-	-	-	-
10,0-14,9	Ўрта	-	-	-	-	-	-	7	49,5

¹¹ UNFPA Народонаселение мира в 2005 году.- ЮНФПА, 2005. С.129-130.

¹² БМТнинг Тараққиёт дастури // Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги минг йилликдаги асосий мақсади.-Т., 2006. Б.43.

15,0-24,9	Юқори	-	-	6	46,5	14	100	7	49,5
25,0-34,9	Жуда юқори	5	44,9	8	53,5	=	-	-	-
35,0 дан юқори ¹³	Ўта юқори	8	55,1	-	-	-	-	-	-
<u>Жами</u>		13	100	14	100	14	100	14	100

Изоҳ; 1989 йилги маълумотларда Навоий вилояти тўғрисида маълумот берилмаган, Тошкент шаҳри биргалликда олинган. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Жадвал таҳлилларидан, кейинги йилларда минтақалардаги болалар ўлимининг даражаси йилдан-йилга “ўрта” ва “паст” гуруҳларга томон силжиётганлигини кўриш мумкин.

Ф.Комилованинг фикрича, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда ўлим даражаси барча ёш гуруҳларида, 14 ёшгача бўлганлардан ташқари паст бўлган. Республикада гўдаклар ўлими 1989 йилда Бутуниттифоқ кўрсаткичларидан 1,7 мартага кўп бўлган¹⁴. Ўлимнинг коэффициенти асосан ёш болаларда ва юқори ёш гуруҳларида катта кўрсаткичларга эга бўлиш билан бирга, 60 ёш ва ундан юқори ёш гуруҳлари томон янада ўсиб боради.

Ўзбекистон республикаси аҳолиси ўлим кўрсаткичларининг ёш-жинсий таркиб бўйича таҳлили ўтиш даврида эркакларда ўлим коэффициенти барча ёш гуруҳларида ҳаминша кўп бўлганлигини кўрсатади. Фақат 85 ва ундан юқори ёшдагилардагина аёллар ўлими коэффициенти катта бўлиб, уни мазкур ёш гуруҳида эркаклар сонининг аёллар сонига нисбатан камлиги билан изоҳлаш лозим. Шу ўринда мамлакат аҳолиси ёш ва жинсий таркибида 35 ёшдан кейин эркаклар улуши кескин камаймоқда ва бундай вазият сўнгги юқори ёш гуруҳларида ўзгаришсиз сақланиб қолаётир.

Физиологларнинг фикрича, эркак организмининг гўдаклик даврида ҳаётга чидамлилиги кучсиз бўлганлиги боис, шу ёшда ўғил болаларда кўпроқ ўлим ҳодисаси рўй беради. Кейинчалик ўлим ҳодисаси турлича кечади: ривожланган давлатларда жароҳатланиш, ичкилик, чекиш ва касбий касалликлар туфайли эркаклар ўлими юқори бўлса, ривожланаётган мамлакатларда эрта никоҳ қуриш, кетма-кет фарзанд туғилиши, оғир меҳнат, озиқ-овқат етишмаслиги, жамиятдаги тенгсизлик оқибатида аёллар ўлими кўп бўлади¹⁵. Эркаклар ўлимининг аёллар ўлимига нисбатан кўплиги муаммоси етарлича ўрганилмаган бўлиб, уни турли олимлар биологик, генетик, социал омиллар ва иқтисодий шароит натижаси билан боғлашади. Масалан, аёллар ўлими камлигини италян демографи Н.Федеричи аёлларнинг табиатга мослашувчанлиги кучлилигида дейди, америкалик демографлар У.Томсон ва Д.Льюис эркаклар ўлимидаги муҳим омил бу уларнинг касби, машғулотиди, деб ҳисоблашади¹⁶. Ўзбекистон аҳолиси жинсий таркибида эркаклар ўлимининг нисбатан барча ёш гуруҳларида кўп учрашида ушбу келтирилган омилларнинг қайсидир бири мос келади. Қолаверса, мамлакатдаги аёлларнинг оғир ишларда унчалик банд бўлмаслиги, маълум бир қисми ишлаб чиқаришда умуман иштирок этмаслиги, яъни уй бекаси эканлиги, ичиш, чекиш, жароҳатланиш каби нохуш ҳолатлардан узоқлиги ва биологик нуқтаи назардан чидамлилиги боис улар ўртасида ўлим ҳодисаси камроқ рўй беради.

Ўлимнинг ёш бўйича коэффициентида меҳнат ёшидаги аёллар ва эркаклар ўлими кўпроқ. Айниқса, 40 ёшдан кейин ўлим кўрсаткичи янада ортиб боради. Масалан, 25-29 ёш гуруҳидан бошлаб ҳар минг кишига мос келадиган ўлим коэффициенти 1,5-1,8 % ни ташкил этса, 40-44 ёш гуруҳларида 3 %, эркакларда ҳатто 4 % дан кўп. Бундан ташқари, меҳнат

¹³ Статистика населения с основами демографии: Учебник/ Г.С.Кильдишев, Л.Л. Козлова, С.П. Ананьева и др. - М.: Финансы и статистика, 1990. С.159.

¹⁴ Камилова Ф.К. Демографический потенциал Узбекистана.-Т.: 1991. С. 68.

¹⁵ Копылов В.А. География населения.-М.: 1999. С.34.

¹⁶ Польский С.А. География населения развитых капиталистических и развивающихся стран.-Минск, 1987. С.39-40.

ёшининг қуйи чегараси 15-19 ёшда аёллар ўлими 0,4 % бўлса, унинг энг юқори чегарасида бу кўрсаткич 14 баробарга кўп, яъни 5,74 %, эркакларда эса 0,6 ва 17,5 % га тенг. Бундай аҳолининг меҳнат ёшида кўп ўлим топиши фақат оиласи учун эмас, балки давлат учун ҳам иқтисодий жиҳатдан катта йўқотишдир.

Аҳоли умумий ўлим коэффициентининг турли демографик таркибда ўзгариб бориши унинг ҳудудий хусусиятларида ҳам ифодаланди. Масалан, 1989 йилда ҳар минг кишига нисбатан ўлим коэффициенти республиканинг 5 та минтақасида умуммамлакат ўртача даражасидан (6,3 %) баландни ташкил этган. Буларга Қорақалпоғистон Республикаси (6,8 %), Самарқанд (6,4 %), Фарғона (6,7 %), Тошкент (6,6 %) ва Андижон (6,4 %) вилоятлари кирган бўлса, 2006 йилга келиб барча минтақалар аҳолисида ўлим коэффициенти пасайган ҳолда, ўзига хос ҳудудий кўринишга эга бўлди. Чунончи, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисида 2017 йилда мазкур коэффициент республика ўртача даражасидан юқорини ташкил этган ҳолда 5,0; 5,8 ва 4,7 промиллега тенг бўлди. Бундай минтақалардаги умумий аҳоли ўлими коэффициентининг катталиги экологик вазияти, саноат корхоналари кўплаб тўпланганлиги ва аҳолининг демографик таркиби билан боғлиқ. Қолган вилоятларда ўлим коэффициенти ўртача кўрсаткичдан паст ва турлича кўринишга эга.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятларини аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти бўйича гуруҳлаш

Аҳоли ўлими умумий коэффициенти, (хар 1000 кишига нисбатан)	Ўлим даражаси бўйича ушбу гуруҳларга мансуб вилоятлар сони ва аҳолисининг салмоғи					
	1989 йил	1991 йил	1995 йил	2001 йил	2005 йил	2017 йил
4,4 гача	-	-	-	<u>3</u> 20,0	<u>3</u> 20,4	<u>3</u> 20,5
4,5-4,9	-	-	-	<u>3</u> 19,1	<u>3</u> 19,3	<u>4</u> 30,4
5,0-5,4	<u>1</u> 8,1	<u>3</u> 17,8	<u>2</u> 14,4	<u>5</u> 36,6	<u>4</u> 34,1	<u>4</u> 29,1
5,5-5,9	<u>4</u> 18,3	<u>4</u> 22,5	<u>3</u> 13,4	<u>1</u> 6,1	<u>2</u> 8,6	<u>1</u> 2,6
6,0 ва ундан юқори	<u>8</u> 73,6	<u>7</u> 59,7	<u>9</u> 72,2	<u>2</u> 18,2	<u>2</u> 17,6	<u>2</u> 17,4
жами	<u>13</u> 100	<u>14</u> 100	<u>14</u> 100	<u>14</u> 100	<u>14</u> 100	<u>14</u> 100

Изоҳ; Каср суръатида вилоятлар сони-та, махражида аҳолиси-фоиз ҳисобида, Тошкент шаҳри биргаликда ҳисобланган, 1989 йилги маълумотда Навоий вилояти тўғрисида маълумот берилмаган. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Мамлакат аҳолиси умумий ўлим коэффициентларидаги даврий ўзгаришларни гуруҳлаш натижаси вилоятларнинг ўлим коэффициенти юқори гуруҳларидан қуйи гуруҳларига қараб тобора тўпланаётганлигини кўрсатди. Масалан, 1989 йилдан 1995 йилгача ўлим коэффициенти 4,9 промиллега (2-жадвал) бўлган гуруҳда биронта вилоят мавжуд бўлмаган, 2017 йилда эса Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳисобига улар сони 7 тага етди. Мазкур гуруҳ оралиғидаги минтақалар республика аҳолисининг тенг ярми, яъни 50,9 фоизини ташкил этган ҳолда, туғилиш даражаси юқори бўлган ҳудудларга киради. Ўлимнинг умумий коэффициенти 6,0 промилле ва ундан баланд бўлган гуруҳ оралиғида юқоридагидан бутунлай аксинча вазият рўй бермоқда. Чунки, 1989-1995 йилларда бу гуруҳда жами вилоятларнинг 64,3 фоизи ёки 8-9 та си жойлашган бўлса, 2001 йилдан эътиборан мамлакат жами аҳолисининг 17 фоиздан

кўпини қамраб олган Тошкент шаҳри ва вилояти тўғри келмоқда. Шу ўринда, барча йилларда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри аҳоли ўлими даражаси катта бўлган гуруҳларга мансуб бўлганлигини келтириш жоиз. Ҳолбуки, охириги аҳоли рўйхати ўтган даврда Ўзбекистоннинг асосий аҳолиси (73,6 фоизи) ўлим коэффиценти 6,0 промилледан кўп бўлган гуруҳда жойлашган бўлса, 2017 йилга келиб, ўлим коэффиценти 4,5-4,9 промилле бўлган ҳудудларда унинг энг кўп қисми ёки 30,4 фоизи яшаган.

Хулоса қилиб айтганда, Республика аҳолиси ўртасида ўлимнинг барча кўрсаткичларида қисқариши соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг яхшиланиши, аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий ёрдам, атроф-муҳит муҳофазаси, аҳолининг сифат жиҳатдан ривожланганлик даражаси, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, соғлом турмуш тарзи, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятида олиб борилаётган самарали ишларни ўзида тўлақонли акс эттиради.

Адабиётлар:

1. UNFPA Народонаселение мира в 2005 году.- ЮНФПА, 2005. С.129-130.
2. БМТнинг Тараққиёт дастури // Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги минг йилликдаги асосий мақсади.-Т., 2006. Б.43.
3. Статистика населения с основами демографии: Учебник/ Г.С.Кильдишев, Л.Л. Козлова, С.П. Ананьева и др.- М.: Финансы и статистика, 1990. С.159.
4. Польский С.А. География населения развитых капиталистических и развивающихся стран.-Минск, 1987. С.39-40.
5. Камилова Ф.К. Демографический потенциал Узбекистана.-Т.: 1991. С. 68.
6. Копылов В.А. География населения.-М.: 1999. С.34.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ ЖИҲАТДАН ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

**Турдимамбетов И., Искендеров А., Базарбаев М.
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Ажнийёз номидаги Нукус давлат педагогика институти**

Қорақалпоғистон минерал ресурсларнинг катта захираларига эга. Бу эса келажакда саноатнинг турли тармоқларини ривожлантириш учун асос бўлиб хисобланади. Мазкур конларнинг ўзлаштирилиши натижасида атроф-муҳитда маълум бир ўзгаришлар содир бўлади, бу эса геоэкологик шароитни ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Ишга туширилиши кўзланаётган конларнинг инженер-географик шароитини баҳолаш натижасида қуйидагилар аниқланади:

- Нефть ва газ конларини ўзлаштирилиши натижасида ҳудудни катта қисмини чўкиши кўзатилади. Бунинг оқибатида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиши мумкин. Ботикларда эса шурхоқлар ҳосил бўлади. Нефть ва газ қудуқлари атрофида ўсимлик ва тупроқ қопламига катта зарар етади, бу эса кўчма қумларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

- Тебинбулоқ титан магнетит конини ўзлаштириш жараёнида ҳам катта майдонларда тоғ-кон саноати ландшафтлари вужудга келиши мумкин. Чунки, руда таркибидаги темир миқдори кам (17 %). Бу эса жуда катта миқдорда ташламалар ҳосил бўлишига олиб келади. Уларни жойлаштириш учун жуда катта майдонлар керак бўлади. Натижада мазкур ҳудудда йирик тоғ-кон саноати ландшафтлари вужудга келади. Ушбу ҳудудлардаги асосий геоэкологик муаммолардан бири бўлиб шаклланган техноген ландшафтларни қайта тиклаш хисобланади.

- Турли ҳил туз конларини қазиб олиш жараёнида атроф-муҳитни тузлар билан ифлосланиши кўзатилади. Тузларнинг майдаланиши натижасида узоқ масофаларга шамол таъсирида олиб кетилиши мумкин. Ёғинлар ёрдамида эриб ер усти ва ер ости шурлигини ошириб юборади. Бу эса ландшафтларнинг тузилишига катта таъсир этади.

- Қурилиш материаллари хом ашёларини қазиб олишда ландшафтларда катта ўзгаришлар сезилмайди. Ҳосил бўлган техноген ландшафтлар вақт ўтиши билан табиий равишда қайта тикланиши мумкин.

Назарий ва методологик инженерлик-географик тадқиқотлар техноген ландшафтшунослик соҳасида янги илмий йўналиш ҳисобланади. Бир шаклдан бошқа шаклга ўтадиган ландшафтларда ва жараёнларда шаклланидиган техноген ландшафтлар ажралмайдиган бир-бирига боғлиқ ўзига хос тузилишга эга, миқдорига ва хусусиятга эга литогенлик асосдаги ландшафтлар билан боғлиқ бўлади. Тоғ жинсларининг кўринишидаги миқдорини, ҳолатини ва хусусиятини ўзгариш қонуниятларини ва литогенлик асосдаги тузилишга эга ландшафтларнинг шароитини шаклланиши ҳар хил миқдордаги техноген ландшафтларни инженерлик-географик жиҳатдан руҳсат этилган ҳолда шакллантириш муҳим. Қорақалпоғистон Республикасининг минерал ресурсларини инженер-географик жиҳатдан баҳолаш муаммоси айна пайтдаги энг долзарб ва яқин вақтда ўз ечимини топиши муҳим масала ҳисобланади. Айниқса нефть-газ конларидан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган техноген жараёнларни башорат қилиш инженерлик географиянинг даставвал муаммоси бўлиши кўтилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 200 дан ортиқ ҳар хил турдаги фойдали қазилма бойликларнинг турлари аниқланган. Айрим фойдали қазилмаларнинг захиралари бўйича Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади. Қорақалпоғистонда табиий газ, темир рудаси, ош ва сульфат магнезиал тузлар, тальк тошлари, мрамар ва гранит тошлари захирадаги, образив материаллар (гранит) ва қурилиш материалларининг йирик захиралари мавжуд. Ушбу хом ашёларнинг захиралари асосан йирик 3 та ҳудудда тўпланган. Буларга қуйидагилар: Султон-Увайс тоғи, Устюрт платоси ва Қушхонатоғ (Чимбой туманида) тепалиги киради.

Султон-Увайсда темир рудаси, тальк тошлари, кварцит, гранат, амфиболитлар, мрамар ва гранит тошлари, ярим қиммат ва ишлов берилмайдиган тошлар ва қурилиш материалларининг конлари жойлашган.

Устюрт платосида табиий газ, ош тузлари ва қурилиш хомашёси захиралари мавжуд.

Қушхонатоғ тепалигида сульфат-магнезиал тузлари ва бектонит гили конлари аниқланган.

Қурилиш хом ашёлари Нукус, Тахиатош, Мўйноқ, Тўрткўл ва бошқа туманларда жойлашган. Юқорида кўрсатилган фойдали қазилмалардан газ ва қурилиш хомашёсидан бошқаси ҳали фойдаланилмапти. Келажакда фойдаланиб атирилган конлар ва қурилиш хом ашёси асосида қурилиш материаллари саноати ривожланишига замин яратади. Қорақалпоғистонда яқин келажакда янги саноат тармоқлари вужудга келиши эҳтимоли бор. Булар асосан: тоғ-кимё, полиметалл руда ва бошқа тармоқлар.

Қурилиш материаллари саноати асосан Нукус, Хўжайли, Тахиатош шаҳарлари ва Жумуртоғ ва Қоратоғ элатларида жойлашган. Ушбу шаҳарлардаги қурилиш корхоналари Нукус, Тўрткўл ва бошқа конлардаги лёссли суглинкалар, Табакум бархан кумлари, Жумуртоғ, Зинелбулоқ, Оқтоғ ва бошқа конладаги қурилиши тошлари хомашёси асосида ишлайди. Ҳозирги пайтда Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган ҳар хил минерал хомашёга бой қурилиш захиралари қурилиш саноатининг ривожланишига имкон беради. Ушбу хомашёлар захираси асосан Султон-Увайсда ва қисман Нукус, Хўжайли, Чимбой ва Қўнғирот шаҳарларига яқин жойлашган. Оқтоғ оҳақтош кони келажакда катта аҳамиятга эга бўлиб саноатлик захираси 21,2 млн т. ни ташкил этиб, цемент саноати хом ашёси ҳисобланади. Цемент хомашёси учун Пурлатоғ 6 млн. т. захирага эга кон, шунингдек Султон-Увайсдаги Бўрли-халқа башорат қилинган захираси 270 млн. т. конлари қизиқиш туғдирмоқда.

Таркибида известник хом ашёси бўлган ва уни тайёрлар учун яроқли Жумуртоғ, Оқтоғ, Дарбозатоғ ва Қуянчиқ конларида йирик захиралари бўлиб Султон-Увайс тоғида жойлашган. Ушбу конларда аниқланган ва башорат қилинган захираси 100 млн. тоннани ташкил қилади.

Муҳим аҳамиятга Хўжакўл 30 млн т гил ва гипс, шунингдек Қоракўл конида 150 млн.т. гил захираси жамланган. Хом ашёдан биринчи маротаба фойдаланилганда сифатли цемент, ғишт ва керамзит олишда фойдаланишга бўлади.

Юкори қаттиқликга ва саноатлик аҳамиятга эга қурилиш тошларига қизиқиш кучайди. Ушбу юкори қаттиқликга эга тошлар Султон-Увайс тоғида катта захирага эга ва Жумуртоғ, Шайхли ва Қуянчиқ каби йирик конлари мавжуд. Оқтоғ кумли-шағал тошнинг аралшма захирасига бой Султонбобо ва Мумиятхонсой икки дарё оралиғида конгломератнинг йирик захираси мавжуд. Тебинбулоқ темир руда конининг юзидаги очиқ тоғ жинслари яъни қурилиш тошларининг захираси йирик ҳисобланади. Сўнгги йиллари Султон-Увайсда мрамр ва гранит конлари аниқланган ва ҳозирги пайтда фойдаланилаёпти. Захираси ҳам тўлиқ ҳисобланиб чиқилмаган вақтда, шунингдек тадқиқот-қидириш ишлари олиб борилаётган бир пайтда Зинелбулоқ, Оқтоғ ва Беруний конларидан мрамр ва гранит блокларини ўндириш бошланган эди. Янги қурилиш конларини барпо этишда аниқланган қурилиш хом ашёлари ўз муҳим ҳиссасини кўшади. Келажакда Қорақалпоғистоннинг тоғ-кимё саноати ош ва сульфат-магнезиал тузлар ва тальк тошларига бой хом ашё манбаи асосида ривожланади. Устюрт платосида йирик иккита ош тузи конлари очилган. Борскелмас ва Қораумбет туз конларининг баланс захираси 17 млрд тоннани ташкил этади. Чимбой туманида сульфат-магнезиал тузининг йирик Қушхонатоғ кони аниқланган ва Қорақалпоғистондаги сульфат-магнезиал тузлар ушбу конда тўпланган. Қушхонатоғ туз конидан мажмуали қайта ишлашда сульфат-натрий, хлор, ош тузи, бишофит-металл ўндиришда фойдаланиладиган магний хом ашёсини олишга бўлади.

Султон-Увайс ҳудуди йирик мажмуали қурилиш материаллари корхоналари асосида ривожланиши мумкин. Қоратоғ шебень карьери, Зинелбулоқ ва Тебинбулоқ карьерларида мрамр ва гранит олишга йўлга қўйилган. Бундан ташқари ушбу мажмуада цемент-шифер комбинатини, қурилиш гипси ва гипс материаллари заводи, оҳактош ишлаб чиқарадиган завод, темир-бетон ишлаб чиқариш, яхлит ғишт, қоплаш материаллари, норуа қурилиш материаллари карерин ва минералларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак бўлади. Ушбу мажмуада қурилиш материаллари корхоналаридан бошқа Султон-Увайс тоғ-саноат ҳудудида тальк ва тальк тошларини ундириш, ўтга чидамли тальк-магнезиал, гранат ва амфиболит ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этиш керак.

Чимбой ҳудудида Қушхонатоғ сульфат магнезиал туз конини ўзлаштириш учун қуриладиган йирик кимё-металлургия мажмуаси асосида шаклланади.

- Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма конларининг инженер-географик шароитининг асосий хусусиятларини аниқлаш.

- Қорақалпоғистон Республикасида минерал ресурсларни қазиб олишда табиатда буладиган узғаришларни аниқлаш.

- Минерал ресурсларини фойдаланишда табиатни муҳофаза қилишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ва ушбу вариантларни Қорақалпоғистон Республикаси саноат соҳаларини ривожлантиришга тавсия этиш.

Адабиётлар:

1. Mirziyoyev Sh.M. “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik –har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak”- T.: O`zbekiston 2017.-104 b. Mirziyoyev Sh.M. “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik –har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak”- T.: O`zbekiston 2017.-104 b.
2. Алимқулов Н., Абдуллаев И., Холмуродов Ш.А. Амалий география. Т.:ТДПУ.2015. Алимқулов Н., Абдуллаев И., Холмуродов Ш.А. Амалий география. Т.:ТДПУ.2015. Алимқулов Н., Абдуллаев И., Холмуродов Ш.А. Амалий география. Т.:ТДПУ.2015.
3. Вахобов Х., Искендеров А. Қорақалпоғистон минерал ресурслари ва уларни инженер-географик жиҳатдан баҳолаш // Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Илмий-амалий конференция материаллари.-Т.: ЎзМУ, 2002.-Б.38-39.
4. Вахобов Х., Искендеров А.Б., Саидкаримова З.С. Научно-методические основы изучения основных тенденций изменения литогенной основы ландшафтов в горнопромышленных районах // Ўзбекистон География жамяти ахбороти, № 23.-Т., 2003.-Б. 14-15.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГИДА ЗИЁРАТГОҲ ВА ҚАДАМЖОЛАРНИНГ ТУРИСТИК АҲАМИЯТИ БУДДА ДИНИ МИСОЛИДА

Тўраев Қ.Т., Эрданов. М.Н., Нормаматов Ж.*

Термиз давлат университети

Динлар ўтган турли тарихий даврлар давомида ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган.


Сурхондарё вилоятида диний туристик объектлар шаклланиб келган. Буларга қўйидагиларни мисол қиламиз:

1. Ибтидоий диний қарашлар (хали дин шакилланмаган турли қарашлар бор): Тешик тош, Зараутсой, Пошхурд.
2. Зардуштийлик даври: Авесто ва моддий-маданият ёдгорликлари, Жарқўтон.
3. Буддавийлик даври: Далварзинтепа, Айритом, Фаёзтепа, Қоратепа, Зурмала минораси.
4. Насронийлик (Христианлик): Эски Термиз, Бойсун, Денов худудларида топилмалар
5. Ислом дини – Имом Термизий, Ал Ҳақим Ат-Термизий, Сўфи Оллоёр, Оқ Остона (Абу Ҳурайра р.а), Сулоймон ота, Тақия ота в/х.

Буддавийлик дини маркази Фаёз тепа милоддан аввалги I асрга тегишли буддизм ибодатхоналари қолдиқлари топилган манзили саёҳатчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади бу манзилларга қўйидагиларни ҳам киритиш мумкин: Далварзинтепа (Шўрчи тумани худудида), Айритом (Термиз шаҳар худудида), Қоратепа, Зурмала минораси (эски Термиз худудида).

Шунингдек вилоятда Буддавийлик дини маркази ҳисобланган. Милоддан аввалги I асрга тегишли буддизм ибодатхоналари қолдиқлари топилган манзил саёҳатчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Жумладан, Хитой, Япония, Корея ва Малайзия, Ҳиндистон давлатларидан қолган зиёратчилар ўз динлари марказлари бўлган объектни, кўриш уларнинг саёҳатга бўлган эҳтиёжини оширмақда. Бу сайёҳлар будда ибодатхоналарини кўриш билан биргаликда бошқа диққатга сазовар жойларга ҳам ташриф буюрмақда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Юнеско ва Япон ишонч жамғармаси билан ҳамкорликдаги Фаёз-тепа Будда ёдгорлигини сақлаш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳа амалга оширилган ва бу давлат муҳофазасига олинган.



1-расм. Осиё давлатларидан ташриф буюраётган сайёҳатчилар динамикаси

* Тўраев Қувончбек Тохирович – Термиз давлат университети География кафедраси ўқитувчиси.

Эрданов Мухаммади Нуралиевич – ТерДУ География кафедраси мудири, г.ф.н.

Нормаматов Жаҳонгир ХХХ – ТерДУ География таълим йўналиши 3-курс талабаси

1-расмда буддизм ибодатхоналарини кўришга бўлган қизиқиши ва ташриф буюрувчи сони ортиб бораётган 5 та давлат олинган. Бундан маълумки 2012-2017 йиллар давомида Осиё мамлакатларидан ташриф буюраётган 2013 йилда жами 801 нафар (йиллик ўсиш 127%), 2014 йил 1010 (йиллик ўсиш 126%), 2015 йил 1013 (йиллик ўсиш 100.2%), 2016 йил 1161 (йиллик ўсиш 114%) нафарга сайёҳатчилар сони ошмоқда. Расмдан кўриниб турибдики, Малайзиядан келувчи туристлар сони 2014 йилдан ташриф буюрувчилар сони кескин ортган, Кореядан туристлар ўсиш билан биргаликда бироз салбий ҳолатлар ҳам бор.

Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, диний туризм туризмнинг бошқа йўналишларига караганда туристларнинг экологик маданияти юқорилиги билан худудга турли хил зарар келтирмаслигини, кам харажатлилиги билан ажралиб туради. Чунки дин бориға шукур-каноат, инсоф, яхшилик қилиш, ростгўйлик, ширинсўзлик, ота-онани, ўзидан катта ёшлиларни ҳурмат қилиш, ор-номус, садоқат ва бошқаларга ундайди.

Шу билан биргаликда хали қилиниши керак бўлган ишлар таълайгина:

- Зул-Кифл мажмуаси унга бориш учун йўлнинг мавжуд эмаслиги чунки мажмуа Пайғамбар оролида, Амударёнинг ички қисмидаги оролда чегарада жойлашганлиги бироз қийин вазиятларни шакиллантиради, унга бориш учун бирорта ечимга келинмагани;

- Вилоятда Буддизм туризми марказини ташкил этиш;

- Термиз, Шеробод, Олтинсой ва Денов туманларида зиёрат, маданий-тарихий туризмни ривожлантириш, мавжуд сайёҳларнинг ташриф буюриш объектларини реставрация қилиш, уларга олиб боровчи йўللарни таъмирлаш, объектларда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи шаҳобчаларни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бабкин А.В Специальные виды туризма Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. - 252 с.
2. Абдулла Холмирзаев Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари Тошкент – 2001йил
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маълумотлари
3. Вилоят туризм маркази маълумотлари
<http://Meros.uz>

ATOM ENERGIYASI - O‘ZBEKISTON ENERGETIKA SANOATINING KELAJAGI

**Uzaqbaev Q.K., Sharibayev A.M.
Nukus davlat pedagogika instituti**

Globalashuv davri jahon iqtisodiyotida tabiiy resurslar va energiya manbalariga bo‘lgan ehtiyojning ortib borishiga sabab bo‘ldi. Bugungi kunda dunyoning barcha davlatlarida energiya manbalariga bo‘lgan zarurat juda yo‘qori. Ayniqsa, elektr energiyasi har qanday sanoat tarmog‘ining asosiy yurituvchi mexanizmi bo‘lib, unga bo‘lgan zarurat soat sayin ortib bormoqda.

Barchaga ma‘lum, elektr energiyasi GES, IES va AESlarda ishlab chiqariladi. GESlarda ishlab chiqarilgan elektr energiyasi eng arzon tannarxga ega bo‘lib, ularda yoqilg‘i sarflanmaydi. IESlarda yoqilg‘i sifatida ko‘mir, neft, mazut yoki tabiiy gazdan foydalaniladi. Elektr energiya juda ko‘p iste‘mol qilinadigan joylarda elektr stansiyalar boshqa joylardan keltiriladigan yoqilg‘iga mo‘ljallab quriladi. IESlarning juda kattalari boshqa viloyatlarni va qo‘shni respublikalarni ham elektr energiyasi bilan ta‘minlaydi va ular GRES deb yuritiladi.

Atom elektr stansiyasi asosan elektr yoki issiqliq energiyasini ishlab chiqarishga mo‘ljallangan, yadro reaktori va boshqa zarur uskunalarni o‘z ichiga olgan yirik majmuadir. Ikkinchi Jahon urushiga qadar atom insoniyat tarixidagi eng daxshatli qurol sifatida qarab kelingan. Ayniqsa, 1945-yil avgustta AQSh harbiy kuchlari Yaponiyaning Xirosima va Nagasaki shaharlariga qilgan hujumlarining oqibatlarini insonlarni haligacha qo‘rquvga soladi.

XX asrning 40-yillarida sovet olimlari atom energiyasidan tinchlik maqsadida foydalanish bo‘yicha dastlabki loyixalarini taqdim etishdi. 1954-yilning 27-iyun sanasida esa, dunyodagi birinchi atom stansiyasi Rossiyaning Obninsk shahrida ishga tushirildi. Yillar o‘tib insonlar energetika sanoatida AESlarning afzalliklarini anglab yetmoqta.

1980-yilda dunyoda ishlab chiqarilgan elektr energiyasining 5,6 %, 1985-yilda - 10,8 % va 1988-yilda - 27 % i atom elektr stansiyalarda ishlab chiqilgan. Xalqaro atom energiyasi agentligining ma'lumotlariga ko'ra, bugungi kunda dunyoning 31 davlatida 451 energoblokga ega bo'lgan 191 AES ishlab turibti. Yadro reaktorlari soni bo'yicha AQSh (99 ta) yetakchilik qiladi. Fransiyada esa 58 ta yadro reaktori mavjud bo'lib, ular mamlakatda ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasining 72,3 % ini beradi. Shuningdek, Rossiya (37 ta), XXR (36), Koreya Respublikasi (25) kabi davlatlar yadro reaktorlari soni bo'yicha dastlabki o'rinlarni egallaydi.

Atom elektr stansiyasi boshqa elektr stansiyalariga qaraganda bir nechta afzalliklarga ega: birinchidan, kam miqdorda yoqilg'i sarflab, juda ko'p miqdordagi energiya olish imkoniyatining mavjudligi. 1 kg uran (shartli uran yoqilg'isi) 2,5 ming tonna ko'mir yonganda hosil bo'ladigan issiqlik miqdorini beradi. Atom energiyasi manbai uran va toriyning yer yuzidagi zaxiralari dunyo xalqlarining energiyaga bo'lgan talabini bir necha ming yillar davomida qondirib turish uchun yetarlidir. Ikkinchidan, ekologiya va atrof-muhit ozodaligini saqlashga xizmat qiladi. Masalan, 1000 MVt elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun oddiy IESlar 13 ming tonna zaharli gaz, 165 ming tonna ko'mir changgini havoga ajratib chiqaradi. AESlarda esa bunday zaharli gaz faqat dizel generatorini ishga tushirish vaqtida, juda kam miqdorda ajralib chiqadi. IESlar 1000 MVt elektr energiyasini hosil qilish uchun 8 mln tonna kislorod sarflasa, AESlar uchun kislorodning deyarli keragi yo'q. Kelajakda atom elektr stansiyalari yetarli darajada rivojlanadi va dunyo mamlakatlarining umumiy energetika balansida yetakchi o'rinni egallaydi.

Bugungi kunda O'zbekistonda 10 ta IES va 32 ta GES faoliyat ko'rsatmoqta. Mamlakatimizda yiliga 55 mlrd kVt/soat elektr energiyasi ishlab chiqariladi. Lekin mamlakatimizda elektr energiyasiga bo'lgan talab yiliga 69 mlrd. kVt/soatni tashkil etadi. Ishlab chiqarilgan elektr energiyasining 85 % dan ko'proq qismi IESlarga, qolgan qismi esa GESlarga to'g'ri keladi.

Rivojlangan davlatlarda 1 kilovatt elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun 240-260 gramm yoqilg'i sarflansa, mamlakatimizdagi ayrim stansiyalarda 2 barobar ko'p yoqilg'i sarflanadi. Respublikamizda elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun har yili 16,5 mlrd. m³ tabiiy gaz, 86 ming tonna mazut, 2,3 mln tonna ko'mirdan foydalaniladi.

Aholi sonining yil sayin o'sishi o'z-o'zidan turli moddiy zaxiralar, jumladan, elektr energiyasiga bo'lgan ehtiyojni ham oshiradi. Mamlakatimiz iqtisodiyoti rivojlanishi natijasida elektr energiyasiga bo'lgan talab 2030 yilga borib 20 ming megavattge yetadi. Rivojlanishning yangi bosqichiga o'tayotgan O'zbekiston Respublikasiga elektr energiyasini ishlab chiqarishning arzon va qulay usulini olib kirish bugungi kunning asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Milliy iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirish uchun elektr energiyasini ishlab chiqarishni boshqa tarmoqlarga nisbatan tezroq o'stirish talab etiladi.

Mamlakat iqtisodiyoti uchun elektr energiyasining tannarxi arzon bo'lishi juda muhimdir. Elektr energiyasining tannarxi elektr stansiyasida foydalanilgan yoqilg'ini qazib olish va tashib olib kelish xarajatlariga bog'liq. Shuning uchun elektr stansiyasini qurish uchun joy tanlashda yoqilg'ini tashish va elektr energiyasini uzatib berishga ketadigan xarajatlar taqqoslab ko'riladi.

Biz bugungi kunda elektr energiyasini Qirg'iziston Respublikasidan import qilyapmiz. Kelajakda Tojikistondan ham olib kelishimiz mumkin. Lekin, ma'lum sabablarga ko'ra bu davlatlardan keluvchi elektr energiyasi miqdorining kamayishi davlatimiz iqtisodiyotiga katta zarar yetkazishi aniq. Respublikamizning energiya mustaqilligiga erishishi esa, iqtisodiyotimizning yanada rivojlanishiga katta hissa qo'shadi.

Ko'plab olimlar O'zbekistonda atom elektr stansiyasini qurish vaqti keldi deb hisoblaydi. Buning uchun bizda barcha imkoniyatlar yetarli. Respublikamizning tekislik qismi bo'lgan Qizilqum cho'li (Navoiy viloyati) hududi atom elektr stansiyasini qurish uchun qulay hisoblanadi. Elektr stansiyasining katta suv hajmiga (To'dako'l suv ombori) yaqin joylashtirilishi, atom reaktorlarini sovutishga ketadigan suv muammosini hal qiladi. O'zbekiston AES uchun yoqilg'i hisoblangan uran zahirasi bo'yicha 200 ga yaqin davlat orasida 7-o'rinda, qazib olish bo'yicha esa 6-o'rinda turadi.

Elektr energiyasini atom elektr stansiyasida ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish orqali, issiqlik elektr stansiyalarida yoqilg'i sifatida ishlatilayotgan tabiiy gazni tejash imkoniyati yuzaga keladi.

Binobarin, tabiiy gaz mamlakatimiz eksportining eng ko'p foyda keltiruvchi mahsulotlaridan biri hisoblanadi.

Ma'lumotlarga qaraganda Qozog'iston Respublikasida ham Yaponiya texnologiyasi asosida atom elektr stansiyasini qurish rejalashtirilgan. Bu esa Markaziy Osiyoda atom energiyasiga bo'lgan zarurat bor ekanligini ko'rsatadi.

O'zbekiston atom elektr stansiyasini qurish bo'yicha Rossiya Federatsiyasi bilan kelushuvlar olib bormoqta. Rossiya O'zbekistonda umumiy quvvati 1200 megavattni tashkil qiluvchi VVER-1200 zamonaviy «3+» atom energoblogini qurishni tavsiya qilmoqda. «Rosatom» korporatsiyasi bosh direktori Aleksey Lixachevning fikricha, O'zbekistonda atom elektr stansiyasi qurilishi mamlakat energetikasining istiqboldagi imkoniyatlarini belgilab beradi. Ushbu obyekt qurilishi davrida 6 minggacha kishi ish bilan ta'minlanadi va stansiya ishga tushgach, 2 mingga yaqin kishi doimiy ish joyiga ega bo'ladi. Quvvati 1200 megavattni tashkil etuvchi ushbu obyekt qurilishi mamlakatning ichki energiya ta'minotidagi muammolarni hal etibgina qolmay, xorijga ham elektrni eksport qilish imkoniyatini beradi. Atom elektr stansiyasining qurilishi 3,7 mlrd m³ tabiiy gazni tejash va atmosferaga chiqarilayotgan is gazi miqdorini 3 mln tonnagacha kamaytirish imkoniyatini yaratadi. Xalqaro bozorda 1000 m³ tabiiy gazni 250 AQSh dollari deb hisoblasak, 3,7 mlrd m³ tabiiy gazni eksport qilsak 1 mlrd AQSh dollariga yaqin valyuta tushumini davlatimiz g'aznasiga qo'shgan bo'lamiz.

«Rosatom» bugungi kungacha 11 ta davlatda 35 ta energoblok qurgan dunyoning eng yetakchi korporatsiyasi hisoblanadi. Korporatsiya tomonidan Finlandiya, Vengriya, Turkiya, Misr kabi davlatlarda atom elektr stansiyasini qurish ishlari davom ettirilmoqda.

Agar dunyo bo'ylab AESlar joylashgan hududlarni ko'rarkanmiz, ularning aksariyati aholi zich joylashgan hududlarda qurilganiga guvoh bo'lamiz. AQSHda yoki Xitoy va Yaponiyada ham, Yevropa davlatlarida ham, Ukraina va Rossiyada ham AESlar aholi punktlari orasida qurilgan Hatto Belarusdagi yangi AES shundoqqina Belarus-Litva chegarasiga yaqin yerda qurilyapti va AES bilan Litva poytaxti Vilnyus shahrini bor-yo'g'i 50 km masofa ajratib turibdi. Yoki bir paytlar Sobiq Ittifoq davrida Sharqiy Yevropadagi sobiq sotsialistik lagerga kiruvchi Vengriya, Bolgariya, sobiq Yugoslaviyadagi AESlar ham yirik shaharlar yaqinida qurilgan edi. Shunday ekan, AESlar pishiq va puxta qilib qurilsa va keyin uni boshqarishda ham kuchli nazorat olib borilib, xatoga yo'l qo'yilmasa, AESlarda halokat sodir bo'lish havfi sezilarli kamayadi.

O'zbekistonda qurilishi kutilayotgan AES tektonik jihatdan harakatsiz, Turon platformasidagi To'dako'l suv ombori yaqinida qurilmoqda. Dunyoning AESlar qurish bo'yicha eng oldingi korporatsiyalaridan biri «Rosatom» qurmoqda. Bu AES MAGATE talablariga to'liq javob beradi. U yerda ishlovchi hodimlar fizika bo'yicha dunyoning eng nomdor oliy o'quv yurti Moskva muhandislik-fizika institutida va Rossiyaning atom sohasi bo'yicha eng oldingi ilmiy muassasalarida tajriba almashib va ta'lim olib qaytadi. Yaqin kelajakda Moskva muhandislik-fizika instituti Toshkent filiali tashkil etilishi kutilmoqda.

O'zbekiston yaqin kelajakda dunyoning elektrenergetika sohasi rivojlangan davlatlari qatoriga kirishiga katta zamin yaratilmoqda. Bunga boy homashyo va yo'qori intellektual salohiyat yetarli.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Soliev A. O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi. T., 2014.
2. Safarova N.I. va bosh. Moddiy ishlab chiqarish asoslari. T., 2012.
3. Bekjonov R. B. Atom yadrosi va zarralar fizikasi. T., 1995.
4. www.google.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Файзуллаев М.А.*

Қарши давлат университети

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш – ҳудудий меҳнат тақсимооти жараёнида маълум вазифани бажарувчи, мажмуали табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланган қишлоқ хўжалик корхоналари ва агросаноат мажмуаларининг оптимал жойлаштирилишидир (Крючков, 1978). Бу ерда жойлаштиришга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш нуқтаи назаридан олиб борилади.

География фанида турли ривожланиш қонунлари асосида фаолият юритувчи ҳудудий ишлаб чиқариш ва табиий-ҳудудий тизимларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи модел яратилган (Крючков, 1987). Бунда ишлаб чиқариш (қишлоқ хўжалиги) ва табиий тизимларнинг ўзаро алоқаси юз берадиган жой, ўзининг табиий (иқлим, рельеф, тупроқ, сув ва б.) ҳамда ишлаб чиқариш (ҳайдаладиган ер, яйлов, мевазор ва б.) воситаларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги ерларидир.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига табиий, иқтисодий, ижтимоий, тарихий, экологик омиллар кучли таъсир этади. Ушбу омиллар ижтимоий-иқтисодий қонун ва қонуниятлар асосида, ҳар бир ҳудуднинг табиий шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, ўз таъсирини кўрсатади. Бу табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар (бевосита) мутлоқ ҳудудий характерга эга бўлиб, улар тўғридан-тўғри кейинги омиллар (ИТТ, ишлаб чиқариш ҳажми, унумдорлик даражаси ва б.)га ҳам ўз таъсирини ўтказади

Агроиқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига энг аввало, табиий омиллар кучли таъсир кўрсатади. Табиий омиллар (ҳудуд геологияси ва литологияси, рельеф, иқлим, ер ва сув ресурслари, тупроқ турлари ва ҳоказолар) қишлоқ хўжалиги соҳаларининг жойланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиб, бу жараёни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришда тупроқ асосий омил бўлиб хизмат қилади. Тупроққа хўжалик нуқтаи назаридан баҳо беришда, ялпи олинган маҳсулотга қараб эмас, балки маҳсулот қиймати ва сарф-ҳаражат миқдори нуқтаи назаридан баҳо берилади (Рақитников, 1970, 2003).

В.В.Докучаев тупроққа қуйидаги таърифни берган: “тупроқ–иқлим, организмлар, грунт, маҳаллий рельеф ва ўлканинг ёши каби омилларнинг биргаликдаги фаолияти таъсирида пайдо бўладиган табиий-тарихий ҳосилдир” (Докучаев, 1951). Бу таъриф тупроқнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитларини аниқ тавсифлайди. Ер эса, курукликнинг фаол, генетик мустақил устки қатлами сифатида ўзига хос иқлим, тупроқ қатлами, алоҳида майдонлар рельефи ва шакллари, уларни ҳосил қилувчи омилларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради. Бундан ер тушунчасининг тупроқдан анча кенг эканлиги кўриниб турибди.

“Ер ресурслари” тушунчасининг мазмуни бир қатор илмий адабиётларда очиб берилган (Минц, 1972; Замков, 1978; Зворыкин, 1984; Толипов ва б. 1994; Жумаев, 2004). Ушбу ишларни умумлаштириб, Ю. Аҳмадалиев ер ресурсларига қуйидагича таъриф берган: *Ер ресурси бу - ер фондининг таркибий қисми бўлиб, у ўзига хос тупроқ сифати, иқлим, рельеф, гидрогеологик хусусиятлари билан тавсифланади, жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида ундан асосан зарур маҳсулотлар этиштиришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади* (Аҳмадалиев, 2007). Бу таърифдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ер кўп функцияли ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий меҳнат воситаси ва предмети бўлиши билан бир қаторда аҳоли, саноат, уй-жой фонди, рекреация зоналари ва бошқаларни ҳудудий ташкил этишда етакчи саналади.

*Файзуллаев М.А – ҚарДУ, География кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.д. (PhD).

Ер ресурслари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, ерсиз бу тармоқларнинг бўлиши мумкин эмас; қишлоқ хўжалигида инсон ўз фаолиятини ерга қаратади, унга ишлов беради, экин экиб парвариш қилади, натижада ер меҳнат предмети сифатида намоён бўлади. Маданий экинлар етиштириш жараёнида кишилар тупроқнинг механик, кимёвий, биологик хусусиятларидан фойдаланиб, уни меҳнат қуролига ҳам айлантиради.

Қишлоқ хўжалиги учун ернинг аҳамиятини катта эканлигини таъкидлаган ҳолда, ҳар қандай ер майдони ҳам бу соҳада интенсив фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини ҳам айтиб ўтиш керак. Бинобарин, ҳудудларнинг қишлоқ хўжалик салоҳияти экин экиладиган ёки ҳайдаладиган ер ва умумий ер майдонининг нисбати, ер фондининг ҳажми ва таркиби орқали белгиланади. Айниқса, суғориладиган ер майдони билан қишлоқ аҳолисининг таъминланганлик даражаси катта мазмунга эга. Фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонининг ҳажми шу жойнинг геоморфологик ҳолатига ҳам боғлиқ. Чунончи, текис бўлмаган ҳудудларда ер коэффиценти нисбатан паст бўлиши аниқ.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ихтисослашувини иқлим шароитлари, ҳарорат, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари кўп жиҳатдан ифодалаб беради. Иқлим салоҳияти, яъни иқлим шароити ва ресурслари қишлоқ хўжалиги ривожланишини белгилайдиган муҳим табиий омиллардан биридир. П.И.Колосков (1971) иқлимни муҳитнинг (географик қобикнинг) метеорологик компоненти, агроиқлимни эса агрономик муҳитнинг метеорологик компоненти деб ҳисоблайди. Ф.Ф.Давитая (1964) эса иқлим ресурслари – бу иқлим элементлари модда ва энергиянинг миқдоридир, унинг қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланиладиган элементлари – радиация, намлик, иссиқлик, шамол ва б. агроиқлим ресурсларини ҳосил қилади деб айтади.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар (иқтисодий географик ўрин, аҳоли ва меҳнат ресурслари, истеъмол, саноат, транспорт инфратузилмаси ва б.) ҳудудларда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилиши иқтисодиётнинг саноатлашуви, аҳоли сони ва зичлиги, урбанизация, ер фондидан фойдаланиш ҳолати, транспорт инфратузилмаси ва алоқалари каби омилларга бевосита боғлиқ.

Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базаси ва ишлаб чиқаришнинг механизациялаш даражасини белгилайди. ИТТ қишлоқ хўжалигини барча жараёнларига – таркиби, ихтисослашуви, ривожланиш даражаси, тармоқ ва ҳудудий жиҳатдан ташкил этиш, интенсивлиги ва бошқаларга кучли таъсир кўрсатади, натижада қишлоқ хўжалигида жиддий ўзгаришлар содир бўлади, булар қуйидагилар:

✓ қишлоқ хўжалигининг ривожланиши интенсив йўлга ўтиб, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, автоматлаштириш ва химоялаштириш, уни модернизация ва диверсификация қилиш шароитлари қулайлашади;

✓ қишлоқ хўжалигининг айрим соҳалари (паррандачилик, сут ва гўшт корхоналари, теплица хўжалиги) саноат йўли билан ривожланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари ИТТ таъсири остида мавсумийлик хусусиятини ўзгартиради. Чунончи, К.И.Ивановнинг “географик конвейер” назариясига кўра кўпчилик мева ва савзавотларни йил давомида мунтазам етиштириш натижасида аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш имконияти яратилади;

✓ генетика, селекция ва наслчилик ютуқлари, инновация асосида янги экин ва мева турлари ҳамда чорва моллари зотлари яратилиб, уларнинг географияси кенгайиб боради;

✓ дастлаб суғориш деҳқончилиги асосан дарёларнинг қуйилиш қисмида (дельта) шаклланган бўлса, ҳозир ирригация тизимининг (сув омборлар, каналлар, насос станциялари) ривожланиши уни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этишга сабаб бўлади;

✓ транспортнинг ривожланиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ташийдиган ҳамда сақлайдиган замонавий воситаларнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайишига ва меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади ва ҳ.к.

Қишлоқ хўжалигининг худудий ташкил этилиши жамият ишлаб чиқариш кучларини тарихий ривожланиш жараёни билан узвий боғланган. Жамиятнинг ривожланиши ва илмий техник тараққиётининг даражасига қараб қишлоқ хўжалиги тизими ва унинг худудий ташкил этиш йўналишлари ўзгариб боради. Хусусан, жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши содда ва бетартиб тизимдан, меҳнат кооперацияси ва интеграцияси асосида худудий жиҳатдан оддий гуруҳлар, тармоқ ва тармоқлараро мажмуаларни ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. -Т: Fan va texnologiya, 2014. 340 б.
2. Иванов К.И. Территориальные системы общественного производства. -М.: Мысль, 1975. 272 с.
3. Колосовский Н.Н. Избранные труды. – Смоленск: Ойкумена, 2006. –336 с.
4. Крючков В.Г. Территориальная организация сельского хозяйства. (Проблемы и методы экономико – географического исследования). – М.: Мысль, 1978. – 268 с.
5. Ракитников А.Н. Избранные труды – Под ред. В.Г.Крючова. – Смоленск: Ойкумена, 2003. – 472 с.
6. Солиев А. Иктисодий география: назария, методика ва амалиёт. – Т: Камалак, 2013. – 184 б.

EKOTURIZM SALOHİYATINING MAMLAKATIMIZDA TUTGAN O'RNI

Qo'ziyev F., Abduxalikov Q., Musurmonov A.*

Nizomiy nomidagi TDPU

So'ngi yillarda turizm jahon iqtisodiyotidagi tez rivojlanib kelayotgan tarmoqlardan biri hisoblanadi. Turizm keyingi 60 yilda mislsiz ravishda rivojlanib bordi. Bugungi kunga kelib jahon mamalakatlari rivojlanishida alohida o'rin tutgan sohalaridan biri shubhasiz turizmdir. Dunyoning rivojlangan mamlakatlari (Kanada, AQSh, Xitoy, Italiya) qatori, rivajlanayotgan davlat lar (Keniya, Ekvador, Kosta-Rika, Nepal) ham turizmning yirik tarmog'i hisoblanmish ekoturizmdan katta daromad olmoqdalar.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar samarasi o'laroq, iqtisodiyotning turli jabhalarida – qishloq xo'jaligi, transport, turizm, shuningdek, ijtimoiy sohalar – sog'liqni saqlash, sport, ta'lim tizimi kabilarda katta amaliy ishlar o'z ifodasini topmoqda.

O'zbekiston qadimdan jahon madaniyati o'choqlaridan biri bo'lib kelgan. Bu yurtдан ko'plab allomalar, olimu fuzalolar, buyuk sarkardalar etishib chiqqanligi, mamlakatimiz ulug' avliyo-anbiyolarning yurti ekanligi, bunday ajdodlar tug'ilib ijod etgan tuproqda yashashdek sharafga muyassar bo'lganimiz qalblarda faxr tuyg'usini uyg'otadi. O'zbekistonning barcha hududlarida, o'ziga hos maftunkor daryo vodiylari, hurviqor tog'lari, keng maydonlarni egallagan cho'l va adirlarida ham ekoturizmni rivojlantirish borasida ulkan imkoniyatlar mavjud.

Hozirgi kunda turizmning ko'plab turlari ommalashmoqda. Shulardan eng muhimlaridan biri ekoturizmdir. Ekoturizm (yoki ekologik turizm) – biror hududning tabiiy va madaniy-etnogeografik xususiyatlari bilan tanishish maqsadida tabiiy muhitga qilinadigan sayohatdir. Ekoturizm o'tgan asrning oxirlaridan jahon turizm jabhasiga asta-sekin kira boshladi.

O'zbekistonda turizmni rivojlantirish borasida bir qator farmon va qarorlarning imzolanishi hamda amaliyotga keng joriy etilishi, mamlakatimiz turizm salohiyatining yuqoriligi va turizmga doir tadqiqotlarning rivojlanishi muhim ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. O'zbekistonning tabiiy geografik joylashishi, relyafi, iqlimi, gidrologik xususiyatlari va organik dunyosining rang-barangligi biologik va landshat xilma-xilligini rivojlantirish imkoniyatlari yuqoriligini ko'rsatadi. Bu borada ayniqsa tog'li xududlar katta ustunlikka ega. Ushbu serviqor tog'lardan minglab daryo va soylar boshlanadi. Tog'li hududlarda maftunkor tabiat mo'jizalari shakllangan bo'lib, tabiat hosil qilgan shunday mo'jizalarga sharshalar, daralar, g'orlar, qoyalar misol bo'ladi. Ushbu salohiyatning quyidagi ekoturistik resurslar belgilab beradi.

Tog'lar tabiati insonlarga doim hush yoqib kelgan. Ular musaffoligi bilan davolanishda ham yordam beradi. Tog'larda yozda ob-havoning salqinligi, kuz va bahorda o'ziga xos mo'tadilligi bilan xarakterlanadi. Sovuq bo'lmaydigan kunlar 200-220 kunni tashkil etadi. Yog'in tekislikdan tog'larga tomon ortib 290 mm dan 950 mm gacha o'zgaradi. Iqlimning bunday

*Qo'ziyev F., Abduxalikov Q., Musurmonov A. -Nizomiy nomidagi TDPUning talabalari.

xususiyatlari mintaqada ekoturizmni yil bo'yi tashkil etish uchun juda qulay. O'zbekiston tog' vodiylari geomorfologik-ekoturistik resurslarga: daralar (tangi, kanyon), g'orlar, qoyalar, karlinglarga ancha boyligi bilan tavsiflanadi.

O'zbekiston tog'lari organik resurslarning (ayniqsa o'simliklarning) mavsumiy almashinishi bilan xususiyatlidir. Masalan: bahorda, tog', tog' oldi, yonbag'irlari, efemerlar bilan yoppasiga qoplanib o'zgacha tarovat kasb etsa, kuzda tog'-vodiy qiyofasi dav-daraxtning barg tashlashi bilan

o'zgaradi. Yana shuningdek, bahorda qushlar, turli sut emizuvchilar harakati faollashsa qishda tog'larning 2200 m baland qismlarida yovvoyi tabiatning kam sonli etalonlari-qor barsi, silovsin, Tyanshan qo'ng'ir ayig 'i kabi jonivorlarni uchratish mumkin.

Daryolar, soylar, sharsharalar, tog' ko'llari, yuzlab buloqlar (ularning aksariyati maftunkorligi bilan birga shifobaxshligi bilan ham ahamiyatli,) muzliklar tog' landshafti bilan uyg'unlashib go'zal manzara hosil qilgan. Yuqoridagi fikirlarga ko'ra ko'rsatilgan ekoturistik resurslar tog'-vodiy landshaftlarining ekoturistik salohiyati naqadar yuqori ekanligini belgilaydi. Ushbu imkoniyatlardan foydalanish mamlakat iqtisodiyotini o'sishida muhim ro'l o'ynaydi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 3 maydagi farmoniga asosan "Zomin – farm", "Boysun – farm", "Bo'stonliq – farm", "Parkent – farm" kabi erkin iqtisodiy zonalarini tashkil etilishi, mamlakatimiz tog'li tumanlaridagi dorishunoslik uchun zarur bo'lgan dorivor o'simliklarning keng tarqalganligini aytib o'tsak bo'ladi. Bu o'z navbatida ekoturizm bilan bevosita bog'liq. Turistlarni bu hududlarga qiziqishini uyg'otish va ekoturistik infratuzilmalarni rivojlanirish muhim masalalaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mamatqulov X.M., Bektemirov A.,B., Norchayev A.N., Xalqaro turizm T.: 2009.
2. Rafiqov A.A., Xojimatov A.N., Alimqulov N.R., Xolmurodov Sh.A. Geoekologiya asoslari. T.: — TDPU, 2015.
3. Soliev A. O'zbekiston geografiyasi (O'zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi) T.: Universitet 2014.
4. Yaqubov O'.Sh., Vahobov H. Rekreatsion geografiya asoslari. – T.: Fan va texnologiya, 2012.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ МАКОН СИФАТИДА

Хидиралиев К.Э., Азимов Н.Б.*

Гулистон давлат университети

Бозор ислохотлари шароитида, тез суръатлар билан ривожланаётган фан-техника тараққиёти даврида, ҳар бир давлатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий имкониятларининг бирлаштирилиши, ўзаро узвий ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйилиши ўзига хос ва мос равишда давр талабидир.

Ушбу доирада мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, яъни 1993 йил январь оyi бошларида Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари ягона иқтисодий маконни шакллантириш мақсадида Тошкентда тўпланишган эдилар. Ягона иқтисодий макон яратиш зарурлиги қайд этилган эди. Аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра, узоқ вақт ўз амалий натижасини бермаган ушбу жараён, бугунги кунда долзарб масала бўлиб майдонга чиқмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизида, айнан ташқи сиёсат масаласи ҳам бўлиб, унда Марказий Осиё минтақасида ягона иқтисодий маконни шакллантиришга ҳаракат қилинди ва ҳозирда ўз натижасини берди. Буни дунё экспертлари ҳам юқори баҳолашмоқда. Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон шакллантирилди ва унинг географияси кенгайиб бормоқда.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий маконни ташкил қилиниши асосида, улар ўртасидаги унга тўсиқ бўладиган барча ғовлар имкон қадар олиб ташланди ва шу асосида интеграция алоқалари йўлга қўйилди. Таъкидлаш лозимки, ана шу шаклланган

* **Хидиралиев Комил Эсанович**-ГулДУ "Экология ва география" кафедраси доценти, г.ф.н.;
Азимов Нозимжон Ботир ўғили-Тошкент вилояти Оққўрғон тумани 30-сонли мактаб ўқитувчиси.

иктисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамкорлик бирор бир давлатга қарши қаратилмаган, балки унинг мақсади фақат иқтисодий фаолиятлардан иборатдир:

- ҳамкорлик иштирокчилари бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишларда ҳар тарафлама барқарор алоқалар ривожланишига кенг йўл очилди;

- ҳамкорлик доирасида ҳукумат раҳбарлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилди. Улар мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқдилар ва кейинги ривожланиш йўллари белгилаб бердилар;

- сув ресурслари, энергетика тизими, туризм соҳаси ва транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича давлатларaro келишувлар йўлга қўйилди;

- минтақа хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар қилинди. Президентимиз ташаббуслари билан Афғонистон республикаси билан йўлга қўйилган муносабатлар, бунинг тўлақонли исботидир.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси барча асрлардан буён Ғарб билан Шарқнинг йирик сиёсий кучлари “назари” тўкнашган минтақалардан ҳисобланади. Тахминан 70 млн. дан ортиқ аҳоли яшайдиган мазкур минтақа нафақат демографик, балки бой табиий-иқлимий ва минерал хом ашё ресурсларга, муҳим сиёсий ва транспорт географик ўринга ҳам эгаки, уларнинг барчаси жаҳон ҳамжамиятининг Марказий Осиёга бўлган стратегик қизиқишини янада ошишига олиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиёда иқтисодий-ижтимоий ривожланишга эришиш учун давлатларaro иқтисодий интеграцияни ривожлантириш талаб қилинмоқда. Бунинг учун Марказий Осиё республикалари қулай имкониятларга эга:

- уларнинг туб жой аҳолиси азалдан миллий этник, диний умумийликка, ягона маконда қардошлик муносабатлари асосида яшаб келмоқда;

- минтақада тарихан шаклланган умумий коммуникация тизимлари мавжуд. Минтақа давлатлари ягона энергетика, транспорт ва сувдан фойдаланиш тизимларига эга;

- Марказий Осиё республикаларида чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида ҳам қулай имкониятлар бор.

Юқорида таъкидланганидек, бу ерда умумий ижтимоий-иқтисодий инфратузилма, улкан минерал хом ашё, ҳамда инсон салоҳияти катта. Шунингдек, минтақада телекоммуникация тизимининг ривожланиши билан яқин келажакда йирик бозор ҳам вужудга келиши табиий.

Ўзбекистондаги туб иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар бутун Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва геоэкологик аҳволга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳадаги ислохотлари мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам дунё эътибор марказига айланиб бормоқда. Қўшни давлатлар билан илгари ҳукм сурган кескинликнинг юмшатилиши, чегарадан ўтишнинг енгиллаштирилиши, ўз навбатида икки давлат халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришларга олиб келди (Мирзиёев Ш., 2017).

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилган ички, минтақавий ва халқaro доирадаги сиёсати Ўзбекистонни ва Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатларни янги босқичга олиб чиқди.

Қирғизистон ва Тожикистон республикалари билан ўзаро манфаатли алоқалар, хайрихоҳ дўстлик, самимият, тарихий қардошлик асослари изга туширилди. Минтақа давлатлари ўртасидаги музокаралар марказида чегараларни делимитация қилиш, иқтисодий ҳамкорлик масалаларига ҳам кучли ўзаро манфаатдорлик асосида эътибор қаратилди.

Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланишни шаклланишида, бозор механизмлари асосида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришда, ўзига хос иқтисодий-географик асосга эга бўлган Афғонистон кучли таъсир этади. Шу муносабат билан Афғонистондаги иқтисодий-ижтимоий тараққиётни мўътадиллаштиришга мамлакатимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 72-сессиясида Президентимиз Ш.Мирзиёев нутқ сўзлаб – Афғонистондаги вазиятни

барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти эканлигига алоҳида эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз жанубдаги қўшнисининг иқтисодий жиҳатдан тикланишига, транспорт ва энергетика тузилмаси ривожланишига, миллий кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Ушбу доирада “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шерикчилик” мавзусидаги Афғонистон бўйича халқаро ва минтақавий конференция 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтди. Бу конференцияда Россия, ХХР, АҚШ, Покистон, Эрон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, БАА, Туркия, Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, БМТ ва Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия каби мамлакатлар иштирок этди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда минтақа доирасида мустакам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу ерда асосан, *сиёсий доирада* – Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни таъминлашга, *иқтисодий доирада* – ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, кимё ҳамда металлургия саноати, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳликка, инфратузилмага устувор даражада эътибор берилмоқда.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2017.-18 б.
2. Қаямов А., Пардаев Ғ.Р., Исломов И. Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси.-Т.: Университет, 2015.-34 .

III-шўъба. ГИДРОЛОГИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ТОПОНИМИКА МУАММОЛАРИ

МИКРОТОПОНИМИЯ ВА ГЕОГРАФИК ЖОЙ НОМЛАРИНИ ГУРУХЛАШТИРИЛИШ

Авезов М.М., Миракмалов М.Т.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Мамлакатимизда 2012 йил 16 октябрда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Қонунга мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 295-сонли қарори эълон қилинди. Қарорда асосан мамлакатимизда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масаласига жиддий эътибор берилган. Унга мувофиқ, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Республика комиссияси ҳамда ҳудудий комиссиялар тузилди. Ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифаларидан бири ҳар бир ҳудуд (вилоят, туман, қишлоқ, овул) топонимларини чуқур ўрганиб, уларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу ҳолат аввало ҳудудий топонимия бўйича муайян билимларни талаб қилади.

Маълумки, мамлакатимиз ҳудуди топонимлари бир-биридан келиб чиқиш тарихи, шаклланиши, мазмун-моҳияти, географик тарқалиши, ёзилиши, маъноси, қайси турга ва тилга оид эканлиги ва бошқа хусусиятларига кўра фарқ қилади. Номлар турли-туман ва ҳар бир ҳудудда муайян турдаги жой номлари устунлик қилади. Масалан, Қуйи Амударёда гидронимлар ва этнонимлар, Жанубий Ўзбекистонда оронимлар ва этнонимлар кўпроқ тарқалган ва ҳоказо. Ҳудудий топонимиянинг асосий вазифаларидан бири айнан муайян ҳудуд бўйича географик жой номларини чуқур илмий тарзда тадқиқ этишдир. Ана шу мақсадда ушбу мақолада Бухоро вилояти топонимлари ва уларнинг турлари ҳақида тўхталамиз.

Географик жой номларини гуруҳлаштирилган ҳолда ўрганиш яхши самара беради. Маълумки, географик жой номларини гуруҳлаштириш машҳур топонимист олимлар – Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев ва бошқалар томонидан амалга оширилган .

Ҳ.Ҳ.Ҳасанов жой номларини қуйидаги турларга ажратган: 1) жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимга боғлиқ номлар; 2) сувга боғлиқ номлар - гидронимлар; 3) ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар; 4) фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар; 5) ҳунар-касбдан, маъмуриятдан олинган номлар; 6) халқ, қабила, уруғларга боғлиқ номлар; 7) шахсларнинг исм-фамилияларига кўйиладиган номлар; 8) афсонавий ва диний номлар; 9) ғаройиб номлар; 10) янги замон номлари [4]. Ушбу турдаги топонимлар ичида Бухоро вилоятида энг кенг тарқалганлари қуйидагилар:

Жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимга боғлиқ номлар: Дидароз- Когон туманидаги қишлоқ. Тожик тилида Деҳи дароз сўзи “узун қишлоқ” деган маънони билдиради. *Закош* - Ғиждувон туманидаги қишлоқ. Ромитан туманидаги қишлоқлардан бири эса Закаш деб номланади. Бу иккала ном ҳам битта ўзакка эга бўлиб, *захкаш* сўзидан олинган. Тожик-форс тилида *зах* сўзи “шўр”, “туз” деган маънони билдиради, *каш*-қўшимча. Захкаш деганда партов, зах сув оқадиган ариқ, зовур тушуниланган. Ер ости сувлари сатҳини пасайтириш ҳамда ерларнинг шўрини ювиш натижасида вужудга келган яроқсиз сувларни хўжаликда фойдаланила-диган ерлардан чиқариб юбориш мақсадида қазилган зовурлар Бухорода *захкаш* (вилоятнинг айрим жойларида, хусусан Қоракўл туманида маҳаллий аҳоли бундай зовурларни *зекаш* деб атайди) дейилади. *Пешку* - Пеш – “олд”,

*Авезов Мухриддин Мақсуд ўғли – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультети “Табиий география” кафедраси 2-курс магистранти;

Миракмалов Мирали Туронбоевич - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Табиий география” кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент.

“олди”, “олдинги томон”, кўй – “кўча”, “гузар” деган маънони билдиради. С. Қораев топоним таркибидаги кўй сўзи кўх – тоғ бўлиши ҳам мумкин деб ҳисоблайди. **Шўристон-Шофиркон** ва **Ғиждувон** туманидаги қишлоқлар. Шўристон – “шўр босган жой”, “шўр ер”, “шўрхок” деган маъноларни англатади. **Қорақир**- кўл номи. “Қора” сўзининг “шимол” маъноси ҳам борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, топоним “шимолдаги баландлик”, “шимолдаги тепалик (қир)” демакдир. Ҳақиқатдан ҳам кўл аҳоли манзиллари-воҳалар (Бухоро ва Қорақўл) га нисбатан шимолроқда жойлашган.

Ўсимлик ва ҳайвонларга боғлиқ номлар(фитоним ва зоонимлар): Жонгелди - овул, С. Қораев “... овул номи асли Жингилди- “юлғунзор”, “юлғунли” ёки Шенгелди- “Чангалли”, “Чангалзор” (маҳаллий аҳоли тилида “Жангалли”, “Жангалзор”) бўлса керак” деб ҳисоблайди. Жонгелди этноним бўлиши ҳам мумкин, чунки, қорақалпоқ кўнғиротларининг *жангелди* деган кичик бир шаҳобчаси бўлган [2, 3]. **Қандим** - Қорақўл туманидаги қишлоқ. Қишлоқ худуди қумли чўллар билан бевосита туташ эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қадимда бу ерда чўлларда кенг тарқалган *қандим* ўсимлиги кўп ўсган бўлиши мумкин. Фикримизча, топоним айна мана шу ўсимлик номидан келиб чиққан бўлса керак. **Қарағанжийда** - Олот тумани худудидаги кўл номи. Қарағанжийда русчада облепиха деб аталувчи сертикан доривор ўсимлик, ўзбек ботаник илмий тилида *жирғаноқ* деб аталади. Аммо, бу ном қирғизчадан ўтган. Қарағанжийда шу ўсимликнинг ўзбекча номи бўлса керак, деб ҳисоблайди С.Қораев [2].

Фойдали қазилмаларга боғлиқ номлар: Газли - шаҳар. XX асрда мамлакатимизнинг энг йирик газ кони негизида вужудга келган бўлиб, шундай ном олган. **Газу**- Бухородаги қишлоқ. Газли топонимининг қозоқ тилида траскрипцияга учраши натижасида шундай номланган бўлиши мумкин. Чунки, бу худудда маҳаллий аҳолининг жуда кўпчилигини қозоқ миллатига мансуб кишилар ташкил этади.

Ҳунар-касбдан, маъмуриятдан олинган номлар: Бахмалбофон- Бухоро туманидаги қишлоқ. Тожикча бахмалбоф “бахмал тўқувчи” деган маънони билдиришини, -он кўплик аффикси эканлигини ҳисобга олсак, бу жой номи “Бахмал тўқувчилар” демакдир. **Даббоқи**- Қорақўл туманидаги қишлоқ бўлиб, тожик тилида даббоғ – “тери ошловчи”, “чармгар” демакдир [3]. Бу ерда қадимда аҳоли чармгарлик, тери ошлаш билан шуғулланган. Ушбу номни бугунги кунда маҳаллий аҳоли Даббақи деб атайди. **Дарғали** ҳам Қорақўл туманидаги қишлоқ бўлиб, бу сўз мўғулчадан олинган, дарға - доруға “бошлиқ, раис, қўмондон” деган маъноларни билдиради. Айрим кишиларнинг фикрича, дарға сўзи ўз навбатида “ёзмоқ, қисмоқ” маъносидаги дарахт феълидан келиб чиққан. **Дегреси**- Бухоро гузарларидан бири. Бу сўз “қозон қуйиши” деган маънони билдиради. Гузар аҳолиси кўпинча омоч тиши кўйиб кун кечиргани учун “позагар” деб аталган. **Дуктарош**- Бухоро ва Вобкент туманларидаги қишлоқлар номи. Дуктарош тожикча сўз бўлиб, “дук устаси”, “йик (дук) ясайдиган уста” деган маънони билдиради. **Мешкарон** - Бухоро туманидаги қишлоқ. Тожик тилида мешигар “меш устаси”, “меш ясовчи киши”, “қўй терисига ишлов берувчи киши” деган маънони билдиради [3]. Топоним охиридаги –он эса кўплик аффикси. **Мокусозон** ҳам Бухоро туманидаги қишлоқ бўлиб, Моки (тикув машинасининг ип ўраладиган қисми) тожикчада моку кўринишида талаффуз қилинади; мокусозан сўзи “моки ясайдиган кишилар”, “моки усталари” деган маънони билдиради. **Совунгарон**- Ромитан туманидаги қишлоқ. Топоним тожикча сўз бўлиб, “совунгарлар”, “совун пиширувчилар”, “совун қайнатувчилар” деган маънони англатади. Совунгарлик махсус касб бўлган, совун қайнатувчи кишилар *совунгар* деб аталган.

Халқ, қабила, уруғларга боғлиқ номлар(этнонимлар): Арабхона- Қорақўл туманидаги қишлоқ. Арабхона келиб чиқишига кўра этноним бўлиб, “Араблар яшайдиган жой” демакдир. **Баёт**- Қорақўл туманидаги қишлоқ. Қадимги турк тилида бу сўз “худо, тангри” деган маънони билдиради. Баъзи манбаларга кўра баёт- боёт яъни “бойлар” дегани. С. Қораевнинг маълумотларига кўра туркманларда баёт деган қабила бўлган. Қишлоқнинг географик ўрни Туркманистон Республикаси худудига яқин эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ердаги аҳоли ўша қабила вакиллариининг авлодлари бўлиши мумкин. Чунки,

Қоракўл воҳасида авваллари жуда кўп баётлар яшаган. **Баҳринбаёт**- Қоракўл туманидаги қишлоқ. "... Бу қишлоқнинг номи баҳрин ва баёт уруғларидан бўлган кишилар биргаликда яшаганликлари учун шундай ном олган бўлиши мумкин" деб ёзади С.Қораев [2, 3]. Ўрта асрларда мўғулларда эри бир уруғдан, хотини эса иккинчи уруғдан бўлган аждоддан тарқалган уруғни Т.А. Джанко шундай номланган деб ҳисоблайди. **Дўрман**- Қоракўл туманидаги қишлоқ. XVI –XVII асрларда Даштиқипчоқдан келган ўзбек қабилаларидан бирининг номи. Дўрманлар қадимдан Зарафшон водийси, Сурхондарё ва Тошкент воҳаларида яшаган. Мўғул тилида дўрбун (дўрман) -“*тўрт*” дегани. **Миришкор** – Қоракўл туманидаги қишлоқ. Миришкор (меришкор) ўзбек миллати таркибига қирадиган қabila номи. Миришкор сўзи “*ов ҳокими*”, “*ов амири*” деган маънони билдиради. **Муғат** – Вобкент туманидаги қишлоқ. Ўрта Осиё лўлилари ўзларини муғатлар деб атайдилар. Суюн Қораевнинг маълумотларига кўра муғат асли муз яъни “*оташпараст*” сўзига арабча кўплик аффикси –*от* қўшилиб ясалган. **Олот** – шаҳар, Олот тумани маркази. Олот - Арлот қабиласи номининг диалектал талаффузидир. Бухоро туманида Олотхона деган қишлоқ ҳам бор. Қадимда Бухоро воҳасида бир оз арлотлар бўлган. Топоним қabila номидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. **Ромитан**- Ромитан туманидаги қишлоқ. Топоним таркибидаги митан сўзи “*қўрғон*”, “*қалъа*” деган маънони билдиради. И. Магидовичнинг фикрича Бухоро воҳасида *ромети* деган кичкина уруғ бўлган, Ромитан сўзи ўша этнонимдан келиб чиққан [2]. **Сайёд**- Қоракўл туманидаги қишлоқ. Сайёд сўзи “*овчи*” деган маънони билдиради. Аммо, С. Қораев “асл номи саёт бўлса керак” деб ҳисоблайди [3]. Биз ҳам шу фикрга қўшиламыз. Қишлоқни маҳаллий аҳоли бугунги кунга қадар Саёт деб атайти. Саёт - *саёт* уруғи номи. Б.Х. Кармишева саётни ўзбек қабиласи деса, И. Магидович туркман қабиласи деб ҳисоблайди [2]. **Сандиқли**- чўл. “...Сандиқли деган туркман уруғи бор. Топоним шундан келиб чиққан бўлса керак” дея уқтиради С. Қораев. **Сайнхидрейли**- Қоракўл туманидаги қишлоқ. Хидрейли (хидирели) – туркман уруғи номи. Саин ҳам этноним бўлиб, мўғул тилида “*ҳомий*” деган маънони билдиради, деб ҳисоблайди С. Қораев [3]. Худди шу туманнинг ўзида Саинқоровул деган қишлоқ ҳам бор. **Толқонсаёт**- Қоракўл туманидаги қишлоқ номи. Толқонсаёт - уруғ номи.

Халач- Бухоро ва Вобкент туманларидаги қишлоқларнинг номи. Халач (халаж) қабиласи номи билан аталади. Бу қabila вакиллари X асрда Афғонистоннинг жанубида яшаган. Суюн Қораевнинг маълумотларига кўра, улар асли туркий халқ бўлган [3]. **Чандир**- Қоракўл туманидаги қишлоқнинг номи. Вилюятнинг бошқа туманларида ҳам бундай номдаги қишлоқлар кўп. Маҳаллий аҳоли қишлоқ номини *чайла* (*чодир*), “*чандир тери*” деган сўз деб изоҳлайди. Аслида чандир туркман уруғларидан бири бўлиб, ўзбеклар орасида ҳам тилга олинади. Абу Хайён чандир сўзини “*дурагай*”, “*қурама*” деб изоҳлаган. **Қозон**- Қоракўл туманидаги қишлоқ номи. Маълумотларга кўра қозон, қурқозон деган уруғлар бўлган. Топоним шу уруғлар номидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Афсонавий ва диний номлар: **Ваҳим**- Қоракўл туманидаги қишлоқ. Бу сўз арабча вақф сўзининг жонли тилда бузилган шаклидир. “...Ваҳим (воҳим) “*васият қилинган, инъом этилган, бағишланган*” деган маънони билдиради” дея маълумот беради С. Қораев. Мазкур термин мамлакатимиздаги жуда кўп жой номларида учрайди ҳамда Вақф, Вақиф, Воҳим, Вақм, Увақим каби шаклларда намоён бўлади.

Замонбобо- Бухоро вилюятидаги қўл номи. Кемирекқум чўлида, кенг қумликлар орасида жойлашган. Географик жой номининг нима сабабдан бундай аталганлиги номаълум.

Ғаройиб номлар: **Етимак**- Шофиркон туманидаги қишлоқ, маҳаллий аҳоли “етмак” деб талаффуз қилади. Бу номнинг турлича талқинлари бор: Етимак (ёки Ятимак)- “*етим бола*”, “*етимча*” дегани; Етимак деган оғирлик ўлчов бирлиги бўлган; етим сўзининг “*камбагал*”, “*қашшоқ*”, “*батрак*” дегани. **Хомхўрон**- Бухоро туманидаги қишлоқ. Хомхўрон тожикча сўз бўлиб, “*овқатни хом ейдиганлар*”, “*овқатни яхши пиширмасдан ейдиганлар*” деган маънони англатади. **Роҳатиноён**– Қоракўл туманидаги қишлоқ. Тожик тилида Роҳатиноён “*Роҳатнинг тугаши*”, “*Роҳатнинг якуни*” деган маънони билдиради.

Кўриниб турибдики, Бухоро вилояти топонимлари орасида жойнинг ҳолати, хосияти, ер юзаси ва иқлимга боғлиқ номлар, аҳолининг касб-хунаридан олинган номлар, уруғ, халқ ва қабилалар номидан олинган номлар кўпроқ учрайди. Худудий топонимик тадқиқотлар шу каби номларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳақиқатга яқин изоҳи билан бир қаторда номларнинг халқона ва илмий талқини ҳақида кўплаб маълумотлар тўпланишига асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 240 б.
2. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1978. – 203 б.
3. Фуломов П.Н. Топонимларнинг турлари ва жой номларини районлаштириш ҳақида мулоҳазалар// Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 42- жилд. – Т.: 2013- й. 8-10 б.
4. Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Географик номлар сирини. –Т.: “Ўзбекистон”, 1985.

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ЖОЙНИНГ ГЕОГРАФИК ЎРНИ ВА РЕЛЬЕФ ХУСУСИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТОПОНИМЛАР

Авезов М.М., Никадамбаева Х.Б.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Географик номлар кўпинча ўрганилаётган жойнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳолати ҳақида, ўша жойнинг географик ўрни, рельефи, ўзига хос хусусиятлари, сувлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси ҳақида қимматли маълумотларни беради. Шунинг учун ҳам жой номлари кўпчиликни қизиқтиради. Шундай бўлишига қармай жуда кўплаб номларнинг маъноси ҳали ҳамон сирлигича қолмоқда.

Бухоро вилоятида, шу билан биргаликда Республикамизда ҳам шундай маъно берувчи топонимлар борки, улар бевосита ўзларининг ўрнашган жойларига, шу жойнинг рельефига боғлиқ бирон бир хусусиятни ўз мазмунида акс эттиради. Бухоро вилоятида жойнинг географик ўрни, рельефи, ҳолати ва хусусиятига боғлиқ ҳолда вужудга келган номлар кўпчиликни ташкил қилади. Бундай топонимларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

Вилоятнинг Ромитан туманидаги кўрғонтепаннинг номи – **Баландтепа**. Ороним таркибидаги *баланд* сўзи атрофга нисбатан баланд жой, дўнглик маъносида. Топонимнинг иккинчи компоненти – *тепа* ҳам *дўнглик*, *тепалик*, *чўққи*, *бирор нарсанинг учи* деган маънони билдиради. Шундай экан, Баландтепа – «*баланд тепалик*» ёки «*тепаликнинг энг баланд жойи*» деган маънодадир. Ороним жойнинг рельеф хусусиятига кўра шундай ном олган.

Белтов – Бухоро вилояти Пешку туманидаги тоғ номи. Юртимизда Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти худудида ҳам худди шу номдаги тоғлар мавжудлиги қайд этилган. Топонимист ва терминшунос М.Миракмаловнинг маълумотларига кўра *белтов* соф табиий географик термин бўлиб, «*довондан ошиб ўтиш мумкин бўлган паст тоғ*» деган маънони билдиради ва худди шу кўринишда бир қанча жой номларини ҳосил қилади [3]. Профессор С.Қораев ҳам бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди [9]. Филолог олим Т.Нафасов халқ нутқида, ўғуз шеваларида бу сўзнинг *белдав* варианты ҳам мавжудлигини қайд этиб, у «*кўндаланг тарзда ўрнашган чўзиқ, ясси баландлик*» деган маънони билдириши ҳақида ёзади [5]. Бизнингча, топонимист ва терминшунослар С.Қораев ҳамда М.Миракмалов томонидан билдирилган биринчи фикр ҳақиқатга яқинроқ.

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги қудуқ номи – **Бошонтёпа**. Гидроним таркибидаги *–он* икки сўзни бир-бирига боғлашда хизмат қилган кўшимчадир. Номнинг биринчи компоненти – *бош* сўзи бу ерда «*бирор нарсанинг тепа қисми*», «*чўққиси*» деган маънода келмоқда. *Тёпа* – «*дўнглик*», «*тепалик*», «*баландлик*» дегани [9]. Шундай бўлса, Бошонтёпа – «*тепаликнинг энг баланд жойи*» деганидир. Топоним дастлаб қудуқ жойлашган

***Авезов Мухриддин Мақсуд ўғли** – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультети “Табиий география” кафедраси 2-курс магистранти;

Никадамбаева Хилола Батировна - Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Табиий география кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

худудга нисбатан берилган, кейинчалик кудук номига кўчган бўлиши мумкин. **Яна бир талқин:** академик В.В. Радловнинг маълумотларига кўра, *бошот* – булоқ (масалан, тош башат – *тош орасидан чиқадиган булоқ*), булоқча бўлиб, унинг машат шакли ҳам мавжуд [8]. Фикримизча, Бошонтёпа – «*тепалик (дўнглик) даги булоқ*» деганидир.

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги кудук **Говхона** деб номланади. Гидроним таркибидаги *гов* сўзи форсча-тожикча сўз бўлиб, *сигир (хўкиз)* ни билдиради. Аммо, профессор С.Қораев *гов* сўзининг «*катта*», «*улкан*» деган маънолари ҳам борлиги тўғрисида уқтиради [9]. Яна бир топонимист олим Т.Нафасов эса «*гов* асли форсча-тожикча *гав/гавд* сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «*чуқур*», «*чуқурлик*», «*пастқам, халқоб жой*» деган маъноларни билдиради», – деб таъкидлайди [5, 6]. *Хона* сўзи ҳам «*қишлоқ*», «*овул*», «*бирор нарса кўп жой*» каби бир қанча маъноларни англатади. Юқоридаги фикрларни инобатга оладиган бўлсак, Говхона – «*чуқурликдаги, пастқам жойдаги қишлоқ*», «*ёнидаги ердан паст бўлган жойдаги қишлоқ*» деган маънони англатади. Уни «*сигирхона*», «*молхона*» деб изоҳлаш нотўғридир. Топоним дастлаб шу ердаги аҳоли пунктининг номини билдирган ва кейинчалик кудук номига кўчган. Республикамизнинг Қашқадқарё вилоятида ҳам Говхона, Говқишлоқ каби топонимлар мавжуд. **Бошқа бир талқин:** филологлар З.Дўсимов ва Х.Эгамовлар топоним таркибидаги *гов* сўзи форсча-тожикча *об* сўзининг фонетик варианты деб ҳисоблайдилар [2]. Бунга кўра, Говхона – «*сув сақлагич*» ёки «*сув омбори*» деган маънони билдиради.

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги урочишче **Девхона** деб номланган. Жой номи таркиби иккита сўздан – *дев* ҳамда *хона* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *дев* сўзини профессор Т.Нафасов *деҳ (қишлоқ)* сўзининг ўзгарган шакли деб ҳисоблайди [5, 6]. Таниқли рус топонимист олими Э.М.Мурзаев ҳам *деҳ* терминининг *дих, дев, дек, де* каби бир қанча кўринишлари мавжудлиги ҳақида фикр билдирган [4]. Бу борада филолог Н.Охуновнинг фикри ҳам алоҳида эътиборни тортади. Н.Охунов топоним таркибидаги *дев* сўзи асли *дева*, яъни адабий тилимиздаги *тепа* терминининг маҳаллий аҳоли нутқида фонетик ўзгаришга учраган шаклидир, деб ҳисоблайди. *Тева* сўзидан дастлаб икки унли ўртасидаги П товуши В товуши билан алмашган, сўнг жарангли В товуши таъсирида сўз бошидаги жарангсиз Т товуши жаранглилашиб, Д ҳолатига келган: *Тевахона* > *Тевахона* > *Девахона* > *Девхона* [7]. *Дев* сўзи маҳаллий аҳоли «*бахайбат*», «*улкан*» маъноларида ҳам тушунади. Топонимнинг иккинчи компоненти – *хона* сўзи С.Қораевнинг маълумотларига кўра «*қишлоқ*», «*турар жой*», «*бирор нарса кўп жой*» деган маъноларни англатади. Профессор С.Қораев бу сўз ҳатто кичик уруғ номи бўлиши ҳам мумкинлигини қайд этган [9]. Таниқли терминшунос ва топонимист М.Миракмалов эса Бухоро воҳасида «*қатор тепа*», «*узун чўзилган баландлик*» маъноларини билдирувчи *хома* деб аталувчи халқ (маҳаллий) табиий географик термини мавжудлиги ва у шу кўринишда бир нечта жой номларини ҳосил қилганлигини қайд қилган [3]. Урочишче жойлашган худуд кенг кумликлар, баланд платолар оралиғида жойлашганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳар иккала сўз (топокомпонент) ҳақидаги сўнгги иккитадан фикрлар ҳақиқатга яқинроқдир.

Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги плато **Жарқоқ** деб номланган. Плато Қоровулбозор аҳоли пунктдан шарқда, Жарқоқ урочишчесининг жанубида, Саритош тоғларининг шарқий қисмида жойлашган. Топоним таркиби иккита сўз – *жар* ва *қоқ* сўзларидан иборат. Топонимист С.Қораевнинг маълумотларига кўра, *жар* – бу сув ўйишидан ҳосил бўлган ва узунасига кетган, икки томони тик чуқурлик [9]. Топонимист ва терминшунос олим М.Т.Миракмалов ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди ва *жар* халқ табиий географик термини эканлигини таъкидлайди [3]. Таниқли ўзбек географи П.Н.Ғуломов эса бу терминни қуйидагича изоҳлайди: «*жар* – оқар сувларнинг (кўпинча вақтинча оқар сувларнинг) юмшоқ тоғ жинсларини ювиши натижасида ҳосил бўлган чуқурлик» [10]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *қоқ* эса чўлларда баҳорги ёғингарчилик вақтида сув тўпланадиган саёз ботикни, кўлмакни англатади [9]. Топонимист Қ.Ҳақимов бу топонимни «*жар ичида сув тўпланадиган кичик кўл, жар ёнидаги кўлча*» деб изоҳлайди [11]. Фикримизча, Жарқоқ – «*жарлик (чуқурлик) даги кўлмак*» деган маънони билдиради. **Бошқа**

бир талқин: профессор С.Қораев «чуяут уруғининг бир бўлими *жорғоқ*» деб аталишини уктиради ва фикрини давом эттириб, «жуни олинган тери *жорғоқ* дейилади» деб таъкидлайди [9].

Вилоятнинг Вобкент туманида **Жўйодок** номли қишлоқ мавжуд. Географик жой номининг таркиби иккита сўз – *жўй* ва *одоқ* сўзларидан иборат. Географик жой номининг биринчи компоненти – *жўй* сўзи «*ариқ*», «*канал*» деган маъноларни билдиради [3, 9]. Профессор Т.Нафасов форсча-тожикча *жўй* сўзининг «*сой*», «*кичик дарё*», «*ирмоқ*» каби маънолари ҳам борлигини таъкидлайди [5]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *одоқ* сўзи «*оёқ*», «*этак*» маъносидаги сўз [3]. Бу фикрни таниқли топонимист С.Қораев ҳам тасдиқлайди [9]. Демак, **Жўйодок** – «*ариқ (канал) нинг этаги, охири*» деган маънони билдиради. Қишлоқ номига унинг географик ўрни (яъни ариқ (канал) нинг қуйи қисмида, этагида жойлашганлиги) асос бўлган.

Каттасой – Бухоро вилоятидаги қуруқ ўзаннынг номи. Баҳорги серёғин мавсумда ахён-ахёнда сув билан банд бўладиган бу қуруқ ўзан Қулжуктов тизмасига ёғадиган ёғинлар ҳисобига сув билан тўлади. Профессор С.Қораевнинг маълумотларига кўра, топонимнинг биринчи компоненти – *катта* сўзи «*улкан*», «*эн, бўй, ҳажм, кўлам жиҳатидан меъёридан ортиқ*» деган маъноларни билдиради [9]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *сой* терминининг маъноси борасида эса топонимист ва терминшунослар С.Қораев ва М.Миракмаловларнинг фикрлари бир-бирини янада тўлдиради. Уларнинг таъкидлашларича, *сой* термини «*кичик дарё*», «*оқар сув*», «*сув йўли*», «*водий*», «*сув оқадиган настлик*» деган маъноларда мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида жой номларини ҳосил қилади [3, 9]. Профессор С.Қораевнинг маълумотларига кўра, Республикаимизнинг Андижон вилоятида эски ўзанлардан фойдаланиб очилган канал ҳам *сой* дейилади. Машҳур топонимист ва терминшунос Э.М.Мурзаевнинг таъкидлашича, *сой (сай, сайр, чай)* туркий сўз бўлиб, «*тоғ дарёчаси (кичик тоғ дарёси)*», «*водий*» деган маъноларни англатади [4]. Қашқадарё топонимияси бўйича етук мутахассис Т.Нафасов эса *сой* сўзи (термини) га қуйидагича таъриф беради: «*сой – икки томони қирсимон чўзиқ баландлик билан ўралган, ўртаси водий бўлган сайхонлик. Сой – баҳор ойларида ёғин сувлари оқадиган, ёзда қуриб қоладиган, кичик ўзанли оқар сув*» [5]. Юқоридагиларни инобатга оладиган бўлсак, **Каттасой** – «*улкан сой водийси*», «*катта сув йўли*» деганидир. Ороним дарёнинг қуруқ ўзани бўлганлиги сабабли шундай ном олган бўлса керак.

Комде – Вобкент тумандаги қишлоқнинг номи. Маҳаллий аҳоли қишлоқда аҳолиси ва ўчоқлари кўп бўлганлигидан шундай аталган деб ҳисоблайди. Бу фикр нотўғри. Бизнингча, топоним аслида *Комидеҳ* деб аталган. Кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, ҳозирги ҳолатга келиб қолган. Географик жой номининг биринчи компоненти – *ком* сўзи тожикча сўз бўлиб, асли «*огиз*» деган маънони билдиради. Аммо, бу сўзнинг «*катта ариқ*» маъноси Бухоро топонимияси учун айниқса аҳамиятлидир. Чунки, вилоятдаги аксарият жой номлари таркибида бу сўз айна шу маънода, яъни «*катта ариқ*» маъносида келади. Академик В.В.Бартольд мазкур термин тўғрисида фикр юрита туриб, «*ком* сўзи умумфорсий *жўй* сўзига нисбатан каттароқ каналларни билдиради», деб ёзади [1]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *деҳ* сўзи эса «*қишлоқ*» маъносини англатади. Демак, **Комде** – «*катта ариқ бўйидаги қишлоқ*» маъносидадир.

Вобкент туманидаги қишлоқлардан яна бири **Поноб** деб номланган. Қишлоқ 2006 йилга қадар *Работипоён* деб аталган. 2006 йил 27-декабрда **Поноб** деб ўзгартирилган. Қишлоқ номи аслида *Поёноб* бўлса керак. Географик жой номи таркиби иккита сўз – *поён* ва *об* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *поён* сўзи «*жой, масофа ва йўлнинг охири, этаги*» деган маънони билдиради [3]. Бу фикрни профессор С.Қораев ҳам тасдиқлайди [9]. Шарқ топонимиясининг билимдони Э.М.Мурзаевнинг маълумотларига қараганда, географик жой номининг иккинчи компоненти – *об* сўзи эса форсча-тожикча бўлиб, «*сув*», «*дарё*», «*кичик дарё*» каби маъноларни англатади [4]. Бу фикрни бир қанча ўзбек топонимист олимлари ҳам маъқуллайдилар. Демак, **Поёноб** – «*дарёнинг қуйи қисми*», «*сувнинг этаги*» деган маънони англатади.


Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. Том III. –М.: 1965.
2. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1977.
3. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. –Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.
4. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. –М.: «Мысль», 1984.
5. Нафасов Т. Қашқадарё кишлоқномаси. –Т.: «Мухаррир», 2009.
6. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистон-нинг жанубий районлари). –Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1988.
7. Охунов Н. Жой номлари табири. –Т.: «Ўзбекистон», 1994.
8. Радлов В.В. Опыт словаря тюркский наречий. Том IV. – СПб.: 1911.
9. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. –Т.: «Ўзгеодезкадастр», 2001.
10. Ғуломов П.Ғ. Жўрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати. –Т.: «Ўқитувчи», 1994.
11. Ҳақимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. –Жиззах.: «Сангзор» нашриёти, 2014.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИНИНГ ТОПОГРАФИК ХАРИТАЛАРДА ТАСВИРЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Алланов Қ.А., Абдумўминов Б.О*
Термиз давлат университети

Дунё бўйича топографик карталар ягона номенклатурага келтирилган бўлиб, турли минтақаларда жойлашган ҳудудлар ва мамлакатлар ўзига хос номенклатурага эгадир. Шу жумладан, бизнинг Ўрта Осиё минтақаси ва Ўзбекистон ҳудуди ҳам ўзига хос бўлган топографик хариталар ва номенклатурага эгадир. Ўзбекистон ҳудудининг топографик карталар ва номенклатура картасига назар ташласак, Ўзбекистон ҳудуди қуйидаги номенклатурага эга: L-40, L-41, K-40, K-41, K-42, K-43, J-41, J-42. Ушбу топографик карталарнинг барчаси 1:1000000 масштабда бўлиб, уларнинг кенглик бўйича 4⁰ ва узоклик бўйича 6⁰ га тенг ва улар Ўзбекистон ҳудудидаги барча топографик карталар учун асос вазифасини ўтайди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон ҳудудининг 1:1000000 масштабдаги топографик карталари


Мазкур харитадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон жанубий минтақаси ҳисобланган Сурхондарё вилояти топографик карталари учун J-42 номенклатурали 1:1000000 масштабдаги карта асос вазифасини ўтайди. Номенклатуранинг варақларга бўлиниши қонуниятдан

* Алланов Қ.А - Термиз давлат университети “География” кафедраси доценти
Абдумўминов Б.О - Термиз давлат университети “География” кафедраси ўқитувчиси

биламизки, Сурхондарё вилояти 2 та 1:500000 масштаблари карталарга бўлинади. Сурхондарё вилоятининг мазкур карталари унинг шимолий минтақаси J-42-A ҳамда жанубий минтақаси эса J-42-V номенклатуралари карталардан иборат бўлади (2,3-расм).



2-расм. Сурхондарё вилоятининг шимолий қисми J-42-A номенклатуралари карта



3-расм. Сурхондарё вилоятининг жанубий қисми J-42-V номенклатуралари карта

Бизга маълумки, топографик карталарнинг варақларга бўлиниши қонуниятидан 1:1000000 масштаблари топографик карта 144 та 1:100000 масштаблари карталарга бўлиниб кетади. J-42 номенклатуралари топографик картада Сурхондарё вилояти ҳудуди 21 та 1:100000 масштаблари топографик карталарни ўз ичига олади. Мазкур карталар Сурхондарё вилоятининг жами 21 та ҳудудини қамраб олган. Ушбу карталарнинг ҳар бири кенглик бўйича 20^1 ва узқлик бўйича эса 30^1 ни ташкил қилади. Шунини таъкидлаш керакки, 1:100000 масштаблари кўпгина топографик хариталар махфий хариталар саналади. Сурхондарё вилояти

худудини камраб олувчи 1:100000 масштабни топографик хариталар марказларининг кенглик бўйича координаталарини келтириб ўтамиз.

Сурхондарё вилоятидаги 1:100000 масштабни топографик карталар ва уларнинг номенклатураси

1-жадвал

Т/р	Номенклатура	Карта марказининг кенглик бўйича координатаси			Т/р	Номенклатура	Карта марказининг кенглик бўйича координатаси		
		градус	мин	сек			градус	мин	сек
1	J-42-39	38	50	0	12	J-42-74	37	50	0
2	J-42-40	38	50	0	13	J-42-75	37	50	0
3	J-42-41	38	50	0	14	J-42-76	37	50	0
4	J-42-50	38	30	0	15	J-42-77	37	50	0
5	J-42-51	38	30	0	16	J-42-86	37	30	0
6	J-42-52	38	30	0	17	J-42-87	37	30	0
7	J-42-53	38	30	0	18	J-42-88	37	30	0
8	J-42-62	38	10	0	19	J-42-98	37	10	0
9	J-42-63	38	10	0	20	J-42-99	37	10	0
10	J-42-64	38	10	0	21	J-42-100	37	10	0
11	J-42-65	38	10	0	-	-	-	-	-

Мазкур топографик карталардан бугунги кунда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиб келинмоқда ва келажакда янада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айниқса:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экин майдонларини лойиҳалаштириш ва кадастр ишларида;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда;
- геологик-разведка ишларида;
- мавзули хариталарни яратишда;
- саноат корхоналарини мақсадли жойлаштиришда;
- аҳоли манзилгоҳларини лойиҳалаштириш ишларида;
- гидротехник иншоотларини барпо қилишда;
- транспорт тармоқларини лойиҳалаштириш ишларида;
- ҳарбий топографик хариталарни яратишда;
- умумтаълим мактабларида бошланғич топографик билимларни беришда;
- олий таълим муассасаларида “Топография ва картография, ГИС” фанини ўрганишда ва шу каби бошқа топографик-картографик ишларда кенг фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Муборақов Х, Геодезия. Т.: Чўлпон, 2013
2. Mirzaliyev T., Musayev I., Safarov E. Ijtimoiy-iqtisodiy kartografiya. -Т., 2009
3. www.loadmap.net

ЗАРАФШАНСКОЕ МЕСТОРОЖДЕНИЕ ПОДЗЕМНЫХ ВОД

Алибаев С.А.*¹⁷

Национальный университет Узбекистана имени М.Улугбека

Месторождение приурочено к аллювиальным отложениям современной долины р. Зарафшан. Исходя из особенностей геолого-геоморфологического строения, условий питания, транзита и разгрузки подземных вод в пределах месторождения выделяются два участка – верхнезарафшанский, охватывающий территорию от Первомайской плотины до меридиана г.Самарканд (Ак-Карадарьинский водоотвода) и Акдарья – Карадарьинский от

*Алибаев С.А. – магистр факультета геолого-геоинформационные системы НУУз.

Ак-Карадарьинского вододелителя до п. Хатырчи. Отложения верхнезарафшанского участка отличаются преобладанием в разрезе валунно-галечников и гравия с незначительными прослоями суглинков и супесей общей мощностью 300 – 400 м. Здесь происходит формирование потока подземных вод и затем его разгрузка непосредственно в русло реки и водотоки Карасу. Глубина залегания уровня в верхней части конуса 70-80 м, в зоне выклинивания 0,5–3,0 м. Западнее Ак-Карадарьинского вододелителя наблюдается постепенное сужение долины и сокращение мощности гравийно-галечниковых отложений до 100 м. Здесь начинается зона вторичного погружения потока грунтовых вод и глубина залегания уровня увеличивается до 3–7 м. Расходы скважин в пределах верхнезарафшанского участка изменяются от 40–60 до 100л/с, удельные дебиты составляют 15–20 л/с, коэффициенты фильтрации 40–100 м/сут. Формирование ресурсов подземных вод Зарафшанского месторождения происходит за счёт фильтрационных потерь поверхностного стока р. Зарафшан и каналов межхозяйственной сети, инфильтрации вод с орошаемых полей, притока подземных вод со стороны предгорных равнин

Основными факторами, определяющими изменение режима подземных вод, являются климатические, гидрологические, гидрогеологические условия, сельскохозяйственное освоение территории.

Режим подземных вод в зоне формирования характеризуется скважиной 169. Глубина залегания уровня 65 – 67 м в период минимального положения уровня и 52 – 61 м. в период максимума. Максимальное положение уровня отмечается в августе – сентябре, с запаздыванием на месяц от максимума стока р.Зарафшан, минимальное в марте – мае. Годовая амплитуда изменяется от 6м в маловодные годы до 13м в многоводные. Изменение глубины залегания уровня в многолетнем разрезе определяется водностью реки. Среднегодовой уровень вырос на 10м в многоводный период 1992 – 94 гг (обеспеченность стока реки 8, 14 и 23%). Подъёмом уровня после маловодья 1999 -2000гг характеризуется и период 2002 – 2006г, когда среднегодовой уровень вырос на 6м. (рис. 2).

Геологическое строение зоны формирования, обеспечивающее интенсивную инфильтрацию речных и оросительных вод и интенсивный подземный отток, время наступления максимального положения уровня, величина годовой амплитуды уровня позволяют отнести режим зоны формирования к гидрологическому инфильтрационно-интенсивно-стоковому типу.




Рис. 1. Изменение глубины залегания уровня по скважине 186

Гидродинамический режим зоны транзита характеризуется скважинами 218 (левый берег) и 221 (правый берег). Глубина залегания уровня составляет здесь 10 – 18м. Сезонная амплитуда по этим скважинам значительно ниже амплитуды в зоне формирования – 6,7 – 7,0м в многоводные годы, 3,2 – 3,7 в маловодные. Время наступления максимального и минимального положения уровня полностью совпадает с датой их наступления в зоне формирования Тип режима - гидрологический инфильтрационно-стоковый.




Рис. 2. Изменение глубины залегания уровня и минерализации в зоне формирования Верхнезарафшанского участка Зарафшанского месторождения.

Изменение режима в пределах зон формирования и транзита определяется обеспеченностью поверхностного стока р.Зарафшан и условиями орошения. Зависимость максимальных отметок глубины залегания уровня по скважине 221 от значений обеспеченности стока р. Зарафшан ($P_{Зер}$) и от объёма водоподачи по Джамбайскому району ($W_{джам}$) описывается уравнением:

$$H_{221} = -0,029W_{джам} + 0,018P_{Зер} + 16,09$$

с коэффициентом множественной корреляции – 0,82

Изменение глубины залегания уровня в многолетнем разрезе обусловлено обеспеченностью стока р. Зарафшан. За период 1991 – 2006 среднегодовой уровень вырос на 1,26 м. (рис. 3).



Рис.

3. Изменение глубины залегания уровня и минерализации по скв.221

Минерализация подземных вод в зоне формирования и транзита составляет 150 – 470 мг/л, и лишь в единичных случаях возрастает до 600 мг/л. По составу воды относятся к гидрокарбонатному классу, преимущественно магниевой группе, II типу. В многолетнем разрезе отмечается незначительный рост суммы ионов кальция и магния. Содержание нитратного азота в подземных водах зоны формирования и транзита изменяется от 3 – 8 до 25 – 30 мг/л, в отдельных случаях достигает значений 49 – 75 мг/л.

В пределах Верхнезарафшанского участка выделяется локальная зона снижения уровня приуроченная к площади Чапанатинского водозабора (скв. 44, 46, 47). Режим скважин характеризуется сменой периодов подъёма и спада, которые определяются режимом эксплуатации водозабора. (рис. 3)

Минерализация изменяется от 200 до 600, а в отдельных случаях до 900 мг/л. Режим грунтовых вод в зоне выклинивания характеризуется скважинами 166, 11, 71, 72. Глубина залегания уровня составляет 0,77 – 2,91м при максимальной отметке уровня и 1,39 – 4,02 при минимальной. Годовые амплитуды 0,15 – 1,64м. Периоды максимального и минимального положения уровня изменяются от года к году. Внутригодовой режим характеризуется наличием нескольких максимумов положения уровня в течение года.

Изменение режима в многолетнем разрезе по всем скважинам характеризуется незначительной амплитудой годовых колебаний уровня и не коррелируется с показателями водности и сельскохозяйственного воздействия. В общих чертах многолетнее изменение уровня в зоне выклинивания

Литература:


1. Бакиев С.А. Промышленные воды Узбекистана и перспективы их использования. – Т.: ГП «Институт ГИДРОИНГЕО», 2012. – 140 с.
2. Мирзаев С.Ш. Запасы подземных вод Узбекистана. –Т.: «Фан», 1974. –220 с.
3. Нагевич П.П., Чеботарева О.В. Оценка современного состояния месторождений подземных вод и переоценка эксплуатационных запасов: подходы, требования и обоснования. – Т.: ГП «Институт ГИДРОИНГЕО», 2009. – 104 с.
4. Шерматов М.Ш., Умаров У.У, Рахмедов И.И. Гидрогеология (дарслик). –Т.: «Университет», 2011. –292 с.

ЧИМҚУРҒОН СУВ ОМБОРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ


Артикова Ф.Я., Эшқуватов Қ.Ш., Назарова З.К
Ўзбекистон Миллий университети,
Тошкент давлат Аграр уневерситети

Бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланишда сув омборларининг ўрни бениҳоя каттадир. Республикамизда ҳозирги кунда сув омборларини ислоҳ қилиш масаласида жуда кенг миқёсда илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Маълумки сув омборларини қуриш билан дарёларнинг сув режими бошқарилади, натижада эса суғориладиган ерларнинг сув етишмаслиги билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳал этилади.

Йигирманчи асрнинг иккинчи яримида Ўрта Осиёнинг текислик ҳудудларида қурилган сув омборларининг фойдали ҳажмининг катта қисми дарё оқизиклари билан тўлган. Шундай сув омборлари қаторига Чимқўрғон сув омбори ҳам киради. Батиметрик съёмкалар натижасида сув омборининг фойдали ҳажми биринчи ўн йилликда 29 млн м³, иккинчи ўн йилликда 38 млн м³, 2004 йилга келиб 134 млн м³ га камайган. Ҳозирги кунга келиб Чимқўрғон сув омборини фойдали ҳажми 180 млн м³ атрофида камайган, бу демак умумий ҳажмининг 33% дарё оқизиклари билан тўлган. Натижада сув омборининг фойдали иш коэффициенти ҳам камайиб келмоқда. Демак сув омборидан фойдаланишда унинг фойдали иш коэффициентини юқолишига катта таъсир кўрсатадиган, лойиҳада белгиланган муддатдан олдин фаолиятини тўхтатишга мажбур қиладиган ҳолатлардан бири бу сув омборининг лойқа оқизиклар билан бутунлай тўлиши кузатилмоқда. Агар сув омбори косаси лойқа билан қопланса уни бартараф этиш чорасини вазиятдан келиб чиққан ҳолда икки йўналишда олиб бориш мумкин. Биринчи йўл бу махсус техника ёрдамида сув омборининг косасини тозалаш. Тўпланган дарё оқизикларининг таркибига боғлиқ ҳолда, қурилиш материаллари ёки далаларда тупроқ унумдорлигини ошириш учун қўлланилиши мумкин. Иккинчи йўли эса- тўғонни кўтариш ишлари амалга оширилиши. Биз иккинчи йўлдан фойдаланган ҳолда сув омбори тўғонини кўтариш учун кетадиган сарф харажатларни тахминий ҳисоблашларни бажардик. Ҳисоблашлар натижасида бажариладиган ишларнинг ҳажми ва нархи аниқланди.



Чимқўрғон сув омборининг сув билан тўлган ҳолатдаги қурилиши (2000 й)



Чимқурғон сув омборининг отметкаларда куриниши (отм.)482÷460 (2000 й)

Чимқурғон сув омборининг тўғон ўрқачини кўтариш ишларида тўғон ўрқачи кенглиги 6 м, узунлиги 7,5 км, ўрқач белгиси 503 м. мақсад тўғон ўрқачи баландлигини 505 м га етказиш.

Тўғон баландлигини 1 м га кўтариш учун $V=24000 \text{ м}^3$ тупроқ керак бўлади. Бу тупроқнинг солиштирма оғирлиги $\rho = 1,62 \text{ т/м}^3$ тенг бўлганлигини ҳисобга олсак кўтариладиган тўғоннинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ишлатиладиган тупроқ миқдори $M=24000 \cdot 1,62 \text{ т/м}^3=38800$ тоннани ташкил этади. Тупроқни қазиб олиш учун эса керак бўладиган харажатлар қуйидагича ҳисобланади: мисол учун, 1 м^3 тупроқни қазिशга кетадиган сарф-харажатлар 150 сўмга тенг бўлса, машинадан фойдаланиш харажатлари – 1 м^3 тупроқ қазिश учун 900 сўмни ташкил этса, натижада 1 м^3 машина билан қазиб олиш учун жами $150+900=1050$ сўм сарфланади, бутун тўғонни кўтариш учун сарфланадиган тупроқ ишларининг баҳоси эса $1050 \text{ сўм} \cdot 24000 \text{ м}^3=25200000$ сўмни ташкил этади.

Юқори қияликни чақир тош билан тўлдириш ва 1:1,5 нисбатда ишлов бериш учун тахминан 7,5 км узунликдаги тўғон айланасининг 50 % қисмига қанча чақир тош кетишини ҳисоблаймиз.

Ишлов бериладиган қисм баландлиги 2 м, эни 4 м, узунлиги 7.5 км деб ҳисоблаймиз:

$$V = 80000 \text{ м}^3 = 80,0 \text{ минг м}^3$$

Ишга сарф қилинадиган харажат иш ҳақи 1 м^3 учун 3000 сўм. Машиналарни ишлатиш учун 18000 сўм 1 м^3 учун сарфланишини ҳисобга олсак умумий харажат: $X=21000$ сўм $JX=1,680$ млрд.сўмга тенг бўлади.

Биз юқоридаги ҳисоблар бўйича 6 метр узунликдаги масофани икки метр баландликга кўтардик, агарда келажакда сув омбори тўғони икки метр баландликга кўтарилса бу ҳолда, сув омборининг сув сатҳи ҳам икки метрга кўтарилади ва Чимқурғон сув омборида қўшимча 80-100 млн.м3 сув тўплаш имкониятига эришилади.

1. Ишда олинган натижалар ва уларнинг таҳлилидан шуни кўришимиз мумкинки, сув омборининг фойдали ҳажмини ошириш имконияти мавжуд, бу ўз навбатида сув омборининг сув йиғиш имкониятларини оширади. .

2. Сув омборидан Қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришда фойдаланишда сув омбори бюджетини бойиши ва ходимларнинг иш ҳақлари юқори бўлиш имкониятлари яратилади.

3. Биринчи йўл билан борсак,бу ҳолда сув омборининг косасида тўпланган 130 млн м³ лойқа оқизикларни тозалаш учун техниканинг қувватига боғлиқ ҳолда ҳисоблашлар амалга оширилади, бажариладиган ишларнинг қиймати шунингдек ишчиларнинг меҳнат ҳақи шароитга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Адабиётлар:

1. Азизов А.А. Проблемы управления водными ресурсами в Центральной Азии.-В кн.: Водохранилища, чрезвычайные ситуации и проблемы устойчивости.-Ташкент: Университет, 2004. -С. 32-42.
2. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии.-Л.:Гидрометеоздат, 1991. -165 с.
3. Ҳикматов Ф.Х., Сирлибоева З.С., Айтбаев Д.П. Қўллар ва сув омборлари географияси, гидрологик хусусиятлари. -Тошкент: Университет, 2000.-122 с.

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Байқабиллов Х.М.*

Ўзбекистон Миллий Университети

Кириш. Осиё қитъасида бугунги кунда 50 дан ортиқ мамлакат бўлиб, улардан 47 таси мустақил суверен давлатлар ҳисобланади. Осиё қитъасида жойлашган мамлакатларнинг номлари ўзига хос этник ва тил тараққиёти тарихи ҳамда табиий ва маданий хусусиятларга эгаллиги билан тавсифланади.

Қитъадаги баъзи мамлакатларнинг номи қадимги (субстратлар) номлар бўлиб, яъни ҳозирги мавжуд тилларда изоҳлаб бўлмайдиган, махсус этимологик тадқиқотларни талаб қиладиган номлар ташкил қилади. [1]

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Осиё мамлакатларининг табиий шароити мамлакат номларида ҳам акс этган. Осиё мамлакатларининг номларини табиий-географик хусусиятларини ҳисобга олиб, субрегионларга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Осиё топонимиясига доир умумгеографик хусусиятлар барча географик объектларга оид топонимик таҳлил Қ.Ҳакимов (2016) асарларида учрайди.

Асосий қисм. Маълумки, Осиё топонимияси бошқа қитъаларга қараганда яхши ўрганилган. Мамлакатларнинг номлари ҳам табиий географик хусусиятлардан келиб чиқиб, рельеф билан, шунингдек, сув объектлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари билан боғлиқ равишда аталиб келинаётгани ва шаклланишини кўришимиз мумкин. Осиё қитъасида жойнинг географик ўрни, ҳолати ва ўзига хос хусусияти ҳамда рельеф билан боғлиқ мамлакат номлари талайгина. Бу гуруҳдаги номларга қуйидагилар қиради.

1. Шарқий Тимор- малай тилидан “шарқ” деган маънони англатган timur сўзидан келиб чиққан. Тимор оролининг шарқий қисмида жойлашганлиги учун шу номни олган. Тимор оролининг ғарбий қисми Индонезияга қарайди. 2002 йил 20 май куни Шарқий Тимор мустақилликка эришди. Демак, малайя қабилалари яшайдиган ҳудудлардаг шарқда жойлашган ерлар географик йўналиш асосида номланган.

2. Вьетнам-лексемаси “жанубий ер” деган маънони билдиради. Шунингдек бу ерларда яшовчи икки йирик қабила “вьет” ва “нам” қабилаларининг бирлашувидан ҳосил бўлган деган тахмин мавжуд. Лекин, бу ҳақиқатдан анча йироқ бўлиши мумкин. Вьетнам атамаси илк бор XVI асрда Нгуси Бну Кхием деган шоир томонидан “Вьетнам яратилди” номли китобида қўлланилган. 1804-1813 йилларда император Зя Лонг ушбу атама расмий ҳужжатларда қўллашни йўлга қўйган. X асрга қадар мамлакат Аннам деб номланиб келган.

3. Бутан- қиролликнинг номи айрим манбаларга кўра, Бху-Ўт Тан (Bhu Uttan) санскрит тилида “тоғли мамлакат” деган маънони англатади. Бошқа манбаларга кўра Бхот-

* **Байқабиллов Хуснудин Марданович-** Ўзбекистон Миллий университети Табиий география кафедраси таянч докторанти

Ант, яни “Тибетнинг охири” мазмунида қўлланилади. X асрда тибет халқи Бутанга кўчиб ўтишган. Ушбу ном Тибетнинг қадимги номи. Учинчи тахмин бу Друк-юл, яни “Аждархо юрти” демакдир. Мамлакатдаги энг йирик кутубхона 1827 йилда ёниб кетганлиги сабабли, давлат тарихи ҳақида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган.

4. Хитой- атамаси фақат рус тилига хос бўлиб, қадимда узоқ шарқда, Хитойнинг шимоли-шарқий чегараларида яшаган қабила-киданлар номидан олинган. Мутахассис тарихчи олим Грей Д.Г. қаламига мансуб “қадимги Хитойнинг тарихи” китобида қайд этилган тахминга кўра Хитой билан Каспий денгизнинг шарқий қирғоқлари оралиғида яшовчи қабилалар Китай (“Гуллаётган ўлка”) деб аташган ва “Хитой” атамаси шундай келиб чиққан, Европада бу мамлакатни охириги сулола – Цинь номидан олиб “China” деб аташади. Ўзбек тилида ҳам илгари “Чин” атамаси қўлланилган. Хитойликлар ўз мамлакатларини қадимдан “Чжун-Го”, яъни марказий, ўрта подшолик ёки “Тянь Ся”-осмон остидаги давлат деб атайдилар.

5. Непал- мамлакатнинг номи таржима қилинганда, Нипа- “Тоғ этаги”, алая - “макон”, яъни “Тоғ этагидаги макон” демакдир. Қ.Ҳасанов таъкидлашича “Жун бозори” маъносини англатиши ҳақида фикрлар ҳам мавжуд.

6. Мальдив ороллари- Хинд океани бўйида, Осиё қитъасида жойлашган кичик ороллар бўлиб, уларни араблар қадимда “Зийбатул маҳал” деб аташган. Зийба сўзи луғатда “зийб” (бўри) сўзининг муаннаси дир.

7. Ливан- арабча Лубнон номи билан машхур. Мамлакат шарқидаги тоғлар усти кишда қор бурканганидан Лъ-банон “оқ тоғлар” (жабали лубнон) деб аталган, яхудий “оқ тоғ” деган маънони билдиради. 1861 йил халқаро комиссия ишлаб чиққан низомга мувофиқ, мамлакат расман Ливан номини олди.

8. Ироқ- қадимий яхудий тилидаги “Uruk” (“икки дарё оралиғи”) сўзидан олинган бўлиб, мамлакатдаги Дажла ва Фрот дарёларига нисбатан айtilган. Э.Назаралиева маълумотига кўра “пасттекстлик” деган маънони англатади. Р.Қодировнинг фикрича, Ироқ сўзи мақом номидан келиб чиққан (шашмақом назарга тутилмоқда).

9. Яман- мамлакат номи борасида ҳозирги кунда ҳам турли хил баҳслар бормоқда. Баъзи араб манбаларида у “ўнг қўлда” (мамлакат қибла тарафда жойлашган) деган маънони англатувчи “yamīn” сўзидан олинган деб айtilлади. Яна бир тахминга кўра, мамлакат номи “бахт” деган мазмунга эга сўздан келиб чиққан. Аслида, Яман деган ном одатда Арабистон ярим оролининг қирғоқларига нисбатан ишлатилади. Қ.Ҳакимов фикрича, Яман сўзи- “ўнг томон” маъносида қўлланилади.

10. Япония- хитойчада “ribenguo”- “қуёш чиқадиган юрт”. Бу ном Япония Хитойдан шарқроқда жойлашган деган фикрни тўла-тўқис таъкидлайди. Япониялик олимлар Nippongu to Nihon ёки Nippon шаклида қисқартириб мазкур атамани ўзлаштириб олишди. Қуёш тасвири мамлакат байроғида ўз аксини топган. Японлар ўз мамлакатларини Ниппон деб атайдилар. Бу ном икки иероглиф белгидан таркиб топган бўлиб, биринчиси-“қуёш”, иккинчиси эса “асос”, яъни Япония тўғридан-тўғри таржима қилинганда “қуёшнинг илдизи” деган маънони билдиради.

Сув объектлари билан боғлиқ мамлакатларнинг номлари. Ушбу гуруҳга Ҳиндистон, Аоминь (Макао), Гонконг (Сянган), Баҳрайн, Иордания сингари мамлакатлар киради.

1. **Ҳиндистон** – номининг келиб чиқиши билвосита дарё билан боғлиқ. Ҳиндлар ўз дарёсининг номини “Синдху” деб аташган, форсларда “хинду” деган ном олган, юнонлар эса бу сўзни янада бузиб, “инд” деб атаганлар (хиндлар ўз ватанини хинду тилида брохат деб атайдилар). Бу ном Синдху, яъни “дарё” сўзидан келиб чиққан, чунки Ҳинд дарёси Синдху деб аталган, ерли халқ тилида с товуши х товуши билан яқинлиги сабабли синдху сўзи хиндуга айланган.

2. **Аоминь** – хитойча Нгао-мен сўзидан олинган бўлиб, “қўлтиқ дарвозаси” маъносини англатади. Европаликлар, жумладан португалияликлар Макао деб ном берганлар.

3. **Сянган** – сўзи хитойча бўлиб, “хушбўй бухта” демакдир. Инглизлар уни иккинчи ном билан Гонгконг деб атаганлар.

4. **Иордания** – мамлакатнинг номи унинг ғарбида оқадиган Нордан дарёсидан олинган. “Нордан” сўзи ҳозирга қадар қадимий субстрат ҳисобланади.

5. **Баҳрайн** – арабча “баҳр” сўзи денгиз маъносини билдиради. Баҳрайн эса “икки денгиз” демакдир. Қ.Ҳакимов қайд этишича, ҳозирги мисрликлар тилида Ал-баҳр- “дарё” деб талаффуз қилинади. Баҳрайн номи мил.ав. 3-минг йилликлардаги манбаларда тилга олинади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда ландшафт хусуиятлари билан боғлиқ Осиё мамлакатларнинг номлари. Бу гуруҳдаги мамлакатларга Кипр, Шри-Ланка, Сингапур, Малайзия, Сурия мансуб.

1. **Кипр** – унинг номи хусусида икки хил тахмин мавжуд. Биринчиси, ҳарҳолда “мис” деган сўз бўлса керак, чунки юнонлар, улардан кейин эса римликлар мисни шу ном билан атаганлар (грекча-*kipros*, латинча- *ciprum*). Бошқа бир маълумотга кўра мамлакат номи Савр (кипарис) дарахти номи билан боғлиқ. Эхтимол, Кипр оролида савр дарахти олис ўтмишда барқ уриб ўсгандир.

2. **Шри-Ланка**- мамлакатнинг номи 1972 йилгача Цейлон, 1972 йилдан кейин эса Шри-Ланка деб аталмоқда. Бу орол давлатнинг номи қадимги давр географик карталарида Тапрабон, Саран деб ёзилган. Топономист олим Қ.Ҳакимов эътирофича, *Shri-Lanka*- “худо ёрлакаган ер” демакдир. Цейлон-мамлакатнинг аввалги номи. Сингала гун- “шер орол” сўзларидан олинган. “*Sinha*” сўзи арслон деб таржима қилинади. Қадимги санскрит тилидаги *Sinhala* *dweera* сўзидан келиб чиққанлиги ва “арслонлар ери” мазмунида қўлланилиши ҳақиқатга анча яқин.

3. **Сингапур**- шаҳар-давлат ҳисобланиб, 1819 йилга ушбу шаҳарга инглиз Сер Стамфорд Раффлз асос солган. Сингапур номини эса у малайя тилидан ўзлаштириб олди. *Sinharuga*-оролнинг қадимги номи бўлган. Ўз ўрнида “синга” сўзи “арслон” демакдир. Лекин, “пур”, “пура” сўзи аслида “шаҳар” дегани. XIV асрга оид Хитой йилномаларида бу орол Тумасик деб аталган.

4. **Малайзия**- мамлакатнинг номи ҳиндча *Maleala*-тоғли мамлакат деган сўздан келиб чиққан. Шунингдек бу ерда кўп тарқалган сутламагуллилар турига кирувчи ўсимлик (*Emlica officinalis* G.) номидан келиб чиққан деган маълумот бор. Бу ўсимлик санскрит тилида *malakka* деб юритилади. Малакка ярим оролини қадимги табиатшунослар (Птолемей ва бошқалар) олтин херсонес (юнонча *Chersonnesos*-“ярим орол”) деб номлаганлар.

5. **Сурия**- мамлакатнинг номи баъзи манбаларда ранг ёки буёқ билан номланган деган тахмин бор. Суриқ сўзи арабча сўз бўлиб, “қизил буёқ” мазмунида қўлланилади. Сурикон сўзи юнонча бўлиб, “сурия буёғи” маъносини англатади. Таркибида кўрғошин оксид ёки темир оксид бўлган, техникада ва лок-бўёқ саноатида ишлатиладиган минерал. Шундай минералдан тайёрланган қизғиш-зарғалдоқ ёки қизғиш-жигарранг буёқ бу-сурикондир. Масалан, темирнинг қиздириб оловда товланиши қизил рангни намоён қилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам бу ҳақда маълумотлар келтирилган. Сурхондарё сўзи ҳам форс-тожик тилидан олинган бўлиб, қизил дарё деганидир. Сурхак узум нави ҳам қизил узумга нисбатан қўлланилади. Демак, “сур” сўзининг “халқ” билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сурия-этноним ҳисобланмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А. Низамов ва бошқ. Топонимика –Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2012, 119 б.
2. Эргашев Ш. Қадимги цивилизациялар. –Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2016. -360 б.
3. Боднарский М.С. Географик номлар луғати –Т.: “Ўрта ва олий мактаб”, 1961, 459 б.
4. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири: илмий-оммабоп таъриф. –Т.: Ўзбекистон. 1985. -120 б, (516)
5. Р.Махамдалиев ва бошқ. Дунё мамлакатлари –Т.: “Muharrir”, 2012, 500 б.
6. Гадов К., Бердиев С. Сайёрамиз мўъжизалари –Т: O’zbekiston, 2012, -280 б. (676)
7. *Накимов Q. Toponimika* –Т: MUMTOZ SO’Z, 2016 -368 б.
8. Жаҳон мамлакатлари: қисқа маълумотнома / масъул муҳаррир А.Ҳазратқулов. –Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006, 383 б.

ЎРТА ЗАРАФШОН ГИДРОНИМЛАРИ ВА ГИДРООЙКОНИМЛАРИ

Валиева Ш.И.*

Самарқанд давлат университети

Инсоният тириклигини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, биз сувни муқаддас деб билиб, уни Обихаёт деб атаймиз. Топонимикада сув манбалари билан боғлиқ ҳолда шаклланган номлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай номлар гидронимлар деб аталади. Вилюятимизда гидронимларни ифодаловчи кўпгина сув объектлари, иншоотлар бўлиб, уларга ариқ, тўғон, булок, чашма, дарё, жилға, зовур, ирмоқ, канал, кўл, сой, сув омбори, кудук, ҳовуз ва бошқалар киради. Ўрта Зарафшон ҳавзаси тарихи кўп жиҳатдан суғорма деҳқончилик билан боғлиқ бўлиб, ҳудуднинг экин далаларини суғориш ишларида булок, дарё сувларидан фойдаланилади. Географик номлар орасида гидронимлар энг қадимгиси ва ҳозиргача ўзгармаганлиги билан характерланади.

Ўрта Зарафшон воҳасида энг йирик гидрологик объектлардан бири Зарафшон дарёси ҳисобланиб, у кўшни Тожикистон ҳудудида Зарафшон музлигидан Масчоҳ номи билан бошланади. Дарё Айний қишлоғи ёнида чап ирмоғи Фандарё билан қўшилгач Зарафшон номини олади [2]. Зарафшон сўзининг маъносига тўхталадиган бўлсак, бу гидроним “зар”-олтин, “афшон”-сочувчи сўзларидан таркиб топган бўлиб “зар сочувчи” деган маънони ифодалайди. Умуман, олганимизда вилюятимиздаги Зарбанд (Иштихон тумани), Зармитан (Кўшработ тумани), Зарбулоқ (Пайариқ тумани), Заркент (Кўшработ тумани) каби топонимларда “олтин”, “зар” сўзларининг учраши бежиз эмас, албатта.

Эътиборли тарафи шундан иборатки, Зарафшон, Оқдарё, Қорадарё, Пайариқ, Дамариқ, Дарғом, Анҳор каби топонимлар, шаҳар, туман, қишлоқ номлари ҳамда йирик гидрологик объект номлари ҳам ҳисобланади. Кўпчилик гидрологик объект номларининг келиб чиқиши қадим замонларга бориб тақалишини эътиборга олсак, бу номлар билан аҳоли манзилгоҳлари, жумладан, туман, қишлоқ, овуллар номлари ҳам шаклланган. Бундай номлар гидроойконимлар деб аталади. Самарқанд вилюятидаги баъзи гидроойконимларига тўхталиб ўтамиз [1].

Қўшҳовуз - Каттакўрғон туманидаги қишлоқ бўлиб, туманнинг шимолий қисмида жойлашган. Қўшҳовуз – иккита ҳовуз атрофида бунёд бўлган аҳоли манзилгоҳидир.

Мойбўлоқ - Каттакўрғон туманининг шимолида жойлашган қишлоқ бўлиб, тадқиқотчилар “мой” - сўзи билан ясалган жой номларини нефт билан алоқадор деб ҳисоблайдилар. Бошқалари “мой” сўзини сув ва ер худоси “Маена” номи билан боғлайдилар ва уни “табаррук, илохий” - деб изоҳлайдилар. Демак, Мойбулоқ - муқаддас, табаррук булок атрофидаги қишлоқ маъносини англатади.

Каттасой - Нуробод туманидаги қишлоқ. Соё-икки ён томони тоғ тизмаси, чўзиқ баландлик билан ўралган чуқур, чўзиқ жой, водий ана шундай жойда оқадиган ирмоқ, жилға, сув йўли.

Оқсой – Нуробод туманининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Оқсой доимо оқиб турадиган соё маъносини ифодалайди.

Тотлибулоқ - Каттакўрғон туманидаги қишлоқ. Тотли-таъми, мазаси яхши. Мазали, ширин - деган маънони англатади. Тотлибулоқ-суви лаззат бағишловчи булок ёнидаги аҳоли пункти.

Булоқ - Кўшработ туманидаги қишлоқ. Туманнинг шимолий қисмида жойлашган. Булоқ ёқасида бунёд этилган қишлоқ демакдир.

Товоқбулоқ - Нуробод туманидаги қишлоқ бўлиб, у ҳудуднинг шарқий қисмида жойлашган. Товоқ–сопол, чўп коса: лаган маъносида. Товоқбулоқ - тузилиши товоққа ўхшаш булок ёнидаги қишлоқ номини билдиради [3].

Оқдарё - Самарқанд вилюятидаги туман, қишлоқ, дарё номи. «Оқ» сўзидан оқмоқ феълининг асоси билан боғлиқлик, ёзда қуриб қолмаслик, сувнинг иссиқда кўпайиши, қор

* Валиева Шахноза Исламовна – СамДУ География ва табиий ресурслар кафедраси ассистенти

сувлари билан тўйиниши, сув миқдори ва оқим тезлиги, ранг билан боғлиқ кўриниши каби маънолар кўзда тутилган.

Қорадарё - Каттақўрғон туманининг шимоли-ғарбида жойлашган қишлоқ бўлиб, ерости ва булоқ сувлари билан тўйинадиган, ёзда суви камаядиган ёки куриб қоладиган дарё – Қорадарё деб аталган.

Сув омбори - Каттақўрғон туманидаги қишлоқ. У туманнинг жанубида жойлашган. Сунъий сув ҳавзаси, сув омбори ёнидаги қишлоқ.

Торариқ - Пастдарғом туманидаги қишлоқ. Тожикча “тор” -сиқик, қисилган, энсиз ариқ ёнида барпо этилган қишлоқ.

Тошховуз - Пайариқ туманидаги қишлоқ. Топоними “тош” ва “ховуз” сўзларидан ясалган бўлиб, у тошдан қурилган ховуз маъноларини билдиради.

Эгрикўл - Нуробод туманидаги қишлоқ. Топоними “эгри” ири, йирик ва кўл қисмларидан иборат. Эгри- ири ҳажм ўлчамлари жиҳатидан нисбатан катта деган маънони англатади. Демак, Эгрикўл “Ирикўл” – “катта кўл” ёнидаги қишлоқдир.

Чашма - Каттақўрғон туманидаги қишлоқ. “тожикча” - чашм ер остидан сизиб чиқиш учун йўл очилиб, теварагига тош териб, ёғоч қўйиб мослаган сув манбаи, йирик булоқ маъносини англатади.

Эски Анҳор - Пастдарғом туманидаги қишлоқ. Топоним таркибида “эски” сўзининг бир неча маъноси бор. Ишлатилиб, тўлиб эскирган, тўзиган кўҳна, кўп вақтлардан бери маълум бўлган, кўп вақтдан бери турган, илгариги, бурунги, аввалги собиқ, истеъмолдан чиққан деган маъноларни англатади. Демак, Эски Анҳор - кўп вақтдан бери маълум бўлган анҳор ёнидаги қишлоқ ҳисобланади.

Қудукли - Жомбой туманидаги қишлоқ. Бу қишлоқ туманнинг жанубида жойлашган бўлиб, “Қудукли” сўзи қудуғи бор жой, қудукли қишлоқ маъносини билдиради.

Умуман, Самарқанд вилоятида гидронимлар ва гидроойконимлар сони жиҳатидан жуда кўпдир. Келажакда уларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш топонимикада муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Бегалиев Н.Б., Туробов А.М. Самарқанд топонимияси. -Самарқанд. 2005. -157 б.
2. Шульц В.Е., Машрапов А. Ўрта Осиё гидрографияси. -Т.: 1969.
3. Ўринбоев Б. Асрлардек барҳаёт номлар. - Самарқанд. Зарафшон, 2003. -264.б.

HAMIDULLA HASANOV ASARLARINING TOPONIMIK AHAMIYATI

Djurayev M.E., Payziyeva M.U.*
Guliston davlat universiteti

Hamidulla Hasanov o'zbek geografiya taraqqiyotining asoschisi, geografiya sohasida ulkan nazariy va amaliy ishlarni amalga oshirgan. U geografiyani turli sohalarda faol izlanishlar olib borgan va amaliy natijalarga erishgan. H.Hasanov geografiyaning turli yo'nalishlari jumladan toponimikada ham turli izlanishlar olib borgan. Uning “Sayyoh olimlar”, “Geografik nomlar siri” va “Geografiyaga oid izohli lug'at” nomli asarlarida turli joy nomlari va geografik obektlarga izohlar va ta'riflar keltirib o'tgan. Biz quyida ushbu asarlarda keltirilgan toponimlarni va ularning qanday nomlanish mazmuniga egaligi haqida ayrim ma'lumotlarni keltirib o'tamiz.

“**Sayyoh olimlar**“ - bu asar 1981-yilda yozilgan bo'lib, asarda o'rta osiyolik va xurosonlik sayyohlar va geograf olimlarning jahon fani va madaniyati xazinasiga qimmatli hissa qo'shganligi, ularning hayoti, ijodiy faoliyatlari va sayohatlari ommabop tilda yozilgan bo'lib, asarda 40 dan ortiq alloma va olimlar haqida ma'lumot bergan.

Asarda dastlab **Xorazmiy** to'g'risida uning Xorazmda tug'ilib, Bag'dodda vafot etganligi yozilgan. *Xorazm* toponomi lug'aviy ma'nosi to'g'risida o'nlab sharqshunos, etnograf, geograflar bosh qotirishgan va professor S.P.Tolstoy uni batafsil taxlil qildi. Bu so'zni izohlashda “go'sht va

* **Djurayev M.E.** - GulDU “Ekologiya va geografiya” kafedrasini o'qituvchisi.;
Payziyeva M.U. - GulDU talabasi.

o'tin", "Pastlik yer", "hosildor yer", "yomon yer", "urushqoq yer", "yaxshi qurshalgan yer" kabi ko'pgina variantlar aytilgan. S.P.Tolstovning yozishicha: "Mamlakatlarning qadimiy nomlari aksar hollarda etnik ismlar bilan bog'liq, bu ismlar esa afsonalardan olingan" demakdir. Xorazm – Xvafri zamin, ya'ni Xvafri qabilasining yeri, Quyosh xalqi yeri ma'nosida bo'lishi mumkin. Bag'dod esa Iroq respublikasining poytaxti. *Bog'* "illoh", "olloh", *dod* "tuxfa", "in'om" so'zlaridan olingan bo'lib, "Ollohning tuhfasini" ma'nosidadir. Xorazimiy geografiya faniga ulkan hissa qo'shgan olim sifatida bizga ma'lum.U birinchilardan bo'lib yerning bir gradus yoyni uzunligini aniqlagan, o'z atrofiga bir qancha mutafakkirlarni to'plab xaritalar yaratgan va u geografiya to'g'risida "Kitob surat al arz" asarini yozgan. Asarning faqat bitta qo'lyozmasi topilgan uning ham ko'p betlari yo'qolib ketgan ekan. Atlasdan faqat 4 ta karta saqlanib qolgan. Qo'lyozma 1878 yilda Qohirada topilgan, bir necha yilda so'ng Strasburg shahridagi kutubxonaga o'tib qolgan. Jami 537 ta eng muhim joyning nomi g'arbdan sharqqa qarab ketma ket yozilgan. Avvalo shaharlar so'ngra tog'lar (203 nom) dengizlar va orollarning nomlari eng oxirida esa daryolar alohida alohida yozilgan. Jumladan Atlantika okeanini G'arbiy tashqi dengiz deb nomlagan. Atlantika toponimiga ta'rif beradigan bo'lsak, bu nom afsonaviy Atlantida oroli nomidan olingan deyilsa, yana finikiyaliklar g'arbiy tomonni atlat-tun qorong'ulik deb ataganlar, Atlantika g'arbiy qorong'ulik nomidan paydo bo'lgan degan taxminlar mavjud. Shunday qilib, Muxammad Xorazimiy O'rta Osiyoning muxim geograf olimi emas, balki sharq geografiyasining asoschisi, uzoq Ispaniyadan to Qashqargacha barcha tabiatshunos geograf va sayyoh olimlarga ilxom bergan, namuna bo'lgan yo'l boshchi hamdir. Italyan sharqshunosi K.Naslinno Xorazimiyga yuksak baho bergan: "Yevropadagi hech bir xalq Xorazimiy erishgan yutuqqa erishishga va bunday asar yaratishga qobil emas edi".

Narshaxiy - X asrning birinchi yarmida Buxoroda yashagan tarixchi olimdir. U 944 yilda Buxoro viloyatini tarixi to'g'risida arab tilida "Taxqiqi al viloyat" nomli ajoyib asar yozgan. Asarda Buxoro toponimiyasi haqida ham ko'plab ma'lumotlar berilgan. Buxoro toponimi sanskritcha Vixora so'zining turk-mo'g'ulcha shakli Buxor ya'ni ibodatxona nomidan kelib chiqqan deb taxmin qilinadi. Narshaxiy Buxoroga juda go'zal shahar deb ta'rif beragan, shu bilan birga u asarida Shopurkom ya'ni hozirgi Shofirkon tumani tarixini ham rivoyat qilgan. Shopur ov qilishni yaxshi ko'rar edi. Bir kuni ovga chiqib kom tomonga qarabdiyu yoqda biron bir qishloqni va obod joyni ko'rmabdi, bu chakalakzordan iborat ov joyi ekan. Bu joy Shopurga yoqib qolibdi. Buxor xudot uni Shopurga beribdi, u bu yerdan katta anhor qazitib, uni o'z nomi bilan Shopurkom deb atabdi. O'rta osiyo toponimiyasida kom daryo, kanal ma'nosini bildiradi.

Abu Rayxon Beruniy - O'rta Osiyo va Xuroson geografiyasiga asos solgan olim sanaladi. U 973 yili 4 sentabrda Xorazmda Amudaryoning o'ng sohilida Kot shaxri chekkasida tug'ilgan. U yashagan davrda Urganch Jurjon nomi bilan yuritigan. Bu toponimni kelib chiqishi yuzasidan bir necha xil qarashlar mavjud. Shaharning paydo bo'lishi milodan avvalgi VII-VI asrlarga borib taqaladi. Zardushtiylik dinining muqaddas kitobi Avestoda Burunash (Orol) dengizi bo'yida Urga (Urva) shahri bo'lganligini qayd etadi. Shahar VIII asrgacha Gurganj nomi bilan yuritilgan, 712 yilda arablar tomonidan bosib olingach Jurjoniya deb atala boshlanadi. 1221 yilda mo'g'ullar tomonidan bosib olingandan so'ng shahar Urganch shaklida yuritila boshlaydi. Beruniy umri davomida turli hududlarda yashagan. U asosan G'azni shahrida o'z faoliyatini olib borgan.

G'azni toponimi Qobulni janubida Qandahorga olib boradigan yo'l ustida joylashgan shahar deb tarflanadi. Beruniy o'z faoliyatini Hindiston o'lkasida ham olib borgan va "Hindiston" nomli geografik asarni yaratgan. Hindiston nomi sindxu ya'ni daryo so'zidan kelib chiqqan, chunki Hind daryosi Sindxu deb atalgan. Yerli xalq tilida s tovushi h tovushi bilan yaqinligi sababli sindxu so'zi hinduga aylangan. Sindhu hozirgi zamon tarixida butun mamlakatga nom bergan yagona daryodir. Beruniy hayoti davomida 250 dan ortiq asarlar yaratgan va bu kitoblardagi ma'lumotlar bugungi kunda ham fan rivojiga ulkan hissa qo'shmoq.

Nosir Xisrav ko'pni ko'rgan, ko'p joylarda bo'lgan tojik sayyohidir. U 1004 yilda Kofirnihon suvining Amudaryoga quyilish joyidagi qadimiy Kabodiyon qishlog'ida tug'ilgan (bu qishloq hozirgi Shahrituz yonida bo'lgan). Nosir Xisrav dastlab Kabodiyonda ta'lim olgan, keyin o'sha davrdagi poytaxt shahar Balxda bir necha yil yashagan. U yerdan yanada yirikroq shahar Marvga ko'chib o'tib davlat xizmatida bo'ldi. Endi yuqoridagi toponimlarga ta'rif bersak,

Amudaryo gidronimi bilan bo'liq otlar ikki yarim ming yildan beri kitob sahifalarida tilga olinadi. Dastlabki nomlardan biri O'kuz massaget turkey tilda bu oddiygina suv daryo degani. Kofirnihon nomi Tojikistonning janubidagi daryo, arabcha va forsiyda "yashirin kofir" deb izohlangan. Hindcha nahan so'ziga bo'g'laydigan bo'lsak kofirlar suvi Majusiylar cho'miladigan joy deb izohlanishi lozim Bu rayonda qadimdan budda dini tarqalganligi shunday nom yaratilishiga sabab bo'lgan.

Nosir Xisrav o'zining 7 yillik sayohatini birlashtirib "Safarnoma" nomli asar yozadi hamda geografiyaga sohasiga ulkan hissasini qo'shgan.

Maxmud Qoshg'ariy - XI asr geografiyasi va toponimikasi asoschi va ulug' sayohatchidir. U o'zining toponimikaga oid geografik joy nomlari va terminlar keltirilgan "Devoni lug'ati turk" asarini yozgan. Bu asarda turli geografik terminlar masalan ariq, buz(muz), bulut, ort (dovon), oy, yoz, yomg'ir, kent, kuz, ko'k, ko'l, qor, qo'ltiq, qum, qayir va boshqalar kabilarni ma'nolarini yoritib bergan. Bu so'zlar XI asrdan ancha ilgari paydo bo'lgan. Ba'zi so'zlar o'zbek tilining fondidan tushib qolgan, ular ayrim toponimlar tarkibida saqlangan. Devonda yer va tuproqqa oid izohlarda ishlatilgan so'zlardan misollar keltirsak:

Ort - orqa,bo'yin, tog' tepasi, dovon. O'rta Osiyoda ort so'zi bilan ishlatiladigan toponimlar anchagina:Badalort, Ko'kort, Oqort,Qizilort, Muzort.

Boldirtog' - tog' burniga o'xshash ko'tarilib chiqqan narsa, tog' boldiri- tog' burni(Surxandaryo viloyatidagi Boldir nomli joy balki tog'ining bir uchi burni bo'lganligidan shunday atalgandir)

Suvlog' - suv yo'li, hayvonlar suv ichadigan joy

Aziz tog' - oshib o'tib bo'lmaydigan tog'

Tamg'a - tarmoq, dengiz ko'l va daryolarga quyiladigan suvning bir tarmog'i Daryo qirg'og'ida kema to'xtaydigan joy ham tamg'a deyiladi. (Issiqko'lni janubida va Amudaryo bo'ynida Tamg'a nomli qishloqlar bor).

Beruniy va Qoshg'ariy toponimikasini solishtirsak quydagilarni ko'rishimiz mumkin: Beruniy – "Binkat Shosh shaharlaridan turkiycha Toshkent yunoncha Burj al Hijora(Toshgqo'rg'on), Qoshg'ariyda esa Shosh asli Toshkent bo'lib toshdan qurilgan shahar demakdir.

Beruniyda "Samarqand turkiycha Samizkand", Qoshg'ariyda "Semizkend- semiz shahar deydi. Buni forsiylar Samarqand tarzida qo'llaydilar. Beruniy asarida ishlatilgan 70 joy nomi Qoshg'ariyning "Devoni" va kartasida berilgan bu esa Maxmud Qoshg'ariy geografiya sohasida ulug' Beruniyning muxlisi, shogirdi bo'lganligiga shubha qolmaydi. Maxmud Qoshg'ariy O'rta Osiyo va Xuroson toponimikasiga ulkan hissa qo'shgan shaxs sifatida geografiya olamida mashhur.

Zahiriddin Muhammad - 1438 yil 14 fevralda Andijon shaharida tug'ilgan.Andijon nomi ma'nosi haqida aytib o'tadigan bo'lsak shu vaqtgacha malika Andukon ismidan olingan yoki "ozogadon" va "mardagon" so'zidan ("ozodalar shahri", "mardlar shahri") kelib chiqqan deyiladi. Holbuki bular shahar nomi emas balki laqab maqtov so'zlardir. Andi qabila nomi hamdir. Shu o'rinda Bobur Andijon toponimini quydagicha ta'riflaganini keltirib o'tishimiz lozim: "Andijon-Farg'ona viloyatini poytaxtidir. Oshlig'i vofir, mevasi faravon, qovun va uzumi yaxshi bo'lur. Movaraunnahrda Samarqand va Kesh qo'rg'onidan so'ngra (Andijonnikiday) ulug'roq qo'rg'on yo'qdir.Uch darvozasi bor Arki janub tarafida voqe bo'libdur. To'qqiz tarnov suv kirar.Shahr va bozorisida turki bilmas kishi yo'qdir" deya tug'ilgan joyiga ta'rif bergan.Shuningdek Hamidulla Hasanov asarida Zahiriddin Muxammad Bobur bilan bog'liq bo'lgan Farg'ona, Afg'oniston, Qobul, Agra, Peshovar toponimlari va Hind, Gang, Bodomchashma dovoni kabi geografik obyektlar va hokazolar haqida yozgan.Bu nomlarga ta'rif beradigaan bo'lsak Farg'ona so'zining ma'nosi hali aniqlanmagan, lekin bir qanchas izoh, mulohaza va taxminlar mavjud. Bulardan Gerododning yozishicha qadim zamonlarda O'rta Osiyoda *parikana* ismli qabila bo'lgan:

Sanskrit tilida parkana deb, kichik viloyatga aytiladi;

Fors tilida parand (arabcha – farand) shoyi, ipak degani shu so'zlardan farandxona-ipakxona kelib chiqqan;

Qadimiy tojikcha - forscha pargona so'zi - " tog' oralig'idagi vodiy" degani. Bu so'zni mahalliy qabilalar yodlab olib, o'z yurtlarini Farg'ona deb yuritganlar.

Peshovar nomi Sanskrit tilida Pasuvar “shaharlik kishi” ma’nosini bildiradi.

Bobur asarlarida joylarga geografik izoh berishidan yana bir misol keltisak: Kosonni (Namangandagi tuman) “Safoliq bog’chalari tamom soy yoqasida voqe bo’lg’on uchun “po’stini besh barra “ deb turlar”, ya’ni oldiga teridan hoshiya tutilgan po’stinday , bog’lari daryoning ikki yoqsidadir. Bobur asarlarida gidronimlarga ham ta’rif bergan. Masalan Samarqand atrofidagi “Qorasuvkim Obirahmat ham deydilar. Konigilning o’rtasida oqar yetti sakkiz tegirmon suyi bo’lg’ay. Xon yurtida bu Qorasuv andoq yuqoridin evrulib kelib turkim ichida bir o’rdu tushuncha yer bor. Chiqar yeri xili tor voqe bo’lib tur”. Bobur geografiya uning sohalari bo’yicha ko’plab ma’lumotlar yozib qoldirgan va yana shunisi ahamiyatlidirki, u har doim ko’rganlarini yozgan.

XIX asr oxiri va XX asr boshlarida geografiyaga hissa olimlardan Shayx Sulaymon afandi Buxoriy ham sayyoh ham lug’atchi olimdir. Uning “Lug’ati chig’atoy va turkey usmoniy” kitobi geografiya terminalogiyasi va toponimika jihatdan qimmatli manba hisoblanadi. Quyida uning lug’atida izohlangan nomlardan bir nechasinini ko’rsatib o’tmoqchimiz:

Abulxon - Turon sahrolarida voqe bo’lgan bir tog’ning ismidir. Andijon- Farg’ona qitasida mashhur bir balda ismidir, nomi qadimiy Odoqdir. Qorako’l- Buxoro yetti tuman, Qorako’l yeti yarim tuman derlar. Siyoh qo’zi terisi, ajam quloq yig’nasi u yerdadir. Xorazm- Jurjon ila dashti qipchoq va Baxri Xazar ila Buxoro imorati orasida voqe o’lgan azimadir. Poytaxti qadimda ko’hna Urganch bo’lib, ayyom Xivaqdir.

Asarda bundan tashqari quyidagi geografik terminlar uchraydi:

Arno - daryo, naxrdan ayrilgan bir ko’l suv. **Og’och** - masofa, farsax, farsang, manzil tosh. **Oyoz** - sof, shaffof, oylu kecha. **Sekritma** - tor yo’l jar. **Quyar** - ikki suvning quyilishi. **Qoq** - suv to’plangan joy, selob yomg’ir. **Chig’ir** - qor ochilgan yo’l iz. **Bayir** - biyobonda yuksak yer.

Shunday qilib Shayx Sulaymon o’zidan burun o’tgan Maxmud Qoshg’ariy, Zamaxshariy singari filolog-geograflarning ulug’ namoyondalaridan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nizomov A., Rahimova G., Rasulova N. “Toponimika” o’quv qo’llanma T.: 2013 y.
2. Qorayev S. “Toponimika” o’quv qo’llanma T.: 2006 y.
3. Hasanov H. “Sayyoh olimlar” T.: 1981 y.

КЎП ҚАВАТЛИ БИНОЛАРНИ ҚУРИШДА ГЕОДЕЗИК ИШЛАРНИНГ АНИҚЛИГИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Муминова Н.А.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Маълумки сўнгги йилларда республикамизнинг барча вилоятларида, айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида кенг кўламда кўп қаватли уйлар, янги замонавий кўприklar, автомобил йўллари, ер усти ва ости метрополитени, савдо ва кўнгилочар марказлар, истирохат боғлари ва бошқа шунга ўхшаш инфратузилма объектлари барпо қилинмоқда. Бундан ташқари чет эл инвестициялари ёрдамида кўпгина йирик саноат корхоналари, шу жумладан “Қандим” газни қайта ишлаш комплекси қуриб ишга топширилди. Ушбу иншоотларнинг сифатли ва мустаҳкам қилиб қуриш ишларни геодезик ишларга боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида қурилишнинг барча босқичларида, айниқса кўп қаватли иморатлар қурилишида геодезик ишларда ўлчашларни етарли аниқликда бажарилишини талаб этади.

Алохида қуриладиган кўп қаватли иморат учун маҳкамланган қизил чизиклар ёки геодезик асос пунктларидан теодолит йўли ўтказилиб ундан иморатни четдаги бўйлама ўқларидан бири кўчирилади. Бунинг учун ушбу ўқни иккала учлари нукталарининг координаталари 1:500 масштабни пландан ўлчаб олинади ва улар орқали хисобланган β ва S қийматлари бўйича ўқ жойга кўчирилади. Кўчирилаган ўқ узунлиги жойда ўлчанади ва у лойиха қийматдан ΔS:7000 дан ортиққа фарқ қилмаслиги керак. Жойга кўчирилган бўйлама ўқ учларида тўғри бурчаклар чиқарилиб улар бўйича кўндаланг ўқлар узунлиги ўлчаб қўйилиб бинонинг контури топилади. Назорат учун иккинчи бўйлама ўқ учларида 90° ли бурчаклар ўлчанади ёки тўғри бурчакули тўртбурчак диагоналлари ўлчанади. Бунда

чизикларни ўлчаш аниқлиги 1:7000-1:10000 ва бурчакларни ўлчаш $\pm 3''$ бўлиши керак.

Биноми жойга кўчирилган контур ўқлари ва кўндаланг ўрта ўқлардан бири грунт белгилар билан махкамланади.

Қурилиш жараёнида бу белгилардан фойдаланиш осон бўлиши учун жойга кўчирилган контур ўқлар ичкарига қараб 1 мга параллель сурилиб махкамланади.

Баланд иморат пойдеворини қуриш учун хандақ қазиш чегараси жойга кўчирилади ва иншоот нуқталари обноскада махкамланади. Жойда белгиланган чегара бўйича котлован қазилади ва унинг тубида пойдевор контури режаланади.

Биноми конструкцияси, грунтларни юк кўтариш қобиляти ва унга тушадиган оғирлик миқдоридан келиб чиқиб пойдеворлар конструкцияси танланади ва шунга қараб пойдеворни режалаш технологияси белгиланади. Масалан, плитадан ташкил топган пойдеворни режалашда обноскада махкамланган бино ўқларидан котлован тубига уни контури кўчирилади ва у бўйича қолип (опалубка) ўрнатилади. Бетон қуйилгандан кейин унинг сиртига қурилиш ўқлари кўчирилади ва опалубка ўрнатилиб бетонланади. Баланд иморатлар пойдевори чуқур ўрнатилиб бир ёки бир нечта этаждан ташкил топади. Қурилган бетон пойдеворни усти плита билан ёпилиб у нол ёки бошланғич сатх деб қабул қилинади. Бу сатхта планли асос қурилиб уни нуқталарининг ўрни биноми юқори қаватларига вертикал проекциялаш асбоблари ёрдамида тик узатилади ва ҳосил бўлган асосдан фойдаланиб қаватларда режалаш ишлари бажарилади. Ҳар бир бино конструкциясини планли ўрни режаланиб у монтаж қилинади. Ўрнатилган конструкцияларнинг лойиҳада кўрсатилган вазиятга мослигини оптик квант генераторлар ёрдамида текшириш мумкин. Йўналтирилган ёруғлик нури чиқарадиган бундай асбоблар лазерли асбоб деб аталади. Бундан ташқари кўп қаватли биноларни қуришда геометрик нивелирлаш усулидан фойдаланилади.

Геометрик нивелирлаш билан отметка узатиш вертикал осилган меллиметр бўлинмаларга эга бўлган рулетка, икки нивелир ва бошланғич ва монтаж горизонтидаги реперларга ўрнатилган икки рейка ёрдамида амалга оширилади. Мавжуд бўлган бир неча горизонтга отметка узатишни учта йўл билан амалга ашириш мумкин: барча горизонтларга бир вақтни ўзида, битта осилган рулетка билан, бошланғич горизонтдан ҳар бир горизонтга алоҳида, горизонтдан горизонтга қаватма-қават отметка узатиш.

Бинода рулетка, қаватлар орасида вентиляцияон тиркиш, лифт шахтаси, ойна ўрни ва бошқалар орқали жойлаштирилади. Рулеткани осиб қўйиш учун махсус кронштейнлар қўлланилади. Рулетка ёрдамчи 3-5 кг юк билан монтаж горизонтдан бошланғич горизонтга туъширилади. Рулетканинг тебранишини камайтириш учун юк ишлатилган мой, опилкалар, сув билан тўлтирилган идишга жойлаштирилади. Бошланғич ва аниқланувчи реперларга рейкалар ўрнатилади, улар ҳам рулетка орасидаги элкалар тенглигига амал қилган ҳолда нивелир жойлаштирилади.

Иккита горизонтдан рулеткалардан саноклар команда билан олинади. Бу ўлчашлар битта приёмди ташкил қилади. а ва b реперлари орасидаги нисбий баландлик х қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$H=(c-b)+a-d$$

Аниқлигини баҳолаш учун ўрта квадратик хатолигин ҳисоблаш керак.

$$m_{H_1} = \sqrt{m_o^2 + 4m^2}$$

m_o - бошланғич маълумотларнинг ўрта квадратик хатолиги;

m - рейкадан ва рулеткадан олинган санокларнинг ўрта квадратик хатолиги;

Агар бошланғич маълумотларнинг ўрта квадратик хатолиги $m_o=2$ мм, рейкадан ва рулеткадан олинган санокларнинг ўрта квадратик хатолиги $m=1$ мм бўлса, бу усулда отметка узатиш ўрта квадратик хатолиги $m_{H_1}=2.8$ мм тенг бўлади.

Геометрик нивелирлаш усулида лазерли рулеткани қўллаш ёрдамида монтаж горизонтларига отметка узатиш усули ҳозирги вақтда кўп қўлланиладиган усулларнинг бири ҳисобланади. Бу усулда лазерли рулетка(ёки лазерли дальномер) замонавий қурилиш учун жуда қулай асбоб ҳисобланади, у масофаларни тез ва юқори аниқлик билан ўлчаш имконини беради. Бундай асбоблар масофаларни ўлчашдан ташқари, хоналарнинг ҳажмини яхши ҳисоблайди ва бориш қийин бўлган жойларнинг узунлигин Пифагор теоремаси билан осон аниқлаш мумкин.

Лазерли рулетка ёрдамида монтаж горизонтларига отметка узатиш усули схемаси 2-расмда кўрсатилган. Монтаж горизонтидаги исчи репернинг отметкаси қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади.

$$H_M = H_O + a - b + l + c - d$$


Бу ерда: a, b, c, d - нивелир рейкасининг қора томонидан олинган саноклар; l - лазерли рулетка билан ўлчанган вертикал масофа. Бу усулнинг аниқлигин баҳолаш учун ўлчанган қийматларнинг ўрта квадратик хатолигин ҳисоблаш керак бўлади. Рейкадан олинган санокларнинг хатоликлари тенг таъсир қилувчи деб ҳисобласак, у ҳолда аниқланувчи отметканинг ўрта квадратик хатолигин ҳисоблаш мумкин.

$$m_{H_2} = \sqrt{m_O^2 + 4m^2 + m_l^2}$$

Бу ерда, m_O - бошланғич маълумотларнинг ўрта квадратик хатолиги;

m - рейкадан олинган санокларнинг ўрта квадратик хатолиги;

m_l – рулеткада ўлчанган масофанинг ўрта квадратик хатолиги.



1-расм. Лазерли рулетка ёрдамида отметка узатиш схемаси.
(1-нивелир; 3-лазерли рулетка).

Агар бошланғич маълумотларнинг ўрта квадратик хатолиги $m_O = 2\text{мм}$, рейкадан ва рулеткадан олинган санокларнинг ўрта квадратик хатолиги $m = 1\text{мм}$, лазерли рулетка билан ўлчанган вертикал масофанинг ўрта квадратик хатолиги $m_l = 2\text{мм}$ бўлса, бу усулда отметка узатиш ўрта квадратик хатолиги $m_{H_2} = 3.5\text{мм}$ тенг бўлади.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, геометрик нивелирлаш усулида осилган ва лазерли рулетка ёрдамида юқори қаватларга отметка узатиш аниқлиги лазерли рулеткага нисбатан осилган рулетка билан узатилса юқори бўлади. Ишларнинг якуни сифатида қаватларга

узатилган режалаш асосидан фойдаланиб монтаж қилинган бино элементларини ижровий геодезик съёмкаси бажарилади.

Адабиётлар:

1. Ш.К.Авчиев. Амалий геодезия / Тошкент. Ворис-нашриёти 2010 йил.
2. Полищук.Ю.В. Высотные разбивочные работы в строительстве. Киев, -Будивельник,1980.

ТАБИЙ СУВЛАР МЕТАМОРФИЗАЦИЯСИ НАЗАРИЯСИНИНГ ГИДРОЛОГИЯ ФАНИДАГИ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Мурадов Ш.О., Раджабова Д.А.

Карши муҳандислик - иқтисодиёт институти

Буюк олимлар А.А.Вериго ва Н.С.Курнаковлар денгиз ҳавзаси сувлари таркибидаги сульфатлар билан курукликга дарёларлардан оқиб чиқаётган карбонат ва бикорбанат эритмаларининг икки босқичли ўзаро алмашиниш реакцияларини биринчи бўлиб кўрсатган.

1880 йилда проф. А.А.Вериго Куяльниц кўлтиғидаги рапа таркибидан SO_4 ионини йўқотиш йўли билан тузли эритмалар метаморфизация назариясини экспериментал ва назарий жиҳатдан исботлади.

1896 йил 10 декабрда Петербург минерология жамиятининг фавқулуддаги йиғилиши маърузасида академик Н.С.Курнаков бу жараёнларни метаморфизация деб номлади. У С.Ф.Жемчужный ҳамкорлигида кальций бикорбанатни бир кўл рапаси билан ўзаро таъсирлашуви натижасида гипс ва доломит ҳосил бўлишини тажриба йўли билан исботладилар:



(Гайдингер реакцияси)

Кўйдаги турдаги реакция окимининг катта эҳтимоли, ҳосил бўлган мустаҳкам эримайдиган доломит бирикмаси сабаблидир. Ҳосил бўлган тоғ жинсларида доломитни кенг тарқалганлиги ва реакцияни энергетик “афзаллиги”, уни муҳим сульфатсизлантириш реакциялар қаторига киритади (Мурадов Ш., 2012).

Н.С.Курнаков томонидан асосланган табиий сувларнинг метаморфизацияси ҳақидаги фикрлари унинг шогирдлари ва таниқли олимлар томонидан ривожлантирилган. Уларга Н.С.Курнаков ва С.Ф.Жемчужный (1917), М.Г.Валяшко (1932-35, 1939, 1962), О.Д.Кашкаров (1938), А.Г.Бергман (1954), Г.Н.Каменский (1954,1959), А.Е.Ходьков (1956, 1959, 1963), В.С.Самарина (1963, 1966, 1980, 1999), Г.Ю.Валуконис ва А.Е.Ходьков (1978), Г.Ю.Валуконис (1978), Ш.О.Мурадов (1983, 2012), Ф.Э.Рубинова (2005) ва бошқаларнинг ишлари киради (Мурадов Ш., 2012).

1932 йилда М.Г.Валяшко кўллардаги тузли сувларнинг кимёвий таркибини кўриб чиқиб, уларни 3 турга ажратди, яъни карбонатли, сульфатли ва хлоридли, булар орасида ўзаро генетик боғланишни ва метаморфизация жараёни таъсирида шўр сувни бир турдан бошқа турга ўтишни аниқлади. Кейинчалик у тўғри ва тескари метаморфизация жараёнини таклиф этди (Воронов А. ва б., 2001).

Бир оз вақт ўтгач М.Г.Валяшко ўзининг табиий сувлар кимёвий классификациясини нордон сувлар тури билан тўлдирди. Айти пайтда бу тур бир қанча мустақил турларини бирлаштирадиган юқори тур деб ҳисобласа бўлади.

Табиий сувлар кимёвий таркибининг тузилиш босқичларини ўрганиш жараёнига В.И.Вернадский (1934), М.Г.Валяшко (1935), А.С. Хасанов (1960), Г.Ю.Валуконис (1967,1971), О.А.Алекин (1970), Е.А.Басков (1981), К.Е.Питьева (1978), Е.В.Пиннекер (1980), Е.В.Посохов (1981), Э.И.Чембарисов (1989,2002), Н.Н.Парфенова (1992), Л.В.Кирейчева (1993,2004), В.С.Самарина (1999), Ф.Э.Рубинова (2005) ва бошқа олимлар ўлкан хисса кўшганлар (Мурадов Ш., 2012).

Минераллашган табиий сувларнинг галогенезлар билан боғлиқлиги ва гидрокимёвий худудийлашганлигини намоён бўлишини, табиий сувларнинг метаморфизация назариясини шубҳасиз ютуқлари ҳамда тизимлар ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганишда сув-тоғ жинслари-газ-органик моддалар ҳисобга олинади.

Н.С.Курнаков томонидан тавсия қилинган метаморфизация реакцияси ҳозирги пайтда шубҳасиз тан олинган. Албатта гап жараённинг устунлигида эмас. Ҳар қандай жараённи ҳам тан олиш ва тан олмаслик ҳамда бошқасига ёки яхшисига алмаштириш мумкин. Гап шундаки М.С.Курнаковнинг узлуксизлик қоидасига асосан физик-кимёвий тажриба усуллари метаморфизация атамаси моҳиятини тўла қаноатлантиради.

Сувлар метаморфизацияси ҳақида экология-гидрогеология маълумотномасида қуйидагича талқин қилинган: Ер ости сувлари таркибининг йўналишли ўзгариши. Агар сувлар таркиби гидрокарбанатдан – сульфатга сўнгра хлоридга ўзгарса бундай табиий сувлар метаморфизацияси тўғри деб ҳисобланади. Сувлар йўналишининг кимёвий таркиби тескари ўзгарса қайтар табиий сувлар метаморфизацияси дейилади (Воронов А., 2001). Агар бундай метаморфизация атамасига алоқадор ёндашувлар ушбу тушунчанинг бошланғич таркибига тўғри келмаса, метаморфизация таркиби нафақат ер ости сувларига хос, балки ер усти сувлари ва уларнинг физик-географик шароитларига боғлиқ бўлади.

Ер ости ва усти сувлар алмашилиш метаморфизациясини В.С.Самарина ва б. илмий асослар билан тасдиқлади. Бундан ташқари метаморфизация компонентларнинг нафақат йиғилишига балки уларнинг (гепергенез ҳудудида) тарқалишига шароит яратади (Самарина В. ва б., 1999).

Табиий сувларнинг кимёвий таркиби доимий бўлмайди. Табиий сув турли хил жинслар, сувдаги бошқа таркибий қисмлар, газлар, органик минерал моддалар ва тирик организмлар сабабли ўзининг таркибий қисмини ўзгартиради. Сувдаги бу ўзгаришлар яъни метаморфизация жараённинг асосини ифодалайди.

Тузларнинг чўкишига боғлиқ даврий жараёнлар метаморфизация ҳолатига боғлиқ бўлмаслигига сабаб, тузларнинг кимёвий таркиби сувларда ўзгармас бўлиб улар чўкма ҳолат намоён этади. Масалан сувни CaCl_2 ни MgCl_2 турга ўтказиб бўлмайди. MgCl_2 тури карналлит ($\text{KCl}\cdot\text{MgCl}_2\cdot 6\text{H}_2\text{O}$) ва бишофит ($\text{MgCl}_2\cdot 6\text{H}_2\text{O}$) чўкмаси бўлганда ҳам MgCl_2 тури сақланади.

Бунда метаморфизация атамасининг бошқа бир фарқи “Табиий сувлар кимёвий таркиби тузилиши” атаманинг кенгайтирилган шакли ҳисобланади. Табиий сувлар тузилиш назариясининг яна бир жиҳати шундаки, бу усул сув таҳлилининг охириги натижасини аниқлигини кўриб чиқади.

Табиий сувлар метаморфизацияси назарияси Гидрокимё ва Гидрогеокимё фанларининг бир қисми ҳисобланади. Бироқ шуни назарда тутиш керакки бу атама XX асрнинг 20- ва 40- йилларида адабиётларда пайдо бўлди. Айрим фикрлар бўйича “метаморфизация” атамаси бир қатор чалкашликларни ўз ичига олади. Ҳақиқатда эса ҳеч қандай чалкашликлар келиб чиқмайди.

Фонетик нуқтаи назардан қаралганда “метаморфизация” атамасига энг яқини “метаморфизм” ҳисобланади. Бироқ бу атама биринчидан сувларга эмас балки тоғ жинсларига алоқадор ва иккинчидан гидротермал эритмалар, ҳарорат ва тоғ жинсларининг юқори босим таъсиридаги ўзгариши аниқ босқичини баҳолайди.

Ҳозирги вақтда гидрология ва гидрогеология адабиётларида табиий сувлар метаморфизацияси ва айнан ер усти сувларига алоқадор қисқа маълумотлар мавжуд.

Бироқ таниқли гидрокимёгарлар А.М.Никаноров ва Е.В.Посохов таъкидлаганидек (1985), табиий сувлар кимёвий таркиби тузилишида... Н.С.Курнаков ва М.Г.Валяшко томонидан ишлаб чиқилган метаморфизация назарияси алоҳида ўрин эгаллайди

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, метаморфизация назарияси сувларнинг айрим ўзига хос хусусиятларини ўрганеди:

1. Табиий сувлар тузилиш назарияси ва уларнинг хусусияти биринчи навбатда қуйидаги омилларни яъни иқлим, гидрология, геоморфология, геология ва гидроэкология шароитлари ва бошқаларни кўриб чиқади. Метаморфизация назарияси бу муносабатни инкор этмайди, бироқ асосий урғу сув - тоғ - жинслари - ўсимликлар тузилишининг бирикишини намоён этади.

2. Метаморфизация назарияси сувдаги кўрсаткичлар оралиғининг ички алоқаларини ўрнатади, лекин биринчи навбатда сувлар таркибидаги минераллашган ва турли хил компонентларнинг бирикишини сақлайди.

3. Метаморфизация назариясига кўра, гидрология фан сифатида фақатгина ер усти сувларини кўриб чиқа олмайди. Сув кўп компонентли тизимларнинг бир қисми бўлиб, тупроқ, тоғ жинслари, газлар, органик моддаларни ўз таркибида сақлайди. Шу тариқа бу таркибий қисми гидрология объекти деб қайсидир даражада ҳособлашни таклиф этамиз.

Адабиётлар:

1. Валукоис Г.Ю., Ходьков А.Е. Роль подземных вод в формировании месторождений полезных ископаемых. – Л.: Недра, 1978. – 296 с.
2. Воронов А.Н., Бохенка Т., Бродский А.К, Козлова Э.Л., Крыза Ю. Эколого – гидрогеологический словарь / Под.ред. Воронова А.Н. 2-е изд., испр. И доп. Спб.: Изд-во. Петерб. Ун-та, 2001.-202с.
3. Мурадов Ш.О. Научное обоснование водоустойчивости аридных территорий юга Узбекистана. – Ташкент: Фан, 2012. –376 с.
4. Никаноров А.М., Посохов Е.В. Гидрохимия. – Л.: Гидрометеиздат, 1985. - 232 с.
5. Самарина В.С., Гаев А.Я., Нестеренко Ю. М., Захаров В.Я., Мусихин Г.Д., Бутолин А.П. Техногенная метаморфизация химического состава природных вод. – Екатеринбург: Уральское отделение РАН, 1999. – 444 с.

ГИДРОЛОГИЯ ФАНИДАГИ МУАММО ВА УНИ ЕЧИШ ЙЎЛЛАРИ

Мурадов Ш.О., Турдиева Ф.А.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Маълумки, сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида ер усти сувларини бошқариш бўйича етарли даражада изланишлар амалга оширилган (Никовский, Кубышкин,1972; Бочкарев, 1979, 1982, 1985, 1992; Валукоис, Мурадов ва б. 1982, 1989, 1991), аммо шунга боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин бўлган ер ости (сизот) сувларининг кимёвий таркиби ва сатҳини, уларни бошқариш муаммолари ҳалигача етарлича ҳал этилмаган. Бу эса кўпинча гидромелиоратив қурилиш ҳисобларида катта хатоликларга олиб келади.

К.В.Губернинг (2006) айтишича, биринчи қурилмалар И.В.Минаев (1977) томонидан таклиф қилинган. Улар гумид ҳудудлари учун қурилиш-намлантириш сув айланма тизим деб аталган.

Президентимизнинг “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (№ ПҚ-2954 04.05.2017) қарорида айнан юқорида келтирилган муаммога ҳам эътибор қилинган. Ушбу қарордаги талабларнинг айрим бандларини ечиш мақсадида қуйидаги изланишлар олиб борилган.

Ривожланган давлатларнинг сув хўжалик ишлар тажрибаси ва бизнинг кўп йиллик минтақавий изланишларимиз (1975-2017) шуни тасдиқлайдики, ер усти оқимини бошқаришнинг модернизациялашган услублари сизот сувларини бошқаришга, субиригациянинг жорий қилинишига, шу билан бирга мелиоратив-гидрологик ва экологик шароитларни яхшиланишига, энг асосийси сув ва тупроқнинг жадал геологик айланишини камайтириш ва биологик айланишини оширишга имкон беради. Бу айнан суғориладиган ерларда сув барқарорлигини таъминлайдиган содда модернизациялашган мелиоратив-гидрологик ва экологик технологиядир (Мурадов, 2012).

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қашқадарё вилояти (Қасби райони) да ўтказилган тажрибалар натижасида, суғориш меъёри 3150 м³/га ни ташкил этди ва пахта ҳосилдорлиги 7 ц/га ошди (Исаев, 2008). Хоразм вилоятида кам шўрланган ерларда сизот сувларини икки ёқлама бошқариш усули пахтани суғориш меъерининг 1,2-1,5 марта камайишига ва пахта ҳосилдорлигини 6-13 ц/га ошишига имкон берди (Джалилова, 2008).

Республикамизнинг мелиоратив-гидрологик шароитлари тахлили шуни кўрсатдики, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг суғориладиган ерларида субиригацияни жорий қилиш мумкин. Ўтган йиллар гипериригациясини, Ўзбекистоннинг жанубидаги сизот сувларининг чучуклигини, юқори

ва куйи табиий-сув хўжалик районлари сизот сувлари таркибидаги сульфат тузларининг кўплигини инобатга олган ҳолда ва сув ресурсларини тежаш мақсадида, суғориладиган ерларнинг мелиоратив-гидрологик ва экологик шароитларини яхшилаш ва сув-хаво, сув-туз таркибини бошқариш мақсадида, замонавий сув оқимини ростловчи қурилмаларни ўрнатиш орқали, ер ости сувларни бошқариш чора тадбирлари зарур деб ҳисоблаймиз. Бу турдаги қурилмани ер усти сувларини бошқариш орқали, ер ости (сизот) сувларини бошқарувчи деб номлашни таклиф қиламиз.

А.Шульцнинг (1966) кўп йиллик изланишлари натижасида, фильтрация коэффиценти 13–17 м/сут. га тенг қумли тупроқлардаги тўпланган сувнинг самарадор шлюзланган ҳудуди яратилди ва 200 метр ораликда қурилмаларни ўрнатишни тавсия этди (Маслов, 1981).

Арид ҳудудларда чучук сизот сувлари мавжуд ерларда икки томонлама бошқариш тизимини (субирригация) қўллаш даркор. Сизот суви сатҳини пасайтириш керак эмас. Аксинча, бундай шароитларда гумус ҳосил бўлиши ва тупроқнинг тузилишини яхшилайдиган, ўтлоқланиш жараёни амалга ошади. Сувга бўлган талаб 1,5-2 мартага камаяди. Техник-иқтисодий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, тупроқнинг гидрокарбонат шўрланиш турида, профилактик тадбирларсиз, сизот сувлари минерализацияси - 1,5 г/л бўлганда субирригацияни қўллаш мумкин. Сульфатли шўрланишда – 2,0 г/л гача (Налойченко, Мещерякова, 1982).

Шуни такидлаш жоиз-ки, субирригациянинг самарадорлигига эришиш учун, албатта сизот сувларининг критик оралик масофасини аниқлаш керак. Бу соҳада мавжуд дунёвий изланишларни таҳлил қилиб, махсус услубни ишлаб чиққанмиз ва Қашқадарё вилоятида қўллаганмиз.

Қашқадарё ҳавзаси куйи қисмидаги Қарши гидростининг кўп йиллик (Ўзгидромет, 1938-2014 йй.) маълумотларига асосан, вегетация бўлмаган даврда оқимнинг ҳажми 200 млн.м³ га тенг. Бу оқим сунъий қўлларга ташланмоқда ва атроф муҳитни ифлослантормоқда. Шу билан бирга ушбу ташламалар ўзан эрозияси ривожланишини жадаллаштирмоқда.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, дарёлар, суғориш ва зовур тизимлари оқимини ростлаш нафақат мелиоратив-гидрологик шароитларни яхшилаш, қишлоқ хўжалик экинларининг сув таъминотини оширишга, балки, ирригация жараёнини тўлиқ бажариш мақсадида гипер ва субирригация орқали амалга ошириш, тупроқни мелиорациялаш усулини (Мурадов, 1997) қўллаш натижасида, унинг унумдорлиги ошади ва энергияси сақланади, аэрация қатламида биогеоценоз учун оптимал шароит яратилади, моддаларнинг биологик айланишини кучайтириш ва геологик айланишини камайитириш учун ҳам зарурдир. Қашқадарёда ҳозирги пайтда сувдан фойдаланиш самарадорлиги жуда кичик. Олимлар томонидан оптимал режим кўрсаткичлари тавсия этилган (жадвал). Бизнинг таклиф этилаётган комплекс технология айнан мана шу ечимга бағишланган.

Шунингдек, ушбу қурилмаларда микро ГЭС ларни барпо этиш ва сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш шаклий лойиҳаларининг таркибий қисмларини такомиллаштириш йўли билан сув барқарорлигини таъминлаш мумкин. Бу ўз ўринда яна бир усулни гидрология фанига қўшилади деб ҳисобласа булади.

Жадвал

**Суғоришга ишлатиладиган сувларнинг жорий ва перспектив тавсифномаси
(Аму-Қашқадарё ирригация тизими ҳавза бошқармаси маълумотлари)**

Кўрсаткичлар	Ҳозирги фойдаланиш (2017), %	Перспектив фойдаланиш (Узб.) (Джурабеков, Лактаев, 1983)
Суғориш манбаидан олинган сув миқдори	100	100
Хўжаликлараро тармоқлардаги йўқотишлар	25	4
Фильтрация ва парланиш	15	3,5

Техник ташланмалар	10	0,5
Хўжаликлараро тармоқлардаги ФИК, бирликда.	0,75	0,96
Хўжаликларга берилган сув	75	96
Ички хўжаликлараро тармоқлардаги йўқотишлар	17	11
Филтрация ва парланиш	13	9
Ташкиллаштирилган ташланмалар	4	2
Ички хўжаликлараро тармоқлардаги ФИК, бирликда	0,83	0,89
Далаларга берилган сув	58	85
Даладаги йўқотилган сув (далага берилган сувлардан % да)	20	11,9
Суғориш давридаги парланиш	5	2
Ер остига (сизот сувига) сизиб кетган сувлар	12	9,9
Суғоришдаги ташлама сувлар	3	–
Суғориш техникасининг ФИК, бирликда	0,66	0,86
Суғориш тизимининг ФИК, бирликда	0,65	0,73
К/х ўсимликларининг сув сарфи – махсулдор парланиш	41	75

Адабиётлар:

1. Бочкарев Я.В. “Регулятор уровня воды верхнего бьефа» Авторское свидетельство СССР № 9324168, 1979.
2. Бочкарев Я.В. “Устройство для поддержания уровня воды в бьефе гидротехнического сооружения» Авторское свидетельство СССР. № 684096, 1979.
3. Бочкарев Я.В. “Устройство для управления затвором промывных шлюзов отстойников». Авторское свидетельство СССР № 8961167, 1982.
4. Бочкарев Я.В. «Стабилизатор расхода воды». № 1734078, Авторское свидетельство СССР, 1992.
5. Бочкарев Я.В., “Затвор - автомат водозаборного сооружения для горных участков рек». Авторское свидетельство СССР № 1136117, 1985.
6. Валуконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. “Устройство для регулирования дренажного стока”Авторское свидетельство СССР № 990952, кл. Е 02 В 11/00. 1982.
7. Валуконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. “Устройство для регулирования дренажного стока”. Авторское свидетельство СССР № 1491953, кл. Е 02 В 11/00 1989.
8. Валуконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. и др. “Устройство для регулирования дренажного стока”. Авторское свидетельство СССР № 1656053, кл. Е 02 В 11/00, 1991.
9. Губер К.В. Конструкция мелиоративных систем многоцелевого использования // ВНИИГиМ, 1980. С.58-63
10. Джалилова Т., Маткаримов Ж. Изучение влажностного режима почв при двойном регулировании в целях экономии воды в условиях Хорезмского оазиса // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. Ташкент: 2008. № 3. – С. 38 – 40.
11. Джурабеков И.Х., Лактаев Н.Т. Совершенствование оросительных систем и мелиорации земель Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, 1983.-152 с.
12. Исаев С., Ражабов Т. Тақирсимон тупроқлар шароитида субирригация усулида суғрилганда ғўза ҳосилдорлиги таъсири// O'zbekiston qishloq xo'jaligi. Тошкент: 2008. № 3. – С. 11 – 12.
13. Маслов Б.С., Станкевич В.С., Черненко В.Я.осушительно-увлажнительные системы. М.: Колос. 1981.-280 с.
14. Мурадов Ш.О. Научное обоснование водоустойчивости аридных территорий юга Узбекистана. Ташкент: ФАН. 2012.-376 с.
15. Мурадов Ш.О. “Тупроқни мелиорациялаш усули”. Патент № 4539 кл. Е 02 В 11/00, 1997
16. Налойченко А.О., Мешерякова Л.Д. Субирригация в аридной зоне // Гидротехника и мелиорация. 1982. №10. С.48-45.
17. Никовский А.П. и Кубышкин В.П. “Устройство для создания подпора в дренажной сети” Авторское свидетельство СССР № 412344, кл. Е 02 В 11/00, 1972.

БЕРУНИЙ ХОРАЗМ ВОҲАСИ-АМУДАРЁНИНГ ҚАДИМГИ-АВАНДЕЛЬТАСИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Низомов А.*

Низомий номидаги ТДПУ

Дарё олиб келаётган лойқа, қум, шағал аралаш ётқизиклар, оқим шиддати сусайгач, у кўл ёки денгизга куйилиш нуктасида тўпланиб қола бошлайди. Натижада ўзанда чўкиб қолган чўкиндилар чуқурликларни тўлдириб, ўзан тагини текислайди ва уни баландга кўтаради. Дарё куйиладиган жойдаги ётқизиклар биргаликдаги тархи баъзан грек харфидельта (Δ) шаклига, яъни асоси денгиз ёки кўл томонга, учи эса дарё йўналишига томон қараган конус шаклига ўхшаб қолади. Бу конуснинг бир қисми сув устида кўриниб туради, бир қисми эса сув остида бўлади. Ётқизиклар конусини кўпдан-кўп тармоқлар ва шаҳобчалар бўлиб-бўлиб юборган ҳолда, бўлақлар тўп-тўп ороллар ва оролчалар ҳосил қилади. Шу боисдан йирик дарёлар Нева, Волга, Лена, Дунай, Нил, Миссисипи, Ҳинд ва шу жумладан Амударёнинг ҳам дельтаси мавжуд. Баъзан дельта майдони жуда тез кенгайди ва денгиз томонга тезлик билан ўса боради. Масалан, 1943-1947 йилларда Амударё дельтаси ҳар йилига 2 км дан ўсган. Демак, ҳар қандай дельта ҳосил бўлаётган аллювиал текисликлар. Чунки оқар сув олиб келиб ётқизган оқизиклар аллювий, деб аталади. (Колесник С.В.-1966, 124-бет).

Дельта ҳосил бўлиш ҳақидаги тушунчалар замонавий географик қўлланмаларда шу тариқа изоҳланади. Дарҳақиқат бу жараён ханузгача қадар ўрганилиши ниҳоясига етмаган долзарб гидрологик муаммолардан бири бўлиб, В.Л.Шульц (1965), О.П.Щеглова (1984), Р.С.Чалов (2008), Ф.Х.Хикматов (2011) каби кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишларида акс этган. Аслида дарё этакларида лойқа ётқизикларининг тўпланиб қолиш жараёни Абу Райхон Берунийнинг илмий кузатишлардан ҳам четда қолмаган эди. Бу борада биз Берунийнинг оқизик жинсларнинг сараланиш қонуниятини таҳлил қилиш борасида бирмунча тўхталиб ўтганмиз. Фанда Буюк Ҳитой текислиги, Ориноко, Амазонка, Ломбардия, Ҳинд-Ганг пасттектисликлари, Миссисипи текислиги, Месопатамия ва бошқалар ана шундай аллювиал текисликлар эканлиги маълум (Колесник С.В. 1966, 125-бет) Абу Райхон Беруний фикрича эса худди юқорида қайд қилинган худудлар каби Хоразм воҳаси ҳам қадимда Амударёнинг дельтаси бўлган. Қадимги дельталарни замонавий географик тушунчаларда авандельта деб аталади. Авандельталар қадимги геологик даврларда дарё ўзани бўйлаб учраган тектоник ботикларнинг аллювиал ётқизиклар билан тўлиб, текисликларга айланиши туфайли содир бўлади. Натижада авандельта бўйлаб дарё ўзанини ривожлантирган ҳолда навбатдаги пастқамлик томон йўналиш олиши мумкин. Бу ҳолатни Абу Райхон Беруний куйидагича ифодалайди. “Хоразм тарафига сув қолдиқлари оқар ва қоялар билан тўсилган Хоразм текислиги бошланган жой (яъни Хоразм воҳаси) яқинидаги қояларни ёриб ўтар эди, энди эса бутун сув (Амударё-А.Н.) Хоразм томон йўл олди. У уларни (қояларни) ёриб ўтди, атрофни сув босди ва бу ер ўша жойдан бошлаб кўлга айланди. (Демак Хоразм воҳасининг қадимги ўрни ботик-пастқамликдан иборат бўлган экан кейин у Амударё суви билан тўлган А.Н.). Сувнинг кўплигидан ва оқим кучининг зўрлигидан у кўп миқдорда лойқа оқизгани учун суви бўтана эди. Ўзани кенгайган жойларда сув таркибидаги лойқани чўктириб қолдиради эди; куйилиш жойидан бошлаб лойқа аста-секин қотар ва қуриб қолар, кўл эса тобора шимолга томон чекиниб борар эди (Демак дельта ўсиб бормоқда-А.Н.). Шундай қилиб бутун Хоразм вужудга келди.” (Беруний 1983, 73-бет). Нима учун Хоразм воҳаси замини серунум деган саволга аниқ жавоб, чунки у лойқа ётқизиклардан ташкил топган аллювий қатламларидан иборатдир.

Амударёнинг куйи оқими тарихи билан кўплаб тадқиқотчилар қизиқишган. Уларнинг аксарияти геологлар, геоморфологлар, тарихчилар, географлар (А.М.Кокшин, В.А.Обручев, В.В.Бартольд, Л.С.Берг, С.П.Толстов, Я.Ф.Фуломов, Н.И. Леонов (1968)) бўлиб, барчалари

*Низомов Асрор – Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти.

Хоразм Амударёнинг авандельтаси хақидаги фикрларини тасдиқлайдилар. Аммо уларнинг барчаси Хоразм воҳаси Амударёнинг авандельтаси эканлиги тўғрисида Абу Райхон Беруний билдирган фикрдан воқиф эди, дея олмаймиз. Эски Амударё эрамиздан олдинги 2 минг йилликнинг бошларида Орол денгизига айнан қандай нуктасида келиб қуйилганлиги тўғрисида етарли маълумотларга эга эмасмиз. Қуйилиш жойи анчагина жанубда, яъни тахминан ҳозирги Хоразм ўрнида бўлиши эҳтимол. Хоразм ўша даврда пастликдан иборат бўлиб, сув ва дарё лойқаси билан тўла борган. Ана шундай қилиб, Хоразм ерлари ташкил топади ва кейинчалик унинг худудида дельта вужудга келади (Леонов Н.И.1968, 10-бет). Амударёнинг қадимги даврларида тентираб оқишини ўрганган олим Н.И.Леонов (1968) Берунийнинг фикрини қариб минг йил кейин ундан мутлақо беҳабар ҳолда (чунки китобнинг бирон жойида Беруний маълумотлари берилмаган-А.Н.) бирмунча иккиланиб, эҳтиёткорлик билан, аммо ниҳоят ушбу фикрни тасдиқлайди. Аслида Н.И.Леоновнинг Хоразм воҳаси шаклланиши хусусидаги ушбу фикрлари, ўз вақтида Абу Райхон Беруний томонидан янада ёрқинроқ ифода этилган эди. “Амударё сувининг ҳаммаси Хоразм томонга оқа бошлаган, ваҳоланки, олдин бу тарафга унинг тўсилган жойи яқинида қоялардан сизиб ўтган қолдиғигина (Таъкид бизники А.Н.) етиб келарди, ҳозир у жой Хоразм текислигининг бошланиши (Туямўйин қишлоғини назарда тутган ҳолда, Беруний авандельтанинг аввалги қисмини ниҳоятда аниқ тасаввур этмоқда-А.Н.)да. Сув уни ёриб ўтиб, у ерларни ғарқ қилган ва ўша жойдан бошлаб кўлга айланган. Жайхун сувининг кўплиги ва оқимининг шиддати туфайли олиб келган балчиғидан лойқаланган. Дарё кенгайиш жойида ундаги лойқаликлар чўка боган; бора-бора унинг қуйилиш жойида чўкиндилар қалинлашишидан ер кўриниб, қуруқликка айланган. Кўл эса Хоразм ери бутунлай ҳосил бўлгунча чекина берган. (Беруний-1982, 73-бет). Демак ҳозирги Хоразм воҳаси ўрнида мавжуд бўлган эрозион тектоник ботик дастлаб қуруқ бўлган. Она жинслари бўр даврига хос бўлган ушбу буқилма тўртламчи даврнинг ўрталарида, ҳозирги Орол денгизи тубини ташкил этувчи тектоник ботик билан бир вақтда шаклланган. Кейинчалик унга Амударё ўз сувини қуя бошлагач лойқага тўла борган ва унинг қалинлиги айрим қамбар жойларида 80-140 м ни ташкил этади (Баратов-2003). Демак ушбу далиллар Беруний тасаввур этган кўлнинг чуқурлиги айрим нукталарда 80-140 м ни ташкил этар экан, дея хулоса яшашга асос бўла олади.

Абу Райхон Берунийнинг авандельта ҳосил бўлиши жараёни ёки Хоразм замини геологияси хақидаги гениал фарази нафақат ўз даври учун ниҳоятда муҳим янгилик, хатто ХХI аср фани учун ҳам ҳали “теша тегмаган” кашфиёт эди. Шундай бўлсада бу ёрқин ғоя бизнинг давримизга қадар Беруний асарларининг қатида замонавий олимлар нигоҳидан яширин қолиб келди.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИНИ ЎРГАНИШДА ТОПОНИМИКАНИНГ РОЛИ

Низомов А., Маматова Ш.А., Раҳимова Г.А.*

Низомий номидаги ТДПУ

Миграция (лотинча миграцио–кўчиш деган мазмун беради). Аҳолининг турли мақсадларда (янги худудларни ўзлаштириш, яхшироқ шароитда ишлаш, даромат олиш, сиёсий мақсадларда) бир жойдан иккинчи жойга кўчишини англатадиган илмий термин. Миграция ички ва ташқи каби икки гуруҳга бўлиб ўрганилади. Агар кўчиш бир мамлакат худудида бўлса, ички миграция, турли мамлакатлар ўртасида бўлса, ташқи миграция деб аталади. Уларни яқин ва тарихий даврлар мисолида қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Энг қадимги даврлардан, XIX асрнинг бошларига қадар бўлган даврлар. Турли жанговар ҳаракатлар, нотурғун сиёсий ҳолат, диний мазмундаги, қулдорчилик каби айрим феодал ҳаракатлар таъсирида аҳоли миграциясининг шаклланиши. Натижада ўлкамиз бўйлаб

*Низомов Асрор – Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси доценти.;

Маматова Шоиста Асроровна – Қўшрабод туманидаги 1-ўрта мактабнинг география ўқитувчиси.;

Раҳимова Гулнара Асилловна – Бўстонлик туманидаги 4-ўрта мактаб директори.

хинд, эрон, афғон, араб, мўғил ва бошқа миллатлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Топонимлар ҳосил бўлган. Масалан, Бухоро вилояти, Когон, Шофиркон, Қўқан туманлари, Қашқадарё вилояти, Косон туманида Арабхона “араблар яшайдиган жой” маъносида Ароблар, Аробон, Сайидон, Хўжатўп, Эшонгузар деган қишлоқлар кўп. Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида Авғон қишлоқ, Авғонбоғ каби топонимлар мавжуд (С.Қораев. 1978. 25-б). Баъзи ҳолатларда миграцион топонимлар айнан миграцияга учраган халқ номи билан эмас, балки улар яшаган ҳудуд, шаҳар ёки қишлоқ номи билан ҳам аталиши мумкин. Фикримизнинг далили сифатида дала тадқиқотлари мобайнида информаторлар берган маълумотни келтирамиз. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани ҳудудидаги Тошқўрғон қишлоғи аҳолиси Афғонистоннинг Тошқўрғон шахридан кўчиб келганлиги эътироф этилади. Худди шундай ҳолат Хоразм вилояти, Янгиариқ туманида ҳам кузатилади. Бу ердаги Мўлтон қишлоғида мўлтони деб аталувчи Ўрта Осиё лўлилари яшайди. Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилояти ҳудудларида кулдорлик тизимининг оғриқли нуқталаридан дарак берувчи “Қуллар”, “Қулқишлоқ” каби топонимлар учрайди. Бу ерда гарчанд замонамизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари яшасаларда, уларнинг топономик тарихи аҳоли миграциясининг ўзига хос жиҳатларидан дарак бериб туради. XIX асрнинг бошларида Амударёнинг куйи оқими бўйлаб юз берган сиёсий нотинч ҳолат туфайли қорақалпоқларнинг бир қисми Бухоро амирлиги ҳудудига ўтишга мажбур бўлган (Ўзбекистон халқлари тарихи-1993, 77-бет). Шу муносабат билан Фарғона водийси, Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида Қораалпоқ (Қорақалпоқ) деб аталувчи қишлоқлар шаклланган. Бундай қишлоқлар Фарғона, Иштихон, Жомбой тумани ҳудудларида хануз мавжуд бўлиб, аҳоли миграциясининг ўзига хос жиҳатларидан дарак бериб туради. Ўша даврларда Зарафшон водийсига кўчирилган қорақалпоқларнинг аксарият қисми ўзбеклар билан ассимиляциялашган ва топонимлар ҳосил қилинган.

2. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида юз берган нотинчликлар туфайли содир бўлган аҳоли миграцияси.

Бу даврда Ўрта Осиё Чор Россияси таъсири остига тушиб қолди. Натижада ҳудуд бўйлаб ҳукумати хизмат қилувчи, харбийлар, давлат арбоблари, турли мутахассислар, хатто “рус мужик”ларидан иборат жуда катта аҳоли оқимининг колониялари сифатида янги шаҳарлар, қишлоқлар таркиб топа бошлади. Хатто Тошкент, Самарқанд каби йирик шаҳарларда ҳам европалик аҳоли вакилларидан иборат даҳалар “Янги шаҳар”, номи билан шакллана бошлади. Тошкентда “Қалдирғоч”, “Ласточка” маҳалласи, шаҳар четларида эса унумдор ерларда руслар, украинлар, Волгабўйи татарлари, арманлар, озарбайжонлар, россияда яшовчи немислар кўчиб келишди (Ўзбекистон халқлари тарихи-1193, 161-б). Ўзбекистон ҳудудига XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Россия бўйлаб юз берган сиёсий нотинчликларда фаол иштирок этган маҳкумлар сургун қилинди ва Мирзачўл каби табиий географик шароити ноқулай бўлган райўнларга жойлаштирилди. Ҳозирги Гулистон шаҳрининг “Ўлкашунослик музейи” худди шундай, аммо юқори мартабали сиёсий маҳкум учун бунёд этилган иморат эди. Натижада республикамиз ҳудуди бўйлаб кўплаб янги ташкил топган аҳоли манзиллари эмигрантлар ҳисобига шаклланди. Уларнинг ҳар бири янги топономик ном билан атагани ҳолда, баъзан траенскрипция туфайли шаклан кучли деформация олган. Сирдарё вилоятида Обитовон номли қишлоқ мавжуд. У XIX асрнинг охирларида Россиядан кўчиб келган руслар томонидан қурилган. Ва шу боисдан рус тилида “обятованная земля” - “орзу қилинган қамраб олинган ер”, - деб аталган.

3. XX асрнинг бошларида нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё республикалари, балки бутун собиқ иттифокдош давлатлар бўйлаб юз берган сиёсий нотинчлик туфайли аҳоли миграциясининг янги кўриниши ва унинг оқибатида ёш топонимлар шаклланиши авж олди. Хусусан арзимаган ваз-бахоналар билан деҳқонларни “қулоқ” қилиш, уларни ер-суви, мол мулкидан маҳрум этиб Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистоннинг сувсиз даштлик, кўрик, тўқайзор ерларига, хатто Украинанинг узок Херсон, Одесса вилоятларига, Сибир томонларга сургун қилиниши сабабли ҳам янги топонимлар ҳосил бўлди. Шу тариқа Украина ёки Сибирда Самарқанд, Тошкент, Ўзбекистон каби миграцион топонимлар шаклланди. Чунки сургун қилинган аҳолининг бир қисми кўп ўтмасдан ўз юртларига қайтиб

кетгани ҳолда, уларнинг турли аонингликлардан безор бўлган яна бир қисми борган янги ерларида ўтроқлашиб манзилларини, ўзлари кўчиб келган жой номлари ёки уруғлари номи билан атай бошлашди. Нурота ёнбағрида яшовчи кўпгина “туркман”, “болғали”, “ойтамғали” каби Зарафшон дарёси тўқайзорларига сургун қилинган уруғ вакиллари кўчиб борган жойларида ўзларининг уруғлари номи билан аталувчи янги топонимларни ташкил этишган. Бу борада кекса информаторлар қизиқарли маълумотлар берадилар. Себистон-олмазор номли қишлоқлар тоғда ҳам, дарё (Зарафшон) бўйларида ҳам мавжуд, аслида улар XX асрнинг бошларида Нурота тизмалари ён бағрида бўлган. Худди шунингдек Тўкмон, Тувадок, Ўтарчи, Конжиғали каби қишлоқ номлари қайтарилади.

4. Янги ерларни ўзлаштириш 1950 йиллардан кейинги даврларда собиқ иттифок давлат сиёсати туфайли юз берган аҳоли миграциясининг сабабчисидир. Бу даврларда Мирзачўл, Қарши чўли, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона каби чўлларни ўзлаштириш муносабати билан янгидан-янги топонимлар шаклланди. Биргина Мирзачўлнинг Жиззах, Сирдарё вилояти маъмурий ҳудудлари бўйлаб “Самарқанд”, “Фарғона”, “Андижон” каби кўплаб топонимлар шаклланган-ки, аслида ушбу аҳоли масканларининг аксарият қисмини ўз вақтида кўрсатилган географик нукталардан чўл “қувиб” келган аҳоли ташкил этар эди. Масалан, Андижон – кўчма ойконим. Маҳаллий халқ ўтган асрнинг 70-80 йилларида Жиззах чўлини ўзлаштириш мақсадида Андижон вилоятидан кўчиб келиб, муқим яшаб қолган (Ҳакимов Қ.-2014,75-б). Чўлларда Москва, Кремль, Гагарин каби янги аҳоли пунктлари турли тамондан кўчиб келганлар ҳисобига шаклланган.

Миграцион номлар соф геотопонимик хусусиятга эга. Чунки ушбу тушунча топонимларнинг географик жиҳатлари бир жойдан иккинчи жойга силжиши, ҳаракатланиши, кўчиши каби сифатлари туфайли шаклланади. Шу билан биргаликда у дастлабки ҳосил бўлган “тузилган” нуктасининг географик шароитини маълум миқдорда ўзи билан биргаликда иккинчи жойга кўчиб ўтишига ҳам сабабчи бўлади. Масалан Миришкор - миришкор, яъни мир – подишоҳ, мутлоқ ҳоким, эга тушунчасини берса, шикор - ов тушунчасини англатган ҳолда, уларнинг ҳар иккаласи биргаликда ов хўжаси ёки овнинг устаси деган тушунчани беради. Демак, Миришкор топоними этнотопоним бўлиб, Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги қишлоқ номидан шарққа томон ҳаракатлангани ҳолда Нурота тоғ этакларининг шимолий ҳудудларида “қўним” топган. Шу тариқа Қизилқум чўлида овчиликнинг энг нозик бўғинларига қадар ўзлаштирилган “миришкор”лар энди нафақат чўл шароитида, балки Нуротадек тоғ шароитида ов қилиш учун тоғ табиий географик шароитини ўзлаштирганлигини англатди, балки ҳар бир ишнинг устаси деган тушунча остида халқ жонли сўзлашувига чуқур кириб борди ва адабий нутқ мазмунидан мустаҳкам ўрин олди. Масалан энг уста пахтакорлар - миришкор пахтакорлар, уста дехқон - миришкор дехқон тушунчаси билан тенг тарози қатнаша бошлади. Бизнинг давримизда Миришкорлар топоними энди Мирзачўл сарҳадларига ҳам этноним сифатида кириб келиш билан биргаликда, ўз ортидан маълум географик шароит, тарихийликка хос тушунчаларни ҳам чувалаштириб келди. Энди географларнинг вазифаси, ўта “чалкаш” фикрлар, воқеъликларни ўз ўрнига тартиб билан қўйиб чиқишдан иборатдир. Ваҳоланки бундай миграцион номлар рўйхатини кўплаб давом эттиришимиз мумкин. Шуни эътироф этишимиз керакки, миграцион номлар ўзининг учламчи миграциясида, яъни кўчишида ўзининг асл “хусусият”ларини йўқотади, “Миришкорлар” бўла олмай қолиши мумкин. Масалан Мирзачўлда шаклланган “Миришкор” номли миграцион номлар, асл миришкорлар бажарган овчиликка хос хусусиятларни тўлиқ адо эта олиши, мунозарали масалалар қаторидан ўрин олади. Чунки энди улар овчи эмас, чўлқувар, аксарияти пахтакордир. Шу боисдан “Миришкор”лик хусусияти овчилик билан шуғилланмай қўйганлиги сабабли ўсишдан тўхтаб, янги йўналиш - пахтакорлик, ғаллакорлик кабилар ва бошқа касблар мисолида равнақ топа бошлайди.

ҚАШҚАДАРЁ ДАРЁСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИНГ ЭЛЕКТРОН ГЕОФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Расулов А.Т., Мубораков Х.М

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

Президентимиз Ш.М.Мириёев томонидан 2018-2019-йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора тадбирларига бирқанча аниқ кўрсатмалар берилди, шунингдек айни пайтда юртимизда 4487 километр ирригация тизими каналлари, 5259 километр суғориш тармоғи, 3636 та гидротехник иншооти, 495 та насос станциялари ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек 7500 километр коллектор-дренаж шохобчалари, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш лозимлиги таъкидлаб ўтдилар. Бундан ташқари 167 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ниҳоятда паст даражада қолиб кетаётганлиги, 1957 минг гектар суғориладиган ерларни турли даражада шўр босганлиги, шу жумладан 542 минг гектари ўртача ва 99 минг гектари кучли шўр босган ерлар борлиги айтиб ўтилиб, бундай жараёнларни олдини олиш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклашнинг комплекс чора тадбирларини ишлаб чиқиш кераклиги тасдиқланди. Ҳозирги даврда бу кўрсаткичларнинг ўзгариши янада жадаллашиб бормоқда негаки табиий ва инсон омилларининг таъсири натижасида нафақат ернинг мелиоратив ҳолати ўзгариб бормоқда, балки дарё ва сувларнинг шўрланиш даражаси кескинлашиб бормоқда. Шунга кўра Қашқадарё воҳаси ҳам қадимдан сувга анча мухтож худудлардан бири ирригация ва мелиорация бўлган дарёдир, шу сабабли ота-боболаримиз сувли ерларни кадрлаб, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиб келганлар. Ҳатто ҳозирга қадар сақланиб қолган сардобалар, бугун ҳам бизга сувни зарга тенг бойлик сифатида ардоқлаб келинганидан далолат беради.

Қашқадарё дарё баҳорда тўлиб оққан ва ёзда суви камайиб кетиб, айрим жойларга сув чиқмасдан “Қашқа” бўлиб қолганлигини эҳтимол билдиради. Дарё сувини ўзининг юқори ирмоқлари ҳисобланадиган Окдарё, Танхоздарё, Жиннидарё каби Ҳисор тоғ тизмаларидан олади. Дарё сувини йиғиш ва ўсимликларни вегетация даврида сув билан таъминлаш мақсадида “Чимқўрғон” каби сув омборлари қурилган бўлиб, Чимқўрғонда 400-500 млн м³ “Ҳисоракда” 150-170 млн м³ сув тўплаш имконияти бор, булардан ташқари “Қамаши”, “Нуғайли”, “Шўронсой”, “Янгиқурғон” ва “Қорабоғсой” каби сел сувлари ва дарё сувларини йиғадиган сув омборлари қурилган.

Дарё суви камайган пайтларда, дарё табиий дренаж ҳолатига тушиб, сувни минераллашуви сезиларли даражада ортиши кузатилмоқда, шу сабабли дарёнинг бошланиш қисми Шаҳрисабзда сувнинг минераллашуви 0,4-0,5 г/л бўлса, Муборақда 2 граммдан 5 граммгача бўлиш ҳоллари учрайди.

Қашқадарё сувининг минераллашуви кейинги йилларда бирмунча камайди, бунинг асосий сабабларидан бири дарёга сув ташлайдиган “Қиллисой” ва “Қорасув” зовурларини суви камайтирилиб, бундан шўр сувлар дашт зовурига ва ундан жанубий зовурга йўналтирилди, бу тадбир ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Гидромелиоратив қурилишнинг объектлари ҳам суғориш ва зах қочириш системаларига ижобий самара беради. Зах қочириш системаси намлик йиғилган ерлардан ортиқча сизот сувларни чиқариб ташлаш учун керак бўлади ва зовурлар, магистрал узатиш коллекторларидан ташкил топади.

Дарё сувининг сифатига таъсир этаётган манбалар ўрганилиб чиқилганда, сув сифатининг бузилишига, маиший саноат, қишлоқ хўжалик, корхона ва ташкилотлардан тушаётган оқова сувлар дарё сувини санитария ва экологик ҳолатига салбий таъсир қилаётганлиги аниқланди. Ўнлаб корхона ва ташкилотларни дарёга тушадиган оқова сувлари тўхтатилди, яъни улардан чиқадиган оқова сувлар шаҳар канализацияга уланди ва бир қисмидан иккиламчи фойдаланиш йўлга қўйилди. Шу билан бир қаторда Китоб ип – йиғирув комбинати ва Шаҳрисабз шаҳар оқова сув тозалаш иншоотидан чиқайтган оқова сувлар

Қашқадарёнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу иншоотлардан чиқаётган чиқинди сувларнинг дарёга оқизилиши, дарё сувининг кучли ифлосланишига сабаб бўлади. Қуйи туманларда, ҳатто, Шаҳрисабзда яшаётган аҳоли шу сувдан ичимлик суви сифатида фойдаланиб келмоқда. Бу ҳолат инсон саломатлигига таъсир этиб, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Кейинги йилларда иншоотларни дарёни ҳимоя минтақасидан кучириш (200-400 метр) борасида ишлар амалга оширилаётганлиги ҳам дарёни муҳофаза қилишда асосий тадбирлардан бири бўлмоқда. Дарёга яқин бўлган жойларга кам ўгитланадиган экин экиш, захарли химикатларни ишлатмаслик каби чоралар ҳам дарё сувини ифлосланишдан сақлайди.

Бундай салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тизимидаги ГЕОИНФОРМКАДАСТР ДУК ва Республика архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг ЎзГАШКЛИТИ ДУК корхоналари томонидан дарё сувини ифлосланишдан ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини доимий назорат қилиш ва ижобий натижаларга эришиш учун геодезик ва картографик олиб борилган дала геодезик ўлчаш натижаларини жамлаб электрон геофонд базасини ишлаб чиқмоқда. Барча вилоятлардаги ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисидаги геодезик, картографик ва кадастр маълумотларини ягона базада шакллантириш ишлари, шўрланган ерларнинг ҳолати ва эскириб қолган коллектор дренажларнинг жойлашган ўрни, жойнинг рельефи, эскириб ва таъмир талаб бўлиб қолган горизонтал коллектор дренажларнинг қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Гидромелиоратив қурилишнинг объектлари бўлиб суғориш ва зах қочириш системалари хизмат қилади. Зах қочириш ситемаси намлик йиғилган ерлардан ортиқча сизот сувларни чиқариб ташлаш учун керак бўлиб, зовурлар ва магистрал узатиш коллекторларидан ташкил топади. Мелиоратив тизимдаги зах қочириш тармоқларини нормал иш ҳолати қуйидагилар билан белгиланади:

- *етарли даражада зах, ташлама, катастрофик сув сарфларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;*

- *тутаиш тугунларида дам ҳосил қилмаслиги;*
- *турли сув сарфларида қониқарли ишлаш;*
- *ўзан ва ён қирғоқларини ювилмаслиги;*
- *ўзанни лойқа босмаслиги ва унда бегона ўтларни ўсмаслиги.*

Шундай қилиб катта ҳажмдаги суғориш ва мелиоратив қурилиш ишларини геодезик таъминлаш бўйича ишлар олдинда турибди. Буларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) дала геодезик ўлчашлари ва ҳисоб – чизма ишларини бажариш орқали иншоотларни қуриш учун бажариладиган лойиҳа ишларини керакли геодезик маълумотлар билан таъминлаш;

б) қурилиш лойиҳасини мувофиқлиги бўйича иншоотларони асосий ўқлари ва чегаралари, ҳамда бошқа характерли нуқталари ўрниларини жойда аниқлаш;

в) қурилиш жараёнида жойида иншоотлар элементларининг геометрик шакл ва ўлчамларини лойиҳа мувофиқлиги бўйича таъминлаш;

г) махсус ускуналарни ўрнатиш ва уларни жойлашишида геометрик шартлар бажарилишини таъминлаш;

д) қурилган иншоотларни лойиҳадан четланишини аниқлаш (ижройи съёмкаларни бажариш).

Очиқ зах қочириш зовурларни қуришда уларнинг трассалари йўналишлари 1:5000-1:10000 масштаблардаги топографик карталар бўйича танланади. Трасса ўқини йўналиши, бурилиш нуқталари, ундаги гидротехник иншоотлар ўрни белгиланади.

Картадан график усулда трасса бурилиш нуқталарининг координаталари бўйича уни тўғри чизик қисмлари узунлиги тескари геодезик масала формуласидан топилади. Трассани бурилиш нуқталари бўйича теодолит йўлини ўтказиш билан бирга пикетларга бўлинади ва доиравий эгри бош нуқталари ўрни жойда маҳкамланади. Трассани ер ишлари зонасидан

ташқарида хар 5 км ораликда реперлар ўрнатилади. Трассада жойлашган гидротехник иншоотлар ўқлари жойга зовур ўқида жойлашган нуқталардан амалга оширилади. Жойда маркази мустаҳкам ўрнатилган барча реперлар 4-синф нивелирлаш йўллари билан улаб чиқилади.

Зовур трассаси пикетлар бўйича нивелирлаб чиқилади, пикетлар бўйича нивелирлашнинг чекли хатоси $fh = 50\sqrt{L}$, мм керак, бу ерда L- трасса узунлиги, км да кўрсатилади.

Натижалар ишлаб чиқилиб трасса бўйлама профили асосан қуйидаги 1:5000 - 1:10000 горизонтал ва 1:100 вертикал масштабларда чизилади. Профилда зовур лойиха туби чизиғи, сув нормал горизонти, дамбалар ва гидротехник иншоотлар ўрни ва тури кўрсатилади. Зовурларни қуришда режалаш ишлари ўқи бўйича маҳкамланган пикетлардан кўндаланг қирқим бўйича турпоқ ўйма чегаралари кўчирилиб улар вақтинча белгилар билан белгилаб чиқилади.

Зовурни қуришда ер ишлари хажми қуйидаги формуладан ҳисобланади

$$V = \left[\frac{S_1 + S_2}{2} - \frac{(h_1 - h_2)^2}{6} m \right] d,$$

бу ерда S_1, S_2 – зовур кўндаланг қирқимлари майдонлари; h_1, h_2 – зовур биринчи ва иккинчи кўндаланг қирқимларидаги чўкирикликлари; d – зовур кўндаланг қирқимлари орасидаги масофа; m – қиялик коэффициенти (откоси).

Зовур кўндаланг қирқими майдони қуйидагича топилади

$$S = (b + mh),$$

бу ерда b – зовур тубининг эни, h – зовур чуқурлиги.

Хулоса қилиб айтганда, бундай ҳолатларни олдини олиш ва бугунги кундаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва дарёларнинг шўрланишини сақлаб қолиш учун амалда фойдаланишга бўлган зовурлар, ёпиқ горизонтал дренажлар ва улардаги иншоотларни давлат ягона кадастрни рўйхатида олиш ҳамда кадастрни юритиш учун зарур бўлган геодезик маълумотларни тўплаш, ўлчашларни ва картографик материалларни замонавий геодезик асбоблар ва технологиялардан фойдаланиб, шунингдек замонавий электрон тахеометрлар, рақамли нивелирлар ва GPS прёмникларидан унумли фойдаланиб, олинган геодезик маълумотларни ArcGIS ва AutoCad, 3D MAX махсус дастурларида қайта ишлаб чиқиш технологияси устида ишлар олиб бориш, геодезик ва картографик маълумотларни ишончли ва аниқ қилиб олиш катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 27.11.2017 йилдаги ПҚ-3405-сон қарори билан 2018-2019 йилларда “Ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури.
2. Захарова М., Турсунов Л. Қашқадарё воҳаси тупроқ ресурслари ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати “ЎзМУ хабарлари” журнали. Тошкент, 2011.
3. Муборақов Х.М., Геодезия. Ўқув қўлланма тўртинчи нашри. “Чўлпон” НМНУ, Тошкент, 2017.

ВНУТРИГОДОВОЕ РАСПРЕДЕЛЕНИЕ СТОКА МАЛЫХ РЕК-ПРИТОКОВ РЕКИ ЧИРЧИК

Сагдеев Н.З., Артикова Ф.Я., Азимова Г.У., Ишниязова Ф.А.

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкентский профессионально-технический Гидрометеорологический колледж

Важнейшим фактором устойчивого развития среднеазиатских государств является обеспечение всех отраслей экономики необходимым количеством водных ресурсов. В настоящее время, сток всех крупных реках Средней Азии зарегулирован водохранилищами и их водные ресурсы интенсивно используются в разных отраслях экономики. Поэтому

особую актуальность приобретают учет и количественная оценка водных ресурсов саев и малых рек.

В реку Чирчик впадают многочисленные саи и временные водотоки, наиболее значительные из них оснащены гидрометрическими постами и ведутся наблюдения. Так например, на реках Наувалисай - к. Сиджак, Янгикургансай - Янгикурган, р.Чимгансай - кур. Чимган, которые после строительства Чарвакского водохранилища, впадают в водохранилище, и на реках Угам-Ходжикент, Гальвасай-к.Гальвасай, Акташсай-курорт Акташ, Паркентсай-к. Сумча, впадающих в реку Чирчик уже ниже Чарвакского водохранилища, ведутся регулярные наблюдения. На реке Каранкульсай -к.Каранкуль, и Аксакатасай –к.Карамазар наблюдения прекращены.

Бассейны изучаемых малых рек, отличаются небольшой средней высотой своих водосборов и незначительным увлажнением атмосферными осадками. Хотя в бассейне Чирчика снеговая граница проходит сравнительно низко и снежный покров в бассейнах этих рек сохраняется в зимний период, но вследствие небольших высот и сравнительно малого количества осадков ледники отсутствуют. В питании рек существенна доля сезонных снегов, снежников и дождей. Этим объясняется сравнительно высокий коэффициент вариации годового стока. Малые реки бассейна Чирчика интенсивно разбираются на орошение и коммунально-бытовые нужды, поэтому некоторые из них не доносят свои воды до устья, а некоторые и вовсе в летний период пересыхают.

Таблица 1.

Характеристики гидрографической сети бассейна р.Чирчик

Река-пункт	Средняя высота бассейна Н,м	Площадь бассейна,км ²	Длина реки, км	Модуль стока,л/с км ²	Средний расход воды,м ³ /с
Пскем-устье	2645	2830	70	29.1	82.2
Майдантал	3015	472	53	31.8	15.0
Ойгаинг	2998	1108	76	27.7	27.9
Коксу-устье	3140	188	-	26.2	4.92
Чаткал	2605	6870	223	17.7	124
Сандалаш		1150	94		
Коксу-Бричмулла		398	60	32.2	13.04
Терс		549	40		
Акбулак-устье	2400	886		19,3	17,1
Янгикурган-к.Янгикурган	1790	36,7	10	20,2	0,681
Наувалисай-	1650	98,0		30,5	2,99
Чимгансай	1530	39,3	17	12,6	0,293
Чирчик	2548	11666	174	20,7	224
Угам	1941	889	70	23,9	21,2
Каранкульсай	1380	15,6	9,2	8,6	0,134
Гальвасай		56,7	20	6,7	0,380
Акташсай	1670	19,3		20,1	0,388
Аксаката	1840	501	48	13,3	6,14
Паркентсай	1980	198	40	16,9	0,669
Алтынбельсай	1660	39,8	12	9,9	0,387
Башкызылсай		123			1,46

Для рек бассейна Чирчика нормы годового стока были рассчитаны еще В.Л.Шульцем за период с начала наблюдений до 1960 года. В начале 3-го тысячелетия расчеты были также выполнены В.Е.Чубом, а за период с начала наблюдений до 2016 года нормы стока и

коэффициенты вариации средних годовых расходов воды притоков реки Чирчик приведены в таблице 2.

Таблица 1.

Характерные значения и коэффициенты вариации средних годовых расходов воды малых рек бассейна Чирчика



Река-гидропост	Период наблюдений	$Q_{\max} \text{ м}^3/\text{с}$	$Q_{\min} \text{ м}^3/\text{с}$	$Q_{\text{сред}} \text{ м}^3/\text{с}$	C_v
Угам-Ходжикент	1932-2016	43,5 (1969г)	12,0 (1957г)	22,5	0,26
Янгикурган-к.Янгикурган	1966-2016	39,4 06.08.1998	0,043 20.09.2008	0,634	0,44
Наувалисай-Сиджак	1964-2016	34,54 29.04.1994	0,919 23.10.2000	3,80	0,37
Чимгансай-кур.Чимган	1967-2016	15,3 07.05.1994	0,068 26.09.2008	0,297	0,38
Гальвасай-Гальвасай	1981-2016	20,5 20.04.1987	нб(12%) 01.03.1985	0,466	0,42
Акташ-кур.Акташ	1947-2016	23,6 08.04.1959	0,020 28.09.1986	0,389	0,38
Каранкуль-Каранкуль	1947-1987	0,45 (ср.год 1969г)	0,038 1965г	0,13	0,68
Алтынбельсай-устье	1963-1987	0,84 (ср.го Д.1963г)	0,027 (1975г)	0,46	0,42
Паркентсай-с.Сумча	1988-2016	102 07.05.1994	0,020.11.1997	1,59	0,55

Реки Каранкуль, Акташсай, Гальвасай, Паркентсай с притоком Алтынбельсай, впадают в реку Чирчик уже ниже Чарвакского водохранилища. Водоносность этих притоков также невелика, расходы воды в среднем за многолетие составляют соответственно 0,25, 0,47, 0,39, 1,27 и 0,46 м³/с. Сток этих рек в период вегетации разбирается на орошение.

Изменение годового стока в многолетии на этих реках происходит синхронно, линии тренда средних годовых расходов на реках Чирчик-гп. Ходжикент и Каранкуль-к.Каранкуль показывают уменьшение годового стока в многолетии, коэффициент тренда соответственно -0,244 и -0,000. На реке Угам значения средних годовых расходов в многолетии наоборот увеличиваются, коэффициент тренда равен 0,0842. На реках Алтынбельсай и Паркентсай наблюдения были с перерывами, теперь они были восстановлены.

Коэффициенты вариации средних годовых расходов воды малых низкогорных рек бассейна Чирчика имеют следующие значения: Угам-Ходжикент- $C_v=0,26$; Янгикурган-к.Янгикурган $C_v=0,44$; Наувалисай-Сиджак $C_v=0,37$; Чимгансай-кур.Чимган $C_v=0,38$; Гальвасай-Гальвасай $C_v=0,42$; Акташ-кур.Акташ $C_v=0,38$; Каранкуль-Каранкуль $C_v=0,68$.

Внутригодовое распределение стока рек бассейна Чирчика следующее: на реках, впадающих в Чарвакское водохранилище Чимгансай, Янгикургансай, Наувалисай в зимние месяцы по этим рекам проходит соответственно 14,%, 11,8% и 15,8% от объема годового стока. Весенний суммарный сток этих рек составляет соответственно: 39,8%, 45,7% и 42,3%. В летние месяцы эти величины составляют в сумме: 20,1%, 29,6% и 27,2% от годового объема стока, а осенью эти величины равны 17,1%, 12,7% и 15%. Как видно из расчетов основной сток этих рек проходит в весенние месяцы, объем летнего стока почти в 1,5 раза меньше весеннего стока, а осенний сток немного больше зимнего стока (рис.1 и 2).



Основной объём стока рек, впадающих в реку Чирчик, ниже Чарвакского водохранилища также приходится на весенние месяцы: Угам-43,3%, р. Гальвасай-43,4%, Акташсай-59,1%, Каранкульсай-53%. Паркентсай-68,4%, Алтынбельсай- 61,2%. Как видно из расчетов наибольший объём в процентах от годового стока в весенние месяцы проходит по рекам Алтынбельсай и Паркентсай. В остальные сезоны года объём стока в % от годового по месяцам распределен от 1,3 % до 7,7% за месяц. Таким образом, самым водоносным притоком реки Чирчик является река Угам, а из малых рек самым водоносным является р. Наувалисай, средний годовой расход воды за многолетие составляет 3,63 м³/с (с.Сиджак), а реки Чимгансай и Янгикургансай значительно уступают ему по водности, их средний многолетний расход составляет соответственно 0,28 и 0,50 м³/с.

Таким образом, по внутригодовому распределению стока малые низкогорные реки бассейна Чирчика относятся к рекам снегового и снегово-дождевого типов питания, значения коэффициента Шульца δ изменяются в пределах от 0,08 до 0,33 (у реки Угам). Такое высокое значение коэффициента Шульца, соответствующее рекам снегово-ледникового типа питания, можно объяснить геологическим строением бассейна реки, который сложен палеозойскими известняками, отличающимися значительной трещиноватостью и обилием подземных вод, которые выклиниваются в июле-августе, что приводит к значительному увеличению расходов воды в этот период.

Литература:

1. Михайлов В.Н., Добровольский А.Д. Общая гидрология. – М.: Высшая школа, 1991.
2. Хикматов Ф.Х. и другие. Методика исследования гидрологического режима горных рек. -Ташкент: “Fan va texnologiyalar”, 2016. -172 С.
- 3.Чуб В.Е. Изменение климата и оценка природно-ресурсного потенциала Узбекистана. Ташкент: НИГМИ, 2000.

4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. –Ташкент: НИГМИ, 2007.
5. Шульц В.Л., Реки Средней Азии.–Л.: Гидрометеоздат, 1965.-620с.
6. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. - Ташкент: Изд-во САГУ, 1960. - 243 с.

ВОПРОСЫ ГЕОГРАФИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В КАРАКАЛПАКСТАНЕ

Сейтаниязов К.М., Отенов Н.

Нукусский Государственный Педагогический Институт

Часто в литературе географическое название заменяют греческим словом топоним (топос – место, местность, онома - имя). Отсюда и топонимика – учение о географических названиях, их происхождении, закономерностях образования, смысловом содержании, грамматическом оформлении.

Адресная функция географических названий наиболее важна и необходима человеческому обществу. Они нужны для того, чтобы отличить один объект от другого, точно указать его местоположение. Невозможно представить себе современный мир без географических имен.

Топонимом обозначают совокупность географических названий какого-либо района, области, края и других региональных единиц.

Каждый топоним несет разнообразную информацию: историческую, лингвистическую и географическую. А в любом географическом имени присутствует или присутствовало конкретное содержание, но нередко оно оказывается утраченным. Практически же не бывает бессмысленных географических названий.

Топонимика возникла на стыке трех наук: истории, лингвистики и географии. В частности, они помогают решить некоторые вопросы в воссоздании исторической географии населения. Топонимика является или образована от слова того языка, носитель которого проживал в той местности, где топоним обнаружен.

Чтобы топоним мог быть интерпретирован как аргумент исторической географии населения, он должен отвечать следующим условиям:

- топоним должен быть извлечен из источника (или группы источников), максимально и с разных точек зрения, отражающего топонимию какого-либо района.

- топоним должен иметь ареальную характеристику, т.е. он должен быть представлен не одним или несколькими названиями, а в целом ареалом.

- топоним должен быть наиболее информативным. Таковым например, является топоним, происходящий от местного географического термина, так как именно местный географический термин наиболее активно участвует в

формировании топонимии и следовательно, наиболее точно, по сравнению с другими группами топонимов, отражает лексику того языка, носители которого проживали на исследуемой территории и оставили после себя топонимическую память.

Вопросы географической терминологии привлекают внимание специалистов всех республик. Местные географические термины Каракалпакстана, к сожалению изучены недостаточно. Зачастую они неправильно пишутся, порою применяются термины – кальки, вместо издавна сложившихся удачных местных географических терминов. Это приводит к терминологическому разбоя, различному пониманию одних и тех же терминов, вносит путаницу в научную и учебную литературу.

Изучение местных географических терминов представляют большую ценность для выработки научной географической терминологии. «Именно географический термин нередко определяет смысловое содержание топонима и сам по себе, либо в словосочетаниях или словосложениях, несет определенную и богатую информацию, социальную информацию и в первую очередь, указывает на географические реалии. Любое географическое исследование не может игнорировать местную терминологию, а должна начинаться со сбора и систематизации простых географических терминов» - писал Э.М.Мурзаев.

Каракалпакские географические термины очень многочисленны и широко распространены не только на территории каракалпакстана, но и далеко за его пределами. Многие термины, имеющиеся у каракалпаков, встречаются и у других народов, говорящих на тюркско – монгольских языках. Некоторые же каракалпакские географические термины прочно вошли и в русскую специальную литературу и употребляется наравне с терминами уже имеющимися в русском языке. Например: Аул, тау, дарья, куль и т.д.

Многие каракалпакские географические термины отражают природные особенности территорий Каракалпакстана, при этом подавляющее большинство их относится к элементам рельефа, гидрографий, растительного покрова, животного мира, а отчасти к климату, почвенному покрову и к ландшафту в целом.

Именно поэтому географические термины, связанные с элементами рельефа, гидрографий и с особенностями растительного покрова у каракалпаков многочисленны. Эти термины представляют большую ценность для выработки научной географической терминологии на казахском языке, в которой так нуждаются и учащиеся и преподаватели средних и высших учебных заведений, а также литературные и научные работники, имеющие отношение к географической науке. Каракалпакские географические термины могут оказать существенную помощь также картографам – транскрипторам и работникам полевых исследований Каракалпакстана, так как состав подавляющего большинства географических названий на территории Каракалпакстана характеризуют ту или иную особенность данной местности.

Использованные литературы.

1. Баранский Н.И. Местные географические термины. -М.: Мысль.1970.
2. Жекулин В.С. Историческое ландшафтоведение и топонимика. -Л.: 1975.
3. Молчанова О.Т. Структурные типы тюркских топонимов Горного Алтая. Саратов.1982.
4. Мурзаев Э.М. Словарь местных географических терминов. -М.: Географгиз.1959.
5. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. -М.: Мысль.1984.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТҲИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Солиев Э.А.*

Наманган давлат университети

Маълумки Фарғона водийси йирик тоғ ораси тектоник ботиғи бўлиб, у ўзининг хилма-хил табиий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан ажралиб туради ҳамда қадимдан суғорилиб келинаётган воҳа, аҳолиси тез ўсиб бораётган ва зич жойлашган, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти ва бошқа хўжалик тармоқлари ривожланиб бораётган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам водий табиати инсон хўжалик фаолияти таъсири натижасида ўзгаришларга учраб, борган сари унда ноқулай геозэкологик муаммолар келиб чиқмоқда. Шунинг учун Фарғона водийсидаги геозэкологик вазиятни атрофлича ўрганиш, тадқиқ қилишда ва бартараф этишда, албатта уларни ҳудудий геозэкологик ҳолатлари ва тарқалаш хоссаларини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, Фарғона водийсининг ёпиқ ҳолатидан келиб чиқиб, ерларнинг тупроқ-экологик ҳолати бузилишига кўпроқ гидрогеологик кўрсаткичларнинг ўзгариши, аниқроғи ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ва минераллашуви сабаб бўлмоқда. Антропоген омилларнинг таъсири остида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашувнинг ўзгариши билан ерларнинг мелиоратив ҳолати ўртасидаги боғлиқлик аниқланган Жумладан, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви 1930-2016 йиллар давомида узлуксиз равишда ортиб борганлиги қайд этилган. Натижада, водийда тупроқ-экологик ҳолатини ёмонлашувига дарё ёйилмаларнинг юқори зонасидаги ерларни ўзлаштирилиши натижасида суғорилган сувни бир қисми шимилиб ва сарф бўлиб, грунт сувларини тўйинтириши, водийдаги қишлоқ хўжалиги экинларни суғоришда белгиланган меъёрга нисбатан кўп марта сув сарфланиши,

*Солиев Элмурод Алиевич – НамДУ География кафедраси доценти, г.ф.н.

казилган кудуклар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва экин майдонларини суғориш ҳамда захни қочириш вазифаларини бажариши, мавжуд бўлган дренаж зовурларининг ва ҳолати ҳозирги талабга жавоб бермаслиги, сув кўтарилиши кузатилган жойларда аҳолининг яшаш бинолари, томоркалар, боғлар бўлганидан янги дренаж зовурларини қозиш учун шароит йўқлиги кабилар сабаб бўлмоқда. Лекин кўтарилаётган сув сатҳини пасайтириш учун ҳозирги мавжуд кудукларнинг миқдори етарли эмас, ҳамда уларнинг кўпчилиги носоз бўлганидан кўпинча ишламай қолади. Айниқса, айна сув кўтарилиш кучли бўлаётган даврда улар ишламай қолса, гидрогеологик шароит мураккаблашмоқда. Бу жараёнда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишида Катта Фарғона каналининг таъсири сезиларли. Унинг ўнг соҳили яқинидаги ерларни зах босиши канал сувининг шимилиши орқали содир бўлади. Канал суви лойқалигининг аввалгига нисбатан камайиши шимилишни кучайтиради. Канал ёйилманинг юқори зонасидан келувчи грунт оқимига тўсиқ бўлиб, унинг тезлигини секинлаштиради. Бу эса ўз навбатида грунт сувлари сатҳини кўтарилишига ва минераллашувига олиб келади.

Ҳозирги кунда Фарғона водийси бўйича сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги 1 метргача бўлган майдон 65,4 минг га (1,5 %), 1-1,5 метргача 255,3 минг га (6 %), 1,5-2 метргача 763,1 минг га (17,8 %), 2-3 метргача 1704,9 минг га (39,8 %), 3-5 метргача 733,1 минг га (17,1 %), 5 метрдан пастда 758,1 минг га (17,7 %) ҳамда уларнинг минерализацияси эса 0-1 г/л гача 1611,9 минг га (37,7 %), 1-3 г/л 1857,8 минг га (43,4 %), 3-5 г/л 719,3 минг га (16,8 %), 5-10 г/л 88,3 минг га (2,1 %), 10 г/л дан юқори 2,8 минг га (0,1 %) ни ташкил этмоқда.

Фарғона водийсида ҳам тупроқ ресурсларини деградациясида антропоген омилларнинг роли катта. Бу борада Учкўпирик, Бувайда, Боғдод ва Данғара туманлари худудида жойлашган чўл зоналарида гурунт сувларининг ер юзасига яқинлиги тупроқ таркибидаги минераллашув даражасини ортиб кетишига олиб келмоқда. Кўқон зонасининг шимолий худудларидаги гурунт сувлари сатҳининг жойлашуви бир метрни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич жанубий, ғарбий ва шарқий худудларда 1-3 метрга тенг. Бу худудларда ер ресурсларининг экологик ҳолатининг бузилишига қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган кимёвий моддаларнинг қисқаришига қарамай, сўнги 10-12 йил мобайнида кимёвий бирикмалар билан ифлосланиш даражаси камаймаётганлиги кузатилмоқда. Бунга куп ҳолларда саноат, маиший чиқиндиларнинг ташланиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Фарғона водийсида тупроқнинг ифлосланиш даражаси рухсат этилган меёрдан 4,6-6,1 миқдор ортиқлигини кўрсатмоқда. Тупроқнинг минераллашув даражаси Кўқон зонасининг шимолий қисмларида 10-30 г/л, жанубий худудларида эса 5-10 г/л, ғарбий худудларда 10-30 г/л, шарқий худудларда эса 5-10 г/л ни ташкил этмоқда. Бундан ташқари тупроққа тушаётган пестицидлар, оғир металллар ва бошқа хўжалик чиқиндилари ер, сув ресурсларини ифлосланишига олиб келмоқда.


Тупроқларимизнинг шўрлашуви, ботқоқлашуви каби салбий жараёнлар бевосита ер ости сувларининг сатҳи, минераллашуви ва жойларнинг табиий ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам адирлик массивларини ўзлаштирилиши ерларни мелиоратив ҳолатини салбий томонга ўзгаришига олиб келмоқда. Бундай худудларга Исфара-Бешарик, Бурганди-Риштон, Туямўйин-Марҳамат каби худудларни мисол қилиш мумкин. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай тупроқ деградацияси ортиб бормоқда. Маълумки, суғориладиган майдонлар ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини беради. Бу эса ўз навбатида ишлов бериладиган ерларга нисбатан фойдаланиш даражасини ортиб боришига олиб келади.

Фарғона водийсида суғориладиган ерлардан жойларнинг литологик геоморфологик хусусиятларига қараб фойдаланиш самарадорлиги турлича. Масалан, Сўх, Исфара ва бошқа дарё ёйилмаларининг юқори қисмларида рельеф қиялиги каттароқ (0,02—0,008) бўлганлиги туфайли бу ерлар суғорма эрозиясига мойил бўлса, этак қисмларининг аллювиал ётқизиқлари таркибида сувда эрийдиган тузлар кўпроқ. Худди шундай аҳволни Фарғона водийсининг ўрта ва қуйи қисмларида ҳам кузатиш мумкин. Сирдарёнинг 2 ва 3 террасалари

турли тузларга тўйинган аллювиал ётқизиклардан ташкил топганлиги туфайли тупроқ шўрланган.

Тупроқнинг сув-туз режимини бошқариш гидроморф ва ярим гидроморф мелиоратив шароитда ўта мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Водийда экинларни суғоришда гидроморф мелиоратив усулнинг қўлланилиниш грунт сувлари сатҳининг ер бетига яқин жойлашиши (1—3 м) га олиб келган. Ётқизиклар таркибидаги тузларнинг грунт сувлари таъсирида эриши сабабли грунт сувининг минераллашув даражаси куйидан юқори томон ортиб боради ва буғланиш жараёнида тупроқда тузларнинг тўпланиши кучаймоқда.

Шунинг учун ҳам водийдаги жами суғориладиган ерларнинг қарийб ярми турли даражада шўрланган (расм). Айниқса, Марказий Фарғона ерларини шўр босган.



Расм. Фарғона водийсида ерларнинг шўрланиш даражаси

Шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида ўтган асрда турли зичликда зовур тармоқлари қурилган ва кўпгина дренаж-суғориш шохобчалари янги инженерлик лойиҳалари асосида қайтадан реконструкция қилинди. Натижада кейинги йилларда Фарғона водийсида суғориладаган 69,7 минг га дан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, бу жойларда. Бунинг натижасида гектар бошига суғоришга сарфланадиган сув меъёрини 8-9 минг м³ гача қисқартиришга эришилди.

Фарғона водийсида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви билан боғлиқ геоэкологик вазиятни юмшатиш учун суғориладиган ер майдонларида босимли ер ости сувлари, тупроқ ости грунт сувларининг зарурий қисмини ўз вақтида суғориш майдонларидан чиқариб ташлаш ва сизот сувлар сатҳини мўлжаллаган чуқурликда сақлаш зарур. Шу билан бирга экиладиган ерларда тупроқ сув ва туз мувозанатини оптимал даражада сақлаб қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиш тириш учун шароит яратади. Бизнингча, бу муаммо қанча тез ҳал қилинса, ерларнинг аҳволи шунча тез яхшиланади, сув тежалади, тупроқнинг унумдорлиги катта майдонларда ортиб боради.

Адабиётлар:

1. Ахмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. -Т: Фан ва технология, 2014. -340 б.
2. Комилова Т. Фарғона водийси геоэкологик муаммоларининг худудий жиҳатлари. (Республика илмий-амалий конференцияси, Фарғона 2010).
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида"ги миллий ҳисобот, Тошкент, 2012 йил.
4. Ўзбекистоннинг экологик шарҳи. -Т: 2014 йил.

SURXONDARYO VILOYATI JOY NOMLARINING TOPOFORMANTLAR YORDAMIDA SHAKLLANISHI XUSUSIYATLARI

Umarova M.H., Rizaeva M.*

Termiz davlat universiteti

Geografik nomlar inson yashash tarzining ajralmas qismi bo'lib, ko'p qirrali va xilma-xil axborot manbai hisoblanadi. Joy nomlarining shakllanish jarayoni jamiyatning rivojlanishi bilan chambarchas bog'liq bo'lib, joylarga qanday nom berish avvalo jamiyatning muayyan bosqichdagi ehtiyojlari bilan belgilanadi. Shu sababdan har qanday toponim inson faoliyatining mahsuli, u geografik ob'ektning nomi sifatida yer yuzining ma'lum bir nuqtasida paydo bo'lgan.

Ilmiy tilda toponimlar deb ataladigan geografik nomlar, muayyan tilda yaratilgan, aniq bir davrga mansub mahsulot bo'lib, so'z, til orqali ifodalanadi va til lug'at boyligining bir qismi, ammo o'ziga xos va boshqa leksik qatlamlardan ancha farq qiladigan qismi hisoblanadi.

Geografik nomlarning yasashida - hosil bo'lishida ishtirok etadigan, lekin o'zi muayyan ma'noni anglatmaydigan qo'shimcha va suffikslar topoformentlar deb yuritiladi. Formant (lotincha formans-hosil qiladigan)-so'zning old yoki orqa tomoniga qo'shib toponim yasaydigan qo'shimchalar hisoblanadi.

Surxondaryo viloyatida 15 mingdan ortiq joy nomlari bo'lib, joy nomlari tarkibida topoformentlar keng ishlatiladi va eng ko'p qo'llaniladigan topoformentlar sifatida (affikslar): -zor (Chilonzor), -iston (Daragiston), -loq (Sangloq), -obod (Dashnobod, Xayrobod, -li, -lik, (Tolli), -on, -yon (Chag'oniya, So'fiya, Childuxtaron), -xona (Arabxona, Podaxona), -chi (Sho'rchi), -ak (Sangardak, Vochak, -kor (Paxtakor, Lalmikor) va boshqalar ishtirok etadi.

Viloyat hududda -li affiksi yordamida hosil bo'ladigan toponimlarning asosiy qismini etnotoponimlar tashkil qiladi. Masalan, Oytamg'ali, Qarsaqli, Baymoqli, Bag'anali, Taroqli kabi etnooykonimlar shular jumlasidandir. Biroq,

-lik qo'shimchasi bilan manzil - makonni anglatuvchi toponimlar juda kam bo'lib bunga misol sifatida "Paxtachilik" (Denov tumani), kabi toponimlarni kiritish mumkin.

Viloyatda ko'plikni ifoda etuvchi tojikcha -on, -yon qo'shimchasi ham toponimlar tarkibida ishtirok etadi. S.Qorayevning aniqlashicha, ular ma'lum hududga mansublikni "Choshiyon", "Yuqori Toqchiyon" etnik guruhga tegishlilikni ("Toqchiyon"), "Xitoyon" u yoki bu kasbga aloqadorlikni ("Tirgaron"), Telpakchiyon" bildiradi.

Masalan, -on, qo'shimchasi haqiqatdan ham ma'lum bir etnik guruhga tegishlilikni aniqlash maqsadida quyidagi misolga murojaat qilamiz. Termiz tumanida Qoraxon nomli etnooykonim bor. Suyun Qorayev "urug' vakillari o'zlarini Avliyoota nomi bilan mashhur bo'lgan Qoraxon avliyoning avlodlari hisoblaydi. Bu avliyoning mozori Qozog'iston Respublikasining Taraz shahrida joylashgan. Shuning uchun bu shahar 1936 yilgacha Avliyoota deb atalgan" degan xulosaga kelgan.

Qishloq nomini B.O'rinboev qo'yidagicha izohlaydi: "O'zbeklashgan arablar urug'ining bir tarmog'i qaraxoni deb ataladi. Bundan tashqari, qora xoni xo'jalar urug'i yashaganligi uchun shunday nom olgan bo'lishi mumkin". Shu nom bilan respublikamizning Samarqand, Buxoro, viloyatlarida ham qishloqlar mavjud.

T.Nafasov ham bu etnonim haqida o'z fikrini bildirgan: "qoraxoni - qadimiy turkiy xalq. Aslida Qoraxon 927-1212 yillarda Sharqiy Turkistonda tashkil bo'lib, so'ng Amu-Sir oralig'idagi o'lkalarni ham o'ziga bo'ysundirgan turk davlatining boshlig'i, asl ismi Abdugarim Sotug Bug'roxon bo'lgan. 996-999 yillarda Movarounnahrni o'ziga tobe etgan. Shu sulola bilan bog'liq hududiy va siyosiy-ijtimoiy guruh qoraxon-qoraxoni deb atalgan. Keyinchalik ular qadimiy o'troq turkiy xalqlarga qo'shib, singib ketgan. Ularni qoraxoniylar davri (10-12 asrlar) urug'-qabilalarining avlod-ajdodlari namunasi deyish mumkin".

Geografik nomlar tarkibidagi -cha, -i, -lar kabi toponim yasovchi affikslar T.Nafasov tomonidan Qashqadaryo toponimiyasi misolida o'rganilgan. Bu affikslar topoformentlarga qo'shib

* **Umarova Mahbuba Hamroevna** – TerDU Geografiya kafedrasida katta o'qituvchisi.

Rizaeva Mahbuba Zokir qizi – TerDU Geografiya ta'lim yo'nalishi 4-kurs talabasi

топонимлар yasashini Jizzax viloyatidagi geografik nomlar misolida ham ko'rish mumkin. Masalan, Uzun tumanida "Qo'rg'oncha" nomi bilan qishloq mavjud.

Topoaffiks sifatida –ak qo'shimchasi topoformatlar yordamida nafaqat viloyat hududida, balki undan tashqarida ham ko'pgina geografik nomlar hosil qilgan va u ko'pincha obyektни kichkinaligiga ishora hisoblangan. Chunonchi, Sherobod tumanidagi "Rabatak", Sariosiyo tumanidagi "Hisorak", Sangardak kabi toponimlar shular jumlasidandir.

Mutaxassislarining fikricha –ak affiksi viloyat toponimiyasini eng qadimiy leksik qatlamini tashkil qiladigan sug'd tilining elementidir. Sug'diy toponimlarning aksariyat qisim viloyatning tog'li (Sariosiyo, Uzun, Denov) tumanlarida uchraydi.

Sug'd tili elementlari hozirgi viloyat toponimiyasi tarkibida ancha sezilarli, shu sababdan ularni o'rganishda toponomik materiallar qimmatli va muhim manba hisoblanadi. Viloyat hududida shunday geografik nomlar ham borki, ularning tarkibidagi so'z yoki affikslar sug'd tiliga mansub bo'lsa ham toponim bevosita sug'dlar tamonidan yaratilgan emas. Bu tip toponimlar sug'd tilidan o'zbek tiliga yoki fors-tojik tilidan o'zbek tiliga o'tgan so'z va affikslardan vujudga kelgan, ular tuzilish jihatidan gibridd xarakteriga ega.

Viloyat hududida fors-tojik tilida ham, o'zbek tilida ham qo'llanadigan genezisi eroniy tillarga oid bo'lgan –zor affiksi yordamida ko'pgina geografik nomlar yasalgan. Ko'plikni bildiruvchi "Maysazor" (Sariosiyo tumani), "Uzumzor", "Olmazor" (Olitsoy tumani), "O'rmonzor" (Jarqo'rg'on tumani), "Chilonzor" (Boysun tumani) kabi toponimlar (fitooykonimlar) shular jumlasidandir.

Bunday toponimlar ko'proq viloyatning shimoliy tog'lik qismida uchraydi. Masalan, Boysun tumanidagi qishloqlardan biri Chilonzor deb ataladi. Chilon (chelon) - tikonli daraxt turi, mevasi jiydaga o'xshaydi, tabobatda ham qo'llaniladi, ba'zan Gurgon jiydasi deb ham atashadi. Shu sababdan Chilonzor - asli chilon (chelon) daraxti ko'p o'sadigan joy ham bo'lishi mumkin. N.G.Malliskiy fikricha, Chilonzor aslida Chinorzor, ya'ni "chinor bog'i" demakdir.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki, toponimlar muayyan qonuniyatlarga ko'ra paydo bo'ladi. Bunday qonuniyatlarning nom yasashda ishtirok etadigan so'zlarning ma'naviy jihatdan o'xshash ekanligida ham, grammatik jihatdan tuzilishida, ya'ni ularning qaysi gap bo'laklari sifatida ishtirok etishida ham, nihoyat, toponimlarning tuzilishida geografik nomlarni hosil qilishda ko'proq ishtirok etadigan so'z bo'laklarining tarkibida ham ko'rinadi, joy nomlari tarix taqozosi bilan vujudga kelgan bo'lib, o'zida ma'lumot tashiydi shu sababli joy nomlarini o'rganish orqali tarixiy davrlarda qaysi xalqlar, urug'lar qaeirlarda yashaganini, qaeirlarga ko'chganligini aniqlash mumkin.

Adabiyotlar:

1. Do'simov Z., Egamov X. Joy nomlarining qisqacha izohli lo'g'ati. -T.: "O'qituvchi", 1977. -174 b.
2. G'ulomov P.N., Mirakmalov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. -T.: Universitet, 2005.
3. Qorayev S. Toponimika. -T.: O'zbekiston faylasuflari Milliy jamiyati nashriyoti, 2006. -320 b.
4. Nafasov T. O'zbekiston toponimlarining izohli lug'ati. -T.: 1988.
5. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. -Т.: 2008.

МИКРОТОПОНИМЛАР–ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА (Фориш туманининг Порашт қишлоғи микротопонимлари мисолида)

Шокиров Р.Ш. *

Самарқанд давлат университети

Микротопонимлар ҳам бошқа тарихий манбалар сингари худуднинг ўтмиши, аҳолисининг келиб чиқиши, яшаш тарзи, тил хусусиятлари ва анъаналаридан дарак беради. Қуйида биз номшуносликнинг жой номларини ўрганиш қонунилари асосида Жиззах вилояти Фориш туманидаги деярли ўрганилмаган ва таърихий манбаларда ўтмиши тўғрисида жуда кам маълумотлар келтирилган қадимий қишлоқлардан саналган Порашт қишлоғининг баъзи микротопонимларини таҳлил қилиш орқали ушбу фикрга ойдинлик киритамиз. Мазкур қишлоқ номини изоҳлаш ва юзасидан бир қатор олимлар ўзларинг

* Шокиров Рахматулла Шавкат ўғли –СамДУ магистранти

асар ва мақолаларида диққатга сазовор фикрларини билдирган бўлсаларда, аммо унинг микротопонимлари шу кунгача таҳлил қилинмаган. Зероки, микротопонимлар топимларга нисбатан ҳудудларнинг ўтмиши тўғрисида чуқурроқ маълумот беради.

Порашт ўз ичига бир қатор маҳаллаларни (ойконимлар)-ни олади. **Тағоб, Работи кур-курак, Работи эл кўнди, Кўрғон** кабилар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, булар яна бир неча кичик маҳалларга ажралади.

Тағоб – қишлоқнинг кириш қисми шундай номланади. Бу сўз тожикча таг-паст, об-сув сўзларидан тузилган. Тожик тили луғатида “*такоб*” шаклида ҳам учрайди ва “*икки тоғ орасидаги паст сув ўтиши жойи, жарлик, дара(Фарҳанги забони тоҷикӣ, 1969.-309)*” маъноларини ифодалайди. Топонимшунос олим А.Л.Хромов Тожикистоннинг *Работ, Ремонд, Пишанда, Ворсовут, Деҳбаланд* каби ҳудудларида *Тағоб* ва унга яқин номлар билан аталувчи бир неча мавзелар борлигини кўрсатади ва уларни “*дара*” сифатида изоҳлайди(Хромов А.Л., 1975.-62). Бошқа олим проф. Қ.Ҳакимов эса, “Тағоб – сойлар атрофи ва қисман тоғолди дараларда жойлашган суғорма унумдор ерлардан иборат бўлган ҳудуд. Тағобда мевали боғлар ва тоқзорлар барпо этилган, ҳамда уй-рўзғор учун зарур бўлган майда деҳқончилик қилинган. Боғ ва экинлар булоқлардан ҳосил бўлган сой сувлари билан суғорилган. Кўпчилик аҳоли ёз ойларини шу жойда, соя-салқин масканларда ўтказган”, дея шарҳлайди (Ҳакимов Қ.М., 2008.–93-95). Бу фикрлар рус этнографлари Б.Х.Кармышева ва Е.М. Пещереванинг “Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта” мақоласида ҳам келтириб ўтилади (Кармышева Б.Х., Пещерева Е.М., 1964.-15).

Пораштда ҳам мазкур жой номининг номланиши ҳудуднинг табиий муҳити билан боғлиқ бўлиб, қишлоқнинг айнан шу жойида булоқлар асосида ҳосил бўлиб оқувчи ҳамда қишлоқ аҳолиси томонидан деҳқончиликда фойдаланиладиган сой қурийд. **Тағоб** – таг (пастлик), қишлоқнинг пастги қисми ва кириш жойи, икки тоғ орасида жойлашган пастлик бўлиб, айнан шу ерда қишлоқнинг оқар сув қурийд.

Тағобдан юқорироқда *Кўрғон* деб аталувчи маҳалла жойлашган. “Кўрғон” – Поршатнинг йирик, ва марказий мавзеларидан бири саналади. У Поршатнинг марказида жойлашаган бўлиб, уни икки томондан икки маҳалла ва юқоридан тоғлар ўраб туради. Бу маҳал ўтмишда Поршатнинг асосий ва катта аҳамиятга эга жойларидан саналган бўлиб, у ерда қишлоқ аҳолисининг 4/3 қисми (*Совет ҳукмати даврига қадар қишлоқда 2000-га яқин аҳоли мавжуд бўлган (Нурназаров М., 2000. -106)*) истиқомат қилган. Ўз навбатида қишлоқ бозори (*ҳар жума кун бу ерда катта бозор бўлган*), жомеъ масжиди ва бошқа диққатга сазовор жойлар шу жойда бўлган. Маҳалла ўз таркибига бир неча кичик мавзеларни бирлаштирган.

Кўрғон сўзининг маъноси – истехком, душман ҳужумидан сақланиш учун узоқ муддатли истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа; ҳимоя учун қурилган мустаҳкам девор; кўчма маънода эса, мустаҳкам таянчиқ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981. -641; Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ, 2008. -700) бўлиб, мудофиавий аҳамиятга эга. Баъзан у табиий жойлашиш муҳитидан келиб чиқиб ҳам шундай номланади: сувли қалъа – атрофи сув билан ўралган жой (Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ, 2008. -664). Бу ер ҳам қишлоқнинг жойлашиш ўрни, табиатидан келиб чиқиб номланган. Яъни, **Порашт Кўрғони** – тоғ ва маҳаллар ўртасида жойлашган жой, қишлоқ маркази.

Қишлоқда юқорида номлари шарҳланган маҳаллардан ташқари *Кадак, Кўлмак* каби кичик маҳаллар ҳам мавжуд. *Кадак* – қадимий сўғд тилига мансуб бўлиб, *уй* маъносини ифодалайди (Лурье П.Б., 2004. -197). *Кад* – тожик тилида уй, қишлоқ (Хромов А.Л., 1975. -525), *кадак* – эса, кичик уй, қишлоқни ифодалайди. Ҳозирги тожик адабий тилида бу сўз кам ишлатилсада, аммо, *Фориш тожиклари* шеvasида бошқа сўғдий сўз ва иборалар каторида кенг ишлатилади. Бу шевада мазкур сўз *эски уй жойлар ва улардан қолган қолдиқлар* маъносида ишлатилади (масалан, *кадакҳои Қодирқул – Қодирқул исмли шахснинг вайронага айланган эски уй-жойларининг қолдиқлари ва б.*). Мазкур ҳудуд аҳолисининг шеvasида бундай қадимий сўзларнинг кўплиги, бу шеванинг нисбатан тоза ва бойлигини ифодасидир.

Кадак – қадимий яшаш манзилгоҳлари ва уларнинг қолдиқлари унчалик кўп бўлмаган – жой, нисбатан кичик маҳалла.

Кўлмак ҳам Пораштнинг кичик аҳоли яшаш қисмларидан саналади. Чуқурроқ жойга тўпланиб қолган ёмғир суви – кўлмак дейилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006. -455). Мазкур аҳоли яшаш масканининг бундай номланиши у ернинг табиати (серсув ва намли) ва жойлашиш ўрнига бевосита боғлиқ. Бу жой қишлоқнинг энг сернам ва серсув жойларидан саналиб, бу ердаги суғориш майдонлари ҳаттоки, ёзининг иссиқ кунларида ҳам суғоришга муҳтож бўлмайди. **Кўлмак** – қишлоқнинг серсув ва намлилиги юқори бўлган жойи бўлиб, у ердаги чуқурлар ва пастликларга кўпинча сув тўпланиб туради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Порашт Нурота тизма тоғлари бағридаги қадимий жойлардан биридир. Бу сўзлар қишлоқнинг юқорида шарҳланган жой номлари мисолида яна бир бор ўз исботини топди. Қишлоқ аҳолиси ўтмишда хавфсизлик жиҳатидан тоғлар яқинида яшаб, кейинчалик эса қишлоқнинг ҳозирги жойига келиб жойлашишган. Қишлоқ аҳолисининг сони ортиб, янги яшаш масканлари пайдо бўлиши билан улар ўзига хос номларни олган. Қишлоқ тарихига доир баъзи бир ноаниқликлар мавжудлиги ва юқоридаги номларининг аввал ўрганилмаганлиги туфайли баъзи ноаниқликлар юзага келган бўлса ҳам ўрганилган номларни номшуносликнинг талаблари доирасида шарҳлашга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, Порашт қишлоғининг маҳалла номлари унинг қадимий ўтмиши, ноёб табиий муҳити ва аҳолисининг юксак маданиятига яшаш тарзини ўзида мужассамлаган. Бу эса муқаддимадаги фикрларлимизнинг исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кармышева Б.Х., Пещерева Е.М. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта. –«Сов. этнография», 1964, №1.
2. Лурье П.Б. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук: Историко-лингвистических анализ согдийской топонимии, –Санкт-Петербург, 2004.
3. Нурназаров М. Точикони Фориш. –Гулистон: Зиё, 2000.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли.–Москва: Рус тили, 1981. 2-том
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.–Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 2-жилд
6. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 2 томли.–Москва: Советская энциклопедия, 1969. 1-том.
7. Фарҳанги забони тоҷикӣ. 2 томли.–Москва: Советская энциклопедия, 1969. 2-том.
8. Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ. 2 жилдли.–Душанбе: Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рӯдакӣ, 2008. 1-жилд
9. Хромов А.Л. Очерки по топонимии и микротопонимии Таджикистана, –Душанбе: Ирфон, 1975. В. 1.
10. Ҳакимов Қ.М. Нурато тизмаси шимолий қисмида яшовчи баъзи халқларнинг этно-географик хусусиятлари //Ўз.ГЖ ахборотномаси, Тошкент, 2008. 30-жилд.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ УЧУН ХАРИТА ВА АТЛАСЛАР ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Эгамбердиев А., Мўминов А.А., Юсупов Б.Н.*

Ўзбекистон Миллий университети

Иқтисодиётни ва уни етакчи стратегик тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини бошқариш ва режалаштиришни картографик таъминлаш, мавзули картографияни асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Тадқиқот воситаси сифатида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишда хариталардан фойдаланиш жадал ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигини комплекс ва соҳалар бўйича харитага олишга катта эътибор қаратилмоқда. Уни вазифаси мамлакатимиз иқтисодиётини бу муҳим тармоғини долзарб муаммолари билан ҳамоҳангдир.

Бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўладиган иқтисодий таҳлил, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини хўжалик механизмини такомиллаштириш, ишга солинмаган имкониятларини

* Эгамбердиев Асомберди -ЎзМУ “Картография” кафедраси доценти, г.ф.н.

Мўминов Абдужалил Абдусаломович -ЎзМУ “Картография” кафедраси ўқитувчиси.

Юсупов Бахриддин Нормўминович -ЎзМУ “Картография” кафедраси ўқитувчиси.

аниқлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бошқарув қарорларини илмий асосланганлиги, яқдиллиги ва тезкорлиги биринчи навбатда иқтисодий таҳлил манбаларига боғлиқ. Статистик ҳисобот маълумотлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг географик муаммоларини картографик методлар билан ўрганишга боғлиқ илмий тадқиқот материаллари ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумотларни бошқа манбаларидан фарқ қилиб, соҳавий қишлоқ хўжалиги хариталари ва атласлари анча кўрғазмали, қишлоқ хўжалиги ва уни етакчи тармоқларини аниқ фазовий ҳудудий жойлашувини, ҳозирги ҳолатини, ривожланишини табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини яққол кўрсатади, уларни фақат ўзига хос бўлган хусусиятларини, атроф муҳит, айниқса табиий шароитлар билан тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқлигини ва алоқадорлигини ҳамда узок муддатли ривожланиш истиқболларини аниқлашга имкон беради.

Шунингдек, харита ва атласлар замонавий илғор фан, техника ва технологиялар эришган ютуқларни тарғибот ва ташвиқот қилиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда яхши восита ҳисобланади.

Картографик методдан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ иқтисодиётни бошқа соҳаларини жойлаштиришда ва ривожлантиришда фазовий омилни анча тўлиқ ҳисобга олишга, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва ресурсларидан самарали фойдаланишга ушбу ҳудудий иқтисодий тизимни образли белгили моделини яратишга имкон беради.

2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини минтақалар ва регионлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштиришни амалга ошириш масалалари, уни ихтисослашуви ва концентрациялашуви даражасини ошириш ва ҳудудларни моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, етакчи тармоқларни майдонларини кенгайтириш, уларни ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини яхшилаш, буларни барчаси географик информацияни анча сезиларли такомиллаштиришни, хусусан харита ва атласлар томонидан тақдим этиладиган маълумотларни аниқлаштириш ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ва режалаштириш амалиётига картографик методни кенг жорий этишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш ва режалаштириш мақсадлари учун қатор омиллардан, авваламбор бошқариш ва режалаштиришни ранги (даражаси), харитага олинаётган ҳудудни ўлчамлари ва бошқалардан келиб чиқиб, қуйидаги хариталар ва атласлар тизимини тайёрлаш ва чоп этиш тавсия этилади:

Дехқон ва фермер хўжаликлари учун:

1. Қишлоқ хўжалик атласи
2. Қишлоқ хўжалик хариталари тизими

Маъмурий туманлар учун:

1. Туман қишлоқ хўжалиги атласи
2. Туман қишлоқ хўжалиги хариталари тизими
3. Туман умумқишлоқ хўжалиги харитаси

Вилоятлар (республикалар) учун:

1. Вилоят (республика) қишлоқ хўжалиги атласи
2. Вилоят (республика) қишлоқ хўжалиги хариталари тизими
3. Вилоят (республика) умумқишлоқ хўжалиги харитаси
4. Вилоят (республика) географик хариталар тизимида ёки географик атласида

бериладиган қишлоқ хўжалиги хариталари тизими.

Адабиётлар:

1. Левицкий И.Ю. Научные основы комплексного сельскохозяйственного картографирования.-М.: Недра, 1975, 204с.
2. Левицкий И.Ю. Новые направления сельскохозяйственного картографирования. Лекция-Харьков, 1978, 33с.
3. Шоцкий В.П. Картографические методы исследования географических проблем сельского хозяйства.-Л.: "Наука", 1970, 139с.

ДЕХҚОНОБОД ТУМАНИ ОЙКОНИМЛАРИ ЯСАЛИШИНING ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эшбоев Б.Т., Юсупов Б.Б.*

Қарши давлат университети

Дехқонобод тумани Қашқадарё вилоятининг жануби-шарқида жойлашган бўлиб майдони 4,0 минг км² (вилоятда худуди жиҳатдан энг катта туман)ни ташкил этади. Аҳолиси 137,7 минг киши (2017). Туман 1926-йил 29-сентябрда ташкил этилган, аммо 1962-йил 24-декабрда Ғузор тумани билан бирлаштирилган ва кейинчалик 1971-йил 31-августда қайтадан ташкил этилган. Дехқонобод тумани маъмурий жиҳатдан 3 та шаҳарча (*Қарашина, Дехқонобод, Бешбулоқ*) ва 14 та кишлоқ фуқаролар йиғини (*Бешқўтон, Бибиқорасоч, Бозортепа, Бошчорбоғ, Дуоб, Обиравон, Оқиртма, Оқравот, Оқтош, Оққишлоқ, Қарашина, Қизилча, Қирққулоч, Қўрғонтош*)дан иборат.

Дехқонобод тумани Қашқадарё вилоятининг тоғли туманларидан бири бўлиб, ўзига хос геоморфологик, иқлимий, геологик, этнографик ва лингвистик хусусиятларга эга бўлган туманлардан биридир. Туман худуднинг деярли барча қисми тоғ ва тоғолди адирлари, тоғ оралиғи водийларидан иборат. Тоғли худудларнинг геоморфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли экзоген жараёнлар, карст, суффозия, дарёларнинг емирувчанлик фаолияти таъсирида рельефи ниҳоятда парчаланган ва шу билан биргаликда хилма-хил оронимларни ҳосил қилган. Туман ойконимлари таркибида оронимлар салмоқли ўрин эгаллайди, шунингдек ороойконимлар, орогидронимларнинг ҳосил бўлишида ҳам уларнинг ўрни катта. Худуд ойконимларида шунингдек, ўзига хос орографик ва оронимик терминлар жой номларида фаол қўлланилган бўлиб, топонимик позитивлик қонунияти асосида жуда кўплаб жой номлари ҳосил бўлган.

Туман номи Дехқонобод кишлоғининг номи асосида шаклланган бўлиб, деҳқонлар томонидан обод қилинган жой мазмунидаги топоним туман номига кўчган. 1935-йилгача кишлоқ *Тангиҳарам* деб номланган. Ушбу номни қуйидагича изоҳлаш мумкин. *Танг, танги* – Жанубий Ўзбекистонда жой номи ҳосил қилувчи ўзига хос топонимик формант вазифасини бажарувчи тор дара, тор, энсиз водий, сой мазмунини беради. Топоним икки таркибий қисм *танг+ҳарам* сўзларидан иборат бўлиб, *ҳарам* – арабча “муқаддас”, “муқаддас жой” (Қораев С., 2005) мазмунида бўлиб, бу номни муқаддас дара, улуғ водий, катта сой шаклида изоҳлаш мумкин. 1935-йилда Ғузор туманидан ажралиб чиққан туманга Дехқонобод номи берилди.

Деҳқон аслида “*деҳ*” (тожикча) – кишлоқ, *қон, қоон-ҳоқон*, яъни кишлоқ ҳокими демакдир (Қораев С., 1970). Дехқонобод деган кишлоқлар ўтган асрнинг 70-80-йилларида ташкил топган. Деҳқонлар ўзлаштириб, янгидан ташкил қилинган кишлоқ маъносида Дехқонобод номи расмий яратилди (Нафасов Т., 2009).

Дехқонобод туманида рельефнинг маълум бир хусусиятлари билан боғлиқ жой номлари кўпчиликни ташкил қилади. Туман худуди асосан тоғ ва тоғолди адирлари, тоғ оралиғи водийларидан иборат бўлиб, топонимларнинг шаклланишида ҳам бу жиҳат ўз таъсирини ўтказган. Жумладан, *тепа, сой, жар, зов, тош, камар, даҳана* терминлари асосий топонимик индикатор вазифасини бажариб беради.

Бозортепа, Гиллатепа, Чоштепа, Бўзтепа, Тепақўтон каби номлар тепаликнинг, баландликнинг хусусиятларини ўзида акс эттирадики, бу номлар асосида Дехқонобод тумани худудининг катта қисми тепаликлар, адирлардан иборат эканлигини англаш мумкин. Игрисой, Ўртасой, Полвонсой, Қуруқсой, Кўксой каби номлар эса сойнинг, тоғ оралиғи водийсининг рельеф шаклларида дарак бериши билан бирга худуднинг табиий-географик хусусиятларидан, сойнинг шакли, ўрни, сифат кўрсаткичларидан келиб чиқиб шундай номланган.

* Эшбоев Бехзод Тожиевич – Қарши давлат университети, География кафедраси ўқитувчиси.

Юсупов Бахриддин Бобоназарович - Қарши давлат университети, География кафедраси ўқитувчиси.

Дехқонобод паст тоғлари иқлими нисбатан қурғоқчил, ёз ва куз ойларида ёғингарчилик миқдори паст бўлиб, ҳудудда доимий оқимга эга дарёлар ниҳоятда сийрак жойлашган. Туман ҳудудидан оқиб ўтувчи Каттаўрадарё ва Кичикўрадарёни ҳисобга олмаганда доимий оқимга эга дарё ва сойлар деярли учрамайди. Шу туфайли маҳаллий аҳоли қадимдан булоқлардан ичимлик суви сифатида самарали фойдаланиб келади. Бу ҳол булоқ номларига алоҳида урғу берилишига ва ҳатто яшаш жойлари манзиллари номига ҳам кўчган. *Булоқ* термини билан боғлиқ номлар туман ҳудудида кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Шакарбулоқ, Гумбулоқ, Бешбулоқ, Қўшбулоқ, Бошбулоқ, Галабулоқ, Совуқбулоқ, Қўтирбулоқ каби номлар яратилган бўлиб, улар кишиларнинг ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб туради. Шунингдек, булоқлар мавжуд бўлмаган ёки улар узок масофада жойлашган ҳолларда қудуқлар аҳолининг ичимлик манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Умуман туман топонимиясида *булоқ* ва *қудуқ* термини асосида шаклланган жой номлари энг кўп улушни ташкил этади. Қудуқ компоненти асосида шаклланган Жарқудуқ, Кўкқудуқ, Чучукқудуқ, Шўрқудуқ, Етимқудуқ, Султонқудуқ, Сатторқудуқ, Қўшахолқудуқ, Қўшқудуқ ва бошқалар шулар жумласидандир. Ушбу топонимларнинг ҳар бири ном шаклланаётган ҳудудда, аҳолининг яшаш тарзида булоқ ва қудуқлар табиатнинг бошқа компонентларидан кўра муҳимроқ, бўртиқроқ кўринишда эканлиги туфайли ушбу номлар яратилишига сабаб бўлган.

Дехқонобод тумани рельефининг 90 % дан ортиғи тоғ ва тоғ оралиғи водийлари ҳамда адирлардан иборат бўлиб, рельефнинг турли кўринишлари, баланд қорли тоғлар, юксак чўққилар, тик жарликлар, чуқур ва узун даралар, рельефнинг ноёб шакллари ҳам кўпчилик топонимлар ясалишига асос бўлиб хизмат қилган. Ана шундай топонимлар ясалишига *камар* термини асос бўлиб хизмат қилган. *Камар* – тоғ дарёларидаги йирик қоя, тош тагидаги ўйиқ, ковак қисмларидир. С.Қораев бу терминнинг икки хил маъносини келтиради: камар - 1) тоғ бағридаги ўйиқ жой, ғор, 2) адирдаги паст, чуқурроқ жой (Қораев С., 1970). Бошқа манбаларда ҳам икки хил маънода: 1) жарлик, дарёнинг тик тушган чуқур, сув айланиб оқадиган жойи, пастлик ерни ўраб турувчи қирлар, қирдаги узун чўзилган дўнғлар, 2) тоғлардаги токчасимон ўйиқ жой (Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р., 1979). Тумандаги Откамар, Довкамар, Қоракамар, Пачкамар каби ойконимлар камар термини асосида шаклланган.

Ҳудудда рельефнинг муҳим хусусиятларини англатувчи топотерминлардан яна бири *дахана* терминидир. Даҳана, Қорадахана, Қорадағана, Қўриқдахана, Оқдахана каби ойконимлар шу термин асосида шаклланган бўлиб, ҳудуднинг орографик хусусиятларини ўз номида англатиб туради. Дара оғзи, дарёнинг қуйилиш жойи, ғор оғзи кабилар даҳана деб аталади (Ҳасанов Х., 1964). Шунингдек кўчанинг оғзи, бўғиз, ариқ ёки канал бошланадиган жой яъни тўғонбоши ҳам даҳана деб аталган (Қораев С., 1970).

Туман ҳудудида тик рельеф шаклларига нисбатан қўлланиладиган *жар* ва унинг маҳаллий шевавий шаклларида бири бўлган *зов* термини қўлланилади ва улар асосида ҳам бир қанча ойконимлар шаклланган. Қизилжар, Кўкжар, Оқзов, Сарзов каби номлар шу тахлит шаклланган. *Зов* - Дехқонобод тумани ҳудудида қўлланиладиган термин бўлиб тоғ этаклари ва даралардаги тик жар, катта ўйиқ (Нафасов Т., 2011), тик қоя. Форс тилида *зов-дара* (Қораев С., 1970) мазмунига эга.

Туман топонимлари таркибида қишлоқ компонентли ойконимлар ҳам анчагина. Туркқишлоқ, Янқишлоқ, Оққишлоқ, Каттақишлоқ, Қумқишлоқ, Конқишлоқ каби номлар шу тахлит ҳосил бўлган.

Адабиётлар:

1. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. –Т.: Мухаррир, 2009. - 90 б.
2. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. –Т.: Мухаррир, 2011. - 114 б.
3. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? –Т.: Ўзбекистон, 1970. – 42-60 б.
4. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. - 114 б.
5. Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р. Географик терминлар ва тушунчаларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. - 70 б.
6. Ҳасанов Х. География терминлари луғати. –Т.: Фан, 1964. - 81 б.

ТОПОНИМИКА ВА ТУРИЗМ

Ҳакимов Қ., Камолов М., Эсиргапова Ю. *

Жиззах давлат педагогика институти

Инсон ўз ҳаётини номлар оламисиз тасаввур қилолмайди. Чунки қаерга боришимиздан қатъий назар турли-туман номларни кўрамиз, улар доимо ҳамроҳимиз. Демак, қайси соҳада фаолият юритишдан қатъий назар номлар билан ишлашга тўғри келади. Ана шундай соҳалардан бири туризм.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда давлат ҳокимияти органлари, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар туризми ривожлантиришга катта эътибор беришмоқда. Айниқса, туристларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида аҳолининг йил давомида дам олиш кунлари олдиндан белгиланиши, транспорт хизматларида чегирмалар жорий қилиниши, ижтимоий инфратузилма объектларида хизмат тури ва сифатини яхшиланиши, сайёҳатчилар сонининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантиришда топонимика ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Сайёҳатни ният қилган киши, энг аввало сайёҳат йўналишини унинг номига қараб танлайди. Саёҳат қанча узоқ вақт давом этса, шунча кўп географик номларга кўзи тушади ва диққатини ўзига тортади. Эътиборли томони шуки, ҳар қандай турист саёҳати давомида диққатини тортган жой номларини қандай маънога эга, қайси тилга тегишли, нима учун шундай номланганлиги билан қизиқади ва унга жавоб излайди. Ана шундай вақтда топонимика унга ёрдамга келади.

Номшунослик соҳасидан озми-кўпми хабардор бўлган экскурсавод бундай саволларга аниқ, тушунарли ва энг муҳими ишончли жавоб беради. Бунинг учун, туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ходимлари топонимик маданиятли ва энг муҳими географик номларга қизиқиши баланд бўлиши керак. Шу билан бирга, тур операторлар томонидан чоп этилаётган буклетлар, таклиф қилаётган роликлар ва бошқа реклама маҳсулотларида номлар ҳақида етарли маълумотларни жойлаштириш керак бўлади.

Кенг жамоатчиликни топонимик маълумотлардан хабардор қилишда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг ҳам ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ишда кўпинча, улар энг осон ва энг қулай йўлни излашади, яъни номнинг пайдо бўлиши ҳақида маҳаллий халқ орасидаги ривоят ва афсоналарга кўпроқ эътибор беришади. Масалан, Учқиз дарасига саёҳатга қилганлар, экскурсаводдан ёки маҳаллий халқ вакилидан номнинг пайдо бўлиши тарихини сўрашганда: “учта қиз душман таъқибидан қочиб, улар қўлига тушмаслик учун Худога илтижо қилишади, эй Худо номаҳрамлар қўлига тушиб шарманда бўлгандан кўра, бизни тошга айлантир”. Гўёки, шу илтижодан кейин улар учта тошга айланиб қолишган.

Номлар тўғрисидаги бундай халқона “талқин”лар қизиқарли бўлиши мумкин, аммо уларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Чунки, туристлар учун экскурсавод соҳанинг аниқ маълумотлар эга бўлган мутахассиси ҳисобланади. Шунинг учун, улар томонидан берилаётган маълумотлар аниқ ва ишонарли бўлиши керак. Қолаверса, экскурсавод сайёҳат маршрутида учрайдиган номлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўлса, ундан мақсадли фойдаланиши мумкин. Ўлкашунослар ҳам аллақачон топонимикага мурожаат қилиб, бу соҳани тарихий ўлкашуносликнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайдилар. Чунки ўлка тарихини ўрганиш жараёнида, номлар ёрдамида ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалар ва ҳудуд табиатининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш мумкин.

Маълумки, ҳозирда туризм турлари (экотуризм, агротуризм, геотуризм, зиёрат туризми ва ҳоказо) кўпайиб, унинг географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Туризмнинг қамрови ва турларини кўпайиши, географик номларда мужассамлашган ахборотларга эҳтиёж кўпаяди. Масалан, экотуризм ишқибозларини минтақа ландшафтига оид маълумотлар

* Ҳакимов Қўчқор Маҳкамович - ЖДПИ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори в.б., г.ф.н.; Камолов Мелибой Норматович - ЖДПИ География ўқитиш методикаси кафедраси доценти, и.ф.н.; Эсиргапова Юлдуз - География ўқитиш методикаси таълим йўналиши битирувчиси.

кўпроқ кизиктирса, тарихий шаҳарларга саёҳат бораётган сайёҳларни тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, муқаддас қадамжолар ёки касб-хунар билан боғлиқ номлар маъносини билишни истайдилар.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам сайёҳатчиларга аниқ ва объектив маълумотлар бериш керак. Бунинг учун, бу ишга масъул шахслар топонимиканинг энг оддий усулларида хабардор бўлишлари лозим. Тўғри туристлар ҳам саёҳатга чиқишдан олдин, мазкур маршрутга оид географик ва тарихий адабиётлар, харита ҳамда сайёҳатномалар билан танишиб чиқишлари мумкин. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси ҳам керак. Булардан ташқари агар сайёҳатчилар топонимикага ҳам мурожаат қилиб, танлаган маршрутларида учрайдиган географик номлар ва уларнинг маъноси билан ҳам кизиқиб, уларни бошқа манбалардан олган маълумотлар билан таққослашса, сайёҳатлари янада ҳам мазмунлироқ бўлиб, ўзлари кўшимча маълумотларга эга бўлишади. Туристларнинг топонимик тайёргарлик кўриши учун, кўп жиҳатдан топонимик адабиётларни мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари муҳим рол ўйнайди.

Туристлар учун аҳоли пунктлари ва уларнинг номлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки кўп ҳолларда туристик базалар, меҳмонхоналар, кемпинг ва бошқа туристик инфратузилма объектлар шаҳар ва қишлоқларда жойлашган. Кўпинча бу турдаги туристик объектлар ўша шаҳарнинг номи билан аталади. Айнан, шаҳарларда халқимизнинг ақл-заковати билан яратилган архитектура ва тарихий ёдгорликлари ҳамда, моддий ва маънавий бойликлари жойлашган. Энг муҳими ана шулар доимо кўплаб туристларни ўзига жалб қилиб келади.

Бундан ташқари туристларга хизмат кўрсатадиган транспорт корхоналарининг кўпчилиги ана шу тарихий шаҳарларда жойлашган. Масалан, Тошкентдан - Самарқандга борадиган туристлар “Афросиёб” номли тезюар поездидан фойдаланишади. Фарғона водийси бўйлаб саёҳатга чиққанлар “Олтин водий”, Қарши ва Термизга борадиган сайёҳларга эса “Насаф”, Бухоро шаҳрини зиёрат қилишни ният қилганларга “Бухорои шариф” тезюар поездлари хизмат кўрсатади.

Поездга чиқаётган туристлар, номини кўриб, дарров унинг маъноси билан кизиқишади, агар номнинг ҳақиқий маъносини билиб олсалар демак, шаҳарнинг номи ва тарихидан яхши хабардор бўлишади. Масалан, Термиз шаҳрини зиёрат қилишни ният қилган туристларга бу муаззам шаҳар ҳақида қуйидагиларни гапириб бериш мумкин: Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари орасида Термиз номи ўзининг қадимийлиги ва жумбоқлиги билан алоҳида ўрин тутади. Шаҳар номининг қачон пайдо бўлганлиги, маъно - мазмуни, қайси тилга мансублиги ҳақида кўплаб изоҳлар мавжуд бўлса ҳам, аммо номнинг илмий этимологияси ҳалигача узил-кесил ҳал қилинмаган.

Топонимист олим Ҳ.Ҳасанов, “Термиз - бу шаҳарнинг энг қадимги маҳаллий номларидан бири бўлиб, жануб томондаги халқлар томонидан айтилган таромата - “нариёқдаги қишлоқ” маъносидаги сўзлардан олинган (Авесто ёзувларида бор), яъни Амударёнинг нариги ёғи - шимоли деган маънони англатади, Даствлаб Тармита, Тарамета деб талаффуз этилган. Бир вақтлар Дематриас, Евкротид, Александрия деб ҳам юритилган. Ҳиндларнинг “Рамайна” достонида Дандамутра шаклида тилга олинган. Шаҳри Сомоний ҳам дейилган. 10 асрдан бошлаб Термиз бўлиб қолди”, деб ёзган эди.

Тарихчи ва географ Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Термиз - Искандар Зулқарнайн томонидан қурилган ва даствлаб Тарамастҳа (бактрийча, - “нариги соҳилдаги манзил”) деб номланган. Шаҳар Искандар Зулқарнайн томонидан асос солинган бўлса, номи грекча, термос - “иссиқ” сўзидан олинган деган фикр ҳам бор. Шаҳар кўп асрлик тарихи давомида Тармад, Термед, Тармид, Термид, Тармиз, Тирмиз, ҳатто Домат каби номлар билан ҳам қайд қилинган. С.Қораевнинг ёзишича, Термиз шаҳри даствлаб Сурхондарё ёқасида бўлган. Мўғуллар истилоси даврида Чингизхон буйруғи билан шаҳар бутунлай ер билан яқсон қилинган. Ундан кейин ҳам қурилган шаҳар бузилиб кетган. Ҳозирги Термиз 19 асрнинг охирида (1897 йилда) барпо этилган рус истехкоми ўрнида 1928 йилда пайдо бўлган.

Европа тарихий манбаларида шаҳар номи Демитрас, Александрия, Евкровтедияний шаклида ёзилган. Рус тадқиқотчиси И.В.Мушкетов Термизнинг қадимий вайроналари орасидан юнон тангалари кўп топилганини айтган. 14 аср ва ундан кейинги даврларга оид ёзма манбалар ва тангаларда шаҳарнинг номи Мадинат ур-Рижол, яъни “мардлар шаҳри” тарзида учрайди. Шундай қилиб, шаҳар ўз номларининг сони жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай маълум ва машҳур шаҳарлардан қолишмайди. 2002 йилда халқаро миқёсда Термизнинг 2500 йиллик юбилеи кенг нишонланди.

Термиз шаҳридаги тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, қадимги дарвозалари, кўча, хиёбонлари, маҳалла ва гузарларнинг номларини алоҳида таърифга лойиқ. Шаҳар ичидаги туристик объектлар билан таништираётганда, нимага шундай аталган, номнинг қандай маъноси борлиги ҳақида ҳикоя қилиб бериш туристларда катта қизиқиш уйғотади.

Хулоса қилиб айтганда, топонимика ҳам мамлакатимизда туризм турларининг ривожланишига хизмат қилиши аниқ. Чунки миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги бўлган географик номларда, халқимизнинг тарихи, маданияти, маънавияти, хўжалик фаолияти ва бошқа соҳаларга оид кўплаб маълумотлар мужассам. Улардан хабардор бўлиш ички туристга миллий ўзлигини англашга ёрдам берса, хорижий сайёҳларга эса халқимизнинг тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатларига бўлган қизиқишини янада ҳам оширади. Буларнинг барчаси туризм турларини ривожланиши ва сайёҳлар сонини янада ҳам ортишига хизмат қилади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони.
2. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Т.: "Ўзбекистон". 1978. -202 б.
3. Ҳақимов Қ.М. Топонимика. -Т.; "Мумтоз сўз". 2016. -368 б.
4. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. -Т.: "Ўзбекистон", 1985. -120 б.

IV-шўъба. ГЕОГРАФИЯ ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА “ЛОЙИҲА” МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев И.Х., Каримов И.Э.*

Замонавий география дарсларини инновацион педагогик технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу айниқса, олий таълим тизимига оид бўлиб, бунга барча имконият ва шароитлар мавжуд. 80 минутли аудитория машғулотларида ҳар қандай метод ёки методлар мажмуасини қўллаш, уни ривожлантириш имкони бор. Лекин, бугунги кунда, педагогик технологияларни қўллайман деб, асосан, “Кластер”, “Аклий ҳужум”, “БББ” ва бошқа шу каби методлардан фойдаланиш расм бўлиб қолмоқда. Бу эса дарсларга талабаларда бўлган қизиқишни камайиб бораётганлиги, инновацион технологияларга қизиқишни пасайиб боришига олиб келмоқда. Шу билан бирга турли ўйинли, илмий, назарий ва методик жиҳатдан бой ва қизиқарли технологиялар мавжуд. Шулардан, бири бўлган, “Лойиҳа” методини география дарсларига қўллаш масалаларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

“Лойиҳа” методи - бу талабаларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда талабалар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш яқка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Талабалар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у талабалардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, талабалар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

“Лойиҳа” методининг босқичлари



*Абдуллаев И.Х. - Низомий номидаги ТДПУ доценти, г.ф.н.;

Каримов И.Э. – Жиззах давлат педагогика институти, катта ўқитувчи.

“Лойиха” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Географ - педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Талабалар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғадилар.

2. Талабалар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида талабалар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Талабалар иш режага асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Талабалар географ - педагог билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Географ-педагог талабалар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Талабалар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Талабалар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси” да қайд этилади. Талабалар ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Географ - педагог ва талабалар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

“Лойиха” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

Қандай лойиха бўлиши, унинг кўриниши, мавзуси бўйича ҳам айрим таклифларимиз бор. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистонда энг долзарб муаммолардан бири – бу сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи. Бу борада турли чора ва тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан энг асосийси, сув омборларини ташкил этиш масаласи ҳисобланади. Бу борада талабаларга турли мавзулар таклиф этилиши, жумладан, ҳудудларда кичик сув омборлар қурилиши ва уларни фаолиятини ўрганиш лойиҳасини таклиф этиш мумкин. Биринчидан, мамлакатимизда ўнлаб сув омборлар ташкил қилинган бўлиб, уларнинг фаолияти билан талабаларимиз бирмунча таниш. Бу ҳақда маълумотлар ҳам етарли даражада бор (гидрология, Ўзбекистон табиий географияси, экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанларидаги маълумотлар). Шуларга таяниб, масалан, Жиззах сув омбори ва уни ташкил этилиши бўйича кичик лойиҳа ишини бажаришни таклиф этиб, географ-педагог томонидан гуруҳлар ташкил этиб, вазифалар бериб, уни бажарилишини таъминлай олиши керак. Бунинг учун педагог томонидан “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни талабаларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминлаши лозим. Бунинг учун педагогда ушбу методни қўллаш учун етарли малака бўлиши лозим. Ҳар бир метод юқори тайёргарлик даража ва географик билимларга суянса, аудиторияда албатта ишлайди, агарда унга юзаки қаралса, ҳеч қандай энг яхши ва самарали метод ҳам натижа бермайди.

Адабиётлар.

1. Алимкулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ш.Холмуродов. «Амалий география» КХК учун ўқув қўлланма. Т. ТДРУ нашриёти, 2015, 114 б
2. Абдуллаев И.Х., Сафарова Н., Алимова Д. География фанини ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий мажмуа. Ўрта таълим география фани ўқит. малакасини ошириш учун. Т., 2017. 292б

МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРОГРАММНЫХ МЕР ПО РАЗВИТИЮ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕГИОНОВ

Абдалова З.Т.
ТГПУ имени Низами

В статье рассматриваются методологические вопросы разработки программных мероприятий по развитию инвестиционной деятельности регионов, а также механизмы их реализации.

Инвестиции в основной капитал – один из главных факторов экономического роста региона. Увеличение объема инвестиций будет способствовать интенсификация экономики, модернизации производства, снижению его издержек, повышению качества и конкурентоспособности производимой продукции, ускорению экономического роста. Именно поэтому для обеспечения высоких и устойчивых темпов экономического роста в высшей степени актуальной становится задача реализация программных мероприятий по развитию инвестиционной деятельности регионов.

Программные мероприятия по развитию инвестиционной деятельности регионов должны быть разработаны с целью преодоления имеющихся в регионе структурных проблем и инвестиционных рисков за счет появившихся возможностей и предпосылок регионов. Исходя из поставленной цели, наиболее актуальными задачами являются:

1. Оценка развития инвестиционной деятельности региона;
2. Стратегический SWOT- анализ;
3. Определения предпосылки для реализации стратегии;
4. Разработка программных мер развития инвестиционной деятельности региона.

Анализ развития инвестиционной деятельности регионов является неотъемлемым элементом обоснований региональной инвестиционной политики. В аналитической части программы особое внимание должно уделяться оценке уровня *инвестиционной активности и инвестиционного потенциала регионов, а также эффективности реализации инвестиционных проектов.*

Необходимо отметить, в практике экономического анализа для сравнительной оценки уровня инвестиционной активности в территориальном разрезе традиционно используются такие важнейшие показатели как объем инвестиций на душу населения, темпы роста инвестиций, коэффициент концентрации инвестиций и т.д. Эти показатели позволяют сравнивать регионы между собой и изучать процессы дифференциации регионов в сферах инвестиций, а также группировать регионы по уровню инвестиционной развития, что имеет значение как для прогнозирования, так и для разработки программных мер.

Для анализа условий рационального вложения инвестиций в экономической науке и практике применяется категория «инвестиционного потенциала региона». Данная категория дает обобщенную картину привлекательности и целесообразности инвестирования капитала в ту или иную хозяйственную систему, основанную на социальных и экономических предпосылок. *Уровень инвестиционного потенциала регионов* в рамках данного исследования оценивается на основе *интегрального расчетного коэффициента*, показывающего, во сколько раз текущая инвестиционная привлекательность того или иного региона выше средне республиканской (методика ИПМИ). В расчетах интегрального коэффициента инвестиционного потенциала учитывается сравнительный уровень следующих 9 факторов, характеризующих текущую социально-экономическую ситуацию в регионах:

- Масштаб экономики;
- Степень диверсифицированности экономики;
- Геополитическое, экономико-географическое и транспортное положение региона;
- Уровень развития институциональной инфраструктуры;
- Уровень образования населения, наличие и структура квалифицированных кадров;
- Обеспеченность объектами социальной инфраструктуры;

- Уровень жизни населения;
- Оценка стоимости минерально-сырьевого потенциала регионов;
- Факторы удорожания капиталовложений.

Таким образом, в рамках этой методики можно исследовать изменения неравномерности регионов по инвестиционного потенциала, а также определить направленность инвестиционной политики для выравнивания социально-экономического развития регионов.

Оценка реализации инвестиционных проектов на региональном уровне осуществляется на основе экспертной оценки, определяющие качественной характеристики эффективности реализуемых и реализованных проектов.

Для качественной оценки эффективности *реализуемых проектов* используются следующие критерии: срок ввода и окупаемость проекта, эффективность проекта, качество проекта (на основе оценки предварительное технико-экономическое обоснование), возможность и целесообразность реализации проекта (с учетом интереса региона), ресурсное и инфраструктурное обеспечение реализуемых проектов.

Оценка реализованных проектов предполагает учитывать следующие параметры: уровень использования мощности проекта и создаваемых рабочих мест, степень использования местных ресурсов, степень влияния на эффективности социального сферу и роста валовой региональной продукта, уровень сырьевой обеспеченности производства, своевременную реализацию проектов и достижение проектных параметров.

В целях разработки программных мероприятий по развитию инвестиционной деятельности регионов необходимо зафиксировать предпосылки и риски на основе результатов оценки современного состояния и тенденций развития инвестиционной деятельности региона в соответствии с методом SWOT-анализа (таблица 1). По результатам SWOT-анализа программных мероприятий по развитию инвестиционной деятельности регионов должны быть разработаны таким образом, чтобы за счет появившихся возможностей попытаться преодолеть имеющиеся в регионе недостатки и нивелировать риски.

Таблица 1 – SWOT анализа развития инвестиционной деятельности региона

Сильные стороны	Слабые стороны
<ul style="list-style-type: none"> • позитивные тенденции и особенности развития инвестиционной деятельности региона; • качественные структурные сдвиги; • высокий уровень обеспеченности инвестиционные ресурсами; • позитивные факторы по повышению уровня инвестиционного потенциала региона; • высокая эффективность реализуемых инвестиционных проектов и др. 	<ul style="list-style-type: none"> • негативные тенденций развития инвестиционной деятельности (<i>снижение эффективности инвестиций, отставание региона в привлечении иностранных инвестиции, низкая доля инвестиций в ВРП и т.д.</i>); • диспропорции в территориальных, отраслевых и технологических структурах инвестиций; • низкий уровень обеспеченности инвестиционные ресурсами; • негативные факторы инвестиционного потенциала и др.
Возможности	Угрозы
<ul style="list-style-type: none"> • <i>предпосылки</i> на стимулирование роста инвестиции для повышения инвестиционной активности и потенциала регионов; • <i>приоритетные направления</i> инвестирование экономики регионов; 	<ul style="list-style-type: none"> • инвестиционные риски региона, которые могут привести к неблагоприятным условиям для модернизации существующих мощностей; • низкий уровень обеспеченности ресурсами инвестиционной и инновационной деятельности в регионе (<i>с точки зрения</i>

• факторы инвестиционной региона и др.	повышения привлекательности	реализации приоритетных региональных инвестиционных проектов) и др.
--	-----------------------------	---

Конкурентные преимущества региона могут базироваться на различных источниках – наличие сырья, дешевой рабочей силы или активном притоке инвестиций и инновациях. В некоторых регионах, предпосылками развития инвестиционной деятельности являются богатые природные ресурсы. Как правило, в экономике региона такого типа активизации инвестиции и основной доступ к внешнему рынку обеспечивают иностранные капиталы (фирмы). В регионах, где располагается большой производственно-финансовый потенциал и крупных предприятий стратегия развития инвестиционной деятельности должен базироваться на активном притоке инвестиций, приобретении и адаптации технологий для современного производства. Стратегия должна быть направлена на создание современных промышленных отраслей, способных конкурировать на мировом рынке. При этом государства создает благоприятные климат для иностранных и местных инвестиций, стремится к созданию условий, снижающих инвестиционные риски, принимает активные меры по стимулированию экспорта продукции.

Кроме того, важнейшим механизмом реализации программных мероприятий по развитию инвестиционной деятельности регионов на средне- и долгосрочную перспективу может стать Комплексная программа повышения инвестиционной активности региона. Подобная Программа разрабатывается в целях стимулирования роста инвестиций в отрасли экономики, особенно в приоритетных отраслях, которые дают свою эффективность на экономический рост регионов. Это свою очередь, ускорит инвестиционную активность в регионах и обеспечит территориальную сбалансированность развития национальной экономики Узбекистана.

ГЕОГРАФИК БИЛИШ МЕТОДЛАРИ ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Абдурахмонов Б., Собиржонова Н.*
Наманган давлат университети

Республикамизда жамият тараққийтининг ҳозирги босқичида шахс умумий маданиятида географик омилнинг тутган ўрни кун сайин ортиб бормоқда. Географик маданиятни эгаллаш ўқувчининг атроф-муҳит билан ўзаро шахсий мулоқоти, оммавий ахборот воситалари ва аниқ мақсадга йўналтирилган география таълими жараёнида амалга ошади. Шунга кўра география таълимининг энг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчиларда инсониятнинг ягоналиги, мамлакатлар ва улар аҳолисининг турли-туманлиги ҳақидаги географик тасаввурларни ҳосил қилишдан иборатдир.

“Географик маданият” тушунчасининг мазмун-моҳияти илк марта россиялик олим В.П.Максаковский томонидан кенг ўрганилган. Олим замонавий мактаб географиясига таъриф берар экан, таълим соҳасидаги жаҳон ислохотларининг ривожланиш тенденциясида маданиятшунослик концепцияси асос қилиб олинаётганлигига эътибор қаратади, таълимга маданиятшунослик ёндашувининг моҳиятини очиб беради ва география бўйича замонавий таълим дастурлари асосига географик маданият ҳақидаги тасаввурлар қўйилганлигини таъкидлайди. У ўз асарларида географик маданият тушунчасининг муҳим белгиларини шарҳлар экан, мазкур тушунча мазмунида иккита: махсус (тор) ва оммавий (кенг) йўналиш мавжудлигини эътироф этади. Унинг фикрича, географик маданият қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- дунёнинг географик манзараси;
- географик тафаккур;

*Абдурахмонов Б.М., – НамДУ География кафедраси ўқитувчиси.;
Собиржонова Н. – НамДУ География йўналиши талабаси.

- географик билиш методлари;
- географик тил.

Ушбу таркибий қисмлар махсус ва оммавий географик маданиятга бир хилда таалуқли бўлиб, уларда турли ҳажмда ишлатилади (Максаковский В.П. 2000).

Географик маданиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида **географик билиш методлари** ўқувчиларни географик объектлар ёки ҳодисаларни тадқиқ қилишга ундайдиган ёндашувлар, шунингдек, географик тадқиқотларнинг ўзига хос усуллари ва методикасидир. Географик тадқиқотларнинг мақсади кўзда тутилаётган илмий билиш жараёнининг натижаси ва унинг амалиётга ёки география фани ривожига муносабати бўлади. Ўқувчилар география таълими жараёнида илмий методлар билан турли хил усуллар ёрдамида амалий таништирилади. География таълими жараёнида ўқувчилар таништириладиган илмий методларни фойдаланишига кўра анъанавий ва янги методларга бўлиш мумкин. Анъанавий методларга қуйидагилар мансуб:

1. Географик тавсифлаш методи – географик объект ва ҳодисаларга тавсиф бериш. Масалан, “Ўзбекистоннинг географик ўрни”, “Қашқадарё вилояти рельефи”, “Қуйи Амударё иқлими”, “Ўзбекистон дарёлари”, “Фарғона водийси аҳолиси”, “Япон анъаналари”, “Мексиканинг маданий мероси”, “Африканинг ёввойи табиати”, “Пекин” каби аниқ ҳудудлар, объект ва ҳодисаларни режалар асосида тавсифлаш. Географик тавсифлаш тилини (нутқда, матнда) такомиллаштириб бориш, айниқса унинг ҳис-туйғуларга бойлигини, жўшқинлигини кучайтириш мазкур методнинг ўзига хос жиҳатидир.

2. Картографик метод – карталар иштирок этадиган географик тадқиқот методлари бўлиб, маконий тасаввурларни кенгайтиради, географик билимларни харитага “жойлаштириш” ва картадан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилади. Карталар баъзан бошқа методлар орқали олинган натижаларни намойиш қилишга хизмат қилса, баъзан картанинг ўзи дастлабки ахборотларни олиш ва якуний натижалар чиқаришга хизмат қилади. Картографик метод география фанининг ўзига хос “тили” (шартли белгилар тизими, картографик тасвирлаш усуллари, муҳимлиги бўйича ажратиш қоидалари) сифатида ўрганилаётган объектларни аниқ қайд этадиган ва тасвирлайдиган метод бўлиб, ҳозирги кунда муайян географик қонуниятларни очиб берадиган, географик объектлар ёки ҳодисаларни мажмуавий тавсифлайдиган қудратли таълимий техник воситага айланган. Мазкур метод географик объектлар ва ҳодисаларни карталар ёрдамида ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда картани ўқиш, тушуниш, унинг билан ишлаш кўникмаларини вужудга келтиради.

3. Географик қиёслаш методи – географик тафаккурнинг асосини ташкил қилиб, географик объект ва ҳодисаларни ўхшашлиги ва тафовути бўйича, яхлит ҳолда ва айрим белгилари бўйича қиёслашда ўз ифодасини топади. Масалан, Ўзбекистондаги паст, ўртача ва баланд тоғларни қиёслаш, Амударё билан Сирдарёни қиёслаш, Орол денгизи билан Каспий денгизини қиёслаш, Фарғона водийси хўжалиги билан Қуйи Амударё хўжалигини қиёслаш ва х.к. Қиёслаш кўпинча бир ёки бир неча белгилар бўйича оддий ёки бирмунча мураккаб топшириқлар тизими шаклида амалга оширилади.

4. Статистик методлар – географик объектлар ва ҳодисалар моҳиятини очишда турли хилдаги рақамли кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланади. География таълимида географик тасвирлар ва тавсифларга катта аниқлик киритиш, кўплаб миқдорий ва сифатий кўрсаткичларни аниқлаштириш, хилма-хил объектлар ва ҳодисаларнинг миқёсини аниқлаш, ҳар хил қонуниятларни очиш, турли мазмундаги графиклар, диаграммалар ва жадваллар тайёрлаш учун рақамли кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади. Кейинги пайтларда география таълими жараёнида статистик кўрсаткичларнинг (мутлоқ, нисбий, коэффициентлар кўринишидаги) барча турларини қўллашга, географик ҳодиса ва жараёнларни статистик ўрганиш (кузатиш, гуруҳлаш, ажратиш кўрсатиш, таҳлил қилиш) турлари ва босқичларига, статистик маълумотлар тузишнинг турли шаклларида (якка рақамлар, жадваллар, график тасвирлар) фойдаланишга эътибор кучаймоқда.

Замонавий методларга қуйидагиларни киритамиз:

1. Математик-географик моделлаштириш методи – хилма-хил географик тадқиқотларда суноий яратилган обектлар-моделлардан (географик карта, глобус, математик формула, графика, чизма, мослама ва ҳ.к.) фойдаланиш. Масалан, экологик муаммолар ечимини топишда табиий жараёнларни моделлаштириш, геотизимлар моделлари, табиий-худудий ва ишлаб чиқариш-худудий тизимларнинг ўзаро муносабати модели, урбанизациянинг салбий экологик ва ижтимоий оқибатлари модели ва ҳ.к.

2. Аэрокосмик метод – географик объектлар ва ҳодисалар моҳиятини ифодалашда космик суратлардан фойдаланишга асосланади. Масалан, аэрокосмик суратларни ўқиш ва уларда мўлжал олиш билан боғлиқ амалий ишлар. География таълимида мазкур методнинг аҳамияти ошиб бормоқда ва амалда бу методнинг моҳияти илмий-амалий тадқиқотларда геоахборотлар тизими воситасида очиб берилмоқда.

Тадқиқотимизда даставвал ўқувчилар шахсида географик маданиятнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун умумий ўрта таълим мактаблари даражасида географик маданият шаклланганлигининг мезонлари ишлаб чиқилди. Шу асосда таъкидловчи илмий-тажриба жараёнида ҳар бир мезон бўйича унинг мазмунини ифодалайдиган ўзига хос кўрсаткичлар мажмуи аниқланди. Жумладан: **“Географик билиш методларини эгаллаганлиги”** мезони бўйича қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди:

- географик объект ва ҳодисаларни матнда ифодалаш;
- карталар ёрдамида географик объект ва ҳодисаларни таҳлил қилиши;
- картани ўқиши, тушуниши ва унинг билан ишлаши;
- географик объект ва ҳодисаларнинг ўхшашлигини аниқлаши;
- географик объект ва ҳодисаларнинг тафовутини аниқлаши;
- географик объект ва ҳодисаларга тавсиф беришда рақамли маълумотлардан фойдаланиши;
- географик тадқиқий ишларда глобус, математик формула, жадвал, чизма ва асбоблардан фойдаланиши.

Мазкур мезон-кўрсаткичлар тизими орқали тадқиқот давомида ўқувчиларда географик маданият шаклланганлигининг ривожланиш даражаси шартли равишда ажратиб кўрсатилади. Биз тадқиқотимизда юқоридаги мезон-кўрсаткичлар тизими орқали ўқувчиларда географик маданиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун тажриба-синов майдончаси сифатида танланган ўрта умумтаълим мактаблари амалиётини ўргандик. Кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, ўқувчиларнинг географик маданияти уларнинг географик билиш фаолияти ва бу фаолиятнинг олдиндан маълум бўлган усуллари эгаллаш тажрибасига, географик муаммоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш ва атрофдаги борликни географик жиҳатдан шахсий баҳолаш кўникмасининг шаклланганлигига боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Максаковский В.П. Географическая культура. -М.: Просвещение, 2000. с.
2. Абдурахмонов Б.М. Ўқувчиларда географик маданиятни шакллантириш // Касб хунар таълими, Т.: 2007, № 1. – Б.16-17.

UMUMIY O‘RTA TA‘LIM MAKTABLARI ZOOLOGIYA KURSI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA MASALA VA MASHQLARNING O‘RNI

Azimov B., Toshpo‘latova N.*

Nizomiy nomidagi TDPU

Ta‘lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirishning eng muxim omillardan biri o‘quvchilar bilish faoliyati va mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini oshirish xisoblanadi. Hozirgi vaqtda har qanday maktab o‘qituvchisi oldida, shu jumladan, biologiya o‘qituvchilari oldida turgan muxim vazifa o‘quvchilarga fanlardan chuqur bilim berish bilan birga ularning mantiqiy fikrlash, oldin

*Azimov B.– Nizomiy nomidagi TDPU 2-kurs magistri.;

Toshpo‘latova N. – Nizomiy nomidagi TDPU 3 -kurs talabasi.

o'zlashtirgan bilimlarini yangi material bilan o'zaro bog'liqligini sabab-oqibatlarini anglash, taqqoslash, umumlashtirish kabi qobiliyatlarini rivojlantirish hamdir. Bunday muxim vazifani bajarishda biologik biologik masala va mashqlardan foydalanish muximdir.

Har qanday masala yechimini topishda quyidagi bosqichlarga e'tibor berish:

1. Masalaning sharti va taxlilini yozish.
2. Masala yechish uchun reja tuzish.
3. Masalani yechimini topish va yozib borish
4. Natijalar taxlili

Yuqoridagilarga asoslangan xolda quyidagi masalani yechish usuliga to'xtalamiz.

Masala. Ota-ona chumchuqlar ikki hafta davomida bolalarini boqish uchun 1-1.5 kg hasharotlarni olib kelar ekan. Agar yashayotgan joyingizda 1000 juft chumchuq bo'lsa, ular necha kg hasharotni ikki haftada yo'q qiladi? Chumchuqlarni biz zararli deya olamizmi? Agar umuman chumchuqlar qirib yuborilsa nima bo'ladi?

Masalaning tahlili: maqsad-o'quvchilarga donxo'r qushlarning foydali tomonlarini ochib berish. Ko'pchilik uchun zararli ko'ringan chumchuqlarning avlodini boqish davrida qancha zarakunanda hasharotlarni yo'q qilib xo'jalikka keltiradigan foydasini yetkazib berish.

Berilgan:

bir juft chumchuq paloponlarini boqish davrida ikki haftada 1-1.5kg hasharotlarni yo'q qilishi.

1) 1000 juft chumchuq ikki hafta davomida necha kg hasharotning yo'q qilishini hisoblab topish kerak

2) Chumchuqlarni biz zararli deya olamizmi?

3) Agar umuman chumchuqlar qirib yuborilsa nima bo'ladi?

Yechilishi:

Agar bir juft chumchuq ikki haftada 1-1.5kg hasharotni yo'q qilishi ma'lum bo'lsa. 1000 juft chumchuq ikki hafta davomida qancha hasharotni yo'q qilishini topish uchun quyidagi amallarni bajaramiz.

1) $1000 \times 1(1.5) = 1000\text{kg}$ yoki 1500kg hasharotni yo'q qiladi.

2) to'g'ri chumchuqlar pishiqchilik davrida uzum, gilos kabi o'simliklarning mevasi bilan oziqlanadi. Bu ko'pincha chumchuqlarning zararli degan tasavvurlarning shakllanishiga sabab bo'lgan. Lekin bolasini boqish davrida juda ko'plab zararkunandalarni yo'q qilib qishloq xo'jaligiga katta foyda keltiradi. Ya'ni keltirgan zararidan foydasi bir necha marotaba yuqori. Shuning uchun biz chumchuqlarni zararli deb ayta olmaymiz.

3) agar chumchuqlar butunlay yo'qotib yuborilsa, yer yuzida zararkunanda hasharotlar juda ko'payib ketib qishloq xo'jalik ekinlariga katta zarar keltiradi. Donli ekinlarni yoppasiga qirilishiga sabab bo'ladi.

Zoologiya darslarida yuqorida berilgan masalardan foydalanish o'quvchilarning tibbiyot va qishloq xo'jalik ishlariga bo'lgan qiziqish-larini oshiradi. Tabiatni muxofaza qilish, ekologik madaniyatni shakllanishida, tabiat va inson uchun zararli yoki foydali organizmlar to'g'risida fikrlarni shakllanishida aloxida o'rin tutadi.

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ОРҚАЛИ ЁШЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Базарова Н.Ш., Хайридинов А.Б., Эргашев О.Ш.*

Қарши давлат университети

Борган сари ўзгариб бораётган жамиятда атроф муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки, инсониятнинг ягона ва асосий яшаш жойи, уйи бу – ер юзасидир.

*Базарова Нигора Шамсиддиновна - Қарши ДУ тупроқшунослик ва экология кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.

Хайридинов Акмал Ботирович - Қарши ДУ тупроқшунослик ва экология кафедраси мудири, к.х.ф.н.

Эргашев Озод Шароф ўғли - Қарши ДУ 2 – курс талабаси

Инсоният албатта, табиат кўйнида таркиб топади, ривожланади ва бевосита муносабатда бўлади. Шундай экан, инсон табиатга ва унда содир бўладиган ҳар қандай жараёнга онгли равишда ёндашиши керак. Айниқса, дунё миқёсида экологик муаммолар кўпайган сари улар ҳақида мулоҳаза юритиш, тадқиқотлар олиб бориш янада жадаллашмоқда.

Сўнгги йилларда табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Табиий захираларнинг кўплаб сарф бўлиши ва тугаб қолиши, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларга путур етиб, мувозанатнинг бузилиши оқибатида экологик ўзгаришларнинг келиб чиқиши бу муаммонинг муҳимлигидан далолат беради.

Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларида бири таълим мазмунига, яъни ҳар бир фан мазмунига экологик билимларни сингдиришдан иборат. Маълумки, ҳар бир фанга ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда, уларни жамиятимизнинг муносиб аъзоси қилиб тарбиялашда муҳим ўринга эга бўлиб, фанлар мазмуни эса дарслик ва ўқув қўлланмаларда акс эттирилади. Зеро, ёшлар онгига экологик билимларни шакллантиришда фанларро алоқали дарслар алоҳида ўрин тутаяди. Фанларро алоқа асосида ёшларни экологик билимлар тизими билан қуроллантириш ўқув фанлари интеграциясини жорий этишни тақоза этади.

Шу туфайли, ёшларга билим беришда география ва экологиянинг ўзаро алоқаси катта аҳамият касб этади. Бу бир-бирига яқин фанлар табиатдаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда ўзига хос хусусиятлардан фойдаланади. Бундай дарслар тизимининг асосий вазифаси «инсон-жамият-табиат» орасидаги муносабатларни очиб беришдан иборат.

Табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурсларни ўзлаштиришни оптималлаштиришда содир бўлаётган мураккаб табиий ва ижтимоий жараёнларни, инсониятнинг эҳтиёжлари узлуксиз ортиб бораётган жамият тараққиётининг имкониятларини теран англаб етиш-географиянинг илмий ва амалий аҳамияти туфайли юзага келади. Айниқса сайёрамизнинг деярли барча минтақаларида турли миқёслардаги экологик муаммоларнинг юзага келиши уларни ўрганиш ва бартараф қилиш ёки чеклашда географик – экологик ёндашувнинг аҳамияти жуда катта. Шу сабабли, XX асрнинг сўнги чорагида география негизида таркиб топган ва тобора ривожланиб бораётган янги интегротив фан – геоэкологиянинг таркиб топиши, географик қобикда содир бўлаётган кўпгина муаммоли масалаларни ўрганиш ва ечимини топишда асосий ўринда туради. Зеро, географик қобик – бу литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферанинг ўзаро таъсирида вужудга келган ҳамда ривожланадиган табиий комплексдир.

Демак, геоэкология “табиат–жамият” тизимидаги ўзаро муносабатларни, жамиятнинг табиий муҳит билан ўзаро таъсири ва алоқаларини ўрганадиган ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва инсоннинг атроф табиий муҳитини оптималлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқадиган интегротив илмий йўналишдир.

Геоэкологияни ўрганиш объекти географик қобик бўлиб, предметини эса географик қобикнинг инсон ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти кечадиган атроф табиий муҳитни ташкил этувчи турли катталиқдаги геосистемалар ва уларнинг экологик функциялари ташкил этади.

Геоэкология экологиянинг юқори босқичдаги экосистемаларни, шу жумладан биосферани тадқиқ этувчи бўлими. Геоэкология ландшафт экологияси, биогеоценология деб юритилади. Геоэкологик муаммони ҳақиқий табиий, ижтимоий-иқтисодий географик ва экологик муаммо деб тушунмоқ керак, чунки ҳозирги вақтда география фани экологиялашиб, экология фани эса ўз навбатида географиялашиб, бир-бирига яқинлашиб бормоқда (Рафиқов А. 1997). Шу ўринда мазкур фан олий таълим муассасаларининг география таълим йўналиши талабаларида танлов фан сифатида ўқитилиб келиниши айни муддаодир.

Олий ўқув юртларининг гуманитар факультетларида инсон ва табиат муносабатларини 25-30 соат ҳажмида ўқитиш талабаларнинг она табиатга нисбатан мурувватли, меҳрибон ва табиат бойликларини авайлаб-асраш, меъёрига яраша фойдаланиш руҳида тарбиялашга имкон беради. Табиий факультетлар – география, геология, биология ва

бошқаларда умумий тарзда ўқитиладиган “Табиат муҳофазаси” дарси билан чегараланиб қолмай, экология ва табиат муҳофазаси масалалари бўйича махсус дарсларнинг ўқитилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Шундай дасларга “Социал экология”, “Биоэкологик мониторинг”, “Аэрокосмик мониторинг”, “Сайёравий (глобал) экология”, “Худудий экология”, “Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш”, “Экологик хариталаштириш”, “Геоэкология” “Амалий геоэкология” ва бошқаларни киритиш мумкин. Ушбу факультетлар негизида эколог-биолог, эколог-географ, эколог-геолог, эколог-кимёгар каби мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги экологик вазиятлар мураккаблашиб бораётган шароитда жуда зарурдир (Рафиқов А., 1997). Геоэкологияга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда ушбу фанларнинг аҳамияти каттадир.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ҳозирча мактабларда экологик таълим предметлараро боғланиш ҳисобланади, чунки яқка олинган бир предмет меъёрида у тўлиғича бажарилмайди. Шу боис, ўқувчиларда экологик тушунча, онг ва дунёқарашни шакллантиришда географиянинг ўрни бекиёсдир.

Географик маълумотларнинг барчаси ўзида экологик билим ва тушунчаларни мужассамлаштирган. Ўқувчиларда экологик билимларни сингдириш география фанларининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ўқувчилар географик билимларни эгаллаб боришлари билан бирга табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, бу муаммонинг муҳимлиги ва зарурлиги, табиий ресурсларнинг сарф бўлиши, тугаб қолиши, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ва экологик муаммоларнинг келиб чиқишини чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда илмий фактларга асосланган ҳолда тушунтириб бериш каби тушунчаларни мактаб географиясида ўрганиб борадилар (Тилолов Т., 2003).

Биобарин, экологик таълимнинг мазмуни ўз ичига мафкуравий, илмий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, амалий каби йўналишларни умумлаштиради. Шу сабабли, экологик тарбиянинг мактаб босқичи жуда муҳим давр ҳисобланади.

Бу жараён география дарсларида мактаб дастурига мос келувчи экологик таълим ва тарбия орқали амалга оширилади. Инсоннинг табиатга етказётган ижобий ва салбий таъсирларини мулоҳаза қила оладиган, кўз олдига келтира оладиган, атроф-муҳитда инсон таъсирида бўлаётган турли ўзгаришларни идрок қила оладиган, салбий оқибатларнинг турли хил экологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ривожланишига олиб келишини, ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир мавзунини табиат муҳофазасига яқинлаштирган ҳолда ўқувчиларга тушунтириши зарур. Шунингдек, ёшларни дунё миқёсида фикр юритишга ундайди ва илмий дунёқарашларининг шаклланишига олиб келади (Турдиқулов Э., 1995). Мактаб географияси курси буларни амалга ошириш учун бошқа фанларга нисбатан кўпроқ имкониятларга эга. Бу имкониятлар географик ва экологик таълимнинг мақсад ва вазифалари ҳамда мазмунининг узвий боғланганлиги, бир-бирини тўлдириши туфайли юзага келади.

Қолаверса, ёш авлодни бой маданий меросимиз, миллий ва умуминсоний кадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутди. Табиатнинг бутун инсоният учун ягона макон эканлигини англаб, уни ҳимоя қилиш, географик қобикда содир бўлаётган геоэкологик муаммолар ва уларнинг моҳиятини тушуниб етиб, ҳал этиш йўллариини излаб топадиган инсонлар этиб тарбиялашимиз зарур.

Адабиётлар:

1. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т.: Ўқитувчи, 1997. -112 б.
2. Тилолов Т.Т. Экологиянинг долзарб муаммолари Қ.: Насаф, 2003. -186 б.
3. Турдиқулов Э.О. Экологиядан дастурлар. – Т.: Фан, 1995. – 33 б.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA DUNYO AHOLISIGA DOIR MAVZULARNI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARNING O'RNI

Berdiqulova M.T. Rajabova S.S.*

Qarshi davlat universiteti

Bugungi kunda mamlakatimizning uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko'tarish, unga ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish – ta'lim samaradorligini oshirishning asosiy omillaridan sanalmoqda. Ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlarning tub mohiyati ta'lim mazmunini va shaklini taraqqiy ettirishga qaratilgan.

Maktab geografiya kurslarini o'qitishda yangi pedagogik texnologiyalarning muayyan usullari bilan boyitilgan noan'anaviy darslarni sifatli xususiyatlarini oshirish bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning ta'lim sohasidagi quyidagi fikrlarini keltirib o'tish joiz: "Mamlakatimiz o'z taraqqiyotining yangi davriga qadam qo'ygan hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi asosida barcha sohalarda keng ko'lamli o'zgarishlar amalga oshirilmoqda.

Ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar ta'lim tizimiga yangicha qarashni, uni jamiyat talablari va shaxs ehtiyojini hisobga olgan holda jahon standartlari darajasiga ko'tarish, ta'lim jarayoniga pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etishni taqozo etmoqda. Pedagogik texnologiyalarni geografiya ta'limi o'quv jarayoniga tadbiiq etish uchun keng imkoniyatlar mavjud. Geografiya ilmiy mutaxassislari tabiat va jamiyatning taraqqiyot qonunlarini, ularning o'zaro aloqadorligi asosida yuz beradigan hodisa va voqealarni o'rganuvchi barcha fanlar erishgan yutuqlardan xabardor bo'lishlari lozim. Chunki geografiya fanlar tizimida tabiat va jamiyatning o'zaro aloqada rivojlanishini majmual, ko'p qirrali har tomonlama o'rganuvchi fandır.

Ma'lumki, aholi har qanday jamiyatning asosiy ishlab chiqaruvchi kuchidir. Jamiyat hayoti uchun zarur bo'lgan barcha boyliklar insonning mehnati natijasida yaratiladi. Ishlab chiqarish jarayonida qatnashayotgan mehnat qurollari, xom ashyo, yoqilg'i va boshqa qo'shimcha materiallar faqat inson mehnati tufayligina harakatga keltiriladi. Aholi ayni paytda ishlab chiqariladigan barcha moddiy boyliklarning asosiy iste'molchisidir ham. Taraqqiyot jarayonida aholining shaxsiy iste'moli bilan birga, aholining o'zini takror barpo qilinadi - kishilarning avlodlari tarbiyalanadi va voyaga etkaziladi. Aholining takror barpo qilinishi aholi sonining ko'payib borishini ijtimoiy taraqqiyotning muhim shart-sharoiti deb hisoblaydi.

Ilmiy manbalarda, sayyoramizda inson ajdodlarining paydo bo'lish davri haqida turlicha qarashlar mavjud. Bundan taxminan 40-50 ming yil ilgari insonning ongli (Homo Sapiens) ajdodi shakllangan.

Har bir davr aholisining ko'payishi va rivojlanishi shu davrning ishlab chiqarish usuli va munosabatlariga, turmush darajasiga, yashash sharoitlariga bevosita bog'liq bo'lgan. Insoniyat tarixida sug'orma dehqonchilikning rivojlanishi oziq- ovqatning ko'payishiga, aholi moddiy turmush sharoitini bir muncha yaxshilanishiga olib keldi. Xususi mulkning paydo bo'lishi, sinfiy jamiyatga asos soldi. Ibtidoiy jamiyat bag'rida feodalistik ishlab chiqarish munosabatlari shakllana boshladi. Dunyoda madaniyat markazlari paydo bo'ldi, aholiga tibiiy xizmat ko'rsatish yo'lga qo'yildi. Sodir bo'lgan ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar aholi o'rtasida o'lim hollarining kamayishiga, o'rtacha umr ko'rish muddatining bir muncha uzayishiga sabab bo'ldi. Natijada dunyo aholisining soni ko'paya boshladi.

Inson hayotidagi bu ijobiy o'zgarishlar ularning hayot sharoitini yaxshiladi. Hozirgi zamon urbanizatsiyasi butun jahonga tegishli jarayon bo'lib, shahar aholisi sonining xususan rivojlanayotgan mamlakatlarda tez sur'atlar bilan o'sib borishi xarakterlidir.

Ta'lim – tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish o'qitish jarayonida yuqori samaradorlikni oshirish ham kutilayotgan natijaga kafolatli erishishga olib keladi. Ta'lim texnologiyalari uchun ta'lim metodlarini tanlashda har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash zarur.

***Berdiqulova Muhayyo Toshtemirovna** – Qarshi DU geografiya kafedrasida o'qituvchisi
Rajabova Sarvigul Salimovna - Qarshi DU geografiya o'qitish metodikasi 4 kurs talabasi

O'quvchilarga jahon aholisi, aholining ko'payishi va u bilan bog'liq tushunchalar mohiyati, jahon aholisining joylashuvi va unga ta'sir etuvchi omillar, demografik o'tish davri va uning geografik jihatlarini ochib berish, davlatlarning demografik vaziyatini va urbanizatsiya jarayonlarini o'rganishda innovatsion texnologiyalarning o'rnini kattadir.

Maktab geografiya darslarida dars mazmuniga va o'quvchilar yoshiga mos pedagogik texnologiya va usullardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Ular orasida "Sinkveyn" usuli aholi haqidagi mavzulari bo'yicha zaruriy bilim berish, malaka va ko'nikmalar hosil qilishda alohida ahamiyatga ega.

"Sinkveyn" – bu besh qatordan iborat bo'lib, unda bir tushuncha haqida axborot beriladi. Birinchi qatorda mavzu -kalit so'z (urbanizatsiya) beriladi, ikkinchi qatorda unga bir yoki ikkita aniqlovchi tanlanadi ("Urban" (urbanus) — shahar, «zatsiya»— jarayon demakdir). Uchinchi qatorda unga harakat-holat (fe'l) bilan to'ldiriladi (Urbanizatsiya huduning shahar aholisi miqdori va sanoatlashuvi bilan bog'liq). To'rtinchi qatorda so'z har xil usul bilan yoyiq gapga aylantiriladi (Iqtisodiy geografik o'rin (IGO) shahar va shahar aholi punktlari tarkib topishida muhim omil hisoblanadi). Beshinchi qatorda kalit so'zning ma'nodoshi (sinonimi) keltiriladi (shahrlashuv). Dars davomida urbanizatsiya jarayonining ijobiy tomonlari bilan birga salbiy jihatlarini izohlashda SWOT tahlil jadvalidan foydalanish ahamiyatlidir:

S	Strengths – Kuchli tomonlari	Urbanizatsiya (shaharlashuv)- ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning eng muhim tarkibiy qismlaridan biri bo'lib, shahar aholisining miqdoriy va sifatiy rivojlanishini ifodalaydi.
W	Weakness - Ojiz tomonlari (ichki muammolari)	- Urbanizatsiyaning umumiy ko'rsatgichi bilan mamlakat iqtisodiyotining rivojlanganlik darajasi va uning tarkibiy tuzilishi orasida tafovutlar mavjud. (Masalan, Rossiyaning Chukotka o'lkasi, Nauru davlati)
O	Opportunities – Imkoniyatlar (tashqaridan)	- moliyalashtirish va qo'llab-quvvatlashning qo'shimcha resurslar manbai bo'lib xizmat qiladi. - yangi loyihalar asosi, hamkorlik aloqalarini kengaytiradi.
T	Threats – Xavflar	- keyinchalik shahar hududining cheksiz kengayishi to'xtab «qoladi»: u tog' yoki daryo, davlat chegarasi yoki dengiz kabi to'siqlarga duch keladi, shahar ichida esa uy — joy, transport, ekologiya muammolari keskinlashadi. - ularni bartaraf etish chora-tabirlarini ishlab chiqish talab etiladi.

Ushbu interfaol metodlar o'quvchilarga o'z fikrlarini aniq va qisqa ifoda etib, ijobiy jihatlar bilan birga salbiy fikrlarni bayon etishga yordam beradi. Mazkur texnologiyalardan yangi mavzu o'rganib bo'lingach, qo'llanilishi mumkin, chunki bu metodlar o'quvchilarni o'z fikrini himoya qilishga, mustaqil fikrlashga, nutq ma'daniyatini o'stiririshga, o'z-o'zini boshqarishga yo'naltirib, hozirjavoblik, topqirlik xususiyatlarini rivojlantirish bilan birga erkin fikrlash va ochiq holda bahslashish madaniyatiga o'rgatadi.

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гайпова Р.Т., Тўраев Б., Орынбаева А.Б.

Ўзбекистондаги Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг муносиб касб-хунар эгаллашлари, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва миллий кадрлар тайёрлашни замон талаби даражасига кўтариш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Республикада олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотларнинг муваффақияти узлуксиз таълим тизимининг барча турларида, шу жумладан олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган ўқитиш тамойиллари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари ва узлуксиз таълим тизимининг

фаолият кўрсатиш тамойилларига қанчалик мос келиши ва уларни амалиётга жорий этишга сафарбор этилганлигига боғлиқ. Бугунги кунда бутун дунёда таълим тизимини тубдан янгилаш жараёни кечмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларни мустақил изланувчан, мақбул ва эркин фикр билдира оладиган, дунёқараши кенг, тегишли қарор қабул қила оладиган шахс қилиб тарбиялаш кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Бугун Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир.

Замонавий шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг илғор инновацион тизимлари ва янги педагогик технологиялари асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Янги педагогик технологияларни ҳислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80 фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва малакали кадрларни тайёрлаш масаласи инновацион технология ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган. Бугунги кун таълим жараёнининг лойиҳалари ҳамда уни амалиётида фойдаланиш учун ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Бизга маълумки, ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятлари ва масалалари мавжуд. Илғор, изланувчан, янгиликка интилувчан ва ижодкор ўқитувчи эса, унинг ечимларига жавоб излайди.

Муаммоли машғулотлар талабаларнинг мустақил ривожланиш қобилиятини ва иштирокчиларнинг тажриба ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиий ҳолда пайдо бўлади. Талабани муаммоли ҳолатга қўйиб унинг фикрлаш механизмини гўё «тўхтатиб» қўяди. Бошқа иштирокчиларнинг муаммоли машғулот жараёнида ушбу муаммони ечишга ҳар хил гипотезаларни ташлаб, уларнинг ўзини англаш жараёнини чуқурлаштириб, аниқ ечим топишга ёрдам беради.

Муаммоли таълим типининг мақсади фақат билимлар тизимини илмий етказишдан иборат бўлмай, балки натижага эришиш жараёнини, талабанинг фаоллигини шакллантириш ва унинг ижодий қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчининг муаммоли таълимдаги иши қуйидагилар:

- 1) мураккаб тушунчаларнинг моҳиятини тушунтириш;
- 2) муаммолли вазиятни яратиш;
- 3) иштирокчилар далилларни таҳлил қилиш асосида мустақил ечим қабул қилиш малакаси ўқитувчи ёрдамида маълум бир тушунча ва қарорлар (хулосалар) қабул қилиш кўникмаси шаклланади.

География фани ҳам ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари билан бошқа фанлардан ажралиб туради. Улар қуйидагилар:

1. Ҳаётнинг ўзгарувчан қиёфаси билим олувчидан турмуш муаммоларини ўзгача мустақил ечишни талаб этади:

- ўзини бошқача қабул қилишни бошлайдиган;
- ўз ҳис-туйғуларини тўлиқроқ қабул қиладиган;
- олдига аниқ йўналиш, мақсадлар қўядиган, ўзини мустақил шахс сифатида тутадиган;
- ўзи хоҳлаган идеал одамга ўхшашга интилиш;
- атрофдаги инсонларни қабул қила (тушуна) оладиган ва ҳ.

Бундай вақтда устознинг бош вазифаси - ўқувчини ўз ҳолича қабул қилиш, унга яхши муносабатда бўлиш, унинг туйғуларини тушуниш, янги материални бирга ўрганиш ва шу асосда ўқувчига мукамал тарзда тушуниб ўқишда кўмаклашадиган муҳитни яратиб бериш.

2. Фанга бўлган қизиқишнинг пасайиши.

Ҳозирги вақтда информация оқимининг кўплиги ўқувчи билими ва савиясининг кенгайишига ҳамда чуқурлашишига ижобий таъсир қилмайди. “Мен маълумотни интернетдан топаман, ўқитувчидан эшитаман, синфдошим айтиб беради ёки телевизордан билиб оламан” деган фикрлар ўзини оқламайди, ёки умуман мантиқсиздир.

Ҳозирги даврда таълим тизими ўқитувчига кўпгина инновацион методлардан ўзиникини, яъни таълим жараёнига мосини танлаш имкониятини бермоқда. Вокеликдаги нарса ва ҳодисаларга янгича қарашлар билан ёндашиш, ўз тажрибасига ишонч, давр фани янгиликларининг маълумотларини етказиб беришга имконият яратади.

Америкалик психолог Карл Рожерс ўқитишнинг икки типини ажратади:

1) информацион - оддий далиллар билан ифодалайди.

2) муҳим билим - у ўқувчиларнинг тафаккурини ривожлантириш ва яхши ўзлаштиришига олиб келади.

Кўплаб методларнинг ривожланишида ўқитишнинг ғоявий ривожланиши асосий ўринни эгаллайди. Чунки, таълим-тарбия жараёни доим ўқувчининг имкониятини ва интеллектини ривожлантиришга бағишлаган.

География фан сифатида асосий методларни қўллаш орқали ўқув масалаларини ечишда кўпроқ имкониятлар беради. Бунда:

- кузатиш (ёзги кузатишни кўшганда);
- амалий ишлар;
- жадвал, расм, видеофильмларни томоша қилиш;
- тажриба ишлари;
- масала ва машқлар;
- иштирокчилар хати (маълумоти);
- фанга доир рефератлар;
- илмий-тадқиқот ишларида иштирок;
- метопрдмет муносабатларни тадқиқ қилиши.

Муаммоли вазиятнинг яна бир афзаллиги, ҳар томонлама илмий, тизимли олиб борилишига асос бўлиши билан бирга география бўйича олган билимини чуқурлаштиришга имкон яратади.

Хулоса ўринда шуни айтиш жоизки, биз қўллаётган методлар бир томондан дарс самарадорлигини янада оширишдан иборат бўлиб, иккинчи томондан муаммоли методлар қўлланилганда маълум натижаларга эришиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Понурова Г.А. Проблемный подход в обучении географии в средней школе- М.Просвещение, 1991.
2. Роджерс К., Ангеловский К. Учитель и инновация. –Киев, 1992, С. 24.
3. Селевко Ф.К. Современные образовательные технологии. –М.: Народное образование.1998.
4. Панчешникова Л.М. Проблемные задания по географии. География в школе.- №1.2001

GEOGRAFIK AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ASOSIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TARMOQLARINI LOYIHALASHTIRISH VA YARATISH

Djumanov J.X., Soliyev N.A., Jabborov E.E.*

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

Hozirgi davrda respublikamizda yangi axborot-ta'limi muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan va zamonaviy multimediyalashgan ta'lim tizimi barpo etilmoqda. Bunday rivojlangan axborot-kommunikatsiya tizimlari davrida ta'lim jarayonini tashkil etish ham eng yangi texnik imkoniyatlarga javob beradigan o'zgarishlar bilan kuzatilmoqda. Zamonaviy geografik axborot texnologiyalarining (GAT) ta'lim sohasiga kirib kelishi, ta'lim usullari va o'qitish jarayonini yangicha yondashuvi asosida tashkil etish shakllarini, hududiy taqsimlangan axborotlarni sifatli

***Djumanov Jamoljon Xudayqulovich** - TATU, «Komputer tizimlari» kafedrası mudiri, t.f.d.

Soliev Nodir Abdumalik o'g'li -TATU, «Komputer tizimlari» kafedrası magistri

Jabborov Elbek Erkin o'g'li -TATU, «Komputer tizimlari» kafedrası magistri

ravishda geografik koordinatalariga mos qulaylashtirib, rejalashtirish, loyihalashtirish va o'zgartirish imkonini bermoqda.

Aloqa va telekommunikatsiya tizimlarida komputer tarmoqlarini GAT asosida rejalashtirish, shakillantirish va mufassal tahlil qiluvchi texnologiyalar sifatida ta'lim tizimiga modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. GAT - bu o'z navbatida hududiy taqsimlangan axborotlarni turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan katta hajmdagi axborot bazasini yaratish, saqlash, ishlov berish va buyurtmachi talablariga mos ravishda tasvirlash hamda taqdim qilish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur fazoviy o'lchamlarga ega bo'lgan, geografik va boshqa akslantiruvchi koordinatalar tizimini o'zida mujassamlagan hamda turli hil mufassal tahlillarni bajaruvchi funktsiya va dasturiy ta'minotga ega bo'lgan modullar va ma'lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir [1].

Bugungi kunga kelib turli mamalakatlarda «Xavfsiz shahar», yoki «Aqilli shahar» komplekslarini yaratish loyihalari GAT dasturiga muvofiq ravishda uzviy konsepsiyasi ishlab chiqilmoqda. Unga ko'ra, shaharlarda ro'y berayotgan jarayon va voqealar foto va video kameralar, kuzatuv uskunalari hududiy taqsimlangan aloqa tarmoqlari va komputer texnologiyalari asosida nazorat qilinadi va boshqariladi. Xususan: Toshkent shahrida 16 mingdan ortiq kameralar o'rnatish, ma'lumotlarni qayta ishlash markazi va sitantsiya markazlarini tashkil etish belgilangan [3]. Shuningdek, «Xavfsiz turizm», «Xavfsiz hudud» tizimlari turli jarayonlarini videokuzatuv hamda yo'l harakati qoidalari buzilishlarini ro'yxatga olish tizimlarini joriy etish ko'zda tutilgan.

Muhammad Al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universitetida eng zamonaviy texnologiyalar va ta'lim uslublari keng joriy etilgan bo'lib, «Komputer tizimlari» kafedrasida magistrilariga «GAT -texnologiyalari va ilovalar ishlab chiqish» fani bo'yicha aloqa va kommunikatsiya tarmoqlarini geografik hududiy bog'liqlikda shakillantirishni, ArcGIS majmuasining ArcINFO dasturi («ArcCatalog», «ArcMap», «ArcToolBox») va unuing qo'shimcha modullari «Network analyst», «Tracking analyst», «Special analyst» va «3D analyst» kabi ko'p funksiyali hamda bir necha qatlamli mufassal tahlilini amalga oshiruvchi dasturiy vositalarni mukammal o'rganishni amalga oshirarmoqda [2].

Ushbu geografik axborot dasturlarida, ayniqsa «Network analyst» modulida aloqa tarmoqlarini sinflashtirish, tarmoqning marshrutlari tahlillari, tarmoq yo'nalishlari qurilmalarida ma'lumot o'tishi jadvallari va ziddiyatlarni aniqlash uchun ishlatiladigan funktsiyalari hamda tarmoq manzillarini saqlaydigan va marshrut boyicha xatoliklarni bartaraf etish tahlili bajariladi.

«Network analyst» modulida aloqa va kommunikatsiya tarmoqlarining geografik joylashuvi bo'yicha sohaning o'rganilayotgan hududdagi boshqa tabiiy muhitlar, yani tog', daryo va yo'llar kabi boshqa turli elementlar bilan uzviy bo'g'liqligi, hamda ma'lumotlarni dastlabki holatda va vaqt o'tishi bilan o'zgaruvchi jisimlarni, radio to'lqinlar, magnit maydoni, atmosfera yog'in sochinlari va suv sathi kabi o'zgarishi jarayonlarini modellashtirish mumkin.

Qo'shimcha modullarning ma'lumotlarini o'zaro birgalikda ayriboshlashi va o'qiy olishi, natijaviy ma'lumotlarni tahlilini chizma va xaritada tasvirlashi, geoaxborotli loyihalashtirish, tarmoq simlarining ishdan chiqishi va buzilishi yoki xizmat ko'rsatish buyurtmalarini bajarish uchun joyni aniqlash, shahar orqali eng yahshi va mukammal aloqa chizigi, xizmat ko'rsatish uchun yaqin avtomobil yo'li, eng yaqin servis xizmatlari bo'limini topish, ayni shu joyning xizmat maydoni va geografik joylashuviga nisbatan ta'rifi, tezkor aniqlash hamda optimal joylarni tanlash, eng yaxshi marshrutni aniqlash masalalari kabi tarmoq vazifalarni hal qilishda juda kata ahamiyatga ega.

Aloqa tarmog'ilarining yo'nalishi bo'yicha tarmoq mutaxassisi bir joydan ikkinchisiga ko'chib o'tish yoki bir nechta joylarni ko'rish uchun maqbul yo'llarni topa oladi. Aloqa qurilmalari o'rnatilgan joylari yoki manzillari ekranda -nuqtaviy qatlamlarni qo'llash ob'ektlari sifatida, aloqa chiziqdari va kanallari -chiziqli qatlamlarni tashkil qilsa aloqa tarqalish maydonlari va tekislik ob'ektlari -hududiy qatlamlar sifatida belgilanadi. Ushbu nuqtaviy, chiziqli va hududiy qatlamlar elektron va interaktiv tahliliy sinflar yordamida ularning nomlari yoki belgilari umumiy tamoillari bo'yicha atributiv jadvallarga juda ko'plab axborotlar kiritiladi. Bunday axborotlar asosida tarkibiy tuzilishi bo'yicha mos ravishda matnli, chizmali, rastrli hamda koinot sura'tlaridan iborat

noanaviy ya'ni tarkibiy tuzilishi bo'yicha mos bo'lmagan katta ma'lumotlar bazasi shakllantiriladi. Atributiv jadvalarga kiritilgan raqamli ma'lumotlar asosida taqqoslash, solishtirish va mantiqiy amallar hamda turli xil funksiyalari yo'rdamida tarmoqning mukammal alomatlarini yani eng yaxshi yo'nalish, eng tez tarmoq oqimi yoki eng ko'p foydalanuvchilar kabi tarmoq joylarning tartibiga qarab masalalarni echish usullari ko'rsatilishi mumkin.

Tarmoq tahlilchilarining har qanday turdagi aloqa tarmoqlari tahlilini bajarish uchun asosiy qadamlari quyidagi funktsional amallarni ketma-ket bajarishni o'z ichiga oladi [1]: 1-ishda tarmoqni tahlil qiluvchi muhitini «Network Analyst» moduli yuklanadi va sozlanadi; 2-ArcMap dasturi asosida bir qator aloqa tarmoqlari bo'yicha turli hil soha ma'lumotlarini kiritish va taxrirlash amalga oshiriladi; 3- tarmoq tahlilini amalga oshiruvchi qatlamni yaratish; 4-tarmoq tahliliga bog'liq ob'ektlarini qo'shish va ularning o'zaro bo'glanganligi shart-sharoitlarini kiritish; 5-tarmoq tahlili qatlamining xususiyatlarini sozlash va qayta taxrirlashni amalga oshirish; 6-tahlil va natijalarni tasvirlar asosida namoyish qilish uchun taqdimotlar va hisobotlar yaratish.


Tarmoqda o'llchov qurilmalari bilan bog'langan manbalar moslamalari yoki tarmoq ma'lumotlarining atributlarni tahlili jarayonida o'zgartirilgan bo'lsa, tarmoq ma'lumotlarini qayta tiklanishi kerak bo'ladi. Geografik koordinatalar nuqtai nazaridan «Network Analyst» modulida tarmoqni marshrutlash tahlillarini, yo'nalishni va tarmoqning mukammalini aniqlovchi funksiyalari asosida turli hil xizmat ko'rsatish sohaslarida yoki aloqa tarmog'i tahlilini bajarayotganimizdan qat'iy nazar, ish oqimi shunday qadamlarni bajarishga o'xshash bo'ladi.

Misol uchun: foydalanuvchi ikkita joydan o'tib boruvchi yo'ki bir necha joylardan o'tib, yo'nalishlari va ular orasidagi oson marshrutni topish uchun harakat qilmoqda bo'lsin, u bir necha yaxshi yo'nalishlarni topadi. Lekin "eng yaxshi yo'nalish"ni tanlash lozim, bu esa turli xil shart-sharoitlarda turlicha o'zgarishi mumkin. Eng yaxshi yo'nalishlar tanlangan holatni hisobga olgan holda eng qisqa, yoki eng ishonchli - tabiiy yo'l bo'lishi mumkin. Agar bunday holatlarning o'z o'tish vaqti bo'lsa, eng yaxshi yo'nalish va eng tez marshrut topiladi. Eng yaxshi marshrut aniqlanganda, har qanday joriy tarmoqda vaqt sarfi xarakteristikasi sifatida baholanishi mumkin. Binobarin, tanlangan eng yaxshi yo'l holati foydalanuvchining minimal sarflangan vaqti holatiga mos kelsa, bu bilan samaradorlikni oshirish holati belgilanadi.

GAT texnologiyalarini turli sohalarga qo'llash, tadbqiqini kengaytirish ishlab chiqarish va iste'molchilar sohasining sifat ko'rsatgichini o'shishiga olib kelmoqda, shuningdek, GAT texnologiyalarini sanoatidagi asosiy faoliyat turlari quyidagilardir:

- raqamli faktografik va geografik axborotlarni to'plash, saqlash, yangilash va qayta ishlash hamda tarqatish;
- geografik koordinatalari, koinot sur'atlari va xaritografik axborotdan iborat kata ma'lumotlar bazasini loyihalash;
- axborot tizimlarini noanaviy va noaniq ma'lumatlar asosida loyihalash hamda rivojlantirish;
- geoaxborot turkumidagi loyihalarini bajarish va avtomatlashtirilgan texnologiyalar bilan hamohang rejalashtirish hamda mukammal boshqarish;
- GAT texnologiyalari asosida axborot kommunikatsiya sohasida professional ta'lim berishni rivojlantirish.

Ilmiy tadqiqot ishlarida GAT loyhasi doirasida turli yo'nalishdagi masalalarni bajarishda mutaxassislar o'rtasida harakat "O'zaro funktsional tizimi" quyidagi tartibda amalga oshirishni (rasm.1) taklif qilinadi.



Rasm 1. Turli geoaxborot masalalarni bajarishning “O’zaro funktsional tizimi”.

Hozirgi davrda sodir bo‘layotgan innovatsion jarayonlarda ta’lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi geoaxborot tizimini o‘zlashtirish va olingan bilimlarni o‘zlari tomonidan baholashga qodir, zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrleydigan shaxslar kerak. Shuning uchun ham, AKT ta’lim muassasalarining o‘quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o‘qitish uslublari - interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o‘rni va ahamiyati beqiyosdir.

Adabiyotlar

1. Xolmatova B.T., Xudayberdiev S.A., Djumanov J.X., va boshqalar. Oliy ta’lim tizimida ta’lim sifatini ta’minlash: E-learning. –T.: «Brok Class Servis», 2017. 106 b.
2. Джуманов Ж.Х. Геоинформационные технологии в гидрогеологии. Изд.ГП «Институт ГИДРОИНГЕО», 2016. 258 стр.
3. <https://www.gazeta.uz/oz/2018/01/09/internet>

“O’RTA OSIYO TABIIY GEOGRAFIYASI” FANIDAN TALABALAR MUSTAQIL ISHINI TASHKIL ETISH

Karakulov N.M., Jumatayev R.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida chuqur nazariy va amaliy bilimlar bilan bir qatorda tanlangan sohasi bo‘yicha mustaqil faoliyat ko‘rsata oladigan, o‘z bilimi va malakasini mustaqil ravishda oshirib boradigan, muammoli vaziyatlarni to‘g‘ri aniqlab, tahlil qilib, tez o‘zgaruvchan hozirgi zamon bozor iqtisodiyoti sharoitiga tez moslasha oladigan mutaxassislarni tayyorlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilangan. Bizga ma’lumki, talabalar hozirgi axborotlashuv davrida auditoriyada barcha mavzularni yoki ma’lumotlarni olish imkoniyati yo‘q. Bunga malakali o‘qituvchi ham iqtidorli talaba ham erisha olmaydi. Shunday ekan, ana shu bo‘shliqni to‘ldirish uchun mustaqil ta’lim tashkil etiladi.

Mustaqil ishi talabaning mustaqil ilmiy tadqiqoti bo‘lib, u “O‘rta Osiyo tabiiy geografiyasi” fanining nazariy asoslarini chuqur o‘zlashtirish, aniq amaliy materiallarni o‘rganish, tahlil qilish va umumlashtirish asosida yoziladi.

Talabaning mustaqil ishi o‘quv rejadagi fanlarni o‘zlashtirish uchun belgilangan o‘quv ishlarining ajralmas qismi bo‘lib, uslubiy va axborot resurslari jihatdan ta’minlanadi hamda bajarilishini reyting tizimi talablari asosida nazorat qilinadi. O‘quv semestri yakunida talabaning

mustaqil ishi bo'yicha to'plangan bali joriy nazorat, oraliq hamda mustaqil ish bahosi birgalikda yakuniy semestr bali sifatida chiqariladi.

Talaba mustaqil ishining asosiy maqsadi o'qituvchining rahbarligi va nazorati ostida talabada muayyan o'quv ishlarini mustaqil ravishda bajarish uchun zarur bo'lgan bilim va ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishdan iborat.

Mustaqil ishning vazifalari quyidagilardan iborat:

1. "O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi" fanidan yangi bilimlarni mustaqil tarzda puxta o'zlashtirish ko'nikmalariga ega bo'lish;
2. "O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi" faniga doir kerakli ma'lumotlarni izlab topish, materialni tahlil qilishning qulay usul va vositalarini aniqlash;
3. Axborot manbalari va manzillaridan samarali foydalanish;
4. O'quv va ilmiy adabiyotlar, darsliklar, me'yoriy hujjatlar bilan ishlash;
5. Elektron o'quv adabiyotlari va ma'lumotlar omboridan ma'lumotlar yig'ish;
6. Internetda yoritib borilayotgan axborotlardan maqsadli foydalanish;
7. Qo'shimcha adabiyotlar va manbalar to'plab borish;
8. Talaba tomonidan ishlab chiqilgan g'oyani yoki loyihani asoslash va mutaxassis ishtirokida himoya qilish.
9. Xorijiy mamlakatlarda nashr etilgan adabiyotlarni yig'ish va uni tarjima qilish hamda undagi ma'lumotlardan mustaqil ishni yozishda foydalanish.
10. Mamlakatimizda hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan sohadagi siyosatni kuzatib borish, tahlil qilish hamda olingan ma'lumotlar va natijalarni mustaqil ishda yoritish.

"O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi" fanidan talabalar mustaqil ishini samarali tashkil etish va uni sifatli bajarish uchun, uni tayyorlash, bajarish va himoya qilish bo'yicha ko'rsatma tayyorlanishi zarur. Mazkur uslubiy ko'rsatma esa talabalar mustaqil ishi to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta-maxsus ta'lim vazirligining 14.08.2009 yil 286-sonli buyrugi va oliy ta'lim muassasasi rektori buyrug'i bilan tasdiqlangan "Talaba mustaqil ishini tashkil etish, nazorat qilish bo'yicha yo'riqnoma" asosida ishlab chiqilishi va har yili yangilanib borilishi kerak.

"O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi" fanidan talabalar mustaqil ishini shartli ravishda ikkiga ajratish mumkin:

1. Auditoriyada amalga oshiriladigan TMllari. Bunda o'tilgan mavzuni qayta ishlash, takrorlash va mustahkamlashga oid topshiriqlar bajariladi.
2. Auditoriyadan tashqarida amalga oshiriladigan TMllari. Bunda talabalar o'quv dasturidagi ayrim mavzularni mustaqil o'zlashtirishi, uyga berilgan vazifalarni bajarishi, amaliy va laboratoriya ishlariga tayyorgarlik qishishi, ijodiy va ilmiy-tadqiqot xarakteridagi ishlar va boshqa topshiriqlarni bajarishi kerak.

Mustaqil ishi mundarija, kirish qismi, asosiy bo'lim, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati va ilovalardan iborat bo'ladi. Uning barcha qismlari bir biri bilan o'zaro bog'langan va mavzuni ochib berish maqsadiga xizmat qilishi lozim.

Ma'lumotlarni yig'ish, tartibga solish, tahlil qilish va umumlashtirish jarayonida mustaqil ishi rejasiga aniqlik kiritilishi yoki u o'zgartirilishi mumkin. Bunda albatta ilmiy rahbar bilan maslahatlashish kerak.

Mustaqil ish hajmi qo'lda yozilgan tekstda 4-25 bet doirasida bo'lishi mumkin.

Mustaqil ishi uning rejasiga muvofiq alohida qismlarga (boblar va paragraflarga) bo'linadi. Bu qismlarning nomi qisqacha bo'lib, mazmuniga mos tushishi va tekstga simmetriya ravishda bosh harflar bilan yozilishi lozim. Betlar arab raqamlari bilan yuqoridagi o'ng burchakda raqamlanishi lozim.

Mustaqil ishi quyidagi tarkibiy qismlarni o'z ichiga olishi lozim:

titul varag'i; mundarija; kirish; ishning eng muhim masalalarini birlashtiruvchi asosiy qism; xulosa; foydalangan adabiyotlar ro'yxati; ilovalar.

Mustaqil ishi raqamlash titul varag'idan oxirgi betgacha hamma varaqlarni o'z ichiga olishi lozim. Mustaqil ishdagi barcha illyustratsiyalar (grafiklar, rasmlar, diagrammalar va h.k.) o'z nomiga ega bo'lishi va bu nom uning yuqori yoki past qismiga yozilishi lozim.

Barcha formulalar arab raqamlari bilan raqamlanishi kerak. Formula raqami uning to'g'risida varaqning o'ng tomonida qavs ichida ko'rsatiladi.

Mustaqil ishning kirish qismida quyidagi masalalar yoritilishi lozim.

Mavzuning:

- 1) dolzarbligi; 2) o'rganilganlik darajasi; 3) ishning maqsadi;
- 4) vazifalari; 5) ob'ekti; 6) predmeti; 7) metodlari; 8) metodologik asoslari;
- 9) nazariy ahamiyati; 10) amaliy ahamiyati .

Mazkur fandan talabalar mustaqil ishini tashkil etishda mustaqil ish yozilayotgan fan xususiyatlarini, shuningdek har bir talabaning o'zlashtirish darajasi va qobiliyatini hisobga olgan holda quyidagi shakllardan foydalaniladi:

- ayrim nazariy mavzularni o'quv adabiyotlari yordamida mustaqil o'zlashtirish;
- berilgan mavzu bo'yicha referat tayyorlash;
- berilgan mavzu bo'yicha nostandart testlar tayyorlash;
- berilgan mavzu bo'yicha bukletlar tayyorlash;
- nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llash;
- amaliyotdagi mavjud muammolarning yechimini topish;
- taqdimotlar tayyorlash;
- geografik masala va mashqlar tayyorlash;
- maket, model tayyorlash;
- diagramma va grafiklar chizish va ular ustida ishlash.
- ilmiy maqolalar, tezislar va ma'ruzalar tayyorlash;
- uy vazifalarini bajarish;
- amaliy mazmundagi nostandart masalalarni echish va ijodiy ishlash;
- mavzu yuzasidan videomateriallar tayyorlash;
- ko'rgazmali qurollar tayyorlash;
- mavzu bo'yicha munozarali savollar va topshiriqlar tayyorlash;
- rahbar boshchiligida uslubiy ko'rsatmalar va qo'llanmalar tayyorlash;
- mavzuga oid kartalar chizish va karta bilan ishlash;

O'qitilayotgan fanning xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, talaba mustaqil ishini tashkil etishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarga asoslangan boshqa shakl va usullardan ham foydalanish mumkin.

Mustaqil ishini baholashda quyidalarga e'tibor berilishi lozim:

1. Talaba mustaqil ishini nazorat qilish, o'quv mashg'ulotlarini bevosita olib boruvchi o'qituvchi tomonidan olib boriladi;

2. Talabaning mustaqil ishi muayyan fan mustaqil ish rejasida ajratilgan soatlarga mos reyting ballari bilan baholanadi va natijasi fan bo'yicha talabaning umumiy reyting baliga kiritiladi.

3. Talaba mustaqil ishini nazorat qilish turlari va uni baholash mezonlari kafedra tomonidan belgilanadi, hamda fakultet ilmiy kengashida tasdiqlanadi.

Mustaqil ishlarni baholash mezoni o'quv yili (semestr) boshlanishi oldidan uslubiy materiallari bilan birgalikda tarqatiladi.

4. Talabaning mustaqil ishi kafedra arxivida ro'yhatga olinadi va o'quv yili mobaynida saqlanadi.

5. Talabaning namunaviy bajargan mustaqil ishlari o'qituvchilar xonasidagi kafedraning namunaviy ish oynasida turadi.

БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Каримов И.Э., Ғозиева М.Т. *

Жиззах давлат педагогика институти, ЖДПИ академик лицейи

Мамлакатимиз таълим тарбия тизимининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси баркамол ёш авлодни ватанпарвар, миллий истиқлол ғояларига садоқатли, замонавий билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштирган ҳамда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлган баркамол шахсларни тарбиялаб етиштиришдир.

Халқимизнинг шундай эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадал ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Шу боис, география таълими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида қандай йўлга қўйилганлиги ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ҳақида фикр юритамиз.

Ҳозирги кунда география фанини ўрганишни жаҳон мамлакатлари бўйича учта гуруҳга ажратиш мумкин. (Понурова Г.А,2012)

Биринчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда география таълими асосан табиий ва иктисодий география курсларидан ташкил топган. Шаҳар ва қишлоқ жойлардаги барча мактабларда ягона ўқув режаси асосида ўтказилади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларида география билимлари махсус фанлар тарзида эмас, балки интеграция (бирикма) тарзида бўлиб, бошқа фанлар курслар таркибига қўшилиб кетган. Бунда география фанини чуқур ўрганишни хоҳловчилар махсус факультатив машғулотлар орқалигина ўз билимларини ошириш мумкин.

Шу туфайли ҳам бу гуруҳдаги давлатларда география таълими бўйича ягона давлат режаси йук, ҳар бир ўқитувчи мактаб шароит нуктаи назаридан келиб чиқиб, ўқув дастурини тузиши мумкин. Масалан; АҚШ да 1700 дан ортиқ округ мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида ўзига хос бўлган географик таълим мавжуд ва бир-бирига ўхшамайдиган дастурлар бўйича иш юритилади.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторига кирмайди ва уни факультатив машғулотлар орқали ўрганиш асосий ўринни эгаллайди. Умуман олганда Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида барча ўқувчилар учун мажбурий булган фанлар қаторида, хилма-хил мураккабликдаги факультатив курслар тури кенг тарқалган.

Жаҳон тажрибасида 3 босқичли таълим тизими асосий ҳисобланади, яъни: бошланғич мактаб 1-4 синф, ўрта босқич 5-9 синф, юқори босқич 10-12 синф.

Ҳар бир босқичда география таълими ўзига хос мақсадга эга. Масалан, биринчи босқич мактабларида география таълимининг асосий мақсади атроф муҳитни ўрганиш бўлса, Иккинчи босқичда эса, ўз мамлакатининг ҳаётини ўрганиш ва зарур касблар ҳақида маълумотлар олиш, таълимий кўникма ва малакаларни шакиллантиришдан иборат. Учинчи босқичдаги мактабларда инсониятнинг глобал муаммоларини ва жаҳон хўжалигини ўрганишдан иборат.

Барча ўқувчилар учун ягона ўқув режаси ва дастури асосида МДҲ давлатларида география таълими бошланғич ва ўрта таълимда мажбурий ҳисобланади.

Бир неча асосий фанлар қаторида география таълими факультатив тарзда ўрганиш АКШ, Буюк Британия, Канада, ва Ғарбий Европанинг кўпчилик мамлакатларида йўлга қўйилган.

*Каримов Илҳом Эсонович - ЖДПИ “География ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси.;
Ғозиева Матлуба Турғуновна - ЖДПИ академик лицейи кафедра мудири.

Барча ўқувчилар учун ўрганиш мажбурий бўлган фанлар қаторида география таълими факультатив машғулотлар асосида Филиппин, Франция, Япония каби мамлакатларда ўрганилади.

Ўқув фанларини бириктириш борасида АКШ жаҳонда етакчи бўлиб, 40-50 йиллардаги таълим ислоҳатида кўпгина фанлар қатори география мажбурий ўрганиладиган фанлар қаторидан чиқариб ташланди ва тарих ҳамда жамиятшунослик билан бирлаштирилди. Географияни бундай ўқитиш ўқувчиларга талай қийинчиликларни туғдиради. Натижада география таълимнинг сифати жуда пасайиб ўқувчилар зарур кўникма ва малакага эга бўлмай қоладилар. Масалан, Мичиган университетининг География факультетида ўқиш учун ариза берган 400 ўқувчининг ярми географияни фақат бошланғич синфларда ўқиганлари маълум бўлди. Шу туфайли ҳам ҳозирги кунда АКШда географияни мустақил фан сифатида ўқитиш учун ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Деярли кўпчилик мамлакатларда география таълими тизими давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизими билан боғлиқ.

Табиий ва иқтисодий географияни ўрганиш асос қилиб олинган МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларида табиат ва хўжаликнинг ривожланиш қонуниятлари, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар, атроф муҳит муаммолари география таълимнинг асосини ташкил қилади.

Ривожланган Ғарбий Европа давлатларида география таълимнинг мазмуни сифат жиҳатидан юқори бўлиб, ўқувчилар маълум кўникмаларни шакиллантиришига қаратилган. Бу давлатларда география таълими кўпроқ муаммоларни, турли назария ва қонунларни, категорияларни ўрганишга бағишланган бўлиб, ўқувчиларга ўзлаштиришда бир мунча қийинчиликлар туғдиради.

Ривожланган Ғарбий Европа давлатлари география таълимида таълимнинг рухий жабҳалари асосий ўринни эгалаган. Ўқувчининг руҳияти, уни билиш фаолиятини ўрганишга катта эътибор берилади. География таълими тадқиқотлари психологлар иштирокида деярли амалга оширилмайди.

География таълимида турли матнлар, уйинлар, имитация кенг қўлланилади. Масалан, ўқувчи бирор компанияни президенти сифатида фикрлайди, иш юритади, бирор муаммони ҳал қилади ва хулосалар чиқаради. Умуман бундай таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни келгуси ҳаётга, яъни ишбилармонликка тайёрлашдан иборат.

Ғарбий Европа мамлакатларидаги географиядан ўқув дарсликлари ва қўлланмаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда битта курсни ўқиш учун бир неча қўлланма чиқарилади. Кўпчилик ҳолларда улар кизиқарли маълумотларга бой бўлиб, ахборот хусусиятига эга. Бундай қўлланмаларда матн 20-30 % ни, тасвир 20 % ни, статистика 20 % ни, савол ва топшириқлар 20 % ни ташкил этади. (Крылова О. В, 2009)

Китобдаги тасвирлар ниҳоятда сифатли нашр қилинганлиги билан ажралиб туради. Қўйи синфлар қўлланмаларида эса деярли карта йўқ, улар ўрнини карта схемалар эгаллаган. Текстда рақамли сонлар деярли учрамайди, мавжудлари ҳам таққослаш характериға эга бўлиб, улар энг паст, энг юқори, энг кичик, энг баланд, энг узун каби тарзларда берилган.

Мавзу ёки бўлимдан кейин қўйиладиган саволлар ва топшириқлар мавзу мазмунини акс эттирмаслиги ҳам мумкин. Қўйиладиган саволларнинг аксарияти муаммоли топшириқлар, баҳс мунозара саволлари, амалий ўйинлар тарзида берилган. Ўқувчилар учун чиқарилган география дарсликларида компьютерлар билан ишлаш учун махсус саволлар, кизиқарли топшириқлар, математик статистика усуллари, турли ўйинлар, тестлар тарзида географик билимларни эгаллашга кенг ўрин берилган. Ўқувчилар уларни мустақил бажаришлари жараёнида тадқиқотчи ролини ўйнайдилар.

Буюк Британияда география таълими жараёнида психологик-педагогик тадқиқот услубларидан унумли фойдаланиш ва ўқувчиларни гипотезалар тузишга ўргатиш кенг йўлга қўйилган

Дарсликларда турли мазмундаги экспериментлар уюштириш яъни тасавур, тушунча ва турли хил қарашларни шакиллантириш услублардан фойдаланилади.

Буюк Британияда биринчи босқич мактабида география таълими 3-синфдан бошланади ва 9- синфда тугайди, 3-4 синфда ўз мамлакати ва қўшни шимолий давлатларни табиати ва хўжалигига оид муаммолар билан таништирилади.

Венгрия мактабларида география таълими 7-йил давом этади 4 йил асосий (5-8 синф) ва 3 йил (9-10-11 синф гимназияда) дарслар ҳафтада 2 соат. География таълими жараёнида 65% вақт янги мавзуни баён қилишга, 3% экскурсияга, 29% амалий иш машғулотларга ажратилади. Кейинги пайтларда Венгрия гимназияларида географияга ажратилган соатлар камайиши кузатилмоқда.

Осиё қитъасининг айрим мамлакатларида XX асрнинг 80 йилларидан бошлаб халқ таълими учун ажратилган маблағ 20 баробардан ортиқ ўсиши кузатилмоқда. Айниқса Малайзия, Саудия Арабистони, Иордания, Сингапур, Жанубий Корея, Таиланд, Хиндистон, Покистон, Туркия каби мамлакатларда халқ маъорифи ривожланиши натижасида мажбурий таълим 5 йилдан 10 йилгача, ўрта мактабда ўқишни давом эттириш 4 йилдан 8 йилгача узайтирилди. Шу боис, бу мамлакатларда география таълими мажбурий ўрганладиган фанлар қаторидан ўрин олган. Бу ерда география ўқув дастурлари кўпчилик давлатларда бир хил бўлиб, асосан мамлакатнинг табиий ва иқтисодий географиясини ўрганишга бағишланади.

Сўнгги йилларда ривожланаётган мамлакатларда география ўқув дастурлари ва дарсликлари мамлакат халқ хўжалиги эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда тузилмоқда ва яратилмоқда.

Хорижий мамлакатларда география таълимида энг кўп қўлланиладиган усуллар куйидагилардан иборат:

Эвристик суҳбат услуби. Бунда асосий эътибор ўқувчиларни кўпроқ мустақил билим олишга, кичик тадқиқотлар олиб боришни ўргатишдан иборат. Расмлар, турли хил ҳужжатлар, воситалар асосида муаммолар саволлар ўқувчилар диққатига ҳавола этилади.

Бундай усул кўпроқ АҚШ, Буюк Британия, Янги Зеландия, Ғарбий Европа давлатларида кенг тарқалган.

Тарқатма карточкалар усулида турли чизмалар жадваллар, карталар турлича хатоликларга йул куйиб тузилади ва тарқатилади, ўқувчилар йўл қўйилган ўша хатоларни мустақил топишлари талаб қилинади. Турли хил мисоллар ва масалалар ечиш ҳам ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқишларини оширишга туфайли улардан кенг қўлланилади. Ўқувчиларда ишбилармонлик, уддабуронлик хислатларини шакллантириш учун ҳам кўпроқ мисол ва масалалардан фойдаланилади. Тайёр маҳсулотларни қаерда сотиш, транспорт харажатларини аниқлаш, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш каби мавзуларда мисол ва масалалар ечиш дарс жараёнининг асосини эгаллайди.

Матнлар яъни, жавоблар тўғри ёки нотўғри тарзда аралаштирилиб берилиши шулардан тўғриси рақамлар билан белгилаб ажратиш кенг тарқалган усуллардан хисобланади.

Статистик манбалар билан ишлаш, картографик қўлланмалардан фойдаланиш, математик моделлаштириш ҳам кенг тарқалган ўқитиш усуллари сифатида саналади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз таълим тизимида, хусусан, география таълимида жаҳон тажрибасида синаб кўрилган турли таълим воситаларидан ва янги педагогик технологияларнинг хилма-хил усулларида кенг фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Понурова Г.А. Проблемный подход в обучение географии в средней школе. Москва. Просвещение, 2012.
2. Крылова О. В. Дидактические материалы по географии. Москва. Просвещение, 2009.
3. Использование средств обучения в преподавании географии./ Под ред.Ю.Г. Барышевой. Москва. Просвещение, 1998.
4. Йулдошев. Ж, Усмонов С. Педагогик технология асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 2004.
5. Қурбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси. Урганч, 2001.

ТАБИАТШУНОСЛИК МЕТОДИКАСИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Мирзамахмудов О., Акрамова З.

НамДУ

Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисидаги қонун»ни қабул қилиниши муносабати билан ўқув қўлланмалари ва дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгарди. Барча фанларда бўлганидек мактаб табиатшунослик фанида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Табиатшунослик фанининг дастури ва тузилиши Ўзбекистон мактаб таълими тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилди. Шу муносабат билан бугунги кун табиатшунослик дарсларини ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш лозим. *Халқ таълими ҳодимларнинг асосий вазифаси мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандларини тарбиялаш аниқроғи билимдон, ватанпарвар, миллий ифтихор туйғулари жўш уриб турган бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсата оладиган янги авлодни камол топтиришидир. Бунга эришиши учун турли фан жабҳаларида жумладан, табиатшунослик фанини ўқитиш бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади.*

Табиатшунослик методикаси ўрта мактабларда табиатшунослик фанларини ўқитиш жараёнини ўрганадиган ва педагогика фанлари тизимига кирадиган фандир.

Табиатшунослик методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган. Дидактика фани таълим бериш ва тарбия жараёнини умумий қонуниятларини, таълим мазмунини татқиқ қиладиган назарий фандир. Дидактика фани аниқ ўқув фанларини ўқитиш методикаси билан шуғулланмайди. Айни вақтда ҳар бир ўқув фани ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг айримларини мақсади назарий билим ва кўникмаларни шакллантириш (табиатшунослик, биология, химия), айримлари фақат кўникмаларни (чет тиллар), бошқалари эса борлиққа эстетик муносабатда бўлишни шакиллантиради (тасвирий санъат). Шунинг учун алоҳида фанларни ўқитиш методикаси билан хусусий дидактика фанлари шуғулланади. Мазкур фанлар қаторига «Табиатшунослик ўқитиш методикаси» фани ҳам кирди. Табиатшунослик ўқитиш методикасининг назарий ва амалий жиҳатлари мавжуд. Табиатшунослик ўқитиш методикаси фани қуйидаги назарий ва амалий методологик муаммоларни тадқиқ қилади:

а) табиатшунослик ўқитиш методикасининг предмети, тадқиқот усуллари, ривожланиш тарихи;

б) табиатшунослик ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифаларини умуман ва алоҳида предметлар бўйича аниқлаш;

в) таълим ва тарбиянинг бирлиги;

Назарий тадқиқотларнинг натижалари амалий тадқиқотлар учун асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур тадқиқотларда табиатшунослик таълимининг амалий муаммолари ҳал қилинади. Табиатшунослик ўқитиш методикасининг амалий жиҳатлари ўқитувчини ўқитиш фаолиятини, ўқувчини ўқиш фаолиятини акс эттирадиган методларни ишлаб чиқишдан иборат.

Табиатшунослик ўқитиш методикаси иккита катта қисмдан иборат. Умумий ва хусусий табиатшунослик ўқитиш методикаси.

Умумий табиатшунослик ўқитиш методикаси, бу табиатшуносликнинг дидактикаси ҳисобланади. У табиатшунослик ўқитиш жараёнини ўзига хос хусусиятини ўрганади.

Табиатшунослик ўқитишнинг умумий методикаси назарий ва методик масалаларни ишлаб чиқади, яни предметни ўзини тадқиқот усуллари ўрганади, бунда асосий эътиборни ўқув-тарбиявий мақсадларни ишлаб чиқишга қаратилади. Аниқланган ўқув-тарбиявий мақсадлар асосида табиатшунослик таълимини мазмуни ишлаб чиқилади.

Табиатшунослик ўқитишнинг хусусий методикаси – алоҳида ўқув предметларини мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқади ва умумназарий ҳолатларни аниқ ўқув предметларини ўқитиш жараёнида қўллаш масалаларини ўрганади.

Хусусий табиатшунослик ўқитиш методикаси атрофимиздаги олам ва табиатшунослик курсларини алоҳида предметлари бўйича ўқув тарбиявий жараёнларни ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқади. Хусусий ўқитиш методикаси алоҳида табиатшунослик фанларини мазмуни учун умумий методиканинг назарий ишланмаларини аниқлаштиради, ҳар бир синф табиатшунослик курсини мазмуни ва тузилиши, объект билан боғлиқ тушунчаларни шакллантириш, ўқув ишлари усулларини, ўқувчиларнинг мустақил ишларини таҳлил қилиш муаммоларини ишлаб чиқади.

Табиатшунослик ўқитиш методикасининг умумий вазифаларига қуйидагилар киради:

- мактаб табиатшунослигининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш имкониятларини очиб бериш;
 - мактаб табиатшунослигининг мазмунини замон талабларига мос равишда янада такомиллаштириш;
 - мактаб табиатшунослиги мазмуни ва тузилишида замонавий фан ютуқларини акс эттириш;
 - ўқитиш материалларини қўллашни оптимал шароитларини асослаш;
 - ўқитиш воситаларини ишлаб чиқиш;
 - табиатшунослик дарсларини тузилиши, ўлчамлари ва турларини янада такомиллаштириш;
 - табиатшунослик ўқитишни янги педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;
 - экскурсиялар, тадқиқотлар ўтказиш технологиясини янада такомиллаштириш;
 - ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантириш технологиясини такомиллаштириш;
- Табиатшунослик ўқитиш методикаси ўқитувчиларни, ўқувчиларни ўқитиш назарияси ва тарбияси билан қуроллантиради.

GEOGRAFIYADAN INTERFAOL METODLAR ASOSIDA TASHKIL QILINADIGAN KECHALAR XUSUSIDA

Muqumova H. I., Raxmonova B.B*
Qarshi davlat universiteti

Geografiyadan interfaol metodlar asosida tashkil qilinadigan sinfdan tashqari ishlarning eng sermazmuni shu bilan birga eng ommaviysi geografiya kechalaridir. U sinfdan tashqari deyarli barcha ishlarni o'zida mujasamlashtiradi. Geografiya kechalari shakl va mazmuniga ko'ra turlicha bo'lib u kurslarda o'zlashtirilgan bilimlar yuzasidan, biror xalqaro anjumanga, vatan geografiyasi buyuk, geogriflar xotirasiga, iqtisodiy rayon yoki tabiiy geografik okruk tabiatiga, biror shaharga, ishlab chiqarish obyektiga, qishloq xo'jaligiga uyushtirilgan sayoxat natijasiga bag'ishlanishi mumkin.

Geografiya kechasini ona tili, tarix, biologiya, matematika, fizika kabi fan to'garaklari bilan birgalikda o'tkazsa ham bo'ladi. Kecha uchun mavzu tanlash muhim ahamiyatga ega. Bunda mavzuni g'oyaviy va mafkuraviy hamda ta'lim tarbiyaviy jihatdan ko'proq samara berishga mavzuga doir adabiyot va jihozlarning topilishiga ham ahamiyat berish kerak. Mavzu aniqlangan kechaning turi, dasturi va o'tkazish vaqt belgilanadi. Kechaning ahamiyati va ta'siri ishtirok etuvchi o'quvchilarni soni va ishtirokiga bog'liq. Kechada qo'llaniladigan ma'ruzalar matni badiiy qismi (she'r va ashulalar)ni tanlash eng mas'ulyatli ishlardan biri hisoblanadi. Shunday bo'lsada uni aslo o'qituvchining o'zi tayyorlab bermasligi kerak. Bularni o'quvchilarni o'zlari topishlari hatto ayrim she'rlarni o'zlari ijod qilishlari maqsadga muvofiqdur.

Geografiya kechalari maxsus dastur asosida o'tkazilishi mumkin. Yaxshi o'kazilgan kecha o'quvchilarning uzoq vaqtgacha xotirasida qoladi.

Geografiyaga oid kechalar 4 xil bo'ladi.

***Muqumova Husnora Irgashevna** - Qarshi DU geografiya kafedrasining o'qituvchisi
Raxmonova Barno Berdiyorovna - Qarshi DU 4-kurs talabasi.

- Buyuk geograf sayyoh olimlar hayot va ijodiga bag'ishlangan.
- O'lka tabiatini o'rganishga bag'ishlangan.
- O'lka iqtisodiyoti va madaniyatini o'rganishga bag'ishlangan.
- Bir mamlakat yoki bir necha mamlakatlar geografiyasini o'rganishga bag'ishlangan

kechalar.

Tashkil etilishiga ko'ra esa kechalar 3 guruhga bo'linadi.

- Umumiy ma'lumot beruvchi;
- Musobaqa shakldagi;
- Savol javob shaklidagi kechalar;

Geografik kechalarni tashkil etish qoidalari.

- Har bir o'quv yilida geografiya oid 1 - 2 marotaba kecha o'tkazish ,
- Kecha davomiyligi 45 minutdan 1,5 soatgacha bo'lishi mumkin.
- Geografik kechlar mavzusi fan metod birlashmasida o'quv yilning boshida aniqlanib, kecha o'tkazilishdan 20 kun oldin e'lon chiqarishi kerak .

- Geografik kechalar o'tkazish tartibi fan metod birlashma yig'ilishda tasdiqlanadi.

Kechalarni senariysini tayyorlashda quyidagilar hisobga olinadi.

1. Kechaning mavzusi.
2. Maqsadi; Zalni bezatilishi.
3. O'quvchilar tomonidan kecha mavzusiga oid 5-10 minutlik ma'ruzalar kecha mazmunini yoritishi.
4. Mavzuga doir she'r, qo'shiq, maqol, olimlarning so'zlari to'liq kiritiladi.
5. O'quvchilarga beriladigan savollar (javob) senariyga to'liq kiritiladi
6. Kechada o'quvchilar bilimni baholab borish uchun uch kishilik hay'at tayinlanadi.

O'quvchilar sinflararo bahs o'tkazishga tayyorlab boriladi. O'quvchilar olgan topshiriq va ishlarining bajarilishi ustidan nazorat qilinib tegishli ko'rsatmalar berilib boriladi. Kechaning bahsga aylantirilishi o'quvchilarda jamotchilik kayfiyatini mustahkamlaydi g'oliblikni qo'lga kiritishga undaydi. Musobaqa shartlari uchun kerakli materiallar o'qituvchi tomonidan tayyorlanadi. Viktorina uchun savollar (100 yaqin) kecha o'tkazishdan bir necha kun ilgari maktabning e'lonlar taxtasiga chiqariladi. Kechada bulardan 20-30 tasi ajratib olinadi. Doimiy tayyorgarlik ko'rib borilishi natijasida kecha o'tgaziladigan kun belgilanadi. Kechaga taklif qilinadigan mehmonlarga taklifnomalar jo'natiladi. Kecha o'tgaziladigan joy (zal) kechaga binoan bezatiladi. "Orol dardi olam dardi", "Tabiatni muhofaza qilish umumxalq ishi", "Mening go'zal bo'stonim O'zbekistonim", "O'zbekiston kelajagi buyuk davlat", "Vatanparvarlik o'z o'lkasini o'rganishdan boshlanadi", "Vatan geografiyasini o'rganish dolzarb ahamiyatga ega" va boshqalar. Masalan "Mening go'zal bo'stonim O'zbekistonim" kechasining tuzilishi quyidagicha bo'lishi mumkin.

I. Kirish qismi. Kechani fan o'qituvchisi qisqacha kirish so'zi bilan ochadi. Shundan so'ng kecha qatnashchilari O'zbekiston madhiyasini aytadilar. Dasturni olib boruvchi o'quvchi kecha qatnashchilariga salomlar yo'llab she'riy tabrik aytadi.

- **Boshlovchi o'quvchi: A.Oripovning "Men nechun sevaman O'zbekistonni"** she'rini aytadi.

Men nechun sevaman O'zbekistonni,
Tuproq'in ko'zimga aylab tutiyo
Nechun vatan diya yeru osmonni
Muqaddas atayman, atayman tanho
Aslida, dunyoda tanho nima bor,
Paxta o'smaydimi o'zga elda yo?
Yoki quyoshlimi sevgimga sabab?
Axir quyoshliku butun Osiyo

Ikkinchi o'quvchi: davom ettiradi.

Men nechun sevaman O'zbekistonni,
Bog'larin jannat deb ko'z-ko'z etaman,
O'paman, tuprog'ini bebaho Vatan!

Aslida tuproqni odil tabiat
Taqsim aylagan-ku yer yuziga teng.
Nechun tuproq deb yig'laydi Furqat,
O, Qashqar tuprog'i qashshoqmiding sen?

Uchunchi o'quvchi:

Xo'sh, nechun sevaman O'zbekistonni?
Sababini aytgil desalar menga,
Shoirona go'zal so'zlardan oldin
Men ta'zim qilaman ona xalqimga...
Vatanlar, vatanlar mayli gullasin
Bog' unsin manguлик muzda ham ammo
Yurtim, seni faqat boyliklaring uchun
Sevgan farzanding bo'lsa kechirma aslo!

II. Ma'ruzalar. Birinchi ma'ruza e'lon qilinadi. Mavzu: O'zbekiston maftunkor o'lka.

Birinchi ma'ruza tugagach, boshlovchi o'quvchi she'r o'qiydi.

O'zbek Qora ko'li o'zbek ipagi
To'rt jihat dunyoning bariga mashhur.
O'zbekning to'qigan atlaslarida,
Yetti rang yaltirab tovlanadi nur.
Quvaning anori, Andijon uzumi,
Namangan anjiri, Toshkent olmasi,
Samarqand sharobi, Quqon qovuni
Marg'ilon luchchagi, hamma - hammasi
O'zbekning qo'lida niholi ungan
O'zbeklar gullatgan bog'u-bo'stondan
Qarindosh qon - qardosh jondosh ellarga
Xalqimning sovg'asi O'zbekistondan

Ikkinchi ma'ruzaga navbat beriladi:

Mavzu: "O'zbekiston kelajagi buyuk davlat" mavzusidagi ma'ruza tinglanadi.

III. Bilimdonlar bahsi. Bunda har bir guruhdan bir nafardan o'quvchilar taklif qilinadi. Kecha mohiyatidan kelib chiqib tezkor savol javob uyushtiriladi yoki topshiriqlar beriladi. Masalan har bir o'quvchi belgilangan vaqt ichida o'zlari bilgan daryolarning nomlarini yozadilar Qaysi guruh vakili eng ko'p daryoning nomini yozsa, o'sha guruh g'olib bo'ladi.

IV. Viktorina. Kecha mazmuniga yaqin bo'lgan 30 tacha savol ajratib olinadi va bahslashuv uchun guruhlariga beriladi.

V. Yakuniy qism. Yakuniy so'zni maktab rahbariyatiga beriladi, tadbirda faol ishtirok etgan o'quvchilar, g'olib guruh rag'batlantiriladi.

Fan oyliklari vaqtida esa (**sentabr-geografiya fan oyligi**) "**Bilimdonlar**" "**Zukkolar bahsi**", "**O'yla, izla, top**" kabi o'yinlar o'tkaziladi. Bunda o'quvchilar faoliyati guruhli usulda tashkil etiladi. O'quvchilar 4 guruhga bo'linadilar, har bir guruh kelishgan holda o'zlariga nom tanlab, guruh sardorlarini saylaydilar. Guruh nomlari masalan "**Materiklar**", "**Okeanlar**", "**Tog'lar**", "**Tekisliklar**" deb o'tilgan mavzu asosida nomlanganlik sababli har bir guruhga o'ziga xos tezkor savollar beriladi.

1. Shart guruhga ta'rif 1 - guruh „Materiklar“ **2-guruh** „Okeanlar“ **3-guruh** „Tog'lar“ **4 - guruh** „Tekisliklar“ Guruhlardan olingan javoblar ballanadi va o'qituvchi tomonidan tuzilgan tezkor „Eng muhim geografik nomlar“ bo'yicha savol - javob o'yini tashkil etiladi.

2. Shart eng eng o'yini.

Bu o'yinda qaysi guruh tez va ko'p javob berishi hisobga olinadi. Bu o'yin ham tegishli ballar asosida ballanib e'lon qilinadi. Shuningdek kechaning mazmun va mohiyatidan kelib chiqib xarita so'rovi, topishmoqlar javob izlaydi, kim ko'p topadi, muammoli vaziyat, iqtisodiy rayonlarni bilasizmi? tabiiy geografik okruglarni qiyosiy tavsifi va boshqa shartlarni qo'llash mumkin. Masalan, "Topishmoqlar javob izlaydi", - shartida guruhlariga topish uchun topishmoqlar beriladi.

Kecha oxirida guruhlarni ballari hisoblanadi, eng ko'p ball to'plagan guruh a'zolari rag'batlantiriladi. Tashkil qilingan bunday kechalar o'quvchilarni geografiyadan olgan bilimlarini mustahkamlaydi, fanga bo'lgan qiziqishini yanada oshiradi.

Adabiyotlar

1. Qurbonniyozov R. Geografik o'yinlar. – T.: O'qituvchi, 1990.
2. Hayitov A., Boymurodov N. Ta'limda noana'naviy darslar va interfaol usullardan foydalanish.-Toshkent "Yangi asr avlodi" 2006
- 3 Bahromov Q.,Shodiyeva N. Maktab geografiya ta'limi.T.: "Navro'z" 2015

KURS ISHLARINI BAJARISHDA ILMIY TADQIQOT METODLARIDAN FOYDALANISH

Muqumova H. I., Abdullayev S.I. *
Qarshi davlat universiteti

O'quv rejalariga muvofiq asosiy umumkasbiy va maxsus fanlarning o'quv materiallarini o'zlashtirish bo'yicha talabalarning mustaqil ishlari tizimida kurs ishlarini bajarish yoki loyihalashtirish muhim ahamiyatga ega.

Kurs ishi talaba mustaqil ishining tarkibiy qismlari bo'lgan referat, nazorat ishi va ma'ruza (doklad)ga nisbatan tanlangan muammoning chuqurroq va kattaroq tadqiqotidir. U ilmiy tahlil unsurlari bo'lgan kichikroq hajmdagi aniq bir mavzuni mustaqil ishlab chiqishdan iborat bo'lib, talabaning nazariy bilimga, amaliy ko'nikmaga ega bo'lishini ifodalaydi.

Kurs ishini bajarish jarayonida murakkab ilmiy muammolarning tahlili talabalarga maxsus adabiyotlar, statistik va faktik materiallar bilan ishlash ko'nikmalarini egallashga, statistik ma'lumotnomalar va to'plamlar asosida jadvallar, diagrammalar, grafiklar tuzish va foydalanish, turli jarayonlarni umumlashtirish negizida nazariy va amaliy xulosalar qilish mahoratini ishlab chiqish imkonini beradi. Bu ish jarayonida o'z fikrini aniq va mantiqli bayon qilishga asoslangan holda tanqidiy fikr bildirish va ayrim ilmiy masalalar bo'yicha turli qarashlarni qiyosiy tavsifini berish qobiliyatiga ega bo'ladi. Bundan tashqari, talabalar ilmiy izlanishlarga qo'shiladilar, ma'ruzalar tayyorlash va chiqish, konferensiyalarning tezislarni va ilmiy ishlarni tayyorlash tajribasiga ega bo'lishadi. Ammo, shu narsani anglab yetish lozimki, talabalar tomonidan ijodiy, mustaqil, ilmiy va metodik adabiyotlarni teran o'rganish hamda konkret faktik va statistik materiallarni har tomonlama tahlil qilish asosida bajarilgan kurs ishigina ilmiy nazariyalarni o'rganishning samarali shakli bo'la oladi. Kurs ishi asosiy fan asosida mavzuni ishlab chiqishni taqozo qiladi va o'quv rejasidagi boshqa fanlarni o'rganishda olingan bilimlarni ham o'z ichiga olishi mumkin (Методика написания ... , 2012; Эхо, 1997).

Kurs ishining asosiy maqsadi talabalarda mustaqil tadqiqot va ilmiy-statistik hisobot ko'rinishida olingan ma'lumotlarni bayon qilish ko'nikmalarini, shuningdek talabalar auditoriyasi va o'qituvchilar oldida o'zining ishi haqida ma'lumot bera olish mahoratini rivojlantirishdan iborat (Abdullayev va b., 2018).

Kurs ishi talabaning undan ilmiy tadqiqot ishi unsurlari (elementlari)ni o'zlashtirishni talab qiladigan birinchi ishdur. Metod – maqsadga erishish uchun foydalaniladigan amallardir. Ilmiy tadqiqot metodlari – bu talabaga kurs ishining (loyihasining) vazifalarini yechishga, tadqiqotning qo'yilgan maqsadiga erishishga imkon beradigan usullardir.

Kurs ishini tayyorlashda nazariy tadqiqotlar olib borarkan, talaba nafaqat mavjud reallik va konkret raqamlar bilan, balki uning reprezentatsiyasi, ya'ni obrazlar, ko'rgazmali tarhlar, formulalar, avvaldan ishlab chiqilgan makoniy-dimamik modellar, tabiiy tilda tayyorlangan tavsiflar shaklida aniq tasavvur bilan ish ko'radi. Qaysidir ma'noda aytish mumkinki, barcha nazariy tadqiqotlar odamning aqlida o'tkaziladi. Bu tadqiqotlar ongga o'zi uchun qaralayotgan muammoning bir butun tasvirini shakllantirishga imkon beradi, lekin aniq kattaliklarni, faktlarni, raqamlarni va boshqalarni o' ichiga olmaydi. Nazariy tadqiqotlarga nazariy tahlil obyekt, hodisa, jarayonning ayrim qismlarini ajratish va alohida o'rganish, empirik yo'l bilan olingan

* **Muqumova Husnora Irgashevna** - Qarshi DU geografiya kafedrasining o'qituvchiosi.
Abdullayev Suyun Ismatovich – Qarshi DU geografiya kafedrasining dotsenti, g.f.n.

ma'lumotlarni induktiv va deduktiv metodlari va boshqa metodlar kiragi.

Tadqiqotlarning empirik metodlari kurs ishida nazariy tadqiqotlarning xulosalarini tasdiqlash maqsadida o'tkaziladi. Odatda, bunday tadqiqotlar kurs ishlarining amaliy qismida o'tkaziladi. Bunday holda talaba tadqiqotning makoniy-obrazli yoki belgili-simvolik analoglariga emas, balki bevosita hodisalarning o'ziga tayanadi. Empirik tadqiqotlar o'tkazish uchun tahlil qilinadigan hodisaning real ko'rsatkichlari foydalaniladi, ya'ni uning rivojlanishni tekshirib borish va aniq ma'lumot olish uchun imkoniyat bo'ladi.

Empirik metodlarga o'qitish metodikasida keng qo'llaniladigan kuzatish, so'rov o'tkazish (suhbat, intervyu, anketa tuzish), maktab hujjatlarini o'rganish, diagnostika nazorat ishlari, pedagogik tajribani umumlashtirish, eksperiment metodlari mansub. Tadqiqotlarning empirik metodiga misol sifatida deyarli barcha sharoitlarda qo'llaniladigan statistik metodni keltirish mumkin. Kurs ishi qaysi fan bo'yicha yozilishiga qaramasdan, tadqiq qilinayotgan hodisaning joriy holatini tavsiflovchi raqam shaklida ifodalangan bir qancha sonlarni doimo to'plash imkoniyati mavjud.

Statistik modellashtirish talabalarning ishlarida qo'llash uchun juda qulay. Bunday modellashtirish biror-bir hodisaning rivojlanish bashoratini olish imkonini bergan holda uning o'tmishdagi holatini ham muayyan ishonchlilik bilan taxmin qilish imkonini beradi.

Kurs ishini yozishda talaba tadqiqot yoki bilishning turli metodlarini qo'llay bilishi lozim.

Tadqiqot metodlarining hozirgi tizimi quyidari guruhlariga ajratiladi:

- fanda ham, bilimning boshqa sohalarida ham qo'llaniladigan metodlar.
- fanning barcha sohaları va jabhalarida qo'llaniladigan metodlar.
- fanning muayyan bo'limlarida qo'llaniladigan spesifik metodlar.

Ko'pgina maxsus ilmiy muammolar tadqiqotning maxsus juz'iy ilmiy metodlardan foydalanishni taqozga etadi. Bu metodlar usullarning muayyan majmuasidan, bilishning tadqiqot usullari, tamoyillaridan iborat bo'lib, aniq bir fanda qo'llaniladi.

Maxsus metodlar bilan bir qatorda turli fanlarning barcha tadqiqot jarayonida qo'llaniladigan umumiy metodlar ham foydalaniladi. Ular amaliy va nazariy metodlarga ajratiladi. Amaliy yoki empirik metod hodisalarni, faktlarni, ular orasidagi aloqalarni qayd qilish va tavsiflash imkonini beradi. Nazariy metod yordamida turli faktlar batafsil tahlil qilinadi, muhim qonuniyatlar ochib beriladi, faraziy modellar yaratiladi, gipotezalar foydalaniladi.

Kurs ishi uchun tadqiqot metodlarini tanlash quyidagi mezonlarga ko'ra amalga oshiriladi:

- metodlar tadqiqot predmeti va ob'ektiga, uning vazifalariga va to'plangan materiallarga adekvat bo'lishi;
- metodlar ilmiy izlanishning zamonaviy tamoyillariga mos kelishi;
- prognostik (bashoratli), ya'ni ilmiy asoslangan bo'lishi. Tadqiqotchi o'zining tanlagan metodlari ishonchli, yangi natijalar berishiga to'liq ishonishi lozim;
- metodlar qaralayotgan muammo mantiqiga mos kelishi va boshqa metodlar bilan majmuy o'zaro bog'liq bo'lishi.

Kurs ishlarini yozishda an'anaviy foydalaniladigan metodlarni ikki guruhga ajratish mumkin:

- 1) nazariy (adabiyotlar tahlili, umumlashtirish, tizimlashtirish va b.) metodlar;
- 2) amaliy (kuzatish, eksperiment, testlashtirish, anketalashtirish va b.) metodlar.

Kurs ishida olib borilgan tadqiqotning metodologik asosini ilmiy bilishning dialektik metodi va tizimli yondashuv tashkil etadi. Tabiiy fanlar bo'yicha mukammal ilmiy tadqiqot tayyorlash, dala va kameral davrlarni o'z ichiga oladi. Ish davrining joyi va tadqiqotchining holatiga ko'ra *ekspeditsion, stasionar, kameral, laboratoriya, masofaviy (distansion) metodlar* ajratiladi.

Tadqiqotning eng yangi metodlariga *matematik metodlar, ekspert baholar metodi, modellashtirish va bashoratlashtirish metodlari va boshqa metodlar* mansub. Tarkib topish tarixi va qo'llanish tajribasiga ko'ra barcha metodlar *an'anaviy, yangi (hozirgi) va eng yangi (istiqbolli) metodlarga* ajratiladi. An'anaviy, qadimdan qo'llanilib kelayotgan metodlarga *qiyosiy, tarixiy, adabiy va kartografik metodlar* mansub. Odatda kurs ishlarini yozishda quyidagi metodlardan foydalaniladi:

Qiyosiy metod axborotning bir qancha manbalarini va tadqiqot obyekti to'g'risida o'xshash va qarama - qarshi fikrlarni ochib berish qiyosiy tahlil qilish yordamida amalga oshiriladi. Bu metod ko'pincha tahlil qilinayotgan sohadan to'liqroq bilimlar olish imkonini beradi, chunki tadqiq qilinayotgan muammo to'g'risidagi ko'plab fikrlar asosida o'z mulohazasini bayon qilish mumkin. Qiyoslash yo'li bilan obyektlar va jarayonlarning umumiyliigi, o'xshashligi va tafovvutlari belgilanadi. Qiyosiy metod axborotning bir qancha manbalarini va tadqiqot obyekti to'g'risida o'xshash va qarama-qarshi fikrlarni ochib berish qiyosiy tahlil qilish yordamida amalga oshiriladi. Bu metod ko'pincha tahlil qilinayotgan sohadan to'liqroq bilimlar olish imkonini beradi, chunki tadqiq qilinayotgan muammo to'g'risidagi ko'plab fikrlar asosida o'z mulohazasini bayon qilish mumkin.

Tahliliy metod mavzu bo'yicha nafaqat o'quv adabiyotlarini, balki qo'shimcha manbalarni ham, shu jumladan tahlil qilinayotgan mavzu batafsil qarab chiqilgan yangi gazeta va jurnallarni ham o'rganishni taqoza etadi, so'ngi o'zgarishlar e'tiborga olingan dolzarb axborotlarni olishga imkon beradi. Tahliliy metod kurs ishining amaliy qismini yozishda ko'proq foydalaniladi. Bu metod matematik hisoblash yo'li bilan asosiy ko'rsatkichlarni tahlil qilishni, olingan natijalarni taqqoslashni taqoza etadi. Tahliliy metodlar bilan olingan ma'lumotlar asosida tadqiq qilinayotgan obyektning tahlili va tadqiqot obyekti holatini yaxshilashga kelajakda rivojlantirishning ehtimoliy yo'llariga doir tavsiyalar tuzish amalga oshiriladi.

Tarixiy metodning mohiyati holatlarni qiyoslashdan iborat bo'lib, bu holatlar orasida o'rganilayotgan obyektning asosiy tavsiflarining yoki uni shakllantiruvchi omillarning tabiiy va texnogen o'zgarishlari sodir bo'ladi. Tarixiy metod murakkab rivojlanayotgan obyektlarni tadqiq qilish uchun qo'llaniladi. Bu metod obyektning tarixi tadqiqot predmeti bo'lgan hollarda foydalaniladi. Tabiiy muhit rivojlanishini bashorati uchun foydalaniladigan *paleobotanik*, *paleofaunistik*, *paleoglyasiologik* metodlar ham tarixiy metodning ko'rinishlaridir. tahliliy metod mavzu bo'yicha nafaqat o'quv adabiyotlarini, balki qo'shimcha manbalarni ham, shu jumladan tahlil qilinayotgan mavzu batafsil qarab chiqilgan yangi gazeta va jurnallarni ham o'rganishni taqoza etadi, so'ngi o'zgarishlar e'tiborga olingan dolzarb axborotlarni olishga imkon beradi.

Nazariy ishlarda adabiyotlar metodi keng qo'llaniladi. Bu metoddan har bir tadqiqotchi foydalanadi, zero u tadqiqot mavzusi bo'yicha adabiyotlarni mufassal o'rganishi, boshqa olimlarning qilgan ishlarini takrorlamasdan ilmiy muammo yechimiga o'z hissasini qo'shishi shart.

Dastlabki kartalar juda qadim davrlarda tuzilgan. Kartalar bilan bir paytda tadqiqotning kartografik metodi vujudga kelgan. Kartografik metod geografik va ekologik kartalarni tuzish va ulardan tarkib topgan vaziyatni o'rganishdan iborat. Kartografik metod tabiiy hududiy ketma-ketlikda asosiy geoeologik obyektlarni va hodisalarni asliday akc ettirish (ko'rsatish) imkonini beradi. Umuman tadqiqotning kartografik metodi kartalarda aks ettirilgan obyektlar va hodisalarni: sifat va miqdor tavsiflarining ma'lumotlarini olish, o'zaro aloqa va o'zaro bog'liqliklarni o'rganish, ularning dinamikasi va tadrijiy rivojlanishini belgilash, bashoratlar tuzish maqsadida ulardan foydalanishdan iborat. Kurs ishi yozishda monografiyalar va maqolalarni tahlil qilish muhim. Monografiya bir masala bo'yicha tadqiqot natijalariga mansub bo'lgan axborotlarga ega. Umuman olganda monografiya bitta mavzu sohasiga doir maqolalar to'plamidir.

Adabiyotlar

1. Abdullayev S.I., Muqumova H.I., Nazarov M.G. Kurs ishi - talabalar mustaqil ishlari tizimida //Geografiya va geografiya ta'limidagi muammolar. Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. Jizzax, 2018.

2. Методика написания курсовой работы. Учебно-методическое пособие. Составитель Е.О.Кузминых. Воронеж, Изд.-полиграфический центр ВГУ, 2012.

3. Эхо Ю. Письменные работы в ВУЗах: Практическое руководство для всех, кто пишет дипломные, курсовые, доклады, рефераты, диссертации. 2-е изд., исправ. и доп.. – М.: Вестник, 1997. – 240 с.

ЭКОЛОГИЯНИ НОБИОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЎҚИТИШНИ ИННОВАЦИОН МЕТОДИКАСИ

Мурадов Ш.О., Киличева Д.И.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

“...ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2018 й., 05 июн, № ПҚ-3775).

Маълумки, педагогика фанининг ривожланиши, олий таълимда янги мақсад пайдо бўлишига олиб келди, яъни: талабаларда таянч компетенцияларни шакллантириш.

Профессор А.В.Хуторский таъкидлаганидек (2003), таълимий компетенция – ўзаро алоқадор семантик ориентациялар, билим, маҳорат, малака ва талаба фаолияти давомида орттирган тажрибалари йиғиндиси бўлиб, ҳақиқий объектга нисбатан шахсий ва ижтимоий аҳамият касб этиш учун зарур бўлган маҳсулдор фаолиятни амалга оширишдир.

Компетенциялар шажарасида айнан таянч компетенциялар энг юқори даражани эгаллайди ва фанлараро таълимга тўлиқ мос келади.

Биз бу мақсадга эришиш учун, “Экология” фанини ўқитишда қуйидаги келтирилган таянч компетенциялардан фойдаланишни маъқул деб ҳисоблаймиз:

Мазмунан-қимматли компетенциялар:

- экология фанини ўрганишда ҳар бир соҳа фаолиятини эътиборга олиш;
- экологик тадбирларини танлаш вазиятида шахсий ҳатти-ҳаракатлар асосида ўз мавқеини белгилаш усулига эга бўлмоқ; қарор қабул қила олиш, вазиятни билган ҳолда маъсулиятни ўз зиммасига олиш, белгилаб олинган мақсадли ва мазмунли вазифаларни бажариш учун фаолият олиб бориш;

- экологияни умумий талаблардан ва меъёрлардан келиб чиқиб, шахсий таълимий йул харитасини яратиш;

Ўқиш ва билиш компетенциялари:

- экологик мақсадни қўйиш ва натижага эришишни ташкил этиш, мақсадини тушунтира олиш;

- экологик режаларни тузиш, таҳлил, мулоҳаза ва ўз-ўзини назорат қилиш, ортга назар солиш, ўз-ўзини англаш, ўз шахсий фаолиятини англаш, ўз онгини таҳлилий тасвирлаш, ўз-ўзининг ўқув-билиш фаолиятини баҳолай олиш;

- кузатилган далилларга саволлар қўйиш, ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини излаш, ўрганилаётган муаммони ҳал этишда уларнинг тушунишини ёки тушунмаслигини белгилай олиш;

- экологик билим вазифаларини ишлаб чиқиш ва фаразларни киритиш; кузатиш ёки тажриба ўтказиш учун воситалар ва жиҳозларни танлаш, ўлчов кўникмаларини билиш, кўрсатмалар билан ишлаш, эҳтимоллик элементлари ва статистик усулларни билиш, натижаларни ёза олиш, хулосалар бера олиш;

- компьютер воситаларидан ва технологияларидан фойдаланган ҳолда экологик тадқиқот натижалари тўғрисида оғзаки ва ёзма равишда чиқишлар қила олиш (матн ва слайдлар презентациялари);

Коммуникатив компетенциялар:

- оғзаки ва ёзма равишда экология фанининг мазмуни билан таништириш, эссе, ариза, хулоса ёза олиш;

- экологик майдончани (тизимни) тасаввур қила олиш;

- ташқи дунё билан ўзаро муносабатларини билиш; оғзаки хабар билан чиқиш қилиш, савол бера олиш, таълим суҳбатини тўғри ўтказиш;

- турли хил нутқ фаолияти (монолог, диалог, ўқиш, эссе), тилшунослик ва лингвистик компетентликка эга бўлиш;

- мулоқот давомида гуруҳлар фаолиятини ва алоқаларини биргаликда олиб бориш усулларини билиш; мурсага келиш йўллариини излаш ва топа олиш;

Ахборотлар билан ишлаш компетенциялари:

- китоблар, дарсликлар, маълумотномалар, атласлар, хариталар, аниқловчи малумотнома, энциклопедиялар, рўйхатлар, луғатлар, флеш-модем, интернет ва турли ахборот манбалари билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- ўқув масалаларни ечиш учун зарур бўлган маълумотларини танлаб олиш, мустақил тарзда излай олиш, чиқариб олиш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш, ташкиллаштириш, ўзгартира олиш, сақлаш ва тушунтира олиш;


- ахборот оқимларида мўлжал олиш, энг муҳим ва зарурларини белгилаб олиш; оммавий ахборот воситаларида кенг ёйилган маълумотларни онгли равишда қабул қилиш;

- компьютер ахборот воситалари, телевизор, магнитофон, телефон, мобил телефон, пейджер, факс, принтер, модемдан фойдаланиш маҳоратига эга бўлиш;

- таълим вазибаларини ҳал қилиш учун ахборот ва телекоммуникация технологияларини қўллаш: аудио ва видео ёзувлар, электрон почта, интернет.

Юқоридаги талабларни бажариш мақсадида, “Экология” фанидан бакалаврият талабалар ўз-ўзини (рейтингини) билимини назорат қилиши учун услубий кўрсатма ишлаб чиқилган (Мурадов Ш., 2018). Бунда замонавий модулли тизим ва “Бумеранг” интерактив услубидан фойдаланилган (Авлякулов Н., 2001; Виноградова Е. ва б., 2015; Муззафарова Л., Кулдашев Л., 2017). Мустақил ишларни бажаришда индивидуал-гуруҳли ишлаш услубидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ушбу усул рейтингни “онлайн” режимда аниқлашга имкон беради. Ўз ўрнида бу дунёда кенг тарқалган кредит тизимидир.

Услубий кўрсатма олий ўқув муассалари талабаларининг билимини баҳолаш ва назорат қилиш Низоми асосида тузилган (О ва ЎМТВ №333 буйруғи, 25.08.2010 й.). Жорий, оралик ва якуний назоратлар соддалаштирилган ҳолда келтирилган. Талаба аниқ ўзининг даражасини у ёки бу босқичда баҳолаши мумкин. Ҳар бир мустақил ишни бажариш босқичи ва ҳар бир назорат ишининг баллари (баҳолари) аниқ белгиланган. Бу профессор-ўқитувчига талабанинг фанни ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолашга аниқ имконият беради. Фанни ўзлаштиришда модулли технологияси қўлланилган (расм).



Расм. Экология фанини ўрганиш бўйича модулли технология кластери

Маълумки, фаннинг назарий (маъруза) қисмини тўлиқ ўзлаштириш (Валуконис, Мурадов, 2001; Мурадов, 2006) ва мустаҳкамлаш учун тўртта асосий вазифани ҳал этиш даркор: Амалий ва лаборатория ишлари, реферат ва маъруза конспектларини ёзиб химоя қилиш. Мустақил ишни бажариш - сифатли таълим олишнинг асосий негизи бўлиб ҳисобланади. Бу эса, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш - таянч компетенцияларни ва талабаларда эвристик таълимни шакллантириш, шу билан экологик дунёқарашининг ўзгаришига олиб келиш.

Адабиётлар:

1. Авлякулов Н.Х. Практические основы модульной системы обучения и педагогические технологии. Учебное пособие. Бухара, 2001.- 98 с.
2. Валуконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. Основы экологии -Т. I.Общая Экология. Кн. I. – Т.: Мехнат, 2001. – 328 с.
3. Виноградова Е., Головенко Т., Воронович В., Кудрявцева С.А., Телеш Н., Деменковец И. Программа TRANS Министерства Чешской Республики: Использование интерактивных методов обучения как средство активизации познавательной деятельности учащихся. С. 8-150. www.amo.cz/wp-content/uploads/2015/11/.
4. Музафарова Л.Н., Кулдашев Л.С. Педагогические технологии преподавания дисциплины “Теория и методика обучения математики”//Педагогика высшей профессиональной школы. Центр научного сотрудничества.-2017.- с. 1-6.
5. Мурадов Ш.О. Основы Экологии – Т. I. Общая Экология. Кн. II.Под общ.ред. Валукониса Г.Ю. – Т.:Чинор ENK,2006–391 с.
6. Мурадов Ш.О. Методические указания: Самооценка рейтинга по предмету «Экология». – Карши: Кар ИЭИ, 2018.- 16 с.
7. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования.Текст./А.В.Хуторской// Народное образование.-2003.-№2.-С. 58-64.

ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ЭКОВОСПИТАНИЕ

Рахматов Ю.Б., Салимов Х.В., Вафоқулов У.А.

Навоийский государственный педагогический институт

Экологическое образование. Человек познает мир на протяжении всей своей жизни. В созидании целостности личности, культуры окружающего мира огромную роль играет экологическое образование. Особенностью экологического образования было то, что оно появилось ввиду жизненной необходимости всех людей на планете (Дерябо С.Д., Ясвин В.П.,1996). Экологические кризисы, поразившие нашу планету, внесли существенные коррективы в отношения человека и природы, заставили переосмыслить все достижения мировой цивилизации. Приблизительно с шестидесятых годов двадцатого столетия, когда перед человечеством впервые так остро встала проблема уничтожения всего живого в связи с промышленной деятельностью, стала официально оформляться новая наука– экология и как следствие этого возникновения, появилась экологическая культура.

Цель экологического образования–формирование ответственного отношения к окружающей среде, которое строится на базе нового мышления. Это предполагает соблюдение нравственных и правовых принципов природопользования и пропаганду идей оптимизации, активная деятельность по изучению и охране своей местности, защите и возобновлению природных богатств. Чтобы эти требования превратились в норму поведения каждого человека, необходимо с детских лет целенаправленно воспитывать чувство ответственности за сохранность природы, вырабатывать активную жизненную позицию по восприятию проблемы сохранения окружающей природной среды (Букин. А.П.,1991). Отношение ребенка к окружающей природной среде в существенной степени определяет четыре фактора:

1-непосредственное познание природы. Как знакомить детей с правилами поведения в природе? Определенные экологические запреты абсолютно необходимы. Но «обрушивать» эти запреты «сверху» нельзя, нужна целенаправленная, кропотливая работа, ориентированная на то, чтобы правила поведения в природе были прочувствованы, понятны;

2-школьное экологическое воспитание. Школьное экологическое воспитание обладает возможностью целенаправленной, координированной и системной передачи знаний. Важное место в системе экологического образования имеет начальная школа,

которая является начальной ступенью в формировании ответственного отношения учащихся к окружающей среде и здоровью человека;

3-средства массовой информации. Роль средства массовой информации в воспитание экологической культуры подрастающего поколения неопределима. Телепередачи «Дунё буйлаб», «В мире животных» и другие, посвященные природе, журналы, особенно с иллюстрацией о животных и растений, имеют непосредственное влияние на поведение школьников, вызывает у них жалость и любовь к природе;

4-возможности народной педагогики. Народная педагогика (этнопедагогика) способствует развитию личности, усваивающей социальные нормы, ценности, опыт, собирает и систематизирует народные знания о воспитании и обучении детей, народную мудрость, отраженную в сказках, пословицах, поговорках, баснях и их значение в передаче нравственного опыта подрастающему поколению (Букин. А.П., 1991).

Развитие эстетического отношения к природе. Деятельность ребят, организуемая учителями, порождает и развивает личные впечатления и чувства, убеждения и интересы. Отображение в сознании природных явлений возникает в деятельности. Однако оно происходит не автоматически, а под влиянием ее целей и задач, инструкций учителей и воспитателей. Необходимо четко планировать задание по восприятию и осмыслению окружающих ландшафтов. Перевод учащихся от наблюдений на прогулках за красотой природы к подобным наблюдениям во время сельскохозяйственных опытов, при уходе за школьным лесопитомником, а затем к наблюдениям в ходе производительного труда—это развернутый педагогический прием целенаправленного обогащения индивидуальных эстетических отношений. Его применение должно вести к развитию содержания и форм наблюдений за красотой по мере усложнения деятельности и тем самым к общему усложнению непосредственных связей со средой (Волков Г.Н., 1999). Научившись наблюдать за окружающей красотой в процессе труда и осознав возможность творить с его помощью красоту во круг себя, школьник иначе воспринимает окружающую среду. Поэтому прогулки и другие виды деятельности иначе, чем прежде раскрывают перед ним красоту природы. Как известно, деятельность характеризуется особым содержанием и своеобразными формами. Она является системой взаимосвязанных дел, совокупностью различных действий и приемов (операций). Эти дела, действия и приемы имеют определенную структуру, которая обусловлена внешними, в частности природными, объектами, а так же личными интересами школьников и обучением в сочетании с воспитанием. В структуре деятельности отдельного ученика, как и класса в целом, сочетаются устойчивые (постоянные, часто повторяющиеся) и не устойчивые дела и действия. Соотношение тех и других поддается педагогическому контролю и регулированию. В равной мере педагогическое руководство влияет на выбор и чередование во взаимосвязях школьников с природой дел разных видов, разной качественной определенности. Не всякая деятельность способна прямо выявить эстетические свойства природы для школьников. Чтобы научиться оценивать красоту форм растений, грациозность животных, контрасты цвета и света, симметрию явлений, гармонию звуков, свойства пространства и времени надо участвовать в их познании как чувственном, так и абстрактно - логическом. А это значит, что учителя должны вовлекать школьников в наблюдения за свойствами ландшафтов, организовывать упражнения, которые развивают слуховое и зрительное восприятие, умения анализировать и обобщать собственные впечатления и оценки. Задача учителя, который развивает эстетическое отношение к природе у своих питомцев, заключается прежде всего в том, чтобы нацелить учащихся на встречу с красотой и организовать соответствующую познавательную деятельность (Кнященко Н.И. и др., 1983). Нужно разработать систему эстетико-познавательных задач и упражнений, организовать ряд эстетически воспитывающих ситуаций, которые побуждают учеников воспринимать, осмысливать, оценивать познаваемые объекты как красивые, выразительные и т.д. На первый план в познании следует выдвинуть эстетические свойства среды, чтобы пробудить отношение именно к ним. Одновременно нужно глубже продумывать возможности педагогического воздействия на эстетические восприятия, чувства и суждения

учащихся через те виды деятельности, которые связаны более всего с познанием, выявлением потребительских, чем эстетических свойств среды (например, сбор фруктов), сбор материалов для школьных коллекций, уход за птицами и т.д. Он обеспечивает общность деятельности, а так же единство идейно нравственного, трудового, эстетического и физического воспитания. Таким образом, при воспитании эстетического отношения к природе в разнообразной деятельности перед учителем встает двуединая задача. С одной стороны, необходимо организовать специфическую деятельность, непосредственно открывающую школьникам красоту природы. С другой – нужно суметь соединить с познанием эстетических свойств среды любую деятельность, в том числе и такую, которая в силу своей специфики формирует иные, чем эстетические отношения к внешнему миру. В разном возрасте ученики по-разному оценивают значение одних и тех же дел для своих связей с природой. В зависимости от таких оценок изменяются их увлечения, происходит переход от одних дел к другим, возникает интерес к явлениям, которые раньше не привлекали особого внимания. Чем младше школьники, тем большая роль в таких ситуациях принадлежит игровым элементам. В подростковой группе на первый план выступает опытническая, поисковая, краеведческая, спортивная деятельность. У старшеклассников ведущую роль получают труд, изучение науки и искусства (Кнященко Н.И. и др., 1983). Разнообразное художественное творчество должно охватывать учащихся всех школьных возрастов. В среднем возрасте ученики предпочитают заниматься такими делами как, посадка деревьев и кустарников, участвуют в экскурсиях, туристских походах. Престижны освоения местного рельефа, изучение животных, растений, ловля рыбы. Менее ценятся участие в охране природы, уход за деревьями, уборка территорий, зарисовки явлений природы, сбор лекарственных растений. В старшем возрасте на первый план как эмоционально значимые действия выступили любование природой, сбережение деревьев, работа в саду и огороде, отдых; духовные формы деятельности (размышления о жизни, чтение стихов, пение); сбор грибов, уход за животными. Во многом такая градация связана с особенностями психофизического развития подростков и юношества. Педагог призван перестраивать и повышать уровень социально значимых ценностных установок. Надо знать, за что и как учащиеся ценят практические дела, чем они занимаются более, а чем менее охотно. Природоохранные стремления и действия возникают не автоматически. Формирование тех и других требует специальной педагогической работы, поэтому задание открыть красоту в природе, которые учитель ставить перед учащимися должны быть неразрывно связаны с практическими задачами труда и охраны природы, и наоборот. Процессы воспитания эстетического и природоохранительного отношений школьников требует комплексного подхода. Два пути комплексного воспитания названных отношений: от эстетического познания к практике (к труду и охране среды) и от практики к познанию – равно возможны в любой школе. Здесь педагог может широко использовать массовые формы и методы пропаганды эстетической ценности природы и необходимости ее охраны.

Использованная литература:

1. Букин. А.П. В дружбе с людьми и природой. М.: Просвещение, 1991, 157 с.
2. Волков Г.Н. Этнопедагогика. М.: Высшая школа, 1999, 168 с.
3. Дерябо С.Д., Ясвин В.П.. Экологическая педагогика и психология. Ростов-на-Дону: Феникс, 1996, 480 с.
4. Кнященко Н.И. и др. Эстетическая культура и эстетическое воспитание. /книга для учителя/. М.: Просвещение, 1983, 303 с

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЭКОЛОГИК ЎЛКАШУНОСЛИКНИНГ ЎРНИ

Сайдаматов Ф.Р.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

География ўқув фанларини ўқитишнинг мақсадларидан бири жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объектлар, жараён ва ҳодисалар, Ер юзининг табиий манзараси, табиатдан оқилона фойдаланиш, Ер юзидаги глобал экологик муаммолар ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ўргатиш, табиатни қадрлаш ва муҳофаза қилиш, олган

назарий билимларини амалда қўллаш маҳоратини шакллантиришдан иборат бўлиб, уни **ўқитиш вазифалари сирасига** ўқувчиларда атрофимиздаги оламга, ўз Ватанига муҳаббат ҳиссини уйғотиш, табиатни асраш ва муҳофаза қилиш, назарий билимларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш, табиатни кузатиш, таҳлил қилишдан иборатдир.

Экологик ўлкашунослик мақсадларидан келиб чиқилган ҳолда унинг қуйидаги вазифалари ажратиб кўрсатилади:

1) тирик организмлар (одам) ҳаёт фаолиятида маҳаллий атроф-муҳитга мослашишнинг экологик тузилмасини ўрганиш;

2) ўлка ҳудудидаги маҳаллий популяциялар сонининг бошқарилишини текшириш, биологик хилма-хиллик ва уни сақлаш тузилмасини ўрганиш ҳамда биологик маҳсулдорлик жараёнларини тадқиқ этиш;

3) ўлка атроф-муҳити барқарорлигини сақлаш мақсадида маҳаллий табиий ва антропоген экологик тизимлар ҳолати ва уларда кечаётган жараёнларни текшириш ва моделлаштириш;

4) маҳаллий аҳолининг ҳўжалик фаолияти таъсирида атроф табиий муҳитда йўл қўйилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдиндан айтиб бериш, баҳолаш ва табиий муҳит сифатини яхшилаш;

5) ўлка табиий ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан тўғри фойдаланиш;

6) ўлка табиатини тизимли ўрганиш, экологик тушунчаларни биоэкологик ва геоэкологик ўлкашунослик билимлари интеграцияси (бирлашуви) асосида ўзлаштириш, маҳаллий атроф-муҳитда тўғри юриш-туриш қоидаларини эгаллаш;

7) турли ахборот манбалари ва асбоб-ускуналар ёрдамида амалий ва тадқиқий ишлар олиб бориш кўникма ва малакаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Экологик ўлкашуносликда анъанавий ўлкашунослик методлари мажмуи (адабий, картографик (харитали), статистик (миқдорий), сўров ўтказиш, дала (табиий) шароитда текшириш ва кузатиш методлари) фаол қўлланилади. Хусусан:

✓ *адабий метод* (архив материаллари, турли йилларда нашр этилган илмий-оммабоп китоблар, илмий монографиялар, қомусий асарлар, маълумотномалар, газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар, илмий-амалий анжуманлар материаллари) орқали муайян ўлкада экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси тарихи, ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақидаги маълумотлар тўпланади;

✓ *статистик метод* (статистик баҳолаш методи, амалий фаразларни статистик текшириш методи, Монте-Карло методи) орқали маҳаллий экологик объектлар ва ҳодисалар тавсифининг миқдорий кўрсаткичлари ўрганилади;

✓ *картографик метод* (худуднинг мантикий ифодали-белгили модели) орқали муайян ўлкадаги экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси объектлари ва ҳодисалари ўртасидаги алоқалар, ўзаро боғланишлар акс эттиралади;

✓ *кузатиш методи* (кўздан кечириш, кўриб чиқиш, томоша қилиш, хомаки расмини чизиш, суратга ва видеосуратга олиш) орқали муайян ўлкадаги экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси объектлари ва ҳодисаларининг ҳолати, уларда кечаётган жараёнлар шахсан кузатилади ва маҳаллий аҳоли, соҳа мутахассислари ҳамда илмий ходимлар билан суҳбатлар ўтказилиб, умумлаштирилади;

✓ *сўров ўтказиш методи* орқали ёзма ва оғзаки тарзда сўровнома ёки маҳсул тузилган саволлар воситасида маҳаллий аҳоли ва ўлкашуносларнинг фикрлари ўрганилиб, ўлка экологияси, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасига оид ҳодисалар ёки қонуниятлар аниқланади;

✓ *сафар-саёҳат методи* орқали экологик ўлкашунослик ишлари фаоллаштирилади, яъни сафар-саёҳатлар жараёнида ўқувчилар ёки талабалар олдига уларнинг ақлий фаолияти ва мустақиллигини оширишни таъминловчи билишга оид амалий топшириқлар қўйилади.

Шунингдек, экологик ўлкашуносликда хусусий экологик тадқиқот методларидан ҳам кенг фойдаланилади. Уларнинг асосан икки тури фарқланади:

1) *дала методлари* орқали ўлка табиий муҳитидаги экологик ҳодисалар ва жараёнлар ўрганилиб, организмлар ва уларнинг турлари билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро алоқалар, шунингдек биотизимлар ҳаёт фаолияти ва ривожланишининг умумий манзараси аниқланади. Улар ўз навбатида қуйидаги методларга бўлинади:

а) *маршрутли (белгили йўналишида ўтказиладиган) методлар* (бевосита кузатиш, ҳолатни аниқлаш, ўлчаш, тавсифлаш, хариталар, чизмалар чизиш);

б) *турғун методлар* (экологик объектларни узоқ вақт давомида кузатиб бориш, ўлчаш, тавсифлаш, ҳисобот тайёрлаш);

в) *тавсифлаш методлари* (экологик объектлар билан дастлабки танишув ўрганилаётган объектларнинг асосий хусусиятларини қайд этишда, уларни кузатиш ва харитага туширишда қўлланилади);

г) *тажриба-синов методи* (тажриба, синовдан ўтказиш, миқдорий баҳолаш, кимёвий таҳлил методлари ва ҳ.к.);

д) *мониторинг методи* (ўлка табиий муҳитини кузатиш, унинг ҳолатини баҳолаш ва башорат қилиш);

2) *лаборатория методлари* лаборатория шароитида ишлар олиб боришда қўлланилади. Хусусан, *экологик моделлаштириш методи* – экологик объектлар ва жараёнларни билвосита (воситачи ёрдамида) ўрганишга, ҳаёлий ёки моддий экологик моделлар тузишга имкон беради.

Атроф-муҳит мониторинги – атроф-муҳит ҳолатини кузатиш, табиий ва антропоген омиллар таъсирида атроф-муҳит ҳолатидаги ўзгаришларни баҳолаш ва башорат қилишнинг мажмуий тизими. Мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидаги мақсадлар қўйилади:

а) ўлка ҳудудидаги атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари, тупроқ қатлами, флора ва фауна, шунингдек саноат корхоналари чиқиндилари ва оқовалари ҳолатини миқдорий ва сифатий баҳолаш;

б) ўлкада атроф-муҳит ҳолати ва юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар башоратини тузиш;

в) ўлка атроф-муҳитида кечаётган физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, сув объектлари ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини ва уларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсирини кузатиш;

г) аҳоли ва манфаатдор ташкилотларни ўлка атроф-муҳитидаги ўзгаришлар ҳақида жорий ва фавқулодда ахборот билан таъминлаб бориш.

Ўлка атроф-муҳитига антропоген таъсирлар даражасига боғлиқ ҳолда *ҳолатли* ва *ихтилофли* мониторинг фарқланади. Ҳолатли (таянч) мониторинг табиий ҳолатда кечадиган экологик ҳодисалар ва жараёнларни, ихтилофли мониторинг эса алоҳида хавфли ҳудудлардаги антропоген таъсирларни кузатиб боришни англатади. Кузатиш қўламларига кўра *кичик, минтақавий* ва *умумий* (глобал) мониторинглар фарқланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Авазов Ш. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш: экологик ўлкашунослик.-Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2016.
2. Авазов Ш. Мактабда экологик тарбия. –Т.: РЎММ, 1992.
3. Ата-Мирзаев О, Тухлиев Н. Ўзбекистон: природа, население, хозяйство. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2009.
4. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш: Ўқитувчилар учун факультатив курс юзасидан қўлл. – Т.: “Ўқитувчи”, 1991

GEOGRAFIYA TA'LIMIDA O'QITISH JARAYONINI LOYIHALASH VA REJALASHTIRISH

Sultanova N.B.

Nizomiy nomidagi TDPU


Ma'lumki, geografiya ta'limi umumiy o'rta ta'lim maktablarida tashkil etiladigan pedagogik jarayonning ajralmas va uzviy bog'langan tarkibiy qismi sifatida mazkur ta'lim muassasasi oldiga qo'yilgan umumiy maqsadlarga muvofiq barkamol o'quvchi shaxsini tarbiyalashga xizmat qiladi.

Barkamol shaxsni voyaga yetkazish maqsadida ta'lim samaradorligini oshirish, Davlat ta'lim standartlarining bajarilishini ta'minlash, ta'limning sifat ko'rsatkichlarini kafolatlashda pedagogik texnologiya hal qiluvchi omillardan bo'lib bormoqda. Pedagogik texnologiya o'qituvchi va o'quvchini doimiy izlanishga, uzluksiz o'z ustida ishlashga undaydi. Bu albatta ta'limda, xususan, geografiya ta'limida samaradorlikni ta'minlaydi.

Pedagogik texnologiya – bu muayyan loyiha asosida tashkil etiladigan, aniq maqsadga yo'naltirilgan hamda ushbu maqsadning natijalanishini kafolatlovchi pedagogik faoliyat jarayonining mazmynidir.

Biror bir fanni, xususan, geografiya fanini o'qitish texnologiyasi deganda, mazkur fan bo'yicha o'tkaziladigan o'quv mashg'ulotlari, ya'ni har bir darsni loyihalash va rejalashtirish tushuniladi. Loyihalash deganda, texnologik model, rejalashtirish deganda, texnologik xarita (karta) tushuniladi (1-chizma).

O'QUV JARAYONINI TEXNOLOGIYALASHTIRISH BOSQICHLARI



O'quv mashg'ulotini loyihalash mashg'ulot mavzusi va rejasidan kelib chiqqan holda, mashg'ulotning maqsad va vazifalarini hamda kutiladigan natijalarni aniqlashtirishdan boshlanadi. Geografiya ta'limining maqsadlarini uch guruhga bo'lish mumkin: ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi.

Ta'limiy maqsadlar quyidagilardan iborat:

- o'quvchiga tabiiy geografik, iqtisodiy va ijtimoiy geografik hamda amaliy geografiya asoslari bo'yicha mustaxkam bilimlar berish. Tabiatdan foydalanishni va uni muxofaza qilishni ilmiy, texnik, iqtisodiy asoslarini ochib berish;

- umumta'lim maktablari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari o'quvchilarini iqtisodiy, ekologik, politexnik, geosiyosiy bilimlarni egallashlariga imkon yaratish;

- tabiiy geografiya va iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, amaliy geografiya va boshqa maxsus geografik fanlarni yirik xalq xo'jaligi muammolarini yechishdagi o'rni va ahamiyatini ochib berish. Masalan, Orol muammosini yechimini, Sibir daryolari oqimini bir qismini O'rta Osiyoga oqizishni, O'zbekistonning buyuk davlat bo'lishini geografik asoslarini ishlab chiqish;

- o'quvchilarni geografik borliq va hodisalarni o'rganish usullari bilan qurollantirish. Mazkur usullar (metodlar) bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirish;

- o'quvchilarni geografik xaritalardan, ma'lumotnomalardan qo'shimcha adabiyotlardan foydalanishga o'rgatish, egallagan geografik bilimlarini amalda qo'llay bilish ko'nikmalarini shakllantirish. O'quvchilarni mustaqil ravishda foydalanib o'z bilimni oshirishga o'rgatish. O'quvchilarda geografik madaniyatni shakllantirish.

Geografiya ta'limining tarbiyaviy maqsadlari:

- O'zbekistonning kelajagi buyuk davlat ekanligini asoslab berish, o'quvchilarda Vatanimiz qudrati va ravnaqidan faxrlanish tuyg'ularini shakllantirish;

- o'quvchilarni tabiatdagi, tabiat va jamiyat o'rtasidagi o'zaro ta'sirlarga didaktik nuqtai nazardan qarashga o'rgatish;

- o'quvchilarni ahloqiy jihatdan to'g'ri tarbiyalash, Vatanga muhabbat, Vatanni himoya qilish har fuqoroning oliy burchi ekanligini uqtirish;
- o'qtuvchilarni mehnat tarbiyasiga va kasb tanlashiga yordam berish, hozirgi zamonda o'z o'rnini topishga ko'maklashish;

Geografiya ta'limining o'quvchilarni qiziquvchanlik qobiliyatini rivojlantirishga yo'naltirilgan maqsadlari:

- geografik bilimlar va muammolarga qiziqishni uyg'otish;
- o'quvchilarga kuzatuvchanlik, eslab qolish, tafakkur, tasavvur va nutq qobiliyatlarini rivojlanishiga imkon yaratish;
- o'quvchilarni ular imkoniyati doirasidagi geografik muammolarni yechishga o'rgatish, ularda hodisa va jarayonlarga kompleks va sintetik yondashishni shakllantirish.

Maktab geografiyasining *vazifalari* uning maqsadlaridan kelib chiqadi. Ular quyidagilardan iborat:

- maktab geografiyasining umumiy va har bir sinf bo'yicha maqsadi, mazmuni aniqlash va ularni yanada takomillashtirish;
- o'quvchilarning yosh xususiyatlarini xisobga olgan holda geografik bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishiga imkon beradigan ta'lim usullarni aniqlash;
- o'quvchilarga amaliy geografik ko'nikma va malakalarni singdirish imkoniyatlarini aniqlash;
- ta'lim jarayonida o'quvchilar faoliyatini oshiradigan va mustaqilligini ta'minlaydigan samarali usullarni aniqlash;
- umumiy va kasb-hunar ta'limi tizimidagi o'quvchilarni mehnatga o'rganish, ularni ahloqiy, estetik tarbiya berish, vazifalarini ochib berish;
- ta'limni tashkil etish turlarini ishlab chiqish va takomillashtirish;
- o'qitish metodikasini yanada takomillashtirish, sinalgan o'quv metodlarini yanada rivojlantirish;
- yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashning ilmiy-metodik asoslarini ishlab chiqish;
- geografiya ta'limida axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanib dars o'tish usullarini ishlab chiqish;
- darslik, o'quv qo'llanmalari va vositalariga qo'yiladigan talablarni ishlab chiqish va ulardan foydalanish hamda ular bilan ishlash usullarini ishlab chiqish.

O'quv jarayoni loyixalashtirib bo'lganidan so'ng, rejalashtirish, ya'ni, texnologik xaritasi ishlab chiqish jarayoni boshlanadi.

Texnologik xarita – jarayonning qadamma-qadam, bosqichma-bosqich, izchillik bilan qo'llangan vositalarni ko'rsatib bergan holda tasvirlash bo'lib, u masalan, “Chirchiq-Ohangaron tabiiy geografik o'lkasining yer yuzasi, geologik tuzilishi va foydali qazilmalari” mavzusi bo'yicha quyidagicha tuziladi:

Chirchiq-Ohangaron tabiiy geografik o'lkasining yer yuzasi, geologik tuzilishi va foydali qazilmalari” mavzusidagi hamkorlikda o'qitish texnologiyasining (kichik guruhlarda hamkorlikda o'qitish metodi) metodidan foydalanilgan darsning texnologik xaritasi

Texnologik bosqichlar	O'qituvchining faoliyati	O'quvchining faoliyati
I bosqich. Tashkiliy qism (2 minut)	O'quvchilarni dars mavzusi, maqsadi, borishi bilan tanishtirish	Dars mavzusi, maqsadi, borishi va unda bajariladigan topshiriqlar mohiyatini tushunib etadi.
II bosqich. O'tgan mavzu bo'yicha o'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash (5 minut)	Oldingi mavzu bo'yicha tuzilgan testlar yordamida o'quvchilarning bilimini nazorat qiladi va baholaydi.	Oldingi mavzu bo'yicha tuzilgan testlarni bajaradi.
III bosqich.	O'quv topshiriqlarini didaktik	O'quv topshiriqlarini didaktik

O'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish (3 minut)	maqsadi va baja-rish tartibini tushuntiradi.	maqsadi va bajarilishini tushunib etadi.
IV bosqich. Yangi mavzuni o'rganish. 20 minut	O'quvchilardan "komandalar"ni tayyorlash guruhlarini va ularning mustaqil ishini tashkil etadi. O'quv dasturidan o'rin olgan topshiriqlarni mustaqil bajarilishini ta'minlaydi.	O'z o'quv faoliyatini tashkil etadi. O'quvchilar guruhi topshiriqlarini bajaradi. Komandalar uchrashuvi guruhida o'zi o'zlash-tirgan qismini bayon etib, o'quv materailini yaxlit holda ishlab chiqishda ishtirok etadi.
V bosqich. O'quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash (10 minut)	Komandalar guruhini tashkil etadi. Har bir guruhda o'quv materialini yaxlit holda ishlab chiqilishini amalga oshiradi. Zarur vaqtlarda yordam uyushtiradi.	
VI bosqich. Natijalarni tahlil qilish va yakunlash (5 minut)	O'rganilgan mavzu bo'yicha test savollari va didaktik jadvallar beradi. O'quvchilar faoliyati va natijani tahlil qiladi, o'quv chilarga mustaqil va ijodiy ish topshiriqlarini beradi	Test topshiriqlarini bajaradi. Savollarga javob beradi va didaktik jadvalni to'ldiradi. Faoliyatini tahlil qiladi va baholaydi. Topshiriqlarni yozib oladi

Demak, yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, o'qitish jarayonini loyihalashda o'quv maqsadlarini o'quv vazifalariga aylantirish kerak. Mazkur loyiha asosida har bir geografiya darsi rejalashtirilishi shart. Chunki, rejalashtirish, ya'ni texnologik xarita o'qituvchi va o'quvchining dars jarayonidagi faoliyatini izchillikka soladi hamda kafolatlangan ta'limni jarayonini amalga oshirish imkoniyatini beradi.

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA TABIAT HAQIDAGI BILIMLARNI SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISHNING METODIK ASOSLARI

Sultanova N.B., Abdurahmonov M., Toshboyeva F.*

Nizomiy nomidagi TDPU

Har qanday o'quv faniga oid bilimlarning asosini tushunchalar tashkil etadi. O'quvchilar tomonidan tushunchalarning o'zlashtirilishi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Birinchidan, tabiatga oid tushunchalarni yodlab olish bilan ularni o'zlashtirib bo'lmaydi. Buning uchun o'quvchilar bilimini o'zlashtirib olish faoliyatini to'g'ri tashkil qilish lozim. Bu faoliyat turli xil manbalarga tayanadi. Mazkur manbalarga rasmlar, xaritalar, raqamli ma'lumotlar, matnlar kiradi.

Tushunchalarning shakllantirishning ikkinchi xususiyati ular ma'lum bir tizimdan iborat bo'lib, bir tushuncha boshqa tushunchalar bilan bog'liq bo'ladi. Tabiatga oid bilimlarni o'rganish tizimini umumiy, xususiy, kartografik va yakka bilimlarga ajratishimiz mumkin.

Tabiatga oid xususiy bilimlarga geomorfologik, iqlimiy, gidrologik, tuproqshunoslik, va h.k. tushunchalar ya'ni, yer usti tuzilishi (tekislik, tog'), iqlimiy xususiyatlar (harorat va yog'inning taqsimlanishi), ichki suvlari (daryolar, ko'llar, yer osti suvlari, muzliklar, suv omborlari, kanallar), tuproq, o'simlik va hayvonot dunyosi kiradi.

Xususiy tushunchalar asosini yakka tushunchalar tashkil qiladi. Yakka tushunchalarni shakllantirish o'ziga xos xususiyatlarga ega. Yakka tushunchalarni o'rganish o'quvchilarni Yer

*Sultanova N.B.– Nizomiy nomidagi TDPU katta o'qituvchisi.;

Abdurahmonov M., Toshboyeva F.– Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalishi 301-guruh talabalari

yuzasini ma'lum bir joyiga ta'rif bergan-da, masalan, Qizilqum cho'li O'zbekistonning qaysi qismi-da joylashgan? Yoqilg'i resurslari Respublikamizning qaelarida ko'p tarqalgan?, va h.k.larda shakllanadi. Bunda Qizilqum cho'li, yoqilg'i resurslari, yakka tushunchalar. Yakka tushunchalar ham bir-biriga chambarchas bog'langan.

Yakka tushunchalar umumiy tushunchalar asosida shakllanadi. Masalan. O'zbekiston yer usti tuzilishini o'rganishda tog', tekislik, pasttekislik, adir, past tog', baland tog' kabi tushunchalardan foydalaniladi. Yakka tushunchalar o'z navbatida umumiy tushunchalarni aniqlashtiradi, ularni boyitadi.

Demak, tushunchalar bilimlarning asosini tashkil etib, o'quvchilarda tabiat haqida tasavurlarni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchilarida tabiat haqida tasavur hosil qilish, tarbiya berishda ularda namunali axloqiy sifatlarni tarbiyalash, ta'limni hayot bilan bog'lash, tabiyatni sevish, uni e'zozlash, ruhan tetik, vatanparvar, jismonan sog'lom milliy istiqloq mafkurasini tushinib oladigan avlodni voyaga yetqazish asosiy vazifamiz bo'lib, ularga ta'lim berishda esa quydagi talablar oldimizda turadi.:

- o'quvchilarga egallashi lozim bo'lgan bilim va ko'nikmalar meyorini aniq belgilash;
- darsning talimiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarini aniqlashga erishishi;
- talim metodlari, vositalarining eng zamonaviy turlarini ajratish va ulardan foydalanish;
- o'quvchilar bajara oladigan amaliy va mustaqil ishlarni belgilash hamda ularni bajarishga erishish lozim.

Dars jarayonida o'quvchilar ruhiy xolatlariga ham alohida talablar qo'yiladai: avvalo o'qituvchi o'quvchilarning tafakkuri, xotirasi, o'ylashi, fikir yuritishi, irodasi, his-tuyg'ularini o'rganib borishi va ularni tarbiyalab borishga etibor berishi lozim.

O'qituvchining bilimdonligi, sinchkovligi o'ziga talabchanligi adolatli boholash mezonlari ham o'quvchi shaxsini tarbiyalashga ta'sir etadi.

Shuningdek, darslarni qiziqarli, o'quvchi yoshiga mos bilimlar doirasida bo'lishi, zamonaviy texnika vositalari yordamida olib borilishi shu kunning talabidir. Darslarni xilma-xil tarzda, sermazzmun, jonli mushohada asosida o'tishga erishish zarur.

Tabiatni o'rganish oiladan boshlanib, "Atrofimizdagi olam" va "Tabiatshunoslik" o'quv fanlarini o'qitishda asta-sekin tartibga solinadi. Tabiat predmetidagi asosiy bilimlar yil fasillarini o'rganish mazmunida olib boriladi. Kichik maktab yoshidagi bolalar uchun atrofimizdagi olam bir jumboqqa o'xshaydi. O'quvchini shu jumboqni yechishga, tabiatdagi hodisalarning sabab-oqibatlarini anglab olishga o'rgatib boriladi. Buning uchun boshlang'ich sinflarda tabiiyatni kuzatish ishi yo'lga qo'yiladi. Chunki tabiyatning bizga ko'rinadigan va ko'rinmaydigan sirini bilib olish uchun uni to'g'ri kuzatishni yo'lga qo'yish zarur.

Tabiatni o'rganish (5-sinf) avvalo kundalik ob-hovoni kuzatishdan boshlanadi. Har bir darsda o'quvchilar sinf xonasida turib yoki ochiq havoga chiqib havoning ochiqligi yoki bulutligi, yog'ingarchilik, shamol kabi tabiiyat hodisalarini kuzatadilar. O'qituvchining vazifasi kuzatishni to'g'ri yo'lga qo'yish hamda kuzatish yakunlarini o'quvchilar bilan birgalikda muhokama qilish, kerakli nazariy va amaliy tushunchalar hosil qilishdan iborat. Bu ishlarni amalga oshirishda ko'zda tutilgan muhokama mazmuni quyidagicha bo'lishi mumkin:

- Quyosh balandligi yozdagidan o'zgarganmi? Buni siz nimalarga qarab aniqladingiz?
- Havoning bulutligiga e'tibor bering. Bugun yog'ingarchilik bo'lishi mumkinmi?
- Respublikamizda kuz fasli boshqa fasllardan nimasi bilan farq qiladi?
- O'zbekiston xaritasidan o'z viloyatingizni toping.
- Viloyatingiz yer yuzasi qanday tuzilishga ega? Qo'shni viloyatlarniki-chi?
- O'zbekiston yer usti tuzilishining asosiy shakllarini ayting.
- Cho'l zonasi boshqa zonalaridan nimasi bilan farq qiladi?
- Cho'lda qanday tuproqlar uchraydi?
- Cho'l o'simliklarining o'ziga xos xususiyatlari nimada?

Erta bahorda cho'l o'simliklariga e'tibor bering. Bahorda cho'l tabiati juda chiroyli bo'ladi. Qaysi o'simliklarning erta bahorda gurkirab o'sib, kunlarning isishi natijasida barg va poyalari qurib, yer osti organlari tuproq ostida qoladi? Cho'l osimliklaridan namuna olib gerbariy yasang va

b. Shuningdek, o'quvchi o'z viloyatidagi yirik cho'l nomini yoddan bilsin. Masalan, Qashqadaryo – Qarshi, Farg'ona – Yozyovon, Toshkent – Dalvarzin, Sirdaryo – Mirzacho'l va h.k.

Shunday savollarni har darsda mavzu mazmuniga moslab o'quvchilarga berib boriladi. Ularni bajarish davomida o'quvchilar tabiatdagi har bir narsa va hodisa bir-biriga uzviy bog'langanligini, tabiatning bir unsurini halokati albatta boshqalariga ham o'z ta'sirini o'tkazishini bilib oladi. Hatto, cho'l zonasining tabiatini o'rganish jarayonida o'quvchilar uning ekologiyasi uchun suvning aylanma harakati muhim ahamiyat kasb etishini, sochiluvchan qumlar o'rtasidagi tabiat mo'jizasi bo'lmish – Orol dengizining halokati uning yaqinida joylashgan yerlarning tabiiy majmuasini (kompleksini) buzilishiga olib kelishini, Amudaryoning eski del'tasidagi noyob o'simlik va hayvonot dunyosiga ega bo'lgan to'qay o'rmonlarini yo'q bo'lib ketganligini, madaniy o'simliklar ekiladigan unumdor yerlarni sho'r bosgan yerlarga aylanganligini bilib oladilar.

Agar darslar sayr tarzida olib borilsa yer yuzasining shakllariga e'tibor berish lozim. Albatta bunda ham o'quvchilar bir qancha savollarga javob topishi kerak. Suhbat mazmuni va o'quvchilar fikrini asosan o'z maqsadimizga yo'naltiramiz. Natijada ular O'zbekiston yer yuzasi shakllarini, uning go'zal tabiati va ajoyib in'omlarini bilib olsin hamda ulardan faxrlansin.

Darsliklarida berilgan matn, rasm, topishmoq va maqollar orqali o'quvchilarni fikrlashga o'rgatib borish lozim. Darslarni o'tish davomida nima uchun, nimaning ta'sirida shunday bo'lganligini anglab yetishlariga bolalarni undash zarur. Qish kunlari xona o'simliklarini parvarish etish, bu ish orqali o'simliklarga yorug'lik, issiqlik, namlik, oziq moddalar qanchalik zarir ekanligini bildirib borish kerak.

Umuman geografiya darslari mantiqan bir-birini davom ettiruvchi, bir-birini to'ldiruvchi, ta'lim-tarbiya uzviyligiga yo'naltirilgan bo'lgandagina o'quvchilarda tabiat haqidagi tasavvur va tushunchalarni shakllantirish va rivojlantirish qulay bo'ladi.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА КИЧИК ХУДУДЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Тошхўжаева Н.Р.*

Низомий номидаги ТДПУ

Инсоният пайдо бўлибдики, табиат билан ҳамнафасликда ривожланиб, унда яшаб ва ундан фойдаланиб келмоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши инсониятнинг табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжини тобора кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, фан-техника тараққиёти жадаллашган сари инсоннинг атроф-муҳитга бўлган муносабатлари ҳам фаоллашиб, у табиий бойликлари ишлаб чиқаришга бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан кўпроқ ҳажмда жалб қилиш ҳаракатида бўлмоқда.

Табиатдана табиий ресурсларни тортиб олиш ва уларнинг жамият эҳтиёжига кўпроқ сарф қилиш кучайган сари экологик мувозанат бузилиб, табиат билан инсон ўртасидаги муносабат мураккаблашиб, геоэкологик муаммолар вужудга келди ва келмоқда. Натижада ҳудудлар табиатини ҳар жиҳатдан илмий ўрганиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ландшафтлар табиий ва геоэкологик ҳолатини баҳолаш ҳамда башорат қилиш география фани олдида турган асосий вазифалардан бирига айланиб қолди. Табиий ландшафтларининг махсулдорлигини ва табиий шароитнинг инсон учун мусаффо, соф ва қулайлигини сақлаб қолиш мақсадида улардан эҳтиёжга яраша меъёрида фойдаланишни ҳамма жойда амалга ошириш лозим. Табиат бойликларини изчиллик билан бойитиб бориш, унинг компонентлари ўртасидаги ўзаро табиий мувозанатни барқарор сақлаб туришда ҳудудлар ландшафтларини геоэкологик нуқтаи назардан баҳолаш катта маъсулиятли вазифалардан ҳисобланади. Ушбу маъсулиятли вазифани бажариш учун аввало муаммонинг мазмун-моҳиятини кишилар онгига синдириш ва уни амалга ошириш учун ҳар бир фуқаро бевосита маъсул эканлигини англаб етиши лозим.

Мазкур муносабат ва муаммоларни олдини олиш йўллари бўлажак педагог, география ўқитувчиларига ўргатиб бориш ва улар орқали кенг халқ оммасига тарғиб

* Тошхўжаева Н.Р.– ТДПУ География ўқитиш методикаси 2-магистранти.

қилишда география таълими тизимидаги “Ўзбекистон табиий географияси” дарси алоҳида ўринга эга. Шу боисдан замонавий география таълимида, хусусан, “Ўзбекистон табиий географияси” ўқув фанининг табиий географик ўлкалар мавзусига оид дарслари ҳудудлар табиий ресурсларини ўрганиш ва геоекологик ҳолатини баҳолашнинг педагогик технологиялар асосида ўқитилиши муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Замонавий таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этишдан асосий мақсад дарс жараёнида ўқитувчи талаба (ўқувчилар)нинг билиш фаолияти, ижодий мустақиллиги, эса сақлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқитиш ва ўрганишнинг ноанъанавий усуллари билан қуроллантиришдан иборат. Педагогик технология талабаларда сезги, идрок, тасаввур, хиссиёт, иродавий ҳарактер, дунёқарашини таркиб топтириш каби хислатларни ҳам шакллантиришга ёрдам беради.

Табиий география курсларини ўқитишда замонавий педагогик технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларда табиий ресурслар, уларнинг турлари, тарқалиши, улардан оқилона фойдаланиш ва геоекологик ҳолатини баҳолашга оид тушунча, билим ва кўникмалар тўлалигича ҳосил қилинади. Ушбу ҳосил қилинган билим ва кўникма уларнинг келажакдаги баркамол авлодни вояга етказишдек маъсулиятли фаолиятида жуда катта ёрдам беради, маъруза машғулотида эса олган билимларини амалий фаолиятларида ноанъанавий тарзда қўллаш имкониятларига эга бўладилар.

Дарс машғулотларини замонавий педагогик технологияларга уйғун равишда мамлакат, табиий географик ўлкалар ва алоҳида олинган ҳудудлар бўйича табиий ресурслари ва уларнинг турлари, фойдаланиш ҳолатига оид статистик маълумотлар, кўрсаткичлар, атлас ва карталардан, ахборот коммуникацион технологиялар орқали фойдаланилганда дарснинг самарадорлик даражаси янада ошади.

Дарс машғулотида турли усуллардан самарали фойдаланиш талабаларнинг табиий географик маълумотларни таҳлил қилишга ва географик тафаккурини шаклланишга ёрдам беради. Бунда албатта, амалий машғулот дарсларида барча талабалар учун бир хил топшириқ тузилган ҳолда, уларни бажариш жараёнида талаба ўзи яшайдиган ҳудуд нуқтаи назаридан ёндошса ижобий натижа беради. Масалан, Ўзбекистон табиий географияси дарсларида Ўзбекистоннинг умумий табиий географик хусусиятларини ўрганишда ҳам, Тошкент-Мирзачўл табиий географик округини ўрганиш жараёнида ҳам чинозлик талаба ўзи яшайдиган туман ёки қўшни ҳудудларнинг табиати ва табиий ресурслари, уларнинг турлари, ҳозирдаги фойдаланиш ҳолати, геоекологик вазиятини, таҳлил қилиб, баҳолаш орқали ўрганиб бориши мақсадга мувофиқ. Ана шунда бўлажак мутахассис ўзи яшайдиган туман табиий географик шароитини таҳлил қилади ва унга боғлиқ равишда табиий ресурсларнинг тарқалишини, уларнинг турлари ва ҳозирги ҳолатини ўрганади ва таҳлил қилади, табиий ресурсларга табиий ва антропоген омиллар таъсирини очиб беришни ҳамда табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини таҳлил қилишни ва геоекологик ҳолатни баҳолашни ўрганади. Бунинг учун албатта бугун таълим жараёнида энг кўп қўлланилиб келинаётган “Кластер”, “Блиц сўров”, “БББ жадвали” каби интерфаол методлардан эмас, балки талабаларни изланишга, таҳлил қилишга ва муаммоларни ечишга ундовчи, юқори самара берадиган технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Буларга “Кейс-стади”, “Нима учун”, “Мантиқий занжирлар”, “SWOT таҳлили”, “Инсерт жадвали” ва каби кўплаб методларни киритишимиз мумкин. Тошкент-Мирзачўл табиий географик округи мавзусида “SWOT-tahlil” metodidan қуйидагича фойдаланиш мумкин.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, мустақил танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатиш ва ностандарт тафаккурни шакллантириш:

S – (strength) – кучли томонлари;

W – (weakness) – заиф, кучсиз томонлари;

O – (opportunity) – имкониятлари;

T – (threat) – тўсиқлар.

“SWOT-жадвали” ни тўлдириш учун куйидаги топшириқни бериш мумкин: Чиноз тумани табиий ресурсларни ўрганинг ва геоэкологик ҳолатини баҳоланг.

S- кучли томонлари	О-имкониятлари
W-заиф, кучсиз томонлари	T-тўсиқлар

Бунда Чиноз тумани табиий ресурсларининг турлари, тарқалиши, уларнинг Республика иқтисодиётида тутган ўрнидан то туманнинг табиий географик хусусиятлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолатигача бўлган маълумотлар таҳлил қилинади. Табиий ресурсларнинг кучли томонлари (аҳамияти), мавжуд имкониятлари, улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, кучсиз (оқилона фойдаланиш учун таклифлар) томонлари, геоэкологик вазият, мавжуд шарт-шароитлар учун тўсиқлар кичик гуруҳлар ўртасида баҳс-мунозара тарзида таҳлил қилинади.

Бугун илм фан тараққий этган даврда бўлғуси география ўқитувчилари инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг туб моҳиятини чуқурроқ ҳис қилиш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммолар олдини олишда алоҳида олинган ҳудудлар табиий ресурсларини ўрганиш ва геоэкологик ҳолатини баҳолашни билсалар, уларни пухта таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқара олсалар етук мутахассис бўлиб етишишлари мумкин.

МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Файзуллаева М.Р.*

Низомий Номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Ахборот технологияси – бу турли масалалар ечимини топиш мақсадида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, ифодалаш, тақсимлаш, узатиш ва уни истемолчига етказиб бериш жараёнларини компьютер ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга оширадиган, тартибга солинган ва ташкиллаштирилган тизим ва амалий дастурлар мажмуидир. Ахборотни қайта ишлаш жараёнларини кенг компьютерлаштириш замонавий ахборот технологиясининг мазмунини ташкил этади.

Ўқитувчи – педагогларнинг қатъий ҳаракат қилишларига қарамадан, дарсни режалаштирилган ҳажмда тўлиқ ўтказиш жуда кам ҳолларда содир бўлади. Бунда ўқитувчи вақтнинг маълум бир қисмини ёзув ишларига, ўқув материални баён қилишга сарфлайди. Натижада ўқувчиларнинг дарс давомида олиши мумкин бўлган билимлари режалаштирилгандан анча кам бўлади. Бу фарқни бартараф этиш мақсадида одатда, ҳар хил кўринишдаги усуллар қўлланилади. Буларга мустақил ишлаш, лаборатория ва амалиёт дарслари, ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётига жалб этиш ёки мутахассислик бўйича объектдаги амалиётларни қўллаш каби усулларни кўрсатиш мумкин. Агар ўқитувчининг малакаси етарли даражада бўлмаса ёки ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилияти суст бўлса юқоридаги фарқ янада кўпаяди. Анъанавий ўқитиш усуллари бу камчиларни бартараф этишда самара бермайди.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг билим савиясини ошириш учун кўп ҳолларда дарсларни такрор ҳолда ўтказиш тақозо қилинади. Айрим қурилмаларнинг носозлиги бу ишларни амалга оширишга йўл қўймайди.

Бу қайд этилган муаммолар педагогика олий ўқув юртларида меҳнат таълими фанларни ўқитишда бугунги кундаги долзарб муаммолар ҳисобланади ва уларни

* Файзуллаева М.Р – Низомий номидаги ТДПУнинг талабаси.

муваффақиятли ҳал этиш бу фанларни ўқитишга ахборот технологияларини жорий этишни тақазо этади.

Чунки, барча фанлар каби мутахассислик фанларини ўқитишда таълимда янги ахборот технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларининг назарий билимларни пухта ўзлаштиришига, малака ва кўникмаларини шаклланишга ҳамда уларни амалиётда мустаҳкамлашга имконият яратади, турли моделлар асосида ўқитишнинг ноанъанавий шакл, услуб ва воситалардан фойдаланишга ёрдам беради, яъни:

- ахборот технологияси таълим-тарбиянинг дидактик мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қулай ўқув объектини танлаш ва уни лойиҳалашда қулай имконият яратади;

- ахборот технологияси ёрдамида автоматлашган ўқув ва назорат дастури ва режалари мазмунини тезкорлик билан ўзгартириш имкониятига эга бўлади;

- ўқитувчи таълим-тарбия олувчи ўқувчи шахсини шакллантириш, ижодий изланиш ва фаол фаолиятини ташкил этишда ахборот технологиялари ёрдамида янги имкониятларига эга бўлади;

- телекоммуникацияли технологияларининг жорий қилиниши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг турли кўринишдаги матнлар билан ишлашлари учун кенг имкониятлар вужудга келтиради;

- ўқувчи аудиториядан ташқарига чиқмаган ҳолда, дунёнинг исталган мамлакатларидаги етук олимларнинг маъруза ва амалий машғулотларидан баҳраманд бўлиши, келажакда юз бериши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлардан хабардор бўлишлари, дунёнинг машҳур маънавий-маърифий марказлари билан танишиш имкониятларига эга бўлади;

- замонавий ахборот технологияси воситалари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув билимлари банки, технологик хариталарини тадқиқ этиш ва уларни ўрганишлар орқали илмий педагогик изланиш салоҳиятлари шакллана боради;

- замонавий ахборот технологияси воситаларига асосланган таълим — тарбия ишларининг натижалари уларга сарфланган кам вақт билан ўлчанади.

Янги ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб қўйилган педагогик мақсадга муваффақиятли эришиш фақат ахборотли – ўқув муҳитида ишлаш шароитида амалга оширилиши мумкин.

Ахборотли – ўқув муҳити деганда, ўрганувчи, ўргатувчи (ўқитувчи янги ахборот технологиялари воситалари ўртасидаги ўқув-ахборотли ўзаро ҳатти-ҳаракатлар жараёни пайдо бўлиш ва ривожланишга имкон берувчи шарт-шароитлар мажмуаси ҳамда муайян ўқув курси бўйича предметли мазмун муҳити компонентлари (компьютерга уланувчи турли хил ўқув, намойиш қилувчи жиҳозлар, дастурли воситалар ва тизимлар, ўқув- кўргазмали қўлланмалар ва бошқалар) жамланган шароитда ўрганувчи нинг фаол билиш фаолиятини шакллантириш тушунилади.

Ахборотли – ўқув муҳитининг мақсади:

- а) шахснинг ижодий ташаббускорликка қобилияти ва потенциали имкониятларини аниқлаш уларни оммалаштириш ва ривожлантириш;

- б) билимларни мустақил эгаллаш ва уларни сифатли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш;

- в) ўқитиш натижаларини таҳлил қилишни автоматлаштиришни таъминлаш.

Ҳозирги кунда либос дизайни ўқитувчиларини тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари ва уларни ҳаётга жорий этиш тажрибаларидан фойдаланиб, ўз билимларимизни мунтазам равишда ошириб боришимиз зарур экан ва бунда самарали инновацион услубларни ўзлаштириб олиб уларни амалиётга жорий қилишимиз лозим. Бу борада замонавий ижодкор ўқитувчи олдида қуйидаги вазифаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ҳал қилиб олиш туради:

- ўқитишнинг ҳар бир босқичида яъни ўқув режасидаги ҳар бир фанлар блокларида таълим мазмуни (ўқув режаси ва дастури, ўқув режасидаги фанлар блоклари узлуксизлиги

ва узвийлиги, дарсликлар, ўқув кўлланмалари, услубий кўрсатма ва тавсиялар)ни аниқлаб олиш;

- ўқув юкмасини аниқлаш ва уни ўрганишга ўқувчилар вақт бюджети ҳамда салоҳиятини мослигига эътибор бериш;

- таълим-тарбиянинг шакллари, услублари ва уларга инновацион услубларни қўллаш имкониятлари мавжудлигини баҳолай олиш;

- ўқув жараёнининг мотив компонентини рўёбга чиқариш мақсадида фаннинг мазмунига киритиш учун кўшимча равишда вазиятли, (муаммоли) матнлар, тест-саволлари тайёрлаш;

- касбий сифатлар ва касбий малакаларни аниқлашга йўналтирилган компьютер дастурларини ишлаб чиқиш;

- ўқувчилардаги ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва унинг мониторингини олиб бориш учун эса мезонлар ҳамда билим ва малакаларнинг эгалланиш сифатини холисона баҳолаш учун тест-топшириқларини тайёрлаш;

Бу қайд этилган вазифалар фан ўқитувчисидан тўлиқ мужассам этилган бўлса, у ҳолда ундан таълим олаётган ўқувчилар ижодий фикрлашга ўрганадилар, далилларни изоҳлаш кўникмаларига эга бўладилар ва натижаларни таҳлил қилишни ўргатиш орқали ўқувчиларда янги тафаккур пайдо бўлади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ҳамма вақт ҳам ҳар қандай ўқитувчи ўзида мужассам қила олиш имкониятига эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда ўрганилаётган фаннинг ўқув-услубий таъминотини компьютерлаштирилган ҳолда тайёрлаш жуда катта аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчи биринчидан, ўзининг фани бўйича ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган бўлиши керак бўлса, иккинчи томондан замонавий ахборот технологиялари ва тизимларини ҳам юқори даражада билишлигини талаб этилади. Бунинг натижасида ўқитувчи муайян фан бўйича ахборотли-ўқув муҳитини ярата олади.

GEOGRAFIYA DARSLARINI O'TISHDA DIDAKTIK MATERIALLARNING AHAMIYATI

Xamroyeva F.A.*

Toshkent davlat texnika universiteti


Uzluksiz ta'lim jarayonida o'qituvchiga pedagogik faoliyat, hayotda yuzaga keladigan har qanday vaziyatda kasbiy-shaxsiy o'sishga olib keladigan holatni yaratish, o'qituvchiga xos kreativlik, ijodkorlik, kashfiyotchilik xususiyatlarini saqlashga intilish ham zamon bilan hamnafas bo'lib yurish ma'suliyati qo'yiladi. Mana shu mas'uliyatni his qilgan holda dars jarayonini samarali tashkil etish ko'p jihatdan uning turli o'quv vositalari - tarqatmalar, axborot kommunikatsion texnika vositalari, ko'rgazma bilan boyitilganligiga bog'liq.

Ayniqsa, geografiya darslarini o'tishda didaktik materiallarning ahamiyati juda kattadir. Dars jarayonida faqat geografik, xarita va atlaslardan foydalanish bilan birqatorda turli xil didaktik materiallardan keng foydalanish dars samaradorligini oshiradi.

O'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishini oshirish, mavzularni chuqur o'zlashtirishi, o'z fikrlarini mustaqil bayon qilishlari, erkin fikrlash qobiliyatlarini oshirishda ham didaktik materiallarning o'rni kattadir. Biz dars davomida mavzuga oid ma'lumotlarni berishda turli didaktik materiallardan foydalanamiz. Avvalo biz didaktik materiallarning bevosita qo'llaniladigan oddiy turlari bilan tanishib chiqamiz. Bunday didaktik materiallar qanday maqsadda qo'llanilishiga qarab bir necha turlardan iborat bo'ladi.

Ko'rgazmali materiallar. Mashg'ulot davomida beriladigan o'quv materiallari o'quvchilarga og'zaki usulda etkazish qiyin bo'lsa imkoni bo'lmaganda uni albatta ko'rgazmali tarzda berish kerak bo'ladi. Bunday didaktik materiallar ko'rgazmali materiallar deyiladi.

* Xamroyeva Feruza Asrorovna – Toshkent davlat texnika universiteti tayanch doktoranti.



Ana'naviy o'quv adabiyotlari. Ta'lim berishda o'quvchilarning bilim olishlari uchun, mustaqil o'qishlari va ularga uslubiy yordam ko'rsatish muhim ahamiyatga egadir. Bunday vaqtlarda qo'llaniladigan didaktik materiallar o'quv adabiyotlari bo'lib ular ana'naviy (bosma) va elektron bo'ladi. Ular darsliklar, uslubiy qo'llanma va ko'rsatmalar, to'plamlar, ma'lumotnomalar, lug'atlar, ma'ruzalar matni bo'lishi mumkin.

Tarqatma materiallar. Mashg'ulot davomida o'quv materiallarini guruhdagi har bir o'quvchiga yoki guruh ichidagi kichik guruhchalarga alohida yetkazishga to'g'ri keladi. Bunday vaqtda didaktik material tarqatib chiqiladi. Shuning uchun bunday didaktik materiallar tarqatma materiallar deb yuritiladi.

Namuna materiallari. Turli nazariy va amaliy mashg'ulotlarda yoki sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'quvchilarga o'rganilayotgan ob'ektlar to'g'risida gapirganda imkon qadar ularning namunalaridan foydalanshimiz kerak. Bunday didaktik materiallar namuna materiallari deyiladi.

Inson axborotni qabul qilishiga ko'ra quyidagi toifalarga bo'linadi:

1. Abstrakt tafakkurli.
2. Konkret-obrazli tafakkurli.
3. Vizuallar.
4. Audiollar.
5. Kinestetlar.

- Abstrakt tafakkurli kishilar har qanday mavhum axborotni qabul qilib, tasavvur qila oladilar.

- Konkret obrazli- tafakkurli kishilar esa axborotni konkret obrazlar orqali samarali o'zlashtiradilar, mavhum tushunchalarni anglashlari qiyin kechadi.

- Vizuallar (ing."vision" –ko'rish) ko'rgan obrazlarini yaxshiroq eslab qoladilar. Bunday kishilar so'z borayotgan har bir predmetni ko'rishlari lozim.

- Audiollar (ing. "audio"-tovush) axborotni eshitish orqali samarali qabul qiladilar..

- Kinestetlar (ing."kinesthetia"-mushak orqali his qilish) har bir predmetni ko'rishlari, hidlashlari, ushlab ko'rishlari, ya'ni tana orqali his qilishlari kerak.

O'quvchilarga interaktiv tuzilishga ega bo'lgan ma'lumotlarni o'rgatuvchi animatsion ma'ruzalar kompyuter dasturlari orqali yetkaziladi. Animatsion ma'ruzalar multimedia texnologiyasidan foydalanib shakllantiriladi.

Dars jarayonida mavzuga oid suratlardan foydalanish maqsadga muvofiq. Chunki, aytib o'tilgan geografik ob'ektlarni o'quvchilar o'z ko'zlari bilan ko'rsalar fanni o'zlashtirishlarida hamda fanga bo'lgan qiziqishlarini oshishiga sabab bo'ladi.



Baobab daraxtlari



Anxel sharsharasi

O'qituvchi dars jarayonini tashkil qilishda o'quv materiallarini turli toifadagi o'quvchilarni axborotni qabul qilish imkoniyatlarini e'tiborga olgan holda tashkil etishi kerak. Masalan: o'zlashtirishi past bo'lgan o'quvchilarga yengilroq topshiriq berilgan tarqatmalarni tarqatishi lozim. Namuna qilib "Uchinchisi ortiqcha" metodidan foydalanib tayyorlangan tarqatmani misol keltiramiz:

(O'qituvchi varianti)

No	Pul birligi	Poytaxti	Davlat nomi
1	Rial	Tehron	Eron
2	Afg'on	Qobul	Afg'oniston
3	Rupiy	Islomobod	Pokiston

O'zlashtirishi o'rtacha yoki o'zlashtirishi yuqori bo'lgan o'quvchilarga mukammalroq ya'ni o'quvchilarni o'ylantiradigan, mulohaza yuritadigan topshiriqlarni berish lozim.

Xulosa qilib aytganda, o'qituvchi har qanday o'qitish jarayonini tashkil qilish, o'quv materialini taqdim qilishda yuqoridagi ma'lumotga asoslanishi, turli toifadagi o'quvchilarning axborotga nisbatan ehtiyojlarini qondirishi, ta'lim jarayonida ko'rgazmali vositalarning har xil turlaridan maqsadli foydalanishi katta ahamiyat kasb etadi va ta'lim samaradorligini oshiradi.

Adabiyotlar

1. O'quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish kontseptsiyasi. Toshkent. 2003.
2. Qurbaniyozov R. Geografiya o'qitish metodikasi. Urganch. 2001.
3. Qurbaniyozov R.O'quvchilar bilimi, ko'nikma va malakalarini tekshirish shakl va metodlari. Toshkent. 1993.

ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Аллаёров Р.Х.*
Низомий номидаги ТДПУ, Ғузур тумани 68-сонли ДИУМИ

Бугунги глобаллашув шароитида табиат ва жамият ўртасида вужудга келган экологик муаммолар, табиат ва унинг бойликларини асраб-авайлашдек жиддий ва маъсулиятли масалани инсоният олдида кўндаланг кўймоқда. Жамият ўз тараққиёти давомида табиатга таъсир кўрсатади, ундан фойдаланади, шу билан бирга табиатнинг бир элементи ҳисобланиб унда фаолият юритади.

***Ходжиматов Алишер Нигматович** – Низомий номидаги ТДПУ География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси профессори в/б., г.ф.н.;

Холмуродов Шакарбек Абдуғаниевич – ТДПУнинг География ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.;

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани 68-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб интернати география фани ўқитувчиси.

Бугунги кунда экологик онг, экологик маданият каби тушунчаларни кўп учратамиз. Экологик маданиятнинг олий белгиси сифатида нима кўрилиши лозимлиги тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Умуман олганда экологик маданият нима? Уни қандай йўллар ёки воситалар орқали шакллантириш мумкин?

Экологик онг инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ифодалайдиган ва бошқарадиган ғоялар, тушунчалар, тафаккур ва бошқа маънавий таълим турлари сифатида аниқланади. Экологик онг ижтимоий экологик муносабат асоси бўлиб ҳисобланади, у объектив дунёда йиғилади, жамият, давлат, шахснинг зарурий яшаш шароити ва ривожланишини намоён қилади ва мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзида акс эттиради (Расулова Н., Нугманова А., 2015).

Экологик онг инсонларнинг яшаш муҳити билан уйғун ривожланади. Кишилар олаётган билимлар орқали экологик тафаккур ривожланади.

Экологик тафаккурнинг олий босқичи экологик маданиятдир. Атроф-муҳит билан алоқадор барча анъана ва кўникмалар мажмуали экологик маданиятни билдиради....

Маънавият ва экология бир-бирини инкор этмаган ҳолда уйғун, ўзаро таъсир доирасида ривожланиб боради. Асрлар мобайнида табиатга, ерга, сувга бўлган маънавий-экологик қадриятларда ўз аксини топган ва экологик маданиятнинг пойдевори ҳисобланади (Ходжиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А., 2015).

Фалсафа: қомусий луғатида (2004) экологик маданиятга қуйидагича таъриф берилган: “**Экологик маданият** – инсоннинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштиришга онгли ижодий муносабати бўлиб, табиий қадриятларни келажак авлодларга бекаму-кўст қолдириш масъулияти ва бурчини англаш”.

Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғатда (2004) эса, “Экологик маданият – атроф муҳитдан табиатнинг ривожланиш қонуниятларини англаб етган, ҳамда инсон фаолияти таъсирининг яқин ва узоқ келажакдаги оқибатларини инобатга олган ҳолда фойдаланиш; Экологик маданият – умуминсоний маданиятнинг моддий ва маънавий меҳнат маҳсули сифатида акс этган таркибий қисми эканлиги” таъкидланган.

Профессор А.Нигматов (2013) фикрича: “**Экологик маданият** – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф-муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашув” дир.

Юқоридаги таърифларни, инсонлар яшаши, фаолият кўрсатиши муайян ҳудудларда, геотизимларда кечиши ва бу жараёнда табиат, унинг ресурсларидан фойдаланиши ҳамда ўзгартиришини онгли тушуниб, табиий муҳитни асраб авайлашни ўз инсоний мусъулияти сифатида кўриши деб тушуниш даркор.

Экологик маданиятни шакллантиришда энг аввало, инсон ўзи табиатнинг бир компоненти эканлигини, уни ўраб турган теварак атрофни ўзининг яшаш муҳити (уйи) сифатида англамоғи лозим. Чунки ҳар қандай тирик организм ўзи яшаётган муҳитда абиотик (жонсиз) компонентлар билан ёки бир-бирлари билан доимо ўзаро муносабатда бўлади. Ушбу муносабат кечадиган муҳит (уй) экотизим деб аталиб, экология фани айнан шу экотизимларни тадқиқ этади.

Экология тушунчасини биринчи бўлиб фанга немис табиатшунос олими Эрнест Геккел 1866 йилда чоп этилган ўзининг “Организмларнинг умумий морфологияси” деган китоби орқали олиб кирди. Унинг таърифига кўра: “**Экология** – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали ҳамма тирик организмларнинг органик ва ноорганик муҳит унсурлари билан бирга, унинг таъсир доирасида турган антогонистик ва ноантогонистик алоқадорликда бўлган оъсимлик ва ҳайвонот дунёси оъртасидаги муносабатларни очиб бериши” дир. Таърифдан шуни тушуниш керакки, экология фанининг мақсади – табиатни иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиб, барча тирик организмларнинг биотик (тирик) ва абиотик компонентлар билан бўладиган муносабатини очиб бериши лозим.

Шундай бўлсада, бугунги кунда экология фани кенг қамровли фанга айланди. Унинг ўзи геоэкология, биоэкология, ижтимоий экология, иқтисодий экология, амалий экология каби бир неча ўнлаб тармоқларга бўлиниб кетди. Ушбу фанларнинг барчаси ҳам биотик ва

абиотик компонентларнинг бир-бири ва уларни ўраб турган муҳит билан ўзаро муносабатларини у ёки бу даражада, турлича ёндашувлар асосида ўрганади.

Демак, инсонлар маълум ҳудудларда яшаши ва фаолият кўрсатиши жараёнида табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланади. Ушбу жараёнда экотизимларнинг табиий географик ҳолатига маълум даражада таъсир кўрсатади ва ўзгартиради. Бу таъсир турли экотизимларда турлича ҳолатда, турли тезликда кечади. Инсонлар табиатдан фойдаланиши натижасида, экотизимларнинг барқарорлиги, экологик ҳолати бузилади. Оқибатда турли кўламдаги ва турлича даражадаги экологик муаммолар шаклланади. Бугунги кунда бундай муаммолар шиддат билан ўз кучи ва таъсирини кенгайтириб бормоқда. Бошқача айтганда экологик муаммолар жадаллашмоқда, бунинг оқибатида табиат озорланмоқда. Унинг қайта таъсири оқибатлари янада жиддийроқ бўлиши мукаррар.

Бундай муаммоларни олдини олиш, хавфини камайтириш учун уларга қарши табиат ва унинг бойликларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар билан биргаликда, аҳолида, шу жумладан ёшларда юқори даражадаги экологик маданиятни шакллантириш орқали курашиш мумкин.

Ўқувчи-ёшларнинг экологик маданиятини шакллантиришда география фанининг ўрни алоҳидалигини таъкидлаш ўринли. Чунки география фани табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсир ва алоқаларини, табиатда кечадиган воқеа ва жараёнларни ҳар томонлама, мажмуали ўрганади.

География ва экология ўртасида бир-бирини тўлдирувчи боғланишлар ва ўхшашликлар бор. **Биринчидан**, география фани турли кўламдаги ҳудудларда мавжуд бўлган борлиқлар ҳамда улар ўртасидаги боғланишлар ва фарқланишларни ўрганадиган фандир....

Иккинчидан, география фанининг бош мақсади ҳудудларни оқилона ташкил қилиш ва такомиллаштиришнинг географик асосларини ишлаб чиқишдир. Бунда асосда органик дунё ва инсонни асраб авайлаш (инсонпарварлик) кўзда тутилади (Назаров И.Қ., ва б., 2012).

Бугунги кунда таълим амалиётида мавжуд бўлган география ўқув дастурларидаги 68 та мавзуларга экология ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тушунчалар киритилган (Норбоев А.Г., 2015).

Умумий ўрта таълим мактаблари география дарсларида ўқувчилар бир қанча экологик билимларга ҳам эга бўлади. Ушбу билимлар доирасида экологик маданият ва табиатга бўлган ҳурмат шакллана боради. Бу эса ёшларнинг экологик маданияти шаклланишида география фанининг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда қадимдан мавжуд бўлган қадриятлар асосида экологик маданият шаклланиб келган. Табиатни ва табиий ресурсларни минг йиллардан бери мавжуд бўлган қадриятлар билан авлодларга етказиш ҳар бир кишининг бурчи бўлмоғи лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ўқувчи-ёшларга чуқур географик билимлар бериш орқали, улардаги экологик билим ва маданиятни шакллантириш мумкин.

Шу ўринда айтилажак ҳар бир фикрни ўринли деб билиб, Барқарор ривожланиш концепсиясида таъкидланган қуйидаги жумлани келтириш жоиз: “Табиат – бу аждодлардан қолган мерос эмас, балки авлодлардан қарзга олинган бойликдир”.

Адабиётлар:

1. Расулова Н., Нугманова А. География таълимида экологик таълим ва тарбия, уни амалга ошириш масалалари // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДПУ, 2015. – Б. 411-413.
2. Ходжиматов А.Н., Алимқулов Н.Р., Холмуродов Ш.А. Ўзбекистонда экологик таълим-тарбия, маданият ва маънавият масалалари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд. – Тошкент, 2014. – Б. 25-27.
3. Нигматов А. Экологиянинг назарий асослари. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2013. – 268 б.
4. Фалсафа: комусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). - Т.: Шарқ, 2004. – 456 б.
5. Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат. – Т.: Чинор ЭНК, 2004. 304 б.
6. Нигматов А. Экология нима? – Т.: Турон-Иқбол, 2005. 9 б.

7. Назаров И.К., Ҳалимова Г.С., Хидирова Г.Р. География ва ҳудудлар экологияси: муаммолар ва вазифалар // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 40-жилд. – Тошкент, 2012. – Б. 10-13.
8. Норбоев А.Г. Мактаб географиясини экологиялаштириш тенденцияси ва унинг тарихий тараққиёти // География фани ва таълимнинг замонавий муаммолари. Республика илмий - амалий конференция материаллари. – Т.: ТДПУ, 2015. – Б. 402-405.
9. Ҳамидов Ҳ., Ҳожиматов А.Н., Аллаёров Р.Х., Усмонхўжаева М.А. Экологик маданият ва маънавият. Т.: Зухра барака бизнес, 2018. -144 б.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ДАРСЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИЛАН УЗВИЙЛИГИ

Эргашев О. У.

ЖДПИ Ҳузурдаги ХТХҚТМО Ҳудудий маркази

Ўзбекистон табиий географияси дарсларини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришнинг миллий ва умуминсоний қадириятлардан фойдаланиш имкониятлари каттадир. Чунки бу курс давомида мамлакатимизнинг табиий географик жойланиши, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иқлими, ички сувлари, табиатини муҳофаза қилиш ҳамда табиий географик районларининг алоҳида ўрганилиши деярли барча мавзуларни ўқитилиши жараёнида экологик таълим-тарбия узвийлигини таъминлаш мумкин. Ўқитиш жараёнига бундай ёндашиш ўқувчиларга билим беришнинг таянч қонуниятларини англаб етишга ёрдам беради. Ўзбекистон табиий географияси предметининг яна бир ўзига хос тамони, фақат дарслик эмас, балки дарсликдан ташқари нашр этилган методик қўлланмалар асосида дарс олиб бориш, уни самарадорлигини оширишда асосий омил ҳисобланади. Ўзбекистон табиий географияси фанида объектлар ҳақида аниқ, кенг фикр юритилиши, ушбу курсдан бошлаб, ҳар бир дарс мавзусида яна бир муҳим масала – ўқувчиларда экологик билимларни шакллантириш масаласига яқиндан ёндашиш имконини яратади. Яъни ҳар бир дарс мавзусида қуйидаги учта жиҳатга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- географик объект, табиий ҳодиса ва табиий жараёнларга илмий таъриф бериш;
- шакллантирилган тушунчаларни экологик нуқтаи-назаридан талқин этиш;
- ҳар бир янги географик тушунчани маҳаллий шароит, ўз ўлкасининг географик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаш.

Шунинг учун ҳар бир география ўқитувчиси иш режа ва дастур ёрдамида ўтиладиган мавзуларни кенгайтирилган режасини тузиб олиб, қайси мавзуни ўтганда қандай муаммоларга кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини олдиндан аниқлаб олсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, ҳадислардан наъмуналар, афсоналар, ривоятлар, эртақлар, халқ удумлари, топишмоқ, мақол, матал, табиат байрамларидан мисоллар келтириб, экологик тарбияни мавзу мазмунига сингдириб борилса ўқувчи онгига яхши етиб боради.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримовнинг “Она замин–бойлигимизнинг мустақилликнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир” деган сўзларига асосланиб, инсон табиат билан тирик дейиш мумкин. Табиатни эъзозлаш, она-заминимизнинг ҳар бир ҳовуч тупроғини муқаддас билиб, кўзга суртиш зарур ва муҳимлиги ҳақида шарқона, ўзбекона таълим-тарбия ҳозирги даврда айникса, долзарб, ўта ахамиятлидир. Демак, ўқувчилар онгига экологик маданият, табиатга муҳаббатни уйғотишда, аввало тарбиячиларнинг ўзи шундай билимга эга бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан бўлажак педагоглар онгига табиатни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ахлоқий асосларини сингдириш мақсадга мувофиқ. Экологик маданият табиатни муҳофаза қилиш маданияти бўлиб, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва экологик тизимни онгли ўзгартириш маданиятидир. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ўқувчининг ҳиссиётига таъсир этиш;
- ўқувчилар қалбида табиатга, атроф-муҳитга муҳаббат уйғотиш;

-ўқувчилар онгида табиатни муҳофаза этиш ва у билан оқилона муносабатни шакллантириш;

- экологик таълим-тарбияни олишни узлуксиз давом эттириш;

-олинган назарий билимларни амалда қўллаш. малака ва кўникмаларни шакллантириш зарур ва х.к.

Бундай сифатларни ўқувчиларда шакллантириш учун замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимни такомиллаштириш, педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан биридир.

Умумий ўрта таълим мактаби VII - синф ўқувчиларига Ўзбекистон табиий географияси фанини ўқитишда экологик таълим-тарбия бериш, уларда барқарор экологик маданиятни шакллантиришда география фани ҳамда ушбу фан ўқитувчисининг касбий маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Экологик таълим-тарбия бериш жараёни география ўқитувчисидан ўз фанини чуқур эгаллаган бўлиш, уни ўқитишнинг моҳир устаси, замонавий инновацион технологияларни мукамал эгаллаган бўлишни талаб этади. Ўқитувчи ўқувчиларга бериладиган экологик таълим мазмуни ва ҳажмини аниқлаётганда маълум дидактик тамойилларга амал қилишни билиши лозим. Масалан, шу йўналишдаги ҳар бир дарс мавзуси ва унинг мазмуни танланаётганда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- дарс жараёнида экологик таълим-тарбиянинг мазмуни Давлат Таълим Стандарти талабларига мувофиқ ва асосан ўқув дастури доирасида бўлиши;

- дарсда фойдаланиладиган усулларнинг ўқувчилар учун қизиқарли бўлиши. Дарс мавзусини экологик таълим-тарбия билан уйғун ҳолда олиб бориш ихтиёрий бўлганлиги боис қизиқарли бўлмаган ишларга ўқувчиларни жалб қилиш маълум қийинчиликлар туғдиради;

- экологик мазмундаги дарс мавзуси география таълими мазмуни ҳамда ўқувчиларнинг бошқа фанлардан олган билим даражаси билан ҳамоҳанг бўлиши, уни ривожлантириши лозим;

- ўқувчилар вақтини ҳаддан ортиқ банд қилиб қўймаслиги, уларнинг бошқа ўқув фанларини ўзлаштиришларига салбий таъсир этмаслиги зарур;

- бевосита маҳаллий ўлкашунослик материаллари билан боғлиқ бўлиши зарур;

- дарс шакллари амалий характерда бўлиши. Ўқувчилар дарс жараёнида олган назарий экологик билимларини амалда синаб кўришлари, бажариш кўникма ва малакаларини эгаллаши, кўрилаётган муаммо бўйича ўз хулосаларини чиқаришлари лозим.

Жамият ва ахборотлар оқимининг жадал суръатларда ривожланиб бориши ўқитувчидан ўз устида мунтазам изланишни талаб этади. Ўқитувчи ҳар бир дарс мавзусига тайёргарлик кўраётганида ўз педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориши зарур. Айниқса, дарс жараёнида замонавий инновацион технологияларни қўллаш ва ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш, ўз устида мунтазам изланиш ҳамда илғор тажрибаларни ижодий ёндашган ҳолда ўзлаштиришни талаб этади. География ўқитувчиси экологик мувозанат бузилган ҳудудлар, ифлослантирувчи манбаларнинг Ер юзасида тарқалиш хусусиятларини ўқувчиларга тушунтириш, уларда тасаввурларни ҳосил қилиш жараёнида географик карта, атлас, глобуслардан самарали фойдаланишни билиши, шартли белгиларни ўқий ва изоҳлай олиши шарт. Ўқувчиларнинг табиий муҳитни ўрганиш, уни муҳофаза қилиш ва бойликларидан оқилона фойдаланиш бойича дарс жараёнида ҳар қил интерфаол методлардан фойдаланиб ташкил қилиш ижтимоий фойдали фаолият бўлиб, жамият учун ниҳоятда зарурдир. Табиатни муҳофаза қилиш ва уни ўрганиш борасида ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини 3 босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқичида табиий муҳитда ўзини тутиш, экологик билим ва кўникмаларни эгаллаш, маҳаллий экосистемаларни баҳолаш ва унга доир маълумотларини йиғиш вазифаси бажарилади.

Иккинчи босқичда илгари эгалланган билимлар асосида муайян экосистемани яхшилаш, табиатни ўрганиш ва муҳофаза қилиш бойича амалий фаолият ташкил қилинади, яни антропоген омилларнинг атроф-муҳитга таъсири ҳамда табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида дарсда олинган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам берадиган меҳнат кўникмалари шакллантирилади.

Учинчи босқичда табиатдаги илмий-назарий ишларнинг натижаларини мустақил умумлаштириш ва ўқувчиларни экологик билимларни тарғибот қилиш ишга жалб этиш амалга оширилади. Назарий билимлар билан бирга ўқувчиларга кундалик турмушда содир бўлиб турган экологик муаммолар ва табиат муҳофазасига оид ҳодисалар билан таништириш, ўқувчиларда табиатга нисбатан меҳр–муҳаббат ҳисларини уйғотиш уларни атроф-муҳитга зарар келтираётганларга нисбатан муросасиз бўлиши руҳида тарбиялаш керак.

Фойдаланилаган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010й – 40 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийетимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16 – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 368 б.
3. Баратов. П. Табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1998.
4. Баратов П. «Ўзбекистон табиий географияси» (Олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма) Т. «Ўқитувчи» 1996.2.
5. www. pedagog. uz
6. www. Ziyonet. uz

GEOGRAFIYA FANINI O‘QITISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NA’ZARIY MASALALARI

Qalandarova M.K., Po‘latova S.M.*

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Bugungi kun fani, texnikasi bilan ishlab chiqarishining rivojlanishi, ta’limda nazariya va amaliyot birligi hamda ta’limni ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi talablari talabaning mustaqil faol va ongli mehnatiga asoslangan, uning ijodiy faoliyatini rag‘batlantiradigan, kompetensiyalarni egallagan, tafakkurini rivojlantiradigan, vaqtini tejaydigan, bilim o‘rganishini yengillashtiradigan zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va o‘quv jarayoniga tadbiiq etishni taqozo etadi. Shu bilan birga ta’lim berishda jamiyatga o‘z faoliyatining mazmunini aniq ko‘ra biladigan va atrofda, pedagogik borliqda muammolarni aniqlay oladigan, ularni mustaqil hal qila oladigan, olingan natijalarni tahlil qila oladigan ta’lim beruvchi nihoyatda zarurdir.

Hozirda asosiy vazifalarimizdan biri talabalarni shaxsiy, kasbiy va ijtimoiy hayotlarida uchraydigan vaziyatlarda egallagan turli tipdagi malakalarini samarali ravishda qo‘llashga o‘rgatish ya’ni kompetensiyalarni tarkib toptirish, mustaqil ravishda fanga oid zaruriy axborotlarni izlab topish, tahlil qilish natijasida zaruriy bilimlarni oshirishga oid materiallarni ajrata olish, ko‘zda tutilmagan noaniq, ya’ni, muammoli vaziyatlar vujudga kelganda ish beradigan malakalarga alohida ahamiyat berish hamda egallagan bilimlarini kundalik turmushi jarayonida qo‘llay oladigan xususiyatlarni egalashni tarbiyalashdan iboratdir. Talabalarda bu xususiyatlarni tarbiyalashda geografiya faniga oid bilim, ko‘nikma va malakalarning dars jarayonida singdirish bilan birgalikda ulardakompetensiyalarni (izlanuvchanlik mustaqillik, tashabbuskorlik, javobgarlikni his etish, tanqidiy fikrlash kabi sifatlar) ham shakllantirilishi lozim.

Bu quyidagilarda namoyon bo‘ladi:

- O‘rganilayotgan moddiy borliqni aniq obektlari va geografiya fani sohasiga oid fundamental muammolar;
- O‘rganilayotgan hodisa haqidagi umumgeografik bilimlar;
- Moddiy borliq imkoniyatlari yordamida umumlashtirilgan o‘quv ko‘nikmalari va malakalari;

*Qalandarova Mexribon Komilovna-TDPU Geografiya va uni o‘qitish metodikasi kafedrasida o‘qituvchisi.;
Po‘latova Sanamjon Maxsudbekovna -TDPU “Geografiya o‘qitish metodikasi” yo‘nalishi 4-kurs talabasi.

- O'quv bilimdonligining tayanch qismlari va h.k

Geografiya predmeti mazmunida mazkur tushunchalar uning maqsad va mazmuni bilan bog'liq holda turli shakllarda namoyon bo'ladi. Natijada tabiiy, iqtisodiy-ijtimoiy va siyosiy geografiya predmetlarini integratsiya vujudga keladi.

Hozirda barcha fanlar qatori geografiya ta'limida ham xorijiy mamlakatlardagi ta'lim jarayonini o'rganish samaradorligi yuqori bo'lgan tomonlarni amaliyotga tadbiq etish eng dolzarb muammolardan biri bo'lib hisoblanmoqda, shuning uchun ham bu masala ta'limda asosiy muammo bo'lib qolmoqdaki, an'anaviy o'qitish turlari o'z faolligini biroz yo'qotdi, quruq so'zlar yordamida o'qitish yaxshi natija bermay qoldi. Buning o'rniga "Axborotli o'qitish", xorijiy mamlakatlardagi ta'lim jarayonini innovatsion texnologiyalarni ta'lim-tarbiya jarayonida qo'llash ko'proq samara bermoqda. Bundan tashqari ilm-fan, texnika taraqqiyoti juda tez rivojlanishi natijasida axborotlarni keskin oshib borishi, ulardan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish hozirgi davr o'qituvchilaridan ilmiy salohiyat, malaka va yuqori darajada pedagogik mahoratni talab qilmoqda.

Geografiya darslarida talabalarning ijodiy tafakkurlari tabiiyligi, betakrorligi, hozir javobligi bilan ajralib turadi. Tafakkurning bunday tarzi uchun divergent, ya'ni tafovutli hamda produktiv, ya'ni mahsuldor fikrlash tarzi xosdir. Mahsuldor fikrlash tarziga ega bo'lgan talabalar axborotlarni tanlash, to'plash va muammolarni yechishda o'zlarining mustaqilliklari bilan ajralib turadilar. Divergent, ya'ni tafovutli fikrlash tarziga ega bo'lgan talabalar esa, muammolarning yechimiga turli tomondan yondasha olishlari bilan alohida namoyon bo'ladilar. Shuning uchun ham geografiya darslarida talabalarni intellektual rivojlantirish maqsadini qo'yganda ularga fikrlash tarzining turli ko'rinishlarini egallashlariga alohida e'tibor qaratish lozim. Har bir talabaning fikrlash tarzi o'ziga xos jihatlari bilan ajralib turadi. O'qituvchi ulardagi o'ziga xosliklar, yutuqlar, kamchiliklarni o'zvaqtida payqay olishi lozim, aks holda talabalarni intellektual rivojlantirishda samaradorlikka erisha olmaydi. Dars jarayonida talabaning o'z faoliyatini individual boshqarishi uning shaxsiy maqsadlari bilan bog'liqdir. Talabalarning bunday ideallari jumlasiga ularning o'z oldilariga qo'ygan maqsadlari, amal qiladigan qadriyatlarini, intellektual rivojlanishdagi faolliklari kabilarni kiritish mumkin.

Geografiya ta'limi jarayonida talabalarning intellektual rivojlantirish faolliklari ularning intellektual taraqqiyotini ta'minlovchi asosiy omil sifatida quyidagilarda namoyon bo'ladi:

✓ *mujassamlashtiruvchi*; talabani darsda boshqaruvchilik xulq-atvori, faoliyati, atrof-dagilar bilan o'zaro muloqoti, shaxsiy taraqqiyoti, intellektual darajasi ularning turli holatlar va vaziyatlarda barqaror fikrlashiga asoslanadi;

✓ *tizimlashtiruvchi*; talabaning har birtopshirini tizimlab bajarishi intellektual yutuqlarga erishish imkonini beradigan holatlar;

✓ *maqsadlarni shakllantiruvchi*; talabalarning intellektual taraqqiyotlarini yo'naltiruvchi va uning tarkibiy qismlarini tashkil etuvchi ko'rsatgichlar;

✓ *tanlov imkoniyati*; atrof-muhitdagi barcha hodisalarni o'zlashtirish imkoniyatini ta'minlovchi, idealga bo'lgan munosabat;

✓ *izlanuvchanlik*; maqsadning shakllanishi uchun zarur bo'lgan shaxsiy sifatlar, bilimlar, ko'nikmalarni izlash imkonini beradigan vaziyatlarni qidirish, talabalarni intellektual rivojlantirishga to'siq bo'ladigan bo'shliqlarni to'ldirish.

Izlanuvchanlik faoliyati talabalarni intellektual rivojlantirishda bir bosqichdan ikkinchisiga o'tish uchun nihoyatda zarurdir. Shuning uchun ham, talabalarning izlanuvchanlik faoliyatlari ularning intellektual taraqqiyotini ta'minlashda nihoyatda muhimdir. Bu faoliyat asosan talabalarning geografiya darslarida mustaqil bilim olish orqali rivojlanishlarida namoyon bo'ladi.

Yuqori malakali pedagoglarni tayyorlaydigan pedagogika universitetimizning geografiya ta'lim tizimida zamonaviy innovatsiyalar quyidagi yo'llar orqali tatbiq etilmoqda:

- axborot va kommunikatsion texnologiyalar-texnologik innovatsiyalar;

- ta'lim-tarbiya jarayonining mazmunini yangilash, uning borishi va talabalarning bilish faoliyatini faollashtiruvchi texnologiyalar-pedagogik innovatsiyalar;

- iqtisodiy-ijtimoiy geografiya ta'limi sohasidagi zamonaviy iqtisodiy mexanizmlar - iqtisodiy innovatsiyalar;

- darsjarayonida zamonaviy tuzilmalar - tashkiliy innovatsiyalar;

Masalani yana shu tamoni ham borki, mazkur tipdagi faollik har doim ham vujudga kelavermaydi, faqat o'qituvchining maqsadga muvofiq pedagogik ta'sir ko'rsatishi va qulay pedagogik-psixologik muhitni tashkil etish mahorati tufayligina vujudga keladi.

Xulosa qilib shuni ta'kidlashimiz mumkinki, yuqorida qayd etilgan innovatsiyalar ta'lim-tarbiya jarayoniga kompleks holda joriy etilishi geografiya o'qituvchisidan metodik bilim, ko'nikma va malakalar, shuningdek, pedagogik kompetensiyani talab etadi. O'qituvchining zamonaviy metodik bilim, ko'nikma va malakalarni egallashi, shuningdek, pedagogik kompetensiyaning mavjudligi uning o'z pedagogik faoliyatida barkamol shaxsni voyaga yetkazishni nazarda tutishiga asos bo'ladi.

ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Қодиров Х.Х., Боқиев И.Р.*

Тошкент ахборот технологиялари университети

Ҳозирги кунда ахборот технологиялари кундан-кунга ривожланиб бормокда. XXI аср ахборот технологиялари асри бўлганлиги сабабли ахборот технологиялари деярли барча соҳага кириб борди. Агар ахборот технологияларини география фанига татбиқ этсак география фанини ўқитиш методикасида бир қанча юкутларга эришамиз. Бунинг учун биз ўтган асрдаги доска, бўр каби предметлардан воз кечиб унинг ўрнига компьютер, проектор, электрон доска ва шу каби технологиялардан фойдаланишимиз керак. Ҳозирги кунда интернет бутун дунёда кенг қўлланилмоқда. Биз ҳам бундан унумли фойдаланган ҳолда, харита, глобусларнинг ўрнига интернет орқали online харитани проекторда кўрсатилса, география ўқитувчисининг дарс ўтишига ва дарснинг сифати ошишига эришилади. Шу билан бир қаторда ўқувчида ҳам қизиқиш ортади. Online хаританинг қулайлик тарафлари шундаки унда катталаштириш, кичрайтириш, қидириш ва шунга ўхшаш кўплаб функциялар мавжуд. Харитада ифодаланган кичик ҳудудларни ўқувчи харитасида саклаб қолишга қийналади. Шу сабабли online харитада ушбу ҳудудни катталаштирилиб кўрсатилса ўқувчига тушунарли ва эсда қоларли бўлади. Қуйида биз 5-10-синфгача бўлган ораликда география дарсликларидagi маълумотларни қуйидаги сайтлар орқали топишимиз мумкин (сайтлар матни охирида келтирилган).

Ушбу дарсликлар умумтаълим мактабларининг 5-10-синфгача ўқувчилари учун дарслик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган. Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги “Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш Маркази” томонидан тайёрланган. Ушбу электрон дарсликни қуйидаги сайтлар орқали юклаб олишингиз мумкин.

<http://geografiya.uz>

<https://kitobxon.com>

<http://n.ziyouz.com>


<http://library.ziyouz.com>

Файл қандай очилади?


Китоб файллари DJVU форматда бўлиб, китобни очиш учун сизда керакли дастур ўрнатилган бўлиши лозим. Юқорида келтирилган методикани 6-синф география фанидаги “Океан бойликлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш” мавзусини интернет орқали

*Қодиров Х.Х.– Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети талабси.;
Боқиев И.Р.- Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети талабси.;


ёритиб берамиз. Бунинг учун Google Chrome интернет browser нинг қидириш тизимига “6-синф география” деб қидирувга берамиз.



Қидирувга берганимиздан сўнг қуйидаги маълумотлар экранда пайдо бўлади. Биз бу ердан биринчи турган сайтга киришимиз.



Сайтга кирганимиздан сўнг ойнада қуйидаги саҳифа очилади. Биз саҳифадан китобни юклаб оламиз.



Ўқитувчи ўзига керакли бўлган мавзуни юқорида келтирилган тартибда топиб, ўқувчиларга етказиб бериши мумкин. Худди шу тартибда ўқитувчилар мактаб дарсликларини топиб ундан фойдаланишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги “Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш Маркази” томонидан тайёрланган 6-синф география китоби.
<http://geografiya.uz>, <https://kitobxon.com>, <http://n.ziyouz.com>, library.ziyouz.com

УМРИНИ ИЛМ-ФАНГА БАҒИШЛАГАН УСТОЗ

Н.Р.Алимқулов (ТДПУ)

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан маънавиятимизни тиклаш ва уни янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, заминини мустаҳкамлаш ва замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадида таълим жараёнига катта эътибор бериб келмоқда. Ҳаммамизга маълумки, таълим тизимини ривожлантиришда қандай босқич бўлмасин яратилган ва яратилаётган илмий, илмий-методик, илмий оммабоп адабиётлар, дарсликлар ва ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар олимларимизнинг йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотлари, машаққатли меҳнатлари ва катта тажриба тўплашлари натижасида амалга оширилади.

Ўзбекистонда география фани ва география таълимининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган олимлардан З.Акрамов, Ҳ.Ҳасанов, О.Мўминов, Т.Мирзалиев, П.Баратов, М.Маматқулов, А.Солиев, П.Мусаев, М.Набиҳонов, Т.Абдуллаева, П.Ғуломов ва бошқалар каторида география илмининг жонқуяр олимларидан саналадиган иқтидорли, захматкаш ва камтар инсон УСТОЗ география фанлари доктори, профессор Хурбой Вахобович Вахобовнинг ҳам ўз ўрни ва ҳиссаси сезиларли даражада бор, албатта.

Профессор Х.Вахобов табиий география, ландшафтшунослик, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ер билими, ландшафтшунослик, геоэкология ва иқтисодий географик билимлар билан биргаликда география таълими муаммолари билан шуғилланган олим бўлган. Мана шундай илмий тадқиқотларни олиб борган олим томонидан умумий ўрта, ўрта махсус тизими ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ва ёрдамчи мактаблар учун бир қанча дарсликлар, ўқув, ўқув-

услубий кўлланмалар, илмий оммабоп рисола ва монографияларнинг яратилганлиги олиб борган илмий тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

Таниқли олим ва моҳир педагог, география фанлари доктори, профессор Хурбой Вахобович Вахобов (Қодиржон Абдувахобов) 1948 йил 22 октябрда Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани Хонобод (Хонобод шаҳри) қишлоғида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1966 йили ўрта мактабни аъло ва яхши баҳоларга битирган устоз табиатга бўлган кучли қизиқиши, мухаббати Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультетига етаклайди ва ўқишга киради. Домла олий даргоҳда ўқиши давомида жуда зукко, билимли талаба бўлган ва гуруҳдошлари орасида илмга бўлган интилиши сезиларли даражада бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, бу ҳислатларини домла билан бир гуруҳда таҳсил олган география фани ва таълими соҳасига ўз ҳиссаларини қўшган олимлар география фанлари доктори, профессор А.А.Қаюмов, география фанлари номзоди, доцентлар Б.Махмудов, З.Раимжонов, А.Эгамбердиев ва Ш.Пўлатовлар томонидан берилган илиқ фикрлардан билганман. Ўқишни 1971 йилда мувафакқиятли тугатган Х.Вахобов шу йилнинг ўзида илмий фаолиятини Ўзбекистон Геология вазирлиги қошидаги “Гидрогеология ва инженерлик геологияси” (ГИДРОИНГЕО) илмий тадқиқот институтида (1970-1975йй) катта лаборантликдан бошлаган, кейинчалик кичик илмий ходим лавозимида фаолият кўрсатган. Мазкур институтда устоз дастлаб геодинамик вазифаларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ечиш учун стандарт дастурлар ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Сўнгра 1975-1978 йилларда институтнинг кундузги аспирантура бўлимида ўқишини давом эттирган ва ер пўстидаги номустваҳкам зоналарни конлар деворининг мустваҳкамлигига таъсирини баҳолаш бўйича Арманистон ФА нинг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Г.И.Тер-Степанян ва геология-минерология фанлари номзоди Р.А.Ниёзовлар раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини ривожлантирган. 1978-1982 йиллар давомида “Гидрогеология ва инженерлик геологияси” (ГИДРОИНГЕО) илмий тадқиқот институти “Инженерлик геодинамикаси” бўлими кичик илмий ходим, 1982-1987 йилларда катта илмий ходим, 1987-1988 йилларда “Инженерлик геологияси ва гидрология” лабораторияси мудири, 1988-1990 йилларда “Инженерлик геологияси ва гидрология” лаборатория бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатган.

1981 йилда домла ЎзР ФАнинг “Гидрогеология ва инженерлик геологияси” (ГИДРОИНГЕО) илмий тадқиқот институтида “Исследование ослабленных зон на угольных месторождениях и их влияния на устойчивость бортов карьеров (на примере угольных месторождений Средней Азии)” мавзусида 04.00.07–Инженерлик геологияси, музлокшунослик ва грунтшунослик мутахассислиги бўйича диссертациясини ҳимоя қилган ва геология-минерология фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон миллий университети “География” факультетининг “Табиий география ва география таълими методикаси” кафедрасида педагоглик фаолиятини бошлаган. 1990-1993 йилларда кафедрада катта ўқитувчи, 1994-2001 йилларда доцент, 2001-2003 йилларда профессор (Низомий номидаги ТДПУ “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасида ўриндош) лавозимларида талабаларга фаннинг сирларини ўргатган. Устоз педагоглик фаолиятини олиб бориш биргаликда илмий тадқиқот ишларини ҳам давом эттирган ва унинг натижаси сифатида 2001 йилда “Оценка и прогноз формирования горнопромышленных ландшафтов и физико-географические основы их рекультивация” мавзусида 11.00.01-Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимияси ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва география фанлари доктори илмий даражасини олган.

Профессор Х.Вахобов олиб борган илмий тадқиқотларида асосий эътиборни номзодлик диссертациясида Ўрта Осиёдаги кўмир конлари карьерларининг ёнбағирлари чидамлилиги ҳамда кўмир конларининг заиф жойларини тадқиқ қилишга қаратган. Унда кўмир қазиб олинган худудларда табиий географик жараёнлар, айниқса сурилма ва ўпирилма жараёнларининг кучайиши ва уларга қарши ишлаб чиқиш лозим бўлган чора-

тадбирлар мажмуасига эътибор берган. Ишнинг катта қисмида Ангрэн кўмири ва унинг табиатга таъсири ўрганилган ҳамда кенг миқёсда таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда вужудга келган ва айниқса мустақиллик йилларида тараққий этган тоғ-кон саноатининг техноген ландшафтларига табиий географик жиҳатдан ёндашишга қаратилган докторлик диссертацияси мазмунинг асосини тоғ-кон саноати ландшафтларининг шаклланиш жараёни, ривожланиши, морфологик тузилишини ўрганиш ва уларни қайта тиклашнинг табиий географик асосларини ишлаб чиқишга қаратган. Шунингдек, табиий географияда техноген ландшафтларни ўрганиш бўйича инженер-географик ёндашув асосида тоғ-кон саноати ландшафтларининг шаклланиши, бузилган ерлар ва тоғ-кон саноати ётқизиқлари натижасида ҳосил бўлган антропоген ландшафтлар ҳамда уларни башорат қилиш, атроф-муҳит муҳофазасига доир инженер-географик жиҳатдан чора-тадбирларни ишлаб чиққан ва республикада илк бор тоғ-кон саноати таъсири натижасида ҳосил бўлган ландшафтларга инженер-географик баҳолаш ишларини амалга оширган. Олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида домла томонидан 150 дан ортиқ илмий мақолалар, дарсликлар, ўқув, ўқув-услубий кўлланмалар, монографиялар ва дастурлари чоп қилинган.

Профессор Х.Вахобов 2003 йилдан 2010 йилгача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Табиёт фанлари факультети “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасида кафедра мудири лавозимида ўз фаолиятини давом эттирган йилларни барчамиз илиқ тассурутлар билан эслаймиз. Домла кафедрада илк фаолиятини бошлаган даврда кафедранинг илмий салоҳиятини янада ошириш, “География ва иқтисодий билим асослари” бакалаврият таълим йўналиши ва “География” магистратура мутахассислиги бўйича янги ДТС, ўқув режа, фан дастурларини яратишга ва ўқув, ўқув-услубий ишларни ривожлантиришга қаратган ҳамда табиий география бўйича аспирантурани ташкил қилган. Шу даврда кафедрада фан доктори, профессорлар Х.Вахобов, П.Баратов, А.Ўразбоев (асосий) А.Қаюмов, А.Ниғматов), фан номзоди, доцентлар (А.Қурбонов, М.Набихонов, Б.Миртурсунов, З.Раимжонов, А.Низомов, А.Хожиматов, М.Адилова, И.Абдуллаев, З.Аманбаева, Н.Алимқулов, Н.Сафарова) фаолият кўрсатган ва илмий салоҳиятни 67%га кўтаришга эришган. Шу билан биргаликда устоз ташаббуси билан кафедрада 2006 ва 2008 йилларда “География фанининг долзарб назарий ва амалий муаммолари” мавзусида Республика илмий-амалий анжуманлари ташкил қилинди.

Домла қайси даргоҳда фаолият кўрсатмасин доимо жамоа билан ҳамнафас ва жамоат ишларида фаол бўлиб келган. Шунинг учун ҳам домла бир неча йиллар давомида Ўзбекистон миллий университети қошидаги Ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби, Тошкент давлат педагогика университети илмий кенгаш аъзоси, Табиий фанлар факультети ўқув-услубий кенгаши раиси каби лавозимларида фаолият кўрсатган. Шунингдек, Ўзбекистон миллий университетида ташкил қилинган К.067.02.05 рақамли ихтисослашган кенгаш, Гидрометрология илмий-тадқиқот институти қошидаги табиий ва иқтисодий география, гидрология ва иқлимшунослик фанлари бўйича ихтисослашган кенгаш аъзоси, Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон давлат университети география фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини берувчи Д.14А.01.37 кенгашининг аъзоси ва Ўзбекистон география жамияти раёсати ҳамда жамият ахбаротининг таҳририят аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатган. Х.Вахобов 5 та докторлик ва 10 дан ортиқ номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилган. Бу ишонч олимнинг илмий салоҳияти, поклиги, талабчанлиги ва адолатлилиги берилган ижобий баҳодир. Домла ишлаган жойда албатта дўстона кайфият, ҳамжихатлик муҳити шаклланган, бу эса география фанининг янада ривожланиши учун қулай шароит яратилишига туртки бўлган. Домла раҳбарлигида 5 та номзодлик, 30 дан ортиқ битирув малакавий иш ва магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Х.Вахобов раҳбарлигида куйидаги номзодлик диссертациялари: М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида ташкил қилинган К.067.02.05 рақамли ихтисослашган кенгашда 11.00.01-Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимияси ихтисослиги бўйича Ш.Досанова “Влияние гидроморфных условий на формирование агроландшафтов

Хорезмского оазиса” мавзусида (23.01.2002 йил), И.Х.Абдуллаев “Оценка и прогноз формирования антропогенных ландшафтов в зоне влияния Чарвакского водохранилища” мавзусида (18.11.2005 йил), З.С.Саидкаримова “Флюарит конларини қазиб олиш жараёнида ландшафтларда бўладиган ўзгаришларни баҳолаш ва башорат қилиш” мавзусида (4.02.2006 йил), О.Мирзамахмудов “Шимолий Фарғона адирларининг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш (Наманган вилояти мисолида)” мавзусида (21.02.2007 йил), Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги К.128.10.01 рақамли ихтисослик кенгашида 11.00.01- Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси ихтисослиги бўйича Н.Р.Алимқулов “Жиззах вилоятининг ландшафт-экологик шароитини баҳолаш” мавзусида (1.05.2008 йил) ҳимоя қилган ва география фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлганлар ва бунда домланинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

Профессор Х.Вахобов билан фаолият олиб борган даврларда (2003-2010 йиллар) олимнинг республика географлари орасида хурмат эътибор қазонганлиги, кенг фикр эгаси, илмий тадқиқотчиларга талабчан ва ташаббускор, моҳир педагог – устоз эканлигини турли конференцияларда, ҳимояларда, турли йиғинларда кўриб ишонч ҳосил қилганман. Домланинг инсон сифатидаги ижобий хусусиятлари, камсухан ҳамда доно, кенг мушоҳада юритиб, ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этувчи, бутун ҳаёти давомида ортирган ушбу фазилатлари оиласи, дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари учун асло сир эмас. Бу жиҳатларни домлани таниган, билган ҳар бир инсон меҳр билан тилга олади, эслайди ва кадрлайди (охиратлари обод бўлсин). Ана шу фазилатлар домланинг раҳбарлик ва педагоглик фаолиятида катта муваффақиятларга ва оилавий ҳаётида турмуш ўртоғи Манзура ая билан биргаликда бахт-саодатга эришган ҳамда 3 та фарзанд (Улуғбек, Мансур ва Наргиза) ва 8 та набиранинг севиқли раҳномаси бўлган.

Ўзбекистон география фани ва кафедра учун қилган ишларини инобатга олиб 2014 йилда битирувчи курс талаба Ю.Эсанбекова томонидан “Профессор Х.Вахобовнинг илмий фаолияти ва география фанига қўшган ҳиссаси” мавзусида битирув малакавий иши бажарилди ва имкон даражасида фаолияти кенгроқ ўрганилди. Ишни бажариш давомида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан фикрлари ўрганилган ва улардан айримларини келтиришни лозим деб билдим.

“Х.Вахобов инсон сифатида ниҳоятда камтарин, билимдон, қўлидан келганича инсонларга безараз ёрдам берадиган, Ўзбекистонда биринчилар қаторида тоғ-кон саноатида фойдаланиш оқибатида бузилган ҳудудларни рекултивация қилиш соҳасидаги етук олим эди. У юқори мутахассислар тайёрлашдан ташқари умумий ўрта мактаблар, ўта-маҳсус ва олий таълим талабалари учун дарсликлар муаллифидир. Мен Х.Вахобов билан кўп йиллардан бери ҳамсуҳбат бўлган инсон сифатида уни ниҳоятда маданиятли, дўстларга меҳрибон инсон эканлигига комил бўлганман”. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, профессор П.Баратовнинг бу фикрларини кафедранинг барча аъзолари томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдира оламан.

Х.Вахобов кафедрани бошқарган даврдан ўриндош сифатида доимий ёнида ва ҳамфикр бўлган устозлардан бири марҳум профессор А.С.Солиев шу йиллари (2014 й) БМИ ва МД лар аттестация комиссияси раиси сифатида кафедрага таклиф қилинган ва ўзининг домла ҳақидаги илиқ фикрларини қолдирган. *“Марҳум профессор Хурбой Вахобов ажойиб инсон, меҳнаткаш, одил ва оқил олим эди. Камсухан лекин пурфикр, чуқур ўйлаб аниқ ва лўнда гапирар, бағри кенг, вазмин ва сабрли раҳбар бўлган. хурбой мендан икки йил кейин университетни битирди, “аълочи” талаба эди. Докторлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида ва уни ёқлашда қадрдон дўст сифатида ёнида турганман. Миллий университетдан кетиши ўзи ўқиган олийгоҳ учун катта йўқотиш бўлган бўлса, Низомий номидаги педагогика университети учун улкан ютуқ бўлди: ўқув режалар такомиллашди, илмий-педагогик салоҳият кучайди, кадрлар тайёрлашга, конференциялар ўтказишга жиддий эътибор қаратилди. Менинг ушбу университетда ўриндош сифатида ишлашга ҳам айнан ана шу улғ инсон сабаб бўлган. Профессорнинг хотираси мен учун абадий, унинг*

оиласи билан хабарлашиб тураман, афсуски, шундай иқтидорли, кенг қамровли олим орамиздан бевақт ва барвақт кетди”.

Устоз Х.Вахобов 2003-2010 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “География ва уни ўқитиш методикаси” кафедрасида кафедра мудирининг лавозимида фаолиятини олиб борган вақтларда кафедра аъзоларига илмий ишларни ривожлантиришга, журналларга илмий мақола ва тезислар тайёрлаш ҳамда нашр қилишга катта ёрдам берган, турли тадбирларда ташаббускор бўлишга ўргатиб келган. Домланинг ишларини давом эттириш, доимий хотирлаш биз шогирдларнинг вазифамиз эканлигини чуқур ҳис қилиб қоламиз.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA OB-HAVO VA IQLIM MAVZULARINI O‘TISH

Hasanova N.S., Jo`rayeva L.T., Hasanova N. F*

Hayotimizda ob-havoning ahamiyati juda kattadir. Hozirgi kunda kishilar o‘zlarining amaliy faoliyatini kutilayotgan ob-havo sharoitiga qarab rejalashga harakat qiladilar. Odamlar, ayniqsa, ob-havoning noqulay hodisalarini oldindan bilsa, ularning zararli ta’siridan saqlanish uchun ehtiyot choralarini ko‘radilar. Shuning uchun ham hozirgi vaqtda radio va televideniya orqali ob-havo haqida beriladigan ma’lumotlarni zo‘r qiziqish bilan eshitmaydigan kishilar kamdan-kam topiladi.

Ob-havoning o‘zi nima? Kundalik hayotimizda ob-havoni juda qisqa ta’riflashga o‘rganib qolganmiz: havo ochiq, havo bulutli, havo sovuq yoki iliq deymiz va hokazo. Biroq ob-havoga beriladigan bunday ta’riflar aniq emasligi ko‘pincha ko‘zga yaqqol tashlanib qoladi.

Ob-havo - atmosferaning uzluksiz ravishda o‘zgarib turuvchi holati. Mazkur joyda shu ondagi yer yuzasi va erkin atmosfera ob-havosi meteorologik kattaliklar (harorat, bosim, havo namligi, shamol va b.) qiymatlari va atmosferadagi suv bug‘lari kondensatsiyasi va shamol xususiyatlariga bog‘liq holda vujudga keluvchi hodisalar (bulut, tuman, momaqaldiraq, qor bo‘roni va h.) yig‘indisi bilan aniqlanadi. Insonning amaliy faoliyatidan kelib chiqqan holda meteorologik kattaliklar va hodisalarning har xil majmui tanlab olinadi. Ob-havoni "yaxshi" yoki "yomon"ligi shunga ko‘ra baholanadi.

Birorta meteorologik elementning o‘zgarishi boshqa elementlarning o‘zgarishiga sabab bo‘ladi, shuning uchun ob-havo holati hamma vaqt o‘zgarib turadi. Shunga qaramasdan ilm-fan va zamonaviy texnik jihozlar bilan qurollangan shu soha mutaxassislari kelgusidagi ob-havoni oldindan aytib bera oladilar. Bunda, albatta, hech qanday ajablanarli sir yo‘q. Tabiatdagi boshqa hodisalar kabi, ob-havo holatining o‘zgarishi ham ma’lum qonuniyatlarga bo‘ysunadi: ob-havoning har qanday o‘zgarishi muayyan obyektiv sabablar bilan vujudga keladi. Ob-havoning ana shu o‘zgarish sabablarini o‘rganib, uning o‘zgarish qonuniyatlarini bilib olish, uni oldindan aytib berishga imkon beradi. Ya’ni, atmosferada ro‘y beruvchi barcha jarayon va hodisalarni sinchiklab o‘rganish va tahlil etish kerak bo‘ladi.

Biror hududning iqlimi o‘sha hududdagi ob-havo bilan uzviy bog‘langanligini ko‘pchilik biladi. Shu sababli, eng avval **ob-havo va iqlim** tushunchalarining farqini tushunib olish kerak. Ob-havo deganda, biror joy yoki hudud atmosferasidagi meteorologik kattaliklar uzluksiz o‘zgarishlarining majmui tushuniladi. Ob-havo yildan-yilga ma’lum chegaralarda o‘zgarib turadi.

“Iqlim”, - deganda Yer sharidagi har bir joyning geografik holatiga qarab aniqlanadigan atmosfera rejimi (ob-havo sharoitlari) ning statistik tartibi (o‘rtacha ko‘p yillik ma’lumoti) tushuniladi. Yoki biror joyga xos bo‘lgan ko‘p yillik ob-havo rejimiga iqlim deyiladi.

“Geografik holat”, - deganda faqat joyning geografik kengligi, geografik uzunligi va dengiz sathidan balandliginigina tushunilmay, Yer sirtining xususiyatlari, orografiyasi, tuproq qatlami kabilar ham tushuniladi. Atmosfera rejimi yil davomida, ya’ni qishdan bahorga va yozga, yozdan kuz va qishga o‘tish vaqtida mavsumiy iqlim sharoitida ma’lum darajada o‘zgaradi. Iqlimning o‘zgarishlari tebranish xususiyatiga ega bo‘lib, u yoki bu tomonga iqlimiy me’yordan chetlashib

* **Hasanova Nodira Soyimnazar qizi** - Shaxrisabz 2-DIMI o‘qituvchisi

Jo`rayeva Lobar To`rayevna - Yakkabog‘ 13-DIMI o‘qituvchisi

Hasanova Nilufar Faxriddinovna - Qarshi DU 4- kurs talabasi

turadi.

Iqlim hosil bo'lishida iqlim hosil qiluvchi asosiy omillar bilan birga geografik omillar ham ishtirok etadi. Quyi yuqori geografik kengliklarda, quruqlik va dengiz ustida, tekislik va tog'larda iqlim hosil bo'lish jarayoni turlicha boradi. Shundan kelib chiqib quyidagi iqlim hosil qiluvchi geografik omillarni ajratishimiz mumkin. Geografik, dengiz yuzasidan mutloq balandlik, yer sharida quruqlik va dengizlarning taqsimlanishi quruqlik usti rel'efi, okean oqimlari, o'simlik qoplami, qor va muz qoplami, inson faoliyati.

Geografik kenglik bo'yicha iqlim zonal taqsimlangan. Quyosh radiatsiyasi atmosferaning yuqori qismiga geografik kenglikka qat'iy bog'liq holda tushadi. Yutilgan radiatsiya esa Yer shari bo'yicha juda notekis taqsimlanadi; u bulutlikka, yer yuzasida albedoga, havoning tiniqligiga bog'liq. Lekin umumiy zonallik holati yutilgan radiatsiyada ham saqlanadi. Yer sharida haroratning taqsimlanishi ham zonalikka bo'ysinadi. Haroratga havo sirkulyatsiyasi ham ta'sir qiladi. Issiqlikning zonal taqsimlanishi ko'p komponentlarning zonal taqsimlanishiga bog'liq.

Yer yuzasidan yuqoriga ko'tarilgan sari meteorologik elementlarning zonal taqsimlanishi yaqqol ko'rinib turadi. Chunki yer yuzasining ta'siri kamayadi. Dengiz yuzasidan absolyut balandlik ham iqlimning geografik omillaridan biri sanaladi. Yuqoriga ko'tarilgan sari havo bosimi pasayib boradi, quyosh radiatsiyasi esa ortadi. Havo harorati pasayadi, namlik ham kamayadi. Bunday o'zgarish asosan atmosferada yuz beradi, biroq tog' yonbag'irlarida ham biroz o'zgarish bilan shu qonuniyat saqlanadi. Yog'in ma'lum balandlikkacha oshib boradi, o'simlik zonalari pastdan yuqoriga o'zgarib borgani singari iqlim zonalari ham o'zgaradi. Tog'larda o'simlik zonalari pastdan yuqoriga quyidagicha o'zgaradi. Avvalo keng bargli o'rmonlar, keyin igna bargli o'rmonlar. Bundan yuqorida butasimon o'simliklar, alp o'tloqlari va eng yuqorida doimiy qor va muz qoplami.

O'rmonlar zonasining yuqori chegarasi quruq kontinental iqlim zonasida nam iqlim zonasiga qaraganda ancha balanddan o'tadi, ekvatorida bu chegara 3800 metr balandlikda, subtropiklarning quruq rayonlarida, 4500 metrga to'g'ri keladi. O'rtacha kengliklardan qutblarga borgan sari o'rmonlar chegarasi pasayib boradi, sababi havo harorati past, tunda esa o'rmon umuman yo'q.

Tog'larda dehqonchilik qilinadigan uchastkalar chegarasi o'rmonlar zonasiga to'g'ri keladi. O'rtacha kengliklarda bu chegara 1500 metrgacha.

Tropik va subtropiklarda, 4000 metrgacha. Tibet yassi tog'larida esa 4600 metrgacha ko'tariladi. Quruqlik va suvlikning taqsimlanishi iqlimning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

O'quvchilar bu mavzuda atmosferada yuz beradigan asosiy hodisalar va jarayonlar, ob-havo va iqlim hamda ularni vujudga keltiradigan sabablar to'g'risidagi tushunchalarni o'zlashtiradilar, ob-havoni o'rganish va meteorologik asboblarni bilan ishlashda ko'nikma va malakalarni hosil qiladilar. Bu bilim, ko'nikma va malakalar butun 5- sinf kursi davomida o'quvchilarning o'qituvchi rahbarligida olib boradigan ob-havoni muntazam ravishda kuzatishlari jarayonida tarkib topadi.

"Ob-havo" va "Iqlim" tushunchalarini bilib olishlari uchun o'quvchilar atmosferada ro'y beradigan jarayonlar va ob-havoning ayrim elementlari bilan oldindan tanishib chiqishlari zarur.

Shuning uchun mavzu o'quvchilarga qisman boshlang'ich maktabdagi tabiatni o'rganish kursidan ma'lum bo'lgan atmosfera haqidagi tushunchadan boshlab o'rganiladi.

Shundan keyin atmosferadagi issiqlik jarayonlarga o'tiladi. Termometr va havo haroratini o'lchash usullari bilan ham tanishadilar. Kuzatish materiallari asosida havoning sutkalik va oylik o'rtacha haroratini hisoblab chiqarishga harorat o'zgarishining grafigini chizishga o'rganadilar, quruqlikda va dengiz ustida havoning isish hamda sovish sharoitlarini, okean sathidan balandlashgan sari haroratning o'zgarib borishini tushunib oladilar. So'ngra atmosferada ro'y beradigan dinamik jarayonlar ko'rib chiqiladi.

O'z navbatida ob-havo va uning mavsumlari davomida o'zgarishi to'g'risidagi tushunchani o'zlashtirish o'quvchilarni iqlim to'g'risidagi tushunchaga olib kelishga yordam beradi va shundan keyin, atmosfera jarayonlarni tushunishga asoslangan holda iqlimning turli omillariga, geografik kenglikka, dengiz va okeanlarning yaqin-uzoqligiga, okean oqimlariga, joyning balandligi va relyefiga bog'liq ekanligini tushunishga imkon beradi.

Iqlim to'g'risidagi umumiy tushuncha o'z joyining iqlimi to'g'risidagi tushuncha bilan aniqlashtiriladi. Shu joydagi meteorologiya stansiyalari ma'lumotlariga va tegishli adabiyotlarga asoslanib, o'qituvchi o'quvchilarga mahalliy iqlimni ta'riflab beradi va uning sabablarini sodda qilib tushuntirib o'tadi.

Mavzu materialini darslarga taqsimlashning taxminiy rejasi quyidagi taribda taklif etish mumkin.

1. Atmosfera to'g'risida tushuncha.
2. Termometr. Haroratning sutka davomida o'zgarishining grafini chizish.
3. O'rtacha haroratlar. Oy davomida harorat o'zgarishining grafigini chizish.
4. Haroratning balandlikka bog'liq ekanligi va quruqlik hamda suv ustida havoning isishi.
5. Atmosfera bosimi va uning yuqori ko'tarilgan sari o'zgarishi va atmosfera bosimini o'lchash.
6. Shamol va uning paydo bo'lishi.
7. Shamolning yo'nalishi hamda kuchini aniqlash. Flyuger bilan ishlash.
8. Atmosferadagi suv bug'lari. Tuman va bulutlar.
9. Yog'in-sochin va uni o'lchash. Yog'in miqdorini o'lchaydigan asbob va qor o'lchagich reyka bilan ishlash.
10. Ob-havo. Ob - havoni kuzatish va uni oldindan aytib berish.
11. Iqlim. Iqlimning geografik kenglikka bog'liq ekanligi.
12. Iqlimning okeanlar va dengizlarga, okean oqimlarining yaqin-uzoqligiga, joyning dengiz sathidan balandligiga va relyefga bog'liq ekanligi.
13. O'z joyining iqlimi.

Ob-havo 5-sinfda o'quv yilining boshidan to oxirigacha kuzatib boriladi. "Ob - havo va iqlim" mavzusi o'rganishdan oldin o'quvchilar ob-havo elementlari to'g'risida bilimga ega bo'lib borishlari kerak bo'ladi.

МУНДАРИЖА

<u>ЯЛПИ МАЖЛИС МАЪРУЗАЛАРИ</u>	
Хикматов Ф.Х., Артикова Ф.Я., Аденбаев Б.Е., Юнусов Г.Х., Хужамова М.Т. <i>Проблемы изменения климата и опыт отражения их в учебной литературе вузов</i>	4
Баратов П., Алимқулов Н.Р. <i>Ўзбекистон географиясининг баъзи бир муаммолари</i>	8
Қаюмов А.А. <i>Ўзбекистонда иқтисодий география фани ва иқтисодий районлаштириши ҳолати</i>	11
Абдулқосимов А.А., Ярашев Қ.С. <i>Ландшафт сферасининг асосий хусусиятлари ва структураси</i>	15
Алибеков Л.А., Алибекова С.Л. <i>Ўзбекистонда халқаро тоғ туризмини ривожлантириши муаммолари ҳақида</i>	18
Абдуллаев И.Х., Сайфуллаева Ш. <i>География фанларида замонавий педагогика технологияларини қўллаш муаммолари</i>	24
Safarova N., Altibaeva M. <i>Xizmat ko'rsatish tarmoqlari va ularni jahon iqtisodiyotidagi o'рни</i>	26
<u>ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ</u>	
Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А. <i>Междисциплинарные аспекты изучения генезиса почвенного покрова на территории Узбекистана</i>	28
Abdullayev S.I., Muqimova N. I., Nazarov M. G. <i>Sakral landshaft - geografik tadqiqot predmeti</i>	30
Abdullayev S. I., Murtazayev B.Ch. <i>Madaniy lahdshaft konsepsiyasi</i>	33
Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х. <i>Жануби-ғарбий Ҳисор тоғлари геоэкологиясига доир</i>	36
Алимқулов Н.Р., Рискибоева М.О., Ходжаматова Н.А. <i>Дунё океани ресурсларидан нооқилона фойдаланиш муаммоси</i>	38
Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х. <i>Ўзбекистон тоғларидаги ландшафт ва биологик хилма-хилликни асрашнинг экологик жиҳатлари</i>	40
Аллаберганов Ю.О., Дўсанова Ш.Б. <i>Хоразм вилояти агроландшафтларининг геоэкологик хусусиятлари</i>	41
Баратов П., Матназаров А. <i>Учта тизма бирлашган тугун</i>	43
Джаксымуратов К. Базарбаев М. <i>Гидрогеоэкология Аральского моря</i>	45
Жумаев Х.Х. <i>Туризм ривожланишига табиий рекреацион ресурсларнинг таъсири</i>	48
Иброимов Ш.И., Бўрибеков М.Ф., Аллаёров Р.Х. <i>Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристтик имкониятлари ва улардан фойдаланиш</i>	50
Рафиқова Н.А. <i>Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг назарий ва методологик асослари</i>	52
Рахматуллаев А., Адилова О., Баратов Х.А. <i>Ғубдин тоғида чўлланши жараёнини мониторинг майдончалар ёрдамида ўрганиш</i>	55
Raxmatullayev A.Y., Ismoilova G. N., Karakulov N.M. <i>Qashqadaryo vohasining tihofazaga olingan baliq turlari</i>	57
Рахимов М.Ш., Халилов Ш.Х. <i>Коллемболаларнинг тупроқнинг ҳарорати ва намлигига бўлган муносабати</i>	60
Сабирова Н.Т. <i>Айдар-Арнасой қўллар тизимига туташ агроирригацион ландшафтларнинг тупроқлар деградацияси</i>	61
Толепбергенов.М.Ж. <i>Природные особенности плато Устюрт</i>	63
Тўраев Қ.Т., Эрданов. М.Н., Пардаев Ч.Э. <i>Сурхондарё вилоятининг экотуризмни ривожлантириши имкониятлари</i>	64
Усманова Р., Собирова Г. <i>Ландшафт рекреация тизимларининг тадқиқот усуллари хусусида</i>	67
Usmanova R. Qilichova Sh. <i>Qashqadaryo viloyati balandlik mintaqalarining rekreatsiya</i>	69

<i>imkoniyatlari xususida</i>	
Ходжиматов А.Н., Усмонхўжаева М.А. <i>Воҳа ва чўл парагенетик геотизимлар сифатида</i>	71
Холмуродов Ш.А., Турсунбоева Н.Ё. <i>Экотуризмнинг мазмун–моҳияти тўғрисида</i>	74
Xoldorova G.M., Haydarova S.A., To'lishева M. <i>Mirzacho'lning yer resurslaridan oqilona foydalanish muammolari va istiqbollari</i>	77
Шаджалилов Ш.Ш., Абдуллаев И.Х. <i>Оҳангарон антропогенезида техноген ўзгаришларнинг турлари ва уларни таснифлаш масалалари</i>	80
Yunusov G'X., Jumayev I.S., Alimardonov L.G'. <i>Qashqadaryo vohasida havo haroratining o'zgarishi</i>	83
O'ngarov M., O'rinbayeva T.B., Ochilova S. <i>Yashilikda tiriklik aksi</i>	85
Гўдалов М.Р. <i>Айдар-Арнасой кўллари тизимида суви кўнайишининг табиий географик жараёнларга таъсири</i>	87
Ҳамидов А.А. <i>Ўзбекистонда ландшафт тадқиқотлари ва ландшафтларни карталаштиришининг такомиллашуви</i>	90
<u>ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ ВА РЕГИОНЛАР ГЕОГРАФИЯСИ</u>	
Абдуллаев А.Г. Абдуллаева М.Г., Жабборов Б.Б., Матчанов Н.Ў. <i>Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат тармоқлари ривожланиши ва ҳудудий ташиқил этилишининг айрим масалалари</i>	93
Абдуназаров Ҳ. М. Чориев А.Қ. Эшбоев Н. Ч. Сурхондарё вилоятида кўмир саноатининг тараққиёти	96
Abduxalikov Q.A., Ergashev A.R., Qo'ziyev F.F., Risqiboyeva M. O. <i>Parkent tumanida turizmni rivojlantirish istiqbollari.</i>	97
Алланов Қ.А., Ниёзов Х.М., Алланов Ш.Қ. <i>Сурхондарё вилоятининг рекреацион ресурслари ва туризмни ривожлантириш имкониятлари</i>	99
Аллаберганов Ҳ. А. <i>Республика қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ўрни</i>	101
Алиева Б.А. <i>Озиқ-овқат хавфсизлиги ва униинг географик жиҳатлари</i>	103
Amanbayeva Z.A., Qo'ldosheva G.M. <i>Ijtimoiy-ekologik vaziyatga ta'sir etuvchi omillar</i>	105
Amanov A.Q. Otajonov R.P. <i>O'zbekiston respublikasida erkin iqtisodiy zonalarini tashkil qilishning ikkinchi bosqichi</i>	107
Ахунбобоев М.М., Хидиралиев К.Э., Жавлонов А.А. <i>Ишлаб-чиқариш кучларини жойлашуви ва ривожланишида инсон омилининг ўрни</i>	111
Ахунбобов М.М., Саттаров С. <i>Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш даври талаби</i>	112
Бердикулова М.Т. Бўриева Э. <i>Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг ривожланишида хорижий инвестициялар ўрни</i>	114
Жумаханов Ш.З. <i>Наманган вилояти шаҳарлари ва Наманган агломерацияси ривожланиши</i>	117
Ishmo'minov B.B., Vo'riyeva X.P., Toshtemirov J., Karakulov N.M. <i>O'zbekistonda baliq xo'jaligining iqtisodiy ahamiyati</i>	119
Кадиров М.А. Ражабова Н. <i>Самарқанд вилояти урбанизация жараёни ва шаҳарлар географияси</i>	121
Кадиров М.А. Содикова П. <i>Дунё аҳолисининг табиий ҳаракати</i>	123
Калонов Б.Х., Норов Ш.Ш., Облакулов Ҳ.А. <i>Навоий вилоятида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларларнинг самарадорлигини ошириш масалалари</i>	126
Кадиров М.А. Худойбердиев О. <i>Осиё шаҳарлари географияси</i>	128
Каракулов Н.М., Исломов И.Н., Мирзакулов Д.С. <i>Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришида ташиқ иқтисодий алоқаларнинг роли(Ўзбекистон – Қозоғистон республикаси мисолида)</i>	129

Комилова Н.Қ. <i>Касб касалликлари ва уларнинг социал географик жиҳатлари</i>	131
Макулов Ж.Т. <i>Техноген тусдаги фавқулудда вазиятлар, аҳоли муҳофазаси</i>	133
Mahkamov E., Yo`ldasheva S. <i>Turizmni rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy omillari</i>	134
Murodova D.S. <i>Hududning demografik sig'imini aniqlash (Qashqadaryo viloyati misolida)</i>	136
Murodova D.S, Teshayeva Z. <i>Aholi taraqqiyotining ekologik vaziyatga ta'siri</i>	138
Nurmatov A.O'. <i>Qashqadaryo viloyati turistik industriyasining rivojlanishi (mehmonxona xizmati misolida)</i>	141
Нугманова А.А. <i>Аҳоли бандлигини таъминлашдаги муаммоларни бартарф этиши йўллари</i>	142
Oblaqulov H.A., Kalonov B.H., Latipov N. <i>Xalqaro migratsiya turlari va nazariyalari</i>	144
Очилова М.Б. <i>Жиззах вилоятида туризмни кластер усулда ривожлантириши йўллари</i>	145
Rajabov F.T. <i>Qashqadaryo viloyatida choryachilik mahsulotlari yetishtirishning hozirgi holati</i>	147
Саипов У. <i>Актуальность и подготовка специалистов по «геодемографии»</i>	150
Тожиева З. Н., Махаммадалиев Р.Й. <i>Ўзбекистонда аҳоли ўлимнинг ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар</i>	151
Турдимамбетов И., Искендеров А., Базарбаев М. <i>Қорақалпоғистон республикасининг минерал ресурсларини географик ўрганиши жиҳатдан ҳозирги ҳолати</i>	155
Тўраев Қ.Т., Эрданов. М.Н., Нормаматов Ж. <i>Сурхондарё вилоятида зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг туристик аҳамияти будда дини мисолида</i>	158
Uzaqbaev Q.K., Sharibayev A.M. <i>Atom energiyasi - O'zbekiston energetika sanoatining kelajagi</i>	159
Файзуллаев М.А. <i>Қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташиқил этишининг асосий омиллари</i>	162
Qo'ziyev F., Abdusalikov Q., Musurmonov A. <i>Ekoturizm salohiyatining tamlakatimizda tutgan o'rni</i>	164
Хидиралиев К.Э., Азимов Н.Б. <i>Марказий осие минтақаси ягона иқтисодий-ижтимоий макон сифатида</i>	165
<u>ГИДРОЛОГИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ТОПОНИМИКА МУАММОЛАРИ</u>	
Авезов М.М., Миракмалов М.Т. <i>Микротопонимия ва географик жой номларини гуруҳлаштирилиши</i>	168
Авезов М.М., Никадамбаева Х.Б. <i>Бухоро вилоятидаги жойнинг географик ўрни ва рельеф хусусияти билан боғлиқ топонимлар</i>	171
Алланов Қ.А., Абдумўминов Б.О. <i>Сурхондарё вилояти ҳудудининг топографик хариталарда тасвирланиши ва улардан фойдаланиши</i>	174
Алибаев С.А. <i>Зарафшанское месторождение подземных вод</i>	176
Артикова Ф.Я., Эшқуватов Қ.Ш., Назарова З.К. <i>Чимқурғон сув омборининг иқтисодий самарадорлигини ошириши имкониятлари</i>	181
Байқабиллов Х.М. <i>Осие мамлакатлари номларининг табиий-географик хусусиятлари</i>	183
Валиева Ш.И. <i>Ўрта Зарафшон гидронимлари ва гидроойконимлари</i>	186
Djuraev M.E., Paуziyeva M.U. <i>Hamidulla Hasanov asarlarining toponimik ahamiyati</i>	187
Муминова Н.А. <i>Кўп қаватли биноларни қуришида геодезик ишларнинг аниқлигини ошириши тўғрисида</i>	190
Мурадов Ш.О., Раджабова Д.А. <i>Табиий сувлар метаморфизацияси назариясининг гидрология фанидаги моҳияти ва аҳамияти</i>	193
Мурадов Ш.О., Турдиева Ф.А. <i>Гидрология фанидаги муаммо ва уни ечиши йўллари</i>	195
Низомов А. <i>Беруний Хоразм воҳаси-Амударёнинг қадимги-авандельтаси эканлиги</i>	198

<i>ҳақида</i>	
Низомов А., Маматова Ш.А., Раҳимова Г.А. <i>Аҳоли миграциясини ўрганишида топонимиканинг роли</i>	199
Расулов А.Т., Муборақов Х.М. <i>Қашқадарё дарёсининг бугунги кундаги мелиоратив ҳолатининг электрон геофондини ташиқил этиши масалалари</i>	202
Сағдеев Н.З., Артикова Ф.Я., Азимова Г.У., Ишниязова Ф.А. <i>Внутригодовое распределение стока малых рек-притоков реки Чирчик</i>	204
Сейтнийзов К.М., Отенов Н. <i>Вопросы географической терминологии в Каракалпакстане</i>	208
Солиев Э.А. <i>Фарғона водийсида ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви билан боғлиқ геоэкологик муаммолар</i>	209
Umurova M.H., Rizaeva M. <i>Surxondaryo viloyati joy nomlarining topoforamlar yordamida shakllanishi xususiyatlari</i>	212
Шокиров Р.Ш. <i>Микротопонимлар–тарихий манба сифатида (Фориши туманининг пораит қишлоғи микротопонимлари мисолида)</i>	213
Эгамбердиев А., Мўминов А.А., Юсупов Б.Н. <i>Қишлоқ хўжалигини бошқариши ва режалаштириши учун харита ва атласлар тизимини яратиши масалалари</i>	215
Эшбоев Б.Т., Юсупов Б.Б. <i>Деҳқонобод тумани ойконимлари ясалишининг табиий-географик хусусиятлари</i>	217
Ҳакимов Қ., Камолов М., Эсиргапова Ю. <i>Топонимика ва туризм</i>	219
<u>ГЕОГРАФИЯ ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР</u>	
Абдуллаев И.Х., Каримов И.Э. <i>География дарсларида “лойиҳа” методини қўллаш масалалари</i>	222
Абдалова З.Т. <i>Методические аспекты формирования программных мер по развитию инвестиционной деятельности регионов</i>	224
Абдурахмонов Б., Собиржонова Н. <i>Географик билиши методлари географик маданиятнинг муҳим таркибий қисми</i>	226
Azimov B., Toshpo‘latova N. <i>Umumiy o‘rta ta‘lim maktablari zoologiya kursi samaradorligini oshirishda masala va mashqlarning o‘rni</i>	228
Базарова Н.Ш., Хайриддинов А.Б., Эргашев О.Ш. <i>География фанлари орқали ёшларга экологик таълим-тарбия бериши масалалари</i>	229
Berdiqulova M.T. Rajabova S.S. <i>Geografiya darslarida dunyo aholisiga doir mavzularni o‘qitishda interfaol metodlarning o‘rni</i>	232
Гайпова Р.Т., Тўраев Б., Орынбаева А.Б. <i>География фанини ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари</i>	333
Djumanov J.X., Soliyev N.A., Jabborov E.E. <i>Geografik axborot texnologiyalari asosida axborot-kommunikatsiya tarmoqlarini loyihalashtirish va yaratish</i>	235
Karakulov N.M., Jumatayev R. <i>“O‘rta osiyo tabiiy geografiyasi” fanidan talabalar mustaqil ishini tashkil etish</i>	238
Каримов И.Э., Ғозиева М.Т. <i>Баъзи хорижий мамлакатларда география таълимининг ўзига хос хусусиятлари</i>	241
Мирзамахмудов О., Акрамова З. <i>Табиатишунослик методикаси ҳақида тушунча</i>	244
Muqumova H. I.,Raxmonova B.B. <i>Geografiyadan interfaol metodlar asosida tashkil qilinadigan kechalar xususida</i>	245
Muqumova H. I., Abdullayev S.I. <i>Kurs ishlarini bajarishda ilmiy tadqiqot metodlaridan foydalanish</i>	248
Муратов Ш.О., Киличева Д.И. <i>Экологияни нобиологик йўналишларида ўқитишни инновацион методикаси</i>	251
Рахматов Ю.Б., Салимов Х.В., Вафоқулов У.А. <i>Экологическое образование и эковоспитание</i>	253

Сайдаматов Ф.Р. <i>География таълимида экологик ўлкашуносликнинг ўрни</i>	255
Sultanova N.B. <i>Geografiya ta'limida o'qitish jarayonini loyihalash va rejalashtirish</i>	257
Sultanova N.B., Abdurahmonov M., Toshboyeva F. <i>Umumiy o'rta ta'lim maktablarida tabiat haqidagi bilimlarni shakllantirish va rivojlantirishning metodik asoslari</i>	260
Тошхўжаева Н.Р. <i>География таълимида кичик ҳудудларни ўрганиш муаммолари</i>	262
Файзуллаева М.Р. <i>Мутахассислик фанларни ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш</i>	264
Хамроева Ф.А. <i>Geografiya darslarini o'tishda didaktik materiallarning ahamiyati</i>	266
Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Аллаёров Р.Х. <i>География ва экологик маданият</i>	268
Эргашев О.У. <i>Ўзбекистон табиий географияси дарсларининг экологик таълим-тарбия билан узвийлиги</i>	271
Qalandarova M.K., Po'latova S.M. <i>Geografiya fanini o'qitish samaradorligini oshirishning na'zariy masalalari</i>	273
Қодиров Х.Х., Боқиев И.Р. <i>География фанини ахборот технологиялари асосида ўқитиш методикаси</i>	275
Алимқулов Н.Р. <i>Умрини илм-фанга бағишлаган устоз</i>	278
Hasanova N.S., Jo'rayeva L.T., Hasanova N. F. <i>Geografiya darslarida ob-havo va iqlim mavzularini o'tish</i>	282

“ГЕОГРАФИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДАГИ МУАММОЛАР”

мавзусидаги Илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент, 25 октябрь 2018 йил

Масъул мухаррир:

Доц. Н.Р.Алимкулов

Адади 70 нусха. Бичими 60x84 ¹/₈
Босма табоғи 36,25. «Times New Roman» гарнитураси.
Низомий номидаги ТДПУ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб 103.